

Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ



48-йил чиқиши



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1980

9

Мундарижа

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

О. Содиқов. Ибн Сино ва табиий фанлар ривожи	3
Н. Сафаров. Момақалдиқоқ. Роман	13
З. Обидов. Умри. Достон	57
М. Осим. Ибн Сино қиссаси. Тарихий қисса	66

ШЕЪРЛАР

Н. Ҳасанзода. Шериклар	98
Р. Бекниёз. Умр дафтарида	102
А. Ҳожи. Лирик шеърлар	107
М. Худойқулов. Масаллар	110
А. Чаковский. Ғалаба. Сиёсий роман. Давоми	112
М. Али. Боқий дунё. Шеърий роман. Давоми.	176
У. Рашид. Фарзанд деб... Драма	186

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ 60 ЁШДА

Ш. Шомухамедов. Ленин йўлланмаси самаралари	218
---	-----

КПСС XXVI, ҲзКП ХХ СЪЕЗДЛАРИ ОЛДИДАН

А. Қуронбоев. Сув достони	224
М. Нишонев. Афғонистон: революция давом этмоқда	227
М. Қодиров. Шукур Бурҳонов	232

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Б. Аминов. Фожийлик таҳлили	235
Н. Ҳайитқулов. Изланиш куртаклари	238



Обид Содиқов,

академик, ЎзССР Фанлар академиясининг
президенти

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ТАБИЙ ФАНЛАР РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

1980 йилнинг кузида Урта Осиёнинг буюк қомусчи олими, Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ал-Хусайн ибн Абдулло ибн Сино туғилган кунга 1000 йил тўлади.

Урта Осиёда ўрта аср тафаккурининг Ибн Сино ва унинг буюк замондоши Абу Райҳон Беруний сингари донишмандларининг пайдо бўлиши тасодиф эмас. Бундай машҳур олимларнинг етишиб чиқишига IX—X асрларда Урта Осиёда экономиканинг барча соҳаларида ишлаб чиқариш кучларининг гуркираб ривожланиши, шаҳарлар қурилиши ва савдо-сотиқнинг кучайиши, Бухоро, Самарқанд, Гурганч, Қиёт, Марв ва бошқа шу сингари йирик маҳаллий маданият марказларининг вужудга келиши туфайли фан ва маданиятнинг кескин юксалиши сабаб бўлди. Бу даврда Урта Осиё фани фақат шарқдагина эмас, балки дунё миқёсида ҳам биринчи ўринга чиқди.

Мисол учун, Урта Осиё жаҳон фанига асарлари алгебра ва ўнлик система рақамларига асос бўлган ал-Хоразмий, йирик астроном ал-Фарғоний, буюк файласуф ва энциклопедист олим ал-Форобий, гениал энциклопедист Абу Райҳон Беруний ва ниҳоят Абу Али ибн Сино сингари буюк олимларни берганини айтиш kifоя.

Абу Али ибн Сино 980 йилнинг августида Бухоро яқинидаги Афшон қишлоғида туғилди, 986 йили ота-онаси билан Бухорога кўчиб ўтди, унинг болалиги ва ёшлиги шу ерда кечди. У 17 ёшларида дастлаб файласуф ва табиатшунос ан-Нотилий раҳбарлигида, кейин эса мустақил ҳолда фалсафа, мантик, математика, медицина, физика ва бошқа фанлар асосларини ўрганди. Табиийки, Ибн Сино ўша даврда фан тили ҳисобланган араб тилини мукаммал ўрганди ва бу тилда ўзининг кўпчилик илмий асарларини, шу жумладан машҳур «Тиб қонунлари» ва кўп томли фалсафий энциклопедия — «Шифо китоби»ни ёзди. Ёш Ибн Сино Бухоро амирини даволашга муваффақ бўлди, бу эса унга машҳур Бухоро амири кутубхонасидан фойдаланиш имконини берди. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи таржимаи ҳолида шундай дейди: «Мен кўп

хонаси бўлган уйга кирдим: ҳар бир хонада китоб тўла сандиқлар турарди... Мен шундай китобларни кўрдимки, уларнинг номи кўпчилик кишиларга номаълум. Мен аввал ҳам, кейин ҳам китобларнинг бунчалик кўп тўпланганини кўрмаган эдим. Мен бу китобларни ўқидим, улардан ўзимга фойда олдим ва ҳар бир одамнинг фандаги аҳамиятини тушундим»¹.

Еш Ибн Сино Бухородалигида ўша пайтлар Хоразмда яшаётган Беруний билан илмий ёзишмалар олиб борди. Олимлар табиат фалсафаси ва табиатшуносликнинг коинот системаси, Аристотель ва атомчиларнинг модда тўзилишига доир қарашлари, кўплаб дунёларнинг мавжудлиги ва бошқа шу каби муҳим масалалар юзасидан дадил баҳс юритадилар.

1005 йил атрофида Ибн Сино Хоразм пойтахти Гурганч шаҳрига келади ва Беруний билан учрашади. Уша пайтлар йирик математик ва астроном Ибн Ироқ, табиб ва табиатшунос ал-Масиҳий, табиб Ибн ал-Ҳаммор ва бошқа олимлар шу ерда эдилар, Ибн Сино улар билан яқин алоқа боғлайди. Хоразмда у ўз билимини такомиллаштирди ва бўлгуси тадқиқотлари учун бой материал тўплайди.

Шу тариқа Урта Осиёда, айнан Бухоро ва Хоразмда Ибн Сино Урта Осиё халқларининг кўп асрлик анъаналари ва бой маданий меросга таяниб ва Урта Осиёнинг йирик олимлари билан шахсан мулоқотда бўлиб буюк энциклопедист олим сифатида шаклланади.

1011 йил арафасида Ибн Сино уни ўз саройи олими қилиб олмоқчи бўлган султон Маҳмуд Ғазнавий таъқибдан хавфсираб Хоразмдан чиқиб кетади, Хуросонда бир оз яшаб 1012 йилда Журжонга келади. Бу ерда у Урта Осиёда тўплаган материаллари асосида ўзининг машҳур «Тиб қонунлари»ни ёзишга киришади. У ўзининг энг яқин шогирди Абу Убайд Жузжоний билан шу ерда дўстлашади. Ибн Синонинг ҳаёт йўли ана шу олим томонидан ёзиб қолдирилган ва бизгача етиб келган.

1015—1023 йилларда Ибн Сино Ҳамадонда, кейин 1037 йилгача Исфахонда яшайди ва ўлими олдидан яна Ҳамадонга қайтади ва шу ерда 1037 йил 18 июнда вафот этади. Олимнинг қabri ҳам Ҳамадондадир.

Эронлик олим Саид Нафисийнинг маълумотларига қараганда, Ибн Сино 450 дан зиёд асар қолдирган, шулардан бизгача 250 дан ошқроғи етиб келган. Бироқ бу рақамлар аниқликни талаб этади, чунки бир асарнинг вариантлари ёки йирик асар парчасининг номи алоҳида асар сифатида талқин қилинган бўлиши мумкин². Бундан ташқари Ибн Синонинг етиб келмаган асарлари ҳақидаги барча маълумотлардан Саид Нафисий хабардор деб айтиш қийин. Хусусан, у «Заррин Гисга мактуб»ни эслатмайди. Ҳолбуки, Ибн Синонинг астрономик фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар берувчи бу асар ўз вақтида Берунийнинг жиддий эътиборини тортган эди³.

Бошқа бир Эрон олими Яҳё Маҳдавийнинг таъкидлашича, бизгача Ибн Синонинг 240 га яқин асари етиб келган. Шулардан 131 таси шубҳасиз Ибн Синоникидир, қолганларининг муаллифи эканлиги эса қўшимча аниқлашларни талаб қилади⁴. Бизга етиб келмаган асарлар сонини у кўрсатмаган, лекин Нафисий тадқиқотларига кўра, улар 200 га яқиндир.

¹ В. В. Бартольд. Сочинения, т. 1, Изд-во восточной литературы, М., 1963, стр. 54.

² У. И. Каримов. Ибн Синонинг тиббий мероси ҳақида. «Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига» тўплами. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1980, 124-бет.

³ П. Г. Булгаков. Ибн Синонинг амалий астрономияга қўшган ҳиссаси. Уша китоб, 151—156-бетлар.

⁴ У. И. Каримов. Ибн Синонинг тиббий мероси ҳақида, 124-бет.

Келтирилган маълумотлар, ҳатто уларга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашганда ҳам Ибн Сино сермахсул қобилиятга эга бўлганлиги ҳақида ҳукм чиқаришга имкон беради.

Ибн Сино меросини таҳлил этиш шундан далолат берадики, уни қизиқтирган соҳалар доираси ҳаддан ташқари кенг бўлган; у чинакам комусчи олим эди. Ибн Сино илмий фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этган тиббиёт ва фалсафа билан бир қаторда математика, астрономия, меҳаника, физика, минералогия, мантиқ, психология, этика, адабиётшунослик, тилшунослик, музика назарияси ва бошқа шу сингари фан соҳаларида ҳам баракали ижод қилди. Айни пайтда у таниқли адиб, инсонпарвар шоир ва фалсафий қиссалар муаллифи эди.

Шуни таъкидлаш муҳимки, Ибн Сино фақат ҳар томонлама олимгина эмас, балки фаншунос ҳам эди. У фанларнинг оригинал классификациясини яратди. Ана шу классификациянинг тадқиқотчиси У. И. Каримов унга шундай баҳо беради:

«...Ибн Сино классификацияси асосида фанлар бўлинишининг фан объектнинг ўзига бўлинишига мослигини белгилловчи объектив принцип ётади. Ибн Сино фалсафа фанларининг назарий қисмини уч гурппага ажратганда асос қилиб айнан объектнинг ўзини олади: биринчи гурппа фанлар учун — моддий жисм ва ҳаракат; иккинчи гурппа фанлар учун — предметларнинг сон нисбати ва учинчи гурппа фанлар учун — руҳий мавжудот... Ибн Синода фанларнинг жойлашиш тартиби объектнинг мураккаблашувига мос келади; масалан, у табиатшуносликни асосий қисмларга ажратганида биринчи ўринга кенг қамровли масалаларни қўяди; модда, шакл, ҳаракат ва ҳоказо. Кейин объект сифатида тўрт элемент ва уларнинг ҳолати олинади. Бир босқичдан сўнг у ноорганик табиатга, шундан кейин эса ўсимлик дунёси, сўнгра ҳайвонот олами ва ниҳоят одамнинг руҳий қобилияти ҳамда жон ҳақидаги масалага ўтади»¹.

Ибн Сионинг таъбабат соҳасидаги хизматлари айниқса каттадир. Шу боисдан уни ҳақли равишда инсоният тарихида энг буюк табиб олимлардан бири ҳисоблашади. Ибн Сионинг табиб сифатидаги буюклиги кўп қирралидир: у етук анатом ва моҳир диагност, у новатор хирург ва ажойиб фармаколог ҳамда фармакогност, у педиатрияга ва диететикага янгилик киритди, ўз даври учун оптимал режимга риоя қилиш йўли билан соғлиқни сақлашнинг энг илғор системасини, гигиена ва жисмоний машғулотлар қондасини ишлаб чиқди.

Ибн Сионинг медицина соҳасидаги асари унинг номини абадийлаштирган улкан кўп томли мажмуа «Тиб қонуллари»дир. Ибн Сино бу асарида ўз давригача бўлган таъбабат тараққиётининг натижаларини яқунлайди ва бу соҳада ўзи эришган ютуқларни баён этади. Ибн Сионинг шогирди ва биографи Жузжонийнинг кўрсатишича, олим бу асарни Жузжонга келиши билан 1012 йилдаёқ ёза бошлади. Бу нарса мазкур асар учун кўплаб материал тўплашни Ибн Сино Урта Осиёдалигидаёқ, яъни Бухоро ва Хоразмда эканидаёқ бошлаганидан далолат беради.

«Тиб қонуллари» беш китобдан ташкил топган бўлиб, биринчи китобда медицинанинг умумий назарияси берилади. Унинг тўрт бўлимида одам анатомияси ва физиологияси тафсифланади, касалликларнинг сабаблари ва бу касалликларнинг ўзи ҳамда уларнинг белгилари баён қилинади. Ибн Сино шу ернинг ўзида овқатланиш режими, турмуш тарзи ва профилактика юзасидан ўз тавсияларини баён қилади.

¹ У. И. Каримов. Фанларни Ибн Сино бўйича классификациялаш. Шарқшуносларнинг Тошкентда ўтган биринчи Бутуниттифоқ илмий конференцияси материаллари. ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1958, 989—990-бетлар.

Иккинчи китоб фармакологияга бағишланган. Унда «оддий» дори-вор ўсимликлар минерал ва ҳайвонот турлари — жами 811 номда тас-вирланади.

Учинчи китоб хусусий паталогия ва терапияга бағишланган бў-либ, унда бош мия, асаб, кўз, қулоқ, ўпка, меъда, ичак, жигар ва одам танасининг бошқа органлари касалликлари ёритилади. Айрим касал-ликларни таърифлаш ва уларни даволаш усуллари тегишли органнинг анатомик очерки билан тўлдириб борилади.

Тўртинчи китоб хирургия, травматология, алаҳсираш, яра, шиш, йи-ринглаш, чипқон, куйиш, заҳарланиш (токсикология) ва косметикага бағишланган.

Бешинчи китобда турли мураккаб дори-дармонларга рецепт бери-лади ва заҳарланишнинг олдини олиш хусусида фикр юритилади.

«Қонун»дан ташқари бизгача Ибн Синонинг медицинага оид яна 30 га яқин асари ва 25 тага яқин уники деб тахмин қилинаётган асар етиб келган. Шулардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

«Юрак дорилари». Бу рисола юрак касалликлари ва уларни даво-лаш воситалари ҳақидаги махсус асардир. Рисола 1015 йилда ёзилган. Шуниси қизиқки, Ибн Сино юрак фаолиятини одамнинг руҳий ҳолати билан боғлайди, асарнинг бир неча боби психологияга бағишланган. 1966 йилда бу асар ўзбек тилида чоп этилди¹.

«Табобат бўйича Уржуза». Бу оригинал рисолада медицинанинг барча асосий принциплари ва масалалари ўқувчиларнинг ўрганиши учун осон бўлсин деб шеърӣ формада берилган. «Уржуза»нинг ўзбек-ча насрий таржимаси Тошкентда 1972 йилда чоп этилган².

«Одам танасининг барча шикастларини йўқотиш». Гигиена ва пар-ҳезга бағишланган бу рисола 1978 йилда Тошкентда ўзбек тилида нашр қилинди³.

Шунингдек, Ибн Синонинг «Набз ҳақида», «Соғлиқни сақлаш ҳа-қида», «Сайёҳлар режими ҳақида», «Колит ҳақида китоб» рисоалари диққатга лойиқдир.

Ҳозирги медицина тарихчиларининг фикрларига асосланиб, қатъий ишонч билан таъкидлаш мумкинки, табобатнинг бирон соҳаси йўқки, Ибн Сино унда ўзининг чуқур изини қолдирмаган бўлсин.

Ибн Сино атоқли анатом эди ва анатомияни медицинанинг асос-ларидан бири деб ҳисобларди. Бу хусусда В. И. Терновский шундай ёзади:

«Ибн Синонинг анатомия ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида унинг одам танаси кўпгина органларига берган бебаҳо изоҳи энг яхши гувоҳлик беради. Масалан, у кўзнинг тузилиши ва вазифаси ҳақидаги таърифга жиддий тузатишлар киритди ва бу билан кўриш назариясини тубдан ўзгартирди, ўша даврдаёқ кўриш жараёни назариясига бутун-лай янгича, ҳозирги тасаввурга яқин изоҳ берди. Ибн Сино шуни ис-ботладикки, кўздан чиқаётган нур предметга дуч келиб унинг тасвири-ни беради (ўша даврда шундай ҳисобланарди) эмас, балки қабул қи-линаётган предметнинг шакли кўзда акс этади ва кўзнинг тиниқ тана-си туфайли ўзгаради. Шу тариқа Ибн Сино кўриш жараёнида кўз та-насининг ҳақиқий ролини аниқлади... Ибн Сино миядан органларга борувчи нервни биринчи бўлиб изоҳлаган. Галеннинг хизматларини эътироф этиб, ўз навбатида бош миядан тарқалувчи етти жуфт нервни

¹ Х. Ҳикматуллаев. Абу Али ибн Синонинг «Юрак дорилари» номли рисоласи. Тош-кент, 1966.

² Ш. Шоисломов. Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърӣ асари («Уржуза»). Тошкент, 1972.

³ Абу Али ибн Синонинг соғлиқни сақлашга доир рисоалари. Э. Талабов таржима-си, Тошкент, 1978.

таърифлаб берди. У орқа мия анатомиясини бирма-бир шарҳлаб, ҳайвонларда ва одамда орқа мия тузилишининг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтади»¹.

Ибн Сино қадимги юнон табибларининг гумораль назариясини эътироф этади. Бироқ у танада морфологик ўзгаришларни вужудга келтирувчи системаларнинг организм ҳаётидаги ролини алоҳида таъкидлайди².

Ибн Синонинг профилактик медицина тараққиётидаги хизматлари бебаҳодир. Унинг фикрига кўра, жисмоний тарбия соғлиқни мустаҳкамлашнинг асосини ташкил этади. Жисмоний тарбия комплексига Ибн Сино субъектнинг ёши ва бошқа хусусиятларига кўра алоҳида жисмоний машқлар, ювиниш, овқатланиш ва ухлаш режимларини ҳам қўшади.

Ибн Сино педиатрияни ижодий системалаштирувчи олим сифатида ўз номини жаҳон медицинаси тарихига ёзиб қолдирди. Унинг қатъий комплекс системага бирлаштирган саломатлик профилактикаси, болаларни парваришлаш ва болалар касалликларини даволаш усуллари бир неча юз йиллар давомида Шарқда ҳам, Европада ҳам врачлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ибн Синонинг клиницист ва диагност сифатидаги хизматлари айниқса каттадир. У ўлат билан вабо ўртасидаги, ўпка яллиғланиши билан ўпка шамоллаши ўртасидаги фарқни белгилади, чечак, қизамиқ менингит, меъда яраси сингари касалликларнинг ўз даври учун ҳайратланарли даражада аниқ таърифини берди. Ибн Сино қатор касалликларнинг кўзга кўринмас ташувчилари (микроблар) мавжудлигига амин эди ва профилактиканинг юқумли касалга чалинган беморларни ажратиб қўйиш, сув ва овқатни қайнатиб истеъмол қилиш каби тадбирларни тавсия этди.

Ибн Сино даврида кенг тарқалган руҳий касаллик ташқи кучлар таъсирининг оқибатидир, деган эътиқоддан фарқли ўлароқ, бу хасталик реал сабаблар, хусусан бемор органлари фаолиятининг бузилиши туфайли юз беради деб ҳисобларди.

Ибн Сино ўз даврининг энг етук хирургларидан бири ҳисобланиши мумкин. У кўзни мураккаб операция қилиш, синган бош чаноғини даволаш усуллари, қовуқдан тошни операция йўли билан олиб ташлаш ва бошқа кўплаб даволаш усуллари ҳақида ёзади. Чиққан елкани солиш усулларида бири хирургияда ҳамон «Авиценна усули» деб аталади.

Ибн Синонинг доришуносликнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси жуда катта. В. Н. Терновскийнинг таъкидлашича, «Ибн Сино биринчилардан бўлиб ҳозир жуда кенг тарқалган сано, равоч, камфара сингари дори-дармонларни медицина амалиётига жорий этди. У кашф этган кўпгина даволаш воситалари бир неча аср давомида қўлланиб келинди, улардан айримлари эса ҳозир ҳам қўлланилмоқда»³. Шу ўринда мисол тариқасида мумиёни келтириш мумкин. Мумиё ҳозирги врачлар томонидан кенг тан олинмоқда ва айниқса жароҳатларни даволашда кенг қўлланилмоқда.

«Тиб қонунлари» илк бор XII асрда кременлик Герард томонидан лотин тилига таржима қилинди. Европада китоб босиш бошланганидан сўнг XV асрда у биринчи босма китоблар қаторига кирди ва тўла ҳолида ҳамда парчалар сифатида 40 мартадан зиёд чоп этилди. Бу китоб XVII асргача Европа университетларида медицина бўйича

1 В. Н. Терновский, Ибн Сино. Изд-во «Наука», М., 1969, 51—52-бетлар.

2 Уша китоб, 58-бет.

3 Уша китоб, 79-бет.

асосий ўқув қўлланмаси бўлиб келди. Бироқ сўнги пайтларгача «Қонун»нинг ҳозирги тилларда тўла таржимаси йўқ эди. Асар ҳажмининг катталиги ҳам, Ибн Сино илмий тилининг мураккаблиги, айниқса терминология ҳам, мутахассис медиклар ёрдамисиз тўғри тушуниш қийин бўлган мазмун мураккаблиги ҳам шарқшунос олимлар учун катта қийинчиликлар туғдирарди. Бу вазифа жаҳонда биринчи марта Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти ходимлари ҳамда москвалик ва тошкентлик медицина тарихи мутахассисларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан ҳал этилди. 1954 йилдан 1961 йилгача «Қонун» рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб, Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти (ҳозир «Фан» нашриёти) томонидан тўла босиб чиқарилди.

Ибн Сино туғилган кунга 1000 йил тўлиши муносабати билан мазкур институт «Қонун»нинг рус ва ўзбек тилларидаги таржимасини иккинчи нашрга тайёрлади. Бу нашрда айрим медицина ва доривор терминларнинг таржимасига анча аниқликлар киритилди. Мазкур нашрнинг айрим томлари босмадан чиқди, қолганлари эса чоп этилмоқда.

Ибн Сино табиатшуносликнинг турли проблемалари бўйича бир қатор фойдали ғояларни илгари сурдики, улар ўша пайтда жуда катта илмий аҳамиятга эга эди ва ўз актуаллигини ҳозир ҳам йўқотгани йўқ.

Ҳаракат ўлчови муаммоси кўпгина ўтмиш олимлари диққатини жалб қилган эди. Бу муаммо ўз аҳамиятини ҳозир ҳам йўқотган эмас. Ибн Синода икки тушунча учрайди: ҳаракат тезлиги ва секинлиги. У тезликни сон ва сифат жиҳатдан аниқлайди: «Ўтганнинг бошланиши билан келгусининг тугаши ўртасидаги сон ҳаракат тезлиги ва секинлиги ўлчовидир», «Қисқа вақтда ўтган нарса тез ҳаракат қилади»¹. Сўнгра Ибн Сино тезликнинг «масса»га боғлиқ экани ҳақидаги қоида-ни илгари суради. «Ҳажми кичик бўлган нарса тез ҳаракат қилиши ҳажми катта бўлган нарса эса секин ҳаракат қилиши керак, биз эса амалда аксини кўрамиз»².

Ибн Сионинг ёруғлик ва товуш ҳаракати тезлиги ўртасидаги фарқ ҳақидаги ғояси ҳам катта қимматга эга. «Мамоқалди роқни кўриш ва эшитиш мумкин. Чақмоқ — бир пайтда кўринади ва бошқа пайтда, товуш ҳавода ҳаракат қилиб, ниҳоят бизга етиб келганида эшитилади»³. Бу ҳолда Ибн Сино модда ҳаракатининг икки шакли тезлигининг фарқини аниқлайди.

Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, «ҳаракат сони», «жонли куч», «импульс» сингари тушунчалар дастлаб Ибн Сино томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, XVII—XVIII асрларда механикада тан олинган эди. Ҳаракат ўлчови муаммоси Декарт, кейин эса Лейбницдан бошлаб чиннакам илмий асосда ишлаб чиқила бошлади. Фақат Ф. Энгельсина кейинчалик ҳаракат ўлчови муаммосини ҳал этди, бунгача мазкур проблема билан Ибн Сино, Декарт, Гюйгенс, Лейбниц, Даламбер, Томсон, Кирхгоф ва бошқалар шуғулланган эдилар. Лекин бари бир уларнинг ташкил топиши жараёни таҳлилида Ибн Сино қўшган ҳиссани ҳисобга олиш керак.

Ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан макон ва замон бирлиги проблемасининг табиий-илмий аспекти катта қимматга эга. Бу ҳақда Ибн Сино шундай ёзган эди: «Ҳаракат ўзидан ташқари иккита сонга эга: биттаси — бу йўлнинг узунлиги... бошқаси эса сон бўлиб вақт деб аталади»⁴. Яъни Ибн Сино фикрига кўра, макон ва замон ҳаракат сонини билдиради.

¹ Ибн Сино. Донишнома, 207—209-бетлар.

^{2, 3, 4} Уша китоб, 235, 256, 208-бетлар.

Аристотелдан кейин Ибн Сино ҳам бўшлиққа қарши чиқади ва фақат ҳаракатгина эмас, турғунлик ҳам бўшлиқда мавжуд бўлолмайди, деган ғояни илгари суради. «Бўшлиқда табиий ҳаракат ҳам, мажбурий ҳаракат ҳам, сукунат ҳам бўлмайди. Бир жойда турган ҳар қандай жисм ё ҳаракат қилади ёки турғун бўлади. Ушбу хулоса ва бошқа далиллар йўли билан шу нарса аниқланганки, жисм бўшлиқда мавжуд бўлмайди»¹. Ибн Синонинг бу ғояси инерция қонунига асосдир — жисм ўз жойида туради, яъни ташқи куч таъсиридан холи бўлади. Бўшлиқни рад этиш кўплаб физик майдонлар — гравитацион, электромагнит ва бошқа майдонларни тан олишга имкон яратди.

Ибн Сино энергия ва рангни узатиш ҳақида қизиқарли фаразларни ўртага ташлади. «Жисмлари бир-бирига якки йўл билан таъсир қилади»: 1) ишқаланиш, масалан, муз бирон нарсага урилганида, бири иккинчисини совутади, шамол бирон нарсага урилганида, уни ўрнидан силжитилади; 2) бошқа йўл билан, масалан, яшил ўт қаршисида турган деворда яшил ранг қолдиради, ёки киши юзи унга қараб турган киши кўзида ва кўзгуда из қолдиради»². Энергия (иссиқлик) ва ҳаракат сони ишқаланиш натижасидир. Иккинчи ҳолатда ранг узатиш юз беради ва тасвир пайдо бўлади.

Шу муносабат билан Ибн Сино иссиқликнинг сабабини очади: «1) термодинамик ҳодиса (иситиш ва совутиш), 2) ишқалаш — олов, 3) ёруғ — ёритиш, ёқиш. Ибн Сино ой таъсири билан боғлиқ бўлган оддий ҳодисаларни ҳам ана шу нуқтаи назардан тушунтиради: «Қуёш ва бошқа ёриткичлардан чиқувчи ёруғлик ва кучлар бизнинг дунёмизга таъсир этади. Осмон ва ой таъсирида юз берувчи ҳодисалардан бири шундаки, ой денгизларда сувнинг кўтарилишига сабаб бўлади»³.

Беруний билан илмий ёзишмаларида Ибн Сино сақланиш принципини ўзига хос шаклда ифодалайди. Унинг фикрича, муҳит енгил ҳам, оғир ҳам эмас, актуал ҳам, потенциал ҳам эмас. Ибн Сино ёзади: «Бунинг исботи бўлиб шу нарса хизмат қиладики, потенциал енгил ва потенциал оғир ё ўзининг яхлитлигида шундай бўлади, буни биз ўз табиий жойларида ҳаракатсиз ётган элементлар зарралари ми-солида кўришимиз мумкин, агар бу зарралар актуал енгил эмас ёки потенциал оғир бўлса имкониятга қараб улар (фақат) зўрлаб ҳаракатга келтириш натижасидагина ўз жойларидан силжийдилар ва (фақат) табиий ҳаракат кучи билангина кўтарилиб ёки пасайиб ўз табиий жойларига қайтиб келадилар, ёхуд (потенциал енгил ва потенциал оғир) яхлитликда эмас, балки ўз қисмларидагина шундайдилар, масалан, буни биз элементлар йиғиндисиде кўришимиз мумкин, улар енгил ҳам, оғир ҳам эмас, чунки агар элементларнинг қандайдир йиғиндиси юқорига кўтарилса уларнинг бошқа ярми пастга тушиши шарт»⁴. Бу ерда Ибн Сино ҳаракатнинг сақланиш принципи ғоясига келади. Бу ғоя кейинчалик Галилей, Декарт ва Ньютон томонидан иш-лаб чиқилди. Бундан ташқари Ибн Синонинг ушбу фикрларида вазн-сизлик тушунчаси тўла очиб берилади. Бу фикрлар Аристотелда ҳам бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ибн Сино Хоразмий, Форобий, Беруний билан бир қаторда экстенсив ва интензив чексизлик масалаларини ишлаб чиқиш проблемасига ҳам қўл урди ва бу масалани тушунишда Аристотелга нисбатан олға қадам ташлади.

¹ Ибн Сино. Донишнома, 239-бет.

² Уша китоб, 248-бет.

³ Уша китоб, 253-бет.

⁴ «Материал по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане», Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1957, стр. 131—132.

Ибн Сино одамнинг ҳайвонот олаmidан келиб чиқиши тўғрисидаги фаразни ўртага ташлайди. У ҳайвон тури «сезиб англаш мумкин бўлган буюмларни қабул қилишга қобил барча ҳисларни эгаллай олмайди, табиат ҳам заруратга кўра уни ҳайвон туридан ақлли турга ўтказа олмайди»¹, деб ёзади. Албатта, бу фаразни Дарвиннинг назарияси билан тенглаштириб бўлмайди, шунга қарамай, у кейинчалик Дарвин томонидан назарияга айлантирилган аниқ фараз сифатида қимматлидир.

Одам ва ҳайвон ўртасидаги фарққа тўхталиб Ибн Сино инстинктни алоҳида таъкидлайди: «яширин (ички) сезги инстинкт дейилади ва ҳайвон онги ўрнини босади»².

Ўзининг энциклопедик асарлари — «Шифо китоби» ва «Донишнома», шунингдек айрим рисоалари ва Беруний билан ёзишмаларида Ибн Сино физика ва механиканинг айрим проблемаларига ижодий ёндашди. Филипоннинг «ҳаракатлаштирувчи куч» назариясини ривожлантириб ва «куч ёрдамида» ва «табiiй» ҳаракатлар нисбати проблемасини қараб чиқиб, Ибн Сино ҳаракат юзасидан ўз назариясини баён этади. Бу назария Шарқ ва Ғарбнинг қатор олимлари қарашларига таъсир кўрсатди. XIII асрда Ж. Буридан томонидан ишлаб чиқилган импегус назарияси ҳам унга бориб тақалади³.

Ибн Синонинг «Ақл ўлчови» рисоласида юкларни кўтариш ва бошқа жойга кўчириш учун мўлжалланган бир қатор оддий машина ва механизмлар, шунингдек таркибий қисмини блок, чигир, ричаг, мурват ва бошқалар ташкил этувчи йиғма механизмлар таърифланади. Айни пайтда Ибн Сино ўз ўтмишдошларида, жумладан, Геронда учрамайдиган қатор янги комбинацияларни тавсия этади. Ибн Сино тасвирлаган механизмларнинг ишлаш принципига Ўрта Осиёда мавжуд бўлган қурилмалар, жумладан сув чиқаришга (чигир) ва мой, дон, пахтани қайта ишлашга мўлжалланган қурилмалар (жувоз, тегиримон, халлас) асос қилиб олинган⁴.

Ибн Сино геометрия ва назарий арифметика тараққиётига муҳим ҳисса қўшди. Евклиднинг «Бошланиш»ига ёзган шарҳларида Ибн Сино унинг аксиометикасини такомиллаштиришга уринади, геометрияни тиклашга ҳисса қўшади. Арифметикада у тўққиз (рақам) ёрдамида текширишнинг ҳинд усулини киритади ва уни сон кубини учун умумлаштиради. Бу билан Ибн Сино ислом мамлакатларида арифметика назариясининг ривожланишига йўл очади.

Ибн Сино қатор асарларини астрономияга бағишлайди. Унинг Журжон ҳокими Қобус ибн Вушмагирнинг қизи Заррин Гисга ёзган «Мактуби» бизгача етиб келмаган. Бироқ Беруний уни кўрган ва ўзининг «Геодезия»сида унинг мазмунини таҳлил қилган. Унда Ибн Сино ўзи кашф этган икки пунктнинг географик узунлиги айирмасини аниқлашнинг бутунлай янги усулини баён этади. Бу усул ойнинг меридиандаги узунлиги номаълум пунктдаги кульминациясини кузатиш ва узунлиги маълум пункт учун тузилган таблицалар бўйича унинг ҳолатини ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Ойнинг ҳисобланган ҳолати билан кузатилган ҳолати ўртасидаги айирма (ой ҳаракатнинг барча турларини, унинг паралакси ва пунктлар географик кенглигининг айирмасини ҳисобга олган ҳолда) вақт қийматига айлантирилади, бу эса икки пункт кенглигининг айирмасидир. Ибн Сино бу усулни Журжонда, 1012—1014 йиллар орасида ишлаб чиқди. Орадан роса беш юз

¹ Ибн Сино. Донишнома, 146-бет.

² Уша китоб, 264-бет.

³ М. М. Рожанская. Ибн Сина как механик. Сб. Абу Али Ибн Сино к 1000 летию со дня рождения. Изд-во «Фан», Ташкент, 1980, стр. 172—182.

⁴ Уша китоб, 166—167-бетлар.

йил ўтгач, 1514 йилда у Европада астроном Вернер томонидан янгидан кашф этилди¹.

Исфахонда Ибн Сино расадхона қурди ва бир неча йил давомида ўзи яратган асбоблар ёрдамида осмон ёриткичларини кузатди. Ана шу кузатишлар натижасида у планеталарнинг эфемерид жадвалини тузиб чиқдики, бу жадвал қадимги муаллифларга нисбатан анча аниқдир. Ибн Сино ўрта аср астрономлари орасида биринчилардан бўлиб қуёш апогейининг ҳаракатчанлигини исботлади.

Ибн Сино икки чизгични бирлаштириб, ёриткичнинг баландлиги ва азимутини аниқлайдиган оригинал асбоб яратди. Ўлчовларга аниқлик киритиш учун у «иониус принципини» қўллади. Бу принцип бир неча аср кейин, XVI асрда Педро Нуньес томонидан таклиф этилди².

Ибн Сино гарчи мураккаб дорилар тайёрлаш жараёнида айрим химиявий реакцияларга дуч келган бўлса ҳам химия билан махсус шуғулланмаган. Бироқ у алхимияни танқид қилиб ва металллар «тури»ни алхимия йўли билан ўзгартириш мумкинлигини инкор этиб, химиянинг ривожланишига имкон яратди.

«Алхимия табиатдан орқада қоляпти, гарчи жуда интилаётган бўлса ҳам унга ета олмайди. Алхимикларнинг даъвосига келганда эса, шуни билишлари керакки, улар турларни ҳақиқий ўзгартиришга қодир эмасдир. Улар қизил (метални) оқ рангга бўяб кумушга ўхшатиб, ёки сариққа бўяб олтинга ўхшатиб, яхшигина тақлид қилишлари мумкин... Бироқ (бу) металлларнинг моҳияти ўзгармасдан қолаверади»³.

Ибн Сино ўз тадқиқотларида яратувчи, эритувчи, мустаҳкамловчи ва бузувчи сувга катта аҳамият беради. Айрим ҳолларда жисмнинг сувда эришини у ўзгариш билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Минерал сувларга алоҳида аҳамият берилади. Чунки уларда эриган ҳолатда турли материаллар бўлади. Агар минерал сувларда туз, олтин ва кумуш бўлса, улар одам организмга фойдали таъсир қилади. Барча сувлар ичида ўзининг эритиш қобилияти билан «тозаланган» сув яхшидир, уни оддий сувдан олиш мумкин. Тозаланган сув олиш усули жуда оригинал бўлиб қуйидагича бажарилади: қайнаб турган қозон устига пахта қатлами жойлаштирилади ва вақти-вақти билан сиқиб турилади.

Ибн Синонинг металлларга муносабати ҳам характерлидир. Ўша даврнинг алхимиклари сингари у ҳам симобга биринчи даражали аҳамият беради. IX—XII асрларда Ўрта Осиёда симоб кенг қўлланиларди. Мавжуд материаллар кўрсатадики, Ўрта Осиёда симоб олиш ўша пайтда бир неча юз тоннани ташкил этган. Симоб тайёрлаш харақтерини кўрсатиш учун айрим мисоллар келтирамиз. М. Е. Массон томонидан Бухоро чеккасида симоб ҳайдаш учун ишлатилган X асрга доир сопол реторта топилди. Қазилмалар пайтида симоб бугини тутишга хизмат қилган шиша идишлар, шунингдек симоб асраш ва ташишга мўлжалланган ҳумчаларга дуч келинди.

Металларни симоб билан қоплаш ҳоллари ҳам учрайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих музейининг ходими Мирғиёсовнинг билдиришича, симоб учун ишлатиладиган хумча аёлларнинг зарурий уй ашёси бўлган. Улар сирланган кўзгулардан фойдаланганлар. Ўрта Осиёда симоб кўплаб қазиб олинган ва бошқа мақсадлар (кўпгина касалликларни даволаш) учун кенг қўлланилган. Эҳтимол, симоб Ўрта Осиёдан четга ҳам чиқарилган.

¹ П. Г. Булгаков, Ибн Синонинг амалий астрономияга қўшган ҳиссаси. Ўша тўплам. 149—152-бетлар.

² В. А. Розенфельд, Ибн Синонинг математика ва астрономия бўйича ишлари ҳақида. Тўплам. «Фан» нашриёти, Тошкент. 1980 й. 162-бет.

³ У. И. Каримов, Ибн Синонинг химияга оид қарашлари ҳақидаги масалага доир. «Ибн Сино» тўплам. Т. 1953, 44-бет.

Ибн Сино ҳам, унинг ўтмишдошлари ва замондошлари ҳам — алхимиклар сингари олтинни энг такомил жисм, минераллар ҳукмрони ҳисоблаган. Айрим оғир металлларнинг тузларини у ташқи касалликларга ишлатишни тавсия этган.

Ибн Сино даврида ош тузи ва симобдан сулема (хром симоби) тайёрлашни яхши билишган. Сулеманинг заҳарли хусусияти ҳам маълум эди, шунинг учун ҳам у ташқи касалликларни даволаш учун ишлатиларди. Олтин билан кумуш юракни бақувват қилувчи ва қонни тозаловчи энг яхши восита ҳисобланарди.

Бундан ташқари, Ибн Сино майдаланган шиша, туз, сурма, темир, қўрғошин ва мис кукунидан кўз касаллигини даволашда қўлланиш ҳақида ёзиб қолдирган.

Ибн Синонинг фараз қилишича, жисмлар ўзаро таъсирда бўлади ва натижада қоришма вужудга келади, унда таркибий қисмлардан қайсидир бири устунлик қилади. Оддий жисм бошқа жисмларни ажратиб чиқара олмайди. Шу тариқа Ибн Сино асарларида неорганик химияга асос солинади. Бу фикрни бошқа муаллифлар ҳам таъкидлашган.

Ибн Синонинг минералогия ва геологияга қўшган ҳиссаси ҳақида гапирганда, аввало минералларнинг Ибн Сино томонидан қилинган классификациясини таъкидлаб ўтиш керак. Г. Г. Леммлейннинг фикрига кўра, унинг асосий қиммати — минералларни тўрт гурпуга рационал бўлишдадир: тошлар, рудалар, ёнилғилар ва тузлар. Бу бўлинма ўрта асрлар охирида ва Уйғониш даврида Европа минералогияси томонидан тўлалигича қабул қилинган эди. Амалда эса у то XIX асргача барча минералогик классификацияларга асос бўлиб хизмат қилди. Ҳатто 1430 йилда Т. Бергман томонидан таклиф этилган минералларнинг биринчи химиявий классификацияси ҳам барча минералларни: а) тузлар, б) тупроқ-тошлар, в) ёнувчи минераллар, г) металлларга бўлиб, Авиценна бўлинмасини айнан такрорлаган эди¹.

Ибн Сино шамол ва сувнинг эррозион таъсирини водий ва даралар пайдо бўлишининг омилларидан бири деб ҳисоблайди. Сувда яшовчи ҳайвонларнинг тошга айланган қолдиқларига асосланиб, у мазкур қолдиқлар топилган жойлар бир вақтлар денгиз бўлган, деб таъкидлайди. Зилзилаларни чуқур ер-ости геологик жараёнлар оқибати деб тўғри изоҳлайди.

Ибн Синонинг минералогия соҳасидаги хизматларига хотира сифатида Ўзбекистон территориясида топилган минераллардан бири авиценнит деб аталади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида Ибн Синонинг ижодий меросини ҳар томонлама ўрганиш билан бир қаторда олимнинг қўлёзма асарлари авайлаб сақланмоқда. Бу қўлёзмалар Ибн Синонинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш учун ноёб моддий базадир. Мазкур қўлёзмалар Шарқшунослик институти фондида жамланган бўлиб, каттагина ҳажмга эга — 55 асарнинг 70 қўлёзмаси бор.

Улар орасида энг қадимгиси ва мазмунига кўра энг қимматлиси деб Ибн Синонинг машҳур медицина энциклопедияси рўйхати — «Тиб қонунлари»ни ҳисоблаш керак. Қўлёзма улкан фолиант бўлиб, 289 варакдан иборат. Бир хаттот томонидан 1308—1309 йилларда кўчирилган «Қонун»нинг бешала китоби тексти берилган. «Қонун»нинг қўлёзмалари жаҳон кутубхоналарида одатда алоҳида томлар ҳолида учрайди, бир қўлёзмада бешала китобнинг бўлиши ниҳоятда камёб ҳолдир. Бу рўйхат нисбатан яқинда — 1959 йилда Андижон областида хусусий кутубхонадан топилди ва институт томонидан сотиб олинди.

¹ Г. Г. Леммлейн, Собрание... Изд-во АН СССР, 1963, стр. 327.


1602 йилда кўчирилган қўлёзмати ҳам илмий жиҳатдан «Қонун» рўйхатининг қимматли нусхаси дейиш мумкин. Қўлёзма четларига, «Қонун»нинг асосий тексти ёнларига кўплаб изоҳлар битилган бўлиб, мутахассисларнинг тахминича улар табиб Муҳаммад Арзаний қўли билан ёзилган. Бу табиб ўз вақтида Бобирнинг набираси Акбаршоҳ саройида хизмат қилган. Шунингдек, институтда Ибн Синонинг тиббий меросидан «Юрак дорилари» рисоласи, шеърый асари (1322 байтлик) — «Уржуза» ва бошқаларнинг қўлёзмалари ҳам сақланмоқда.

«Файласуфлар рисоалари тўплами» номи билан маълум бўлган яна икки тўплам қўлёзмаси мазмунига кўра жуда қимматлидир. 1344 йилда тузилган улардан бирида Ибн Синонинг тўртта рисоласи бор. 1664 йилда битилганидан эса олимнинг 35 та рисоласи ўрин олган. Илмий жиҳатдан улар орасида энг муҳимлари қуйидагилардир: «Фалсафа фанларининг классификацияси ҳақида рисола», «Бутун мавжудот классификацияси ҳақида рисола», «Кўрсатмалар ва изоҳлар китоби» — бу рисоаларда Ибн Синонинг мантиқ, физика ва метафизика масалалари юзасидан асосий фалсафий концепциялари баён қилинган; «Абу Райҳон Берунийга мактуб» — Аристотелнинг «Осмон ҳақида китоби» и (10 савол) ва «Физика» (8 савол) асарлари юзасидан Берунийнинг 18 саволига Ибн Синонинг жавоби; Ибн Синонинг фалсафа бўйича форс тилида ёзилган «Донишнома» асари; мантиқ, математика ва метафизикага оид бошқа кўпгина илмий асарлар.

Институтнинг қўлёзмалар фондида, шунингдек Ибн Синонинг илмий-фалсафий масалаларга оид асосий асарлари — «Шифо китоби», «Талиқат» ва бошқаларнинг ҳам бир қисми сақланмоқда.

Ибн Сино асарларининг Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзмалари мазмуни кўп томли «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари тўплами» каталоги саҳифалари орқали илмий жамоатчиликка етказиб турибди, 1955 йилда Ибн Синонинг қўлёзмалар ва шарҳ нашрлари институтида сақланаётган асарлари асосида «Ибн Сино асарлари библиографияси» ўзбек тилида нашр этилди. Ҳозир олимнинг 1000 йиллиги шарафига институтда Ибн Сино асарлари қўлёзмаларининг каталоги тайёрланди. Бунда янгидан топилган ва ҳали илмий адабиётда маълум бўлмаган қўлёзмалар шарҳи берилди.

Шу кунларда Ўрта Осиёнинг гениал энциклопедист олими Абу Али Ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллигини нишонлаётиб, биз унинг буюк гуманизми учун, бутун умрини ягона мақсад — инсон бахт-саодатига бағишлагани учун энг чуқур миннатдорлик ва ҳурмат-эҳтиромимизни бажо келтирамиз. Бизнинг бурчимиз, бутун жаҳон олимларининг бурчи — Ибн Сино меросини тўла равишда чуқур ва кенг ўзлаштириш йўлида куч-ғайратларимизни бирлаштиришдан иборат. Бу — Ўрта Осиёнинг буюк фарзандига миннатдор инсониятдан энг яхши ёдгорлик бўлади.



Назир Сафаров

МОМАҚАЛДИРОҚ

РОМАН

Деҳибаланд

Бу асаримни рафиқам, қадрдон дўстим, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Мукамбар Қориевага бағишлайман.

Муаллиф.

Нуротанинг Қармана томонида, Оқтоғ бағрида Зайнулараб деган шаҳар бўлган, дейишади тарихчилар. Зайнулараб — имом Муҳаммад Ҳанафининг хотини бўлган, араблар истилосида бу ерга Зайнулараб номи берилган, деган афсонавор сўзлар ҳозирги кунларда ҳам оғиздан-оғизга кўчиб юради.

Ҳозгон конидан Қарманага йўл олган кишилар, албатта, Деҳибаланд, ёки Тепайибаланд номи билан машҳур қишлоқдан ўтиб, Қорақарға эгарига кўтарилади ва «эгардан» ўтиш билан тоғ оралиғидаги қўрқинчли сой камарига кириб кетади. Иккала томони тоғ, бағри тилка-пора, жар ва оғора шу қадар ваҳималики, ёлғиз ўзи йўл босиб ўтган ҳар қандай кишининг ҳам юраги орқасига тортиб, чўчимаслиги мумкин эмас, Қорақаргадан ўтиб, ана шу тоғ камари бўлган даҳшатли сойни босиб ўтгач, Қармана — ҳозирги Навоий шаҳрига кириб борилади.

Деҳибаланд қишлоғи тўғрисида кичик тафсилот: бу қишлоқ Нурота ва Қарманага олиб борадиган катта йўл билан туташган бўлиб, тепалик эса Оқ тоғ этағи билан боғланган. Тепа устида Имом Ҳасайн-Имом Ҳусайн номида масжид бор.

Тепалик остонасида, аynи йўл ёқасида чашма ҳовуз бор. Лиммо-лим чашма суви билан тўлган бу ҳовузда қишин-ёзин балиқлар гужғон ўй-

наб, сузишгани-сузишган. Айланаси ўттиз газча келадиган бу чашма ҳовуз тепасини азамат балх тути ўраб олган. Айни илк баҳор пайтлари, тут пишган чоғларда чашма ҳовуз макони бўлиб қолган бу ердаги балиқлар дарактдан тўкилиб турган ҳар бир дона тут устидаги тортишувларини бир томша қилсангиз эди... Ҳар қалай, чашма сувида урчиб-кўпайиб турган сон-саноксиз бу балиқлар қорин қайғусидан бутунлай озод. Биронта йўловчи йўқки, бир нафас бўлсада, чашма оқовасига бет-қўлини ювиб, ҳовуздан муздек зилол сув ичиб, мрамар тут тагида соялаб ҳордиқ чиқазиб ўтмаган бўлсин. Шуниси диққатга сазоворки, хоҳи ёш, хоҳи кекса шу кунгача чашма балиғига даҳл қилган эмас, даҳл қилмайди ҳам, фақат чашманинг кўм-кўк зилол сувидан қона-қона ичиб, чанқоқларини босиб, «шукур» деб қўйишни унутмайдилар. Сўнг балиқларга ризқ-рўз улашиб, уларнинг талаш-тортишларини завқ-шавқ билан томоша қиладилар.

Куз. Қуёш қиёмдан оққан. Вақт намозгарга яқинлашиб боради. Деҳибаланд қишлоғининг сўфиси Оймат бобо Имом Ҳасайн-Имом Ҳусайн масжидининг ҳовлисини супуриб юрибди. Унинг ёши олтимшлардан ошиб қолган. Урта бўй, гавдаси гўштдор, серсоқол, ўнг қоши учидан пашшахўрда доғи бор, мовийга мойил кўзлари ғилайроқ. Ҳовли супурги ҳориган сўфи камалакдек эгик қоматини тиклаб олиш учун супурги дастасини Ҳасса қилиб: «Вой бултурги жоним», деб зўр-базўр қаддини ростлаб олган бўлди. Ўзидан анчагина наридаги қабристонга назар ташлади.

Тепайибаланддан Нурота воҳасининг анча-мунча ерлари кўриниб туради. Кенг яйлов, кичик-катта қишлоқлар, Оқ, Кўк ва Жўди тоғлари асрий уйқуда, гўё ёнбошлаб ётарди, хаёл қарияни аллақаерларга олиб бориб, олиб келди. Дунёдан аллақачонлар ўтиб кетган тенгқурлари, ёшини яшаб, ошини ошаб, ўлиб кетган таниш-билишларини эслаб, бош эгди, ўз гавдаси ўзига оғирлик қилиб, яна ўтириб олди-да, бир калима қуръон тиловат қилиб, савобини марҳумлар арвоҳига бағишлаб, бир оз енгил тортгандек бўлди. Оймат сўфи негадир қабристондан кўз узолмасди. Бобоси билан момоси ва отасидан эшитиб, қулоғига миҳдек қадалиб қолган узоқ-яқин хотиралар миясига ёпирилиб, кўз ўнгида намоён бўла бошлади: «Наузан биллоҳ... Утганларга саловат... Уйламоқдан на фойда?— деса ҳам, ваҳимани миясидан кеткизолмасди.— Арвоҳлар хотираси учун тиловат лозим бўлса, қилдим. Яна нима керак?... Улганларни худо раҳмат қилсин, тирикларга имон... Хайр, энди тура қолай... Намозгарга тайёргарлик кўрай», дея қўзғалмоқчи бўлди-ю, туришга мажоли етмади...

— Эй, тавба, нима бўлди менга, а?— дея пичирлади. Истар-истамас яна қабристонга кўз қирини ташлади. Ўлиқлар яна кўзига кўрингандек бўлди.— Ё тавба, бу тушимми, ўнгимми, а?... Анави қабрдан бош кўтариб турган раҳматлик Мирҳож, анависи подаци Саримсоқвой... Анависи... эй, тавба, бу қандай сир бўлди, а? Наузан биллоҳ,— деб ёқасини ушлади сўфи. У кўзини чирт юмиб, лаби-лабига тегмай аллақандай дуони чалакам-чатти ўқий бошлади-да, бирдан кўзини очиб, юзига фотиҳа тортди. Ваҳима аралаш қўрқа-писа атрофга секин назар ташлади. Жимжитлик. Аллақаерда хўроз қичқириб, қабристон томонда ит хуриши эшитилди. Ит шундай ҳурардики, у гўё ашаддий бегона ва хавфли одамга ташланиб, акиллаётгандек сезилди, сўфи дарҳол ит ҳураётган томонга назар ташлади. Ёввойи мушукники сингари ёниб турган кўзларга нигоҳи тушиб, сесканиб кетди ва ёқасини ушлаб, кўкрагига «туф-туф»лади, кўзини чирт юмиб тескари қаради. Масжиднинг ўнг ва сўл ёнбошига қўйилган Имом Ҳасайн-Имом Ҳусайн мақбарасига қаради. Одатдагидек мақбара усти оқ сурп билан ёпиғлиқ турарди.

Сўфи ўзини беҳол сезди, бирдам кўз юмиб, ором олган бўлди. Сўнг яна қабристон томонга кўз ташлади. Ит ҳуриши тинган. Аммо бу гал қандайдир дарвиш қиёфасида бир одам кўзига кўринди, тагин юрагини ваҳима чулғаб, кўзини юмди, бир нафас тин олиб, яна кўзини очганда, ҳеч ким кўринмади.

— Наузан биллоҳ... инсмисан, жинсмисан, ажина ёки оч арвоҳмисан?— дея сўфи аллақандай дуоларни ўқиб ўрнидан турмоқчи бўлди, мажоли етмай қулоғи битиб, кўз олди қоронғилашди. У иккала панжаси билан бошини чангаллаб, илтижо қилди.— Ўзинг паноҳ бер, худойим, нима бўлди менга?.. Во дариғ, сафарим қариган кўринади. Ҳа, ҳа-да, жон омонат. Улим ҳақ! Подшоҳ ҳам, гадо ҳам бу дунёга омонат. Ҳа-ҳа, омонат. Алҳамдиллоҳ, омонатингга хиёнат қилмадим, Ношаръий ишга юрмадим, ёлғон сўзламадим, май ичиб маст бўлиб, телбалик қилмадим, дилозор бўлмадим, ўғирлик ва зино ишга саъй қилмадим, кампирим ҳам, мен ҳам ҳалол яшадик, уят ўлимдан кучли. Номусли-орли бўлдик. Пешонамизга фарзанд битмади, ношукур эмасмиз, ҳар дамига шукур қилиб келаямиз... Аммо кампирим тезроқ қариди, куним битиб кўзим юмилса, у муштипар заифам менсиз қандоқ кун кечиради? Бир-биримизга ҳамдам-ҳамдard эдик. Белдан қувват, қўл-оёқдан мадор, кўздан нур кетди, камондек икки букилган чоғда сўққабош бўлиб қолиш...

Сўфи бир неча дақиқа шу ҳолатда ўтириб қолди. Секин-аста мадор кириб ўзига келгандек бўлди. Худога қайта-қайта шукурлар айтиб, ўрнидан кўзгалди. Бу гал оёққа турди-ю, гандираклаб кетди, масжид устунини ушлаб зўр-базўр тик туриб, сўнг секин-аста қадам ташлаб, масжид деворига етиб олди-да, эндигина йўлга кирган гўдак сингари деворни ушлаб, эҳтиётлик билан қадам ташлаб, эшикка етдию уни очиб, остона тағига яна ўтириб қолди.

Дарвиш қиёфали киши ҳамон сўфи хаёлидан нари кетмасди. У синчковлик билан теварак-атрофга назар ташлади. Кўзига яна ўша дарвиш қиёфали одам кўринди ва масжид томонга келаверди. Сўфи ундан кўз узмасди:

— Ким бўлди у нотаниш одам?— деди ўзига-ўзи.

Дарвишнамо киши масжидга яқин келиб, зинапоялардан кўтарилла бошлади ва тўғри ҳовлига кириб келди.

Дарвиш одам Деҳибаланд тепалигида туриб водийни кўздан кечирар экан, таъсирланиб бўлса керак, бошини сарак-сарак қиларди. Номаялум киши Деҳибаландда тикка туриб олиб Оқтепа, Чақма, Гадойтопмас, Самари ва бошқа қишлоқларни кўздан кечирди. Оқтоғ, Қоратоғ ораллигидаги кенг яйлов — ўт-ўлан билан қопланган дашт, қир-адирлар яққол кўзга ташланиб турарди.

Нотаниш одам салом йўқ-алиқ йўқ, қирғий қараш қилиб, сўфига ер остидан нигоҳ ташлади-да, қаршисида турган пақирни олиб, тез-тез қадам ташлаб, зиналар орқали чашма томон юриб кетди.

— Ким бўлди, у бу ернинг одамига сира ўхшамайди, яна салом-алиқ йўқ, пақирни олиб жўнагани нимаси?— деб ҳайрон боқиб турарди Оймат сўфи. У супургисини ерга қўйди-да, масжид супасига ўтириб олиб, номаялум киши ҳаракатини кузата бошлади.

— Қаландар-дарвишга ўхшайди... Ҳа-ҳа, қаландар нақшбандийлар шу кепатада кийиниб юришади-да... Ундай десам, кийим-кечаги жанда эмас. Бошидаги кулоҳ-қалпоқни фақат ҳажга бориб, ҳожи бўлиб қайтганлар кийишарди. Хўш, ҳожими ёки дарвиш, қай ердан пайдо бўлди бу одам?

Номаялум киши чашма сувига қўш пақирни тўлдириб, яна зинапоялар орқали Деҳибаланд масжидига кўтарилиб, ҳовли юзасига сув сепи бошлади.

«Салом йўқ, алик йўқ ўзича сув сепиб юргани бачи маъни?»— деб ўзи-ўзига савол бериб ўтирарди сўфи.

Сўфи атайлаб номаълум кишига кўриниш бериш мақсадида ўрнидан туриб, диққат билан уни кузата бошлади, аммо номаълум одам ҳеч кимни кўрмагандек сув сепиш билан машғул эди. Сўфи яна ўтириб қолди.

Қора қош, бароқ соч, қирғиз қовоқ, бурнининг қаншари паст, дудоғи дўрдайган, ўйноқи кўзли бу одам дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиغان парвоси палак кўринарди.

Сўфи ҳар хил ўй-хаёллар билан ханг-манг бўлиб, аср намозига вақт етганини унутаётганди. У эсини йиғиб олиб, дарҳол масжид соясига разм солди. Соя аср намозига вақт етиб қолганидан хабар берди шекилли: «Эҳи, эсим қурсин!», дея ўрнидан турмоқчи эди, бўлмади, қариллик яна ўз ҳукмини ўтказди, панжалари билан иккала тиззасининг кўзини чангаллаб, қўлларини тиргак қилиб: «Вой, бултурги жоним!» деб, зўр-базўр ўрнидан кўтарилди, инқиллаб-синқиллаб қаддини ростлаб, секин-аста қадам ташлаб, зиналардан супага кўтарилди. Намозгар намози учун азон айтиш зарур эди. Шу мақсадда сўфи масжиднинг ўнг қанотидаги мезанага аранг чиқиб, бир нафас дам олди, сўнг қаддини ростлаб, иккала бош бармоғи билан қулоғининг солинчоғини ушлаб, нигоҳини самога қаратди-да:

— Облоҳу акбар, облоҳу акбар,— деб кичқирди.

Сўфи овозини эшитган дарвиш дарҳол ўтириб, ерга қараб қотиб қолди. Сўфи азонни ниҳоясига етказиб «Лоилоҳо иллобҳо» дегандан сўнг дарвиш юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди ва пақирни қаердан олган бўлса, ўша ерга қўйиб, таҳорат олиш учун шошилганча чашма томон тушиб кетди.

Энди сўфи ҳақида икки шингил гап: Оймат сўфи ҳам ўз замонасининг хизматкори, қишлоқ аҳли югурдакларидан бири. элнинг тўю азадасида қамишдан бел боғлаб хизмат қиладиган беминнат дастёри. Тўй-аза, маъракаларда дастурхон ёзиб, нон-ош тортувчи, тўй-азага элни чорлаб, хабар берувчи ҳам шу Оймат сўфи.

Биз таъриф қилаётган сўфининг хизмати бадалига ойлик ва ёки йилда оладиган муайян бир маоши — даромадининг тайини йўқ, фақат бирон одам маърака ўтказадиган бўлса, тўртта нон ва баҳоли қудрат чой-чақа билан хушнуд қилиш расм-русуми мавжуд эди.

Кексалик кун ўтган сари сўфининг ташвишига ташвиш қўшиб борарди. Илгарилари югуриб-елиб қиладиган юмушлари эндиликда борган сари оғирлик қилиб борарди. Маъракаларда хизмат қилиш, масжидни супуриб сув сепиш, қиш пайтларида ҳовли сатҳи ёки масжид-хужра томларидаги қорларни кураш у ёқда турсин, ҳатто кундалик юриш-туриши ҳам унга малол келиб қолганди.

Тирикчилик...— деганларидек қорин қайғуси тирик жоннинг азалий йўлдоши. Қўл-оёқдан куч, белидан мадор кета бошлаган сўфи учун елиб-югуриб хизмат қилиш оғир юк эди. Сўфилик хизматидан воз кечиш ҳам даҳшат. Ўзи сингари элга кайвонилик қилиб келаётган хотини ҳам кексайиб, қадди ёйдек эгилиб, эл хизматига ярамай қолганди. Натижада беминнат хизмати эвазига маъракалардан олиб келадиган сарқитлардан ҳам маҳрум бўлиб, кун кечириши оғирлашганди. Меҳнатга яроқсизлик орқасида оч қолиш хавф-хатари эрта-кеч соя сингари сўфига илашиб олди. Ҳа, қариллик сўфининг йўлидан кўра гўррини яқинлаштираётгандек эди. У: «Э, яратган эгам! Ўзингдан ўзга ғамгузоримиз йўқ, қариган чоғимизда хотинимни, камтарин қулингни дўстга хор, душманга зор қилма, керак бўлсак, кечиктирмай иккала-миздан ҳам омонатингни бир кунда олсанг розимиз», дея умр йўлдоши номидан ҳам худога илтижо қиларди...

Номаълум дарвиш ҳам қишлоқ жамоасига қўшилиб намозгарни масжидда ўқиди. Намозхонлар ипга чизилган тасбеҳ доналари сингари саф-саф бўлишиб одатдагидек имомга иқтидо қилганларида, дарвиш ўзини четга — бурчакка олиб, кўзини меҳробдан узмай намозни тугатган эди. Имом қоида юзасидан намоз ниҳоясида ўнг ва сўл елкасига бош буриб: «Ассалому алайкўм ва раҳматулло... Ассалому алайкўм ва раҳматулло», деганда имом даъватини такрорлаб, ўнг-сўлига салом берган намозхонларнинг кўзлари сочи ўсиб елкасига тушган ва салла ўрнида ҳажқалпоқ — кулоҳ кийиб, намоз ўқиётган одамни кўриб, ҳайрон қолганлар ҳам бўлди. Қизиғи шундаки, намоз ўқирилиб, имом бошлиқ жамоат юзига фотиҳа тортиши билан дарвиш «дик» этиб ўридан турди-да, ҳаммадан бурун масжиддан чиқиб ғойиб бўлди. Пойафзалларни ўнглаб қўйиш баҳонаси билан сўфи ташқари чиқди ва остона тагига ечилган калиш-кавушларни бир-бир ўнглаб, дарвишни кўрмади. Сўфи бу тасодифдан дилгир бўлиб, супадан пастга тушди-да, дарвишни аланг-жалаңг қидира бошлади...

Имом қавмлари қуршовида масжид айвонига чиқар экан: «Ҳали намозда бегона бир одам кўрингандек бўлдимми?», деб сўраб қолди. Одамлар: «Ҳа, менинг ҳам кўзим тушгандек бўлди... Ҳа, бурчакда бир одам ёлғиз ўтирган эди, шекилли. Ким экан у? Ҳайронман, қораси кўринмайди-ку?» деган сўзлар билан ҳар бири ўзича сўз қотиб, поёнига етолмасдан тарқалишганди.

Сўфи масжидда ёлғиз қолиб номаълум кишини қидира бошлади. Номаълум кишининг исми-шарифини билмаганлиги учун, у-бу томонга бориб: «Ҳой мусофир! Ҳой дарвиш! Қаёққа ғойиб бўлдингиз!.. Қизиқ одам экансиз-ку, нега ўзингизни олиб қочасиз?», деб ҳовлини бир айланиб чиқди. Аммо сув сепган ва ердан кўзини узмай масжид бурчагида намоз ўқиган номаълум киши кўринмади. Шундан сўнг сўфини яна ваҳима босди, у ҳар хил ўй-хаёлларга борди: «Ростдан ҳам одам боласи бўлганда бу хилда кўриниш бериб, бу хилда ғойиб бўлмасди. Бу авлиё... Ҳа-ҳа, ёки арвоҳ... Отам раҳматликни кўзларига кўринган арвоҳ худди шунинг ўзи, отам шўрлик шу арвоҳга дуч келиб неча кун тилжағсиз бўлиб ётганларини онам раҳматлик айтиб бергандилар. Арвоҳ менинг кўзимга ҳам дарвиш қиёфасида кўринди... Нима қилдим?... Ҳа... ҳа! Маъқул, бораман. Имом Ҳасайн-Имом Ҳусайн қабрлари атрофини супуриб, сув сепаман, руҳларига тиловат қилиб, қуръон тушираман».

Сўфи юрагини қўрқув ўраб олганди. У супурги ва пақирни олиб, теварак-атрофга аланг-жалаңг қараб, сағана томонга юрди. Сўфининг ранг-қути ўчган, қўрқув-ваҳимадан ҳаяжонда эди.

Сўфи сағана атрофини супуриб-сидириб сув сепганига қадар кун ботиб намозшом вақти бўлиб қолди. Бу орада сўфи ҳаддан ташқари уринди, қариллик эмасми, беихтиёр таҳорати ушалиб қолганини эслади. Вақт зиқ, у шошиб қолди, нима қилишини билмай, бир қўлида пақир, бир қўлида супурги таҳорат олгани лўкиллади. Масжид зинасида қавмлар кўринди. Намозшомга азон айтиш керак, Таҳорати ушалган. Шошганда лаббай топилмас, деганларича бор-да, бечора сўфи нима қилсин. Ҳозироқ мезанага кўтарилиб азон айтмас, гап эшитгани, намозшом қазо бўлса, сазойи қилиб сўфиликдан ҳайдашлари мумкин.

«Ҳе, худони ўзи кечирсин! — деб сўфи ўзига-ўзи тасалли берди. — Таҳоратим ушалганини ким билиб борапти... Балки ушалмагандир.. Худонинг ўзи кечирар...» деди-да, супурги билан пақирни супада қолдириб, мезана томонга кетди. Айвон зинапоясидан кўтарилаётган пайтда масжид ҳовлисига имом домла ҳам кириб келди. Сўфи баланд зинадан айвонга чиқди, ўн икки пиллапояни босиб минорага кўтарилгунча ўпкаси томоғига тиқилди, юраги «дук-дук» уриб, боши айланди, нафаси қи-

силиб, ер чир-чир айлаңаётгандек туюлди. Сўфи минора деворига суяниб, зўрға: «Облоху акбар...» дедию нафаси ўчди. «Гурс» этиб йиқилди. Нигоҳи минорада бўлган намозхонлар рўй берган ҳодисадан хабар топиб: «Сўфига бир гап бўлди», дейишиб, ўша томон югуришди. Минорага кўтарилган икки киши пиллапояга боши билан тушиб, икки букилиб ётган сўфини кўрди. «Эй, сўфи бечора, бу қандай кўргилик», деб уни кўтариб ўнгладилар. Сўфи ҳушсиз, оғир-оғир нафас оларди...

— Одамлар кутиб қолди, сиз азон айтиб юбора қолинг!— деди ҳушсиз сўфини суяб ўтирган Қарим тоштарош шеригига.

Азон айтилди. Қарийб йигирма йил мобайнида сўфи овозига ўрганиб қолган намозхонлар юқорига қараб, сўфи ўрнида бошқани кўриб, ҳайрон бўлдилар.

Қарим тоштарош билан яна бир киши сўфини суяб турғазди, опичлаб не-не қийинчилик билан зинама-зина пастга тушдилар. Намозхонлар ибодатга кириб кетгандилар.

— Қани-қани, секин-секин,— деди опичидаги ҳушсиз сўфини ерга қўйишга даъват қилиб Қарим тоштарош.

Иккала ҳамқишлоқ ёрдамида сўфини Қарим тоштарош масжид айвонига, бўйра устига ётқизиб қўйди.

— Қўшним, нима бўлди сизга?— деб ҳушсиз сўфига гап қотган бўлди Қарим тоштарош.

Сўфидан садо чиқмади. У нафас ололмай бўғилиб хириллар, бўйин томирлари бўртиб кетганидан қўрқинчли бир тусга кирганди.

— Нима қилдик энди?— деб ҳамроҳларига қаради Қарим тоштарош.

— Нима ҳам қилардик, қўлимиздан нима келарди. Аҳволи оғир. Бирпасда-я, ё тавба... Намозшом қазо бўлмаса эди...

— Ҳозирча қимирлатманг, ётиб турса, балки ўзига келиб қолар,— деб маслаҳат берган бўлди учинчиси.

Сўфини бўйра устида қолдириб, ҳамқишлоқлар шом намозини ўқишга шошилдилар. Қарим тоштарош намоз ўқигандек ҳам бўлмади. Ун дақиқалик ибодат ўн кунга чўзилгандек... Намоз тамом бўлгач, Қарим тоштарош айвонга, отилди. Остонадан ҳатлаб ўта туриб, оёқ остида қалашиб ётган кавушларга қоқилиб, мункиб кетди. Хайриятки, йиқилмади. У югуриб бориб, сўфи ёнига чўкка тушиб: «Қўшни! Қўшни?!» дея бемор юзига тикилди. Сўфи нафас олмай, оғзи очилиб, кўзи шифтга бақрайганча жим ётарди...

— Сўфим омонатни эгасига топширибдилар...

Қарим тоштарош: «Жойи жаннатда бўлсин», деб фотиҳа қилди-да, белбоғини ечиб, сўфининг энгагини танғиб, юзига рўмолча ёнди.

Ибодатни тугатиб, айвонга чиқа бошлаган намозхонлар Қарим тоштарошдан бу шум хабарни эшитиб, ёқаларини ушладилар: «Наузан билло, ҳалигина соппа-соғ юрган сўфи-я— деб фотиҳа ўқидилар. — Ҳа-ҳа, шунақа, бу дунёда мағрур бўлиш хато... Ҳаммамиз ҳам омонат бу ёлгончи дунёга, эгасига керак экан, жойи жаннатда бўлсин, беозор одам эди», деб тасалли дил қилишарди сўфининг ҳамқишлоқлари.

Қарим тоштарош фожиа тафсилотини сўзлаб берди.

Домла имом:

— Оллонинг инояти, мезанада туриб имон келтириб, баҳаққи жон таслим қилиш насиб бўпти, иншоолло жойи жаннатда бўлғай... Улим оллонинг инояти. Омин!— деди.

— Омин!— дейишди қавмлар фотиҳага қўл очишиб.

— Тонг отса жума. Насиб бўлса, жума намози ўқилур. Бу ҳам сўфига оллонинг инояти. Яқин-йироққа хабар қилинглр! Жума намозига йиғилган улкан жамоа марҳум сўфимиз жаназасига қатнашсин. Мар-

ҳум учун бунинг савоби бисёри азим. Пайғамбар ёшига етган сўфи тирноқ кўрмай дунёи фонийдан дунёи боқийга риҳлат қилди. Ҳар қалай, дафн маросими бор. Савоб талаблар бўлади, албатта.

Орага жимлик чўкди... Ҳеч ким индамагач:

— Андишалари ўринли тақсиримни,— деб гап бошлади Қарим тоштарош.— Худо раҳмат қилгур сўфини биласизлар, хушфеъл, оқкўнги одам эди. Сўфидан озор кўрган бирон одам топилармикин?

— Чумолига ҳам озор берган эмас,— деб жавоб қайтаришди ҳамқишлоқлари.

— Тақсирим имом домланинг андишалари ўринли. Туғилиш бор ерда ўлим бор. Сўфи ҳар вақт ўлимни эслаб турарди: «Одамзод таваллуд топган пайтини билмайди, илло ўлим ҳақлигини ёдидан чиқармаслиги керак!», дер эди. Қизиқ, бир куни раҳматлик сўфи васият қилиб қолсалар бўладими: «Кўшним, сиздан яқинроқ кишим йўқ, кўнглим сезиб турибди. Пайғамбар ёшидан ё ўтаман, ё ўтмайман, яна худо биларди. Ўлимлигимни ғамлаб қўйганман. Кафанлик қидириб юрмайсизлар», дедилар. Худо раҳмат қилгур, ўлишини худди билгандек. Ман ўшанда: «Эй, ноумид шайтон, худо умр берса, юзга кирасиз ҳали, сўфим», десам, нималар дедилар денг-а: «Абу Муслим соҳибқирон ҳам дунёга устун бўлолмадилар. Қуним битиб, бандаликни бажо келтирган куним, кафанга ўраб, тепкилаб-тепкилаб кўминглар!» Нега энди тепкилар эканмиз, деб кулдим ўшанда. Узр, куладиган гап эди-да. Яна нима дедилар денг, худо раҳмат қилгур: «Токи хом сут эмган сўфи бу алдоқчи дунёга иккинчи бор қайтиб келишни ихтиёр қилмасин! Тепиб-тепкилаб гўримни маҳкамланглар».

— Худо раҳмат қилсин, авлиё одам эди сўфи,— дейишди ҳамқишлоқлари.

— Қаноатлик, бардоши зўр эди. Ташвиш тортманг, тақсир, кўпдан қуён қутулмас, кўпчилик эмасми, бир бурдадан берса, тўйдиради, бир муштдан урса, ўлдиради. Васиятларини бажо келтирамиз,— деб сўз берди Қарим тоштарош.

Кўплашиб маслаҳатни бир ерга қўйишди. Тобутхонадан тобутни олиб келиб, сўфи жасадини солдилар-да, Қарим тоштарош бошлиқ бешолти тобуткаш ҳамқишлоқлар марҳумнинг ҳовлиси томон кетдилар.

Тобуткашлар йўл-йўлакай гаплашиб боришарди:

— Ҳаммадан ҳам кампирга қийин бўладиган бўлди.

— Қариганда бири кетиб, бир қолса қийин-да. Бунинг устига қаровчи жонкуяри бўлмаса. Тирноқ кўрмай ўтишди, чол-кампир бечоралар.

Орага жимлик чўкди. Фақат сўфи ҳовлиси эшиги олдига етиб олгач, тобуткашлар таққа тўхтадилар.

— Тўғри ичкарига олиб кираверамизми?— деб ҳамроҳларига маслаҳат солди Қарим тоштарош.

— Ногаҳоний бу ўлимдан юраги чиқиб кетмаса яхши эди, кампир шўрликни.

— Бошқа иложимиз йўқ. Тақдир...

— Қани, юрдик бўлмаса!

Эшик кичик ва тор бўлгани учун тобут сизмади. Уриниб, ёнбош қилиб зўрға ҳовлига олиб кирдилар. Ҳовли бўм-бўш. Тобуткашлар ҳовлига киргач, нима қилишни билмай, мурдани кўтариб, тик туриб қолдилар.

— Кампир уй ичида. Нима қилдик, тўғри уйга олиб кираверамизми?

— Ҳайронман... Қарим ака, сиз секин кириб кампирни хабардор қилсангиз-чи?— дея теварак-атрофга назар ташлади тобуткашлардан бири.

Тўрт томони қўшнилар иморати билан ўраб олинган қинғир-қийшиқ қафасдек тор ҳовли. Томи қамишдан ёпилган бир хонали уй, олди айвон. Тандир билан ўчоқ айвонда бўлгани учун девору шифтларга қора қурум ўтириб қолган. Бутун бойлик айвон деворидаги миҳга осиб қўйилган ирkit туз халта, эски латта-луттадан тикилган нон ёпадиган енгча, ўчоқ ёнига уюб қўйилган тезак билан бир тутам янтоқ, жажжи қозонча ва бир чўян офтоба кўзга ташланиб турарди.

Ташқаридаги шарпани сезиб қолган кампир хонада туриб бўғиқ овозда қичқирди:

— Ҳой, ким у ҳовлидаги?.. Сўфи, сизмисиз?..

— Бояқиш кампир сўфисини кутаётган экан-да! Водариг!.. Қани юрдик, бўлар иш бўлган,— дея айвон томон йўл олишди тобуткашлар.

— Ким у?.. Нега овоз бермайсиз, сўфимисиз?— дея айвонга ўрма-лаб чиқди кампир.

Вақт анча кеч. Гира-шира қоронғи тушиб қолганди. Кекса, кўзи ожизланиб қолган кампир ҳатто кундуз куни ҳам дабдурустдан рўпарасидан чиқиб қолган одамни дарҳол пайқаб ололмасди.

— Ассалом алайкум... Биз...

— Кимсиз?

— Мен, қўшнингиз...

— Келинг, ўргилай.

Карим тоштарош бир нафас жим қолди. У шум хабарни қай хилда изҳор қилишини билмай дол эди. Шериклари Каримга табаасозлик қилиб жим туришарди.

— Ургилай, Каримжон, нега жим қолдингиз? Гапиринг! Ёнингиздаги кишилар ким, кўзим ўлгур ногирон, тезда пайқайвермайман.

— Оллонинг иродаси, қўшнижон...

— Нима бўлди, тезроқ сўзланг! Сўфининг ўзлари қаёқдалар?

— Тақдирга тан бермоқ ҳар бир мусулмон ва муслиманинг... Бандамиз, кунимиз битса... бисмиллоу раҳмонир раҳим...

— Наҳотки сўфи?!— деди ҳаяжонидан қалтираб кампир.

— Ҳа, сўфи мўмин-мусулмон фариштадек пок киши эдилар. Ўзингизга ўхшаш элнинг бемиҳнат дастёри эдилар. Жойлари жаннатда бўлсин.

— Жаннати эдилар мени сўфигинам. Наҳотки мен ғарибни алдоқчи бу дунё дўзахига ташлаб, ўзлари... Эй, парвардигор!..— дея титраб қақшаб ерни қўш қўллаб шапалоқлади кампир, гўё жабр-жафоларни биргалашиб ердан кўргандек.— Тўрам, қанисиз, нега жим қолдингиз, сўфигинам?.. Аҳд-паймонимиз нима эди? Нега энди ўз тинчингизни кўзлаб, мен ғарибни ташлаб кетсангиз?.. Йўқ, мен қолмайман ғурбатзада бу дунёда! Йўқ-йўқ! Сиз, ўзингиз чин дунёга сафар қилиб, ёлғончи дунёда мени қолдирманг, тўрам! Ёнингизга торгинг?!

Тобут тепасида турган эркаклар муштипар аёл фарёдига тоқат қилолмай йиғлашарди.

— Каримжон! Қиёматлик қўшнимсиз, сўфининг ёнбошидан менга ҳам гўр қазитинг. Икки-икки иш қилиб, овора бўлиб юрманглар, айланай сизлардан. Бу дунёда қиладиган ишимни қилиб, тортадиган азобимни тортиб бўлганман. Яратган эгамдан тилагим битта: соч-соқолидан кўп савоб иш қилган, фариштадек пок сўфи билан қўшмазор бўлиш аввал-охир тилагим... Дод дастингдан фалак, бедод дастингдан, фалак!.. Сўфигинам!.. Қанисиз?.. Видолашолмадик ҳам. Кампирим озор чекмасин деб, бандаликни бажо келтирақопсиз-да, а? Қани, бир кўрай? Дийдорингизга тўйяй!?

Кампир ўзини тобутга ташлади. Карим тоштарош уни тутиб, тасалли бера бошлади.

— Сўфигинам!— дея қарсақ чалиб фарёд кўтарди кампир.— Юрган йўлингиздан нур ёғиларди. Қани энди ўша нур? Дунёни зулмат қоп-

лаб олди. Ана-ана, кўрмаяписизларми ер-кўк азада!— дея булут қоплаб олган осмонга қараб чапак чалди у.

Дарҳақиқат, осмонда қора булут сайр этарди. Карим тоштарош осмонга қараб, кўз ёшларини артди.

Қора булутлар шиддат билан чопишар, юлдузлар ора-чора милтиллаб, булутлар орасидан онда-сонда кўриниб қолар, ўқтин-ўқтинда момақалдироқ гумбуллаб еру кўкни ларзага соларди. Тўлин ой булутларни ёриб ўтиб, қаршисида пайдо бўлган булут бағрини ёриб кириб кетганда, ер юзини қоронғилик оларди, ой яна кўриниш берганда, қоп-қора булутлар елкада сузаётган тобутга ўхшаб кетарди...

Момо бир дод солди-ю томири чириган дарахтдек секин ёнбошлади.

Қиёмат куни қўшнидан, деганларича бор-да, Карим тоштарош чаққон ҳаракат билан момонинг бошини кўтарди, аҳвол сўради, момо бош тебратди-ю, сўзлай олмади. Момони уйга олиб кириб ётқиздилар. У тилжағсиз жимгина ётарди, муштдеккина бўлиб қолган эди.

— Тавба, етти ухлаб ёдга келмаган савдолар!— деди ух тортиб Карим тоштарош.— Каталакдек уй, сўфини қай ерга ётқизсак экан?

— Қампирга яқинроқ бўлаверсин, тонг отгунча худо билади...

— Дард меҳмон, шифосини берса, ажаб эмас,— деди Карим тоштарош, тахмонда йиғиқлик турган иккита кўрпанинг бирини олиб, момонинг ёнига тўшар экан.

Сўфини тобутдан олиб увадаси чиқиб кетган тўшакка ётқиздилар.

Онадан таваллуд топиб, бу дунёга ҳеч нарса олиб келмаган жуфти ҳалоллар, мана, ёшларини яшаб бўлгач ҳам дунёга ҳеч нарса қолдирмасдан сафар рахтини кўзлаб, жимгина ётардилар...

Карим тоштарош уйдан чиқиб келган хотинига, момога қараб, ҳолидан хабар олиб туриш зарурлигини уқдириб деди:

— Ҳозир рассолга хабар қилиш керак. Жума намозига етказиб, жаноза ўқилади.

— Гўрковга ҳам хабар қилиш керак,— деб қўшиб қўйди тобуткашлардан бири.

Карим тоштарош сўфининг бисотига кўз қирини ташлади: токчада кичик бир қути, тахмонда увада кўрпа, ерда йиртиқ намат, лаб-лунжи учган чойнак-пиёла, сопол кўза, сопол обдаста, сопол коса, сопол товоқ, эски паранжи, момонинг оҳори тўкилган кулранг мурсаги... Момо билан сўфининг дунёга келиб орттирган ва қолдириб кетаётган давлати шу!

— Момога бирон дори-дармон қилиш керакмиди?

— Қанақа дармон?

— Эшонни чақириб, ўқитиб юборилса, зора шифо бўлармиди?

— Ҳозир момо ухлаб қолди. Тонг отсин, бир гап бўлар,— деди Карим тоштарош.— Қани, чиқайлик...

Эркаклар чиқиб кетдилар. Карим тоштарош хотинига яна нималарнидир уқдири-да, ҳамроҳларига етиб олиб учун шошилди.

Карим тоштарошнинг хотини момо ёнига кирди. Бири ўлик, бири жон талвасасида... Ваҳима. Каримнинг аёли хонада ортиқ ўтиролмади, отилиб ташқарига чиқди. Ваҳима унинг вужудини кемирарди. Югурганча кўчага чиқди. Тун қоронғи, теварак-атроф зулмат, у беихтиёр қўшни аёлларнинг отини атаб қичқира бошлади. Улар: «Нима гап?» «Тинчликми?» дейишиб, бирин-кетин уй-уйларидан чиқа бошладилар. Воқеадан хабар топган қўшнилари бир-бирини бошлашиб, сўфи ҳовлисига йўл олишарди.

Қўшнилари кирганида момо баҳаққи жон таслим қилган, дунёдан ўтган эди...

Кўшмозор қиссаси

Ғойибдан пайдо бўлгандек бир кўриниш бериб, Оймат сўфини ҳайратга солган кулоҳли одам эртаси тонг отар чоғида Имом Ҳасайн-Имом Ҳусайн масжидида яна пайдо бўлди. Мўралаб, теварак-атрофни кўздан кечирди, ҳеч кимнинг қораси кўринмасди. Кечаги иккита пақирни қандай қўйган бўлса, ўшандай жойида турибди. У сўфини кўриб танишмоқ ниятида, агар тил топишса, унга дастёр бўлиб, масжидда қолиб кетишга қарор берган эди...

«Хайр, майли, сўфи келиб қолар, унгача дастёрликни бажо келтириб турганим маъқул», деган хаёл билан яна ҳовлига сув сепи бошлади у.

Тонг элчиси хўрозлар хонадонларни бошларига кўтариб баҳсмабаҳсига қичқиришар, итлар ҳуришарди.

Сахархез қариялар элдан бурун масжидга кела бошладилар. Улар сув селиб юрган нотаниш кишига разм солиб ўтишар, масжид супасига чиқиб, алланималар тўғрисида сўзлашардилар.

Нотаниш одам: «Ҳойнаҳой, мен тўғримда сўзлашаётган бўлсалар керак... Тонг бўзариб қолди, намозхонлар кела бошлади, нега сўфидан дарак йўқ», деб қўйди ичида. У ҳовли супуриб, сув сепишда давом этар, рўпарасига тўғри келиб қолган одамга салом берарди.

Бир пайт бирданига икки тобутни кўтариб, қўлма-қўл қилиб келатган одамлар тўдаси кўчада кўринди.

Нотаниш киши чаққонлик билан кўчага чиқди ва тобутга ёндашди. Тобутни бирига тўн, иккинчисига паранжи ёпилган эди. Бу — ўлганларнинг бири эркак, иккинчиси аёллигидан дарак берарди.

Одатда, тобут олди-да, марҳумнинг фарзандлари: «Меҳрибоним отам!.. Қаъбам — онам!», туғишган қариндошлар бўлса: «Жигарим!.. Меҳрибонимдан ажралдим!», дейишиб, йиғлаб боргучи эди. Иккала тобут олдида ҳасса ушлаб йиғлаб бораётган бирорта ҳам жигарбанд йўқлигини кўрган дарвишнинг хаёли қочди... У ўйлар экан: «Ҳа, менга ўхшаш бефарзанд эканлар, фарзандсизнинг куни шу-да. Эй, дариг! Куним битиб ўлсам, тобуткашим бўлмаса... Кўзим юмилдими, чирогим ҳам ўчди!.. Мендан на ном ва на нишона қолади. Бу марҳум ва марҳуманинг уйи тайин, гўри тайин, қамишдан бел боғлайдиган ҳамқишлоқлари тайин... Менинг-чи?..»

Зинапоялар орқали тобутни масжидга олиб чиқиш ноқулай бўлишига қарамасдан, ёш-яланг йигитлар қўлма-қўл қилишиб, айвонга олиб чиқиб қўйдилар. Жума куни эмасми, жамоат жам эди.

— Салоти жаноза!

Муаззиннинг жаноза ўқишга даъват қилган овози дарвишнинг юрагини зириллатиб юборди. У тезлик билан сафга тизилган жанозахонлар ёнига борди, иқтидо қила туриб, ўйлади: «Нега сўфи йўқ?.. Нега сўфи ўрнида «салоти жаноза»ни бошқа одам айтди?»

Дарвиш сафга тизилганларга кўз югуртириб сўфини учратолмади. Жаноза ўқиб бўлингач, йигитлар тобутни қўлма-қўл кўтариб кетдилар.

— Ҳа-ҳа, барака топгурлар, қўлма-қўл олишинглар!— деб тобуткашларни бирдамликка чақиришарди маърака кўрган кишилар.

Урф-одат эмасми, қабристонга етгунча шу ҳолат давом этди ва одамлар сони ортиб бораверди. Дарвиш гоҳ марҳумнинг, гоҳ марҳуманинг тобутини кўтариб, қора терга тушиб кетган эди. Унинг аёлларники сингари елкасига гушган жингалак қора сочи терга пишган пешонаси, юзларига ёпишиб, гагини келтирарди. Қабристон деворсиз, очиқ тепаликда. Унинг ўртасида япалоқ пишиқ гиштдан аллақачонлар қурилган кўҳна хонақоҳнинг қибла томони қулаб, яроқсиз бир ҳолга келган

бўлса-да, атрофидаги ёғочларга боғлаб ташланган турли рангдаги латта-путталар хонақоҳни одамлар кўзига аллақандай сирли қилиб кўрсатарди.

Одатда, гўрковлар эскириб қолган гўрни очиб, суякларни тўплаб, эски гўрни тарашлаб жасадни қўяверарди. Лекин гўрков бу гал бундай қилмади. Сўфи билан хотини учун катта, кенг гўр қазиди. «Гўрков нечун фақир бир камбағал учун енгил ишни қўйиб, бу қадар оғир меҳнатни танлабди?», деб ажабланганлар ҳам бўлди.

«Худо раҳмат қилсин, дунёга келиб нима роҳат кўришди улар? Сўфи бўлса менга ўхшаб умрини эл хизматида ўтказди. Мен гўр қазиб ўлик кўмаман. Сўфи бўлса эрта-кеч тўй, азада, эл хизматида...— Гўрков сўфи билан хотинини яхши танирди, Оймат сўфи ўзидан ўн ёш катта бир бева аёлга уйланиб, аёли ҳаштякига гушган кўҳна чордеворга қари куёв бўлиб борганидан ҳам хабардор эди. Товуқ катагидек кулбада иккаласи тирноқ кўрмай умрларини охир қилганидан ҳам хабардор.— Эр-хотин садоқатини мана, кимдан намуна олса бўлар экан?— деб кўнглидан ўтказди гўрков.— Яна бир кунда дорулбақога риҳлат қилганлари... Бу ҳам уларга худонинг марҳамати. Бири ўлиб, бири қолганда нима бўларди? Яна худонинг ўзи билади, балким хор бўларди, ҳар бандани эрсиз ҳам, хотинсиз ҳам қилмасин худойим. Бу дунёнинг роҳат-азобини бирга-бирга тўртиб, тирноқ кўрмай, яна бир кунда омонатни топшириш ҳар кимга ҳам насиб қилавермаса керак. Шунинг учун ҳам фариштадек пок иккала банда ҳеч бўлмаса янги қабрда яйраб ётсинлар», деб қабристоннинг гўрлардан холи, очиқ еридан янги қабр қовлаган эди гўрков.

Сўфини қабрга қўйишда ўрта яшар икки одам билан Қарим тоштарош гўрковга кўмаклашди. Навбат аёлга келганда Қаримдан ўзга кўмакчи чиқавермади. Шунда бир чеккада хомуш ўтирган мусофир дарвиш ўрнидан ириб турди-да, Қарим тоштарошга мурожаат қилиб:

— Рухсат бўлса мен ҳам...— деб, тобут ёнига ўтди.

— Сабр қилинг, девона!— деб дарвишни тўхтатди Қарим тоштарош: Кадхудомисиз?

— Йўқ,— деб бош тебратди дарвиш.

— Ундай бўлса, нари туриг, девона! Раҳмат. Аёл кишини танмаҳрами ёки фарзандлари, у ҳам бўлмаса, аёли бор кадхудо камбағал лаҳадга қўймоғи жоиз. Шариат кўрсатган йўл шу!

Дарвиш икки қўлини кўксига қўйганча орқасига тисарилди, ўзини қаерга қўярини билмасдан, эски бир қабр ёнига чўнқайди. У атрофга кўз югуртириб, маросимдагилар орасидан сўфини қидирди.

Тоштарош ўзига таниш бўлган кадхудолардан уч кишининг отини атаб чақирди:

— Келинлар, гўрковга кўмаклашинлар, савоб бўлади,— деб тобут устидаги жулдир паранжи билан мурсакни авайлаб олди-да, буклаб бир йигитга узатди. Ёрдамга келган кадхудо — яъни, бола-чақалилар ёрдами билан эти суягига тармашган муштдек кампир жасадини лаҳадга тушириб, сўфининг жасади билан ёнма-ён қўйдилар.

Навбат лаҳад оғзини ёпишга келганда, гувала кесак тайёр эмас, икки юз қадамча нарида янгидан қўйилган гуваладан ташиб келишга тўғри келди. Йигитлар гувала ташишга тутинганларида, дарвиш Қарим тоштарошга дил шикастлик билан мурожаат қилди:

— Гувала ташишсам, шариатга жоизми, сиғадими?

— Сиғади, жоиз... Савобдан қолманг, югуринг!— деб унинг кўнглини кўтарган бўлди тоштарош.

Қўлма-қўл узатилаётган гувалалар билан лаҳад оғзи беркитилиб, устига тупроқ тортилди.

— Мусулмонлар! Оймат сўфи қандай одам эди?— деб баланд овоз билан маросимдагиларга мурожаат қилди Қарим тоштарош.

— Яхши одам эди Оймат сўфи, худо раҳмат қилсин!— деб жавоб қилди одамлар.

— Қайвони Ҳожар кампир қандай аёл эди?— Маросимдагиларга мурожаат қилди Қарим тоштарош.

— Яхши одам эди, қўллик-оёқлик, беминнат дастёримиз эди Ҳожар кампир, худо раҳмат қилсин...

«Сўфи» сўзини эшитган дарвиш карахт бўлиб қолган эди... у овсар одамга ўхшаб ён-верига қараб: «Сўфи?.. Қайси сўфи? Оймат сўфи ким ўзи?..» дея пичирлади. Ўз-ўзи билан сўзлашаётган дарвишни кўрган кишилар ажабланиб, вазмин бир алфозда тарқала бошладилар.



Сўфи вафотининг учинчи куни бўлса керак, дарвиш масжид ҳовли-сига сув сепаб юрган чоғда Қарим тоштарош пайдо бўлди.

«Яхши фурсат, саломлашиб бу девона билан танишай, қабристонда қилган қўполлигимдан ранжиган бўлса, кўнглидан чиқазай», деган андишада Қарим тоштарош дарвишга яқинлашиб, салом берди.

Дарвиш гарчи, ўзи томон келаётган кишини кўрган бўлса ҳам, кўр-масликка олди, саломини эшитган бўлса-да, жавобсиз қолдириб, юмуш билан машғул бўлаверди.

Тоштарош, мусофирнинг қулоғи оғир бўлса керак, деган мулоҳаза билан унинг рўпарасига бориб, салом-алик қилмоқчи бўлди. Бироқ дарвиш тоштарошдан юз ўгириб, таҳоратхона томон йўл олиб, ҳовлини супура бошлади.

Нотаниш кишининг қўрслигидан ранжиб, Қарим тоштарошнинг аччиғи чиқди-ю, ўзини босди: «Нима бўлганда ҳам мусофир, бир марта гапириб кўнглини ранжитган эдим, яна ранжитсам яхши бўлмас. Тиф яраси тузалади, тил яраси тузалмайди. Шарият йўлига амал қиламан, деб мусофир дилини оғритган эканман-да... Балки, девона деганимдан ранжигандир?.. Ундай десам, ўзи девонафеъл одам кўринади, бўлмаса биронта таниши бўлмагач, бу ерда нима қилиб юрибди?.. Хайр, яна мавриди келиб қолар, ўшанда мусофирнинг кўнглидан чиқарарман», деган фикр билан у масжиддан чиқиб кетди...

Алвасти кўприк

Самарқанд томондан Бухорога, Бухородан Самарқанд томонга йўллари тушган карвонлар, шу атроф қишлоқларда истиқомат қилувчи ерли аҳоли Нурота билан Қармана чегарасига туташ тоғ камари — Қорақарга тепалигига кўтарилиб, сўнг пастлаб кетган йўлдан юриб кетардилар. Бу тепалик аслида Қорақарга, деб аталса-да, гоҳо одамлар Алвасти кўприк, деб ҳам аташарди. Бунинг сабаби бор эди: гарчи, бу орилиқда кўприк бўлмаса-да, иккала томон йўлини туташтириб турган тепа камарга кўтарилиш, айниқса, қиш ва баҳор чоғларида йўловчилар учун кўнгилисиз эди. Қиш пайтлари ёққан қордан ҳосил бўладиган ях-малак ёки ҳар йили баҳор чоғида тоғдан келган сел суви тўпланиб, бу йўл — йўл эмас, кўл бўлиб, оқибатда ботқоқлик ҳосил бўлганда отулов тугул, ҳатто пиёдалар юриши ҳам мушкуллашиб қоларди.

Ҳар йили бу ерда кўнгилисиз воқеалар рўй бериб, от-эшақлар майиб бўлади. Бундан ҳафта бурун юк ортган карвоннинг бир нор туяси

оёғи ботқоқдаги чуқурчага тушиб, қоқ тиззасидан синган эди. Карвон-боши майиб туюсини сўйиб, «хомталаш» қилиб юборди.

Мана, бугун яна худди шу Алвасти кўприк остонасида кўнгилсиз воқеа рўй берди.

Айни қирчиллама чилла. Қаҳратон қиш. Намозшомга яқин — кундуз чекиниб, кеч кира бошлаган чоғ. Тоғ, яйлов оралиғи йўллари, кўча-кўйлар сим-сиё. Изғирин юз-кўзни чимчилаб, бўридек увилларди...

Худонинг ғазаби бўлган шундай аёз бир кечда, сатҳи музлай бошлаган ботқоқ йўлда бир қоп юк ортган эшаклик пайдо бўлди. Эшак бўйнида узун арқон, арқоннинг бир учи йўл чеккасида «их-их»лаб бораётган йўловчи қўлида. Ботқоқнинг устки қатлами аллақачон музлаган. Эшак қадами теккан қатлам чирсиллаб синар, эшак эса оёғини ботқоқдан чиқаролмай қоларди.

Бир пайт эшак таққа тўхтаб қолди.

Кекса йўловчи арқон учидан тортиб, харчанд «их-их»ласа-да, эшак на олға босарди ва на ёнға бурила оларди. Йўловчи зўр бериб арқонни тортар, эшак эса ўргимчак тўрига тушиб қолган чивиндек ботқоқдан ўзини ажратиб ололмасди. Эшак билан эгасининг уринишлари зое кетди, тинкаси қуриган эшак ботқоқда ётиб қолди. Эшакни кутқазамаман деб лой кечган қария ҳам охири шамдек қотиб, қатқалоқ устига йиқилди.

Эшак соҳиби нимжон, қашшоқ бир деҳқон эди. Қаҳратон қиш бўлишига қарамасдан, уст-боши жулдир-юпун, оёғида чориқ, бошида ил-вираб қолган кўк бўз салла. Жабборқул лайлак лақабли бу одам умр бўйи сурункасига кечирган серташвиш ҳаёти — омонсиз замоннинг оғир юки вақтдан бурун қадди-қоматини эгиб, чўктириб қўйганди.

Алвасти кўприк бугун Жабборқул лайлак бошига бало бўлди. Изғирин қарияни гангитиб қўйганди. Чориғи лойга тўлиб, оёғи муздек қотди. Ўрнидан туришга уринди, туролмади. Урина-урина бир пой чоригини оёғидан суғуриб, лойга беланган пайтавасини улоқтириб, кесак бўлиб қолган оёқ панжаларини зўр бериб уқалаб, лойга ботган тўни бари билан оёғини ўради... Иккинчи чоригини ечмоқчи бўлиб уринди-уринди, эплолмади... Совуқ жон-жонидан ўтиб борарди.

Жабборқул лайлак нажот излаб, теvarак-атрофга термилди. Қани у нажот?... Тоғ оралиғидаги ғор-мағоралар дамига тортаётгандек ваҳимали. Кеч кириб, теvarак-атроф қоронғилик чимматига ўраниб олган. Фалокат Жабборқул лайлак оёғи остидан чиққанди. Камбағални урма-сўлма, кўйлагини йирт, дегандек, Жабборқул лайлакнинг эшаги унинг қўл-оёғи эди. Мана, у энди қўл-оёқсиз лойга беланиб, танаси карахт бўлиб ётибди.

«Майли, эшагим ўлиб, бола-чақам бахтига ўзим тирик қолсам, майли эди, — деб кўнглидан ўтказди у алам аралаш. Гўё азроил рўпарасида, шафқатсиз панжаси унинг ҳиқилдоғида эди. — Болаларим оч!», деди гўё биров ундан сўраётгандек.

Ички бир илтижо, хўрсиниқ бағридан отилиб чиқди. Отанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада. Йўқ-йўқ, аксинча. Бу бахтсиз қария болаларининг кўнгли далада бўлмаса керак. Ҳа, ҳа, айни маҳалда уларнинг қорни оч, кўзлари йўлда. Зориқиб, оталарини кутмоқда. Уйлариди бир кафт ун, бир тўғрам нон йўқ. Бисотларида қолган бор-йўқ уруғликка атаб қўйган буғдойларини унга алмаштириш учун оталари тегирмонга олиб бораётганда шу балога дучор бўлди. Нега айирбош қилгани? Чунки қиш чўзилиб кетди. Чўзилганда ҳам қаҳрига олиб чўзинди. Тинимсиз қор-ёмғир ёғиб турди. Кунлар зарра бўлсин илимади. Кечалари сув тунг. Ариқларда оқиб турган булоқ сувлари музлаб, тегирмонлар тўхтаб қолди. Мана энди қарангки, тегирмон ҳам бой фойдасига — камбағал зарарига ишляпти...

— Эва! Очқаб кетдим. Дадам қачон келадилар? — Жабборқул лай-

лак қулоғига боласининг овози эшитилгандек туюлди. Қария бутун вужудини қулоқ қилиб кампири жавобини эшитгандек бўлди:

— Сабр қилсанг ғўрадан ҳолва пишар... Бесабр бўлманглар, болаларим. Ҳадемай, даданг ун олиб келиб қолади. Бир сизларни тўйгазай! Биласизларми, бурунгиларнинг боласи қанақа сабрли бўлган?

— Қанақа?— чувиллашиб сўрашади гўдаклар.

— Бурунги болаларнинг ўзи оч бўлса ҳам, кўзи тўқ бўлар экан. Оч қолдим, нон, энажон, деганда, эналари: «Даданг буғдой эккани кетдилар, ҳадемай, буғдойга ўроқ тушади, ҳаммамиз биргалашиб хирмон бошига чиқамиз, сен уканг билан эшагингга миниб хўп ҳайдайсан. Ана, хирмон ҳам тайёр! Шамол бўлса бас, хирмонни шамолда сокурамиз, донини донга, сомонини сомонга ажратамиз. Донини ўзимиз иссиққина чавати нон қилиб еймиз, сомони эшагингга. У ҳам сабр билан сомону тўпонларни кутиб юрибди...

— Эна! Дадам тегирмонга кетганлари йўқми?— йиғлагудек бўлиб сўради кенжатой.

— Тегирмонга кеча кетгандилар... Қани, мен ўчоққа олов ёқиб юборай. Совуқ ҳам забтига олаяпти. Ҳадемай, даданг бир қоп унни эшагингга ортиб келиб қоладилар.

— Менга қотирма пишириб берасиз-а, эна?

— Албатта.

— Менга ҳам биясиз-а, эна?

— Ҳа, сенга ҳам.

— ...

Совуқ Жабборқул лайлакнинг жон-жонидан ўтиб, музлаб бормоқда эди. «Э, худо!— Қария шундай нолиш қилдики, агар шу тобда худо бўлганда унинг овозини эшитган, мушкулини осон қилган бўларди. — Нега?! Нега бунча қаҳр-ғазабингга олмасанг? Нима гуноҳим бор эди, мани? Ҳа, ҳа, дарвоқе... Иқрорман, гуноҳим йўқ эмас. Ҳа, бандангман, ўрни келиб қолди, айта қолай, баъзи бир қорни тўқ, эгни бут, дунёни сув олса, тўпигига келмайдиган такасалтанг бандаларинг ҳам бор. Ушаларга ўхшаб ҳамма вақт ҳам беш вақт намозим бут бўлганмас, иқрорман. Эсимда, яна бир гуноҳим бор: тунов йили рўза айни саратонда келди. Дехқоннинг кўрган кунни қурсин, бош қашигани қўли тегмайдиган кунлар оз эмас, эккан-тикканлари дала-даштда. Бола-чақа ризқ-рўзини йиғиб олиш керакми? Керак! Узинг айтган экансан-ку, сандан ҳаракат, мендан баракат деб. Рўзанинг охириги ҳафтасини ҳаддан ташқари иситиб юбординг. Дала ёнди, десам, ишонавер, кумга тухум кўмиб пишириб еганлар ҳам бўлди. Сендан яшириб нима қиламан, барибир малойикаларинг айтиб бергандир. Кун ёнди. Ютоқиб ўлай, деб қолдим. Баъзи бир сан ёрлақанган бандаларингга ўхшаб бой-бадавлат бўлмасам, саҳарда паловни уриб олиб, кундузи уйқудан бош кўтармай, намозгарда уйғонсам! Узингга аён, қўлим қимирласа, оғзим қимирлайди, бир ўзим бўлсам, бошқа гап, етти жон қўлимга қарайди. Ҳаммаси еярман, ичарман. Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон. Бир кишини топгани нима бўларди... Уша кунни бир қултум сув ичиб қўйиб, ҳали-ҳали пушаймонман. Ҳар қалай, бу гуноҳ учун худойим мени жазоламай қўймас, деб ўйлардим-а!.. Кечир мени, худойим. Норасида болаларимга раҳминг келсин. Уларда нима гуноҳ бор? Энадан туғилиб қилган гуноҳларим шу. Мен бадгуноҳ иш қилмайман. Норасида болаларим учун гуноҳимни кечир. Шу болаларимнинг оҳу зорини эшит, худованди карим!..»

Жабборқул лайлак ён-верига интизор аланглаб, туришга яна бир уриниб кўрди — бўлмади. Ниҳоят, у бир амаллаб, ботқоқликдан чиқди-да, йўл чегига бориб, муккасидан йиқилди... Танаси карахт. Шу аҳволда қимир этмай, ётиб қолди.

Тун совигандан совиб, аёз авжига минарди. Вақт ярим кечага яқинлашиб қолди. Изғирин ҳуштак чалиб эсарди. Адвасти кўприк—дўнглик томондан шарпа кўринди. Яхмалакда кимдир суруниб келарди. У бошига рўмол ўраб, совуқдан юз-кўзини пана қилиб олган. Йўл нотекис, ўнқир-чўнқирга оёғи тушиб, қоқилар, босган қадами ўнмасди. Ҳувиллаган кимсасиз йўлдан келаётган бу йигитнинг бораётган жойи нотайин. У аёвсиз баттол изғириндан пана излаб, бирон бир ғорда жон сақлашни ўйлаб борарди: «Мағора фақат совуқ шамолдан пана қилиши мумкин. У ерда базиллаб турган момоннинг сандалиси йўқ-ку, ахир. Қимирлаган қир ошар. Яхшиси юриб-қимирлаб турганим маъқул, йўқса, бу қоронғи кечада тарашадек қотиб, йўлда ўлиб қолишим турган гап. Таваккал, юраверай-чи, зора бахтимга бирон манзил-макон чиқиб қолса», деган хаёл билан борарди.

У эндигина тепаликдан ошиб, пастга тушган эди ҳамки, йўлда ётган бир нарсага тўқнашиб, йиқилиб тушди. Йўловчи йигит азбаройи қўриқиб кетганидан юраги чиқиб кетаёзди. У секин ўрнидан туриб, дўмпайиб турган нарсага қаради. Унинг хаёлига дафъатан момосидан эшитган сариқ қиз-ажиналар келиб, вужудини ваҳима босди. Момоси ҳар доим: «Кечаси бемаҳалда ёлғиз юрма, сариқ қиз-ажиналар йигитларга ўч бўлади», деб уқтиргувчи эди. Уша гап эсига келиб шоша-пиша ёқасини ушлаб, кўкрагига бир неча бор туф-туфлаб, момосининг ўғити бўйича: «Инсмисан, жинсмисан! Ё ошпичоқ — қалампир! Бисмиллоҳхир раҳмонир раҳим!», дейишни ҳам унутмади. Гўё шу сўзларни айтса, жин чекиниб, инсон дилидан ваҳима-қўрқув қувланармиш.

Дарҳақиқат, йигит енгил тортиб, эс-ҳушини йиғиб олгандек сезди ўзини. Ерда ётган қорага яқинроқ бориб қаради: Одам! Бир кеша кулала бўлиб ётарди. «Шундай бемаҳалда, бу одам қай ердан пайдо бўлди, нега бу ерда ётибди?», деган хаёл билан нафасини ростлаб, атрофни кўздан кечирди. Бир томони қора муз қоплаган тоғ, бир томони биздай дала-дашт... Осмонда йилт ётган биронта юлдуз кўринса-чи! Ер-кўк зулмат билан қопланган.

Йигит ўйлар эди: «Дунёда ягона бахтсиз ман десам, манга йўлдан яна битта бахтсиз чиқиб қолди. Ман-ку, хайр, майли, пешоёнда бор экан, бу одам қандай қилиб бу ҳолга тушди экан? Тиримман...» Йигит тараддуланиб мук тушиб ётган одамнинг кўзига тикилиб қария шарпани сезгандек хиёл кўзини очиб, яна юмди.

«Хайрият, жони бор, тирик экан!», деб пичирлади йигит кўзига қандайдир илиқлик югуриб. Сўнг у ҳаракатсиз ётган одамнинг атрофига секин туртиб: «Ҳой, кимсиз, гапиринг!», деб қичқирди. Одам кўзини хиёл очиб, яна юмди-да, ингради. Гапиришга масора йўқ эди. Қарияту қошларини опшоқ қиров босган эди.

Йигит тағин ўртаниб ўйлади: «Совуқ еб шу ҳолга тушганга ўхшайди. Жони бор. Ёрдам қилиш керак! Қани эди, яқин орада панароқ ёки иссиққина бирон хонадон бўлса эди?!»

Йигит қариянинг юз-кўзини пайласлаб, афт-ангорига синчиллаб тикилди: соқоли сийрак, қирра бурун, кўз ховаси ич-ичига чўккан, юза тўла ажин... Нотаниш...

— Отахон! Отахон! — дея яна тебратди йигит. Қария қимирлагандек бўлди. Яна тебратди. — Ота! Ота! — деб қаттиқ қичқирди.

Қария уйқуда босинқираган одам сингари нимадир деб гўллареди, туришга интилди. Йигит ёрдамга шошилди, кўтариб турғазмончи бўлди. Унинг қўл-оёғи, бутун вужуди увишиб, шолдек бўлиб қолганди.

— Отахон! Нима бўлди сизга, кимсиз ўзингиз? — деб қариянинг бошини тиззасига олиб, сўради йигит.

Қария: «Эш... эшак», деб гўлдиради.

— Эшак? Қавақа эшак?!— деб атрофга аланг-жаланг қаради йигит. Қария тагин:

— Эшак... эшак... лой... қоп... бўғ...— деди-да, кўзини юмиб жимиб қолди

Йигит ўрнидан туриб, Алвасти кўприк томон қаради. Ботқоқликда дўмпайган қора кўринди... Йигит эҳтиётлик билан қадам ташлаб, ўша томон юрди. Ботқоқ ичида эшакнинг боши, қулоғи кўринди. Ундан икки қадамлар берида қаппайган бир қоп лойга ботиб ётарди.

Шу фурсатгача совуқ еганига эътибор бермаган йигит қўлига зир-қироқ кириб, қулоғи ачиша бошлаганини сезди...

«Нима қилиш керак?— деб ўзига ўзи савол берди у.— Эшак ўлса ўлар, одамни қутқазмоқ керак!.. Қаерга олиб бордим? Бу аҳволда кўчада қолса, тарашадек қотиб қолиши турган гап... Ҳей, кемага тушганининг жони бир. Ман нима бўлсам, бу бахтсиз ҳам шу-да! Таваккал!»

Йигит шу қарорга келиб, югурганча қария ёнига қайтди:

— Отахон. Қани-қани!— деб унинг елкасидан туртди.— Ҳаракат қилмасак, иккимиз ҳам шафтоли қоқи бўламиз. Ҳа, кетамиз, мен нима бўлсам, сиз ҳам шу. Бахташ таваккал. Қани-қани!..— дея йигит чўкка тушиб, елкасига қарияни бир амаллаб опичлаб,— бўйнимдан қучоқланг!— деб қичқирди.

Қариянинг қўли қовушмади, йигитчанинг бўйнидан қучиш ўрнига шалвираб ёнига тушди.

Кексанинг қўл-оёғини совуқ олганига ишонч ҳосил қилган йигит энди уни кўтариб олишни ўйлади. Ёрдамлашиш учун бирон одам кўринмайди. «Вақтни ўтказмаслик керак. Қандай қилиб? Қандай қилиб бўларди? Мана бундай қилиб!..» У қариянинг белидан икки қўллаб маҳкам тутди-да, даст кўтариб, елкасига олди, музлаб қотиб қолган ўнқир-чўнқир лойлар устидан юриб кетди. Кўзларида тирқираб ёш оқиб борар ва улар ҳаял ўтмай, юзларида биллур қатраларга айланарди.

Йигит елкасида олти пуд — юз килограммгача юк кўтариб, бир қоп галлани ердан узиб, бемалол от-эшак, аравага ортиб, ҳаддисини олган паҳлавон. У, гарчи ўн олти-ўн етти баҳорни кўрган, энди мўйлаби сабза урган бўлса-да, йўлбарсдек чапдаст, шердек бақувват, яғрини кенг, кўкракдор йигит эди. Унинг учун эти бориб суягига ёпишган, жасади чўп-устихон бу нотаниш қарияни елкасида кўтариб бориш ҳеч гап эмас эди.

Йигит қарияни даст кўтариб бораркан: «Э-э... ана, анави ялтираб турган юлдузми ёки чироқ? А... чироққа ўхшайди!», дея қувониб, илдам юриб кетди.

Чироқни кўрдию руҳи кўтарилди. Аъзойи бадани жиққа терга ботган эди.

Рўпарада баланд тепалик, чироқ ўша ерда милтирарди. Энди тепаликка кўтарилиш қолди. Нафаси бўғилиб, оёқлари қалтиради. Кўзи тепа этагидаги зинапояларга тушиб: «Эҳ-ҳе!», деб юборди. Баланд тепаликдаги чироқ гўё булут орасида милтираб кўринган юлдузга ўхшарди. Йигит бирдан хаёл суриб қолди. Сўнг: «Йўқ! Туя элакка қолганда оқсагандек...— Ё пирим, сандан мадад!», дея зинапоялардан тепага кўтарилди бошлади. Йигирма беш чоғлиқ зина босди. Тинкаси қуриб, оёғини кўтаролмай, яна тўхтаб қолди.

Чироқ узоқ эмас. Ҳамма гап унга етиб олишда. Лекин йигитнинг ортиқ қимирлашга мадори қолмаган эди. Утириб дам олсинми? Дамини олиб, ҳаракат қилса-чи?

Агар бир фурсат ҳаракатдан тўхтаса, елкасидаги юки сингари ўзи ҳам шамдек қотиб қолишини ўйлаб, зинапояларга дилгир тикилди. Сўнг жаҳд билан олға интилди: «Бир-икки, уч, тўрт, беш... эй, отахон!— деб қичқирди йигит.— Биз туяга ўхшамаслигимиз керак. Ё пирим, сендан мадад! Ана, чироқ...»

Маҳобатли бино йигит кўзига ғира-шира қоронғида масжидга ўхшаб кўринди. «Қимирлаган қир ошаркан. Мана, қирга ҳам чиқиб олдик. Чироқ ёниб турган хонада ким бўлса экан?...»

Йигит хонага яқинлашиб эшикни қоқди.

— Ҳой, ким бор, ёрдам қилинг!

Эшик очилди. Хужрадан тутун бурқсиб чиқди. Йигитнинг кўзига биринчи кўринган нарса — ўчоқда ловуллаб ёнаётган гулхан бўлди.

Хона ичи киши-кишини кўра олмаслик даражада тутун. Учоққа қалаштирилган тўнка ловиллаб ёнар, тутун бурқсиб тараларди.

Мезбон кутилмаган меҳмондан ҳайратга келиб, устма-уст савол бера бошлади. Мезбон дегайимиз бу ўша, ҳурматли китобхонларимизга бир оз таниш бўлган, Оймат сўфи ўлиmidан кейин Имом Ҳасайн-Имом Ҳусайн масжидида қолган қулоҳли «нотаниш» Ҳожи эди:

— Кимсиз, ким керак?

Йигит жавоб бериш ўрнига:

— Бобо, ёрдам қилинг?— деди.— Тезроқ, чоригини тортайлик, оёгини совуқ олмаган бўлса яхши эди...

Мезбон билан меҳмон урина-урина қария оёғидан бир пой чоригини суғуриб олишди. Чориг ичи музлаган лойга тўлиб кетган эди. Йигит чаққон ҳаракат қилиб, қариянинг белбоғини ечди-да, қўл-оёғдаги лойларни артди. Сўнг оёғига чертиб:

— Сезяпсизми, ота?— деди.

Қария бош тебратиб, сўник жилмайди.

— Хайрият, қўл-оёқ омон. Хужра иссиғи ҳам даво. Раҳмат сизга, бобожон!

Мезбон қандайдир мамнуниятлик билан бош ирғаб, тончадаги сопол чироқни олиб, секин қариянинг юзига тутди ва:

— Эй-эй, бу одам ўзимизнинг Жабборқул лайлак-ку!— дея ҳангманг бўлиб қолди.

— Жабборқул лайлак?.. Танийсизми отани?— таажубланиб сўради йигит.

— Бу менинг мижозим. Юқори, Олис қишлоқлик. Қандай қилиб бундай ҳолга тушди бу одам? Сен кими бўласан?

— Мен бу одамга ҳеч ким эмасман, бобожон. Сизга таниш чиқиб қолгани ажойиб иш бўлди...— Йигит Алвасти кўприкда сўй берган ҳодисани батафсил ҳикоя қилар экан, мезбон: «Кўргилик-кўргилик, деб бош чайқар эди.— Ташқаридаги совуқ шунақа бежован бунгақасини энди кўриб турибман, бобожон. Йўлим Алвасти кўприкка тушганидан хурсандман. Бу ҳам бўлса отанинг бахти. Кўча десантис оғи-оёғи бирорта одам қораси кўринса-чи! Тоғ оралиғидаги жимлик оғи-оёғи эстаман дейди. Кўргулик деганингизча бор-да, бобожон.

— Ҳа, бирон нарса баҳонаю сабаб-да... Тиринчилар баҳонани не куйларга солмайди, бўтам. Бировни-бирова сабаб қилиб қўйгани худойим. Сен дуч келмаганинда, кечаси билан ботадиларда қандай кетганда нима бўларди қариянинг ҳоли? Сабабдан сабаб деб шунга айтдилар-да. Қани кўтар-чи... Йўқ, олдин пўстанга туламан... Чироқ тортсанг бўлар экан.

— Хўп бўлади, бобожон. Кўпам алангага яқин бўлмаганга дурганим дейман, бобожон?

— Ўзимиз ёнидамиз-ку... Баракалло! Савобга ботадиган бўлдинг.

— Бешикаст оёққа туриб кетсалар бўлгани.

— Иншолло оёққа туриб кетдилар. Ҳожат чиқармоқ, кўмаклашмоқ, ўзганинг мушкулини енгил қилмоқ, савоб дейдилар,— деди Ҳожи гулхан бағрида бақир-бақир қайнаб турган чўян обдастандан темир чойнакка сув қую туриб.— Меҳмонимизга ҳозир чой ичирамиз. таъмили шундай: то ичига иссиқ кирмагунча танаси иснмайди.

— Раҳмат, сизга, бобожон. Хайр, мен кетдим, отани сизга, сизни худона топширдим, бобожон.

— Ҳа, йўл бўғай, қаёққа шу сим-сиё совуқ тунда?

— Отанинг эшаклари ботқоққа ботиб қолган. Тирик бўлса агар, эшакни ҳам албатта, оёққа турғизаман.

— Ҳаммаси худодан дейдилар-ку. Худо амр қилмаса, бандасининг оёғига тикан ҳам кирмас эмиш. Мен ҳам сен билан бирга борай...

— Йўқ, йўқ, бобожон. Бу сиз қиладиган иш эмас. Сиз отага қараб турсангиз — шуни ўзи катта гап, буёғини ўзим...— деди эшик томон йўл олиб йигит.

— Тўхта-чи, сен ҳали отим Ҳотам дедингми?

— Ҳа. Мен ҳам бирдан сизни таниб қолдим... Ҳу бирда, муйилишдаги қайрағоч тагида ўзингизга соч олдирган эдим, сиз ўша Ҳожи сартарош бобомсиз-да, эсингиздами?

— Эсимда, эсимда... Буни қара-я!— деди мулоим жилмайиб Ҳожи.

— Сўгал босган шўрлик бир кексанинг «бошини шудгор қилиб, пахта кўкартирганингиз» эсимга тушди, бобожон.

Ҳожи сартарош билан Ҳотам қотиб-қотиб кулдилар.

— Буни қара-я, Ҳотамбек, бўтам!— деди бир қарияга, бир Ҳотамга қараб Ҳожи.— Ажойиб учрашув бўлди-ку бу! Тақдир тақозосини қара! Ҳотамбек, бўтам, ўша сўгал босган, мен шудгор қилиб, пахта кўкартирган бош кўринмай кетди, нима бўлди экан, хабаринг бўлмадими?

— Хабарим бўлмади, бобожон.

— Ушандан сўнг бирон ерда кўрмадингизми, ўша сўгал бош қарияни?

— Кўрмадим, бобожон.

— Яна ёлғон айтаётган бўлма.

— Ёлғончи худонинг душмани, бобожон.

— Бора қол! Минбаъд рост турганда ёлғон сўзлама, бўтам.

— Майли, фотиҳа беринг бўлмаса.

— Омин, йўлинг бехатар, йўлдошинг ҳақ бўсин, бўтам, облоҳу акбар. Эшакни олиб кел-чи, бафуржа гаплашадиган гап бор,— деди эшикни очиб, Ҳотамга йўл бераркан Ҳожи.

Чироқдан қоронғи зулматга чиққан Ҳотам йўлни аниқ кўролмай, бир зум туриб қолди. Сўнг зиналарни мўлжал олиб, Алвасти кўприк томон юриб кетди. Бу пайт совуқ бир қадар бўшашган, изғирин тинган-дек эди.

«Қайтиб кел, бафуржа гаплашамиз?.. Қизиқ, нима тўғрида гаплашар экан? Бобо билан бир-икки нон-қатиқ бўлмаган бўлсам. Нима учун у мени ёлғончига чиқарди?— деб хаёл суриб борарди Ҳотам.— Сартарошга ҳов бирда соч олдирган эдим. Ушанда бир қария соч-соқол олдириб ўтирган эди. Наҳотки...»

Ҳотам Ҳожи билан сартарошхонада биринчи бор учрашган пайтини эслади.

Кунларнинг бирида, мўйлаби энди сабза урган бу йигитча йўл бўйидаги сартарошхонасида соч-соқол олиб ўтирган сартарошга дуч келди. Сарсон-саргардонликда сочи ўсиб, олдиргани қўли тегмай юрарди. Сочини олдирмоқчи бўлиб, сартарошхонага кирди, салом берди. Сартарош ўз иши билан банд бўлгани учун унинг саломига бепарвогина алик олиб қўя қолган эди.

Бўйнига жигарранг лунги тутилган озғин, кўса соқол, рангпар одам сартарош курсисидан устарадан озор чекканча тишини-тишига босиб, тиришиб ўтирарди. Уста устара тортганда у серажин узун бўйинини ичига тортиб-тортиб қўярди. Бу ҳол сартарошнинг жиғига тегибми ёки ўз «айбини» мижозга тўнкаш баҳонаси биланми: «Болага ўхшаманг-да, чидаш керак, чидаш! Бу сабил соч эмас, мих! Бу ҳам майлику-я, боши-

нгизга сўгаллар ин қуриб олганини айтмайсизми?! Бу азиз бошингиз омон бўлса, бу озорлар ҳали ҳолва сиз бечорага!..— дер эди кесилган сўгалларга пахта ёпиштириб сартарош.

Ҳожи устарани қайраркан, тикка туриб қолган йигитчага қараб: — Ҳирсанг бўларди... Айт-чи, умрингда пахтазорда бўлганми-сан? — деб қария бошига ёпиштирилган пахталарга ишора қилиб сўраган эди уста.

Ҳотам «йўқ» деган маънода бош тебратган эди.

— Ғўза аввал шоналаб, сўнг гуллайди, шундайми?.. Шундай. Гулдан кўрак тугадими? Тугади. Кўрак пишиб, оппоқ пахтага айланадими? Айланади... Бу — бобонгнинг сўгалига ёпишган пахталар худди ўша пахта пайкалини эслатмаяптими сенга, бўтам?

Ҳотам ерга қараганча жим ўтирарди.

— Бу шунчаки гап... Баъзи мижозларимга худди ана шунақа қисмат ёр,— дея қария бошига ишора қилганди у.— Бир жиҳатдан буни бахтиёрлик аломати ҳам дейдилар: кимнинг бошида сўгал кўп бўлса, ўша одам энг бахтиёр бўлармиш.

— Ундай бўлса жуда соз, бобом бахтиёр одам эканлар.— деб гап қўшганди ўшанда Ҳотам.

— Қуриб кетсин. безор бўлдим бундай бахтдан! Қани бўлдингизми, Ҳожим?— деган эди безовталаниб қария.

— Бунча сабрсиз бўлманг, бахт қўшларингизнинг қони қотсин. Шунақа...— деган эди чўзиб сартарош.— Ёшлик — бебошлик, кексалик — нохушлик, дейдилар. Чиндан ҳам ёшлик бир дайди шамол, олов-ўт! Шундай эмасми?

Ҳотамнинг юраги «шиғ» этиб кетганди ўшанда.

— Шамолни жиловлаб бўладими? Йўқ, албатта! Чархи давроннинг яна бир инжиқлигидан доғман. Инсон умри қарилikka туташган сари унда нохушлик орта борар экан. Астағфурулло! Шамолни жиловлаш мушкул, илло ёшликни ҳам ҳеч нарса билан тўхтатиб бўлмас экан. Бу ҳам маъқул гап, нима дединг чироғим?

Ҳотам нима деб жавоб қилишини билмай, ерга қараганча ўтирганини йўл-йўлакай эслаб, туртиниб борарди.

— Нега индамайсан, номаъқулми гапим?

— Маъқул, маъқул,— деб жавоб қилганини эслади Ҳотам.

— Боракалло, боракалло!— деб бош чайқаганди сартарош.— Ёшликнинг нашъу намоси, мен сенга айтсам, чироғим, аччиқ-чучук ўйи-хаёлоти... Ҳа, ҳа, вақти келиб айтарсан дарвиш-девона бобом бир вақтлар шундай деб алжиган эди, айтганлари келди, дерсан. Балки афсус ҳам қиларсан, ишонавер, ёшликка тенглашадиган ноёб-нодир ҳеч нарса йўқ бу дунёда. Шунақа, чироғим... Мен бу кишига айтаманки, ҳой биродар, мендан ибрат олинг! Соч ўстириб юрибман, худога шукур, диндан чиққанам йўқ-ку, десам, мусулмон кишига соч ўстириб юриш шариятга хилоф, дейди бу «донишманд» қария. Ким айтди бу гапни, деб сўрасам, ким бўларди, худо китобида битилган гап, дейди. Қайси китобида битган экан, худо, десам, қайдан билай, дейди-я, кўзларини лўқ қилиб...

Бирпас сукутдан кейин сартарош ўйчан алфозда устара тортганча куйиниб, ғалати гап қилган эди:

— Авом биз! Нодон биз, чироғим! Нодонлик миямизга уя қуриб олган... У борган сари бобонгиз сўгалига ўхшаб авж олмоқда. Ахир, бирон мутаассиб домла, фалон шаҳарда ҳўкиз туғибди, деса ҳаммамиз ишонаверамиз-ку!.. Ҳа, кулма, чироғим. Қўйга ўхшаймиз, жонивор ҳам кекирдагига пичоқ тортилганда «ба» деб қолади. Биз ҳам шундай. Нега қўл-оёғимизни боғлатиб, кекирдагимизга пичоқ тортгунларигача «Вай ҳам гузар, инам мегузарад!» деб қараб турмоғимиз керак? Бу гапнинг маъносини тушунасанми?

Ҳотам «йўқ» деган маънода бош чайқагандан сўнг Ҳожи сартарош ундан:

— Сенинг ота-онанг ҳаётми?— деб сўраган эди.

— Йўқ, вафот этганлар.

— Сартарош: «Худо раҳмат қилсин», деб юзига фотиҳа тортиб, сўзида давом этганди.

— Кўникиб яшашнинг ўзи бир офат! Инсон бошига битган бир бало, бир фалокат! Тақдирга тан бер!.. Ҳар дамига шукур қил!.. Ношукур бўлсанг, худонинг қаҳри келармиш! Бу гапларнинг маъзини чаққанмисан?— дея қариянинг сўғалига ёпиштирилган пахтани бехосдан қаттиқ тортиб юборган эди сартарош.

— Ух, аста-эй!— деб қария ранжигандек бўлувди.

— Ҳа, хўп! Майли, ҳозирча пахтаси тура-турсин,— деганди узр сўраганнамо сартарош.— Шундай қилиб, адолатсизлик, ҳақорат, ҳатто қиз ва қаллигингизни.. астафидулло... Ҳа-ҳа, ҳаммасига кўникиб қолганмиз. Топганимиз: «Инам мегузарад», нажоткоримиз ҳам, жафокоримиз ҳам ана шу: «Инам мегузарад!» Мавлоно Низомий деган улуг зот бундай бир ғазал битган эканлар:

«Бандасану, шаҳ даъвосин этасан,

Нечук шахсан ёмонлик ўрнатасан»

Тушундингми, чироғим, сенга айтаяпман?

Ҳотам сартарош гапларидан беҳад таъсирланиб, хаёл сурган кўйи жим ўтирарди. Бирдан сергак тортиб, маъқул маъносиди бош ирғади.

— Гап шоҳ бўлиб олгунча экан, шоҳлик тахтига ўтирдими, бандалигини унутади. Кўнглига нима келса, ўшани қиладиган бўлиб қолади. Фуқаро бўлса, кўйнинг ўзгинаси, хонлар, амирлар/истаса ундай қилади, истаса бундай... Дунё шунақа, чироғим. Амирни ҳам, гадони ҳам худо яратган, мана шунинг ўзини тақдири азал дейишади. Сиз шунга ишонасизми, қария?

— Бошим чатоғроқ. Лунгингизни ола қолсангиз бўларди,— деб жавоб қилганди ўшанда безовталаниб қария.

— Бошим ишласин десангиз, минбаъд соч олдирмайсиз.

— Тавба...

— Ҳа, бир дарвишни сиғдирган Нурота тоғлари иккинчисини ҳам сиғдирар. Қани туринг, курсини бўшатиинг!

Қария ўрнидан тураётганда гандираклаб кетганди. Ҳотам уни суяб қолиб, четдаги ўриндикқа ўтқазган, ўзи эса бориб, курсига ўтирган эди.

Қариянинг эшагини қутқазिशга бел боғлаган Ҳотам зимистон ва совуқ кечада йўл-йўлакай шуларни хотирларкан: «Қайтганимдан кейин бафуржа гаплашармиз, Ҳожи бобо ёлғончилигимни айтиб берар, ахир», дея ўй суриб, Алвасти кўприк томон шошиларди...

Тун оғушида

Тун алламаҳал бўлиб қолди. Лой музлаб тошдек қотган, ботқоқ ичида ётган эшак ҳали тирик эди. Ҳотам ҳарчанд уринса ҳам, эшакни турғизолмади. Ёқимсиз изғирин яна эса бошлади, охири совуқ, суяк-суякдан ўтиб кетганидан кейин жон-жаҳди билан тиришиб, эшакнинг кейинги иккала оёғидан тарта-тарта не азобда йўл четига олиб чиқди. Эшакнинг қимирлағудек ҳоли қолмаганди. Ҳотамнинг ўзи ҳам қолдан толган эди. У оёқларини чўзилтириб ётган эшакка тикилиб: «Тирикми-сан, жонивор?» дея этиги учи билан туртиб қўйди. Эшакнинг кўзи бир мўлтиллаб, яна юмилди.

Ҳотам бир муддат хаёл сурган кўйи чўнқайиб ўтирди. Ешлиги елдек ўтиб кетаётганини ўйлаб, юраги ачишди. Лекин бари бир, бир кун эмас бир кун эртаси ажойиб бўлишига инониб, дили таскин топди.

Энтикиб қўйди. Шу аснода совқотаётганини сезди. Унинг пешонасига сизиб чиққан тер қотган, изғирин эса борган сайин кучаяётган эди.

— Бўлди, энди, дам олганинг етар,— деди Ҳотам овози совуқдан дўриллаб.— Ҳаракат — баракат! Қани-қани, ё пиримдан мадад!— дея эшакнинг айилдан ушлаб кўтарди. Эшак оёғини ўнглаб, тумшугини ерга тиради, сўнг олдинги оёқларини мажолсиз ростлай бошлади. Ҳотам эса ҳамон:— ҳа, жонивор! Бўшашма! Ҳа, оёгингни бос! — деб бақирарди.

Эшак ҳаракат қила-қила дармонсизланиб, тагин шилқ этиб йиқилди.

Ҳотам: «Қопни бўри емайди, нима бўлса ҳам тилсиз жониворни қутқазай, қарияни бир хурсанд қилай», деган қатъий қарорда эди.

Агар чаққон ҳаракат қилмаса аъзойи-бадани шилта лой эшак музлаб, ўлиб қолиши турган гап. Ҳотам бутун кучини тўплаб, эшакнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб кўтарди. Жонивор ниҳоят, оёққа босди, сўнг дир-дир қалтираб, аста юриб кетди.

— Дадил бўл, ёнингда ўзим бор, жонивор!— деб қўярди Ҳотам эшак гоҳо тойганиб кетганда.

Аммо Қорақарға йўлини босиб ўтиш осон бўлмади. Қимирлаган қир ошар, дегандек у бир амаллаб тепаликка эшакни олиб чиқди. Кейин Ҳожи сартарош маслаҳати билан эшакни Деҳибаланд масжиди тепалиги этагидаги бостирмага киритиб, арқонни узун қилиб боғлади, бурчакка қуруқ ўтиндан қалаб, устига иккита чоғроқ кундани қўйиб, ўт ёқди.

Энди бугдойни олиб келиш кераклигини ўйлаб, Ҳотам ҳужрага кирди. Сартарош унга «секин» дегандек имо қилди. Ҳотам секин гулханга яқин бориб чўкка тушди.

— Балли, ўғлим!— деб, аста шивирлади Ҳожи сартарош.— Қўлингни бирданига иссиққа тутма.

Гап айлланиб Алвасти кўприк ботқоқлигида қолган қопга тақалди. Ҳожи сартарош: «Қария эшагидан ҳам кўра бугдойи тўғрисида кўп қайғурди. «Уйда бир кафт ун йўқ. Бугдойни унга айрибош қилмоқчи бўлиб тегирмонга бораётганимда шу балога йўлиқдим», деб кўзига ёш олганини айтди-да, гап орасида яхшилик — савоб эканини ҳам қистириб ўтди.

— Ундай бўлса, бу ишни галга солиб бўлмас экан,— деб ўрнидан турди Ҳотам.

— Тун ярим кечадан оғиб кетди, ташқари худонинг ғазаби, қаҳратон совуқ...

— Бобожон қўяверинг. Ҳовлиси қаерда экан бу бобонинг?

— Балли, ўғлим!..

Умр бўйи икки оғиз илиқ сўз эшитмаган Ҳотам Ҳожи сартарошнинг «болам-бўтам»лаб олқашидан яйраб кетган эди. Лекин кўнглининг бир чеккаси сал ғаш эди.

— Бобожон, сиз боя нима учундир менга, тагин ёлғон гапираётган бўлмагин, девдингиз. Шунинг сабабини билсам бўладими?

Ҳожи мийиғида кулиб, тоқчадаги сопол чироқни олди-да, тўхтаб ётган қария томон бориб, Ҳотамни имлади. Ҳотам секин Ҳожи ёнига борди. Сартарош ухлаб ётган қария юзини чироқ билан ёритиб:

— Кўр!— деди.

Ҳотам энгашиб қаради.

— Танидингми? Қимга ўхшайди? Бошида пахта кўкартирган эди шу эмасми?.. Мана сўгалларини томоша қил-чи...

— Э-ҳа!..— деб Ҳотам бирдан кулиб юборди.

Қария мажолсиз кўзини очиб, аланг-жалаңг қарадио яна эста юмди...

Ҳамхоналар

Жабборқул лайлак воқеаси сабаб бўлиб дарбадарликда кун кечи-раётган Ҳотам Ҳожи сартарош билан ҳамхона бўлиб қолди. Маълумки, Ҳожи сатарошнинг ўзи ҳам Деҳибаланд масжидига осмондан тушган-дек пайдо бўлган эди. Дарвиш қиёфасидаги бу одам билан яқиндан қизиқиб қараган киши бўлмади. Фақат Қарим тоштарош: «Уни худо етказди бизга, гапи-сўзи бамаъни, ҳалол-покиза одамга ўхшайди. Раҳматлик Оймат сўфимиз ўрнини шу одам босгудек бўлса, марҳумнинг арвоҳи шод бўлади», дегани деҳибаландликларга маъқул тушиб, дарбадар Ҳожи масжид ҳужрасида хонанишин бўлиб қолган эди.

Сабабдан сабаб, балчиқдан иморат, деганларидек иккала дарбадар ҳамхона бўлиб қолганди. Ҳотам Ҳожи юмушларига қарашиб, масжид ҳовлисини супуриб-сидириб, қорларни курарди. Ҳожи қиш кунларини ўз ҳужрасида мижозларининг соч-соқолларини олиб, маърақаларга боқишиб, кунларини кеч қиларди. Ҳотам соч олдириш учун келган мижозларнинг бўйнига дарҳол лунги солиб, сочини сувлаб-ишқалаб ивита бошларди. Унинг қўли кучли, бармоқлари бақувват бўлганидан ҳашпаш дегунча тикандек қаттиқ сочларни ҳам ипакдек юмшатиб қўярди. Ҳожи сартарош майин бўлиб қолган сочга устара солар экан:

— Балли, ўғлим Ҳотамбек, қўлинг дард кўрмасин!— деб дуо қиларди.

Лекин бу ғарибона тирикчилик Ҳотам учун кўнгилсиз, зерикарли бўлгани учун ўзича «хўш, Ҳожи бободан сартарошликни ҳам ўрганиб оларман. Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас, деганларидек бир қишлоққа икки сартарош ортиқчалик қилиб қолмасмикин?», деб ўйларди.

Ҳотамда рўй бера бошлаган бу кайфиятни зийрак сартарош сезиб юрарди. У ўзига ўзи: «Йигит аини ўйнаб-куладиган ёшда. Эй дариг, қани у кулгу, қани у кўнгилхушлик?! Ўзига муносиб бирон машғулот топилгудек бўлса, ўша билан овора бўлиб қолармиди? Бу ерларда ким кўп — бекорчилар кўп! . Емғир бўлса ҳосил унади, йўқса деҳқон донга куяди. Бир томонга қарасанг, ям-яшил арпаю бугдойзор. Оби раҳматга тўйиб, ел-ял товланади, бўлиқ-бўлиқ бошоқларини кўтара олмай поячалари ер бағирлаб ётади, бир томонда минг-минглаб қўй-қўзилар, эчкию мол-ҳоллар маърашиб, қир-адирларда мириқиб ўтлаб юрибди... Бир томонда-чи? Жабборқул лайлаклар... Икки пуд дон учун, бир кафт ун учун зор қақшайди. Ҳотам-чи? Шод-хуррамлик ўрнига ғам-андух...»

Кунларнинг бирида масжидга янги, узун чопонининг устидан қўш-белбоғ боғлаган бир нуроний қария кириб келди. Ҳожи билан қўллашиб саломлашганидан сўнг:

— Соч-соқолни тартибга солиш лозим бўлиб қолди, усто,— деди у.

— Бажонидил,— деб жой кўрсатди Ҳожи, сўнг обдастадан қўлини ювди, сочиққа қўлини арта-арта нотаниш янги мижозга зимдан назар ташлаб, тахлаб қўйилган лунгилардан бирини олиб, унинг бўйнига тутиб қўйди. Сўнг кафтига сув қўйиб, мижози сочини ивита бошлади. Салдан кейин:

— Сочингиз ипакдек майин, ортиқча увитишга ҳам ҳожат йўқ экан,— деб устарани қайрай бошлади Ҳожи.

— Қаранг-а,— деб мулоим жилмайди қария,— бир вақтлар ўзингизга ўхшаган сартарошлар, сочингиз тикондек қаттиқ, юмшатиш ундан қаттиқ, устаранинг дамини қайтаради, деб шикоят қилишарди. Қаранг, усто, одам билан бирга соч ҳам, аъзолар ҳам қариб, киши омонатдек бўлиб қолар экан.

— Ҳа, дунёда қаримайдиган ҳеч нарса йўқ, ҳар бир мавжудотга

санаб берилган умр бор. Уша дилингизни оғритган сартарош сочингиздан шикоят қилмаса ҳам бўларди.

— Одам ҳар хил бўлганидек, устолар ҳам ҳар хил бўлар экан-да, Ҳожим. Қўлингиз дард кўрмасин, — деб устани дуо қилган бўлди қария.

— Раҳмат, келиб туринг... Чой ичиб чақчақлашамиз, — деди Ҳожи лунгини қозиққа осиб.

— Танишиб олдик, яхши бўлди. Қозоқи отни емга ўргатса, тўрвани тешади, деган гап бор. Чойингизга ўрганиб қолиб, хира пашша бўлиб қолмай яна, — деб кулиб қўйди янги мижоз.

— Эй-эй, нега ундай дейсиз?! Одам-одамга ғанимат. Ҳозир чой қайнайди, чақчақлашамиз, — шундай дея Ҳожи чўян офтобага сув қуя бошлади.

— Чой ичиб чақчақлашиш қочмас, усто. Чин сўзимни айтсам, кўпдан бери сиз билан танишиш орзусида юрардим. Қаранг, вақт-соати бугун экан. Менинг ҳам касбим сартарошлик, — деб ўзини танитган бўлди қария.

— Жуда соз, ҳамкасб эканмиз, — шу чоққача таниш бўлмаганидан ўкингандек деди Ҳожи. — Қаранг-а...

Қария орқаворатдан Додхудо деган бир одамни таништирди: у мажруҳ бўлгани сабабли ўн йилдан бери унинг уйига қатнаб, соч-соқолини олиши, сўнги чоқларда қарилик асорати билан кўзи нурсизланиб, қўли қалтираб, устара панд бераётганидан афсусланиб гапирди. Сўнги бир йил ичида мижозлар қочиб қолгани ва айниқса Додхудонинг: «Нега қўлингиз қалтирайдиган бўлиб қолди, уста?» дейверганидан қаттиқ ҳижолат чекаётганини, агар розилик бергудек бўлса, Ҳожини ўз ўрнига Додхудо хизматига тавсия қилиш умидида келганини ҳам тортина-тортина айтиб берди.

Ҳожи, Додхудони сиртдан бўлса-да, оз-моз биларди. Имом Ҳасайн-Имом Ҳусайн масжидида намозхонлар Додхудога иззат-икром кўрсатишлари Ҳожи эътиборини ўзига тортган эди. Бундан ташқари, Додхудо Ҳозгон мармаридан масжидга устунлар ясатиш ниятида эмиш, деган миш-мишларни ҳам эшитган эди.

— Майли, савоб иш экан, — деб розилигини билдирди Ҳожи. — Сиз бошлаган ишни мен давом эттириб, сизни хурсанд қилолсам, шунинг ўзи менга катта муқофот...

Шундай қилиб, Ҳожи сартарош Деҳибаланддан яна бир мижоз орттирди. Ҳожининг барча мижозлари соч-соқол олдириш учун унинг ҳужрасига қатнасалар, Ҳожи янги мижози Додхудоникига қатнайдиган бўлиб қолди. У ҳар ҳафтанинг жума кuni эрта билан Додхудонинг ҳузурига бориб, соч-соқолини тартибга солиб қайтар эди. Шу орада Ҳожи Додхудо билан яхшигина танишиб олди. Додхудо ўзини ўта художўй, тақводор қилиб кўрсатарди-ю, қилмишлари гапига тўғри келмасди. Буни севган Ҳожи баъзан сўз орасида Додхудонинг гапига андак таҳлил киритмокчи бўлганда, Додхудо ўзини ёқлаб туриб оларди.

Шунда Ҳожи:

— Ақл билан нафснинг бири сув бўлса, бири олов. Ақл кишини бир томонга бошлаганда, нафс иккинчи томонга тортса-ю, нафс ғолиб келаверса, охири бахайр бўлмайди, — деди.

— Худо раҳмат қилгур отам савоб учун масжид қурдириб кетдилар. Сиз айтган ақл йўлидан бориб, савоб учун мен ҳам мажруҳ бўлишимга қарамай, жума намозини жамоат билан бирга ўқийман. Рўза тутаман, қурбонлик қиламан, закот бераман, — деб писанда қиларди Додхудо.

Ҳожи сартарош мийғида кулиб, шарият нуқтаи назарини тушунтира кетарди:

— Ҳар бир мусулмон учун беш вақт намоз фарз! Отангиз масжид

солиб кетган эканлар, буни савоб деса бўлади. Ариқ қазиб, ёки дарё устига кўприк солдирсангиз, бу ҳам савоб, чунки ариқдан халқ сув ичади, ер суғоради, кўприкдан йўловчилар ўтади. Ҳовуз қаздириб сув куйсангиз, бу ҳам савоб, агар бу ишингиздан эл-юртга манфаат етса.

— Хизматингиз ҳам, гапларингиз ҳам менга маъқул тушиб қолди, дея гурунгни бошқа ёққа бурганди ўша кунни Додхудо.— Мана, ўзингиз аҳволимни кўриб турибсиз: ўтирсам туролмайман, турсам ўтиролмайман. Ҳар ҳафта жума намозига олиб бориб, олиб келадиган бир хизматкорим бор эди, умри қисқа экан, яқинда қазо қилди, жойи жаннатда бўлсин.

Ҳожи: «Худо раҳмат қилсин», деб юзига фотиҳа тортди.

— Бирор кишининг ёрдамисиз, кўриб турибсиз, масжидга бориб, жамоатга қатнаша олмайман. Сиз — Ҳожим, энди бир иш қилсангиз, яхшилигингизни ўлгунимча унутмаган бўлардим. Бирорта мусулмони қобил топилса, ҳар жума кунни мени масжидга олиб бориб, олиб келса, хизмат ҳақидан уни ҳам хурсанд қилардим.

Ҳожи бир оз ўйланиб туриб:

— Топилиб қолар, қим кўп — бекорчи кўп,— деди.

— Ҳар қандай бекорчининг кераги йўқ менга! — Зардамуз гап қилди Додхудо, сўнг бир оз тин олиб, мулойимлик билан деди: — ўзингиздан қолар гап йўқ. Тўғриси айтсам, ўзингизга ўхшаган одамохун, диёнатли бир мусулмон — худонинг бандаси керак.

— Тушунаман, сизга ўтир десангиз ўтирадиган, тур десангиз турадигани керак... Қим билсин яна, ўзи билан бир сўзлашиб кўрсам, қандай бўлар экан?

— Ўзи билан? Ўзи ким? — Қизиқиш билан сўради Додхудо.— Очикроқ айтсангиз-чи, ким ўзи у?!

— Шу кунларда қишлоқда бир йигит пайдо бўлиб қолган. Унинг феъли атвори менга маъқул. Бир ҳужрада истиқомат қиламиз. Шу ёшга кириб бунингдек меҳру оқибатлисини кўрмаганман. Исми ҳам феълу атворига жуда мос — Ҳотам. Шу йигит билан бир гаплашиб кўрай. Йўқ, демаса керак, албатта.

— Ёши нечада? — қизийиб сўради мажруҳ.

— Ҳали ёш, бўз бола. Аммо тоғни талқон қилгудек кучи бор.

— Майли, сизга маъқул бўлса, менга маъқул бўлгани шу! — деди Додхудо, Ҳожини ўзига яқин тутган бўлиб.— Насиб этса, келаси намозга борсам, яхши бўларди. От-уловда ўтиролмайман...

— Яхши, сўзлашиб, сизга жавобини айтарман. Энди менга рухсат, хуш қолинг,— дея ўрнидан турди Ҳожи.

— Ҳожим, анови кўрпача қаватини кўтаринг-чи? — деди илтифот билан Додхудо.

Ҳожи, нима гап, дегандек ҳайронлик билан унга қаради.

— Ҳа-ҳа, айтганини қилинг! — деди Додхудо.

Ҳожи кўрпача қаватини кўтарган эди, бир дона бухори тангага кўзи тушди.

— Олинг, қуруқ бўлмасин.

Ҳожи «йўқ» деган манъода бош тебратиб, қаддини ростлади:

— Мен сизга холис хизмат қиламан, худога шукур, оч эмасман, кейин қўлимга қараб, ютоқиб турган гўдакларим ҳам йўқ. Хайр...

Ҳожи хўшлашиб чиқиб кетди.

«Қизиқ, пулни хуш кўрмайдиган одам ҳам бўлар экан-да! Тавба... Пулни бошига урмас эмиш! Вой, девона! — Додхудо ичида ижирганиб, мийиғида истеҳзоли кулди.— Пулни бошига урмас эмиш!.. Мана, мен пулим, давлатим бўлмаганда, худо билади, балки хор-зорликда ном-нишонсиз бўлиб кетармидим. Атрофимда парвона бўлиб юрганларга мен эмас, пулим — давлатим керак. Ер-сувим, қўша-қўша ҳўкизим, чорва-

даги молларим керак. Пули бўлгани учун отам раҳматлик масжид солдирганлар. У зоти бо баракот энди йўқлар. Аммо ибодатга йўл олган мусулмонлар, Маматбой масжидига бораяпмиз, деб ҳамду сано айтишиб, отамнинг номини тилга оладилар. Мана, пул нималарга қодир. Қазоси етиб, Ҳожи сартарош ўлса, ким уни эсга олади? Оти ўзи билан тупроққа кўмилади. Хайр, майли, ҳар кимнинг билгани ўзига...»

Таваллуд

Деҳибаландда бирор давлатманд нуфуз ва эътибор жиҳатидан Маматбой олдига туша олмас эди. Ҳар қандай маслаҳат Маматбой бош қўшмагунча амалга оширилмасди. Бу атроф қишлоқлардаги каттакич амалдорларни ўтқазиб-турғазадиган ҳам шу Маматбой эди.

Маматбой икки марта уйланди, икки хотинидан ҳам фарзанд кўрмади. Шу жиҳатдан унинг кўнгли яримта бўлиб, ҳаёти кемтик эди. Айниқса, Маматбой Имом Ҳасайн-Имом Ҳусайн масжидига намози жумани ўқигани борган чоғларида маҳалла-кўйда, элу юртда номи Камол лашкар деб юритиладиган бир «дарвиш» одамлар гавжум жойларда ҳозир нозир бўлиб, ўзининг бир қўшигини қироат билан айтарди:

Фарзанди борнинг оти бор, оти,
Унда ота зоти бор, зоти...

Шунда Маматбойнинг юрак-бағри эзилиб кетарди. Ғам тортиб, ерга қараганча жим қолар эди.

Фарзанд деган бир гул бўлур,
Гул шоҳида булбул бўлур...

Кейин Маматбойнинг кўзларига ёш тирқираб келар эди. Атрофидагилар унга «Бу бир худонинг жинни бандаси, шунинг гапи нимаю ўзи нима» қабилда тасалли беришар, баъзи кўнгил яқин ошналари эса айбни хотинларга тўнкаб, учинчи марта бахтини синаб кўришга ундардилар...

Ҳар қалай, қиз деган палахмон тоши, деганларича бор-да, бўлмаса Бухоро қайда-ю, Нурота қайда? Бировлар айтгандек тақдир тақозосими (йўғ-а, пул бўлса, чангалда шўрва!), бир ошноси икки орада восита-сабабчи бўлдию Бухорою шариф яқинидаги даҳа қозисининг қизи Маматбойга учинчи хотинликка Нуротага узатилди. Маматбой уч хотинлик бўлди-қолди.

Янги келин тақдирига ҳаммадан кўпроқ қизиққан иккала кундош бўлди: улар ўтаётган кунларни санаб, ёш кундошларида зоҳир бўлаётган ҳар бир ташқи, ички аломатларни синчковлик билан кузатиб боришарди. Унинг тўлишган чеҳрасида доғ-дуғлар пайдо бўла бошлади. Сўнграқ — никоҳ кунига уч ой тўлар-тўлмас ёш кундош аччиқ анорга бошқоронги бўлганида шодлиги дунёга сиғмаган Маматбой ўшанда аччиқ анор излатиб, Шаҳрисабзга чопар юборган эди.

Маматбойнинг бахтиёрлиги бахтсиз иккала кундошнинг юрагига ўчмас аламдан ўт ёқарди.

Кундошларидаги ғайрликни сезган ҳомиладор ёш кундош бундан эрини хабардор қилди. Тадбиркор Маматбой рўй бериш эҳтимоли бўлган хавф-хатарнинг тезлик билан олдини олди: ҳомиладор хотинини кўзи ёригунча, деб қайнотасиникига олиб бориб қўйди. Уша кундан бошлаб бойнинг бир оёғи Бухорода, бир оёғи Нуротада бўлиб қолганди.

Эшак миңганнинг оёғи тинмас, қўш хотинликнинг қулоғи. Ёш хотин ҳузур-ҳаловат билан бирга Маматбойга сон-саноқсиз ташвишлар ҳам келтирган эди. Истиқболларида рўшнолик кўринмаган ҳар иккала кундош ётиб қолгунча отиб қол қабилда иш гутиб, Нурота авлиёга атаб,

Бухорий тангадан етти донасини бошларидан ўгириб қўйишган, аза-йимхонларга ўқитиб, иссиқ-совуқ қилдиришган эди. Энди эса Маматбойга гоҳ зимдан, гоҳ ошкора тиш қайраб юрардилар.

— Никоҳ кечасига бугун роса олти ою тўққиз кун бўлди. Бош қоронғи бўлганини ҳисобласангиз, яна уч ойларда Бухородан чопар келса, ажаб эмас. Суюнчисини ҳозирдан тайёрлайверинг, — деди бир куни иккинчи хотин Холпошша кундоши Қимматпошшага тегажоғлиқ қилиб.

— Худонинг берган ҳафтаси эржонингиз қўйингизда, кулиб кириб, кулиб чиқадилар. Сиз суюнмай нега мен суюнар эканман. Туғолмай ўлса суюнмасидим, ўша тоғ ошиб кетган сойкелдингиз?

— Қўйинг, бировга ўлим тилагунча ўзингизга умр тиланг, опажон, — деди Холпошша.

— Бундан кўра ўлган яхши. Қаро ерга кирган яхши!

— Ундай деманг, зора-мора азиз авлиёлар бизни ҳам ёрлақасалар, зора-мора биз ҳам тирноқ кўриб, юзимиз ёруғ бўлса, — деб бирдан кўзлари ёшланди Холпошшанинг.

— Азиз авлиёлар ёрлақагудек бўлса, шу кунгача ёрлақамасиди?! — деди куйинчаклик билан биринчи хотин Қимматпошша.

— Ноумид шайтон, опажон, — деди Холпошша ўксик оҳангда.

— Хомтама бўлманг, бундан сўнг ой чиқса ҳам бухороликка, кун чиқса ҳам бухороликка. Рўшнолик йўқ энди бизга. Мотамсаро бу дунёда ёғ ичида яйрамасам, бошимга ураманми, бу давлатини. Исқотига қўйилсин давлати! — дея ҳўнграб, уйдан чиқиб кетди Қимматпошша.

Шу пайт ҳовлидан Маматбойнинг ғазабнок овози гўмбурлаб эшитилди:

— Яна нима йиғи-сиғи, болаларинг ўлиб, бағриларинг куйдими?!

Қимматпошша сингари дод солган бўлмаса ҳам, тўрт девор ичида юрак-бағри ўртаниб ўтирган Холпошшанинг ҳам иккала кўзи жиққа ёш эди. «Болаларинг ўлиб бағриларинг куйдими, дейди-я! Кошки эди болам бўлса, ўлса, бағрим куйса — рози эдим. — Алам билан шивирлади Холпошша. — Худо берганни худо оларди, тақдирга тан берардим: эрим олдида, элим олдида, юзим ёруғ бўларди. Эй, яратган эгам, зурриётни нега мен бенавога раво кўрмадинг? Таъна-тазаррулар жон-жонимга тегди. Икки гапнинг бирида боласизлигим юзимга солинади, тилим қисқалигини билиб, илондек чақади, захрини сочади номард. Номим туғмасга чиқди. Кундошим нега туғмади. У бечора ҳам худодан кўради. Бу доғни ювиб бўлармикин? Қандай қилиб?.. Талоқ хати сўрасам-чи?.. Ана, майли, талоқ ҳам қилди, кейин-чи?.. Кимга керак туғмас аёл?.. Мевасиз дарахт ўтинга ярайди. Утинман, ўтин! Ундай десам, эримиз Маматбой ҳам мевасиз дарахт эди. Бухоролик жонига ора кирди — бахтини очди. Холпошша беихтиёр кенжатоё кундошини



эслаб, негадир бошини аламзадалик билан сарак-сарак қилди.— Туғиш — аёл учун ўлиб-ўлиб тирилиш... Туғиб ёки туғолмай, ўлиб кетган аёллар озми? Бўлган-ку?.. Мен кундошим Қимматпошшага ўхшаб, бухороликка асло ўлим тиламайман. У шўрликда нима айб, нима гуноҳ? Эсон-омон кўзи ёрса, суюнганим бўлсин. Худо ҳаққи суюнаман...»

Орадан бир қанча вақт ўтгач, қутилмаганда кенжа хотин Шамсиқамарнинг кўзи ёригани тўғрисида Бухородан хушxabар келди. Бу хушxabарни Шамсиқамарнинг укаси, ўн етти ёшлардаги йигитча келтирган эди. У чакишгандек шу кунни Маматбой уйда йўқ эди. У қўшни қишлоқлик бир ошнасиникига суннат тўйига кетган эди.

— Хўжайиндан суюнчини ўзим оладиган бўлдим!— деди бойнинг содиқ хизматкори Соҳиб саркор.

У якка миҳда қантариб қўйилган отга миниб йўлга тушди...

Бухородан келган хушxabар Қимматпошшанинг юрагига лахча чўғдек босилди. У югурганча кундоши олдига чиқди-да, истехзо билан қошини чимириб:

— Хушxabарни эшитдингизми?— деб сўради.

— Эшитдим.

— Суюндингизми?

— Нимайди?

— Айтинг-чи, суюндингизми, йўқми?

— Суюндим. Сиз-чи?— дея савол берди Холпошша.

— Сиз суюнганда, мен суюнсам нима бўпти,— дея бош тебратиб, илмоқли савол ташлади Қимматпошша.— Ордона қоғури мунча чиллаки бўлмаса?

— Қайдам...

Бухоролик кундошнинг вақтидан бурун кўзи ёригани Қимматпошшага, айниқса, дастак бўлган эди. Қўлларини белига тираб, тантанавор оҳангда:

— Анойилик қилманг, сойкелди кундошингизнинг никоҳ кечасига неча ойу неча кун бўлди?— деди.

— Санамадим. Сизга ўхшаб эшик тирқишидан мўралаган эмасман.

— Ҳа, илон билан чаён чаққан эди ўша кеча сизни ҳам,— деди қоматини беҳаё қилпанглатиб Қимматпошша.

— Кунма-кунга ҳисоблаганда етти ою тўрт кун бўлди. Кеча туққан бўлса, етти ою уч кун! Росмана чақалоқни она неча ой қорнида кўтаради?

— Қайдан билай?— деди Холпошша.

— Ўзим биламан: тўққиз ою, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа кўтаради. Бухоролик ойимчангизнинг эржонингиз билан қўшилганига бугун роса етти ой тўрт кун бўлди. Чала, ғирт чала, бир парчагина эт! Қандай қилиб чақалоқ бўлсину-а? Қози поччамнинг онаси ўпмаган қизи никоҳидан икки ой бурун бирорта жазман билан ўйнашиб қўйган, тегса-тегмасга учот бўлиб кетган, ҳа. Қорнидаги зорманда ҳам ўшандан. Ҳароми! Қизларининг қорни қаппаймасдан бурун эл маломатидан қўрқиб, қози поччам ўлгур зормандаларини палахмон тош ўрнига, палағда тухум қилиб Нуротага отганлари энди ойдинлашиб қолди. Шундай эмасми, Холпошшахон?

— Қайдам,— деди яна Холпошша.

— Қайдамига бало борми! Аёл боши — оллонинг тоши, дейдилар. Улмасак кўрармиз, кимнинг пушти ловиллаган чўғ-у, кимнинг пушти қиш чилласи, зимистон!..

Биринчи хотин — Қимматпошша қадди-қомати келишган, ўттиз беш ёшларга кирган, юзи қаттиқ, шаддод аёл. У кийинишга, зеб-зийнатга ўч, кўзига сурма, қошига ўсма қўйишдан зерикмайди. Ўсма сурма қўйишнинг боиси шуки, у оқ тан, тўлин ойдек оппоқ юзли бўлса ҳам,

сочи, қоши ва киприги сарғишга мойил. Шу боис қора қош, қора соч кундоши Холпошшага ҳасад қилиб, бўяниб юрар эди.

Уртанча хотин Холпошша Қимматпошшанинг тескариси: лўппи юз, ўнг ёноғида мошдеккина холи бор, чўлпон кўз, қора-қўнғир соч, қайрилма қош, камгап, камсуқум, йигирма беш ёшлардаги хушбичим жувон эди.

Қимматпошша ҳануз жағи-жағига тегмай жаврарди. У нима қилиб бўлса ҳам, бухоролик кундошини бадном қилиш, эри Маматбойнинг тилини қисқа қилиш пайида эди.

— Қизиқ,— деб ёқасини ушларди Ҳ,— бераман деган қулига, чиқариб қўяр йўлига, деганлари шу экан-да. Йўлдан топилгандек бўлди-қолди зорқолгур... Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур. Қўйруқда бир гап бор, у бежиз эмас, деган экан биров. Шунга ўхшаб...

— Эй, бой келдилар!— деб қичқирди кимдир.

Йўлакда Маматбой кўринди. Қимматпошша кўзларини катта-катта очиб, эрига тикилди. У Соҳиб саркор етказган хабарни, Маматбой қандай қабул қиларкин, деган ўйда эди. Лекин унинг ташвиши беҳуда чиқди, чунки Соҳиб саркор йўл олар чоғда Бухородан хабар олиб келган Фозилжон унга бир мактуб узатиб: «Суюнчи сўрашдан олдин шу хатни поччамга берасиз», деб тайинлаган эди. Соҳиб саркор ҳам Фозилжоннинг айтганини бажарганда, Маматбой хатга кўз югуртираркан, бир ранги ўчиб, бир илжайиб, ниҳоят: «Чаласини берган худойим бутунини ҳам берар. Бўпти. Шунисига ҳам шукур!», деб отига қамчи урган эди.

Маматбой ҳовлига кириши билан Фозилжон поччасининг истиқболлига югурди, салом бериб:

— Ўғил муборак бўлсин, поччажон. Дадам ғойибона сизни муборакбод қилиб, салом йўлладилар,— деди.

— Саломат бўлсинлар. Мактубларини олдим. Қози отамга неvara, ўзларига жиянча муборак бўлсин! Опангизни соғлиғи қалай?— деди бир қадар босиқлик билан Маматбой.

— Яхши, худога шукур. Соғлиқлари яхши. Жиянчам ҳам тетик,— деди қизариб Фозилжон.

— Хайрият, берганига шукур. Етказганига шукур!— дея Маматбой хизматкорлари саф тортиб турган томонга назар ташлаб, эшик орқасидан мўралаб турган катта хотини Қимматпошшани кўрди, хотини ўзини панага олганини сезиб, юраги «шиғ» этиб кетди: «Бу кунги шодлигим кундошлар учун аза. Бутун умрга етадиган бўлди бу аза!— деб кўнглидан ўтказди Маматбой.— Худога шукур, эл маломатидан қутулдим. Фарзанд кўрдим. Шамсиқамар мени оқлади. Айб хотинларимда эканлигини менам исботладим. Ҳа, яхши бўлсалар ошларини, ёмон бўлсалар бошларини... Ўзларидан ўпкалашсин, энди...»

— Бирор хизмат борми, хўжайин?— деди рўпарада турган Соҳиб саркор унинг кимнидир излаётганини пайқаб.

— Э-э, шу ердамисан?— деди Маматбой.

— Шу ердман, хўжайин. Қадами қутлуғ келсин Давлатёрнинг.

— Айтганинг келсин. Давлатёр?.. Бу нима деганинг?

— Давлатёр — ўғилча, фарзандингиз, хўжайин.

— Ҳа, ҳа яхши ўйлабсан. Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Давлатимга давлат кўшиди, худойим. Раҳмат, сенга саркор. Аммо биринчи фарзандга исм қўйиш, удумимизга кўра, чақалоқнинг бобоси ёки момосининг ҳаққи. Бухоролик қози бобо нима десалар шу! Сиз нима дедингиз, тоғажониси?— деди эндигина мўйлаби сабза урган қайнисига мурожаат қилиб Маматбой.

— Дадам доя момо киндик кесаётган чоғдаёқ жиянчамга от қўйган эканлар.

— Эшитсак бўладими?— деб қайнисига, сўнг атрофни ўраб олган хизматкор мулозимларига қаради Маматбой.

Тоғача поччасидан ҳам закки экан, бутун вужудини қулоқ қилиб турганларни бир фурсат мунтазир қилиб, сўнг тантанаворлик билан:

— Жиянчамнинг отлари Додхудо!— деди.

— Қадами қутлуғ келсин Додхудонинг!— дейишди одамлар.

— Додхудо, Давлатёр... Бири-биридан улуг. Аммо Додхудо ундан ҳам улуг. Дарҳақиқат, бу фарзандни худо берди менга. Умри-ризи билан бергани чин бўлсин. Қани сиз, Додхудо?

Ҳамма хушҳол кулишди.

— Соҳиб!

— Лаббай, хўжайин.

— Отхонага югур! Етаклаб чиқ!

— Қайси бирини, хўжайин? Дулдулними?

— Дулдулни яхши ният билан атаганман, насиб бўлса, Додхудонинг ўзи минади. Қора бургутни етаклаб чиқа қол, тоғачаси миниб кетсиз суюнчисига.

Соҳиб саркор югурганча отхонага кириб кетди. Ҳамманинг нигоҳи сайсхона тарафга қадалди. Бу вақт Соҳиб саркор арқонни калта ушлаб, пешонаси қашқа, зулукдек тимқора отни етаклаб чиқди. От олдинги оёқларини юқори кўтарганча пишқириб кишнади. Соҳиб саркор чапдастлик билан нўхтани пастга босди. Отнинг кўзларидан ўт чақнар, ўйноқлаб кишнади, майин туклари эса офтобда бахмалдай ялтирар эди...

Додхудонинг таваллуди шу тахлит ташвиш, тантана, бировга қувонч, бировларга ғам-алам келтириш билан нишонланган эди.

Найранг

Шамсиқамар тўғрисида Қимматпошша тарқатган маломат тўғри бўлиб чиқмади. Гарчи, унинг ой-кунини дақиқалаб санаб юрган ҳисоби тўғри бўлса-да: «Болани ўйнашдан ортдирган», дегани ёлғон чиқди. Бола вақтидан бурун — етти ойлигида туғилган эди. Тадбиркор қози бобо Бухоро телпакдўзларига она қорнидек юмшоқ ва иссиқ қулоқчинсифат телпак тикдириди ва унга болани ётқизиб, тажрибали доя-момо ва табиблар назоратида чала чақалоқ Додхудони боқтира бошлади. Кунлар ўта бориб, ниҳоят, бола она кўкрагидан озикланадиган бўлди. Орадан уч ойлар чамаси вақт ўтгач эса Додхудо росмана туғилган чақалоқ тусига кириб қолган эди.

Маматбой Нурота билан Бухоро орасида бўзчининг моксидек қатнайвериб чарчади. Қайнатаси — қози бува ва унинг оиласига миннатдорчилик билдириб, энди хотини Шамсиқамар билан ўғилчаси Додхудони Нуротага кўчириб келмоқчи эканлигини айтди. Бу илтимос қанчалик ўринли бўлмасин, қози бобога унча маъқул бўлмади. «Додхудо ҳали мурғак, шошилманг, пича суяги қотсин, сўнг бир гап бўлар», деган мазмунда жавоб қилган эди. Шу тариқа ярим йил ўтиб кетди. Қайнатаси шошмаганидек хотини Шамсиқамарнинг ҳам қўш кундош билан «ади-бади» айтишиб, гул юзини заъфарон қилишга, ширин ошига оғу қўшилишига хоҳиши йўқ эди. «Болангиз ҳали ёш. Келиб-кегиб турибсиз-ку... Шуниси маъқул эмасми?..» дейишга ҳам ботина олганди Шамсиқамар.

Маматбой икки ўт орасида қолганди. Нуротадаги шунча боғу чорва, уй-рўзгор — давлатини ташлаб, Бухорода истиқомат қилиш — ҳеч бир ваздан унга маъқул эмас эди. Нима қилиб бўлса ҳам, бор баҳона топиш, қози бобони кўндириб, хотини Шамсиқамарни кўчириб келиш учун рози-ризалик олиши зарур эди. «Сиз-биз» билан бошланган иш «санман»га бормаслиги керак, деган мулоҳаза билан Маматбой эҳтиёткор-

лик йўлини тутарди. Бўлмаса: «Қози ота! Қизингиз менинг хасмим. Мен қаерда бўлсам, хасмим ҳам ўша ерда бўлмоғи керак», дейишга ҳаққи бор эди. Лекин у бундай қилмади. У нуроталик «оғзи ботир», дўсту биродарлари билан кенгашиб, қайнатаси ва унга яқин казо-казолардан бир нечасини меҳмонга чорлади.

Қозининг оёғи остига қўчқор сўйилди, сўнг кенг ва шинам меҳмонхонага дастурхон ёзиб, қуюқ-суюқ лаззатли таомлар тортилди, расм-русумлар бажо келтирилди. Меҳмон ва мезбонлар қози бобони набира билан, Маматбойни эса фарзанд билан қутлашиб, Додхудога узоқ умр, ҳизир баракали давлат тилашдилар.

Маматбой қайнатаси елкасига кимхоб тўн, унга ҳамроҳ бўлиб келган меҳмонларга эса банорас тўнлар кийгизиб, ҳаммаларини сарупо билан муборакбод этди. Шундан кейин бой кўнглига тугиб қўйган муддаосига орзу-ҳавас сифатини бериб:

— Алҳамдулилло, — дея сўз бошлади, — оллога шукурлар бўлсинки, эзгу тилак, мурод-мақсадимиз ҳосил бўлди. Сиз жаноб ҳазратлари қози отамиз набиралик, камина фақирлари фарзандлик бўлдик. Оллонинг бу улуг инояти учун дил-дилимдан қувониб, шукронаси учун беш вақт намозда дуойи-жонини қиламан. Яна фарзандлик бурчимиз будирки, бобомиз ҳазратлари хоҳиш билдириб, саъй қилсалар, набирангиз Додхудо шарафи, пой-қадамига неклик тилаб, дастурхон ёзсам, элга ош берсам, деган ниятим бор... Яна бир эзгу сир-асрорим шу эдики, жаноб қиблагоҳимиз ризолик берсалар, каминаи камтарин фарзандларини бахтиёр қилган бўлардилар...

Қози меҳмонларга, меҳмонлар қозига ер тагидан қарашиб олди. Ҳеч биридан садо чиқавермагач, Маматбой ўрнидан туриб, иккала қўлини кўксига қўйди-да:

— Арзу-ҳол қилишга ижозат сўрайман? — деди бош эгиб.

— Хўш-хўш, бажонидил. Жон қулоғимиз сизда, ўғлим, — деди оғир тин олиб қози.

— Қуллуқ, — Маматбой бир нафас сукут сақлаб, гап бошлади. — Бу дунёга ҳамма ҳам омонат... Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, куним битиб дунёдан ўтганимда, шукурлар бўлсинки, энди чироғим ўчмайди. Қози отамнинг набиралари Додхудо хонадонимиз чироғини ёқиб, ўз-ўзидан кўпайиб, авлод-аждодимиз давом этаверади.

— Иншоолло! — деди қози. Меҳмонлар жўр овозда «Омин!» деб, Додхудога узоқ умр тиладилар.

— Дунё моли дунёда қолар экан. Падар бузрукворимиз оқ фотиҳа берсалар, набиралари Додхудо қадамини шарафлаб, Ғозгон мрамаридан бир масжид қурдирсам. Дилимдаги эзгу сир-асрорим шудир.

Шу пайтгача қандайдир паришонхотир ўтирган қози бирданига жонланиб: «Омин, мурод-мақсадингизга етинг, ўғлим!», деб юборди. Мезбонлар ҳам қозига тилакдошлик кўрсатиб: «Савоби азим, улуг савоб» дейишиб, Маматбой ҳимматига тасаннолар айтиб, оқ фотиҳа берган бўлдилар.

— Қуллуқ, қуллуқ! — дея таъзим қилди Маматбой. — Қози отамнинг рози-ризоликлари, оқ фотиҳалари билан фақирул-ҳақирнинг орзу-ҳаваси ушалди ҳисоб, жанобларининг азму-иродалари нечоғлик кўнгил хушлик ва бахтиёрлик бўлди каминага.

Тўлиб-тошиб меҳмондўстлик кўрсатаётган ва ширин суханлик қилаётган Маматбой меҳмонлар назарида Ҳотамтойдан кўра ҳам ҳимматлироқ кўриниб кетди. Унинг басавлат қомати, ширмойи нондек сермағиз оқ юзи, бўртиб чиққан дўнг қовоғи устидаги ўсиқ қора қоши, ҳали бирорта ҳам оқ ораламаган мўйлаби, чўзиқ энгаҳига мослаб қайчиланган қоп-қора соқоли, думалоқ тарвуздек бошига ўралган кулранг салласи, товус тусида товланиб турган тўни тўладан келган қоматига шу қадар

ярашган эдики, Маматбой меҳмонлар кўзига яна ҳам салобатли, яна ҳам кўркем ва саховатли кўриниб кетган эди.

Барчанинг нигоҳи қозида, у нима деса, шу бўлар эди. Қози бир қадар тамкинлик билан фотиҳага қўл очиб:

— Омин!— деди. Бошқалар ҳам унга жўр бўладилар:

— Омин!..

Қози яна дуо қилишда давом этди:

— Худоё-худовандо ниятингиз йўлдошингиз бўлиб, мармар масжид бунёд қилинг, мурод мақсадингизга етинг, бошингиз тўйдан, эзгу савоб ишлардан чиқмасин, хайру эҳсонларингиз даргоҳига қабул бўлсин. Лофато илло Али лосайфи илло зулфиқор, ҳар балою, ҳар қазою пеш оят даф кун, парвардигор. Оллоҳу акбар!

Зиёфат дастурхони атрофида ўтирганлар ёппасига:

— Оллоҳу акбар,— дейишиб, Маматбой билан қозини муборақбод қилдилар.— Муборақ бўлсин!..

— Қуллуқ,— деб жавоб қилишди қайната-куёв таъзим билан.

Маматбой асл муддаосига шу найранг билан эришадиган бўлди. Тўйни кечиктирмай шу ҳафтанинг ўзида бошламоқчи. Таажжубланидиган ери йўқ: «Пул бўлса чангалда шўрва», дейдилар-ку...

Тўй — элга ош бериш тараддуи бошланиб кетди.

«Ётса молим, етмаса жоғим, худо берган Додхудо учун ҳеч нарсани аяманглар!», дер эди Маматбой мулозимларига.

Тўй ошига ва кўпқари-улоққа меҳмонлар Бухородан ва Нурота атрофидаги шаҳар-қишлоқлардан таклиф қилинган эди.

Бундай вақтларда, маълумки, «узун қулоқ»нинг хизмати катта бўлади.

Маматбойнинг тўйи тўғрисидаги хабар «узун қулоқ» ёрдамида атроф-теваракдаги қишлоқларга, ҳатто олис шаҳарларга ҳам яшин тезлигида тарқалди. «Нуроталик Маматбой деган бир бой бутун Бухоро музофотига тўй бераётганмиш...»; «Ҳа, мен ҳам эшитдим, ўша бой қози калоннинг қизига уйланиб (эшитяпсизми, даҳа қозиси «узун қулоқ» ёрдамида қози калонга айланиб кетди), кўчқордек ўғил кўрган экан»; «Ҳа-да, икки бор уйланиб ҳам фарзанд кўрмаган бой, учинчи хотиндан фарзанд кўрибди...»

Ана шунақа. Маматбойнинг тўйи тўғрисидаги хабар «узун қулоқ» ёрдамида ҳангоматалабларнинг ҳам қулоғига етиб, Нуротага йўл олгандилар. Улар орасида машҳур улоқчи — чавандозлар ҳам бор эди. Улоқчи — чавандозларга, фалон ерда кўпқари бўлармиш, деган хабар етса бўлди — улоқ чопиладиган ерга елиб борадилар.

Улоқчи — чавандозларнинг кўпчилигида ўзи боқиб юрган улоқчи от бўлмас эди. Улар от ишқибозларининг кўпқари учун парваришлаб юрган отларини миниб, улоқ чопишни одат қилиб олган эдилар. Шу боисдан кўпқарида қатнашадиган отларнинг кўпчилиги отбозорларники бўларди. Улар кўпқарида фалончининг оти ёки хоназоти «соврин олди»сига ишқибоз эдилар.

Улоқчи отлар асосан икки зотга бўлинар эди: биринчиси қорабайир зотидан бўлган бичими йўғон, бели бақувват, кўкрақдор, сағриси кенг; иккинчисининг эса жуссаси хипча, бўйдор, оёқ ва бўйни узун, кийикдек енгил, шамолдек учқур, қувласа ёвига етиб, қочса етказмайдиган чепқир от наслидан эди. Тўдакаш от наслини қорабайир деб атасалар. Ўзгир от наслини туркман оти, деб ҳам юритардилар.

Шундай қилиб, кўпқари — улоқ ишқибозлари чор атрофдан отларини ўйнатиб: «Қайдасан, Нурота!» дея тўйхона сари гурос-гурос от сўриб келардилар.

Маматбой узоқ-яқиндан казо-казоларни тўйга таклиф қилиш билан бирга машҳур чавандозларни ҳам таклиф қилганди. Меҳмонлар келиб

қўнадиган алоҳида-алоҳида хонадонларда жойлар белгиланиб, уларга мезбонлик вазифасини бажарувчи мутасаддилар ҳам тайинлаб қўйилган эди.

Кеч куз. Меҳмонлар Самарқанд тарафдан — Зарметан, Зирабулоқдан; Бухоро тарафдан — Гаждумак, Хўжайжаҳон, Қизилтепа туманларидан Деҳибаландга ошиқардилар.

Деҳибаланд — Деҳибаланд бўлиб, бундай катта маърака кўрмаган. Бу тўй тантанаси ҳали бир ярим ёшга етмаган Додхудонинг дунёга келиш шарафига ўтказилаётган эди.

Тўйхонада эркакларни кутадиган мутасаддилар кўп эди, уларга Соҳиб саркор бошчилик қиларди. Аммо аёлларни кутишга келганда тўйхонада парокандалик борлиги сезилиб турарди. Тўнғич хотин Қимматпошша рашк-ҳасад ўтида ёниб, ўзини бутунлай йўқотиб қўйганди. У шу хонадоннинг бош бекаси бўлишига қарамасдан, ўзини четга олди, келган-кетганлар билан иши бўлмади. Маматбойнинг ўртанча хотини Холпошша эса: «Хуш кўрдик, хуш келибсизлар» қилиб, Шамсиқамар билан бирга елиб-югуриб меҳмон кутди, меҳмонларни кузатди.

Тўйда уйни тўлдириб ўтирган меҳмон аёллар Холпошшадаги кўнгилчанликни кўриб:

— Шуни айтинг-а, бўлмаса иккаласи ҳам одам фарзанди, бири сув, бири олов!— деб олқар, бошқа бириси эса:

— Катта кундош қайнаса қони қўшилмас ичи қора, бадфеъл экан,— дея уларнинг фикрини маъқуллаган бўларди.

— Қаранглар-а, ё тавбангдан кетай, учинчи кундош бир қоп ёнғоқ, шалдир-шулдир. Дунёни сув босса тўпигига келмайдиган хилидан экан...

— Бас қилинглар энди! Тўйга келганмисизлар, ғийбатга?! Бундоқ яйраб-яшнаб кўнгил очадиган гаплардан гаплашиб ўтирсаларинг бўлмайдим!— деди оппоқ соч, мағиз юзли, ёши етмишлардан ошган нуроний Ойшабону.— Ҳаммаларингни ҳам қизларинг, ўғилларинг, невараларинг бор. Бирингиз қиз чиқариб, бирингиз келин туширарсиз. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил. Еқа ушлаб, тавба денглар!..

Мўътабар онанинг бу танбеҳига бирорта аёл сўз қайтармади, аксинча: «Оппоқ ойим сўзлари, ўзини билганга сабоқ, ҳар ким қисматида борини кўради. Яхши-яхши гаплардан гаплашиб дастурхондаги ноз-неъматлардан татиб ўтиринглар», деб бир-бирларига илтифот кўрсатиб — чой қуйиб, чой узатиб ўтиришди меҳмон аёллар.

Тўй олди маслаҳат ошида келишилган битим бўйича бир ҳафта давом этадиган тантана зўр шоду хуррамлик билан бошланиб кетган эди.

Маматбойнинг ҳовлиси Нуротанинг осмони сингари кенг, лекин атрофи баланд девор билан қуршалган қўш табақалик дарвозадан киришда, рўпарада кун чиқишга қаратиб солинган қатор уйларга, уй олди айвонларга наматлар солиниб, кўрпачалар тўшалган, ноз-неъмат тўла дастурхонлар тевараги меҳмонлар билан гавжум.

Кеча кечқурун келиб жойлашиб олган меҳмонлардан ташқари яқин-йироқдан от-эшак миниб келаётганларни катталардан бурун чопқиллаб бориб, болалар қарши олишарди.

— Амакижон, отингизни ман миниб турай.

— От асов, болам, совуқ еб қопсизлар-ку...

— Совқотганим йўқ, манга беринг, миниб тураман. Чоптирмайман.

Хўп денг, амакижон.

— Менга беринг, ушлаб тураман. Чоптирмайман... жон амакижон!

Болалар отликлар йўлини пойлашарди. Улар тўйхонага яқинлашишлари билан истиқболларига чиқиб, от жилловини тутишар, кўнгилчан одамлар болалар бошини силаб: «Майли, минақол ўғлим; лекин

чоптира кўрма. Йиқитиб, бирон ерингни майиб қилмасин яна», деб болани отга миндириб ҳам қўйишарди.

Қўш табақали катта дарвозанинг ўнг ва сўл қанотида қатор-қатор қўл қовуштириб турган мезбонлар «хуш келибсиз, хуш келибсиз», қилиб, мулозамат кўрсатиб туришарди.

Тўйга келувчиларнинг кети узилмас эди.

Эрталабга яқин икки минг одам наҳори ошдан тановул қилиб, Маматбой давлатига давлат, бир ярим яшар Додхудога умр боқийлик тилашиб тарқалдилар.

Кўпқари

Эртаси куни нонуштадан сўнг чавандозлар, томошабинлар Кўпқарихона номи билан машҳур бўлган яйловга йўл олдилар. Кўпқари овозасини Нурота водийсида эшитмаган қишлоқ ва эркак зоти қолмаганди. Қиш ҳавоси ёқимсиз, шамол эсиб турар, совуқда дилдирашиб бораётган улоқ ишқибозлари ҳамма ёқдан кўриниб турарди.

Чавандоз паҳлавонлар улоқи отларини шайлаб, улоқ жомасини кийиб олган, кун чиқиши биланоқ Кўпқарихонага етиб боргандилар.

«Ё донгим чиқади, ё чангим! Гап шунда, бугун омад кимга ёру ким тараф — бу худди шу Кўпқарида рўй бериши муқаррар!»

Улоқчи от эгалари ва чавандозлар куни кеча тўйхонада учрашиб, хомаки бўлса ҳам, ҳаракат режаларини тузиб олгандилар. Бу режа шундан иборат эдики, ҳар қайси туман ёки тўда ўз шуҳрати учун курашиши керак — улоққа отлар танлаб, кимнинг отини қайси чавандоз миниши, от чарчаганда қайси от билан алмаштирилиши, тўдага қайси отни солиб, тўда олишуви шароитида чавандоз чавандозга қай хилда кўмаклашиб, рақиблардан ўзлари ва отларини қандай ҳимоя қилиши сингари ҳамкорлик тадбирлари ҳақида пинҳона келишиб олгандилар.

Мана, ўша Кўпқарихона — от чопар дашти. Теп-текис чўлда Чортахт. «Чортахт» дегани ерга мустаҳкам ўрнатилган бақувват тўрт устун, унинг устига баланд сўри қурилан. Сўри атрофи отлиқлар билан тўла. Чортахт устига тўйбошилар, соврин берувчилар, карнайчи, сурнайчи, ноғора ва доирадастлар... Дала-даштни карнаю сурнай садолари тутиб кетган.

Теварак-атрофдаги минг-минг томошабинлар нигоҳи чортахтда ва чортахт томон интилаётган чавандоз суворийларда.

Сур қорақўл телпак кийиб, белларини боғлаб олган қизил тўнли икки норғул йигит боши олиниб, тўрттала оёғи тиззадан кесиб ташланган қизил бузоқни зўр билан кўтариб чортахт лабига келтириб қўйишди. Юзларча чавандозлар отларини қамчилаб, чортахтга яқинроқ боришга ҳаракат қилишар, олдиндаги суворийлар эса орқадагиларнинг йўлларини тўсиб, олға силжишига йўл бермасдилар.

Томошабинлар орасида турли табақа одамлар, турли-туман гапсўз, шовқин-сурон. Баъзан шундай гаплар ҳам қулоққа чалиниб қолади:

— Қисталоқ, хўпам битиб кетган экан-да! Кеча камида икки минг одамга ош тарқатди. Бухоро, Самарқанд музофотидаги бирон шаҳар, қишлоқ чавандози қолмай келибди-я!

— Бай-бай, отларни айтмайсанми, ошна!

— Анави кулранг дўнон ҳаммасидан ҳам чиройли.

— Човқар отни биринчи кўришим. Ҳаммаси ҳам бири-бирдан сулдув. Қани энди, менинг ҳам шундай отим бўлса эди!

— Орзуга айб йўқ, ошна, кўнгил нималар тусамайди.

— Кўнгил осмондаги ойни олиб бер, дейди. Маматбой бор ерда

бизга йўл бўлсин!— дея пешонасига шапатилади бир йигит.— Пешонамиз шўр, жўражон.

— Ҳой-ҳой, ҳасад қилманглар, ҳасад ёмон нарса, жўралар! Ҳасад қилгунча, ҳавас қилинглар. Худонинг минг марҳамати бор, ёрлақайман деса, бир от нима деган гап?!— дейди саллалик бошқа томошабин.

— Худо ҳам берганга бераркан-ов... Борни юзи ёруғ, йўқни юзи чориқ, жўражон.

— Ҳа, тўғри гап, берганга икки-икки, бермаганга...

Томошабинлар қаҳ-қаҳа уриб кулишдилар. Кимдир кулги аралаш сўз қотди:

— Айтмадимми, бу қорин бандасининг шундан бўлак қайғуси йўқ деб.

Яна қаҳ-қаҳали кулги кўтарилди.

— Кулинглар! Кулаверинглар! Кулгидан айирмасин! Камбағал учун кулги ҳам ярим давлат.

— Ҳикматли гап қилдинг, жўражон,— деди даврадагилардан бири.

— Тўғри-да, кулгу юракдаги ғам-андуҳни ҳайдайди. Ғам умрнинг эгови.

— Улма, жўра, кўпқари ҳам текин томоша. Як нафас ҳузур — давлати Сулаймондан зўрроқ.

— Ҳой-ҳой, гапни тўхтатинглар! Чортахтдагилар бир нарса деяпти, эшитайлик!— деб хитоб қилди қатордагилардан бири.

Шовқин-сурон тўхтаб, саҳрога бир зум жимлик чўккандек бўлди. Томошабинларнинг қулоғи динг...

Устида тулки поча-пўстин, бошида симоб ранг пишовури¹ салла, икки бети қип-қизил, қора соқол, шоп мўйлов, ўрта яшар, басавлат бир одам чортахт устида тик туриб, қавандоз ва томошабинларга мурожаат эта бошлади:

— Ассалому алайкўм, азиз меҳмонлар!

Кенг дарадан: «Ассалому-у-у алайку-ум!» деган акс-садо осмонга ўрлади.

— Барчангизни ҳуш кўрдик, биродарлар! Олло-таолло мусулмон бандаларни ҳар қачон ҳушвақти чоғликдан ажратмасин! Омин!.. Мулла Маматбой савоб деб раъият учун Ғозгон мармаридан масжид бино қилишга фотиҳа олдилар. Нурота водийсининг узоқ-яқин қишлоқ аҳолиси, жамийки аҳли мусулмон жамоа бўлиб мармар масжидда жума намозини ўқишадиган кунлари, худо хоҳласа, узоқ эмас. Дуо қилайлик, Маматбойнинг дини ислом шариати йўлидаги хайрли ишлари амалга ошсин! Хайр-эхсонлари яратганнинг даргоҳида қабул бўлғай. Омин! — Гулдурос акс-садо дарада яна янграб кетди.

— Мулло Маматбой яқин-йироқдан — дини исломнинг қуввати — Бухорои шарифдан, курраи замин сайқали Самарқанддан қўноқлар чорлаб, тўкин дастурхон ёздилар, элу юртга ош бериб, сайил уюштириб, уларнинг кўнгилларини очмоқчилар. Бу ҳотамлик ҳимматининг боиси барчангизга маълум ва қуёшдан ҳам равшан бўлса-да, илло умидвордирман, на меҳмонлар, на томошабинлар орасида ғофиллар бўлмаса керак, иншоолло... Яна махфий қолмасинки, лутф-карами кенг қодири ламязал олло марҳамати билан мулло Маматбой фарзанд кўрдилар. Дуо қилайлик фарзандлари қобил, қадами қутлуғ бўлғай. Омин!

Акс-садо яна янграб кетди.

— Мулло Маматбой оллонинг марҳаматига шукур қилиб фарзандларига Додхудо деб исм бердилар. Додхудо — худо берди. Дуо қилайлик, мусулмон биродарлар. Додхудони худо бергани чин бўлсин. Умри

¹ Пешовар демоқчи.

узоқ, ризқи фароғ, падар бузруквори мулла Маматбой давлатидан ҳам давлати бисёру фузун бўлсин. О-мин-н!

Минг-минглаб томошабинлар «омин»идан тоғлар билан туташ да-рада акс-садо гулдираб такрорланди.

— Энди, биродарлар, азиз, чавандоз паҳлавонлар!— дея чортахт олдини ўраб олган кўпқаричи — чавандозларга мурожаат қилди поча пўстинли тўйбоши.— Бу кунги кўпқарининг шарт-шароитини ман сўз-лай, сизлар акун яхшилаб қулоқ беринг! Ҳар бир чавандоз паҳлавон ман баён қилган шарт-шароитларга сўз қайтармасдан, амал қилғайлар. Ана ўшанда томоша-томоша бўлади, мазза қиласиз. Сиз хурсанд, биз хурсанд — олло-таолло хурсанд. Шу тақлид мулло Маматбой ва биз — каминаю камтарин тўй эгаллари бошини кўкка етказгайсизлар, иншоол-ло...— дея у қулоч ёзиб иккала қўлини осмонга кўтарди.

Бу хитоб асосан чавандозларга тааллуқли бўлса ҳам, лекин улар-нинг шовқин-суронини босишнинг иложи йўқ эди. Шов-шув, шовқин-сурон еру кўкни босиб кетгудек эди. Сапчиётган, пишқираётган, аса-бий кишнаб сакраётган тулпорлардан кўтарилаётган оқ-кўкиш ҳовур чанг-тўзон билан омухталашиб, осмонга ўрлар эди. Бир чавандознинг тулпори ортига тисланса, яна бириники бошини осмонга кўтариб, сак-рамоқчи бўлар, қизишиб кетган улоқчи ҳам кўпқари бошланмасиданоқ: «Чу-э, ҳаром қотгур, ҳалитданоқ тайсалласа-я!» деса, иккинчиси: «Бос, Қоракўзим, обрўйим сенга боғлиғ-а!», дея бедовини эркаларди. Бошқаси эса отини ниқтаб, даврани ёриб ўтишга ҳаракат қиларди. Урҳо-ур, та-рафкашлик кўпқари бошланмасданоқ сезилиб турарди.

Тўйбошининг маълум қилишича, биринчи кун улоқ соврини учун бир бия, бир туя, бир буқа қўйилган эди. Дастлабки биринчи, иккинчи давра учун иккита ёшига етган тана улоқ учун ташланади. Кимки уни тўдадан олиб чиқиб маррага элтса, тана ўша чавандозники бўлади.

Улоқнинг ундан ҳам қизиқроғи учинчи даврдан бошланади. Бу шундан иборатки, совринга қўйилган бия, туя, буқалар учун беомон жанг бошланади. Ушанда тўдага улоқ учун бузоқ эмас, така ташлана-ди. Улоқ ташлангач, кимки тўдадан юлиб чиқиб, бир чақирим наридаги тепаликка тикилган ялов ёнига элтиб ташласа, қўйилган соврин ўша чавандозники бўлади.

Ана, улоқ бошланишига ҳам вақт етди. Бошларига сур телпак кийиб, қизил тўнлари устидан белбоғ боғлаб олган икки норғул йигит бош ва туёқлари кесилган оқ танани оёқларидан ушлаб, ҳаводан арғим-чоқдек тебрата бошладилар. Чавандозлар қамчинларининг қулоғидан тишлаб, қўлларини чортахтга узатган кўйи отларини «чу-чу»лаб, олға интилганча:

— Бу ёққа!

— Ман буёқдаман.

— Ташла, болангдан ўргилай! — дея ҳовлиқиб, бақиривча бошла-дилар.

Йигитлар улоқни ҳавода тебрата-тебрата: «Облоҳу акбар!», деб тў-дага ирғитдилар.

Бузоқ тўда ўртасидаги сурмаранг отлиқ чавандознинг қучоғига бо-риб тушди. У чаққонлик билан улоққа бағрини бериб: «Чу, жонивор!» дея отини қамчилади. Унлаб чавандозлар олддан, ёнбошдан, орқадан қўл чўзишиб, оч бўридек сурмаранг отга ташланиб, улоқни юлқилай бошладилар. Улоқни бағрига босиб олган чавандоз ёлғиз эмас — олдин-даги бир чавандоз сурмаранг от жиловидан ушлаб, тўдадан чиқишига кўмаклашмоқчи бўларди. Аммо ўнг ва сўл томондаги чавандозлар бун-га имкон бермас эдилар. Шу пайт орқадаги бир чавандоз «ҳай-ҳай»лаб улоқдор сурмаранг от сағрисиға қамчи урди. Юзларча от ва чавандоз-лар қуршовида қолган сурмаранг қорабайир боши билан рақибларини

туртиб, кўкрак кериб, тўдани ёриб ўтиш учун жон-жаҳди билан интилди.

Рақиблар тўрт томондан сурмаранг қорабайирга ёпирилиб, йўлини тўсардилар. От қулоқларини чимирганча бўйинни чўзиб ўзига йўл ахтарар, қулай фурсат пойлар эди. Босимбекнинг жаҳли чиқиб, қамчи туган қўли ҳавога кўтарилди. Яғринига кетма-кет тушган қамчи зарбидан озор чеккан қорабайир ситамкор кишнаб юбориб, орқа оёқларига бирдан кўтарилди-да, зарб билан олға отилди. Худди шу пайтда Босимбек полвоннинг ўтли қийқириғи жониворга бир мададек бўлди. Қорабайир даврани сув илондек ёриб чиқди.

Яна ҳар тарафдан рақиблар булутдек ёпирилдилар.

— Босимбек полвон, бос! Бўшашма! Қандингни ур, полвон!— деб қичқирди серҳаяжон томошабинлардан бири.

Бошқаси эса Босимбекка ўзича таъриф берди:

— Ҳа-да, номи кетган етти иқлимга. Босимбек полвон дейдилар уни! Қўлига теккан улоқни тортиб оладиган чавандоз ҳали онадан турилган эмас.

— Тўғри, ҳали-вери туғилмайди ҳам.

— Шундай-ю... аммо бугунги улоқ бошқача, рақиблар кўп, Босимбекка осон бўлмас.

— Сен айтмасанг ҳам биламиз, шер билан шерлар олишяпти.

— Уғил бола гап.

— Бир Босимбек минг чавандоз қуршовида. Отасига раҳмат.

— Уни кўринглар... жийрон қашқа отга қаранглар, кулрангга кўндаланг туриб, ғов бўлишини томоша қилинглар.

— Ҳой-ҳой, номард! Йўлини тўсма, зўр бўлсанг улоққа тармаш, тортиш, тортиб олиб қойил қил!



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

— Тортиб олиб бўпти. Босимбекнинг панжалари пўлатдан, қўли ом-бир!..— деган мададкор қичқириқ эшитилди одамлар орасидан.

— Сўкинманглар, оғайнилар. Буни кўпқари дейдилар. Чидаганга чиқарган. Қочган ҳам худо дейди, қувлаган ҳам...

— Рост гап. Ёлғиз отни чанги чиқмас, деб бекор айтмаганларда.

— Тўғри, ҳимоячилари бўлмаса ўнта Босимбек бўлса ҳам ҳеч иш қилолмайди...

— Ўзим айтганим келади, жўражон, бари бир бу гап ҳам обрў Босимбекники.

— Сурмаранг жонивор ҳаракат қилмаса, Босимбек нима ҳам қила оларди.

— Бекорларни айтибсиз.

— Ўзинг бекор айтибсан.

— Ҳой-ҳой, талашмай томоша қилсаларинг-чи! Қарсак икки қўлдан чиқади.

— Ана бу она гап, жўражон! Отни боққан эгасига раҳмат.

Одамлар қийқириб кулади.

Дарҳақиқат, юзларча қорабайир отлар, шамолдан тез учадиган чопқир туркман отлари ва моҳир чавандоз паҳлавонлар даврасида талаша-тортиша куч ишлатиб, ҳунар кўрсатиб, сурмаранг от билан Босимбек паҳлавон қуршовдан чиқиб олишга муваффақ бўлди.

Лекин бу ҳали ғалабининг ҳаммаси эмас, учдан икки ҳиссаси, холос. Энди у бағрига босиб олган улоқни ҳеч кимга бермасдан, маррага олиб бориб гашлаши лозим.

Қорабайир ўлжаси ортидан қуваётган сиртлондек ер бағирлаб, бўйнини чўзиб, олға елар, шамол қулоқлари остида ғувиллар, орқадан эргашган отларнинг дувури эса унинг ғайратига-ғайрат қўшар эди. Маррага яқинлашаётганини сезган Босимбек беҳад севишиб, отнинг бўйнига худди эрқалаётгандек аста шапатилаб қўяр, бундан қорабайир гўё куч олгандек яна ҳам шиддат билан елар эди.

Хариф чавандозларнинг отлари орқада қолиб кетди. Энди улар улоқдан умидни узган эдилар.

Босимбек маррага етиб, отнинг бошини тантанавор бир алфозда ортга бурди-да, тагин секин қорабайирнинг сағрисига қамчи босди. От пишқириб жадаллади. Шунда Босимбек улоқни боши баравар кўтариб, четга улоқтирди. От бирдан кескин ёналаб суриб кетди.

Минг-минглаб томошабинлар ғолибни олқишлаб, қичқиришарди. Томошабинлар эмас, ҳатто ҳарифлар қорабайирнинг учқурлигига, Босимбекнинг мардоналигига, эпчиллигига қойил қолгандилар.

Шундай қилиб, биринчи давра ғолиби Босимбек бўлди. Энди иккинчи давра кўпқариси бошланади. Чавандозлар чарчаган отларни эгаларига топшира бошладилар. Кўпқаридан ҳориб-толиб, қора терга бо-тиб чиққан отларнинг қорин боғи бўшатилиб, ҳар бир отнинг эгаси, ёки от боқар-сайъиси четга чиқариб совута бошладилар. Энди бу отлар тери қотиб, ҳордиқ чиқариб ўзига келмагунча қайтиб даврага кири-тилмайди.

Иккинчи давра соврини учун отлар шайланиб турарди. Чавандозлар от танлаганларидек, от эгалари ҳам чавандоз танлашарди. Ҳар бир отбоз ўз отини номдор чавандозга миндиришни истар эди...

Кўпқари саркорининг маълум қилишича, иккинчи давра совринига буқа қўйиларкан. У яна писанда қилиб, бундай деди:

— Ҳотам ҳимматли Маматбой иккинчи давра совринига ўз йилқиларидаги зотдор биядан бирисини, учинчи давра совринига эса бир ноғ туя қўядилар...

Чортахт устида яна ўша иккала ноғул йигит кўриниш берди. Улар боши ва тўрттала оёғи тиззасидан кесилган кўк такани ҳавода еоллан-

тириб, тебрата бошладилар. Улар чавандозлар гўдасига улоқни «Ол!» деб гўё ирғитган бўларди-ю, лекин яна ерга қўйиб, юзларидаги терни артишарди, сўнг қийғир қараш қилиб кўпкаривозларни кузатишарди.

Тоқати тоқ бўлган томошабинлар:

— Илҳақ қилиб юбординг-ку!

— Ташлайдиган бўлсанг ташла-да, томоша бўлсин!— деб тўрт томондан қичқиришарди.

— Йигитлар серкани даст кўтариб, ўнг қанотга ирғитмоқчидек ҳаракат қилиб, бирдан чап қанотга отардилар.

Улоқ Қора чавандоз қўлига тушди. У одати бўйича улоқни тақимига босиб, отга қамчи урди.

Атрофдан қийқириқ кўтарилди.

— Қандингни ур, Қора чавандоз!

— Соврин Қора чавандозники бўлади.

— Худо хоҳласа, дегин...

Қора чавандоз ҳам ёлғиз эмас эди. Унинг қаватидаги йўлбарс сиёқ беш чавандоз рақиблар йўлини тўсиб, улоқни отга яқинлаштирадилар. Қора чавандознинг шерикларидан бири унинг оти жиловидан ушлаб тортарди.

Тўдадан қайнаб турган қозондан кўтарилгандек осмонга буғ кўтариларди.

Отлар сурила-сурила чортахтдан анча узоқлашиб қолган эди. Минг-минглаб томошабинлар улоқчи чавандозлар тўдасида: «Бахтиёрлик бу гал кимга насиб қиларкин?», деган ҳаяжон билан уларни кузатишарди.

— Нега бу даврада Босимбек кўринмайди?— дея қизиқиб ёнидаги ҳамроҳига савол берди бир томошабин.

— Босимбек биринчи совринини олгунча кўп уринди, чарчагандир...

Бирдан қийқириқ кўтарилди. Қора чавандознинг оти тўдани ёриб чиққан эди. Чавандозлар отларини қамчилаб Қора чавандоз йўлини тўсиш, улоқни тортиб олиш учун қувлай кетдилар. Қора чавандоз эса негадир ўз ҳимоячиларини ҳам ортда қолдириб, от қўйиб борарди. Тўдада анча толиққан пешонаси қашқа саманнинг қийналиб, зўрға чопаетгани сезилиб турарди. Шамолдан тез учар туркман отлари саманнинг изидан ўқдек еларди. Қувлаб бораётганлар орасида баногоҳ Босимбек ҳам кўриниб қолди. Қийқириқ яна ҳам авжига чиқди.

Босимбек қувлаб бориб, саманнинг ўнг томонига ўтди. Улар маррага яқинлашиб қолгандилар. Қора чавандоз улоқни чилвирдан ажратиб ерга ташлаётганда Босимбекнинг қўли улоққа тегди. Қора чавандоз улоқни чап томонга олиб, отига қамчи босди. Чавандозлар соврин маррасини қолдириб, сахронинг кун чиқиш томонига от суриб кетдилар. Босимбек яна улоққа ёпишди-да, чап оёғини узангидан чиқариб, эгар устига ётиб олди. Орқадан от қўйиб келаётган чавандозлар ҳам улоқни юлиб олиш пайида. Қора чавандознинг оти Босимбекникидан ортда қола боргани учунми, ҳар қалай, улоқ Қора чавандоз қўлидан чиқиб кетди. Улоқни юлиб олган Босимбек дарҳол эгарга ўнглиниб ўтирди-да, ён-верига аланглаб, от жиловини сўлга бурди ва отига қамчи босди. Шунда йўлда турган бир отлиқ Босимбек сари ёналаб келиб, эпчиллик билан улоққа қўл чўзди. Босимбек худди шуни кугандек шамолдек ёнма-ён учиб келаётган Бургут лақабли от суворийсига шартта улоқни узатди. Маррага етиш учун атиги беш-олти аршин қолганда Бургут бирдан мункиб йиқилди; суворий от тагида қолди, от бир-икки типирчилаб, сакраб ўрнидан турди ва «хирҳ-пирҳ» қилиб ҳуркиб, дувр олиб, кенг майдонга гир айланиб, чопа кетди...

Отдан йиқилган суворий қимир этмай ерда ётарди. Томошабинлар бахтсизлик рўй берган жой томон чопа кетдилар.

Чавандозлар Босимбекка дағдаға қила бошладилар. Босимбек эса ранги-кути ўчган ҳолда жим турарди.

— Босимбекка нега ёйшасизлар, муслмонлар, унда айб йўқ! Одамгарчилик андишасига бориб, Маматбойни хурсанд қилмоқчи бўлди-ку у! Ҳотамлик қилди-ку...

— Ҳотамлик эмиш!— деди фиғони чиқиб, тўйбошилардан бири.— Мана, оқибати.

— Тарқалинглар! Босимбекнинг айби йўқ. У эмас, бу эмас — тақдир...

— Тўй азага айланди.

— Ким бўлди экан йиқилган?— деган савол эса ҳануз оғиздан-оғизга ўтиб борарди.

Чортахт ёнида турган икки арава ҳам воқеа содир бўлган жойга усти тўла одам билан етиб келди.

— Ким бўларди, тўй эгаси Маматбой дейишяптилар,— деди бош чайқаб бир томошабин.

— Маматбой!

— Об-бо! Кўргилик... Маматбой тўй эгаси бўла туриб, чавандозлар орасида нима қилиб юрибди?

— Бой ҳам улоқбоз эди, тўй баҳона, яқин-йироқдан чавандозлар чорлади. Совринларни эшитдинглар: бия, туя...

— Совринлари бошига етди. Худо раҳмат қилсин...

— Тарқалинглар! Томоша тамом, биродарлар!— деган хитоб оғиздан-оғизга кўчиб турди.

Қор учқунлаб, ҳаво совий бошлади. Одамлар тарқалишмоқда. Сал ўтмай қор жадаллаб ёға кетди. Суворийлар отларини гоҳ йўрттириб-гоҳ чоптириб, бийдай дашту саҳрода ҳар томонга қараб тарқала бошладилар. Айниқса, пиёдаларга қийин бўлди. Шамол кучайиб, изғирин эсмоқда эди. Даштда қор тўзғирди. Уст-боши юпунлар бошларини тўнлари, белбоғлари билан ўраб, изғириндан юзларини пана қилиб борардилар.

— Тўй азага айланади, деб ким ўйлаган эди?

— Нимасини айтасиз? Кўргилик, дейдилар буни, кўргилик!..

— Босимбек одамгарчилик қилиб, улоқни узатмаганда, балки ўлмасмиди?

— Ундай дема, тақдир, ажал, болам,— деб ёши олтмишлардан ошган серсоқол қария гапга аралашди.— Бировнинг қазоси ўтдан, бировники сувдан. Маматбойники улоқдан экан. Етган ажал, куни битган. Худо раҳмат қисин,— деди у юзига фотиҳа тортиб.— Ким билсин, Маматбойнинг бу иши балким худога хуш келмагандир?

— Гапингиз рост бўлса, улоқни томоша қилган сизу биз ҳам гуноҳкор бўлибмиз-да, ота?— деб луқма ташлади бошқа йўловчи.

Қария индамади.

— Худонинг хоҳламагани шу-да, совуқда қоқ бўладган бўлдик. Эсон-омон уй-уйимизга етиб олсак, бас...

— Семизликни қўй кўтаради, одамзод эмас, деб яна сўз бошлади қария.— Раҳматликнинг нимасидир худога ёқиб, фарзанд кўрди. Хўп, ўғил кўрибсан, шунисига шукур қилсанг, бўлмасмиди! Давлатинг оширтошиб кетган экан ариқ чиқар, эл баҳра олсин. Муҳтожларга қайиш, савоби тегсин.

— Қайси давлатманд камбағалга қайишибдики, Маматбой қайишсин? Уйлаб гапиряпсизми, ота?

— Омади гапни гапирдим-да... Ҳой менга қаранглар, Қора чавандоз оғзидаги ошини олдириб қўйгани қизиқ бўлдимми-а?— дея гапни бошқа ёққа бурди қария.

— Ҳа, Босимбек полвон омади келган чавандоз экан. Аммо Бургут эгасининг бошига етди.

— Соврин кимга ҳукм қилинса экан?

— Соврин Босимбек полвонники бўлади.

— Босимбек совринни олмайди.

— Ким олади бўлмаса, Қора чавандозми?

— Қора чавандоз улоқни олдириб қўйди, ҳаққи йўқ. Чавандозларга насиб қилмаган бия ҳам, буқа ҳам, туя ҳам Маматбойнинг исқотисига қўйилса керак. Нима дедингиз, отахон?

Қария сукут сақлади.

— Тавба-тавба, тақдирнинг бундоқ чалғи ўйинлари бўлар экан, бандайи гофил бўлмаса...

— Ёш бўлсанг ҳам, хийла сўзамол экансан, болам. Сўраганнинг айби йўқ, қайси элдан бўласан?

— Қўршондан бўламан.

— Э-ҳа, Жуманбулбул билан ҳамқишлоқман, дегин?

— Ҳа.

— Жуманбулбулга мабодо товинлигинг йўқми?

— Бор-да!— деди йигит қандайдир ғурурли оҳангда.

— Сўзамоллигингдан англагандим.

— Ўзингиз-чи?

— Қўштамғалик бўламан, болам.

Улар бир тепаликка яқинлашиб қолган эдилар.

— Хайр, отахон, биз бу ёққа. Ёмон куннинг охиргиси шу бўлсин.

— Айтганинг келсин,— дея қўштамғалик қария ўз қишлоғига йўл олди.

Кечга бориб бўрон кўтарилди.

Исқот

Кунни кеча у қишлоқдан бу қишлоққа от чоптириб, узангига оёғини тираб, эгар устида ғоз туриб олиб: «Эшитмаганлар эшитсин, эшитганлар ёр-биродарларига хабар қилсин, эртага ёппасига Маматбойни-кига наҳори ошга ҳо-оо!!!», деб элни тўйга чорлаган жарчилар бугун тонг саҳардан: «Маматбой қазо қипти, салоти жанозага», деган совуқ хабарни қишлоқма-қишлоқ тарқатиб юрардилар. Бу хабарни эшитган кишилар: «Тавба, бу қандай кўргилик? Бола шум қадам бўпти, пешонасига сиғмабди. Оллонинг иши, худо раҳмат қилсин», деб ёқа ушлардилар.

Жанозага етиб бориш ҳам тоғлик-чўлликлар учун муқаддас бурч саналарди.

Умрида Маматбой остонасидан ҳатлаб ўтиш у ёқда турсин, унинг дарвозаси қаёққа қараганини билмаган юз-юзлаб отлиқ ва пиёдалар марҳум кўргонига элтадиган тоғ оралиғидаги ёлғизоёқ йўллардан юриб, таъзияга келардилар.

Эшик олди, ҳовли, айвон ва уйлар таъзиячилар билан лиқ тўлган. Улар ўзаро пичирлашиб гаплашардилар.

— Мулла Тожибой, соппа-соғ юрган Маматбой ўлимига ростдан ҳам улоқ сабаб бўлдимикин?

— Ҳа, шундай деяптилар-ку...

Шу пайт даврага келиб қўшилган қўштамғалик қарияга мулозамат кўрсатиб, тўрдаги кўрпачага ўтқаздилар.

— Қор катта тушди-да,— деди даврадагилар эътиборини ташқарида ёғаётган паға-паға қорга тортиб қария.

Кимдир:

— Бу ҳам худонинг раҳмати. Чорвага емиш, элга нон,— деб қўйди.

— Шундай, шундай, — дея маъқуллади бошқалар.

— Қиш ўлдирма, ёз ўлдир, оч ўлдирма, тўқ ўлдир. Тақдирини қаранглар-а, Маматбойнинг...

— Шундай қилиб, бу ердагилардан биронтамиз ҳам кўпқарига бормаган эканмиз-да-а? — узилиб қолган гапни давом этдириш учун атайлаб лўқма ташлади бояги одам.

— Нега, мен кўпқарида бўлгандим, шундоққина кўзим олдида улоқ тортиша бориб, оти мункиб йиқилди. От ўрнидан туриб кетдию, Маматбой қимир этмай қолаверди. От йиқилганда бўйни от тагида қолиб, шакар томири узилиб кетган экан. Бундан ташқари, кўкрагини ҳам эзиб юборибди, — деди қария ўз бўйини кўрсатиб. — Нақ одамнинг шакар томири, жони шу ерда бўларканда-а?

— Тавба, тавба, улоқ бериб яна ўзи...

— Улоқ — баҳона. Етган ажал. Бандамиз. Ёзиғлиги шул экан...

— Норасидаси етим қолди, — дея таъкидлади қария, — у балоғат ёшига етиб, ота давлатига эгалик қиламан дегунча дунёни неча бор тўлроқ тутуди... Орада чақир тиканаклар ҳам бор, бир эмас уч тул не хангомалар кўрсатар экан ҳали?

— Жуда ҳам қаровсиз қолмас, уларнинг ҳам меросхори бўлса керак.

Остона олдида сўфи пайдо бўлиб, суҳбат узилди. Қария худди уни кутиб тургандек:

— Сўфи киринг, гап бор, — деди.

Ёши қирқ бешларнинг нари-берисидаги барваста қомат сўфи ичкари кирди, қўл қовуштириб салом берди-да, уйдагиларни назаридан ўтказди.

— Сўфи, нега жаназа мунча кечикаяпти?

Сўраманг, деб афсуслангандек бош чайқади сўфи.

— Узоқ-ёвуқдан одам кутилаяпгани йўқми, мабодо?

— Йўқ, йўқ! — деди яна бош чайқаб сўфи. — Қариндош-уруғ, кўн-ғил яқинлар келиб бўлишди.

— Ундай бўлса, жаназа нега бунчалик кечиктирилишининг боисинима?

— Чамамда домлалар келиша олмаётган бўлсалар керак.

— Келиша олмаганлари, деганингиз нимаси? Нимага келиша олмаяптилар?

Сўфи маънодор елка қисди.

— Айтинг, сўфи, айтаверинг...

— Шивир-шивирларга қараганда, ростми-ёлғонми, худо биледи-ку, жаноза ўқиш икки домла имом ўрталарида талашга ўхшайди, — деди орқа-олдига назар ташлаб сўфи.

— Ростми шу гап? Ё тавба! — деб қўйди қария ёқасини ушлаб. Сўнг секин ўрнидан турди.

Ташқарида қор қалин. Дов-дарахтларга қўнган қорнинг оғирлигидан шохлари эгилган. Ёш-яланглар ҳовли юзидаги қорларни курашиб, тўда-тўда қилиб уймоқда. Қор аралаш изғирин шамол чимчилаб-ачитиб эсаётганига қарамасдан, ҳовли юзи, хоналар, дарвоза олди ва кўчада одамлар тирбанд.

Қария турнақатор саф тортиб турган таъзиячиларга назар ташлаб, хонага туташ уй ёшиги ёнида тикка турган одамлар қаторига бориб қўшилди. Дарҳақиқат, сўфи айтганидек, иккала домла имомнинг ўзаро тортишаётгани эшикдагиларга эшитилиб турарди. Қария очик эшикдан секин хона ичига мўралаб, казо-казоларга кўзи тушди. Ичкарида таниш имом ва сипоҳ кийинган бир нотаниш киши тутоқиб сўзлашарди.

— Мен сизга ўхшаб мерос талашганим йўқ, тақсир, киши ҳаққига чангал солмоқ, мол-мардумхўрликнинг ўзгинаси!

— Э, гаплари ғалати-ку тақсиримнинг!— деди қўшни масжид имоми.— Мен ҳам мерос талашаётганим йўқ. Бу масжиднинг биринчи имоми мен эдим. Энди унинг жаназасига сиз эмас, мен ўтишим—ҳам фарз, ҳам қарз.

— Ўзи келган ёр-ёр, ўзи кетган ёр-ёр... Сиз ўз ихтиёрингиз билан кетмадингиз Имом Ҳасайн-Имом Ҳусайн масжидидан. Сизнинг кавшингизни тўғрилаб, марҳамат қилинг, тақсирим, дегандилар.

— Нима, нима?!— деди қулоғини тутиб Урганжий домла.

— Шунақа, тақсир, тўғри гап туққанингга ҳам ёқмайди...

— Ҳой, нима бўлди сизларга, тақсирлар, уят-ку, ахир?!— деди Соҳиб саркор.

— Эй, бу одамда уят борми, агар уят бўлганда ўз масжидидаги жаназасини ташлаб, бегона қавм жаназасига бурнини тиқиб ўтирармиди?

— Бу ер менга бегона эмас, тоғ ошиб келганим йўқ бу элга. Туғишган топишади, ётга бало ёпишади, тақсир. Кўзингизни очинг! — деб дағ-дага қилди Урганжий.

— Қўрқитмоқчимилар, тақсирим, мени? Тоғ ошиб келганимни таъна қилдилар. Эшитдиларинг, гувоҳсизлар. Мен Бухорои шарифда, Қози калон мадрасасида таълим олганман, салкам мударрис даражасидаги олий зотман. Сиз бўлсангиз, чала мулло. Шариат-тариқатдан гап очсам агар, шармандангиз чиқади... Хўп, қани айтингчи, худой-таолонинг нечга оти бор?

— Худой-таолонинг минг бир оти бор,— ҳозиржавоблик қилди Урганжий домла.

— Хўп яхши! Қани, ўша минг бир муборак номи шарифларига ҳамду сано қўшиб, бир-бир айтиб беринг-чи? Баъдаз майли, мен сизга тан берай. Бу кунги жаназа имомлигини ҳам сизга топширай.

— Бўпти, сананг!

— Марҳамат!

— Аъзу биллоҳи минашайтонир ражим, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим... Ё Жаббор.

— Бир.

— Ё Халлоқ.

— Икки.

— Ё Жалил.

— Уч.

— Ё Халил.

— Тўрт.

— Ё Қарим.

— Беш.

— Ё...

— Тўхтанг, тўхтанглар, тақсирлар!— деди сабр-тоқати тугаган Соҳиб саркор.— Бир минг бир от... Буни домла. Урганжий бир-бир айтадилар. Сиз бир-бир санайсиз, шундайми?

— Шундай,— деб жавоб қилди иккала домла бараварига.

— Жаназа нима бўлади,— деди бош чайқаб Соҳиб саркор.— Таъзияга келганлар совуқда шафтоли қоқи бўлишди. Қариялар масжидда кута-кута бўлганча бўлдилар. Мақсадларинг нима ўзи?

— Гапингиз ҳақ... Мен турдим. Тобуткашларга айтинг, жаназа масжидда ўқилади.

— Тўхтанг, тақсир жаназа имомлиги менинг ҳаққим,— деди Урганжий домумло харифининг йўлини тўсиб.

— Йўлимни тўсманг! Кўпам ҳаддингиздан ошманг. Савобни уволга айланторманг, тақсир, масжидингизга боринг, қавмларингиз— ўлик-тириклар сизни кутиб, совуқда қоқ бўлишди.

— Маматбой жаназасини ўқиб, сўнг бораман. Гап шу! Қани, йўл бошланг, Соҳиб саркор.

Урганжий домла йўл олган эди, Соҳиб саркор: «Тўхтанг, тақсир!», деб унинг йўлини тўсди.

— Тақсирлар, мақсадларингизни тушундим, Маматбойнинг содиқ хизматкориман. Давлатига давлат қўшсам қўшдимки, камитмадим. Қазоси етибди, бандалик, худо раҳмат қилсин. Иқотига бир эмас, икки жонлиқ қўяман. Бири бия, бири туя. Иккала имом тортишиб шарманда бўлманглар, деб шундай қиламан. Туяни бирингиз, бияни бирингиз олинг-да, жаназани тезлатинг.

Шу пайтгача кўзларидан ғазаб, юзларидан нафрат ёғилиб турган очофат Урганжий:

— Бияси менга,— деб юборди.

— Майли, майли, бия сизга бўла қолсин. Туя сизга, домло,— деди саркор.

— Розибиз,— деб қўйди имом.

Иқотга ажратилган туя, бия иккала имом ўртасидаги ғанимлик, тамаъгирликка барҳам берди-қўйди. Энди жаназани имомлигига мулла Урганжий ўтадими, Асрий домулломи, фарқсиз бўлиб қолган эди.

Ҳовлида узоқ туриб қолган тобут ердан узилганда, бир гала хотин-халажнинг қий-чув йиғиси яна ҳам авжига чиқди. Марҳумнинг иккала хотини «тўрам... вой, тўрам»лаб йиғлар, кенжа хотини Шамсиқамар эса қарсак чалиб фарёд кўтарар: «Додхудони кимга ташлаб кетдингиз, тўрам? Додхудо энди кимни дада дейди, ким унинг бошини силаб, эркалайди, тўрам?!» дея ўзини уриб, юзини юларди. Ёш жувоннинг фарёди юракларни ларзага келтирарди.

Фалакнинг гардиши билан Маматбойнинг дунёга қандай келгани кўпчиликка маълум бўлмаса ҳам, қирқ саккиз ёшида ҳаёт шами сўнгани барчага шу тахлит аён бўлиб қолди.

Нурота — Нурота бўлиб ҳалигача кўрмаган бундай тўй-томоша Додхудо шарафи учун эди, улоқ-кўпқари ҳам Додхудо шарафи учун эди. Лекин совринга қўйилган бия билан туя Маматбойнинг иқотисига яратилиши ҳеч кимнинг ҳам хаёлига келмаган эди.

Маматбойнинг жасадини «жой ростони»га қўйиб, қабристондан қайтаётган тобуткашлар ўзаро йўл-йўлакай сўзлашиб боришарди:


— Ота кетди, чин дунёга...

— Уғил қолди сеҳргар дунёда.

— Ҳали бир ярим ёшга ҳам тўлмаган Додхудонинг бошида не ҳангомалар бор экан.

— Ким билсин...

(Давоми бор)



Зоҳиджон Обидов



ДОСТОН

Биринчи бўлим

Ваҳм солиб тик, девқомат тоғ
Ушшаяди ойдин кечада.
Ҳолсизгина шаббода гоҳ-гоҳ
Чангни қувиб ўтар кўчадан

Шунда чинор солган соялар
Паҳмоқланиб ер сийпар аста.
Туямисол чўккан қоялар
Ётар мудраб баландда, пастда.

Тик тераклар кўкка бўй чўзиб
Кумуш баргин елпитар —
йилт-йилт...
Муюлишда қомат кўргизиб,
Жимирлайди кошинкор масжид.

Бу қандай ҳол, не бўлган ахир,
Зил сокинлик ҳукмрон бунда.
Бу жимликда бормикин бир сир,
Эл бош олиб кетганми тунда?

Мунгли бўлиб кўринар қишлоқ,
Чироқсиздир кимсасиз гузар.
Сукунатни фақат баногоҳ
Ув солган ит ноласи бузар.

□

Йўқ, эл яшар ўз қишлоғида,
Тун оғса ҳам халойиқ уйроқ.
Жудоликнинг аччиқ доғида
Дилдан унсиз узилмоқда оҳ.

Ким отадан, ким қиздан жудо,
Етим-есир ҳалқумида жон.
Ким бор-йўқдан, ким эсдан жудо,
Дод солманг, деб берилмиш
фармон.

Ту таб ётар вайрон кулбалар,
Бир нохушлик эзади бу дам.
Зилдай ғусса дилни бурдалар,
Мунгли боқар девору тош ҳам.

Ҳар ёқ тўс-тўс — босқин, таловдан
Тонгга яқин кўзғолди фарёд.
Эл зор қақшаб қўли қон ёвдан, —
Босмачидан, хуноб, солар дод.

Қурбонларни мазористонга
Элитишар тонгда дамба-дам.
Қишлоқ ўхшар эди хуфтонга,
Қора кийиб келганда мотам,

Термилганча ой мўлтир-мўлтир
Тоққа ботди чўкди-ю, таъби.
Осмон эса булутдан жулдур
Жанда кийди гадолар каби.

Зўрға-зўрға булут қаъридан
Бош кўтарди азадор қуёш.
Тупроқ сочиб гўрлар бағридан,
Шамол гентиб ошди тоғу тош.

□

Очлик қолди, гадолик қолди
Босмачининг босган изидан.
Ғазаб-нафрат яна авж олди,
Ўт чақнар эл юз-кўзидан.

Умри қолди кимсасиз, ёлғиз,
Ютаман дер вайрона кулба.
Ўн уч баҳор кўрган ушоқ қиз
Зор қақшайди гўёки телба.

На қўшнилар, на дугоналар
Аритолмас унинг дардини.
Қабристондан кетмай дод солар,
Суртиб кўзга тупроқ — гардини,

Қани ўша меҳрибон нигоҳ,
Ким дер энди: бўтам, оппоғим...
Наҳот ўймиш бир уюм тупроқ
Қизнинг танҳо суянган тоғин.

Онасидан гўдак чоғида
Айрилгани етмасми эди.
Зор-зор йиғлар ота доғида —
Олам қаро кийиб кўринди...

□

Қабристондан топдилар яна,
Шўрлик қизни беҳуш, бемажол,
Бўлсалар ҳам қанча парвона,
Ҳушга келмай қиз ётар беҳол.

Лазарётда қиз очди кўзин,
— Қизим, — деди нотаниш одам.
Отасига ўхшатди сўзин
Деганида оппоғим, бўтам.

— Етсирама, ўз уйингдай бил,
Бегона деб ўйлама мени.
Ёшлигингда эй эси думбул,
Зап опичлаб юрганман сени.

Оқизоқ нон оқизиб юриб,
Эсингдами сойда оққанинг?

Ўғил бола каби югуриб,
Эпчил ўйнар эдинг соққани...

Ўзим олиб чиққанман сувдан,
Сал бўлмаса кетардинг чўкиб.
Асар йўқди сенда қўрқувдан,
Қувлашардинг қаро тер тўкиб.

Вой-бўй...
Ерга урса сапчирдинг кўкка,
Ўғил бола дердилар сани.
Лой ўйнардинг ўтириб чўкка,
Ўша ўтлик, оловлик қани?..

Оқ халатда бир қиз, бир аёл
Табассум-ла кузатиб турар.
Кўрганларим тушми ё хаёл
Дея Умри кўзи жовдирар.

Ҳарбий одам боқар меҳрибон,
Нур ёғилар тиниқ юзидан.
Салобати бир олам жаҳон,
Бол томарди ҳар бир сўзидан.

Лаб устида қўшқанот — мўйлов,
Бир савлатга қўшар ўн савлат.
Кўкиш юзи чақнарди лов-лов,
Чап юздаги чандиғи ғалат.

Чарм камзул унга ярашиқ,
Сириб турар қайиш кўксидан.
Ёнбошида қиличи осик,
Мардлик чақнар юзи-кўзидан.

— Ваня тоға! — деди ўкириб,
Алам билан ўпкаси тўлди.
— Дадам, энам... — дея ўкиниб,
Йиғлаб, сўнгра жим бўлиб қолди.

□

Қиз кўзига кўринди шу он
Шаҳар ҳовли, кўчаси бирдан.
Ваня тоға келиб бир замон
Ўй солганди овлоқ жар ердан.

Ишларарди пахта заводда,
Ота юкчи у — мастеровой.
Ўша дамлар ҳаммаси ёдда,
Тахларарди пахтани той-той.

Ўша дамлар тикланиб шу зум,
Бир-бир дилдан ўта бошлади.
— Ваня тоға, — деб йиғлаб юм-юм,
Қизча унга ўзин ташлади.

Оталарча илиқ кўз солди,
Жигарбанди сингари сийлаб.
Қиз бошини кўксига олди,
Эркалади оҳиста силаб.

— О, биламан, сенга кўп оғир,
Кечиқиброқ келибмиз, эсиз! —
Кўзи чақнаб сўзлар командир, —
Ёвни тутдек тўкиб солдик биз...

Қайтгунимча бунда туратур,
Упар қизнинг пешонасидан.
Мен бор, ташвиш тортмай юратур,
Дея чиқди қиз хонасидан.

Кунлар ўтар, кунлар кетидан
Лазаретга кўникди аста.
Ваҳм изи ариб бетидан,
Тиклангандек бўлди бўй-басти.

Ҳамширалар меҳри дилдадир,
Бирга ётиб, бирга туради.
Командирнинг сўзи дилдадир,
Ҳатто уни тушда кўради.

Онда-сонда пайдо бўлиб бир,
Жангга кетар командир ота..
Умри кутар уни бесабр,
Келиб қолса яйрар ғоятда.

Мана яна қуйилди оқшом,
Ой осмонда мисоли ўроқ.
Бир оз, машқин этдириб давом
Яна Умри пишитар сабоқ.

Ярадорлар ухлайди пиш-пиш,
Ҳамон Умри ҳарф жуфтлайди.
— Тун оғди, ёт, — дея бояқиш
Олия опа чироқ пуфлайди.

— Кунни бўйи, бинт, чойшаб,
кийим —
Ювиб толдинг, бугунги иш бас,
Ургатаман қолганин кейин,
Биз ҳам мизғиб олайлик бир пас.

Қоронғилик қуршар оламини,
Қиз ўрнида тўлғонар узоқ.

Тушида ҳам қоғоз, қаламни —
Кўрар, унинг ўйи бўқирғоқ...

Ҳамширага тушди қиз меҳри,
Бўш қолдими, ўрганар имло.
Ҳарфларнинг бормикан сеҳри,
Ҳар машқ сайин кўрсатар жило.

Қиз хотири оҳорли, тиниқ,
Не дейилса билиб олади.
Ургатилган машқларни тўлиқ
Зеҳнига тез илиб боради.

Умри тинмай ёғдирар савол,
Саволлари турфа, беҳисоб.
Тушунчаси топарди камол,
Олия опа бераркан жавоб.

Сўзлаб берар узоқ-яқиндан,
Жўшиб айтар Ленин таърифин.
Қизнинг зеҳни ёришар чиндан,
Тинглаб доҳий кураш тарихин.

Шу зайлда кечди неча ой
Ҳафталарни жамлаб неча бор.
Ҳаёт ўтар мисли жўшқин сой,
Кечмишин қиз гоҳ эслар бедор.

Тўс-тўполон заводда ногоҳ,
Қама-қама бўлди бир замон.
Қувилганлар излайди паноҳ,
Бой ғазабда, бермайди омон.

Шунда улар шаҳардан кўчиб,
Юз тутдилар қишлоққа томон.
Бир ташландиқ гўшани топиб,
Тор кулбада асрадилар жон.

Ота шўрлик бўйра ва бордон,
Сават тўқир бўлди эрта-кеч.
Омад кутиб ҳар бир бозордан,
Қад букарди тиним билмай ҳеч.

Она-бола бой қўрасида,
Кир ювар чоғ кўзга кўринар.

АВТОРДАН:

Бу достоннинг яралишига граждандар урушининг фаол қатнашчиларидан бири — қизил командир Шаҳобиддин Садруллиннинг «Йигитча» деган очерки туртки бўлди. Бу очерк Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти томонидан 1959 йилда чоп этилган «Жанговар ёшлик» деган китобда эълон қилинган эди. Мен мазкур очерк муаллифи муҳтарам Шаҳобиддин оғани чуқур миннатдорчилик билан тилга оламан.

Сипир-сидир иш орасида,
Уша хўрлик эсга уринар.
Бошга етса, етмай оёққа,
Кунлар ўтди, рўзгор учма-уч.
Аҳенда ўт ёнар ўчоқда,
Ҳаёт ноҳақ олар эди ўч.

Акаларин доғида кўп бор
Ота-она йиғлашин эслар.
Қисмат эди ёвуз ва хункор,
Шундай машъум эди у кезлар.

□

Мана Умри шуларни гоҳ-гоҳ
Тунда дилдан ўтказар бир-бир.
Ҳаммасидан у экан огоҳ,
Бир келганда айтди командир.

Бу дам яна қиз ётиб уйғоқ,
Командирни олар хотирга.
Уни эслаш — кўнглига чироқ,
Бўлсам дейди жангларда бирга.

Бир келганда, сени вақтинча
Интернатда қолдирай, деди.
Унда тургин эл-юрт тингунча,
Сўнгра сени олдирай, деди.

Интернатда тутмаслар ортиқ,
Бўлиб қолдинг-дерлар катта қиз.
Алангали бу замона зиқ,
Келар бирга қувнаб яшар кез.

Юртга тинчлик, омонлик келар,
Ота-бола бирга турармиз.
Оҳ, биламан бўлар зап йиллар,
Эртакмисол кунлар кўрармиз...

Иккинчи бўлим

Йиллар очди Умри ҳуснини,
Яшнар худди ўн беш кунлик ой.
Қучоқ очиб ҳаёт тўлқини,
Чиройига қўшарди чирой.

Комсомоллар ячейкасига
Ғаол аъзо, ғайратга тўлди.
Интернатнинг қайноқ кўйнида
Гўёки у қайта туғилди.

Олия опа ўргатган машқлар
Кўл келарди Умрига чунон.
Кўп билишга ҳамон ошиқар,
У илғорлар сафида ҳар он.

Шаҳар бўйлаб чиқар парадга,
«Яша шўро!» — у севган кўшиқ.
Қатталарни ҳар кеч саводга
Ургатади, асло тиним йўқ.

Таҳликалар этса ҳам таъқиб,
Ҳам дарс олиб дарс берар, жўшар.
Кунлар ўтар чақмоқлар чақиб,
Бир ғайратга ўн ғайрат қўшар.

Интернати кўзларига нур
Ва онгига бахш этди шуъла.
Фикрлари зеҳнида гур-гур,
Олов ёқар, дилда қўр тўла.

Нечун кеча, кундуз яралган,
Нечун бўлган бойлик, қашшоқлик.
Нечун аёл тутқунда қолган,
Нечун бўлган тўқлик ва очлик?!

Нечун бўлган жаҳолат, зўрлик,
Нечун фанга душман уламо?

Нечун бўлган зулм ва хўрлик...
Юрагида хил-хил муаммо.

Севган дарси «Ижтимоиёт»,
Замоналар кирарди тилга.
Унда бордир кечмиш ва ҳаёт,
Фикри учар йиллардан-йилга.

Лениндан гап бораркан ҳар дам
Бор вужуди бўлади қулоқ.
Қанча билса, шунча бўлиб кам,
Улайверар сўроққа сўроқ.

□

Етоқда ҳеч ўчмай тун бўйи
Липиллайди аста жинчироқ.
Шуъла шифтда ўйнаган кўйи,
Сирли бир руҳ қўзғайди ҳар чоғ.

Девордаги Ленин сиймоси
Узра аста тўлқинланар нур.
Расмда нур ўйнар асноси
У жонланиб кўринар ҳар қур.

Олия опа ҳикояларин
Эслаб кетар Умри оҳ, шунда.
Дарслардаги сўзларнинг барин
Ўтказади дилидан тунда.

Боқиб доҳий тасвирига у
Сузиб кетар хаёл наҳрида.
Аста қизнинг борлигин уйқу
Олиб қочар босиб бағрига.

...Москвада кезади сархуш,
Ленин ўтган йўллардан юрар.

Кремлга бошлар сирли туш,
Кўз ўнгида Ленинни кўрар.

Қаршисида басавлат бўлиб
Маҳобатла Ленин юксалар.
Чеҳрасидан меҳр тўкилиб,
Майин кулиб қизга кўз солар.

Кенг манглайи қуёшдай порлоқ,
Донишмандлик ёғилиб турар.
Қарашлари маъноли, чақноқ,
Юрган йўли нурга йўғрилар.

— Дадил бўлгил, чекинма зинҳор,
Уқи, ўқи ва яна ўқи!..
Олдимизда не-не синов бор,
Элга бўлсин юракнинг қўри.

Истиқболнинг эгаларисиз,
Сизлар билан келажак кўркам.
Сизлар борки, тўқдир кўнглимиз,
Зафарларга отланинг бардам!..

Доҳий сахий қўллари ила
Қиз кафтини силаркан аста,
Шунда кўкка ўрлаб бир йўла
Ҳаволанди Умри бир пасда.

Кўкрагига сиғмай ҳаяжон,
Қизнинг қалби шавқланиб жўшар.
Ленин яна гап бошлаб шу он,
Бир парвозга ўн парвоз қўшар.

— Сизга, элга, юртга ҳар қачон
Содиқман! — деб қиз қасам ичар.
Қувончига тор келиб осмон,
Ҳамон кўкка ҳайқириб учар.

Ўзи берган янгроқ товушдан
Ўзи чўчиб қиз кўзин очар.
Маҳрум бўлдим деб ширин тушдан,
Дил ҳапқириб, уйқуси қочар.

Яна Ленин расмида эс-хуш,
У файзли жилмайиб турар.
Дадил бўл деб, келмагил деб бўш,
Тонг нурига оламини ўрар.

Термилганча доҳийга яна
Қасамини қайтаради қиз.
Ташқарига чиқар мардона,
Атроф қий-чув, эмас у ёлғиз.

□

Хали ўлка юпун ва вайрон,
Кўчаларда оч, яланғоч кўп.
Шўроларга ёғдириб бўҳтон,
Иғво солар ёв авраб туриб.



Бидъат бўғиб ёруғлик йўлин,
Соя ташлар қалбга, онгларга.
Ғулув солиб, шимариб қўлин,
Қарши чиқар авжли тонгларга.

Эрк истаган аёлларга гўр
Ҳозирлайди шариат ва эр.
Ўргимчакдек онгга ташлаб тўр,
Дин домига тортаверсам дер.

Фирқа бошлар ҳақли курашга,
Қабатида шонли комсомол.
Эски турмуш тушди нурашга,
Муаммолар ҳали жуда мўл.

Ҳаяжонли, ўтли нутқлар
Юракларга тўлдирар тугён.
Мушт ўйнатган жўшқин нотиклар
Зеҳнларни чақнатар чунон.

Ячейкада асло тиним йўқ,
Ёшларга бош, жангга ташлайди.
Юрак юрак эмас, лаққа чўғ,
Бонг урилса ёна бошлайди.

Комсомоллик шавқида Умри
Ғайратланур, жўш урар қони.
Ҳиссангни қўш, дер юрак амри,
Ёқмоқ учун эски дунёни.

Жулдурвоқи асов ёшларни
Кўча-куйда ушламоқ керак.
Санқиб юрган шум бебошларни
Тўғри йўлга бошламоқ керак.

Дарсга келган аёлларни гоҳ
Кузатиш ҳам керак уйма-уй.
Душман писиб қайрарди пичоқ,
Бўғизламоқ учун мисли қўй.

Кунлар ўтар дарсда, курашда,
Умри яшар шу жанг қўйнида.
Қанча ташвиш кичкина бошда,
Қанча бурч бор унинг бўйнида.

ЧОН отряди сафида туриб,
Гоҳ машқ қилар, қўлида милтиқ.
Гоҳ кечаси шаҳарни кўриб,
Сафда борар пиёда, отлиқ.

□

Нега Зебо кўринмас дарсда,
Эри рози бўлган эди-ку!
Шивир-шивир бўлди бир пасда,
Урмалади дилларга гулув.

— Нима қилдик, нега йўқ Зебо,
Қолмадимиз дардга чалиниб?
— Юз бермаган бўлсин бир бало,
Қатнар эди эрга ялиниб?

— Юрагим ғаш, — деди
Мукамбар. —
Паранжисин тўғирлаб туриб, —
Келмай қолса берарди хабар,
Ўтирмайлик шўримиз қуриб...

— Эрки рози, худо ҳам рози,
Деган эди боққол, эсимда.
Кузатганди қўшқўллаб ўзи,
Учинчи бор борган кезимда.

Умри сўзин бўлиб бошқаси,
Дер: «Замонасозлик қилган-да!
У қувликда отнинг қашқаси,
Шумлигидан шайтон шарманда...»

Чочвон ташлаб дарров бетига,
Борар бари шошилган кўйи.
Борар боқмай олди-кетига,
Қайдасан, деб Зебонинг уйи.

□

Эшик очди Бадриддин боққол,
Кўзларимдан юм-юм тўкиб ёш:
— Мана ҳамманг бир-бир назар
сол, —

Деб аламли чайқар эди бош. —
— Қайдан келди бундай фалокат,
Қайтсам гулдай сўлиб ётибди.
Танида йўқ ҳеч бир жароҳат,
Дарсга бормай, ўлиб ётибди.

Заҳар ичган десам сабаб йўқ,
Кўқарар ким ичса гар оғу.
Теккан эмас на тиф ва на ўқ,
Лабларидан кетмабди кулгу.

Биров бўлган десам йўқ изи,
Не дард экан жонга чанг солган?!
Отасининг эди ёлғизи,
Бағрим энди ёнғани-ёнган...

Аччиқ нола чекарди боққол,
Тинглаганинг дили чўғланар.
Эл олдида зорланиб яққол,
Қани қотил, дея чоғланар.

Одам тўлди дарҳол ҳовлига,
Бу ўлимдан ҳамма лол, ҳайрон.
Эл ачинар боққол ҳолига,
У-чи, йиғлар ёқаси вайрон.

Яшиндай тез тарқаб-шум хабар,
Кўча, ҳовли тўлди говурга.
ЛИҚБЕЗчилар йиғлар баробар,
Наҳот Зебо кирса деб гўрга.

Етиб келди фаоллар дарҳол,
Уч-тўрт аёл, ҳамшира, доктор.
— Шўрим қурди, — деб Бадр
боққол,
Яна баттар ёш тўқар зор-зор.

□

Фақатгина аёллар ўзи
Ўйга кирди эшикни ёпиб.
Марҳумада ҳамманинг кўзи,
Бўлмас эди жароҳат топиб.

Тирноқ изин кўриб биқинда,
Доктор опа бирдан лол қолди.
— Бир сир бор, — деб боқиб

яқиндан,

Ҳамширага сирли кўз солди.

Зебо ётар тиришиб, кулиб,
Ёнгандайин юзи шу замон.
Баттол боққол ҳазилкаш бўлиб,
Қитиқлабди бермайин омон.

Зебо шўрлик кулки зўридан,
Тиришибди, узилиб ичдан.
Қутилолмай айёр бўридан,
Жон берибди макрли ўчдан.

Дарҳол тарқаб пичир-пичир гап,
Тўқнаш келди сирли қарашлар.
Боққолга ер тагидан қараб,
Зимдан яниб чимрилди қошлар.

Яна эс-хуш марҳума ёқда,
Бир-биридан сўрашар: не гап?!
Говур-гувур қизиган чоқда
Қотил қочди кўчага қараб.



□

Уни тутиб келдилар тоғдан,
Чекистлардан қочолмас айёр.
Боққол қўлга тушгани чоқдан
Тергов бўлди, у эди маккор.

Эл кўзига розиман деб у,
Хотинини, ўқи, деб юрган.
Лабда кулгу, дилида оғу,
— Уқиш бас! — деб ялиниб кўрган.

Сен деб, дўкон, маҳалла-кўйга
Чиқолмайман ҳеч кўтариб бош.
Қўшмайдилар маърака, тўйга,
Таъналардан бўлдим-ку одош?!

Узинг рад эт мактабни тезроқ,
Мени зинҳор ёмонлай кўрма.
Устихонга тақалди пичоқ,
Тириклайин ўтда қовурма!..

Кор қилмабди на авраш, на дўқ,
Зебо ортга қайтмабди жилла.
Алангалаб эрда кинли чўғ,
Уч олмоққа топибди хийла.

□

...Бу ёвузлик Умри асабин
Яна қайраб этганди хушёр.
Золимларга чархлаб ғазабин,
Бир нафратин оширди ўн бор.

Зебо ёди тарк бўлмай асло
Неча кундир уйқуси қочди.
Ёв шумлиги ўртаб ҳар асно,
Яна идрок кўзини очди.

□

Интернатнинг муҳлати битди,
Олиб кетди командир ота.
Қиз дилдаги мақсадга етди,
Энди мамнун эди ёятда.

Кийиб олди эркакча кийим,
Будёновка бекитди сочин.
Гимнастёрка ва галифе шим
Зап ярашди, дейсиз ўт, лочин.

«Йигитча» деб лақаб қўйдилар,
Ешлигидан эмасди бўшанг.
Тўппонча ҳам тақиб қўйдилар,
Аскар сифат кийинмиш башанг.

Жангга кирган отлиқ эскадрон
Қаторида ёв сафин ёрар.

Жанг ўтида чиниқди ҳар он,
Сир олгали ёв томон борар.

Умри гоҳо тиланчи таҳлит,
Гоҳ тоғ ошар подачи бўлиб.
Эл кўзига кўриниб ирkit,
Қайтар душман манзилин билиб.

У келтирган ҳар битта хабар
Босмачининг қирқар томирин.
Бўлса ҳамки минг хавфу хатар,
Билиб қайтар душманнинг сирин.

* * *

«Йигитча»га қўйдилар ихлос,
Қозонди у штаб ишончин.
Босмачидан оларди қасос,
Командир дер қизим, қувончим.

Бўш қолдими штаб ёнида
Қилар ёзув-чизувни қойил.
Олов жўшиб турар қонида,
Дили китоб ўқишга мойил.

Гоҳ чиқарар деворий газет,
Ёзувни ҳам қўяр дўндириб.
Кимда иллат, боплар кетма-кет,
Тошбақага расмин қўндириб.

Жўшқин ҳаёт, жанговар йиллар
Умрини ҳам тоблар бағрида.
Атрофида ўқлар визиллар,
Қовжирар ёв элнинг қаҳридан.

□

Йўл ёқаси, ҳовуз бўйида
Мумкайганди маймоқ, чўтир тол.
Унда аланглаган кўйида
Кўринди бир жулдир кийган чол.

Шошиларди Умри штабга,
Чолни кўриб шубҳаси ортди.
Эс-ҳушини жамлаб шу топда
Ўзин девор ортига тортди.

Бесарамжон қараб ҳар томон,
Чол ненидир толга қистирди.
Йигитлардек одимлаб чаққон
Чойхонага ўзини урди.

Умри ҳайрон бўлди-ю шу он
Пусиб келди чўгир тол сари.
Қавакдан у топиб парча нон,
Сездирмасдан кетди тез нари.

Ёриб кўрса чиқди нондан хат,
Ўйнаб кетди ҳапқириб юрак.
Ўқимоққа йўқ эди фурсат,
Тез штабга етказмоқ керак.

□

Тор хонага жам бўлиб штаб
Янги жангга режа тузарди.
Баҳс авжида, тамаки тутаб,
Бошлар узра тутун сузарди.

Ким бўғилар, кимдир ўшқирар,
Жанг жонланур хонада шу топ.
Эшик очиб, ижозат сўрар,
Умри дадил честь бериб шитоб.

— Кечирасиз, ўртоқ командир,
Йўл устида ушландим бир оз.
Олиб келдим ғалати бир сир,
Кечикмоққа шу бўлди асос.

— Олган эдик сендан хавотир,
Омон-эсон қайтибсан, бу — саз!
Қиз бўлсанг ҳам юрагинг ботир,
Ҳовлиқма кўп, жиндек ўпканг бос!

— Босмачи йўқ айтилган ёқда,
Бизга келган маълумот бекор.
Бўлдим икки қўшни қишлоқда,
Бошқа йўлдан кетибди айёр.

Аммо ҳозир учрадим қизиқ
Ҳодисага, — дер нон узатиб.
Ичида хат, ўқинг, вақт зиқ,
Дер у, усти-бошин тузатиб.

Бек ёзибди ошпаз Шодмонга:
«Командирни шу кеч заҳарла!
Гар кўнмасанг ушбу фармонга,
Бошинг кетгай, эрта-саҳарда».

Эскадрон ошпази Шодмон
Наҳот бўлса душманнинг қўли.
Қилмасдилар шум деб ҳеч гумон,
Наҳотки у қотиллар қули?!

— Қани Шодмон оларми, ё йўқ,
Ўз жойига аста қўй нонни.
Хойнлигин билайлик тўлиқ,
Синов очар сирни, гумонни.

□

Тол тагида Шодмон бўлди фош,
Чойхонада қўлга тушди чол.
Умри билан яна уч-тўрт ёш
Ҳайдаб келди иккисин дарҳол.

Қамти бўлгач икки қонхўр, қув,
Жосуслиги билинди шу он.
Қилинганда уст-боши тинтув,
Шум нияти тез бўлди аён.

Заҳар чиқди Шодмондан, қаранг,
Тортиб олди Умри шу заҳот.
Ниқобланган устаси фаранг
Душман экан, унга йўқ нажот.

Ночор сўзлаб берди батамом,
Шум чол, бекнинг недир режаси.
Қизилларни заҳарлаб оқшом,
Босмоқ бўлган экан кечаси.

Чиқмоқ керак разведкага тез,
Ёв қай ерда, билиш шарт дарҳол.
Ким билади, қуни битган кез,
Ёлғон тўқиб балки алдар чол.

Ҳар лаҳзада ҳушёрлик даркор,
Ёв панд берар олмоқ-чун ўчин.
Не кўйларга кирмайди маккор,
Бой берилган дунёси учун.

Қилмишлари зулм ва зўрлик,
Қадамида қирғин ва талон.
Қайда кўрса заррача ғўрлик,
Заҳар солар бамисли илон.

□

Тоғ ёқалаб, кечиб дара, сув,
Борар кекса ва бир ёш гадой.
Таниёлмай қолдингизми, бу
«Йигитча»миз — ўша Умрийой.

Бошда эски қозоқи қалпоқ,
Устда юпқа минг ямоқ чопон.
Чарчабди, хўп, ҳориққан нигоҳ,
Қўрганлар қиз демас ҳеч қачон.

Қамми бу хил гадолар бу дам,
Мунгли, маъюс юрган болалар.
Ким хайр қилар, ким эса беғам,
— Худо берсин! — деб қўяқолар.

— Садақангиз радди бало, — деб,
Судралишар кўча-кўйларда.
Сарқит сўрар минг бор дашном ёб
Бойваччалар қилган тўйларда.

Шу гадолар бириси сифат
Чол ва бола кирар қишлоққа.
Соқчи кўзин қилиб шамғалат,
Йўл олишар тайинли боққа.

Рустамбойнинг катта кўраси,
Худди тўйдаи қий-чув, серсурон.
Бой пансоннинг экан жўраси,
Базм берар кечадан буён.

□

Тўп-тўп йигит сува-сўрида,
 Ҳозирланар ошга дошқозон.
 Қабоб пишар катта қўрада,
 Бўлса ҳамки моҳи рамазон.

Ичкарида ўзгача базм,
 Граммафон янгратар қўшиқ.
 Ташқарида ўзгача базм,
 Ким, гардкам! — деб ўгирар ошиқ.

Бир-бирига тиргак милтиқлар
 Турар ҳар ер, ҳар ерда тўп-тўп.
 Маст жўрасиң кимдир қўлтиқлар,
 Ким лоф урар чилимдан сўриб.

Куни бўйи сузилмоқда май, —
 Мусалласдан кўзга тўлмиш қон,
 Кимдир хўррак отар пайдар-пай,
 Ким хизматда куйдиради жон.

Ким уч-тўртта оч бола томон
 Нон ирғитиб, қарсак уради.
 Муштлашувдан завқланиб чунон
 Хомталашнинг гаштин суради.

— Каттароғинг кел, — деди ошпаз,
 Умри чиқди тўпдан югуриб. —

Сув келтир тез, қоврилгунча жаз,
 Умри хўп дер қўл қовуштириб.

□

Сойга чопди қулунтой мисол,
 Челак олиб қўлига илдам.
 Гирдобланди бошида хаёл,
 Келди дея роса қулай дам.

Қилинганда Шодмонни тинтув
 Чиққан заҳар энди берар иш.
 Уз эгасин топмоқда оғу,
 Дея Умри гижирлатди тиш.

Заҳар солди дарҳол челакка,
 Сувда эриб кетди тезда у.
 Ошпаз хуноб чиқди йўлакка
 — Менга бер, — дер — куйиб
 кетди-ку!

Дуд бурқсиган қозонга ошпаз
 Апил-тапил сувни ағдарди.
 Энди, оғу асло адашмас,
 Уз эгасин роса ахтарди.

Умри ва чол олиб хайрни,
 Дуо ўқиб, кўздан йўқолди.
 Неки кўрган бўлса, бор сирни
 Етказмоққа ортга йўл солди.

Якун

Тухфа этар мардона йиллар
 Юрт бахтига мардларни ҳар чоғ.
 Достон тўқиб эслайди эллар
 Юракларда яратиб ардоғ.

Умри эди шулардан бири,
 Фожиона бевақт берди жон.
 Ҳамон пинҳон бу ўлим сири,
 Аммо унинг мардлиги аён.

Ҳалок бўлди, қисмат экан шул,
 Юртга этди ёш жонин фидо.

Биз номаълум солдатларга гул —
 Қўйсак у ҳам бўлади пайдо.

Бош эгамиз шарафлаб мудом,
 Бундай мардлар эл-чун ифтихор.
 Шулар боис, келиб у айём,
 Омонликда қулф урар диёр.

Шу давронга пойдевор ташлаб
 Илк бора жон тикканлар ўлмас.
 Шу ҳаётга дебоча бошлаб —
 Берганларни унутиб бўлмас.



Миркарим Осим

ҶУМҲУРИЯТИ ҚИССАСИ



ТАРИХИЙ ҚИССА

Хоразм бўсағасида

Абу Али Гурганч томон йўл олган карвон билан бирга кўм-кўк далалар, қўйлар ўтлаб юрган сарғимтир чўллар, қотиб қолган денгиз тўлқинларига ўхшаган қум тепалар ошиб, Хоразм пойтахтига етиб келди, карвонсаройга тушиб, нимқоронғи ҳужрада дам олди. Эртасига ювиниб-тараниб, эгнига олача тўнини кийиб олди-да, худди фуқаҳо-қонуншунослардек салласининг печини томоғининг тагидан ўтказиб, ўнг елкасига ташлади.

Хоразмшоҳнинг вазири, қонуншунос олим Абулхусайн ас-Суҳайли муқоваланган қалин ва узун дафтарларни кўриб чиқаётганда мулозими таъзим билан кириб, бухоролик машҳур табиб Абу Али ибн Сино унинг ҳузурига кирмоқчи эканини билдирди. Суҳайли дафтарларни йиғиштириб:

— Шундай улуғ олим эшик олдида кутиб қолмасин, айтинг, кираверсин,— деди салласининг печини ўнг елкасига ташлаб.

Юзи чўл шамолдан бир оз қорайган, қотма, соғлом гавдали, қирра бурун Абу Али эшикдан кириб салом берди.

— Ваалайкум ассалом, фозил ва олим кишилар тўпланган пойтахтимизга қадам қўйишингиз билан сизни табриклаймиз!— деди вазир араб тилида.— Байтулҳикмат сандиғидаги жавоҳирларга қимматбаҳо дуру гавҳарнинг келиб қўшилганидан беҳад мамнунмиз...

Еш олим унинг тумтароқли нутқиға сабр билан қулоқ солиб:

— Сиз каби улур одам мендек фақир ва ҳақир мусофирни мамнунлик билан кутиб олгани учун бошим осмонга етди,— деди соф араб тилида.— Риёзиёт бўйича тенги йўқ олим Абу Наср Ироқ, илмий ҳайъатда қадимги юнон олимлари даражасига эришган Абу Райҳон Беруний, машҳур табиб Абулхайр Хаммор, файласуф Абу Саҳл Масиҳий ва бошқалар қаторига келиб қўшилганим учун ўзимни бахтиёр ҳисоблайман...

— Жуда соз. Мен фармон бераман, шаҳар ҳокими сиз учун яхши бир уйни жиҳозлаб бергай,— деди вазир суҳбат охирида.— Бугун дам олинг, эртага жумъа куни олимлар мажлисида учрашурмиз.

□

Абу Али ҳаммадан бурун христиан динидаги камтар, хушмуомала Масиҳий билан дўстлашиб олди. Иккови ҳам Арастунинг «Мобаъдат — табиа» деган асарини ёд билар, юнон фалсафаси тўғрисидаги фикрлари бир-бирига мос келар эди. Илми ҳайъатда Батлимус даражасига эришган табиатшунос олим Беруний ўз қадрини биладиган, тўғри сўз, мағрур одам эди. Ибн Сино ўздан етти ёш катта бўлган бу олимни ҳурмат қилар, баъзан унинг уйига бориб, ўтказаётган тажрибаларини диққат билан кузатар эди.

Бир куни у қизиқ манзарага дуч келди. Энди ўттизга кирган бўлса ҳам соқол қўйиб юборган, барваста, кенг пешонали Беруний қўлидаги шишани офтобга тутиб уни кўздан кечираётган эди. Эшикдан салом бериб кирган Абу Алини кўриб хурсанд бўлди-да:

— Кел, кел, мана буни томоша қил,— деди у, элик олишни ҳам нутиб.— Ичига сув тўлдирилган юмалоқ шишани қуёшга тўғрилаб бундай айлантурсак, у нурни бир нуқтага тўплайдур, агар сув тўкиб ташланса, ичига кириб олган ҳаво зиёни бир ерга тўплашга қодир эмас.

Ибн Сино унинг гапини тасдиқлаб шундай деди:

— Сиз табиат сирларини ўрганмоқ учун тинмай тажриба ўтказасиз, ҳатто дам олиш вақтида ҳам. Бугун қўлингиздаги шишани кўриб бир нарса хотиримга келди. Бир асарингизда сиз, устоди аввал Арастунинг, ер юзида бўшлиқ йўқ, деган даъвосини рад этгансиз. Шул фикрингизни тажриба билан исбот этгансиз...

— Биз ҳаммамиз ул буюк зотнинг шогирдларимиз, аммо дунёда хатодан холи бўлган зот йўқ: мана, кўр!

Беруний сувни тўкиб ташлаб, шиша ичидаги ҳавони сўриб олди-да, дарҳол бош бармоғи билан унинг оғзини беркитди ва сувга тўнкариб бошмалдоғини тортиб олди, сув аста-секин кўтарилиб шишани тўлдира бошлади.

— Кўрдингми? Шиша ичида бўшлиқ пайдо бўлгани учунгина сув кўтарилиб кириб олди. Бундан чиқди, ер юзида ҳам, коинотда ҳам бўшлиқ бўлишини инкор этиб бўлмас экан...

Езувчи Миркарим Осим Абу Али ибн Сино ҳаётидан тарихий қисса ёзди. Журнал ўқувчиларига ҳавола қилинган қуйидаги парчаларда алломанинг Бухоро муллолари дастидан қочиб Гурганч (Урганч) шаҳрига боргани ва ундан кейинги ҳаёти акс эттирилади.

Редакциядан.

— Сиз шиша ичидаги ҳавони сўраётганингизда ичидаги ҳаво ҳаракатга келиб, шишани иситган, қўлингизни иссиғи ҳам унга ўтган. Ҳароратдан шиша кенгайгани учунгина ичига сув кирган бўлиши мумкин.

— Бул гапингни тажриба билан рад эта олурмен,— деди Беруний қизишиб ва шишадаги сувни тосга тўкиб ташлаб, унинг оғзидан пуфлай бошлади, кейин тўнкариб сувга тикди.— Қўрдингми? Мен пуфлаганимда шиша ичидаги ҳаво ҳаракатга келиб уни иситган ва кенгайтирган бўлиши керак, аммо ичига сув кирмади-ку! Беш аср, балки минг йилдан сўнг, эҳтимол, олимлар бўшлиқда тажриба ўтказиб, янги нарсалар ихтиро этарлар...

— Ундай бўлса, самовотнинг харитасини чизган Батлимуздан ҳам хатолар топгандирсиз,— деди негадир ранжиган ёш олим киноя аралаш.

— Хатога йўл қўймаган олим бўлиши имконият хорижида. Масалан, сен ўзинг илми тиб соҳасида беназирсан, айтиш мумкинки, Жоллинус даражасига эришдинг, аммо менга ёзган хатларингдан аён бўлдики, Журжон шаҳрининг узунлиги ва кенглигини белгилашда хатога йўл қўйгансан...

Беруний қўлига қалам ва қоғоз олиб, ўзининг ҳақли эканлигини исбот қилди.

Сомонийлар саройида катта обрў қозонган, иззат-нафси кучли Абу Али ҳали табиёт ва фалакиёт соҳасида эриша олмаган нуқталари борлигини билиб, қизариб кетди ва: «Бу соҳада Абу Райҳон Беруний каби алломаларга етиб олиш учун кўп ишлашим керак экан» деб ўйлади.

□

У Байтулҳикмат¹даги йиғилишларга бориб, мунозараларга аралашиб турарди.

Хоразмшоҳ Абул Аббос олимлар мажлисларига қатнашиб турар, у тўрға солинган гилам устида чордона қуриб, алломаларнинг бири-бирлари билан тортишувларини завқ билан томоша қилар эди. Ювош, продасиз, ўз жиловини вазири қўлига бериб қўйган бу ҳукмдор баъзан Байтулҳикматга май ичиб келар, мунозара қизиб кетганда худди қўчқор уриштираётган ишқибозлардек ҳаяжонланиб кетар эди.

Бир куни олимлар, биз кўриб турган юлдузлардан бошқа олам ва офтоб борми, тўрт унсур: тупроқ, сув, ҳаво ва оташ ҳамма жойда бир илми, деган мавзуда мунозара бошлаган пайтларида девон вазири келиб, шоҳга таъзим қилди-да, паст овоз билан унга бир нима деди, сўнгра найча қилиб ўралган қоғозни унга узатди. Олимлар гапдан тўхтаб, сергакланиб қолдилар. Абул Аббос номани очиб ўқиди-да, ранги ўчиб кетди, ўзгарган овози билан:

— Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳазратларининг элчилари Абул Фазл Ҳасан бинни Мекоил ҳозир Гурганч остонасига етиб келибдур,— деди, сўнгра бу совуқ хабарни келтирган вазирга юзланди.— Элчи жаноблари ҳориб-чарчаб келган бўлсалар керак, бугун дам олсинлар, эртага қабул қилурмиз. Қўй сўйиб, ул кишини яхшилаб зиёфат қилинглар, кўнглини овланглар!

Вазир таъзим қилиб чиқиб кетгандан кейин шоҳ олимларга қараб сўзини давом эттирди:

— Мен гапни чўзиб ўтирмай, хулласини айтиб қўя қолай,— деди

¹ Байтулҳикмат — ҳикматлар уйи — академия.

хўрсиниб,— султон ўз номасида, Гурганчада олим ва фозил кимсалар фалон ибн фалонлар тўпланган эканлар, улар ўз ихтиёрлари билан бизнинг ҳузуримизга етиб келсинлар, биз ҳам улар суҳбатидан баҳраманд бўлайлик, деб ёзибдур. Ўзларингизга маълум, Хуросон ва Ҳиндистонни забт этган Маҳмуд Ғазнавийнинг ишлари авжида, замона подшолари у билан ҳисоблашиб иш тутадурлар, шул сабабдан мен унинг сўзини ерда қолдирирмайман!

Ёнма-ён ўтирган Абу Али билан Абу Саҳл бир-бирларига қараб, бошларини сарак-сарак қилишди, кейин ўринларидан туриб, Хоразм-шоҳга таъзим қилишди.

— Э зоти олий!— деб гап бошлади қалтираган овоз билан кекса Масиҳий.— Мен сизнинг даргоҳингизга келиб паноҳ топдим, иззат-ҳурмат кўрдим, улуғ олимлар билан суҳбатдош бўлиб, роҳат қилдим. Энди менга рухсат этсалар, султон Маҳмуд ҳузурига бормаи, бошим оғган томонга кетсам. Ўзларига маълум, мен мусулмон эмас, христианман. Қофирнинг қони ҳалол, деб билган ҳукмдор олдига бориш мен учун хатарлидир.

Абу Аббос унинг гапини тасдиқлагандай бош эгиб қўйди.

— Эй, ҳикмат аҳлининг пушти паноҳи!— деб гап бошлади ибн Сино таъзим қилиб.— Қаминани ҳам Ғазна шаҳрига боришдан озод этсангиз. Мен илми ҳикмат душманлари бўлган Бухоро муллолари дастидан қочиб Хоразмга келган эдим, энди мутаассиб уламоларнинг ҳомийси бўлган султон Маҳмуд ҳузурига боришни истамайман.

— Аҳволларингиз менга маълум, узрингиз ўринли, — деди Абу Аббос сабр билан унинг сўзини охиригача тинглаб.— Маслаҳатим шулки, мен султоннинг элчисини қабул қилмасимдан бурун иккингиз ҳам яширинсангиз ва тонг қоронғисида сафар отини қамчиласангиз...

— Айни муддао,— дейишди бараварига Абу Саҳл Масиҳий билан Абу Али ибн Сино.

Хатарли йўл

Улар сафар анжомларини ҳозирлаб, тун қоронғисида шаҳар ташқарисидаги бир деҳқоннинг уйига бориб ётдилар, тонг ёришмасдан бурун Суҳайлий юборган бир йўлбошловчи билан йўлга тушдилар. Далалар сукунат оғушида, тун шамоли жўхориларнинг бошларини аста эгиб, йўловчиларга салом, дегандек шивирлар эди.

Улар отларни қистаб, кун чиққунга қадар ўн беш фарсаҳ йўл босиб, бир қудуқ бошига етдилар. Бу ерда нонушта қилиб, дам олганларидан кейин идишларини сувга тўлдириб, яна йўлга тушдилар.

Маҳмуд Ғазнавийдек зolimнинг тузоғига илинмай парвоз қилган икки олим тепаларидан учиб ўтаётган қушлардек ўзларини эркин сезар, бошига катта чўғирма, эгнига қалин чакмон кийган барваста йўлбошловчи орқасидан отларини тез-тез ҳайдаб борар эдилар. Бир оз юрганларидан кейин кун кўтарилиб, ҳамма ёқни қиздира бошлади. Баъзан алдамчи сароб худди сеҳргарлар каби узоқдан тиниқ кўллар, кўм-кўк дарахтзорларни намоён қилиб, йўловчиларни гангитар эди. От устида мункайиб келаётган Масиҳий қуруқшаган лабларини ялаб:

— Бундай иссиқда йўл юришга мажолим йўқ, бирор жойда кечгача дам олайлик,— деди.

— Ҳов анови тепанинг орт томонида ширин қудуқ бор,— деди йўл бошловчи қамчиси билан узоқларни кўрсатиб.

Бир соатдан ошиқ йўл юриб, йўлбошловчи айтган жойга етиб

борганларидан кейин йўловчилар эгардан тушиб, отларни тушовлашди, саксовул ва хашак билан беркитилиб, устига қум тортиб қўйилган қудуқни очиб, қовғада сув олишди. Саксовуллардан омонат чайла ясаб, устига чакмонларини ташлашди-да, нонушта қилиб, ухлагани ётишди.

Кун ботгандан кейин уфқда чалқанчасига тушиб ётган ойни, юлдузларнинг ҳолатини кўриб, ибн Синонинг ранги оқариб кетди:

— Самовий жисмларнинг аҳволи яқин орада ҳаво айниб, фалокат юз беришидан далолат бераётир,— деди у шерикларига.

Сафарларининг тўртинчи кун эрталаб қум саҳросини сукунат босди, осмонда пириллаб учиб юрган тўрғайлар ҳам, ерда судралиб юрган калтакесаклар ҳам ғойиб бўлишди. Кўп ўтмай қаттиқ шамол туриб, еру осмонни чанг-тўзон қоплади, оламни қоронғилик босди. Йўловчилар шамолни тўсиб турган қумтепанинг орқасига ўтиб, отларининг жировини ушлаган ҳолда, устларига чакмонларини ёпиб, мукка тушиб ётдилар. Орадан икки соат ўтмай қумбўрони бирдан тўхтаб, ҳамма ёқни яна ҳам оғир сукунат босди, йўловчилар бош кўтариб, устлараридаги чакмонларини қоқишди. Қумбўрони йўлни кўмиб юборган, йўлбошловчи ҳамроҳларидан баттарроқ йўл билмайдиган кишига айланиб қолган, у шерикларини қаёққа бошлаб кетаётганини билмас эди. Кун кўтарилган сари томоқлар қақрар, отлиқлар бўғзи ингичка сувдонларини оғизларига тутиб, бир қултум сув ичар, зўрға қум кечаётган отларини аста қамчилаб қўяр эдилар. Сувлари тамом бўлгандан кейин улар нима қилишларини билмай гангиб қолдилар, қудуқларнинг устини қум босган, уларни топиб бўлмас, ҳаёт манбаи қуриган эди.

— Мени шул ерга... ташлаб кетинглар,— деб ингради эгар устида ўтиришга мажולי қолмай отнинг бўйинини қучоқлаб олган Масиҳий.— Қазога рози бўлишдан... бошқа илож йўқ, сизлар... бир илож қилиб... жонингизни сақлаб қолинглар.

Юзи ориқлаб қорайиб кетган, кўзлари жовдираган Абу Али отдан зўрға тушди, йўлбошловчининг ёрдами билан чолни отдан кўтариб олиб, қумга ётқизишди...

□

Хуросонга кетаётган карвонбоши йўлдан анча узоқда, қумтепа тагида чўзилиб ётган уч кишини кўриб тўхтади-да, туякашларига бир нима деди. Улар югуриб бориб, беҳуш одамларнинг иккитаси чала ўлик, учинчиси жонсиз эканлигини пайқадилар.

— Мана буларнинг юзлари ва кўкракларига сув сепинглар, оғизларига сув томизинглар,— деди улар олдига етиб келган карвонбоши.

Аввал Абу Али, кейин йўлбошловчи кўзларини очиб, ўринларидан туриб ўтиришди.

— Манави ҳамроҳингиз қазо қилибдур,— деди қоп-қора юзли чўтир бир туякаш, бир чеккада қимир этмай ётган Масиҳийни кўрсатиб.

— А? Кўксига, юзига сув пуркаб, силкитиб кўрмадингизми?

— Ҳаммасини қилдик, жони узилган.

Ибн Сино судралиб бориб, ҳамроҳининг томирини ушлади-да, туякашнинг гапи тўғри эканлигига қаноат ҳосил қилди.

Улар Абу Саҳл Масиҳийни кийимбоши билан қумга кўмдилар-да, қабри устида бир дақиқа қўл қовуштириб турдилар, сўнгра отларига миниб йўлга тушдилар.

Обивард шаҳрига етиб борганларидан кейин йўлбошловчи орқага қайтди, Ибн Сино эса карвонсаройда бир неча кун дам олиб, ўзига келгандан кейин Тўс шаҳри томон йўл олди.

Дард ва дармон

Саройбон қотма юзли, қора соқол, кўзлари катта-катта бир йигитни иккинчи қаватдаги тор бир ҳужрага жойлаштирар экан, унинг қаерданлигини, исмини, касбини сўради.

— Шу бугун Нишопурдан келдим, отим Ҳусайн, ўзим табибман,— деб қисқача жавоб қилди меҳмон елкасидан хуржунини олиб. Унинг офтоб ва шамолдан қорайган юзи, киртайган кўзлари дарбадар ҳаёт кечирганидан далолат бериб турар эди.

— Яхши касбингиз бор экан,— деди саройбон кулиб.— Аммо бизнинг шаҳарда табиб кўп, касал оз, зероки Журжон шаҳридек ҳавоси мусаффо, суви тоза пойтахт тополмайсиз оламда. Шаҳарни кесиб ўтган Журжон дарёсининг суви ва атрофдаги мевазорларнинг ҳавоси шифобахш. Бу ерга келган касал соғайиб кетадур.

— Гапингиз рост бўлса керак,— деб тасдиқлади мусофир.— Тоғларнинг чўққисидаги қорлар ярқираб кўзни қамаштирадур, атрофдаги боғларда эса анжир, хурмо, зайтун, узум пишиб ётмоқда, ажабки бул ерда совуқ юртлар меваси бўлгон олма, олхўри ҳам яхши ҳосил берар экан. Журжон каби ажойиб шаҳар кўрмадим оламда.

Ўз юртининг ватанпарвари бўлган саройбон унинг гапидан хурсанд бўлиб:

— Ақлли, зукко одамга ўхшайсиз, бул ерда хор бўлмайсиз, бизнинг шаҳри азимга зўр бир табиб кўчиб келди, деб одамларга жар соламан,— деди.

Икки кундан кейин қошлари оқариб кетган, кўзлари киртайган бир нуроний мўйсафид ёш табибнинг ҳужрасига кириб, у билан саломлашгандан кейин:

— Бизнинг ҳовлига ташриф буюрсалар, ўғлим бемор,— деди.

— Ўғлингиз? Қасали нима?

— Ақлдан озган, икки ҳафта бўлди, гап-сўзининг тайини йўқ. «Мен ҳўкизман, бўғизланг!» дейдур. Нима қилишимни билмай қолдим. Дуохонларга ўқитиб ҳам кўрдим, бўлмади, умидларим пучга чиқди.

— Ноумид бўлманг, ота. Дард бор ерда даво ҳам бор.

— Илоё айтганингиз келсин. Зора қадамингиз қутлуғ бўлиб, соғайиб кетса.

— Бўлмаса бундай қилсак: ҳозир эшигингизни кўрсатиб қўйсангиз, мен бир соатдан сўнг борсам. Аммо мени қандай қиёфада кўрсангиз ҳам, таажжубланманг ва ишимга халал берманг!

— Хўп, нима қилсангиз ҳам майли, ўғлимни эс-ҳушини жойига келтириб қўйсангиз — бас.

Орадан бир соат ўтгандан кейин чол дарвозани очиб ҳайратда қолди. Рўпарасида важоҳатидан одам кўрқадиган бир қассоб турар, кўкрагида чармдан тикилган эски пешбанд, белида қайроқ ўрнида ишлатиладиган пўлат мусат — катмон, қўлида ўткир пичоқ. Чол уни зўрға таниди. Бояги табиб рўпарасида турарди.

— Қани сўйилатурган ҳўкиз? Етаклаб олиб келинг!— деб шанғиллади «қассоб» ичкарига киргандан кейин.

Чол юзини қоп-қора соқол босган, кўзлари бежо, қотмадан келган йигитни бошлаб келди. «Қассоб» пичоқни ташлаб, эпчиллик билан йигитни ерга йиқитди-да, уни ёнбошлатиб, қўл-оёғини арқон билан боғлади ва пичоқни қайрай ёнлади. Кейин тиззаси билан ерда қимир этмай ётган йигитнинг елкасидан босиб туриб, семизмикан, дегандек ўнг қўли билан унинг сонини, белини тимирскилаб кўрди. Чол

бечора нима бўлаётганини тушунолмай, турган жойида қотиб қолган, икки кўзи хурсандлигидан оғзи қулоғига етган ўғлида эди.

— Вой-бўй, ҳўкизингиз жуда ориқ экан-ку!— деди «қассоб» ўрнидан туриб.— Мени Ҳусайн қассоб дейдилар. Умримда бундай ориқ молни сўйган эмасман. Энг олдин ҳўкизингизни икки-уч ҳафта боқинг, бузоқлигида она сутига тўймаган кўринадур, сут ичиринг, семиртиринг, кейин келиб бўғизлагайман. Ҳозир бундай ориқ молни сўйишдан ҳазар қилурмен,— деб у «ҳўкиз»нинг қўл-оёғини ечди-да, оёғи билан туртиб, уни турғазиб юборди. «Қассоб»нинг қилиқларидан қўрқиб, юраги пўкиллаб турган ота шўрлик енгил нафас олиб, ўғлини етаклаганича уйига олиб кириб кетди.

— Ўғлингизни сигир сути билан, жўжа хўроз шўрваси билан боқинг. Овқатига мана бу дорини қўшиб бериб туринг,— деди табиб қайтиб чиққан чол билан хайрлашар экан, қоғозга ўроғлиқ ҳаб дорини қўлига бериб.— Ҳўкирман, деса индаманг, девонага эътироз билдириб бўлмайдур. «Хўп» денг-у, ишингизни битираверинг.

Орадан икки-уч ҳафта ўтгандан кейин аввалгига қараганда анча тетиклашиб қолган чол ёш табибнинг ҳужрасига салом бериб келиб, уни аҳволдан хабардор қилди.

— Минг қатла шукурки, ўғлим соғайиб қолди. Янги соғилган сут ва сизнинг дориларингиз шарофати билан эс-ҳуши жойига келди. Эртага бизникига боринг,— деди у хурсанд бўлиб.

— Албатта борурман. Илоё, соғайиб кетгани рўст бўлсин. Фаҳмимча, бундан кейин, мен ҳўкирман, деб айтмайдур. Қариганда айтмас...— деб мутойиба қилди табиб.

— Қариганларида соппа-соғ одамлар ҳам ўзларининг ҳўкиз эканликларини пайқаб қоладурлар,— деб ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди чол.

Журжон вилоятининг ҳукмдори Қобуснинг жияни — ёшгина йигит номаълум бир дардга чалиниб қолган, у кечалари мижжа қоқмас, овқат емас, ҳеч бир табиб унинг нима касал билан оғриганини аниқлай олмас эди.

Бир куни ҳукмдор сарой вазирини чақириб шундай деди:

— Эшитишимча, Обивардми, Нишопўрми, қаердандир номаълум бир табиб шахримизга кўчиб келиб, дардига чора тополмаган беморларни даволаётган эмиш. Яқингинада ҳеч бир табиб тузата олмаган бир телбани даволабдур. Ушал табибни топтириб келиб, жиянимиз Абдулвоҳидни кўрсатинг, шояд мушқули осон бўлса...

— Бош устига,— деди қулоғига оқ салла ўраган кимхоб чопонли вазир таъзим қилиб, орқаси билан юриб чиқиб кетар экан.

Уша куниёқ кимлигини яшириб юрган машҳур табибни саройнинг бир бурчагидаги ҳужрада ётган йигитнинг ҳузурига бошлаб келдилар.

— Ассалому... алайкум,— деб пичирлади бемор йигит ингичка жиякли банорас тўн кийган, қотма юзли табибни кўриб, бошини аранг кўтарар экан.

— Ваъалайкум... қимирламай ёта беринг,— табиб унинг ёнига тиз чўкиб, томирини ушлади. Йигитнинг ҳеч бир аъзосида касаллик йўқ эди. «Кўринишдан жуда ҳассос, териси юққа, кўнгилчан йигитга ўхшайдур,— деб ўйлади у қорачадан келган, қуралай кўз, чиройли йигитга тикилиб.— Унинг аъзойи бадани заиф бўлса ҳам, соғлом. Эҳтимол, ишқ-муҳаббатнинг ипак толаси унинг нозик қўл-оёғини кишанлаган, лекин негадир сирини ҳеч кимга айтмайди». У муҳаббат ҳайкалтароши ўзининг пичоқчаси билан йигитнинг қалбига қайси жононанинг номини ўйиб ёзганини ўқимоқчи бўлди. Беморнинг мулозимини чақириб, Журжон шахрининг ҳамма гузарлари ва маҳаллаларининг номини биладиган бир кишини топиб келишни буюрди. Шаҳар бож-хирожига мутасаддий

бўлган бир амалдорни топиб келтирдилар. Табиб у билан бош қимирлатиб саломлашди-да, беморнинг томирини ушлаб туриб:

— Шаҳрингиздаги барча маҳалла ва гузарларнинг номини бирма-бир санаб чиқинг,— деб илтимос қилди.

Ўз иззатини яхши биладиган, қўнғир соқол, кўк-шойи чопонли бу амалдор шошмасдан бирин-кетин гузар ва маҳаллаларнинг номини тилга ола бошлади. «Сўзангарон» гузари зикр этилиши билан беморнинг бир маромда ураётган томири қаттиқ уриб, нафас олиши тезлашди. Табиб унинг томиридан қўлини олиб, ўрнидан турди, бирор соатлардан кейин қайтиб келишини айтиб, қўнғир соқол амалдор билан ҳовлига тушди.

— Сўзангарон гузаридаги барча хонадон бошлиқлари ва уларнинг оила аъзолари номини биладиган бир одам топиб беролмайсизми?

— Сўзангарон оқсоқоли Шамсуддин ўз гузаридагиларнинг етти яшаридан тортиб етмиш яшаригача ном-баном биладур. Мен айтаман, бирор соат ичида ҳузурингизда бўлмай,— деди амалдор.

Орадан бир соатча вақт ўтгандан кейин соч-соқоллига оқ оралаган бўлса-да, олифтагарчиликни қўймаган, кўк белбоғли, кичкина оқ саллали, кўзлари чақчайган бир кишини бошлаб келдилар. Табиб беморнинг томирини ушлаб туриб: «Маҳаллангиздаги оила бошлиқларининг номини бирма-бир тилга олинг», деди.

«Алоиддин» деган зотнинг номи тилга олиниши билан йигитнинг томири тез-тез уриб кетди.

— Энди Алоиддин аканинг оила аъзоларини ном-баном санаб чиқинг,— деди табиб, оқсоқолни саназдан тўхтатиб. Чолу кампир, болаларнинг номларидан кейин «Роҳила» деган қизнинг оти зикр этилганда бемор йигитнинг томири санаб бўлмаслик даражада уриб, ўзи ҳушидан кетиб қолди. Беморнинг юзига сув сепиб, уни ҳуши жойига келтирилгандан кейин номаълум табиб ҳовлига тушди. Уни кутиб турган сарой фарроши:

— Зоти олийлари сизни кутмоқдалар,— деди ва уни бошлаб саломхона дарвозаси олдига олиб келди. Нақшинкор дарвозанинг икки ёнида икки қуролли посбон шамдек қотиб турарди. Бир оз туриб ичкаридан сарой вазири чиқди-да, табибнинг қўлидан ушлаб ичкарига олиб кириб кетди.

Каспий денгизининг жанубидаги кичик бир вилоятнинг ҳукмдори бўлган Қобус Вушмагир ўзини улур бир мамлакатнинг подшоҳидек тутар, ўнг қўлининг муштини тиззасига тираб, саккиз қиррали олтин тахт устида гердайиб ўтирарди.

Номаълум табиб ичкари кириб, ўн қадамча берида таъзим қилиб, сўнгра бош кўтарди. Ботаётган қуёш нурида шоҳнинг тожидаги гавҳар ва жавоҳирлар ярқираб табибнинг кўзини қамаштириб қўяёзди.

Қобус саломга алик олиб, табассум-ла ҳол-аҳвол сўрашиб, жиянининг нима касал билан оғриганини сўради.

— Абдулвоҳиднинг аъзойи баданида касаллик аломатларини топмадим, ички аъзолари соғ...

— Бўлмаса, унинг дарди нима?

— Муҳаббат! Унинг қўл-оёғи севгининг олтин занжири билан боғланган, бу кишанни йигитнинг хаёлини ўғирлаб қочган қизгина еча оладур.

— Қошки эди ул қизнинг ота-онаси кимлигини, отини билсак! Бу мумкин эмас.

— Мен томирининг уришидан қизнинг кимлигини, отини билиб олдим.

Ҳайратланиш подшолар учун унча ярашмаса-да, Қобуснинг оғзи очилиб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.

— Жиянингизни Сўзангарон гузаридаги косиб Алоиддиннинг қизи Роҳилага уйлантириб қўйсангиз, соғайиб кетгусидур.

— Наузаң билло... Бу каромат-ку!— деди ҳукмдор тилга кириб.— Қайси йўл билан билдингиз шўрлик йигитнинг кўнглидаги маҳфий сирини?

Номаълум табиб қандай қилиб йигитнинг қулфлогли кўнглига йўл топганини батафсил гапириб берди.

— Офарин, офарин! Томирнинг уришидан ёлғиз ички касалларни эмас, балки юрак сирларини ҳам билса бўлар экан. Аммо бунинг учун сеҳргар табиб, улуғ олим, табиат ва табиат ташқарисидаги сирлардан воқиф бўлиш керак. Мен сизнинг шартингиз устида ўйлаб кўришим лозим. Фақир бир косибнинг қизи аслзода йигитга муносибмикан? Сиз табиби ҳоziқсиз, ишқ-муҳаббат занжирларини эритиб юборатурган бир дору топиб бера олмайсизми?

— Йўқ,— деди табиб.— Агар ўшал қизга уйдантирмасангиз жиянингиздан айрилгайсиз, касали жигарига ўтса, даволаш йўли беркилгай.

Қобус бош бармоғини тишлаб, чуқур ўйга ботди. «Абдулвоҳидни кейин асилзодалардан бирининг қизига уйлантириб қўярмиз» деб кўнглидан ўтказди.

— Бўлмаса, ўшал косибнинг зотини суриштириб кўрайлик. Ҳалолзодалардан бўлса, қизига совчи юборгаймиз,— деди у овоз чиқариб.

Икки кундан кейин саройга келган табиб йигитнинг энагаси қизни кига совчи бўлиб бориб, косиб Алоиддиннинг розилигини олиб келганини, йигитнинг соғайиб, оёққа босганини эшитиб, хурсанд бўлди.

Журжон ҳукмдори эса номаълум табибга ҳафтада бир-икки кун саройга келиб, ўз суҳбатидан уни баҳраманд қилишни сўради. Табиб таъзим қилиб подшонинг илтифотидан хурсанд эканлигини билдирди.

Вақт худди Журжон дарёси устидаги кўпикдай шошмай оқиб ўта берди, номаълум табиб эса шу шаҳарда эркин ҳаёт кечириб, касалманд одамларнинг дардини даволаб юраверди. Бир куни у одат бўйича саройга келиб, ҳукмдорнинг қўлида мактуб, юзида ташвиш борлигини кўриб, ҳайратда қолди.

— Мен кўпдан буён кимлигингизни пайқаган бўлсам ҳам, сир бой бермай юрар эдим,— деди Қобус хиёл кулимсираб.— Сиз бухоролик улуғ ҳақими ҳоziқ олим ва фозил Абу Али ибн Синодурсиз. Энди буни ҳеч кимдан яширмасангиз ҳам бўладур. Бугун Ғазна шаҳридан бир хат билан суратингиз келиб етди. Маҳмуд Ғазнавий, ушбу сурат эгаси, яъни ибн Сино қаерда бўлса, дарҳол бизнинг ҳузуримизга юборилсин, деган мазмунда бир мактуб йўллабдур. Аммо сиз қўрқманг, сиздек улуғ ҳақимни Ғазна шаҳрига жўнатадиган одам йўқ. Журжон шаҳрида табобат ва илми ҳикмат бобидаги ишларингизни давом эттира беринг.

— Илтифотингиз учун ташаккур. Мен албатта, беғуноҳ одамларни қўрқувга солишни ўзига ҳунар деб билган подшо ҳузурига бормоқни истамайман, ҳозирча шул ерда қолиш ниятидаман...

Журжон шаҳрида Ибн Синонинг мухлислари кўп эди. Улар ҳар жумъа куни алломанинг уйига келиб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлар эдилар. Хусусан, Абу Убайд номли бир йигит Абу Алига ҳаддан ташқари ихлосманд бўлиб, унинг хизматини қилиб юрар, мантиқ ва илми ҳикматдан дарс олар эди. Бироқ бу осойишта — тинч ҳаёт узоқ давом этмади, шодлик қуёшини ғам-андуҳ булутлари қоплай бошлади.

Бир куни тонг қоронғисида биров дарвозани қаттиқ тақиллатди. Ярим кечагача ишлаб чарчаган ибн Сино чўчиб уйғониб кетди-да, чопонини елкасига ташлаб, ҳовлига тушди, ичкаридан занжирлаб қўйилган дарвозани очди. Рўпарасида кўзлари жавдираган шогирди Абу Убайд турар эди.

У салом беришни ҳам унутиб, ҳарсиллаб:

— Фалокат юз берди... Ичкарига кирайлик... кейин айтиб бергайман,— деди. У кавшини пойма-пой кийган, устида отасининг чопони ҳилпиллаб турарди.

Улар меҳмонхонага кириб, тўрдаги кўрпачага ўтирганларидан кейин, нафасини ростлаб олган Абу Убайд шу кеча аъёнлар ўз одамлари билан саройга бостириб кириб, Қобус Вушмачирни ҳибсга олганларини, уни зиндонга ташлаб, ўғли Манучеҳрни тахтга ўтирғизганларини бирма-бир сўзлаб берди.

— Ёмон иш бўлибдур,— деди уйқуси қочиб, ранги ўчиб кетган аллома.— Улар шаҳзода билан тил бириктирган бўлишлари керак. Манучеҳр отасидек мустақил, ўз айтганида турадурган одам эмас, султон Маҳмуднинг ноғорасига ўйнағусидур. Бас, аҳвол шул экан, тезроқ бул ердан жўнаб қолмоқ керак.

— Ҳозир эмас... кейинроқ. Шу бугуноқ жўнаб кетсангиз, аъёнлар кўнглида шубҳа илонини уйғотурсиз. Ҳозирча менинг уйимга кўчиб ўтинг, кейин бир гап бўлар.

— Рост айтсангиз, бир каттанинг сўзига кир, бир кичикнинг,— деди устод ўзидан беш-олти ёш кичик бўлган содиқ шогирдига қараб.— Юринг, бўлмаса... Буюмларим, китобларимни хизматкорим кечқурун олиб борар... Эҳтиёткорлик қўрқоқлик эмас...

Тонг ёришмасдан бурун ибн Сино шогирдининг уйига кўчиб келиб, кўнгли тинчигандан сўнг, содир бўлган ҳодисалар тўғрисида шошмай фикр юрита бошлади.

— Мана, меъеридан ошган қаттиққўлликнинг оқибати,— деди у Абу Убайдга қараб.— Қобус олим ва шоирларга ҳомий бўлса-да, сипоҳ ва аъёнларга нисбатан шафқатсиз эди, кичик бир гуноҳлари учун уларга қаттиқ жазо берар, афви ўзича айб деб билар эди. Баъзан оқил одамлар ҳам адолатсиз бўлар экан. Қизиқ...

— Тўғри, аини замонда Шамсилмаолий тўғри сўз, айтганида турадурган жасоратли подшоҳ эди. Маҳмуд Ғазнавийдек дасти дароз ҳукмдорни ҳам назар писанд қилмас эди-я! Ул золим, ибн Синони менинг ҳузуримга юбор, деганида, сўзини рад этиб, сизни ўз ёнида олиб қолди-ку!

— Албатта унинг яхшилигини унутмайман. Гурганчада олимлар доирасида ўзимни бахтиёр сезар эдим. Журжонда эса, соғ-саломатлигим мустаҳкамланди, илми ҳикмат ва тиббиёт билан шуғулланишга имкон топдим.

— Бухорода-чи?

— Бухорода мутаассиб муллоларнинг дастлари дароз, агар Хоразмга қараб парвоз қилмасам, қанотларимни кесар эдилар...

Эрталабки нонушта вақтида устоз билан шогирд у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди.

Қора соқолли, қирра бурун, хушсурат, энди ўттиз икки ёшга қадам қўйган алломанинг сўзларига унинг содиқ шогирди завқ билан қулоқ солиб ўтирар эди.

— Мен учун озодлик, эркин фикр юритиш буюк бахт, подшолар кўнглига ёқадурган гапни айтиб, улар чизиб берган йўлдан четга чиқмаслик улуғ бахтсизлик. Мен «гаҳ!» деганда қўлга қўнадурган қуш эмасман. Ожиз одамларгина ўз қисматларига кўникиб кетгайлар. Маҳмуд Ғазнавийнинг овчилари етиб келмасдан бурун бул ердан жўнаб кетмоқ керак.

— Ундай бўлса, мен кечқурун карвонсаройга борай, қофиласолорлар бугун-эрта туяларининг бошларини қай томонга бурмоқчилар, билиб келай...

— Жуда соз, бул иссиққина уяда ётишим хатарли,— деди ибн

Сино ўйчанлик билан соқолини қашиб.— Сайёдлар овчи қушларни уяларидан тутиб олиб кетадурлар. Афсуски, Журжон каби хушманзара, ҳавоси тоза, иқлими муътадил ерни тарк этмакка мажбурман.

Кечқурун негадур маъюс ҳолда карвонсаройдан қайтиб келган Абу Убайд:

— Тонгла савдогар Абдулло бинни Жаъфарнинг карвони Мозандаронга жўнамоқчи. Мен карвонбоши билан келишиб қўйдим, сизни ўзи билан олиб кетишга рози бўлди,— деди.— Аммо Мозандароннинг ҳавоси оғир, рутубатли, билмадим, сизга ёқмас.

— Ёқмаса яна қайтиб келгайман. Балки ул вақтгача замона тинчиб, ҳаёт яна аввалги изига тушиб кетар.

— Омин!— деди шогирди жон-дили билан.

□

Вақт араваси шалдираб, омади келишмаган аҳли меҳнатни мажжақлаб ўтиб кетаверди. Қиш ўтиб, тиканли гулларни чеккасига таққан баҳор ҳам етиб келди.

Абу Убайд хат-хабар кутиб безовта бўлар, Ҳазар денгизи бўйидаги серёмғир, ўрмонлари ваҳший ҳайвонлар билан тўлган ўлкада устодимнинг ҳоли не кечди экан, деб ташвиш тортар эди. Ёз ҳам ўтди, бир куни эл ётар маҳалда кўча эшигига ўтқазилган мис ҳалқани аллаким қаттиқ тақиллатди. Юраги гупиллаб уриб кетиб, юурганича кўча эшигини очди.

Маст аёлдай кўзини сузиб турган кулча юзли ой ёруғида ранги ўчган устодини кўриб, шогирднинг тили тутилиб қолди.

— Эсон-омон юрибсизми? Тинчликми?— деб сўради ибн Сино заиф овоз билан.

— Ҳа... худога минг қатла шукур, тинчлик,— деди шогирд унинг қўлини олиб.

Серёмғир, рутубатли Мозандарон ибн Синонинг сиҳатига футур етказган, қувватдан кетказган эди. У бир неча кун шогирдининг уйида ётиб, дам олди, ўзини даволади. Соғлиги тиклангандан сўнг кўчага чиқмай «Авсати Журжоний» номли асарини ёзди. Илм маҳбуси бўлган бу одам меҳнат билан ғамларини унутар эди.

Агар Журжон ўлкасида яна бир хунук ҳодиса юз бермаса, олим бу ихтиёрий маҳбусликдан тезда қутулмас эди. Бир куни Абу Убайд Қобуснинг ўғли Манучеҳр султон Маҳмуд номига хутба ўқитиб, расман унинг ҳокимлари қаторига ўтгани тўғрисида хабар олиб келди.

— Энди бул ерда турмоқ мен учун хатарлидир,— чунки султонга итоат этган Манучеҳр унга лаганбардорлик қилиб, мени унинг олдига юборадур,— деди ибн Сино қўлёмаларини йиғиштириб.— Бераҳм овчи бир ерда тухум босиб ётган паррандани ушлаб олиб кетгай. Сайёдлар етиб келмасдан бурун парвоз қилмоқ керак.

— Қай ерга?— деб сўради шогирди безовталаниб.

— Рай шаҳрига, султон Маҳмудга итоат этмаган тадбиркор малика Сайиданинг пойтахтига. Манучеҳр каби юзта эркакдан Сайида каби битта оқила аёл минг маротаба яхшироқ. Унинг қаноти остидагина жон сақлай оламан.

— Мен сизга ҳамроҳ бўлиб боргаймен. Шул ёшга кириб ҳали ўз шаҳримдан ташқари чиққанам йўқ.

Устодининг индамаганини кўргач, «сукут аломати ризо» деб ўйлади шогирд хурсанд бўлиб.

Савдойи шаҳзода

Рай тепасидан доим дуд чиқиб турадиган Димованд тоғи этагида жойлашган қадимий шаҳар¹. Одамларнинг эътиқодича, бу тоғ афсонавий шоҳ Заҳдоқнинг қабри эмиш. Устоз била шогирд оҳи осмонга чиқиб турган тоғ этагидаги бу ажойиб шаҳарга келиб эркин нафас олдилар, ўртасидан шарқираб сой оқиб турган Руд бозорида овқатланиб олгач, тоғ этагидаги Таборак қалъасига кўтарилиб, пастда ясланиб ётган уч бурчак шаклидаги шаҳарни томоша қилдилар. Кечқурун карвонсаройнинг иккинчи қаватидаги хужрада дам олиб ўтирганларида Абу Убайд:

— Малика Сайиданинг ҳузури олияларига қачон борасиз?— деб сўраб қолди.

— Ҳеч қачон,— деди ибн Сино бошини баланд кўтариб.— Керак бўлиб қолсам, ўзи мени чақиртириб олар. Ҳеч вақт ҳукмдорлар ҳузурига бош эгиб борган банда эмасман. Нуҳи бинни Мансур Сомоний ҳам, Қобус Шамсилмаолий ҳам керак бўлиб қолганимда мулозимларидан бирини юбориб, мени ўз ҳузурларига чорлаган эдилар...

Жузжоний ҳукмдорлар олдига ялиниб боришни ўзига ор деб билган устозига завқ билан қараб: «Олим деган шундай мағрур ва илмининг қадрига етадиган бўлиши керак, лекин у камбағалроқ бир бетоб одам олдига келса, бош эгиб унинг томирини кўради, пул ҳам олмайди, қизиқ!» деб ўйлар эди.

Орадан кўп вақт ўтмай, «Бухорои шарифдан бир табиби ҳозиқ келибдур, Руд бозоридаги карвонсаройда истиқомат қилар эмиш», деган овоза шаҳарга тарқалди. Беморлар бирин-кетин келиб, шифо топа бошладилар. Бир куни пешонаси тиришган, ориқ, ўрта ёшли бир киши келиб, ибн Синога таъзим қилди-да:

— Бизнинг кулбаи вайронамизга ташриф этсангиз... Иним бетоб,— деди.

— Нега етаклаб кела қолмадингиз? Ўзи юра оладурми?

— Юриш ҳам гапми? Қорнини чангаллаб у ёқдан-бу ёққа югурадур. «Ичимга илон кирган, жигар-бағрим емоқда» деб бақирадур. Уни кўчага олиб чиқиб бўлурму?

Ибн Сино ўйлаб турди-да:

— Майли, борсам бора қолай, қани юринг,— деди.

Қинғир-қийшиқ уй-айвонлар билан қуршалган супуруқсиз ҳовлида соч-соқоли ўсиб кетган, кўзлари жавдираган бир йигит қорнини ушлаб юрарди. Эшикдан дадил қадам ташлаб кирган олача тўнли, кўзлари ўткир табиби ҳозиқни кўриб тўхтаб қолди. Ибн Сино беморнинг олдига борди-да, унга тикилиб туриб:

— Уйга кириб, ўрнингизга ётинг!— деб буйруқ берди. Бемор итоаткорлик билан эшиги ланг очиқ нимқоронғи хонага кириб, йиғиштириб қўйилмаган тўшак устига чўзилди.

— Рост, ичингизда илон бор экан,— деди табиби ҳозиқ унинг қорнини ушлаб кўриб.— Жигарингизни бир чеккасини кемирган. Тонгла келиб, илонни тириклайин туширгайман. Бугун бир коса сут ичиб ётинг!

Кўчага чиққанларида Ибн Сино уй эгасига юзланиб:

— Энг олдин тирик бир илон топинг, тоғорага сут тўлдиришг, кейин мени бошлаб келасиз,— деди.

¹ Уша вақтда кичкина қишлоқ бўлган Техроннинг шарқи-жанубидаги бу шаҳарни кейин мўғуллар бузиб ташлаганлар.

Эртасига чоштгоҳ пайтида беморнинг акаси келиб, ибн Синони уйига бошлаб олиб кетди.

Сут тўлдирилган тоғорани уйнинг ўртасига қўйиб, беморни унинг олдига тиз чўктирдилар. Ибн Сино унинг кўзини рўмол билан боғлаб, бошини эгиб турди-да:

— Бармоғингизни томоғингизга тиқиб, тоғорачага қайт қилинг,— деб буюрди.

Бемор табибнинг айтганини қилиб, қаттиқ ўқчиган эди, унинг акаси тўрва ичидаги илонни тоғорадаги сутга қўйиб юборди-да: «Тушди, тушди!» деб бақирди.

Шу пайт ибн Сино беморнинг кўзига боғланган рўмолни ечиб олди.

— Ана кўринг, ичингизни кемираётган мори захринокни!

Бемор сут ичида сузиб юрган илонни кўргач, қўрқув аралаш шодлик билан:

— Дарҳол ўлдириг уни, бўлмаса яна ичимга кириб кетгай,— деди энтикиб.

Илонни дарҳол қисқич билан қисиб олиб, ҳовлига олиб чиқиб мажжақладилар.

— Қандай ҳийла ишлатиб инингизни даволаганимизни унга айтманг!— деди ибн Сино уни кўчагача кузатиб чиққан уй эгасига.— Йўқса унинг ичида яна илон пайдо бўлиб, жигарини кемира бошлагай.

— Хўп, мен уйдагиларга пишиқтириб қўяман, бу гап ҳеч қачон инимнинг қулоғига етмагай.

Орадан кўп вақт ўтмай шаҳарда, бухоролик табиб фалончининг ичига кириб кетган илонни тириклайин туширган эмиш, деган овоза тарқалди. Бу гап малика Сайиданинг ҳам қулоғига бориб етди.

Рай, Ҳамадон, Исфохон ва Қўҳйстоннинг ҳукмдори Фахруддавла йигирма бир йил ҳукм суриб вафот этгандан кейин тахти унинг балоғатга етмаган ўғли Маждуддавлага қолди, давлат ишларини унинг онаси Сайида бошқара бошлади. Фуқаро ҳам ундан рози, аён ва кубаролар ҳам хурсанд эдилар. Шу орада кўп мамлакатларни босиб олган султон Маҳмуд кунлардан бир кун Сайиданинг ҳузурига элчисини юбориб, унинг номидан хутба ўқитиб, хирож тўлаб туришни талаб қилди. Сайида унинг элчисига шундай деди: «Эрим тириклигида мен, Маҳмуд Ғазнавий келиб юртимизни босиб олмасайди, деб қўрқар эдим, энди қўрқмайман. Султон бостириб келса жанг қиламан. Ё у енгади, ёки мен. Мен зафар қозонсам, бутун дунё, илгари юз подшони енгган Маҳмуд хотин кишидан енгилбдур, дейди. Агар у ғолиб келса, шундай улуғ подшо хотин кишини егиб, фатҳнома ёздирубдур, деб таъна қилгай. Бу султон учун шон-шавкат эмас, шул сабабдан ҳукмдорингиз мен билан жанг қилмайду!»

Бу жавоб Маҳмуд Ғазнавийнинг иззат-нафсига қаттиқ тегди ва Сайида тириклигида унинг юртига дахл қилмади, Сайида мамлакатни бежавотир идора қилаверди, бирққ узоққа бормаи, бошқа бир ташвиш уни кемира бошлади. Уғли Маждуддавла балоғат ёшига етгандан кейин ҳам эс-ҳушини йиғиштириб олмади. Бўйи чўзилиб мўйлаб сабз қилган бўлса-да, унинг болалиги қолмади.

Маждуддавла овқатни танлаб ер, доимо канизаклар била қувлашиб ўйнаб юрар, давлат ишларига қизиқмас эди. Икки-уч йилдан кейин ўйин-қулги, бемеҳнат ҳаёт, шоҳона маишат кўнглига ура бошлади. Созандайи-навозандаларнинг ҳам савти унга ёқмас, хушрўй раққосалар ўйин тушиб, уни овута олмас эдилар. Шаҳзода якка ўзи сарой боғини айланадиган, ўзи била ўзи гаплашадиган бўлиб қолди. Онаий зори: «Болам, нега мунча юрасан, ўтириб дам олсанг-чи», деса у: «Ўтиргандан ётган яхши, ётгандан ўлган яхши. Демак, ростдан ҳам ҳаётдан ўлим афзал» дер эди. Чақирилган табиблар, шаҳзода моли-

хулё¹ касалига йўлиқпти, деб уни турли-туман дорилар билан даволай бошладилар. Бироқ ҳеч қандай дори-дармон унга кор қилмади. Сайида ибн Синонинг дарагини эшитиб, жиловдорини ясоғлиқ от билан у истиқомат қилган карвонсаройга юборди. Шаҳзоданинг касалидан хабардор бўлган улуғ ҳаким саройдан таклифнома келишини кутар эди. Шу сабабдан иккиланмай ялтироқ тўнли ёш мулозимни яхши қарши олди, эгнига бухороча олача тўнини, бошига кўк салласини ўраб, отга минди ва олдига тушиб тез-тез юриб кетаётган жиловдор орқасидан отини ҳайдаб кета берди. Тоғ этагидаги саройнинг нақшинкор катта дарвозасидан кимхоб ва парча тўнли мулозим, аён ва акобирлар гердаиб кириб-чиқиб турар эдилар. Улуғ ҳаким дарвоза олдида эгардан тушиб отни посбонга берди, шу пайт ялтироқ тўнли бир кибор таъзим қилиб, уни ичкарига бошлади.

Саломхонада фил суягидан ишланган безакли тахтда қимматбаҳо либосига дурру гавҳар қадалган малика виқор билан ўтирар эди. Етти қадам берида тўхтаб таъзим қилган ибн Синога кулимсираб:

— Хуш келибсиз, сафо келибсиз, сиздек улуғ ҳакимнинг пойтахтимизга ташриф буюришдан беҳад хурсандман!— деди. Тумтароқли гаплардан кейин у ўз дардини изҳор қила бошлади.— Бизни бул ғамдан қутқаринг, ўзингиз ҳам марҳаматимиздан баҳраманд бўлғайсиз.

Олтмишга бориб қолган бўлса-да, ҳуснини унча йўқотмаган, қулоқлари ва томоғини кашмирий рўмол билан ўраб олган йўғон гавдали маликага қараб:

— Э, саодатли маликаи замон!— деди қўлини кўксига қўйган ибн Сино.— Ноумид бўлманг. Дард бор ерда даво ҳам бор. Тадорикин қилурмиз, иншоолло, шаҳзода шифо топиб, чироғингиз аввалгидан ҳам равшанроқ ёна бошлар...

Қабул маросими тугагундан сўнг табиб беморни кўриш истагини билдирди.

Маждуддавла мўйлаб қўйган, узун бўйли, ориқ, пешонаси тиришган, сусткаш йигит эди. У шифокор билан истар-истамас сўрашиб, саволларига тўнғиллаб жавоб берди. Ибн Сино ҳам такаллуфни йиғиштириб қўйиб, уни тўшакка ётқизди-да, томирини ушлади, бежо кўзларига тикилиб, тилини чиқаришни буюрди, қорнига панжасини қўйиб уриб кўрди. Кейин уни ўрнидан турғазиб, қўлига дори берди, эрта билан янги соғилган сут ичиб туришни тавсия этди.

Бироқ шаҳзода сут ичишни ҳам, дори истеъмол қилишни ҳам истамас эди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин ибн Сино малика ҳузурига кириб, шаҳзодани дори-дармонлар билан тузатиб бўлмаслигини айтди.

— Сиздек ҳакими ҳозикдан бул гапни кутмаган эдим, наҳотки бир илож тополмасангиз?— деди малика қовоғини солиб.— Борган сари сафроси кўзиб, ёбоний одамга ўхшаб кетаётир ул. Ўзини осиб ўлдирмасайди, деб қўрқаман.

— Молиҳулё касалига дучор бўлган кишини даволашнинг яна бир усули бор. Унга ажалнинг даҳшатли башарасини узоқдан кўрсатиб қўймоқ керак, шундагина ул ҳаёт гулшанининг гўзаллигини ҳис эта бошлар...

— Агар шул гапни сиздан бошқа одамдан эшитсам, омон қўймас эдим,— деди Сайида кўзларини чақнатиб.— Тезроқ айтинг, қандай усул қўлламоқчисиз?!

Ибн Сино кечаси билан ўйлаб чиққан нарсаларини гапириб берган эди, маликанинг ранги ўчиб кетиб:

¹ Меланхолия.

— Йўқ!— деб юборди.— Агар қўрқиб кетиб, юраги қинидан чиқиб кетса-я? Оқибатини ўйладингизми?!

— Шаҳзода қўрқоқ йигитлардан эмас. Эшитишимча, кураш тушиш, мушт уришни яхши билар экан. Хавотир олманг, ул жанобнинг бир туки тўкилса, мен жавобгар.

— Агар бошқа илож тополмаган бўлсангиз, на қилурмиз.— Малика елкасини учириб қўйди.— Ахир, бул масхарабозлик-ку! Сиз ҳеч табибнинг ақлига келмайдиган кулгили усулларни ўйлаб топасиз. На қилсангиз майли, сизга ижозат.

□

Бир куни кеч пайтида Маждуддавла одати бўйича тоғ ёнбағридаги сарой боғида якка ўзи сайр қилиб, ҳаётнинг жирканч ва бебақолиги, ўлимнинг абадийлиги тўғрисида хаёл суриб юрар эди. У юқорига кўтарилиб, барглари катта-катта, сершоҳ эман дарахти олдида тўхтади, қайси бир шохига арқон ташлаб, ўзимни оссам экан, деб ўйлаётган маҳалда қаёқдандир бир йигит орқасидан келиб, қўлини қайирди, унинг шериги — оғзи боғлоқлиқ пакана йигит рўпарадан келиб, шаҳзоданинг бўйнига сиртмоқ ташлади-да, арқоннинг учини торта бошлади.

— Тезроқ бўл... Улдириб қўлидаги гавҳар кўзли узугини олгаймиз, белидаги олтин камарини ҳам...— деди гўлдираб шериги.

Додлаб ёрдамга чақирिशга шаҳзоданинг иззат-нафси йўл қўймас эди. У бир ижирганиб, қўлини чиқариб олди-да, олдинга ташланиб, арқон учини тортиб турган йигитни бир тепиб йиқитди, бўйнидан сиртмоқни олиб ташлаб, унинг шеригига ташланди.

Бир дақиқалик олишувдан кейин бирининг бурни қонаган, иккинчисининг қовоғи шишган «қароқчилар» аранг қочиб қутулишди.

Маждуддавла ҳарсиллаб, жияги сўтилган олача ипак тўнини тўғрилади-да, чангини қоқиб орқага қайтди. Қўрқув аралаш ғазабдан у дағ-дағ титраб, соқчисиз, қуролсиз сайрга чиққанига ўкинар эди. Қўшкига қайтиб келгандан кейин кийим-бошини алмаштириб, ювиниб олди-ю, хонаи хосига кириб, қарс урди. Икки букилиб кириб келган мулозимига ғалати овоз билан:

— Шаробдорга айт, бир пиёла май келтирсин!— деб буйруқ берди. Икки қултум шароби нобдан кейин ҳаёт унинг кўзига камалакдек ранг-баранг ва гўзал кўрина бошлади.

Ўғлининг саргузаштидан хабардор бўлган Сайида унинг кўзларида ҳаёт шамъи порлаб, юзи ёришганини кўргач, беҳад хурсанд бўлди, лекин ҳеч нарса бўлмагандек, сиполикни қўлдан бермай, бошини баланд кўтариб, қовоғи солиғлигича юраверди.

Ҳамадон сафари

Рай шаҳри тоғ ёнбағрига жойлашган, иқлими мўътадил, гўзал шаҳар, лекин баъзан боди сабо шимол томондан эсганда Димованд чўққисидан чиқиб турган дуд шаҳарга тарқалиб ҳавони бузиб, ҳаммани безовта қилар эди. Худди шунингдек, Маҳмуд Ғазнавий ҳукм сурган салтанат саҳросидан эса бошлаган совуқ шамол каттадан-кичикни саросимага солиб қўйди.

Бир куни Абу Али ўз уйида хонтахта ёнида ишлаб ўтирган пайтда сарой фарроши келиб таъзим қилди-да:

— Маликаий олишон сизни ўз ҳузурларига чорлаётирлар,— деди. «Нима ҳодиса юз берди экан? Нега бемаҳалда унга керак бўлиб қолдим?» деб ўйлади олим ўрнидан турар экан. Дарҳол қимматбаҳо йўл-йўл ипак чопонини кийиб, бошига кўк салласини ўради-да, кўчага чиқди. Эшик олдида маликанинг жиловдори эгарлоглиқ арабий отни кўндаланг қилиб турарди.

— Хизматларига тайёрман, эй маликаий замон!— деди Абу Али саломхонага кириб, таъзим-тавозе қоидаларини бажо келтиргандан сўнг.

Сайида гапни чўзиб ўтирмай дарҳол мақсадга кўчди. Султон Маҳмуд Ғазнавий вакилини юбориб, ундан ўз номига хутба ўқитишни, бож-хирож тўлаб туришни талаб этаётганини баён этиб:

— Золимнинг қўлига тушмаслик учун тинчроқ бир ерга бориб бошпана топганингиз маъқул,— деди.— Жанобингиздан кўп яхшиликлар кўрдим, шул сабабдан сизни ахтартириб юрган султон қўлига тушишингизни истамайман. Дарҳол отланиб, Ҳамадон сари йўл олинг. Мен ул диёрнинг ҳукмдори қайним Шамсуддавллага хат ёзиб берай. Аминманки, сизни ул бажону дил қабул қилиб олғай.

Тонг пайтида устод билан шогирд юкларини от-эшакларга ортиб йўлга тушишди. Рай билан Ҳамадон ораси тоғли йўл, довонлар унча баланд эмас, қиш ва эрта баҳор пайтидагина йўл хатарли бўлиб, қор кўчкинлари йўловчиларни босиб қолади, лекин ёз ойлари от ва эшаклар устларидаги юклари билан бу довонлардан қийналмай ошиб ўтаверади.

Икки йўловчи уч кундан кейин Қўшқак довони остига бориб етишди, от-эшаклар устидан юкларни тушириб, уларни ўтга қўйиб юборишди-да, шарқираб оқиб ётган сой бўйига, сербарг эман дарахти соясига жой солишди. Бир оз ўтириб дам олганларидан кейин Абу Убайд қозон осиш учун эманзорга ўтин тергани кетди. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтмай бир қучоқ шох-шабба кўтариб келаётганда умрида уч-ратмаган бир нарсага кўрган кишидай кўзларини катта очиб, турган жойида қотиб қолди. Ўттиз беш ёшга қадам қўйган, илм-маърифат чўққисини эгаллаган баобрў устоди худди ёш боладай ўз сояси билан олишаётган эди. У орқасини офтобга ўгириб, бўйи ўзи билан тенг кўланкасига бирдан ташланар, ўнг қўли билан унинг бўйнидан бўғиб олишга уринар эди, лекин қўли соясининг бўйнига эмас, белига бориб тушарди. Кейин қоматини ростлаб сўл қўли билан шу ҳаракатни такрорлар эди. Беш-олти марта уриниб, нафасини ростлади-да, сув бўйидаги теракни гоҳ ўнг оёғи билан, гоҳ сўл оёғи билан тепа бошлади. Сўнггра латтага ўралган иккита жуводизни ердан олиб, икқаласини теракка санчди ва зудлик билан ўнг томондагисини сўл қўли билан, сўл томондагисини ўнг қўли билан суғуриб олди. Шу зайлда жуводизларнинг жойини тез-тез алмаштириб турди. Бу машқлардан сўнг чуқур-чуқур нафас олди-да, икки оёғини бирлаштириб туриб, олға бир қадам, орқага бир қадам ташлаб сакрай бошлади.

«Э, бадантарбия! Тез-тез юриш, найза отиш, кураш, мушт уриш каби машқлар тўғрисида менга гапирган эдилар,— деб ўйлади Абу Убайд.— Лекин соя билан олишиш, жуводиз санчиш тўғрисида оғиз очмаган эдилар-ку! Бу янги машқ турларини кейин ўйлаб топган бўлсалар керак. Мабодо мутаассиб муллолардан бири теракни тепаиб, унга жуводиз санчаётганларини кўрса, бу шайтоннинг иши, табиби ҳоziқнинг ўзи жинни бўлиб қолибди, деб ўйлаши мумкин. Шу сабаб-

дан устодим бадантарбия билан яширинча шуғулланган бўлишлари керак».

Абу Али эса нафасини ростлаб, эман дарахти остидан шарақлаб оқаётган сойда ювина бошлади. Абу Убайд қучоғидаги ўтинни ерга қўйиб, тошлардан ўчоқ ясади-да, устига дегча ўрнатди.

Ҳамадон Райга нисбатан кичикроқ шаҳар бўлса ҳам, карвонсаройлари кўп, савдо-сотик ва ҳунармандчилик тараққий қилган шаҳар. У баланд кўрғон билан ўралган бўлиб, ичкарига тўртта темир дарвозадан кирилар эди.

Ибн Сино билан Абу Убайд шаҳарнинг ўртасидан оқиб ўтадиган Муродбекчой қирғоғидаги катта карвонсаройга тушишди, уловларни сайисга топшириб, юklarини ҳужрага жойлаштирганларидан кейин сойга тушиб, юз-қўлларини ювишди.

— Баҳаво, салқин шаҳар экан. Саратон ойида ҳам одам терламайди-я!— деди Абу Убайд белбоғи билан қорача, юмалоқ юзини артар экан.

— Ҳа,— деди устод, белбоғини боғлаб туриб.— Райга нисбатан бул шаҳар анча баланд ерга жойлашган, теварак-атрофи тоғ, иқлими мўътадил.

— Шамсуддавла диний ва дунёвий илмлардан хабардор, ўзини маърифат ҳомийси, деб билган ҳукмдор экан, илойим, бул ерда омадмиз ўнгидан келсин.

— Бахт-саодатнинг ҳам вақти-соати бор. Уринаверган киши бир кун эмас, бир кун мақсадига эришгай.

— Омин!— деди шогирд жон-дили билан.

Шамсуддавла ёшлигида хусусий муаллимлардан араб тилини яхши ўрганиб олган, илмий ҳикматдан хабардор, ғайратли ҳукмдор эди. Лекин иззат-нафси ҳаддан ташқари кучли бўлгани учун озгина ўткир гапни кўтара олмас, асабийлиги туфайли меъда касалига йўлиқиб, овқат ҳазм қилолмайдиган бўлиб қолган эди. Табиблар уни тузата олмай, бошлари қотиб турган пайтда Ибн Синопдек табиби ҳозиқнинг ўз оёғи билан келиши яхшилик аломати деб топишди.

Сарой вазири Абу Алини саломхонага бошлаб киришдан олдин қабул тартиби билан таништириб:

— Фуқаро зоти олийлари ҳузурларига кирганларида етти қадам берида тўхтаб, ер ўнадурлар, аммо олий мартабали аъёнлар, олимлар ерга бош қўйишдан озод қилинганлар,— деди.

«Эроннинг бир парча ерида ҳукмрон бўлган зот ўзини сомонийлардек катта тутар экан» деб ўйлади ибн Сино бу гапни эшитиб ва тап тортмай саломхонага кириб таъзим қилди. Қимматбаҳо жавоҳирлар билан безалган тахт устида қотмадан келган, ранги бир оз синиққан зарчопонли ҳукмдор виқор билан ўтирарди. Хонанинг икки томонида кимхоб, шоҳи, атлас тўнлар кийиб, белларига олтин, кумуш камар боғлаган аъёнлар қўл қовуштириб турар эдилар.

Шамсуддавла Бухоро олачасидан тўн кийган, қиррабурун Абу Алига бир тикилиб, унинг саломига алик олди-да, уни ўз пойтахтида кўрганлигидан мамнун эканлигини айтди.

Беш-олти дақиқалик тантанали қабул маросими тугагандан кейин ўзини кўрсатиш учун уни ўз ҳужрайи хосига таклиф этди.

Абу Али бетакаллуфлик билан ҳукмдорни оддий бемордек тўшакка ётқизиб, томирини ушлаб, бош чайқади, кейин қорнига қўлини қўйиб, устидан уриб кўрди-да, ўрнидан турғизди.

— Энг олдин аъзойи бадингиз чиқитларини таҳлил қилиб, касалингиз нима эканлигини кейин айтаман, — деди.

Эртасига у Шамсуддавланинг қулунж деган дардга мубтало бўлганлигини айтиб, шароб ичиш ва қалампир билан қовурилган гўшт ейиш мумкин эмаслигини уқтирди ва турли гиёҳларнинг уруғидан тайёрлаган бир шиша дори келтирганлигини маълум қилди.



Кундан-кунга соғайиб, тетикланиб бораётган ҳукмдор бўш вақтларида аллома билан турли мавзуларда суҳбатлашиб ўтирар, унинг ҳар томонлама, чуқур маълумот эгаси эканлигини кўриб ҳайрон қолар эди. Бир кун у гапни айлантириб, давлат арбобларининг қандай хусусиятларга эга бўлиши тўғрисида савол берди.

— Ҳар қандай одам ҳам вазир, ҳоким бўлолмайду, — деб жавоб қилди ибн Сино. — Ҳукумат арбоблари соғлом, ростгўй, сўзга уста, иродали бўлишлари керак. Ёлғончи, фирибгар, пул йиғиш пайида юрган порахўр амалдорларни ишдан бўшатиб юбориб, ўринларига фазилатли, зулмга, бойлик орттиришга нафрат билан қаровчи одамларни топиб қўймоқ лозим.

Кейин у қишлоқ аҳолисининг юкини енгиллатиш, шаҳарларда хунармандлик ва савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш тўғрисидаги фикрларини баён қилди.

Шамсуддавла молия ишларини тартибга солиш, муставфий-ҳисобчиларнинг ишларини тергаб туриш, порахўр амалдорларни ишдан четлатиб, ўринларига ҳалол одамларни қўйиш тўғрисида хаёл сурарди. Узоқ мулоҳазалардан сўнг у ибн Синодек илми ҳисобни яхши биладиган, ҳалол, бойлик орттириш ниятида бўлмаган шахсни ҳожайи бузрук — вазир қилиб олишга аҳд қилди.

Абу Али ҳам мамлакатни идора қилиш тўғрисидаги ғояларини амалга татбиқ қилмоқчи эди, шу сабабдан Шамсуддавланинг таклифини қабул қилди.

□

Сипоҳсолар Тожилмулк шаҳар ташқарисидаги боғига энг яқин дўстлари, муовинларини, шайхулислом ва ҳоказоларни таклиф этган эди. Қуюқ-суюқ овқатдан сўнг дастурхонга фотиҳа ўқилгач, юз-кўзини соқол босган от юзли уй эгаси чап кўзини қисиб, меҳмонларга шундай деди:

— Токайгача чидаб тургаймиз янги вазирнинг зулм ва таадийларига! Зодагон амалдорларни, бизнинг ёр-биродарларимизни ишдан бўшатиб, ўринларига таги паст муллабаччалар, умри китоб устида ўтган олимларни қўймоқда, уч ойдан бери аскарлар маош ололмайдур, хазинадаги пул ариқ ва кориз қазиш, кўприк солишга сарфланаётир, саройда бизнинг сўзимиз ўтмай қолди. Зоти олийни ул бухоролик жодугарнинг фусунларидан қутқариб олмоқ керак...

Унинг узундан-узоқ нутқиға сабрсизлик билан қулоқ солаётган. Шайхулислом мош-биринжи соқолини чимдиб:

— Абу Алининг қилган ишлари шариатга ҳам мувофиқ эмас,— деди.— Ул келгинди шиа мазҳабидаги қишлоқ аҳлининг юкини енгил қилиб, заминдорларнинг даромад манбаларини қуритмоқда... Эшитишимча, Абу Алининг отаси шиа ва қарматларга яқин бўлган исмоилийлар мазҳабидан экан.

— Ана кўрдингизми!— деб кўзларини ўйнатди муфти.— Бас, шундоғ экан, ани ишдан четлатишни зоти олийдан талаб этмоқ керак...

Шу мажлисда ўтирган ёшгина бир зобит — шаҳарнинг энг мўътабар кишиларидан бири — Абу Саиднинг жияни Абу Алини огоҳлантириб, уни фалокатдан қутқариш кераклигини кўнглига тугиб қўйди. Бир неча ой илгари отаси бетоб бўлиб қолганда табиби ҳозиқ уни даволаб, жонига ора кирган эди.

Эрталабки зиёфат вақтида Шамсуддавла мулозимларига қараб:

— Абу Али ҳар куни биз билан нонушта қилгучи эди, негадир шул маҳалгача дараги йўқ,— деди-да, бир мулозимига юзланиб амр қилди:— фаррошни юборинг, табибимизни дарҳол чорлаб келсин.

Жиякли олабайроқ шоҳи тўн кийган кўк саллали мулозим бош эгиб, кўчага чиқиб кетдию бир оздан сўнг қайтиб келиб:

— Саройни беҳисоб аскарлар ўраб олган, ҳеч кимни киритмаётirlар,— деди.

— Ёлгон!— деди ранги қув ўчган ҳукмдор мулозимига қараб.

— Рост!— деди гурс-гурс қадам ташлаб кирган қуролли сипоҳсолар.— Мулозимингиз Мир Атоулло ёлгон айтмади. Бутун лашкар ва сипоҳилар исён туғини кўтариб ҳузурингизга келди. Жанобларини сохта йўлга бошлаган вазир Абу Алини ишдан бўшатиб юбориб, жазосини беришни талаб этурмиз.

Тўрда, зарбоф тўшак устида ўтирган Шамсуддавла бўзариб:

— Ҳой, нонкўр!— деб бақирди.— Сен бизнинг марҳаматимизга сазовор бўлдинг, неъматларимизни единг. Илтифотимиз соясида беҳисоб давлат ва мулк орттирдинг. Эмди итоат ипини узиб, юзимизга оёқ қўймоқчимисан?

— Э зоти олий!— деди Тожилмулк қўл қовуштириб.— Мен жанобларининг содиқ қулидурман, садоқат ипларини узганим йўқ. Биз ҳожайй бузрук лавозимини эғаллаган фирибгар Абу Алига қарши қурол кўтардик. Унинг тааддиси шул даражага етдиким, биз жонимиздан тўйиб, исён туғини кўтаришга мажбур бўлдик. Ул сеҳргарни бизнинг қўлимизга топшинг, жазосини берайик...

Зиёфатда ўтирганлар худди тил бириктиргандай сипоҳсоларнинг гапларини тасдиқлаб, ибн Синони дарҳол ишдан бўшатиб юборишни талаб этдилар. Ҳамма ақобир ва амалдорлар, лашкарбошиларнинг бир ёқадан бош чиқарганларини кўриб ҳукмдор шаштидан тушди. У чуқур мулоҳазага ботган кишидек чап қўли билан тиришган пешонасини чангаллаганича ўйга толди. Атрофини ўраб олган исёнчилар унинг оқариб кетган чўзинчоқ юзига қараб, нима ҳукм чиқаришини кутиб турдилар.

«Ҳозирча исён туғини кўтариб келган бу бебошларнинг гапига кўнишдан бошқа илож йўқ. Кейин ораларига нифоқ солиб, яна уларни жиловлаб оларман» деб ўйлади у ва ёнидаги котибига юзланиб:

— Абу Али ибн Синонинг ҳожайй бузруклик мансабидан бўшати-

либ, ўрнига Абу Жаъфар Маҳаммаднинг тайинлаганимиз тўғрисида фармони олий ҳозирланг!— деб буйруқ берди.

Аъёнлар енгил нафас олиб, бир-бирларига кулиб қараб қўйдилар.

□

Абу Убайд устодининг қўлёмаларини рўмолга туғиб турган пайтда совут кийган бир зобит кириб:

— Ҳой Абу Али, яхшиликча таслим бўлинг!— деб дўриллади.

— Уйда йўқлар, эрта билан чиқиб кетганларича қайтиб келганлари йўқ,— деб жавоб қилди ранги ўчиб кетган Абу Убайд.

— Елғон айтасан, бир ерда яшириниб ётгандир устодинг.

Аскарлар ҳамма хоналарни титкилаб, уй эгасини тополмадилар.

— Қайга кетди, айт!— деб ўдағайлади зобит, ҳамон ўз иши билан машғул бўлган содиқ шогирднинг тепасига келиб.

— Улимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ. Қаерда эканликларини билмайман.

— Ҳозир айтмасанг, уйингизни горат қилурмиз.

Унинг амри билан аскарлар алломанинг уйидаги қимматбаҳо гиламлар, тилла, кумуш асбоблар, идиш-оёқларни йиғиштириб ола бошладилар.

Тонг пайтида Ҳамадоннинг энг мўътабар уламоларидан Абу Саид Ноҳийнинг бир хизматкори ибн Синонинг уйига келиб, воқеадан хабардор қилган ва уни хўжасининг уйига бошлаб келган эди. Ёши ётмишдан ошган Абу Саид алломани эски қадрдон дўстидек қабул қилиб олиб, унга уйдан алоҳида хона ажратиб берди. У ҳукмдорлар таъқиб остидаги бу бегуноҳ улуг одамни ўз ҳимояси остига олганидан беҳад хурсанд бўлар, бўш вақтларида у билан суҳбатлашиб ўтирар эди.

Ибн Сино «Қитоби аш-шифо» номли буюк асарини шу ерда тугатиш ниятида эди. Бир ҳисобда шу мўътабар одамнинг уйида беркиниб ётганидан, ишлаш учун имконият топганидан у хурсанд, уй эгаси эса меҳмоннинг ишлаб чарчамаганига ҳайрон бўлар эди.

Завқ-шавқ билан ишлаган ҳақими ҳозик вақтнинг қандай ўтганини билмас, касали кундан-кунга кучайиб бораётган Шамсуддавлга орадан ўтган бир йил бир асрдек туюлар эди. У фақат улуг табиби ҳозикқа ишонар, шу сабабдан бошқа табибларнинг берган дори-дармонлари унга кор қилмас эди.

— Абу Алини топинг, бўлмаса бу дарди бедаводан ўламан,— деди у қорнини чангаллаб.

Сарой амалдорлари ваҳимага тушиб, ибн Синони ахтара бошладилар. Абу Убайд шаҳардан чиқиб кетган эди.

Бир куни Абу Саид меҳмонини аҳволдан хабардор қилиб:

— Сизни уйма-уй ахтараётирлар, агар менинг уйимдан топсалар, ҳолим хароб,— деб қолди.

Жанобларидан шунча яхшилик кўрдим, энди ёмонлик қилмай, ўз оёғим билан ўшал даргоҳга борай,— деди аллома ўрнидан туриб.

Ибн Сино олача ипак тўнани кийиб, бошига кўк салласини ўрадида, дадил қадам ташлаганича кўчага чиқиб сарой томон йўл олди. Дарвозабон ҳам, ичкаридан чиқиб келаётган кимхоб, шойи тўнли мулозимлар ҳам уни кўргач, салом беришни унутиб, турган жойларида қотиб қолдилар. Ибн Сино улар билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашди.

— Бемор тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келур,— деди хужрайи ҳосда зарбоф тўшак устида ўтирган ҳукмдор, сарой вазири

билан бирга кириб таъзим қилган ибн Синога.— Қани, ўтирсинлар. Ўзларининг соғ-саломатликлари қалай? Ёзмоқчи асарларини анжомига етказгандирлар?

Абу Али унинг саволларига жавоб бериб, яқинроқ бориб ўтирди-да, томирини кўрди. «У энди қирқ ёшга қадам қўйган бўлса ҳам чаккалари оқариб, кўз атрофини, ажин босибди. Беркиниб ётган жойида жонини аямай ишлаган бўлса керак,— деб ўйлади Шамсуддавла.— Лекин руҳи сўнмаган, кўзларида ақл-заковат нури порлаб турибди».

Табиб ҳозик эса ранги сарғайиб кетган беморга тиқилиб: «Арзи-маган нарсага хуноб бўлиш, ичкиликни меъеридан ошиқ ичиш натижа-си бу» деб ўйлади ва ўз фикрларини ётиғи билан баён қилди.

— Рост,— деб унинг гапини тасдиқлади Шамсуддавла.— Ўзингизга маълум, бошимга оғир кунлар тушди, дунёнинг ташвишларини унуттиш учун май шишасига ёпишиб олдим. Сиз ёнимда бўлсангиз иншоолло, менга шифо эшигин очиб берурсиз.

У ёнида қоматини тик тутиб ўтирган кенг пешонали ҳақимнинг важоҳатига қараб, унинг қўлидан даво топишига ишонч ҳосил қилди.

Орадан бир ҳафта ўтмай сарой аҳли ҳукмдорнинг ранги тозариб, тетиклашиб қолганини кўргач, ёқаларини ушлаб: «Бул табибда бир гап бор, у жодугар» дейишарди.

Бир куни Абу Али ҳукмдорни кўргани борганда:

— Яна мамлакат жиловини қўлга олинг, яна ҳожаий бузрук бўлинг,— деди у.

— Киши бир ишни икки маротаба синамаслиги керак,— деди ибн Сино сочларига оқ оралаган ҳукмдорга тик қараб.

— Қўрқманг. Мен нобоп амалдорларни ишдан четлатиб, ўринларига бошқа бировларни қўйдим. Сарой вазири ҳам, бош муставфий — хазинадор ҳам сизга хайрихоҳ одамлар. Тожулмулкни қўлимга ўргатиб олдим. Тожулисломнинг қишлоғини олиб берганимдан сўнг, ул нафси ҳарис мулло айиқдек қўлимни ялайдурган бўлиб қолди. Сиз ундан кўрқманг. Мавқеимни мустаҳкамлаб олганман, мен билан маслаҳатлашиб эҳтиёткорлик билан иш олиб борсангиз, фалокатга йўлиқмайсиз!

«Хиёнат қилмаслигимни, хизмат учун ер-мулк талаб қилмаслигимни у яхши билади. Шу сабабдан менга қаттиқ ёпишиб олган» деб ўйлади ибн Сино.

— Жанобларининг таклифларини қабул этмоқдан бошқа чора йўқ,— деди у вазирлик лавозимини қабул қилишга розилик бериб.

Аллома қурол кучи билан эмас, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва зироатчиликни ривожлантириш орқали мамлакатни бойитиш керак, деган ақидасига рия қилар эди. Қўни-қўшнилариға ҳужум қилиб, ўлжа олиш пайида юрган аскарбошиларға унинг бу сиёсати қўл келмас эди.

«Бу ҳолда аскарларнинг нима кераги бор? Агар қилич-қалқон ишга ярамаса, жангчилар уларни ҳужрага осиб қўйиб, қўлларига шақилдоқ ва довул олишлари керак экан-да! Бўлмаган гап! Агар бойиб кетган қўшни амирларга ҳужум қилиб ўлжа олиб турилмаса, аскарлар ҳам, саркардалар ҳам жанг русумини унутиб қўядурлар-ку!», деб пўнғиллар эди саркардалар. Улар турли воситалар билан ҳукмдорни ўз йўлларига содишга урина бошладилар.

Бир куни Шамсуддавла ибн Синога:

— Менга ҳозирча эллик минг динор пул керак бўлиб қолди,— деди эътирозга йўл қўймайдиган оҳангда.

— Сизнинг ҳар бир фармонингизни бажо келтирмакка тайёрман,— деди ҳукмдорга эътироз қилишга ҳадди сизмаган вазир.— Ул ҳолда шифохона ва мадраса қурилишини тўхтатиб қўймоқ керак.

— Майли! Бекор ишга чақирилган деҳқонлар ўз жойларига жўнатилсин, усталар дам олсинлар.

«Шунча маблағ нимага керак бўлиб қолди?» дегандек ибн Сино унинг ажин босган оппоқ юзига қараб қолди.

Шамсуддавла алломанинг кўнглидаги гапни топиб, қовоғини солди.

— Кўпдан буён муҳориба бўлмагани учун қиличлар занглаб, аскарлар жанговарлик хислатини йўқотмоқдалар. Олинган маълумотларга кўра қўшнимиз Кирмоншоҳ вилоятидаги Торим шаҳри амирининг хазинаси тилло ва кумуш билан тўлган эмиш. Бир ҳамла билан ҳам бойлик орттирган, ҳам сизнинг сулҳпарварлик сиёсатингизга қарши бўлган сипоҳийларни рози қилган бўлурмиз.

— Подшоҳнинг амри вожиб,— деди аллома, сийқаси чиққан эски мақолни ишлатишга мажбур бўлиб.

□

Шамсуддавла тишидан тирноғигача қуролланган қўшин олдида гижинглаб кетаётган арабий отининг жиловини тортиб борар, орқасидан саф тортиб келаётган отларнинг кишнашини, ўлжаталаб лашкарнинг ғовурини эшитиб, кўнгли кўтарилар эди.

Тушга яқин этагидан булоқлар қайнаб чиқиб турган сердарахт тоғ ёнбағрига лашкаргоҳ қурилди. Уртага тикилган ипак чодир ичида дам олиб ўтирган ҳукмдор бир товоқ яхна гўшт келтирган мулозимига илжайиб:

— Энг аввал юракка қувват, белга мадор бағишлайдурган шаробнобдан келтир!— деди.

Унинг соғдиғига посбон бўлган табиби ҳозиқ пойтахтда қолган, энди, у кўнглининг кўчасига келган ҳирслардан ўзини тиёлмас эди. Ғалаба қозонишга қаттиқ ишонган лашкарбошилар ҳам унга таассуб қилиб, хурсандчиликка берилдилар. Ҳолбуки, Торим амири ўзининг хуфиялари орқали душманнынги қўшин тортиб келаётганидан хабар топиб, тайёргарлик кўриб қўйган, тоғ этагидаги қулай бир жойга лашкаргоҳ қуриб ёвнинг келишини кутар эди.

Эрта билан унинг аскарлари уфқдан бош кўтариб чиққан офтобга орқаларини ўгириб саф тордилар. Карнай-сўрнайлар аскарларнинг руҳларини кўтариб, мардлик кўрсатишга даъват этар эдилар.

Шовқин-сурон билан найзаларини отларининг қулоғига қўйиб, оёқларини узангиларга тираб учиб келаётган Ҳамадон суворийларининг олдинги сафи аввалдан қазиб, устига шох-шабба ташланган хандақларга қулаб туша бошладилар. Йиқилган отларнинг кишнаши, майиб бўлган суворийларнинг инграши эшитила бошлади. Иккинчи, учинчи қатордагилари эса отларининг бошларини ён томонга бурдилар, уларнинг сафлари аралашиб кетди. Асосий кучлар тўқнашмасдан бурун рўй берган бу ҳодиса ҳужумчилар учун ёмон аломат эди. Икки томоннинг пиёда аскарлари урушиб турган пайтда Торим суворийлари ён томондан бостириб келиб қолишди. Ҳамадон қўшинининг қолган-қутганлари пала-партиш чёкина бошладилар. Мағлубият ханжари кўксига санчилган Шамсуддавланинг эгар устида ўтиришга ҳам қуввати қолмаган эди. У отини мулозимга топшириб, шакли тобутга ўхшаган тахтиравонга чиқиб олди, тўрт барзанги йигит уни кўтариб жарлар, тепалар орқали пойтахт томон йўл олдилар. Енида бўлган табиблар уни ўлим чангалидан қутқаришга ҳаракат қилиб кўрдилар, бироқ уларнинг уришилари бекор кетди. Шамсуддавла Ҳамадонга етмасдан йўлда қазо қилди. Уни дафн этишдан олдин аъён ва ақобирлар тўпланиб, шаҳзода Самоуддавлани тахтга ўтирғизиб, бошига тож кийгиздилар.

Қамоқда

Тахтада керилиб ўтирган, чертса бетидан қон томадиган лўппи юзли ёш ҳукмдор ибн Синонинг қўлидан аризани олиб ўқиди-да, қовоғини солиб:

— Истеъфоларини қабул этолмайман, бориб вазифангизни бажараверинг!— деди.

— Ялиниб, ёлвориб сўрайман: мени бул оғир вазифадан озод этсинлар. «Алқонуни фитиб» номли асаримни тамомлаш ниятидаман.

— Яхшиликни билмас экансиз,— деди Самоуддавла сўзини ўтказма олмагандан кейин.— Ҳамадон шаҳрида истеъдодли давлат арбоблари қуриб қолгани йўқ. Боринг, чала қолган ишингизни битиринг!

Аллома чиқиб кетгандан кейин Тожуддавлани чақиртирди.

— Афсуски, шундай тажрибали одам сизга хизмат қилмоқдан бош тортибдур,— деди мағлубиятдан кейин чап кўзи юмилиб қолган сипоҳсолар унинг гапини эшитиб.— Рост, ўзи ҳалол, серғайрат одам шул қадар зийракки, муставфий-ҳисобчиларнинг дафтарларини бир кўздан кечиришда хатоларини топадур, лекин кейинги вақтларда илмига мағрур бўлиб, кибру ҳаво ҳосил қилди, улуғларни назар-писанд қилмай қўйди. Лекин бир асб юриш билан уни мот қилиш қийин эмас. Подшоҳнинг амрини вожиб, деб билмаган одамнинг қай аҳволга тушувини ўз кўзи билан кўрсин!

Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас у ҳукмдорнинг ҳузурига кириб таъзим қилди-да:

— Мана, Абу Алининг хиёнатини исботловчи далил,— деди найча қилиб ўралган номани узатиб.

Зардўз чопони ялтираб турган Самоуддавла уни қўлга олиб:

— Мазмунини айтиб бера қолинг, очиб ўқиб ўтиришга тоқатим йўқ,— деди сабрсизлик билан.

— Абу Алининг уйда бир қул бор, бизнинг хизматимизда,— деб ҳикоя қила кетди от юзли сипоҳсолар мийиғида кулиб.— Ҳожасининг уйига ким келиб-кетиб тургани, нималар ҳақида сўйлашганлари тўғрисида бизга маълумот бериб турадур. Ул бир куни ҳожасининг номаълум бир одамга нома топшириб, кечаси уни Исфаконга жўнатганидан бизни хабардор қилди. Мен дарҳол чаптаст суворийларимдан икки нафарини орқасидан югуртирдим. Улар ярим тунда чопарнинг орқасидан етиб бориб, бошидан калласини, қўлидан шул номани олиб изларига қайтубдирлар...

Тожулмулк нафасини ростлаб олди-да, унга савол назари билан қараб қолган ҳукмдорга таъзим қилиб, сўзини давом эттирди:

— Маълум бўлдики, Абу Али Ҳамадонда ишлаш учун имкон йўқлигидан шикоят қилиб, Алоуддавлдан бошпана сўрабдур.

— Жиноятни жазосиз қолдириб бўлмайдур. Узоқ муддат вазир бўлиб, ички аҳволимиздан хабардор бўлган бир шахс душманимиз билан алоқа боғламоқчи бўладур-ку, биз қараб турурмизми? Абу Алини занжирбанд қилиб, шаҳар қалъасига жўнатинг! Бир-икки йил зиндонда ётса, шира босган кўзлари мошдек очилар...

— Бош устига,— деди сипоҳсолар орқаси билан юриб чиқиб кетар экан.

Ҳамадон шаҳри ташқарисисидаги қалъанинг бошлиғи Яқзон — ёши қайтган, сочлари оқарган бўлса-да, бардам, тетик чол эди. Алломани қўлларига кишан солиб олиб келганларида кўпни кўрган бу иродали

одам доводи раб нима дейишни билмай қолди. Марҳум ҳукмдорнинг вазири, тева рак-атрофга номи кетган улуғ табиби ҳозиқни бу аҳволда кўришини хаёлига ҳам келтирмаган эди у. Алломага беихтиёр таъзим қилиб, уни бошлаб келган қуроли чокар қўлидан қоғозни олди-да, қоғозини солиб.

— Сенга жавоб,— деди, сўнгра олиймақом маҳбуснинг билагидаги кишани ечиб олиб, унга ҳайрат аралаш қаради.— Сизни шу аҳволда кўриб ҳайратда қолдим. Подшоларга яқин бўлишнинг хатарли эканлиги тўғрисидаги мақол яна бир маротаба тасдиқланди. Эртага бошига нима тушишини ҳеч ким билмайдур. Ҳаммамиз тақдирнинг қўлида ўйинчоқмиз. Ҳай, майли, бугундан бошлаб мен сизнинг хизматингизданман. Юринг мен билан, сизга бир ҳужра кўрсатай.

У ибн Синони бошлаб, даричаси кун юриш томонга қараган каттагина бир хонага олиб кирди.

— Сизга кўрпа-тўша келтириб берадурлар. Кундуз кунлари қалъа ҳовлисида истаганингизча истироҳат қилишингиз мумкин.

— Менга бир хонтахта ва пўстак ҳам керак. Шу хонада эртадан кечгача ўлтириб ишлайман. Асарим «Алқонуни фиттиб»ни шу ерда тамомламоқ ниятидамен. Эртага шогирдим менга қоғоз, қалам, даво келтиргусидур.

— Марҳамат, сиз шул қадар улуғ бир ишни тугалламоқчи бўлсангиз, мен ҳеч нарсамни аямайман.

Занжирбанд бўлиб қалъага жўнатилганда дунё кўзига қоронғи бўлиб кетган Абу Али қалъадорнинг оғзидан бу гапни эшитиб бир оз ўзига келди.

Эртасига ранги ўчиб, қони қочган Абу Убайд дарвозахонада устоди қўлига буюмларни берди-ю, ўпкаси тўлиб кетиб, йиғлаб юборди.

— Нега хафа бўлаётирсиз, Жузжоний,— деди аллома кулимсираб.— Нодон ҳукмдорга вазир бўлгандан доно бир зиндончининг қўлида маҳбус бўлган минг маротаба аъло. У ерда вақтим ифвогарлар макони бўлган серғавво саройда ўтар эди, бул ер эса осуда, ишларимни анжомига етқазиб учун имкоқият бор.

Шогирд устодининг гапларини эшитиб таскин топди. Бирпас у ёқбу ёқдан гаплашиб ўтирганларидан кейин хайрлашиб чиқиб кетди.

Яқзон ибн Синонинг тинмасдан ишлаганига ҳайрон қолар: «Нега мунча жон койитмаса, кечалари ҳам шам ёқиб меҳнат қилади-я!» деб ўйлар эди.

Аллома эрта билан хонтахта ёнига ўтириб кун тикка келгунча ишлар, тушликдан кейин ташқарига чиқиб, ўрмонзор тоғлардан оқиб келган тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олар эди. Баъзан қалъадор бундай вақтларда унинг ёнига келиб суҳбатлашарди.

Бир куни у:

— Ҳеч китоб ўқиб ўтирганингизни кўрмадим, ёзганингиз ёзган, қаердан қайнаб чиқадур шунча гаплар?— деб сўраб қолди.

— Қадимги юнон ҳакимларининг асарларини ўқийвериб ёд қилиб олганман,— деди ибн Сино киртайган кўзлари билан кулимсираб.— Дори-дармонлар, гиёҳларнинг номлари хотирамда михланиб қолган.

— Кошки эди, сиздаги ҳофиза қувватининг ўндан бири менда бўлса!— деб хитоб қилди қалъадор.— Минг-минглаб билим манбаларидан дурдоналар олиб чиқасиз. Сиз одам боласи қўлидан келмайдурган ишларни қилмоққа муқтадирсиз. Худо беш юз йилда бир марта сиздек заковат эгасини яратишга қодир бўлса керак!

Ибн Сино ўз истеъдоди олдидан тиз чўккан одамларни кўп учратган эди-ю,— бундай мутаассиб мухлисга дуч келмаган эди. У ишлаб чарчаган пайтларида ўзини чалғитиб ором олиш учун бадий қисса ва

ҳикоялар ёзар, фалсафий фикрларини бадиий воситалар билан ифода қилишга уринарди.

Бир куни Яқзон унинг ҳужрадан жилмайиб чиқаётганини кўриб деди:

— Ажойиб бир асар ёзиб хурсанд бўлганга ўхшайсиз.

— Топдингиз, сизга бағишлаб бир қисса ёздим. Номингиз мени илҳомлантирди. Ўзингиз биласиз, Яқзон уйғоқ демак. Киши бедор маҳалидагина ўзини тирик ҳисоблаши мумкин, уйқу ўлим билан баробардур. Қиссанинг номи «Ҳай бинни Яқзон — уйғоқ ўғли тирик». Қулоқ солинг.

У ҳикояни ўқир экан, қалъадорнинг пешонаси тиришар, ҳеч нарса тушунмагани кўзга ташланиб турар эди.

— Ростини айтсам, бул ҳикоянинг мағзини чақа олмадим. Унг томондаги ёмон дўст ким бўлди-ю, сўл томондагиси ким? Нега улар кишини йўлдан урадурлар? Саёҳат, қоронғилик, чашма ниманинг рамзи? Буларнинг мажозий маънисини бўлса керак?

— Топдингиз, ўнг тарафдаги қабиҳ ошно — қаҳру ғазаб, сўл томондагиси шаҳват, олд томондагиси эзмалик, бемаъни хаёлпарастлик. Уларга йўл қўйилса, киши хароб бўладур. Ақл ўзининг душманлари бўлган бу ярамас ошноларни жиловлаб туриши, уларга эрк бермаслиги керак. Саёҳат — илм, қутб томондагиси — қоронғилик — нодонлик, чашма эса илмнинг рамзи.

— Энди тушундим. Ҳикояни менга беринг, уйда диққат билан ўқиб чиқиб, тубига етай.

— Ундай бўлса, манави қиссаларни ҳам ўқиб чиқинг, кейин ўз мулоҳазаларингизни айтарсиз, — деди аллома, ёнида турган бир даста қоғозни чармдан ясалган жузвдонга жойлаб, унга узатар экан.

Қалъадор хурсанд бўлиб, жузвдонни қўлтиқлаганича чиқиб кетди.

□

Кечаю кундуз мия иши билан машғул бўлган аллома вақтнинг қандай тез ўтаётганини сезмас эди. Офтоб неча мартаба қалъа устидан ўтиб ғарбга ботганини, ой неча карра янги бўлганини ҳисоблаб ўтиришга вақти йўқ, фикри-зикри улуғ асарини тезроқ тамомлаш билан банд эди. Бир куни у тушлиқдан кейин дам олгани ташқарига чиққанида узоқдан ноғора овози ва ҳайқирикларни эшитиб ҳайрон қолди. Қалъадаги аскарларнинг бир қисми ўқ отиш, бир қисми найза санчиш-ни машқ қилаётган эдилар.

— Нима гап? — деб сўради Абу Али ёнидан шошиб-пишиб ўтиб кетаётган бир аскарбошидан.

— Хабарлари йўқми? Исфахон лашкари устимизга бостириб келган. Тоғ ёнбағрида жанг бўлаётир. Худо зафар берса, ёш ҳукмдоримиз Алоуддавла устидан зафар қозонгайлар.

Абу Али бу воқеанинг нима билан тугагини фаҳмлаб, шошганича ҳужрасига қайтди-да, қўлёмаларини тартибга солиб, рўмолга боғлади.

Энди ўтириб ишлашга қўли бормас, юраги озодликдан дарак бериб турар эди.

□

Қоронғи тушганида мағлубиятга учраган Самоуддавла бир қисм аскари билан қалъага кириб беркиниб олди. Унинг ранги ўчган, қони қочган, чеҳрасида ғазаб аралаш умидсизлик ифодаси кўзга ташланиб турар, қўли олтин камарига осилган кумуш дастали қиличининг қинида, ҳарсиллаб нафас олар эди.

— Юрсинлар, хонамга кириб ором олсинлар,— деди қалъадор таъзим қилиб.— Ноумид бўлманг, омад қуши яна қайтиб келиб, бошингизга қўнар...

— Тожулмулк қайда қолди? Асир тушдими ёинки жуфтагини ростладимикин?— деди кўзларини жавдиратиб, мағлуб бўлган ҳукмдор.

— Билмадим, ул бемаъни ва ақли ноқис одамдан ҳар нарсани кутиш мумкин. Торим амири билан бўлган жангда лаёқатсизлигини бир мартаба кўрсатган эди... Бугун қандай сар... карда эканлиги маълум бўлди.

— Мен ёшлик қилиб, улуғ хатога йўл қўйдим, унга ишондим. Ҳай, майли, отган ўқни қайтариб бўлмайдур, ҳали ҳам бўлса шул берк қалъада душманга қаршилик кўрсатиб, кейин ҳужумга ўтамин. Шояд омадимиз ўнгидан келса...

Яқзон оқарган бошини қуйи солиб:

— Бизда бир ойга етар-етмас озуқа бор, холос,— деди. Ёш ҳукмдорнинг ранги ўчиб кетганини кўриб сўзида давом этди:— Ўн-ўн беш кун жанг қилиб, кейин Алоуддавла билан музокара бошласак. Агар сиз жанобларини тахтингизда қолдириб, маълум миқдорда бож-хирож билан қаноатланса...

Самоуддавла қалъадорнинг узундан-узоқ гапига диққат билан қулоқ солиб, ниҳоят унинг маслаҳатига киришга мажбур бўлди, кейин гапни бошқа ёққа буриб, ташвишларини унутишга уринди:

— Шайхурраисга нисбатан адолатсизлик қилдим. Шундай улуғ одамни занжирбанд қилиб қаматиб қўйдим-а!— деди хўрсиниб.— Ул кишини эрта билан озод қилиб юборинг, қилган ишимдан афсусланаётганимни ҳам айтинг.

— Бош устига!— деди қалъадор хурсанд бўлиб.

Бахт ва мусибат

Яқзон ибн Синога бир чокарини ҳамроҳ қилиб, қалъадан чиқариб юборди.

Ҳамадон Алоуддавла қўлига ўтган, шаҳар осойишта, Самоуддавла эса қолган-қутган аскарлари билан қалъада беркиниб ётар эди.

Аллома шаҳарга кириб, сой бўйидаги данғиллама бир уй олдига келиб тўхтади. Чокарнинг елкасидан хуржунни олиб, қўлига бир танга қистирди-да, унга жавоб бериб юборди. У узоқлашиб, кўздан ғойиб бўлгандан сўнг дарвозанинг ҳалқасини ушлаб тақиллатди. Ташқарисидаги гулзори атрофида айланиб юрган Абу Саид Ноҳий аста юриб келиб, дарвозанинг ўнг табақасидаги кичкина эшикни очдию оппоқ соқол билан қуршалган юзи ёришиб кетди.

— Э, келинг, келинг, қадамларига ҳасанст!— деди у саломга алиқ олгандан кейин.— Мен сиздан хавотир олиб юрган эдим. Ҳайтовур, соғ-саломат экансиз,— деди ранги-бўйи аввалгидек бўлган соғлом меҳмонга қараб.

— Минг қатла шукур. Баъзан мусибат ҳам кишини бахт-омад эшиги олдига олиб келиб қўяр экан. Озодликда тўхтаб қолган ишим қамоқда юришиб кетди,— деди аллома хуржундаги қўлёмаларга ишора қилиб.

— Буни қаранг-а, ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, деб бекорга айтмаган эканлар. Қани, ичкарига!

Абу Али бир неча кун бу меҳмондўст, хушфёъл одамнинг уйида ётиб, яна қўлига қалам олди, асарининг чала қолган ерларини тўлдирди. Бир кун икки кечқурун уй эгаси янгилик топиб келди.

— Иншоолло, урушдан қутулдик,— деди у кулимсираб.— Иккала

ҳукмдор яраш битими тузубдурлар. Бож-хирож тўдаб туриш шарти билан Самоуддавла ўз ўрнида қолдирилибдур.

— Ундоғ бўлса, мен Ҳамадонда қололмайман,— деди ибн Сино хонтахта устидан қўлёмасини йиғиштириб жузвдонга солар экан.— Меҳмондўстлигингиз учун раҳмат, энди жавоб берсалар. Қалхатнинг чангалига тушмаслик учун қанот қоқиб учиб кетсам.

Абу Саид уни олиб қололмаслигига кўзи етгандан кейин ижозат берди. Аллома уйига бориб, ҳамма нарса жойида эканлигини кўргач, хотиржам бўлиб шогирди билан йўл ҳозирлигини кўра бошлади.

— Ишқилиб сафаримиз бехатар, омадимиз ўнгидан келсин, худодан сўраганим шул,— деди устоди билан ёнма-ён қетаётган Абу Убайд отининг жиловини аста силтаб.

Улар паст-баланд довлардан ўтиб, тезоқар сойлардан кечиб, Араб Ироқи билан Хуросон ўртасидаги катта қалъа бўлган Исфаконга етиб келишди. Шаҳар дарвозасидан киришлари билан Алоуддавланнинг мулозимлари уларни тантана билан кутиб олдилар. Қимхоб чопон кийган, чамбар соқолли бир аён баланд овоз билан:

— Хуш келибсиз, сафо келибсиз, э олимларнинг сардори! Қадамларига ҳасанот!— деб алломани қутлади. Ҳукмдорнинг бир чокари ибн Синога зар ёқали зарбоф тўн кийгизиб, кумуш юганли арабий отни кўндаланг қилди.

□

Қоп-қора соқолини қоматини келтириб қирдирган ўрта ёшли, тўла юзли Алоуддавла тахт олдига ёйилган гилам устига тушиб ўтирар, чап томонига тиз чўккан алломага кўз қирини ташлаб қўйиб, унга кетма-кет савол берар, давлатни бошқариш тўғрисидаги фикрларини билмоқчи бўлар, унинг гапларини эшитиб, маъқуллагандай бош иргаб қўяр эди.

— Бизнинг пойтахтимизга қадам ранжида қилганингиз яхши бўлди,— деди у кўксини кўтариб.— Сиз саройимизнинг беагаи бўласиз, атрофингизга илми ҳикматдан хабардор ёшларни тўплайсиз. Ҳафтада бир йиғилиб, диний, илмий масалалар юзасидан мубоҳаса ва мунозара ўтказасак, сиз бул ишга бош бўлсангиз.

— Айни муддао. Мунозаралар вақтида кўп мушкул тугунлар ечи-либ, ноаниқ масалалар ҳал этилгай,— деди аллома бошини кўтариб.

Шундан кейин саройда ҳар жумъа кун олимлар тўпланиб суҳбат ўтказадиган бўлдилар. Кўпинча Абу Убайд «Қитоби аш-шифо»дан бир бобни ўқир, унга диққат билан қулоқ солиб ўтирган сомеълар тушунмаган ерларни сўрар эдилар. Ибн Сино саволларга жавоб бериб, қийин масалаларни ҳам осонгина тушунтирар эди. Шундан кейин мунозара бошланар эди.

Олимларнинг нима тўғрисида мубоҳаса қилаётганларини билишга қизиқиб қолган муфти Ҳожа Идрис ҳукмдорнинг руҳсати билан шундай мажлисларнинг бирида иштирок этди. Абу Убайд китобдан бир бобни ўқиб, нафасини ростлагандан кейин ҳар ёқдан саволлар ёғила бошлади.

— Аё э, шайхурраис!— деб ибн Синога мурожаат этди, оппоқ соқолли, ўнг кўзи қизарган, қорни катта муфти.— Сиз, моддий дунё абадий, ул тўрт унсур, яъни тупроқ, сув, ҳаво ва оловдан иборатдур, улар самовий жисмлар, офтоб ва юлдузлар таъсири остида бир-бирлари билан қўшиладурлар, ажраладурлар дебсиз-у, лекин бул ишлар худо амри билан бўлишини айтмабсиз.

Зар чопонли Алоуддавланнинг ўнг томонида ўтирган ибн Сино муфтининг гапларига қулоқ солиб, «мени кофир деб эълон қилмаса эди бу мутаассиб мулло» деб ўйлади.

— Мен буни инкор этмайман,— деди у ўнг кўзи ёшланиб турган рақибига тикилиб.— Мен коинот, яъни моддий дунё нури илоҳийдан пайдо бўлган, ул азалий ва абадийдур, деб айтганман. Моддий олам сабабият қонунига биноан ўзгариб, тараққий этиб бораверадур, унга худо аралашмайдур, негаки...

У қоматини тик тутиб, сомеъларнинг кўзларига бир-бир қараб, ишонч билан гапирар эди. Нутқини тамомлаганда кўпчилик бараварига унинг фикрлари тўғри эканлигини тасдиқлади.

Хукмдор ҳам алломага хайрихоҳлик билан қулоқ солаётганини кўриб, муфтининг нафаси ичига тушиб кетди.

Мажлис тамом бўлиб, ҳамма тарқалгандан кейин кўча томон йўл олган Ҳожа Идрис ёнидаги малла тўнли мулозимига ўгирилиб:

— Ибн Синонинг таълимоти шариятга хилофдур,— деди, негадир овозини пасайтириб.— Бизнинг ақидамизга биноан, худойи таоло «Кун!» яъни «пайдо бўл!» дегандан сўнг коинот вужудга келган. Абу Али эса яратувчи ҳам, яратилувчи ҳам азалий ва абадий деб, иккинчисини биринчисидан устун қўймоқчи бўладур. Афсуски, хукмдор ҳам унинг сўзларини маъқулламоқда. Шул сабабдан мен сукут сақладим. Кейинчалик уламолар Абу Алининг таълимоти дини исломга номувофиқ эканлигини исбот қилиб бергусидурлар. Ҳозирча жим юрган яхши.

□

Бир куни Абу Али уйга кечикиброқ келди, ошпази тайёрлаган овқатдан икки-уч қошиқ олиб, косани итариб қўйди-да, бир пиёла шароб келтиришни буюрди. Абу Убайд девондан ҳориб-чарчаб келган устоди ёнига ўтириб, унга савол назари билан қаради.

— Нимани сўрамоқчи бўлганингизни билиб турибман,— деди Абу Али киртайган кўзларини унга тикиб.— Ишларингиз қалай, хукмдорнинг таклифини қабул қилдингизми, деб сўрамоқчисиз. Бунга ҳам «ҳа», ҳам «йўқ» деб жавоб беришим мумкин. Алоуддавла ҳаддан ташқари мағрур ва иззат-нафси кучли хукмдор. Шул сабабдан, ҳозирча маслаҳатчи сифатида иш бошлаб, вазирингиз билан девон ва байтулмол муставфийларининг ишларини текшириб чиқсак, деб илтимос қилдим. «Майли, энг кераги хазина ишларини тартибга солишдир, кейин бир гап бўлар» деб жавоб қилди Алоуддавла. Шундай қилиб, эҳтиёткорлик билан вазирлик мансабидан воз кечдим.

— Яхши қилибсиз. Шу билан бирга ҳасад аҳлининг қўлларидан қуролларини тортиб олибсиз,— деди Жузжоний хурсанд бўлиб.

Ибн Сино ҳар куни саҳар туриб янги бошлаган асарини тезроқ тугаллашга уринар, нонуштадан кейин девонга бориб, ҳукумат ишлари билан шуғулланарди. У ғаламис муставфий-ҳисобчиларнинг дафтарларини кўриб, жўрттага йўл қўйган хатоларини дарров топар, уларга нисбатан қаттиқ чора кўрар эди. Бир-икки йил ичида давлат ишлари тартибга тушди, Алоуддавла бундан жуда хурсанд эди.

Аллома баъзан ўз ишларига қаттиқ берилиб кетиб, сарой урф-одатларига риоя қилиш, хукмдорга нисбатан иззат-ҳурмат қоидаларига риоя қилишни ҳам унутиб қўяр эди. Бир куни у бутун диққатини бир ерга тўплаб, «Донишнома» деган асарини ёзаётган вақтда хукмдорнинг яқин мулозимларидан бири салом бериб кирди-да, қўлидаги зарбоф бўғчани кўрсатиб:

— Зоти шоҳоналари жанобларига қимматбаҳо совғалар юбордилар,— деди.

Аллома ўнг қўлида қалам, боши билан нариги хонага ишора қилди:

— Хизматкоримга бериб кетинг, кейин очиб кўрарман, ҳозир вақтим йўқ!



Лаб-дахани сўлжайиб кетган мулозим: «Шошмай тур, бу гапингни бўрттириб олий ҳазратнинг қулоқларига ётказмасам, мен ҳам юрган эканман» дея олт ичиб, чиқиб кетди.

Кун ботгандан кейин ибн Сино умрида ҳеч кўрмаган нотаниш бир киши унинг уйига пусиб кириб:

— Дарҳол Исфаҳондан жўнаб кетинг!— деди паст овоз билан.— Алоуддавла ҳазратлари ғазабга келганлар. «Менинг туҳфамни назар-писанд қилмаган одам ўлимга лойиқ» деб айтдилар. Ҳозир чўбдорлар келиб, сизни олиб кетгусидурлар, дарҳол қочинг!

Подшонинг совғасини очиб кўришга улгурмаган аллома боши хавф остида қолганини пайқаб, қочишга ҳозирлик кўрди: эгнига хизматкорининг тўнини кийиб, қўлига асо олди-да, шаҳардан чиқиб кетди. Йўлда савдогарлар карвонига қўшилиб, шимол томон йўл олди.

Янги шогирд

У бир вақтлар осуда ҳаёт кечирган Рай шаҳрига етиб келгандан кейин карвонсаройда дам олиб ўзига келди, нонуштадан сўнг ул-бул харид қилгани бозор томон йўл олди. Атторлик растасига кираверишда тахта устига дори-дармонларини ёйиб, ўз молларини мақтаб сотаётган ёш бир йигит унинг диққатини жалб қилди. У: «Келиб қолинг, ҳалила, пирпирдароз, табошири аёло менда бор. Рай шаҳрида менга тенг келатурган табиб йўқ!» деб вайсар эди. Одамлар бирин-кетин келиб, ўзларини кўрсатар, ундан дори олиб кетар эдилар. Бир оздан кейин чодрага ўранган бир жувон унинг олдига келиб, бир нима деди.

— Сиз ёш экансиз, мен ҳам. Вилагингизни ушлаб томир кўриш мен учун ножоиз,— деди табиб қора кўзларини сузиб.— Қари-қартанг бўлганимда ҳам майли эди. Сиз мундоғ қилинг, мана бу ипнинг учини билак томирингиз устига боғланг, мен унинг бир учини ушлаб, тебранишидан дардингизни топаман!

Ёш жувон чодра орасидан оппоқ қўлини чиқариб унинг айтганини қилди. Тахта устида чордона қуриб ўтирган йигит ипнинг учини ушлаб туриб, қошларини чимирди-да:

— Бугун эрталаб қатиқ ичибсиз,— деди.— Уйингиз ҳам чуқурликда экан, зах экан. Қорнингизга сув тўпланибдур. Мана бу доридан бир қошигини ярим пиёла қайнаган сувда эритиб, ҳар куни бир маротаба ичиб турсангиз, тузалиб кетасиз.

— Рост айтдингиз,— деди ёш аёл йигитнинг қўлидан дорини олиб.— Бугун эрталаб қатиқ ичган эдим, зах уйда тураман. На қилай, бошқа уйга кўчиб ўтишнинг иложи йўқ.

Табибнинг «кароматидан» таажжубланган аллома унинг олдига бориб:

— Беморнинг бугун қатиқ ичгани, унинг захликда туришини қандай билдингиз?— деб сўради.

— Уйимга бориб меҳмоним бўлсангиз, шу саволга жавоб бергайман. Шакли шамоилингиздан жанобларини танидим. Сиз бухоролик машҳур табиби ҳозиқ Абу Али ибн Синодурсиз. Исфакхон ҳукмдори дастидан қочиб келганингизни эшитган эдим.

Аллома бу йигитнинг ҳар нарсадан хабардорлиги, ҳушёрлигига қойил қолиб, унинг гапини тасдиқлади ва таклифини қабул қилди.

— Ёш аёл чодра ичидан қўлини чиқариб, биллагига ипнинг учини боғлаётганда яҳудийларга хос қимматбаҳо матодан кўйлак кийганини ва этагига қатиқ юққанини кўриб қолдим,— деди йигит, дастурхонга фотиҳа ўқилгандан кейин.— Мусавийлар Рай шаҳрининг четидаги чуқурликда яшайдурлар. Ипнинг тебранишидан унинг касалини, албатта, аниқлай олмадим. Мени кечиринг устоз, бу яҳудийларни алдаб пулини олиш учун ишлатилган найранг эди.

— Илми тиб алдамчилик ва пул топиш воситаси эмас. Табиб беморнинг мазҳаби, миллатига қарамай, унинг касалини топиш ва йўқолган соғлигини қайтариш устида бош қотириш керак. Ушал аёлга нима дори бердингиз?

— Майдаланган оқбўр, унинг меъдага зарари йўқдир.

— Иккинчи бундай ишни қилманг. Энг олдин назарий ва амалий илми тибни яхшилаб ўрганиб олинг.

— Менинг ҳам мақсадим шул. Сизнинг хизматингизда бўлиб, дори-дармон тайёрлашда ёрдамлашсам, ҳўнарингизни ўргансам...

Алломага худди шундай зеҳли, чаққон бир ёрдамчи етишмас эди. У кўзлари ўйнаб турган йигитга қараб: «Бошидан ёшлик ғурури кетмаган йигитга ўхшайди,— деб ўйлади.— Илму фан уни бамисоли аравага қўшилган отдек ювош қилиб қўяр. Энг муҳими — фаросатли экан».

Орадан кўп вақт ўтмай ибн Синонинг қаердалигидан хабар топган Алоуддавла унинг ҳўзурига бир мулозимини юбориб авф сўради ва яна пойтахтга қайтиб келишини илтимос қилди. Аллома янги шоғирди билан Исфакхон сари равона бўлди.

Умр дафтарининг сўнгги саҳифаси

Ибн Сино пойтахтга етиб келгач, Алоуддавла уни иззат-ҳўрмат билан қарши олиб, қимматбаҳо совғалар пешкаш қилди. Аллома ҳам орадан ҳеч гап ўтмагандек, қочиб юрган маҳалда ёзган асари «Донишнома»ни унга бағишлади ва ҳўкмдорнинг яқин маслаҳатчиси сифатида ишини давом эттирди.

Баъзан баҳор серёмғир келган йиллари тоғлардан ҳайқириб оқиб туша бошлаган селлар тинч оқиб келган дарёни қўтуртириб юборди, дарё қирғоқдан чиқиб, экинзорларни пайхон, қишлоқларни вайрон қила бошлади.

Малика Сайида вафот этгач¹, Маҳмуд Ғазнавий Рай шаҳрини бо

¹ Бизнинг йил ҳисобимиз бўйича 1028 йили.



сиб олиб, уни ўгли Масъудга совға қилдию Ҳамадон, Исфохон шаҳарлари, араб Ироқини фатҳ этишни унинг зиммасига юклади. Шу вақтдан бошлаб, ибн Синонинг ҳам тинчлиги бузилиб, ҳаёти худди тўлқин устидаги қайқдек чайқалиб оқиб кетаверди.

Масъуд Исфохонни жанг билан ишғол қилгандан кейин, бож-хирож тўлаб туриб, намоз жумъада хутбани отаси номига ўқитиш шарти билан Алоуддаврани ўз ўрнида қолдирди. Бироқ Маҳмуд Ғазнавий оламдан ўтгач, Исфохон ҳукмдори бир силкиниб, елкасидан итоат юкини иргитиб ташлади-да, куч тўлаб қўлдан кетган ерларини қайтариб ола бошлади. Унинг умри сафарларда ўтди, гоҳ ғалаба қозониб, гоҳ мағлубиятга учради. Ибн Сино ҳам унинг маслаҳатчиси сифатида кетидан эргатиб юришга мажбур эди. Бу дарбадар нотинч ҳаёт унинг соғлиғига путур етказди.

Алоуддавла Исфохон билан Ҳузистон ўртасидаги Иззаж шаҳрини олганда пойтахтда қолган маслаҳатгўйи Абу Алига одам юбориб дарҳол ҳузурига етиб келишни буюрган эди. Қулунж касали хуруж қилиб, мазаси қочиб юрган аллома унинг сўзини ерда қолдиролмай сафарга отланди, йўлда дарди зўрайиб, ошқозонида санчиқ пайдо бўлди. Ҳукмдорнинг ҳузурига етиб келдию кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди.

Токчалари ганчкор қилиб ишланган сернақш уйнинг даричаларидан илиқ шаббода кириб турар эди. Ранги саргайиб, бурни аввалгидан ҳам ингичкалашиб кетган аллома инграб, атрофида парвона бўлиб айланиб юрган ёш шогирди — ёш табибга қандай қилиб карафс уруғидан дори тайёрлаш кераклигини ўқтирди.

— Бажону дил, худди айтганингиздек қилиб дори тайёрлаб берман, худо хоҳласа тузалиб кетасиз,— деб жавоб қилди ингичка белини шойи белбоғ билан боғлаб олган эпчил шогирд кўзларини ўйнатиб. Аммо ичида: «Энди ётган жойингиздан туролмайсиз, бойлигингиз, соғлиқ учун фойдали олтин, кумуш қадаҳ ва пиёлалар, гиламлар бизга қолади,— деб ўйлар эди. Аллома ҳар эҳтимолга қарши ёнида узукнинг кўзидек гавҳарларни олиб юради, деган гап унинг қулоғига чалинган эди.— Тезроқ ўлса — ҳаммасига мен эга бўламан». У кўзини юмиб мудроққа кетган устодига кўрқа-писа қараб қўйди-да, унинг айтганига қараганда карафс уруғидан тўрт ҳисса кўп солиб дори тайёрлади.

— Вой ўлдим... юрак-бағрим ёнаётир...— деб ингради бемор ичига юборилган ўткир дорининг азобига чидай олмай. — Энди менга мошдек тарёқни... илиқ сувда эритиб ичиринг... Зора оғриғи босилса...

— Хизматларига доим тайёрман,— деди ёш табиб нўхатдан каттароқ афюнни илиқ сувда эритиб, ичириб юборгандан кейин.

«Еттинчи осмонга чиқиб кетади» деб ўйлади устоди сал кулимсираб, уйқуга кетгандан кейин. У бир оз сабр қилиб турди-да, ҳушидан кетган беморнинг липасига тикилган мошдек гавҳарларни олиб ёнчига солди...

Ўз маслаҳатчисининг ҳоли оғирлашиб қолганидан хабар топган Алоуддавла уни Ҳамадон шаҳрига олиб бориб, бирор табиби ҳозиққа кўрсатишга аҳд қилди. Бу кичик шаҳарда тузукроқ табиб йўқ эди. Сири очилиб қолишдан кўрққан ёш табиб устодининг қимматбаҳо буюмлари ва асбобларини Исфохонга олиб бориб, Абу Убайдни аҳволдан хабардор қилиш баҳонаси билан жўнаб қолди ва изини йўқотиш учун Рай шаҳри томон йўл олди.

Абу Али эса Ҳамадонга етиб келгандан кейин ўзини енгил сеза бошлади. У ётган жойида хаёлан умр дафтарини бир-бир варақлар, олтин суви билан ёзилган саҳифалар кўз олдидан ўтганда жилмайиб қўяр эди. Баъзан мутаассиб муллолар, золим ҳукмдорлар, маърифат душманларининг тааддиларини эслаб, юраги сиқилиб кетар эди-да,

тепасида турган кекса табибга ялиниб: «Менга тариқдек афюнни эритиб ичиринг» дер эди...

...428-санай ҳижрия, рамазон ойининг биринчи куни¹ кечки пайт, Ҳамадон шаҳри худди безовта қилинган арининг инидек ғувиллайди. Кўчалар тиқилинч. Оқ мато билан ўралган тобут кўча ўртасидан лопиллаб ўтиб кетмоқда. Кўзлари қизарган одамлар навбат билан тобутнинг шотисини елкаларига қўйиб, тез-тез қадам ташлаб кетмоқдалар. Олдинда Абу Алининг ҳасса таяниб йиғлаб бораётган шогирдлари, хизматкорлари ва ялангоёқ одамлар қаторида бош эгиб кетаётган зар тўнли шаҳзодалар, киборлар ҳам бор.

— Бутун шаҳар оёққа қалқибдур. Ким экан ул қазо қилган?— деб сўради кийим-бошидан мусофир эканлиги кўзга ташланган бўз чопонли бир киши ёнида ҳасса таяниб қалтираб турган чолдан.

— Шаҳарга ҳозир келган кўринурсиз. Бўлмаса бошимизга қандай оғир кулфат тушганини билган бўлур эдингиз,— деди мўйсафид.— Шу бугун эрталаб улўғ табиб Абу Али ибн Сино оламдан ўтдилар. Қувватим бўлса, мен ҳам шул одамлар қаторида бўлар эдим.

— Ундоғ бўлса, мен ҳам кўтаришиб олиб борай,— деб тобут орқасидан югурди бўз чопонли.

¹ 1037 йил 18 июнь.



Наримон Ҳасанзода

Шериклар

Ёзсам-чизсам оқшом-саҳар, уникидир,
Уқиганим китоб-дафтар уникидир.
Сайрга чиқсам, ёнгинамда кезар сассиз,
Гоҳ соатим тақиб кетар ижозатсиз.
Ҳадди сиғиб, қўйлагимни кийганида,
Қизариниб, узр, дада, деганида,
— Йўқ, йўқ, — дейман, — кийсанг нима бўлар,
Ўғлим,

Ҳаётнинг ўз оқимидир булар, ўғлим.
Синглинг севар онасининг тароғини,
Тақиб кетар узугини, балдоғини,
Эркаланиб, туфлисини кийиб кўрар,
Сўнгра сендек, онасидан узр сўрар.
Мана, чеҳранг, боқишларинг меники-ку,
Булар учун мендан авф ўтинмайсан.
Бўю бастинг, қилиқларинг, лабда қулгу,
Эғизакмиз нақ... Буларга ўкинмайсан.
Синглингнинг ҳам саришталик одатлари,
Майинлиги... Онангдандир бари-бари
Разм солсанг, қуйиб қўйган онасидир,
Она унга бир саодат дунёсидир.

Наримон Ҳасанзода Озарбайжон адабиётининг истеъ-
додли, заҳматкаш вакилларида бири. У — таниқли шоир,
адабиётшунос олим, «Адабиёт ва инжасанъат» газетаси
редактори, Озарбайжон Давлат Дорилфунуни озар адаби-
ёти тарихи кафедраси муаллими.

У 1931 йилда Қозоқ районидаги Пўйлу станциясида
хизматчи оиласида туғилган. Бир ёшида отадан етим қолган
Наримон онасининг қўлида тарбия топди.

Ҳозиргача шоирнинг Боку ва Москвада йигирмага яқин

Бу инкишоф қонунидир жамиятнинг,
 Абадийлик қонунидир табиатнинг.
 Сиз дунёда дунёмизга шерикдирсиз,
 Шунинг учун сиз ҳам, биз ҳам тирикдирмиз.
 Умид шунда: сиз — сабоҳсиз, биз эса — кун.
 Азизларим, яшанг нурли кунлар учун!

Ўрган

Менсиз яшамоққа ўрган,
 Гулим менинг.
 Бир оз менсиз яшаб кўргин,
 Гулим менинг.
 Бу дунёда
 Ҳар кимнинг ўз ҳаёти бор,
 Ҳар дилнинг бир баёти бор;
 Ҳар дилнинг шу баётида
 Бир қафт тупроқ фарёди бор.
 На севинчлар абадийдир,
 На ғам-ғубор,
 Ғам севиңча,
 Севинч ғамга ҳомиладор.
 «Бизнинг ҳаёт» деб айтамыз
 Одатда биз.
 Аммо баъзан шу ҳаётдан
 Ғафлатдамыз.
 Гўё ҳар иш

Очиқ-ойдин бизнинг учун,
 Аммо қаро бўлиб чиқар
 Оддий бир кун.
 Неча олқиш эшитдим мен,
 Неча қарғиш эшитдим мен
 Ҳаётимда.
 Довул кўрдим,
 Ёнғин кўрдим ҳаётимда,
 Не ҳолларни тагин кўрдим
 Ҳаётимда!
 Ҳаёт шундай, шафқатсизроқ
 Синар бизни.
 Оловлардан олиб ўтар
 Умримизни.
 Менсиз ўрган,
 Вотмай туриб куним менинг,
 Бир оз менсиз яшаб кўргин,
 Гулим менинг.

Қути

Марднинг ҳар қадами бир хуш ниятдир.
 Энг эзгу туйғулар кечар юракдан.
 Таассуф инсоний бир кайфиятдир,
 Уни, таассуфки, эпллмадинг сан.

Сен айтдинг, мен ютдим ҳар аччиқ сўзни,
 Сукут сақлаш у дам бир даҳшат эди.

китоби чоп қилинган. Шеърлари СССР халқлари ва немис, ингелиз, француз, форс, хорват, ҳинд, булғор, араб, чех тилларида таржима қилинган. Унинг «Наримон», «Зумрад қуши» каби дostonлари, пьеса ва қиссалари, қўшиқлари халққа манзур бўлган.

Наримон Ҳасанзода ўзбек адабиётининг Озарбайжондаги тарғиботчиларидан, таржимонларидан бири ҳам. У кўпгина ўзбек шоирларининг шеърларини озар тилига таржима қилган.

Лекин ўз ўрнида сукут ҳам ўзи,
Кейинроқ билдимки, фазилат эди.

Фазилат изладим сендан беҳуда,
Меҳр-оқибат кутдим, ях эдинг худди.
Кулфлоглик ҳазина, дердим гоҳида,
Очилдинг, кўрдимки, бўш экан қути.

Ўғлимга жавоб

Бир кун ўғлим сўради:
— Дада, йиғлаганмисиз?
Мушт еганмисиз бир ров?
Мадҳ тинглаганмисиз?
Сизни севганми биров?

Ўғлим, сенга қандайроқ
Тушунтирсам буларни...
Ўзинг Ота бўларсан, —
Йиғларми у, куларми,
Ана шунда биларсан.

Озар тилидан
Асқад МУХТОР таржималари.

Буюк Периклнинг энг оғир жазоси

Узоқ Афинада,
Қадим замонлар,
Перикл аталган буюк ҳукмдор,
Буюк бир саркарда умр кўрганди,
Бутун бир дунёга фармон берганди.
У ҳечам кулмабди,
Доим тунд юзи.
На тўйга борибди ва на азага.
Энг оғир зулмни чекибди ўзи,
Ўзини мустаҳиқ қилиб жазога.
Унинг қатъийлиги,
Қўрслиги боис
Эл бойиб, олтиндан бошмоқ кийибди.
У юртнинг қудратин этибди-ю ҳис,
Аммо, ҳеч кулмабди,
Ўзни тийибди.
Оқсоч тарих сўзи ростдир, инчунун,
У на шон истабди ва на мукофот.
Халқининг қудратли бўлмоғи учун
Энг оғир жазони тортибди у зот.

Ҳар ёшда...

Қадим китобларни ўқиб, ўргандим:
Ҳаёт қонунлари азалу абад.
Дунёда ҳар нарса нисбийдир доим, —
Бўлмас мутлақ дўстлик, мутлақ садоқат,
Нисбийдир ёмон кун, яхши кун ўзи.
Утар энг дўзахий дард, изтироблар.

Гоҳо нотикнинг ҳам соб бўлар сўзи,
 Тилсиз қотар не-не ҳозиржавоблар.
 Юракда бир ҳавас яшайди мудом,
 Мақсад мақомига созланар асаб.
 Хизматга бел боғлаб кутарсан инъом,
 Эвазига таҳқир олурсан баъзан.
 Нисбийдир эътибор, эътиқод, инъом,
 Ҳаётда мен бунга ишондим қалбдан.
 Ҳар ёшда
 ғафлатдан уйғониб тамом,
 Ҳар сафар билдимки, мен янглишибман.

Сухроб Тоҳирга

Инсон мураккабдир,
 Манзили сирли,
 Ҳаётда бунга ўз кўзим-ла кўрдим.
 У сафар олдидан ўйчан турарди...
 Мен ҳам хаёл суриб жим ўтирардим.
 Тасалли бердим сўнг унга ёлғондан,
 Зеро ортиқчадир бу дам юпанч, ранж.
 Лек, баъзан ёлғонга муҳтождир инсон,
 Ёлғон ҳам қай пайтдир бўлади таянч...
 Йўқ, йўқ!
 Мен адашдим: тасалли недир?
 Узоқ учишларга ҳозирланган кез,
 Энг сўнгги қарордир балки бу фикр.
 Ўйчанлик инсонни тарк этмасми ҳеч?
 Нечоғ маънолидир
 Руҳан яшамоқ!
 Ҳаётдан ўз ҳақин истайди ҳар кун.
 Дунёда гоҳ бир он яшасанг

уйғоқ,

Шу ҳам кифоядир бир умр учун.
 Фикр ҳам бир юкдир...
 Ташимоқ оғир,
 Гарчи, бу ҳар кимга ҳам хислат эмас.
 Ҳамиша фикрчан яшамоқ оғир,
 Ҳамиша кулмоқ ҳам фазилят эмас.
 Чарх каби айланар
 Сержумбоқ жаҳон,
 Барига жавобни берар табиат.
 Замон — бир муаллим,
 Талаба — инсон,
 Замон имтиҳони қатъий, бешафқат.
 Инсон

гоҳ зидлашар ўз-ўзи билан,
 Ҳаёт ва яшамоқ савдоси боис.
 Ўйчан туришларинг гўзал-ди,

уйғон.

Замону тарихга тургин юзма-юз!

Эътироф

Қанийди биз сира кўришмасайдик
 Пинҳону ошкора...
 Кўришмасайдик.
 Кўриб тошдай қотдим турган еримда,
 Тўсатдан кўксимда совиди юрак.
 Қандай бўлсанг аввал тасаввуримда, —
 Уйлардим — ўшандай бўлмоғинг керак.
 Қайтадан қонларга тўлди-ку бағир,
 Нақадар узоқда қолганди у кун:
 Бошқа бир хотиннинг эриман, ахир,
 Йўқдир ихтиёрим бир дийдор учун.

Энди ўзгачадир фикрим, ниятим.
 Дунё ҳам бошқача, ўзгармиш мутлоқ.
 Ҳаётга, инсонга муносабатим
 Сен кўргандагидан жуда ҳам узоқ.

Сирли ва мантиқли кечар ҳаётим,
 Паст-баланд йўлларда ўтмоқда умрим.
 Ҳеч кимдан ғамим йўқ, йўқ эҳтиётим,
 Фақат ўртагайман ўзимни ўзим.

Менга савол берар тош, тупроқ бетин,
 Мен жавоб бераман, бу ҳаёт сири.
 Менинг гапдонлигим, сенинг сукутинг,
 Балки, ўтган йиллар, ёшнинг таъсири.

Қайта у ҳисларни уйғота билсанг,
 Қайтар у йилларга, яшартгин мени!..
 Ҳамон ёлворурман, гар қайта олсанг, —
 Ҳамон яхши кўрсанг, —
 унутгин мени.

Дастхат

Кўксим тўла дард, гулим,
 Мен сенга айтмаганман:
 Ёза олмаганимни
 Уқи бу сатрлардан.

Озар тилидан
 Тоҳир ҚАҲҲОР таржималари.



Раҳим Бекниёз

Ушр Дағъаридан

Тўқнашмасин қуроллар

Қуроллар майдонда бот-бот синалар,
Уқлар излаб топар ўз «қурбонини».
Уқурлар қуролга мадҳу санолар,
Куйларлар қуролнинг шавкат-шонини.

НАТОда, баднафс кўтарур кўкка
Мудҳиш нейтроннинг фазилатини.
Бутун бир жонзотни чиқариб йўққа,
Асрармиш тафаккур маҳсулотини.

Тафаккур маҳсули — сарбаланд уйлар,
Ҳавода муаллақ йўлларингизми?
Барларда чинқириқ — ёввойи куйлар,
Дунёни булғовчи долларингизми?

Аттанг! Сувга айтинг шум тушингизни,
Хом сут эмиб, хомчўт қилган бандалар.
Не демак вожибдир қилмишингизни,
Очкўз кушандалар, оч кушандалар?!

Бордир ҳар балонинг балогардони,
Улар тўқнашувин бизлардан сўранг...
Тўқнаша кўрмасин, тўқнаша гарчанд
Ҳолингиз вой бўлур, аҳволингиз танг.

Қайтинг, тавба қилинг, йиғинг ҳушингиз,
Заволин истарми одам одамнинг?!
Ўнг келмас, рўёбга чиқмас тушингиз,
Равнақин ўйлаймиз бизлар оламнинг.
Посбонсиз эмас дунё,
Қалқонсиз эмас дунё!..

1978 йил.

Ишонч

Айрилиқда кечди не йиллар,
Онагинам қолди йироқда.
Мен ғарбга, у менга интилар,
Кеча-кундуз кўзи мен ёқда.

Қўйинг, она, ғамни, андуҳни,
Ғам, ажални писанд қилмас мард.
Ёвга санчдик қасос тигини,
Гумдон бўлди фашист номли дард.

Пўлат товон совет солдати
 Европага бўлди халоскор.
 Узоқ эмас шодлик соати,
 Эрта-индин бўлар барқарор.

Эртами-кеч очиб кенг кучоқ,
 Мен ҳовлига кириб бораман.
 Ясайман-да қиличдан ўроқ
 Пахта экиб, буғдой ўраман.

8 май, 1945 йил,
 Торуи, касалхона.

Жала ва Жасорат

*Жала қуйди, жала қуйди,
 Сел бўлиб гала қуйди.
 Бодраб чиққан пахталарим
 Сел остида қола қуйди.
 Жала деган бало қуйди...*

(Халқ айтими)

Кекса Жайхун соҳилида бир ўлка,
 Хоразм деб аталгувчи ҳур ўлка.
 Шон-шуҳрати овозадир, дostonдир:
 Пахтазордир, поллиззордир, бўстондир.
 Жилоланиб қилар чунон табассум,
 Жилосидан яшнамоқда Қорақум...
 Бўстонларнинг жилокори — жасур халқ,
 Қорақумнинг жиловкори — жасур халқ.
 Жасур халқнинг марди майдон фарзанди
 Шонли меҳнат жабҳасида тобланди.
 Маҳв бўлди не-не селу жалалар,
 Маҳв бўлди селдай босган балолар.
 Донг таратган заминдир бу, заминдир,
 Бир заминки, иқболига аминдир.
 Иқболимиз далаларда барқ урар,
 Курғур сел-чи, хуруж қилиб шарқирар.
 Бахтимизга чанг солмоқчи ёвсимон,
 Қош-қовоғин очмас сира тунд осмон.
 Далаларда тизадан сув кечсак ҳам,
 Керак бўлса, селни ҳўплаб ичсак ҳам
 Ҳар ғўзани қорачиғдай сақлаймиз,
 Бахтимизни авайлаймиз, ёқлаймиз.
 Пахтазорга сингиган қалб қўримиз,

Раҳим Бекниёз 60 ёшга кирди. Унинг «Биринчи учрашув», «Овчининг куйлари», «Мовий тўлқинлар», «Интиламан» сингарии шеърй китоблари ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинган. Турли йиллар ичида босилиб чиққан «Журғат», «Дерсу Узала изидан» каби тўпламларига кирган ҳикоя ва повестлари, «Қалдирғочлар», «Армонли дунё» қиссалари, драмалари адиб ижодининг тинмай ўсиб бораётганидан даллат беради.

Ўз ижодини лирик шеърлар ёзишдан бошлаган Раҳим Бекниёз адабиётга қирқинчи йилларнинг ўрталарида кириб келди. Шоир Улуғ Ватан урушида қатнашиди, немис-фашист

Қуёш бўлиб балқигувчи меҳримиз.
 Меҳримиздан қийғос бўлар ғўзалар,
 Сел дастидан халос бўлар ғўзалар.
 Лафзимиз ҳақ, шубҳа, гумон керакмас,
 Бажармасак, юрагимиз керакмас!
 Эл олдида оқламасак бурчимиз,
 Шундай пайтда кўрсатмасак кучимиз
 Ўзбек номи ахир бизга ҳайфмасми?
 Улуғ Ватан нони бизга ҳайфмасми?
 Далаларда мавж уради «оқ олтин»,
 «Оқ олтин»ки, хирмон-хирмон нақ олтин.

3 май, 1979 йил.

Куртаклар

Табиат ёш жувон сингари дуркун,
 Тани чайилгандай гулобга ҳай-ҳай!
 Бунчалар дилрабо, бунчалар гулгун...
 Оламнинг ёшлиги бугун, —
 Бугун Май,
 Бошқатдан оламга бағишлар чирой.

Ранг-баранг товланар кўча-йўлаклар,
 Шаҳримда камалак балқиганми ё?
 Йўқ, йўқ, гул-чечаклар —
 Атлас кўйлаклар
 Гул-чечак сингари товланар гўё,
 Камалак сингари товланар гўё.

Ҳар баҳор мавриди бўртиб куртаклар,
 Чечаклар чамани балқиб келади.
 Чечакларми, ажаб, қўш-қўш тилақлар
 Атлас кўйлакларни туртиб келади,
 Куртаклар сингари бўртиб келади.

Яшасин ҳаётбахш бўртма куртаклар,
 Қўйдилар баҳорнинг қўндоғин ечиб.
 Атлас кўйлакларда яшнар чечаклар,

босқинчиларига қарши олиб борилган даҳшатли жангларда иштирок этди, «Жасурлиги учун», «Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган.

Раҳим Бекниёз Хоразм областидаги адабий муҳитга бошчилик қилиб келмоқда. Унинг «Сенсиз яшолмайман», «Икки ўт орасида», «Ққибат» сингари драмалари республика областлари театрларида қўйилган ва томошабинларнинг олқишига сазовор бўлган.

Марҳамат, «Умр дафтарида» намуналар.

Яшнар дунёмизнинг чиройин очиб...
Шундай яшаради ҳаёт муттасил,
Қуллуқ сенга, баҳор, муаттар фасл.

1967 йил.

Насим

— Насим надир? — дейсан, сўрайсан изоҳ.
— Мусаффо тонгларнинг майин нафаси,
Уйқудан уйғонган оқ бадан сабоҳ;
Гуллар хандасининг сокин шарпаси,
Сенинг нафасингдир, яъни қиёсан;
Уфуриб турмаса яшай олмайман,
Яшай олмасман,
Балки, бўлмасман.

— Насим надир? — дейсан, сўрайсан изоҳ.
— Ижодкор тонгларнинг мовий тўлқини,
Аму бўйларида чарх урган нидо —
Менинг юрагимнинг нидоси, яъни,
Сен томон ошиқар, елар, топинар,
Сунбул сочинг мушкин менга келтирар.
Келтирар ҳар тонг,
Чарх урар ҳар тонг...

1969 йил.

Мен юрган йўл

Ғарбни кўрдим, жанубни кўрдим,
Аскар бўлиб, мен кўрни кўрдим.
Олис йўллар кечдим бир талай,
Қиёс қилиб кўрсам, ҳар қалай
Қай бурчаклар ўхшар гулшанга,
Арзимаиди, бироқ, Ватанга.

Европада шаҳарлар кездим,
Кеча-кундуз, саҳарлар кездим,
Очилмади ва лекин баҳрим.
Тушларимда балқийди шаҳрим:
Гоҳ Москва, гоҳ Тошкентим,
Туққан элим, ўз одми кентим.

Тоғлар ошдим, дарёлар кечдим,
Не дарёлар сувидан ичдим.
Одердан ҳам ичдим ҳовучлаб,
Эльба лабига ҳам қўйдим лаб.


Ташналигим қонмади, бироқ,
Мен талпиндим Амуга чанқоқ.

Бунда гуллар ранг-баранг, хушрўй,
Аммо йўқдир мен излаган бўй,
Яъни, гўё ҳароратсиз шам,
Ўзгачадир қушлар куйи ҳам.
Соғиндим, оҳ, райҳон бўйини,
Ширин забон қумри куйини.

Барно қизлар, сарвиноз қизлар,
Товуссимон серпардоз қизлар
Еноқлари ёнади ял-ял
Бўлса шунча бўлар-да, гўзал!..

Унутма лек, Раҳим, ҳеч замон:
Хоразмда бир моҳитобон
Тақдирингга посбондир, посбон,
Унутма зинҳор!..

15 декабрь, 1945 йил,
Германия,



Анвар Ҳожи

МИРИК шеърлар

Кетмас бўлиб келсанг...

Уйғунга назира

Гулзорим оралаб кезаман гоҳо,
Меҳмоним бормисан — бу гуллар аро?
Дилимни эрқалар бу рангин дунё,
Келишинг яхши-ю, кетишинг ёмон...
Кетмас бўлиб келсанг, не бўлур жонон?

Ҳар ниҳол солланиб сенга таъзимда,
Гоҳида рашк билан боқади зимдан.
Кўзларинг яшириб муштоқ кўзимдан
Келишинг яхши-ю, кетишинг ёмон,
Кетмас бўлиб келсанг, не бўлур жонон?

Гулдастам қўлингда сўлмай яшнасин,
Гулларим уфурсин баҳор нафасин.
Тингла гулшан аро зор булбул сасин.
Келишинг яхши-ю, кетишинг ёмон,
Кетмас бўлиб келсанг, не бўлур жонон?



Шаррос ёмғир қуяр, ўт-ўланга жон.
Кўк узра гумбурлар момақалдироқ.
Бир ларза тушади қалбимга шу он,
Осмон гумбазини ёритар чақмоқ.
Шамширдек ялтирар бошимда кулиб,
Мен тикка боқаман кўк чақмоғига...
Момақалдироқни ўзимга олиб,
Ёмғирни улашгум дўстлар боғига.

Баҳор билан бирга хонамга
Кириб келди сен йўллаган хат.
Бир йўла сен, баҳор ёнимга
Келганидек қувондим беҳад.

Баҳор бошлаб келдими хатинг,
Ё баҳордан элчими мактуб?

Хат ичида — қувноқ суратинг,
Хонам ичра чиққандек офтоб...

Табиатнинг кўҳлик маҳали
Хатинг билан йўқлабсан эркам.
Ўзинг бир бор келгил ақалли,
Майли, унда қорлар ёғса ҳам.




Кекса тоғ туради — сервиқор, мамнун,
Нуроний юзида вазминлик бордир...
Туради — меҳнат-ла кечириб умр,
Энг тўрдан жой олган деҳқондек
мағрур.

Бағрида ниҳоллар яшнар барқ уриб,
Баҳор нафасидан кўнгли шод яшар...
Наздимда чол бобо зурриёдларин
Бағрида авайлаб турганга ўхшар.



Толеим бор,
Ҳавас қилгудек олам,
Бахтимни кўраман ўтган онларда.
Чўнг тоғлар мисоли толеим баланд,
Нур билан йўғрилдим опноқ тонгларда

Бахтли давр ўғлони
Бўлсам не ажаб.
Кўзларга сургудек — мунаввар олам.
Чунки азалдан бор шундайин нақл:
Бахтли юртда бахтсиз туғилмас одам!



Куйлашдан ҳориган овози,
Аста-аста бўғилиб, тинди.
Ночор қолди, чидолмай ўзи,
Кўзларига уйқуси инди.

Гунча эса кулди шу онда,
Қуёш бўса олди авайлаб.
Шўрлик булбул қолди армонда
Гул лабига қўёлмайин лаб...

Гул уйғонар — пойида қуёш,
Кошонаси — ёп-ёруғ дунё.
Теграсида булбул ғазалхон,
Ноз уйқусин кузатар гўё.

Гул маҳлиё боқди оламга,
Ҳар кунгидан ўзгача бу кун.
Бошин эгиб турарди булбул,
Бўса олган йигитдек мамнун.



Шоир кўзларидан қочади уйқу,
Бунга тиббиёт ҳам тополмайди кор.
Бир оз мизғимоқни қилади орзу,
Лекин қани энди мизғиса бир бор.

Одамларга қалбин очади шоир,
Шунинг-чун кўз юммай ўтказди тун.
Биргина онанинг алласи унга
Оромбахш уйқусин бермоғи мумкин!



Ҳаёт йўли эмасдир текис,
Унқир-чўнқир, гоҳ келар тикка.
Барига дош бериб сен ҳаргиз,
Етмоғинг бор орзу-тилакка.

Ярим йўлда енгмай заҳматни,
Ўзни ожиз сезмагил зинҳор.
Бўшаштирма сира суръатни,
Ожизлик бу — душманга дастёр!



Зўр дoston ёзилди — уюлди хирмон,
Сўзлар оқ толадек майин, пухтами?
Йил бўйи тер тўқдинг мисоли деҳқон,
Кўз нуринг, қалб қўринг, айт, омухтами?

Зўр дoston ёзилди — тоғ бўлди барпо,
Пайкални оралаб, эгатларни кез.
Яна чаноқларда бўлмасин хато,
Чала топширмагил хирмонни ҳаргиз!




Ҳаво иссиқ,
Ўт пуркар дами.
На дарахт бор, на бирор гиёҳ,
Бўз ерларга баҳор қадами
Етмагандек туюлди гўё.

Чўл қўйнида икковлон эдик,
Иссиқдан гоҳ кўзимиз тинди...
Ер қошига қўйган ўсмаси
Менга баҳор бўлиб кўринди.



Зумда ёғиб ўтди баҳор ёмғири,
Дарча кўзларида маржон-маржон дур.
Чўмилган гўдакдек япроқлар бари
Офтобга юз тутиб, титрайди дир-дир.

Қуёшни севади,
Севгандек олам.
Беғубор юзида ўйнайди шуъла.
Покиза ҳаётни мадҳ этиб бу дам
Қушлар ҳам баралла айтар ашула.



Мухтор Худойқулов

ИССАМАР



Икки мушук

Айни шу замонда,
Бир хонадонда
Бирга яшар эди иккита мушук:
Бириси — Мош мушук, кўримсиз, хунук,
Иккинчиси эса жуда келишган,
Вужуди сип-силлиқ, роса тўлишган.
Мушукмисан мушук эди-да ўзи,
Доим ўтдек ёниб турарди кўзи.
(Ўқувчини бекор қийнамоқ нечук,
Ганчдан ясалганди иккинчи мушук.)
Жонсиз, қуруқ савлат бўлса-да, гарчанд
Кўтарарди доим бурнини баланд.
Нега кибру ҳаво қилмасин ахир,
Мош мушук кун бўйи пойлаб сичқонни
Не азоб-ла қорнин тўқласа аранг,
Омадни қаранг:
Ганч мушук жонини қийнамай ахир
Ямламай ютарди танга-червонни.
«Эҳ, — дерди ганч мушук Мошга безабон, —
Сенга қараб туриб бўламан ҳайрон.
Лалаймай олсангчи, сен мендан ўрнак,
Яшашнинг йўлини билиш ҳам керак».
Мош унга қайрилиб солмасди назар,
(Қаранг-ки, дарди йўқ шу ганч матоҳдан,
Ишламай тишлаган текинтомоқдан
Мош мушук ҳамиша қиларди ҳазар).
Чамамда гапимиз чўзилди пича,
Дерсиз, нима бўлди оқибат, натижа?
Ганч мушук бойликни тўплади роса,
Бир кун қараса —

Келибди олганин қайтармоққа гал:
 «Пақ!» этказиб ерга урилган маҳал —
 Парча-парча бўлди мушук баногоҳ.
 Эл молин ўтариб дунё йиққанлар,
 Олтину зарларни хумга тиққанлар
 Кошки бу мисолдан бўлсалар огоҳ.

Товушқоннинг тўйи

Товушқонга тушди тўй қилиш дарди,
 Ўзи-ку мижмағил, муштдай бир жонвор.
 Хайвонлар аро ҳам билган биларди,
 Лекин бўлсам дерди тўқайда номдор.
 Шун-чун катта тўйга бел боғлади у,
 Чорлади яқину узоқдан меҳмон.
 Жонворлар ошиқди тўйхона томон.
 Ўрмондаги «казо-казолар»нику
 Товушқон ҳаммадан олдинроқ айтди.
 «Тулки ҳам бораман, деди, Бўри ҳам,
 Тараддудингизни тез кўринг, акам», —
 Дея хабарчиси кўп хурсанд қайтди.
 Мана тўй: авжида айни зиёфат,
 Товушқонда эди ўзга қиёфат.
 Айтинг-чи, керилмай бўларми ахир,
 Тўйнинг тўрида ўтирса Қашқир.
 «Соғ бўл!» дея қадаҳ кўтарса Тулки,
 Айиқ ўйнаб берди, бўлди зўр кулги.
 Хуллас, жамоат жам, хўб қизиди тўй,
 Бунақа тўй қилиш осонмас вой-вуй...
 Шодликдан маст бўлиб, меҳмон қузатиб
 Турарди Товушқон, сезмасди аммо —
 Бўри билан Тулки уни кўрсатиб,
 Лаб ялаб, оҳиста қилишар имо...
 Шунча ҳаракати зое кетмади,
 Охири оғизга тушди Товушқон
 Ва лекин янаги тўйга етмади,
 Бўрининг оғзида таслим қилди жон.

Кўрга ҳасса мисол қиссадан ҳисса:
 Бекорга чиранма, бу йўлингдан қайт.
 Мабодо сени ҳам тўйга етказса
 Дуч келгани эмас, дўстларингни айт.

Александр Чаковский



РОМАН

Русчадан
Ҳ. АЛИМТОВЕВ таржимаси

Ўнинчи боб

Биринчи ташишув

Бу кун бошқа кунларга ўхшамас эди. Тушгача Черчилль Берлинга борди. У рейхстаг қолдиқларини айланиб чиқди, янги империя канцелярияси вайроналари ва Гитлернинг бункерини кўздан кечирди.

Қароргоҳга қайтгач, у бўш хоналар орқали пешайвонга чиқди-да, жазирама иссиқдан жиққа тер бўлган шляпасини ҳам ечмай, хира пашшаларни нари ҳайдай-ҳайдай, чанг-чунг костюми билан креслога оғир чўкди.

Сойерс виски келтирди.

Черчиллнинг феълү атворини кўпдан яхши биладиган доктор лорд Моран унинг пича дам олгандан сўнг ўзига келишини биларди.

— Бугун президент Трумэн ҳузурига ташриф буюришингизни унутмадингизми, сэр?— сўради Моран.

— Мен ҳеч қачон, ҳеч нимани унутмайман,— деди Черчилль жаҳл билан ўтирган ерида қимирламай. Кейин хийла сукут сақлагач, қўшиб қўйди.— Вайроналар даҳшатли.

¹ Давоми. Боши журналнинг 6, 7, 8-сонларида.

Моран тўғри, деган маънода бош ирғаб қўйди. У Кадоган билан Берлингга бориб келганди.

Черчилль дам олиши зарурлиги, яна лоақал ярим соат креслода ўтириши кераклигини билган Моран суҳбатни уламоқчи бўлди.

— Сизга кўпроқ нима таъсир қилди?— сўради у.

— Агар жудаям қизиқсангиз, менга қаттиқ таъсир қилган нарса, плакат бўлди,— жавоб қайтарди Черчилль чўрт кесиб.

— Қандай плакат, сэр?— ҳайрон бўлди Моран.

— Қип-қизил рамкадаги катта плакат. Рейхстаг қаршисига ўрна-тиб қўйилибди. Менга унда ёзилганини таржима қилиб беришди. Қизил ҳарфлар билан русча ва немисча ёзишибди.

— Хўш, нималар ёзишибди?

Черчилль кўзларини юмиб, плакатдаги сўзларни аста такрорлади:

— «ТАРИХ ТАЖРИБАСИ ШУНИ ҚУРСАТАДИКИ, ГИТЛЕРЛАР КЕЛИБ КЕТАВЕРАДИ. АММО ГЕРМАН ХАЛҚИ, ГЕРМАН ДАВЛАТИ ҚОЛАВЕРАДИ. СТАЛИН».

Сўнгра у кўзларини ярим очиб сўради:— хўш, ёқдимми бу сўзлар сизга?

— Яъни айтмоқчисизки...— оғиз жуфтлади Моран.

— Шунини айтмоқчиманки,— унинг сўзини бўлди Черчилль,— Сталин ҳозирдаёқ ўз Постдам конференциясини очди. Очгандаям конференция бошланишидан анча олдин очди.

Моран Черчиллга саволомуз қараб турарди.

— Наҳотки тушунмаётган бўлсангиз? Сталин немислар қалбини эгаллаш учун жанг бошлади. Америкаликларга қарама-қарши ўлароқ, Германияни парчалаб ташлаймиз, деди. Энг муҳими, у немис халқини сиз бошқа, Гитлер бошқа, дея хотиржам қилди. Қасое олинмаслигини айтди. Хўш, маъқулми сизга айёр византиялик?

— Билишимча, шу вақтга қадар,— деди Моран,— руслар ҳамма жойда: «Немис босқинчиларига ўлим!» деб ёзишарди.

— Ҳа, баракалла!— хитоб қилди Черчилль.— Аммо улар ҳеч қачон «Немисларга ўлим!» деб ёзмаганлар.

— Сталин ҳаминша қўшинлари Германияга кирадиган кун ҳақида ўйлаган демокчимисиз? Унинг башоратини ошириб юбормаётганмикин-сиз, сэр?

— Шунини унутмангки, Чарльз,— деди. насиҳатомуз Черчилль,— руслар ҳақида гап борганда ошириб юборишдан кўра, уларни етарли баҳоламаслик хавфлидир.

Орага сукунат чўкди. Черчилль яқин кўринаётган кўл томонга тикилди. Нариги бетда совет жангчилари кўзга ташланарди.

Моран Черчиллнинг ҳозир худди ана шу солдатларга эътибор билан қараётганини тушунди.

Черчилль гўё хаёл суришдан тўхтагандек яна Моранга мурожаат қилди:

— Лейбористлар тасдиқлашича, ортиқча ўттиз икки овоз оларканман. Бу кам. Бордию шунчагина устунликка эга бўлсам, истеъфо беришимга тўғри келади.

Мораннинг назарида, гарчи, бош министр сайлов олди нутқларида мутлақо устунликдан бўлақ устунликни ган олмаслигини айтган бўлса-да, ҳозир Морандан эътироз билдириш кутаётгандек туюлди. Энди чамаси Черчиллни арзимаган ортиқ овоз ҳам қаноатлантирарди.

Аммо Моран ҳеч нарса демай кўя қолди. Чунки у нари борса, Черчиллнинг хотиржам кайфиятда бўлишини таъминловчи врач эди, холос.

— Сайловларни унутинг, сэр,— деди у. — Ўзингизни ғалаба қозонган ҳисоблайверинг.

— У ерда шундай!— Черчилль номаълум томонга бош ирғаб қўйди.— Хўш, бу ерда-чи?

...Тушда Черчилль Трумэн ҳузурига дўстона ташриф буюрди.

Бу Трумэннинг Англия бош министри билан биринчи суҳбати эди. Президент бир соатча Черчиллнинг кейинги уч ой мобайнида мактуб орқали йўллаган гапларини тинглаб ўтирди. У бир неча марта маъқуловчи луқмалар билан Черчиллнинг гапини бўлди ҳам. Инглизнинг назарида Трумэн Сталин билан олишишга ошиқарди.

Бош министр президент ҳузурига ташриф буюрганида Черчиллга Иден ва унинг муовини Кадога ҳамроҳлик қилишди. Қароргоҳига қайтгач, Черчилль ҳамроҳларига суҳбатдан мамнунлиги, Трумэн унда қатъиятли, омилкор ва чамаси русларга зарба беришга тайёр шахс сифатида таассурот қолдирганлигини айтди.

Кеч оқшом Черчилль яна ўз врач билан якка қолди. Моран ундан Америка президенти ҳақида қандай фикрдалигини сўради. Бу гал Черчиллнинг жавоби у қадар аниқ бўлмади: «Ўйлашимча, у... шу нарсага қодирки...»

Товонигача тушгудек узун тунги қўйлак кийган Черчилль қўлини тумбочка устига қўйди: Моран ҳар оқшом унинг қон босимини ўлчарди. Ҳар иккаласи бугун босим нормал бўлмаслигини билишарди. Худди шундай бўлиб чиқди ҳам.

— Юз элликка юз,— деди Моран,— бугунгидек кунда шундай бўлиши табиий. Аммо иккинчи томондан, президент билан қилган суҳбатингиздан мамнун экансиз, хавотирланмасангиз ҳам бўлади, сэр.

Черчилль ўринга ётиб ҳузур қилиб керишди.

— Хавотирланишимга асос йўқлигига ишончингиз комилми?— деб сўради у кейин жилмайиб.

— Сиздек мавқедаги, сизникидек таъбдиллар учун бундай асос ҳар қачон топилиши мумкин,— мурсоаомуз жавоб берди Моран.— Муҳим нарсани иккинчи даражалилардан фарқ қила билиш ва иккинчи даражалиларни улоқтириб ташлаган маъқул.

— Ўзингиз ҳар доим қила оласизми буни?

— Мен ҳеч қачон бош министр бўлган эмасман. Аммо врач сифатида шунга имоним комилки, энг қудратли тафаккур эгаси ҳам жаҳоншумул масалалар билан суткасига ярим соат шуғулланишга қодир, холос. Акс ҳолда у хароб бўлади.

— Менга етмиш ёшдалигимни эслатмоқчимисиз?

— Мен, умуман, инсон имкониятини назарда тутяпман.

— Унда сиз қандай проблемалар муҳим-у, қандайлари иккинчи даражали эканини тушунтириб бера оласизми? Сиз ҳали санаб чиқилмаган сайлов бюллетенлари хусусида ўйлашим учун ярим соат беряпсизми? Европанинг истиқболи? Сталин тактикаси, Трумэннинг позицияси ҳақида мулоҳаза қилишимга ҳам-а?

Черчилль овозини кўтарди. Моран мижози ухлаш олдидан ҳаяжонланмаслигини маъқул кўрди.

— Агар Трумэннинг позицияси ҳақида гапирилса, у сизга ойнадек равшан шекилли,— деди мулоимлик билан Моран.

— Ҳа, президент гапларимни диққат бериб, хайрхоҳлик билан тинглади. Аммо биласизми, Чарльз, президент мени тинглаш билан бирга қандайдир бир бошқа нарса ҳақида ҳам ўйлаётганини пайқадим. Нимагадир интиқдай... Айтинг-чи, интиқ бўлгани нимакин унинг?

— Қайдам, сэр. Эҳтимол, хаёли эртаги мажлис билан банд бўлиши ҳам мумкин.

— Трумэнда бор бундай имконият. Мен бўлсам хабар кутишга мажбурман. Бош министрликча қоламанми тагин ёки йўқми? Иложи борича тезроқ билишни керак буни. Акс ҳолда энг асосий нарса тўғрисида ўйлолмайман.

— Ҳозир сиз фақат тўйиб ухлаш пайидагина бўлишингиз керак.

— Ҳозир менга бир ютим асал брендиси керак, сэр,— деди ўрнидан қўзғалиб Черчилль.— Узингиз қуйиб берасизми ёки Соьерсни чақирайми?..

... Черчилль Моран билан гаплашиб ўтирган вақтда «кичик Оқ уй» ёнига автомобиль келиб тўхтади. Ҳайдовчи ёнида ўтирган офицер сакраб тушиб, эшикни очди. Фуқаро кийимидаги баланд бўйли кекса киши машинадан чиқди-да, қаршида америкалик денгиз пиеда аскарлари турган, панжарали тўсиқли эшик томон юрди.

Аскарлар Қўшма Штатларнинг ҳарбий министрини кўриб, турган ерларида роз қотишди.

Стимсон қўлида тимсоҳ терисидан қилинган тўқ-жигарранг папка билан Трумэннинг кабинетига кирганида расо кечки соат саккиз эди. Президент ёзув столи ёнида ўтирарди. Стимсон папкани очиб, ҳозиргина олинган шифрограммани индамасдан стол устига қўйди.

Трумэн, юрак уриши тезлашганини сезиб ўқиди:

«БУГУН ЭРТАЛАБ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНДИ. ДИАГНОС ҲАЛИ ТУЛИҚ АНИҚ ЭМАС, АММО НАТИЖАЛАР, АФТИДАН, ҚАНОАТ-ЛАНАРЛИ ВА ҲОЗИРНИНГ УЗИДАЁҚ КУТИЛГАНИДАН ОШИБ ТУШАДИ. ДОКТОР ГРОВС МАМНУН. У ЭРТАГА ҚАЙТАДИ. СИЗНИ ВОҚЕАЛАРДАН ХАБАРДОР ҚИЛИБ ТУРАМАН. ГАРРИСОН».

Энг йирик суғурта компаниясининг президенти ва Трумэннинг қадрдон дўсти Жорж Гаррисон Манхэттен лойиҳасига раҳбарлик қилган ҳарбий-сиёсий комитетнинг раиси лавозимидаги Стимсон ўрнини эгаллаганди.

«Амалга ошди!» Трумэн Стимсонга тантанавор боқди. Кўпдан бери кутаётган хабарни олгач, президент маълум вақт жим бўлиб қолди.

Шундай бўлса-да, у стол тагида қўлларини қовуштириб қисқагина дуо ўқиб олишга ўзида куч топди. Президент худого шукур қиларди. У кейинги узоқ уч ой кутган орзуси ушалганди. Аммо Трумэн шу заҳотиёқ кескин ҳаракат билан дуо жазавасидаги кафтларини бир-бирдан ажратди. «Синовга муқаддас «Троици» номи бериб нотўғри қилмаганмикинмиз?— деб ўйлади у.— Худонинг қаҳри келмасмикин? Ҳозиргача ҳеч ким журъат этмаган иш — олампаҳоқлик даъво қилингани учун бандасини жазоламасмикин парвардигор?»

У яна кафтларини бирлаштириб, хаёлан яратгандан кечирим сўради...

Нима бўлишидан қатъи назар энди у — Трумэн жаҳон ҳукмронидир.

Яқингинада Черчилль унга Сталин билан қандай муомалада бўлиш, нима масалаларда қатъий туриш ҳақида маслаҳат берган эди...

«Қатъий туриш!— тантанавор такрорлади Трумэн.— Энди менга ҳеч нарсада қатъий туришнинг кераги йўқ. Энди мен амр этишим мумкин!»

Стимсон келишидан олдинроқ Трумэнга руслар конференцияни эртага, кечки соат бешда бошлашни таклиф қилдилар, деб хабар беришган. У рози бўлганди.

Аммо энди ҳамма нарсани ўзгартириб юборгиси келди. Нима учун, кеч бўлиб қолганига қарамай, конференцияни шу бугуноқ бошлаш мумкин эмас? Ҳозироқ! Бирнсни чақириб, Сталин билан алоқа боғ-

лаб — Черчилль ҳисобга кирмайди! — Америка Қўшма Штатларининг президенти конференцияни ҳозироқ бошлашни талаб этипти, деб эълон қилиш керак...

Ўз-ўзидан маълумки, Трумэн хаёлангина шундай дерди. Аммо уни, ушбу ўйлаганларимнинг ҳаммасини бажаришим мумкин, деган фикр сархуш қилиб қўйганди. Бу ерда — Бабельсбергда ҳам, бутун дунёда ҳам унга ҳеч ким қарши чиқолмайди.

Ниҳоят, Трумэннинг тили калимага келди.

— Бу ғалаба, Генри! — хитоб қилди у.

Кутилганга қараганда Стимсон босиқ жавоб қилди:

— Ҳа, албатта, муваффақият қозонишди улар. Аммо хабар жуда ҳам умумий.

Трумэн ҳарбий министривга: «Нималар деяпсан!», демоқчи эди-ю, аммо вақтида ўзини тутиб қолди. «Ҳа-я, нимани назарда тутаяптийкин бу? Эҳтимол, бомбанинг ўзи эмас, эквиваленти, деган нарсани портлатилгандир?»

Манхэттен лойиҳаси ҳақида Стимсон, Гровск, кейин Буш берган биринчи ахборотдан кейин Трумэн янги қурол ишлаб чиқариш билан боғлиқ олимона сафсаталарни ҳеч қачон тушуна олмасам керак, деб ўйлаган эди. Энди, аксинча ҳамма нарсани англадим, деган қарорга келди. У атом бомбаси уран ёки плутоний тўлдирилган ва бўш оралиқ билан ажратилган икки блокдан иборат эканини қатъий ўзлаштириб олди. Лозим вақтда портлагич ишлайди-да, блоklar бир-бири билан тўқнашади. Ушанда Бирнс ибораси билан айтилса, бутун жаҳонни титратишга қодир бўлган ўша «Супер-портлаш» рўй беради.

Нима учун уран «235», плутоний эса «239» рақами билан белгиланган? Бу моддалар қандай қазиб олинади? Нима учун бирлашганларида ақл бовар қилмайдиган массадан ҳам мураккаброқ массани ташкил қилади? Буларни Трумэн тушунолмади. Контейнер, иккита блок, портлатувчи... У тушунган нарсани бор-йўғи мана шу, холос.

Бундан ташқари Трумэн дастлаб бомбанинг ўзи эмас, тахминан юз фут баландликдаги пўлат минора тепасига ўрнатилган грейпфрут ҳажмидаги плутоний шари портлатилиши кераклигини ҳам билиб олди.

Теннесси штатининг Оук-Ниж музофотида махфий қурилган заводлар ҳозирнинг ўзидаёқ учта бомба ишлаб чиқариши учун етарли плутоний ҳосил қилди.

Агар тажрибада портлатиш муваффақиятли ўтса, бу янги қурол масаласи ҳал қилинди, дегани бўларди. Ҳақиқий бомба тайёрлаш технологик масала бўлиб қолади, холос.

Ахир Гаррисоннинг шифрограммаси плутоний шари портлатилди, деган гап-ку!

...Стимсоннинг писандсиз гап оҳангидан ғазаби қўзиган Трумэн ба-зўр ўзини босиб шифрограммани тортиб олди-да, унинг ҳар бир сўзига диққат билан кўз югуртирди.

У шифрограммани ўқиган сайин кайфияти ёмонлашарди.

«Диагнос ҳали тўлиқ аниқланмаган... Натижаси, афтидан, қаноатланарли. Сизни хабардор қилиб тураман...»

«Нечук чалғитувчи жумлаларга эътибор бермабман-а?!»

— Бу қанақаси бўлди? — деб сўради саросималаниб Трумэн. Унинг кўтаринки кайфиятидан асар ҳам қолмаганди.

— Бу ҳаммаси муваффақиятли кетяпти дегани, аммо узил-кесил натижа...

— Ахир менга ўша узил-кесил натижа керак-ку, сэр! — беихтиёр ғазабнок бақириб юборди Трумэн. — Энди ортиқ кутолмайман. Эртага конференция очилади...

— Умид қиламизки, эртага батафсиляроқ хабар келса керак,— деди Стимсон.— Ахир, мана шу шифрограммадан ҳам,— президентни тинчлантириш учун давом этди у,— ҳамма иш жойидалиги маълум.

— Шундаймикин-а, Генри?— деб умид билан сўради Трумэн. Сўнгра жавоб кутмасданоқ кўзларини юмган кўйи титроқ овозда деди:

— Худонинг ўзи ёрлақасин бизни...

Конференциянинг очилиши ўн еттинчи июль соат бешга тайинланган эди.

Эрталаб президентга туш пайти Сталин унинг ҳузурига ташриф буюришини айтишди.

Трумэн умрида биринчи марта Сталин билан учрашиши кераклигини эшитгандан кейин қандай кайфиятга тушгану, нималарни режаллаганди?

Ҳамон Аламогордодан батафсил ҳисобот келмаган, келганда ҳам қандай ҳисобот бўлсайкин у!..

Ахир Трумэн учун материяни атомларга парчалаш, касофат бу массаларни бирлаштириш ва уларни «қалтис ҳолат»га келтиришга эришиш мумкин, деган оддий ахборотгина керак эмас. Президент ҳозир самолётга ортиш ёки фюзелажга осиб, осмони фалакка зарур пайтда олиб чиқиш, лозим нишонга ташлаш иложи бўлган бомбага муштоқ.

Бомба унга бениҳоя катта куч бағишлаган бўларди. Агар бомбага эришса, Япония билан олиб борилаётган уруш АҚШ фойдасига ҳал бўлади, деб ҳисоблаш мумкин эди.

Ҳарбийлар Трумэнга СССРнинг ёрдамсиз Узоқ Шарқдаги уруш узоққа чўзилиши мумкин, дейишганди. Шундай қилиб АҚШ Совет Иттифоқига қисман тобе эди.

Трумэн, Рузвельт сиёсатини давом эттирмоқчиман, дегани билан, аслида уни кескин ўзгартиришга интиларди. Бироқ, бу интилишни пинҳон тутишга тўғри келарди. Бомбага эга бўлиш эса Қўшма Штатларни бениҳоя кучайтириб юборар, Трумэннинг фикрича, русларнинг ҳарбий ёрдамлари ҳам мутлақо зарур эмасди унда...

Ҳамма нарса Аламогордодан келадиган узил-кесил маълумотга боғлиқ эди. Бироқ ҳалигача бу маълумот кела қолмасди. Кеча, ўн олтинчида ҳам келмади, бугун ўн еттинчи июлда ҳам келмаяпти. Инсоният тарихида биринчи атом портлаши бир сутка олдин юз берганди. Аммо бу портлашга катта умид боғлаган, ўзининг ташқи сиёсатида шунга асосланмоқчи бўлган АҚШ президенти Аламогордодо кеча эрталабки бешу ўттизда аслида нима бўлганини ҳали билмас эди...

Трумэннинг назарида баъзи дақиқалар ҳамон узил-кесил муваффақият қозонилмагани учун Гровс ўз муваффақиятсизлигини ҳаспўшлаш мақсадида ҳисобот беришни кечиктираётгандек туюларди.

Ўн еттинчи июль туш вақтида Сталин, Молотов ва таржимон Павлов «кичик Оқ уй»га яқинлашганларида ҳам ҳамон Гровсдан доклад етиб келмаган эди.

Эшик олдида Сталинни президентнинг шахсий ёрдамчилари Гарри Воган билан Жеймс Вардаменлар кутиб олишди. Воган анча ишбилармон ва сиёсатдон эди. Сент-Луислик банкир Вардамен бир оз вақт флотда хизмат қилган ва ҳозир, гарчи гувоҳларнинг тасдиқлашларича, ҳатто уч баллик штормга ҳам бардош бера олмаса-да, ҳарбий денгиз мундирида юрарди...

Трумэн, Бирнс ва Болен совет меҳмонларини юқорида, президентнинг бўлмасида кутардилар.

Тез орада Сталин билан учрашувини билган Трумэн совет раҳбари ҳақида тасаввурга эга бўлиш йўлларини изларди. Вашингтонда, конференция муддати белгилангандан сўнг, ва бу ерда — Бабельсбергда у

Гарриман ва Дэвис билан, Гопкинс ва Болен билан Сталин ҳақида кўп марта суҳбатлашган эди. Улар мутлақо бир-бирига қарама-қарши фикр айтишганди. Сталин шарқ истибодди, аини вақтда илтифотли ва мулоим, чўрт кесар золим ва музокара санъатига моҳир дипломат, деб атадилар. Маккор византияликни, агар «ҳа» деса, сўзининг устидан чиқадиган, бордию «йўқ» дегудай бўлса, ҳеч нарса фикридан қайтара олмайдиган шахс сифатида таърифлашди.

Шундан сўнг Сталин Трумэн назарида афсонавий авлиё сифатида гавдалана бошлади. Бирнс Сталин ҳақида бошқалардан кўра аниқроқ фикр айтди. У маслаҳатчи сифатида Ялта конференциясида Рузвельтга ҳамроҳ бўлган ва Сталин ҳақида ўзига хос алоҳида фикрга эга эди.

Бирнс тасдиқлашича, совет раҳбари Ялтада ўз режаларини Рузвельтнинг ён босувчанлиги ва марҳум президентнинг Черчиллга зимдан адовати борлиги туфайлигина амалга ошира олганди. Сталин бундан яхши фойдалана билганди. Шунингдек, Ялтада унинг яхшигина дастаги бор бўлиб, Гитлер бир ёқли қилинган, Японияга қарши урушга киришишга ваъда берганди. Рузвельт келажакдаги Узоқ Шарқ иттифоқчиси билан ҳисоблашмай йўқ эди.

Аммо, мана, ҳозир Қўшма Штатлар ҳеч нарсада ҳеч кимга тобе эмас, дея ишонтира бошлади Бирнс Трумэнни. Атом бомбаси муваффақиятли синалган, русларнинг Япония билан урушишлари шартгина эмас, ортиқча ҳам бўлиб қолади. Синов муваффақиятли ўтишига Бирнс шубҳа қилмас эди.

Трумэн унга астойдил ишонгиси келар, аммо Стимсоннинг Аламогордода юз берган воқеани эҳтиётлик билан баён этганини унута олмас эди.

Трумэн Сталинни тегишли жойга ўтқазиб қўйиш, ҳозир у мулоим ва ён босаверадиган Рузвельт билан эмас, фикрида қатъий шахс билан иш олиб бораётганлигини кўрсатиш иштиёқида эди. Аини вақтда у сирли совет раҳбари билан юзма-юз учрашишдан беихтиёр ҳайиқарди ҳам. Бунинг устига атом бомбаси синовининг узил-кесил натижаси ҳалигача номалум эди унга.

Ҳозир Сталин «кичик Оқ уй»нинг зинасидан кўтарилмоқда.

У — Трумэн ҳозир Сталинга нима дейди? Гарчи учрашув расмий бўлмаса ҳам, у америка делегацияси Потсдамга олиб келган таклифлардан бирор нарса айтиши керак-ку. Хўш, у ҳозир нима дейиши мумкин?..

«Аугуста»да саёҳат пайти Трумэн, Бирнс, Стимсон ва Леги билан узоқ кенгашди. Улар биргаликда мутлақо аниқ қолипга солинган америкаликлар таклифини ишлаб чиқишди.

Шунга қарамай, Трумэн ўзига қатъий ишонса-да, давлат бошқариш тажрибасининг йўқлиги, ўртача сенатор тасодифан қудратли мамлакат президентига айланиб қолиши — бўлажак конференцияга таъсир қилмай қўймаслигини ҳам тушунарди.

Уни ташвишлантираётган нарса Гровснинг индамаётганигина эмасди. Нақ Вашингтондан жўнаб кетаётиб у молия министри Моргентгау билан жанжаллашиб қолди. Гарчи, Германияни парчаланган гуруҳ-гуруҳ қишлоқ хўжалиқ давлатларига айлантириш режаси Ялтадаёқ рад этилганига қарамай, Моргентгау Рузвельт вафотидан кейин яна ўз айтганида туриб олиб, уни Потсдамга бораётган делегация составига киритишларини талаб қилди.

Бирнс Моргентгаунинг режасига қарши қатъий эътироз билдирди. У билан Трумэн Германия Қўшма Штатларининг фойда келтирувчи бозорларидан бири сифатида ва Европада коммунизмга қарши тўсиқ сифатида сақланиши керак, деган фикрда эдилар. Трумэн ва Бирнс

тушунишларича, вермахт ва барча нацист ташкилотлари йўқ қилиниши керак, аммо бунда энг муҳими шуки, акс ҳолда жаҳон жамоатчилиги ғазабга келиши мумкин эди.

Айни вақтда маккор Бирнс президентни Рур ва бошқа районларда Германия ҳарбий потенциалини немисларда америкаликларга нисбатан нафрат уйғотади ва урушдан кейинги Германияда коммунистларнинг таъсирини кучайтиради, деган фикрга ишонтирди.

Моргентау ё Потсдамда иштирок этаман, ёки истеъфо бераман, дея қатъий талаб қўйди. У, Рузвельт даврида доимий иш лавозимини эгаллаб турганидан ташқари Оқ уйнинг ўз одами, рафиқаси эса Элънора Рузвельт билан дугона эди. Моргентаунинг истеъфоси президент обрўсига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса-да, унинг истеъфосини қабул қилишга тўғри келди.

Трумэн Европага ички сиёсатни тўлиқ йўлга қўймаганлигини тушунган ҳолда жўнади. Бу айниқса уруш тугагандан сўнг вужудга келган инфляция ва шунингдек ишсизлик ўсишига тааллуқли эди. Конгресс билан жиддий ихтилоф пишиб етилаётганди. Марҳум Рузвельт конгресс билан кам ҳисоблашарди. Энди конгрессменлар қасос олишдан ҳам тийишмасди.

Трумэннинг билишича, Аламогордодаги муваффақият мамлакат жамоат фикрини унинг фойдасига ҳал қилган бўларди. Аммо у Европага жўнаётиб ва ҳозир Сталин билан учрашиш арафасида бомба тайёрами-йўқлигини билмасди.

Трумэн ҳали умрида бирор марта ҳам устига бостириб келаётган хавфни бу қадар ўткир ҳис қилмаган бўлса керак. У ўтмиш йиллари қайтиши, яна қадрдон Индепенденсда бўлишни, кечки овқат вақти оиласи даврасида ўтиришни, хотини Бесс ва қизи Маргаретнинг чехраларини кўришни ва анави малъун бомба, бўлажак конференция, ланнати Европа ҳақида — яқин вақтгача бу қитъа билан ҳеч қандай иши бўлмаганди — ўйламасликни жуда ҳам истар эди.

«Ё парвардигор! — хитоб қилди хаёлан Трумэн. — Такаббурлигим, ҳокимиятга ташналигим учун мени кечир...» Трумэн гўё бу илтижони четдан эшитаётгандек худодан бошқа нарса сўраётганини тушунди. У ҳозир яратгандан қудратли, кенг кўламли ҳокимиятни сўрамоғи керак. Хавотирланиш зўрайиб борарди.

Трумэн Сталиннинг президент ҳузурига биринчи бўлиб келишининг ўзи катта гап, деб биларди. Бу билан Сталин Қўшма Штатларнинг урушдан кейинги дунёда ҳал қилувчи ролини тан олаётгандек эди.

Аммо огоҳлантирувчи ички бир овоз Сталиннинг ташрифи уй эгасининг одатдаги меҳмоннавозлиги, холос, дер эди. Меҳмонини биринчи бўлиб табриклаш билан бу ерда хўжайин эканлигини таъкидлаяпти.

...Трумэн зинадан кўтарилаётган Сталиннинг оёқ товушларига қулоқ солиб, кабинет ўртасида турар эди.

У вақти-вақти билан Бирнс ва Боленга қараб қўяр, ҳозиргидек қалтис пайтда ёлғиз қолмаганлигига ишонмоқчидек бўларди гўё.

Ниҳоят эшик очилди. Генерал Воган дарҳол ўзини четга олди.

Сталин гиламда юмшоқ қадам ташлаб кабинетга Молотов ва таржимон ҳамроҳлигида кириб келди, аммо Трумэн фақат Сталинга қарар, ҳозир у Сталиндан бошқа ҳеч кимни кўрмасди.

Президент рўпарасидаги Сталинни унинг америка газета ва журналларида босилган портретларига таққослаган, кўйи бир неча лаҳза ҳаракатсиз турди. Кейин беихтиёр қаддини ростлаб, кўриқдаги солдатдек Сталин истиқболга ошиқич бир неча қадам ташлади.

Улар қўл олишишди.

Сўнгра Сталин гап бошлади. Таржимон Павлов унинг ҳар бир

сўзини бир текисда таржима қилди. Аммо Трумэн Павловнинг эмас, Сталиннинг сўзларини тинглаётгандек бўлди. Сталиннинг уни табриклаётганини ва Бабельсбергга бир оз кечикиб келгани учун узр сўраётгани Трумэнга дарҳол етиб бормади. Трумэн Сталиннинг тушуниб бўлмайдиган тилдаги сўзларини тинглаб, беихтиёр енгил тортаркан, совет раҳбари чўтирроқ юзларида билинар-билинемас жилмайиш билан мулоким, аста гапираётганини англади.

Ҳа, Сталин озроқ кечикканлиги учун узр сўради. Уни Москвада Чан Кай-ши вакиллари билан бўлган музокаралар ва енгил бетоблик ушлаб қолибди...

Трумэн сесканиб, анча тетиклашди. У шошилинич равишда энди генераллиссимуснинг соғлиги жойида бўлишига умид билдирди. Сталин ўзини яхши ҳис қилаётгани, аммо врачлар, бари бир, ўпкада нуқсон бор, деб, самолётда учини ман этганларини айтди. Поезда келишга тўғри келибди.

Ҳозир бу ерда хўжайин эканлигини англаган Трумэн шошилинич равишда кўпдан бери генераллиссимус билан танишиш орзусидалиги, маъқур учрашувдан гоят хурсандлигини ва бу шахсий учрашув унинг фикрича, урушдан кейинги дунё учун жуда катта аҳамиятга эгалигини баён этди.

Трумэн, кейин унинг шошилинич сўзларини таржима қилган Болен жим бўлганларида Сталин худди аввалгича секин, мулоким ва дўстона равишда шахсий алоқаларининг муҳимлиги ҳақидаги президентнинг фикрларига тўлиқ қўшилажанини айтди. У, давлатларнинг бошлиқлари барча масалалар бўйича тезда бир битимга келадилар, деб умид билдирди.

Бир неча дақиқагина аввал Трумэн кабинетига қўпол, бадқовоқ дунёвийликдан узоқ, ўз ғалабасидан мағрур ва муросасиз бир осийлик кириб келади, деб ўйлаганди. Бунинг устига у Молотов Вашингтондаги учрашувни қўлидан келганча ёмонлаган-у, Сталин ленд-лиза бўйича америка моллари етказиб берилиши тўхтатиб қўйилганлиги ҳақида гапиришига шубҳа қилмаган эди.

Аммо ҳозир шарҳисиди баҳслашишни ҳам, талаб қилишни ҳам, айниқса дўқ қилишни ҳам истамовчи одам турарди. Мулоким, ҳатто юмшоқ феъл, меҳрибон ва хайрихоҳ эди у.

Трумэн энди ўзини узил-кесил тутиб олди. Худо уни илгари ҳам ёрлақан, ҳозир ҳам ёрлақайди.

Уни Сталин номи билан қўрқитдилар. Эҳтимол, Сталин Гарриман, Гопкинс, Боленга ҳақиқатан ҳам диктатор, тўлиқ устунлигига ишонган киши сифатида муносабат билдиргандир. Бироқ совет раҳбари америка президенти олдида очикдан-очиқ камтарин, мулоким, вазмин одам қиёфасида бўлишни афзал кўряпти. Мана шунинг ўзи ҳам Қўшма Штатларнинг буюк қудратини тан олиш эмасми, ахир?!

Трумэн ҳалигача меҳмонларни ўтиришга таклиф этмаганини эслаб қолди. Сталин девор ёнидаги мрамор столга етгунча Трумэн кафтини унинг йирик бешқирра юлдузли қаттиқ погонига гўё қўл тегизмоқчи-ю, аммо бунга журъат этмаётгандек ўзини тутиб борди.

Ниҳоят, ҳаммалари ўтиришди.

Трумэн энди хўжайин ролига тўлиқ кирди. У генераллиссимусни бўлажак конференциянинг кун тартиби тўғрисидаги америка таклифи билан таништирмоқчилигини айтди. Трумэннинг орқа томонида ўтирган Бирнс унга машинкада ёзилган текст билан бир варақ қоғоз узатди. Трумэн варақни олдига қўйиб, америка делегацияси муҳокама этишга таклиф қиладиган масалаларни бирма-бир қайд эта бошлади.

Аввало у ҳамма нарсадан тўлиқ хабардордек ёдаки гапиришим мумкин, дегандек бўлди-ю, аммо кейин олдида ётган вараққа тез-тез

қиё боқиб қўя бошлади. Ниҳоят, қоғозни кўз олдига яқинлаштириб, росмана ўқишга киришди: Германия, шарқий Европа мамлакатлари, айниқса Польша, эркин сайловлар...

Сталин алоҳида эътибор билан тингларкан, вақт-вақти билан бош қимирлатиб қўярди. Трумэн ўқишни тамомлагандан сўнг орага қисқа жимлик чўкди.

— Нима ҳам дердик, — жимликни бузди ниҳоят Сталин. — Буларнинг ҳаммаси муҳим масалалар, албатта. Ҳаммамиз бирга тўпланганимизда, эҳтимол, баъзи бир қўшимчалар келиб чиқиши мумкин. Масалан, биз Испанияда Франконинг фашистик режимини муҳокама қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Аммо энг муҳими бошқа нарсада, албатта...

Трумэн сергакланди. Сталиннинг сўзлари гарчи мутлақо мулойим бўлса ҳам, аммо пича ноаниқроқдек туюлди. Гўё Сталин, умуман, суҳбатлашишни хоҳламаётгандек таассурот туғилди унда. У Америка таклифларини қувватлашни истамас, айни вақтда буни очиқ айтмасди ҳам.

— Биласизми, генералиссимус, — деди дадил овозда Трумэн, — мен дипломат эмасман, айтиш мумкинки, парвардигор ва халқ иродаси билан президент бўлиб қолган оддий америкаликман.

Трумэн гапдан тугилди. Халқ иродасининг бу ерда ҳеч қандай алоқаси йўқ, чунки Трумэн Рузвельт вафотидан кейин автоматик равишда президент бўлган эди. Худога ишора қилиш эса қаршисидаги динсиз кишига кулгили туюлган бўлса керак.

Ўз хатосини тузатиш учун Трумэн шошилиш равишда қўшиб қўйди:

— Албатта, жаноб Сталин ҳақ: булар асосий муҳим нарсалар эмас. Муҳими, лоақал менинг учун, мен мамлакатингизнинг дўсти сифатида бу ерга келишим ва ҳамма масалаларни очиқ кўнгиллик билан ва дўстона ҳал қилинишини истаганимдир. Худди шунинг учун ҳам дипломат эмаслигимни эслатаяпман.

— Бутун уруш давомида бизнинг мамлакатимиз Қўшма Штатлар билан ҳалол ва очиқдан-очиқ ҳамкорлик қилди, — деди гўё Трумэн йўл қўйган хатони сезмагандек ёки унга аҳамият бермагандай дўстона оҳангда Сталин.

Бунга жавобан Трумэн ҳам ўз навбатида Сталинга нисбатан дўстона илтифот кўрсатмоқчи бўлди. Совет раҳбарининг бу қадар эҳтиром билан гаплашаётганлиги унга манзур бўлганди.

Трумэн Сталинга содиқлигини намойиш қилмоқчилигига яна бошқа сабаб ҳам бор эди. Эгилмовчи қаттиқ погонларида чоғроқ юлдузлар ярқираётган ҳарбий мундирли бу кишига қараб Трумэн қудратли совет раҳбарининг Қўшма Штатлар, балки, ҳозирдаёқ эришиши мумкин бўлган қуролдан беҳабарлигини беихтиёр мамнунлик билан ўйлади.

— Мен генералиссимусга кеча ҳузуримда Черчилль бўлганини айтмоқчиман, — овозини пасайтириб, гўё Сталинга сир ошкор қилаётгандек деди Трумэн. — Кўп масалалар бўйича унинг кескин мулоҳазалари бор.

Кўзлари аста қисилган Сталин чўнтагидан муштугини оларкан, уни бош бармоғи билан силаб, секин деди:

— Черчилль Қўшма Штатларга Япония билан урушда ёрдам бермоқчи бўлгани учун фикрлари алоҳида салмоқ касб этгандир балки?

Трумэн шошиб қолди. Сталин унинг устидан куляптими? Еки Черчиллнинг мулоҳазаларига катта аҳамият бергани учун таъна қилмоқдами? Ҳар ҳолда, Трумэн Сталин бу қадар тасодифан ва тўппа-тўғри, ҳеч қандай дипломатиясиз асосий козирини ўртага ташлайди, деб кутмаган эди. Трумэн Сталинни Черчилль билан қўрқитиш мумкин эмаслигини тушунди. Аммо саволга жавоб бериш керак эди.

— У бу урушда бутун вужуди билан бизнинг тарафдоримиз,— деди Трумэн тайсалланиброқ.

— Вужуди билан?— деб сўради ошкора киноя билан Сталин.— Хўш, нима таклиф қилипти? Вужудиними ёки танклар билан солдатлару бомбардимончилариними?— Сталин бутун учрашув давомида биринчи марта Трумэннинг кўзларига тикилиб боқди. Трумэн унинг ўткир, таҳқиромуз қарашига дош беролмай, нигоҳини олиб қочди.

Молотов ҳалигача жимгина, бепарво ўтирарди. Аммо ҳозир Трумэн назарида совет министрининг пенснеси баралла ялтираб, юзида нимжилмайиш жилвалангандек бўлди. Бу билан у президентга Вашингтондаги учрашувни эслатаётганмикин...

Ўзига ишонган, гапдон Бирнс бу гал ҳеч нарса демади. У президентнинг енгилаетганини сезди-ю, ҳозирча аралашмасликни лозим топди. У саҳнада Трумэн ва Сталиндан ташқари Черчилль билан Иден пайдо бўлганларидагина ўзини кўрсатишга қарор қилди.

Президент ҳам чурқ этмасди. Сталин билан осойишта ва биринчи кўринишда беғалва туюлган суҳбат тўсатдан қандай ўзгариб кетиши мумкинлигини тушуна бошлаганди шекилли.

— Йўқ,— гапини давом эттирди Сталин ўйчан қиёфада муштугини силай туриб.— Англияга япон бомбалари эмас, немис бомбалари тушди. Германия инглизлар манфаатига хавф туғдирганида, улар жанг қилдилар. Япония масаласига келганда, улар Америкага, сиз айтганингиздек, фақат вужудлари билангина ёрдам берадилар. Ваҳоланки, сизларга қўшин керак. Ёки хато қилипманми?

Сталин оғзига бўш муштукни олиб бориб жилмайиш билан Трумэнга қаради, сўнгра муштугни оғзидан олди-да, уни эшитилар-эшитилмас мраммар столга қўйгач, хотиржам деди:

— Совет Иттифоқи Японияга қарши август ўрталарида уруш бошланга тайёр. Ялтада шартлашилганига биноан,— қўшиб қўйди у пина сукут сақлаб.

— Ҳа, ҳа, албатта... Биз буни қадрлаймиз...— шошилиш жавоб қайтарди Трумэн.

У ҳозир нима ҳақда ўйлаётганикин? Ҳойнаҳой, ҳозироқ Американинг қўлида Япониянигина эмас, Россияни ҳам тиз чўктиришга қодир қурол борлиги ҳақида ўйлаётган бўлса керак. Аммо ҳақиқатан ҳам шундай қурол борми? Бордию синов кутилган натижани бермаган бўлса-чи?

Эҳтимол, Трумэн кифтлари тўғри бурчак мундирининг ҳамма тугмалари қадалган мўйлабли бу киши кўринишдагина осойишта, борингки, ҳатто бутун туриш-турмуши ва гаплашиши эринчоқларча экан, деб ўйлаган бўлса керак. Аслида Сталин доим сергак, ўзига берилган зарбани йўл-йўлакай даф этиб, сезилар-сезилмас, аммо катта куч билан ўша зарба берган душманини маҳв қилишга шай турарди.

Лекин ташқаридан қараганда Сталинда мутлақо хуруж сезилмасди.

У муштугини хотиржам кителининг чўнтагига соларкан, дўстона жилмайган кўйи Трумэнга мурожаат этди:

— Хўш... Энди биз кетайлик.

— Сиз, биз билан тамадди қилмайсизми?— деб сўради Трумэн.

Унинг овозида беихтиёр афсусланиш оҳанги сезилди. Дарҳақиқат, Трумэн Сталин уни музтар этиб, музтар этганда ҳам Бирнс билан Болен ҳузурда музтар этиб жўнаб қолишидан қўрқиб кетганди.

Президент ўзини кўрсатиш учун суҳбат давом этишини хоҳлаётганди. Унинг ўзи ҳам, ёрдамчилари ҳам мағлуб бўлиб қолавермасликлари керак. Арзимаган, ҳатто, фақат сўзда бўлса ҳам, бари бир, мағлублик ёмон.

— Афсуски қололмаймиз...— дея оғиз жуфтлади Сталин.

— Хоҳласангиз ҳар нарсага қодирсиз!— гапни бўлди Трумэн.

У шунчаки, қочиримсиз гапирган бўлса-да, сўзлари Сталинга, ҳамма нарса қўлингиздан келади, дегандек янгради. Трумэн дарҳол яна бир хатога йўл қўйганини тушуниб, жавоб кутган кўйи Сталинга хавотирли қарай бошлади.

Аммо Сталин Трумэнга: «Ташвишланманг, мен сизни мутлақо тўғри тушундим», дегандек мулоиймгина боқди.

— Майли, бўпти унда,— деди Сталин сўнгра.— Қолсак қолаверамиз.

Зиёфат анча жонли ўтди. Асосан Трумэн гапирди. Сталин баъзи жумлалар билангина чекланди. Қамгап, одамови Молотовнинг дилочди қилишидан умидини узган Бирнс Сталинга мурожаат этди:

— Гитлернинг чиндан ҳам ўлганлигига ишончингиз комилми?

Сталин кифтларини қисди:

— Гитлернинг бирор томонга, масалан, Испанияга, Аргентинага қочган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Фашизм осон жон бермайди.

Аммо Сталин, чамаси, зиёфатни конференциянинг ўзига хос дебо-часига айланишини хоҳламасди. Гап об-ҳаво, ошхонага туташ айвондан кўринувчи Гребниц кўлининг ажойиб манзараси, Америка, Россия ва Грециянинг миллий таомлари ҳақида борди.

Трумэн саволлар берар, Сталин мулоийм жавоб қайтарарди. Совет раҳбари чимдинибгина тамадди қилиб, Трумэнни тинглар экан, унинг кўзларига тикиларди. Стол ёнида ўзини ҳеч қарерга ошиқмаётган, иши бошидан ошиб ётмаётгандек тутарди.

Трумэннинг назарида гўё у, Сталиннинг диққатини тўлиқ жалб қилиб олгандек туюларди. Президент уни кузатар экан, Сталинни биринчи кўрганида саросималаниб, қўрққани беҳуда эканини тушуна бошлади. Афтидан, у, Сталинга ортиқча баҳо бериб, у ҳақдаги гапларга учган ва энг оддий сўзларига ҳам қандайдир алоҳида маъно берган экан; шекилли...

Аммо Сталиннинг худди уни синаётгандек кўзларига ўқтин-ўқтин синчиклаб тикилиши, ҳар қалай, Трумэнни саросимага соларди.

«Нега у бундай тикилади?» хавотирли ва айни вақтда гаши келиб ўйларди Трумэн. Сталиннинг диққат билан қарашидан у бирор муносабат аниқламоқчи бўлар, бироқ шабқўрлиги бунга ҳалақит берарди. У ҳатто совет раҳбарининг кўзи рангини ҳам аниқлай олмади.

Президент тўсатдан Оқ уйдаги ходимлар ўша унутилмас апрель оқшомида уни мана шундай назар билан кутиб олиб, худди шундай кузатиб қўйганларини эслади. Худди ўшаларга ўхшаб Сталин ҳам ҳойнаҳой, уни Рузвельт билан таққослаб кўрди. Уларнинг келажакдаги муносабатлари кўп жиҳатдан Трумэннинг ҳозир Сталинда қандай таассурот қолдиришига боғлиқ.

Трумэн Сталинда иродали, мустақил фикрли одам сифатида таассурот қолдиришни жуда ҳам истарди. У меҳмонининг осойишта, ҳорғинроқ, аммо дўстларча намоийшкорона мулоийм муносабатини кузатар экан, Сталинда кўнглидагидай таассурот қолдира ола билганига амин бўлди.

Ҳозир зиёфат столи ёнида ўтирган Сталин Черчилль ҳақида шартта дағал савол берган Сталинга мутлақо ўхшамас эди. Ҳозирги Сталин президентни ҳурмат билан тинглаб, унга мулоийм, умумий жумлалар орқали жавоб қайтарарди. У фақат бир мартагина ошкора қизиқиш изҳор этди.

Гўшт тортилди. Ҳабаш дастёр қадаҳларга қизил вино қуйди.

— Ажойиб вино экан,— деди Сталин кичик бир ютимдан сўнгра.—

Мен грузин бўлганим учун вионинг фарқига бораман. Бу қандай вино, французларникими ёки немисларники?

— Американики, — деди Бирнс фахр билан. — Калифорнияники.

— Америкаликларнинг яна битта яхши фазилатлари — мана шундай аъло нав вино тайёрлай олишларини билганимдан гоъят хурсандман, — жилмайди Сталин.

Трумэн Бирнсга имо қилиб қўйди. Давлат секретари бир дақиқача ташқарига чиқиб келди. Уша куниёқ Сталин қароргоҳига бир қутга Калифорния виноси жўнатилди.

Ниҳоят, Сталин соатига қаради. Ҳамма бирин-сирин ўрнидан тура бошлади.

Сталин хайрлашмоқчи бўлаётганди, Трумэн Сталин ва Молотов иккалалари америка фотомухбирлари ҳамда кинооператорларининг бу учрашувни суратга олишлари учун айвонга чиқишларини илтимос қилди.

Сталин дарҳол рози бўлди. Трумэннинг назарида ҳозир совет раҳбари ҳар қандай илтимосни бажарадигандек туюлиб кетди. Мезбонлар меҳмонларни таклиф этишган айвон чоғроқ боққа қараган эди. Дарахтлар орасида бир-бирларига халақит бериб америкалик кино ва фотожурналистлар тўпланишганди. Сталин Трумэнга қўл узатганди, президент дарҳол бу қўлни қисди. Совет ва америка раҳбарларининг учрашуви тарих учун эсдалик қолдирилди.

Бир неча дақиқадан кейин Сталин, Молотов ва Павлов Трумэннинг қароргоҳини тарк этишди.

— Хўш, қалай?.. — деб сўради Трумэн Бирнс билан танҳо қолгач.

— Жо амаки мушт ўқталиб қўйди, — истеҳзоли жилмайди Бирнс. — Аммо, умуман, қуюшқондан чиқмади. Ахир, биз уни эмас, у бизни Бабельсбергга таклиф этди. Таклиф эгаси илтифотли бўлиши керак.

— Бу ерда илтифотлиликнинг нима дахли бор? У одам учун ҳамма нарса бир пул. Агар сиз айтганингиздек илтифот кўрсатган бўлса, зарбага учрагани учунгина шундай қилди.

— Қандай зарба?

— У Узоқ Шарқда бериладиган ёрдам тилга олиними билан бизларни типирчилаб қолишади, деб ўйлади. Аммо бу найранги ўтмади.

Яқингинада ҳам Бирнс янги президентни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Рузвельт Сталин шахсига ортиқ баҳо бериб юборган, деб уни ишонтирган эди. Энди Бирнс президент унинг гапларини айнан қабул қилганидан хавотирлана бошлади. Трумэннинг мақтанчоқлик билан ўзига ишониб гапириши уни ҳанг-манг қилиб қўйди.

Трумэн Сталинни тиз чўктиришга қодир шахс эмаслигига Бирнснинг ақли етарди.

Трумэнни кўпдан билган Бирнс дилида уни ҳеч қачон йирик кўламдаги арбоб деб ҳисобламасди. Вақти келиб Бирнс у ҳақда ошкора менсимай гапирадиган бўлади.

Рузвельт билан Сталиннинг муносабатлари ҳақида эҳтиётсиз гап қилиб қўйгани учун Бирнс ич-ичидан койиркан, вақт ганиматлигида бу хатосини тузатмоқчи бўлди.

— Ўйлашимча, ҳар қалай Сталинга етарли баҳо бермаслигимиз ҳам тўғри эмас. У билан муносабатда доимо эҳтиёт бўлиш керак. Сталин ҳақида тарқалган гапларда унинг шахси ошириб юборилган, десам-да, мен мутлақо бошқа...

— Бемаъни гап, Жеймс! — гапни бўлди Трумэн. — Биз ўзимизча Сталин жумбоқ шахс, ашаддий жодугар, Маккиавеллиона маккору доно, қудратли ва шафқатсиз Темурланг, шамшир тутган ҳозирги замон Теракли деймиз. Аммо бу сафсата, холос. Ўз-ўзини ишонтириш. Амброз Бирнс асарларини ўқиганмисиз?

Бирнс хижолатомуз қошларини керди.

— Кам ўқигансиз, Жимми,— ачиниш аралаш жилмайди Трумэн.— Амброз Бирнс — машҳур Америка ёзувчиси.

Бирнс сукут сақлаганча тураверди.

Трумэн қалтис гап қилиб қўйганини тушунди. Бирнснинг номи қайд этилган қарийб ҳар бир газета мақоласида янги давлат секретари тажрибали, ҳатто моҳир сиёсатдонлигига қарамай, умумий маданиятдан маҳрумлиги таъна қилингуچийди.

— Кам китоб ўқиганингиз фойда қилган бўлиши ҳам мумкин сизга,— деди Бирнсга тасалли бергандай Трумэн.— Мен, масалан, китоб ўқишни яхши кўрадим, бу ишқивозлигим шабкўрликка олиб келди. Гап бундай, Бирнснинг ҳикояларидан аллақайсисида бир жуфт бошмоқ тугмаси деб юраги ёрилиб ўлган одам тасвирланади.

— Бу ерда тугманинг нима дахли бор?

— Тугмалар ялтироқ бўлган. Анали одам эса илонлар кўзида оҳанрабо борлигини биларди.

— Лекин тугмалар...

— Ҳамма гап шу тугмаларда-да. Бечора одам назарида унга бўғма илон тикилиб тургандай туюлгани учун қочиб қолмоқчи бўлган. Аммо у қочиб кетиш ўрнига, аксинча, гўё авралгандай даҳшат ичида ўз ажали сари пешвоз юрган.

— Хўп, тугманинг бу ерда нима дахли бор?— сабрсизлик билан саволини такрорлади Бирнс.

— Худди шу тугмалар қандайдир қўғирчоққа кўз ўрнида ўрнатиб қўйилганди. Маҳкум одам тугмаларни кўз деб билгани учун жодуланган-да, ҳалок бўлган.

— Болалар эртаги-ку!— деди Бирнс ҳафсаласи пир бўлиб.

— Эртак? Албатта! Аммо болаларники эмас. Гап бу ерда ўз-ўзини ишонтиришнинг ҳалокатли оқибатидадир. Сиз мутлақо ҳақсиз: Черчилль ҳам, Гарриман ҳам, Дэвис ҳам Сталинни илоҳий одамга чиқариб қўйишган. Аслида бўлса у оч-яланғоч катта бир мамлакатнинг оддий бошлиғигина, холос. Биласизми, уруш унга қанчага тушди? Тўрт юз саксон беш миллиард долларга! Шунчалар зарар кўрган бизнесмен музокаралар пайти нима дейиши мумкин? Қуруқдан-қуруқ мақтанари, вассалом! Яшириб қўйилган олтиним бор, дейди қарз берувчига. Аммо найранги фош бўлиб қолгач, шармандаси чиқади! Музокарачиси талаб қилган процентни тўлайди. Ёки инқирозга учраганини эълон қилиб, ўйиндан чиқади. Сталин бизга тўлаяжак процент бу — Польша, Болгария, қўйинг-чи, шарқий Европадан иборат. Бунинг эвазига биз унга пича Германиядан даромад кўриши учун рухсат этамиз.

Трумэн ҳозир Сталин йўқлигида унинг барча ҳужум йўлларига чек қўйгандек кескин қўл силтаб қўяркан, илдам одимлар билан бир неча марта кабинетнинг у бошидан бу бошига бориб келди.

Президентнинг ўзига ишонган оҳангдаги гапи ҳамон Бирнсга айри ботарди. Айни вақтда Бирнс президентнинг бундай оҳангда гапиришида Сталиннинг соддалиги, совет раҳбари чин юракдан Қалифорния виносини мақташи эмас, балки... Гаррисоннинг телеграммаси сабабчи эканини тушунарди. Трумэнга ҳозир худди ўша телеграмма порлоқ йўлчи юлдузлик қилаётган эди.

Шундайми ёки йўқми, лекин ҳозир, конференция очилишига саноқли дақиқаларгина қолганида президент дилига шубҳа солиш хато бўлур эди.

— Сиз ҳақсиз, Гарри,— деди Бирнс самимий оҳангга ўтиб.— Айниқса Сталинга бошмоқ тугмалари бўлса-ю, сизда эса...

Трумэн қоққан қозиқдай шартта юришдан тўхтади-да, паст овозда интиқ сўради.

— Бирор янги хабар борми?

— Билмадим.

— Балки суҳбат чоғида... Дарҳол Стимсон билан боғланинг,— буюрди Трумэн.— Воганга айтинг,— қўшиб қўйди у соатига қараб,— жўнашга тайёрланишин. Конференция йигирма минутдан кейин бошланади. Кечикиб қоляпмиз.

Сталин Трумэн ҳузурида овқатланаётган пайт совет кино ва фотомухбирлари Цецилиенхофнинг мажлислар залида сабрсизликдан ўзларини қаерга қўйишни билишмасди.

Воронов бу залга биринчи марта кириши эди. У бекорчиликдан сербар икки йўлакки ёғоч зинапоянинг зиналарини санади, баланд суянчиқли ва афсонавий эҳромлар шаклида ишланган дастали креслолар ва кенг, оқ девор панелларига ўрнатилган уч давлат байроқларини расмга олди. Соқчи офицерлар Вороновга конференция ишлаши керак бўлган стол Москвада буюртма билан бажарилиб, бу ерга махсус юк вағонида келтирилганлигини айтишди. Жиҳозлар эса Сан-суси паркиннинг сарой биноларидан олиб келинибди. «Фотиҳ шаҳзода» олиб кетиш иложи бор жами нарсаларни Цецилиенхофдан ташиб кетганди.

Воронов олган расмлари ўзидан бўлак ҳеч кимга керак эмаслигини биларди, унинг учун муҳим нарса тарихга қиражак залда ҳозирлиги эди. Ҳамкасблари эса кино ва фотоплёнкага тушириш мумкин бўлган нарсалар билангина қизиқишарди.

Воронов зални кўздан кечирар экан, мумкин қадар кўпроқ деталарни, шу жумладан, расмга олиш имкони йўқларини ҳам эслаб қолишга ҳаракат қиларди. Бу деталлардан у мақолалари устида ишлатганди фойдаланиши мумкин эди.

Соат миллари бешга яқинлашарди. Залда аввалгича совет журналистларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Аммо вазият тарафга. Ҳарбий ва фуқароча кийимли қўриқчи совет офицерлари остонада ўз постларини эгаллашди. Герасимов барча тайёргарликлар тўхтатилишини буюрди.

Вороновнинг назарида Тарихнинг ўзи ўз кўринмас соатидаги сўнги лаҳзаларни санаётгандек туюларди...

Чоракта кам бешда Герасимов шартта қўлини кўтарди. Шу заҳотиёқ залда кўз қамаштирувчи ёруғ нур порлади.

Барча объективлар қаратилган эшик очилди. Залга Сталин кириб келди.

Воронов «лейка»сининг затворини чиқиллатди, кадрни тез ўзгартириб, яна расмга олди.

Сталин бир-бир юриб, стол ёнига келди. Бир неча лаҳза жим тургач, тақа-тақ ёпиқ бошқа икки эшик томонга қаради.

— Ана холос...— деди секин Сталин.— Бир мартагина ўз вақтида келсам...

Бу сўзлар бир оз эзмароқ, аини вақтда самимий оҳангда айтилган эди. Ҳафсаласи пир бўлган Сталин жилмайган кўйи қўл силтаб қўйгач, ташқарига йўналди. У остона ҳатлаган заҳоти, кўзга чалинмас кимдир эшикни шартта ичкарасидан бекитди.

Журналистлар Герасимовга ҳанг-манг қараб қолишди.

Гўё уларга жавобандек залнинг очиқ деразаларидан сиреналар чинқириши ва қаттиқ автомобиль гудоқлари эшитилди.

Воронов ташқари интилди. Цецилиенхофнинг асосий кириш йўлини тўсиб турувчи пештоқ тагига етгач, тўғри қаср сари елиб келаётган америкалик мотоциклчиларни кўрди.

Сталин Цецилиенхофга аста, дабдабасиз келгани учун унинг келганини қўриқчи ходимлардан бўлак ҳеч ким сезмаганди, шекилли.

Америкаликлар бўлса мотоцикл ва машиналарда худди ёнғинга келгандай келишди.

Айниқса мотоцикллар жўрттага овоз сусайтиргичлари олиб қўйилгандек қаттиқ тарилларди.

Мотоциклларнинг эгалари рулга жудаям яқин бўлгани учун мотоциклчиларни узун ярим доира шох ўраб олганга ўхшарди. Сербар оппоқ камар тўқалари ялтираб, қизил фаралар кўзни қамаштириб, сиреналар тинмас, гилдирак остидаги чақир тош гижирлаб, автомобиллар бетоқат бибибларди...

Вороновнинг қулоғига кимнингдир кинояомуз:

— Келин-куёв келяпти,— дегани эшитилди.

У орқасига ўгирилиб, чегарачи офицерлардан бирини кўрди.

— Нега энди келин-куёв?— деб сўради Воронов.

— Дабдабани қаранг,— жавоб қайтарди офицер кулиб.

Асов ҳўкиз подасидек елаётган бутун бир моторлашган гала қасрга етмасдан бор тезлиги билан чап томонга бурилди. Вороновга «виллис»лар ортдаёқ унга таниш ҳаворанг ойнали баҳайбат «кадиллак», «кадиллак» кетидан мотоцикллар, мотоциклчилар изидан яна учтамитўртта «виллис» ва ниҳоят қўллариди автоматлар ҳамда қўл пулеметларини шай тутган солдатлар тўла юк машинаси кўринди.

Бундай қаттиқ тар-тур, бибиблаш, сирена чинқириқлардан кейин Черчиллнинг келиши Вороновга жудаям осойишта бўлиб туюлди. Англия бош министрининг автомобили иккитагина «виллис» кузатувида келиб тўхтагани.

Воронов залга шошилиб, Сталин чиққан эшик яқинидан жой олди.

Бир неча дақиқадан сўнг залга шовқин-сурон билан америкалик ва инглиз мухбирлар галаси ёпирилиб кирди. Қаттиқ-қаттиқ гапириш, кулги эшитилди ва дарҳол жой учун талаш бошланди.

Совет журналистлари аллақачон ўз ўринларини эгаллаганлари учун қолган жойни бақир-чақир америкаликлар билан инглизлар ўзаро бўлишдилар.

— Хэлло, Майкл!— хитоб қилди Вороновга таниш овоз.

Брайтни эшикка қисиб қўйишганди. Афтидан, у энг охирида келган бўлса керак, шунинг учун эпчиллигига қарамай, пойгакка жойлашибди. Брайт эшик ёнида туртина-суртина янги «Спид-грэфик»ни боши узра баланд кўтариб турарди.

— Мистер Брайт, бу ёққа келинг!— қичқирди Воронов. Брайт ўтиб олишга урина бошлади.

— Утказиб юборинглар!— тутоқарди у.— Мени анави рус йигити чақиряпти, ахир!

«Рус йигити»ни тилга олиш, афтидан, ҳамманинг диққатини тортди шекилли, Брайт шундан фойдаланиб қолди. У бир силтаниш билан Вороновнинг ёнига етиб борди.

— Менинг ўрнимга ўт,— шивирлади унга Воронов.

Сўнгра ўзи совет кинооператорларига бориб қўшилди.

Ниҳоят, ғовур-ғувур тинди. Яна «юпитерлар» порлади. Ҳар учала эшик деярли баравар очилиб залга Сталин, Трумэн, Черчилль кириб келдилар.

Улар гўё кинооператорлар ва фотоафлар ўз вазифаларини бажаришларига кўмаклашмоқчидек бир неча лаҳза остонада тек қотишди. Кейин таржимонлар кузатувида хотиржам улкан стол сари йўналишди. Журналистлар давлат бошлиқларининг учрашувини акс эттириб қолишлари учун таржимонлар ярим йўлда тўхташди. Сталин кўкрагига олтин юлдузча қадақли ним сарғиш ранг кителда эди. Трумэн «капалакча»си ўрнига қора галстук таққан, аммо ўша ўзининг сеvimли рангин туфлисида эди. Черчилль кўкрагига орденлар планкаси тақилган ҳарбий мундирда, оғзидан сигара тушмасди.

Раҳбарлар учаласи столга яқин келиб, одатдагидан узоқроқ қўл қисишиб кўришдилар.

Шундан сўнг таржимонлар яқинлашиб Сталин, Трумэн, Черчилль бир-бирларига бир неча оғиз сўз айтишди. Очиқ эшиклардан ҳарбий формадаги ва фуқароча кийимли кишилар чиқа бошлашди.

Совет газеталари фақат Берлинга Сталиннинг келганинигина хабар қилди, холос. Унинг муовинлари Вишинский, Майский ва Кавтардзе, Қизил Армия Бош штабининг бошлиғи Антонов, адмираллар Кузнецов ва Кучеров, элчилар Громико ва Гусаев, ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари — Новиков, Царапкин, Қозиров ва Лавришчев, Германиядаги совет ҳарбий маъмуриятининг вакиллари Сабуров ва Соболевлар келганларини кинематографистлардан билиб олган эди.

Бу кишиларнинг баъзиларини Воронов (Сталин ва Молотовдан ташқари, албатта) юзларидан танирди. У Бабельсберг ошхонасига келганида кинематографистлар уларни кўрсатишганди.

Сталин қўлларини кенг ёзиб, ҳаммани ўтиришга таклиф этди.

Трумэн, Черчилль, шундан кейингина Сталин бир-бирларидан бир хил масофадаги баланд суяниқли креслоларга ўтиришди. Делегация аъзолари ҳам ўз жойларини эгаллашди.

Кимдир баланд овозда русча эълон қилди:

— Расмга олиш тугади. Журналистларнинг мажлис залидан чиқиб кетишлари сўралади.

Америка делегациясининг хонасига кирадиган эшикдан баланд бўйли, оғир вазли боксерга ўхшаган жуссадор генерал чиқди.

— Ҳой йигитлар, нима, эшитмадингларми?— дея ўшқирди инглизчалаб у.— Қани, бир туёғинглари шикаллатинглари-чи бу ердан!

Фото ва киномухбирлар худди ҳозиргина бу ерда кўрганлари ҳамон кўз олдиларидан кетмаётгандек жимгина зални тарк этишди.

...Брайт Вороновга Цецилиенхофни Бабельсбергдан ажратиб туврчи кўприк йўлида етиб олди.

— Оббо сен-э!— хитоб қилди Брайт.— Ҳақиқий дўстсан-да! Биласанми, уни қандай расмга олдим! Йирик планда! Ҳатто кўкрагидаги юлдузчаси ҳам яққол тушган бўлиши керак. Анчагина яқинида эдим-да. Сен-чи?— эсига тушиб қолгандек сўради Брайт.— Расмга ололдингми ишқилиб?

— Ҳа,— тафсилотсиз, лўнда жавоб қайтарди Воронов ва ўз навбатида у ҳам сўради:— сизларни залдан ҳайдаб чиқарган генерал ким эди?

— Генерал?— деб қайта сўради Брайт.— Гарри Воган-ку у. Штатлардаги лақабини биласанми? «Президентнинг шахсий фирибгари!» Менга қара, ошна!— ҳаяжонланиб давом этди Брайт.— Бундай омадим келиши ҳатто тушимга ҳам кирмаганди! Йигитлар олган расмларимни газеталарда кўриб аламдан бурунларини тишлашса керак ўзиям! Бу ёғи ялло энди! Асосий вазифа бажарилди!

— Йўқ, Чарли,— деди ўйчан Воронов.— Асосийси энди бошланди. У ерда ҳозир бўлиш учун ҳеч нарсамни аямасдим... Лоақал дастлабки сўзларни эшитиш йўлида...

— Дастлабки сўзларни?— бепарволик билан унинг сўзини бўлди Брайт.— Истайсанми, ўша сўзларни мен айтаман? Гонорарнинг кераги йўқ. Эшит. Сталин ҳаммани ўтиришга таклиф қилганини сездингми? Демак, конференцияни ўшанинг ўзи очади. У хўжайин, бу ҳаммага равшан. Сўзларми? Марҳамат, ёзиб ол. «Жентельменлар, конференцияни очиқ деб эълон қилишга ижозат этасизлар». Бу русчада қандай айтиларди?..

Үн биринчи боб

«Терминал»

Хамма жой-жойига ўтирган ҳамон Черчилль оғзидан сигарасини ҳолиб сўради:

— Конференциямизда ким раислик қилади?

У бу сўзларни бошқа одам айтиб қўйишидан ҳайиққандек ошиғич талаффуз этди.

— Америка Қўшма Штатларининг президенти Трумэнни таклиф этаман, — жавоб қайтарди дарҳол Сталин.

— Инглиз делегацияси бу таклифни қувватлайди, — деди Черчилль ёққан гугуртини сигарага яқинлаштириб.

Трумэн бошқа номзод таклиф этилишига имкон бераётгандек чурқ этмасди. Сталин билан Черчилль қўллаганларидан кейин раисликка ундан бўлак номзод бўлмаслиги табиий эди, албатта.

Трумэн стол ёнидаги биринчи қаторда ўтирган Бирнс, Сталин, Молотов, Вишинский, Громико, Черчилль, Иден, Эттлиларга назар солиб чиқди. Хамма сукут сақларди.

Черчилль афтидан, тоқатсизланиб, сигаранинг учини чайнай бошлади.

Зал жимжит. Совет, америкалик ва инглиз соқчи ходимлар ҳарбий форма ҳамда фуқароча кийимда девор бўйлаб, эшик ёнларида жим турардилар. Фақат пашшаларнинггина учиши эшитиларди, холос.

Ташқаридаги тош ойнали, Юнгфернзее кўлига қараган деразалар тагида совет автоматчилари саф тортишганди. Кўл ўртасида Совет, Америка ва Британия байроқлари қадалган уч нафар чоғроқ ҳарбий кема кўзга ташланар, уларнинг сув сатҳидаги соялари яққол акс этарди.

Трумэн кўл ўртасида ҳам унинг сайланишини маъқулловчилар бордек кемалар томонга қаради.

Сукунат чўзилиб кетди. Хамма Трумэн рози бўладими ёки рад этадими, деб интиқ эди.

Президент ҳамон чурқ этмасди. У бу тарихий лаҳзалар чўзилишини истар эди. Соатга бир назар ташлаб ҳам қўйди. Вақт бешдан ўн беш минут ўтган эди.

Ҳозир Трумэн ич-ичидан тантана қилар эди. Дунё ҳакамлиги қийин эмаскан-ку асти! Атиги уч ой аввал у Қўшма Штатларга президент бўлган эди, бугун эса Сталин билан Черчилль урушдан кейинги Европа тақдирини ҳал этажак конференцияга раислик қилишни илтимос қилишяпти.

Трумэн ҳеч қачон бундай миқёсдаги кенгашни бошқармаганди. Сталиннинг таклифи уни шошириб қўйди. У беш минут олдин, гарчи, расмий бўлса ҳам, бундай шарафни, бундай эътирофни сира кутмаган эди.

Қисқа муддатли эсанкирашдан сўнг Трумэн ўйлади: «Ҳозирги конференция исталган сенат комиссияси мажлиси ёки президент бош акционер бўлиши эҳтимоли бор йирик консорциум бошқармасидан нимаси билан фарқ қилади? Капитолий тепалиғи ва Нью-Йоркнинг осмонўпар тош қафасида эмас, америкалик бизнесмен учун ғайри одатий кўҳна усул масканда ўтаётганлиги биланми? Лекин нафсиламрича айтилса, Америка тарихи бошланган Вашингтон уйи ҳам Англия архитектурасига тақлидан қурилган-ку, ахир!

Хўш, фарқ нимада? Асрнинг энг қудратли сиймолари йиғилганидами? Аммо қаршида ўтирган, қанчалаб қарама-қарши афсоналарга

сабабкор мана шу одам ҳозиргина Америка президентининг номзодини кўрсатмадимиз?»

Жим ўтириши чўзилиб кетаётганини сезган Трумэн ниҳоят тилга кирди:

— Конференциямизда раислик қилишни зиммамга оламан.

Президент бу сўзларни тантанаворсиз, гўё конференцияни одатдаги, жўн бир нарса ҳисоблагандек, бунда унинг раислик қилиши ажабланарли эмаслигини таъкидлагандек қуруқ ва омилкорона оҳангда айтди. У эпчил ҳаракат билан ўрнидан туриб, оғир креслони столга яқинроқ сурди.

— Мен учрашувимиз чоғигача тўпланиб қолган ва қараб чиқилиши кечиктириб бўлмайдиган масалалардан баъзиларини эътиборларингга ҳавола қилишга жазм этмоқчиман,— давом қилди у дарҳол ишга киришиб. Шундан сўнг конференциямиз кун тартибининг ўзини муҳокама қиламиз.

Шундай қилиб, ҳеч қандай табриклашсиз, қадаҳ кўтаришсиз! Иш бошлаш!

Трумэн қаршисида ўтирганлар у айтган сўзлар баҳсга молик эмаслигини олдиндан билганларига имони комилдек тез-тез гапира бошлади.

Бундан пича нафсонияти таҳқирланган Черчилль оғзидаги сигарасини ҳам олмай луқма ташлади:

— Умид қиламанки, кун тартибига қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга бўламиз.

Трумэн бу луқмага Сталин қандай аҳамият беришини билиш учун унга бир қур нигоҳ ташлаб қўйди.

Аммо Сталин осойишта чекиб ўтирарди. Чамаси у Черчиллдан фарқли ўлароқ президентнинг сўзларида ҳам, гап оҳангида ҳам номаъқуллик сезмасди.

Бу Трумэнни дадиллаштирди. У Черчиллга жавоб қилмай, давом этди:

— Ҳозир энг жиддий проблемалардан бири — сулҳ ҳақидаги музокаралар масаласини тартибга соладиган қандайдир механизм ўрнатилдан иборатдир... Версель конференциясининг тажрибаси...

Трумэн узоқ гапирди.

Агар пашшалар ҳалақит бермаса, у яна ҳам узоқроқ гапирарди. Қўл сатҳида гала-гала кезаётган пашшалар очик деразадан отилиб кириб, тўхтовсиз тамаки тутатиб ўтирган Сталин билан Черчиллни кам безовга қилар, аммо чекмаганларни, шу жумладан, америка президентини чаққани-чаққанди. Трумэн нутқ сўзлаётиб, дам сайин бир варақ қоғоз билан пашша қўрирди. Бир гал бардоши тугаб, чаккасини қаттиқ шапатилади.

Ичкари дим ва тамаки тутунига тўлиб кетгани учун деразани ёпиш иложи йўқ эди. Бироқ одоб юзасидан Трумэн ҳадеб қоғоз билан пашша қўриш, чаккасини шапатиллашдан ўзини тияр, чидашга тўғри келарди. У пашшалардан алахшиш учун гапини давом эттираверди. Етарли тайёргарликсиз ўтказилган Версель конференцияси камчиликларини мисол келтирди. Буюк Британия, СССР, АҚШ, Франция ва Хитой ташқи ишлар министрларидан иборат махсус ташқи ишлар министрлари Советини тузишни таклиф этди. Нутқини якунлаб бундай деди:

— Худди шу руҳда мен томонимдан ташқи ишлар министрлари Советини ташкил этиш лойиҳаси тузилган ва уни сизларнинг муҳокама-ларингга ҳавола қиламан...

Трумэннинг нутқи вақтида залда жимлик ҳукм сурди! Уни баъзан қоғоз шитирлашлари бузарди, холос: америка ва инглиз делегацияла-

ри эшикларидан Трумэн танимаган кишилар кириб келиб, гилам устида аста одимлаган кўйи дам Бирнс билан Леги, дам Иден ёки Керру ёнига яқинлашардилар-да, бир хил қоғозларни келтиргач, бошқаларини олган заҳоти тагин ўшандай астагина чиқиб кетишарди.

Аввалига Трумэн америкаликлар бўлмаса остонасида ким кўринса беихтиёр унга қараб қўя бошлади. Мабодо Гаррисон ёки Гровсдан бирор хабар келгудек бўлса, дарҳол унга етказишлари керак эди. Лекин ҳеч ким ҳеч қандай хабар айтавермагач, ҳадемай Трумэн мажлислар залига ким кириб, ким чиққани билан иши бўлмай қўйди.

Президент нутқини тугатган ҳамон унинг маслаҳатчилари совет ва англиз делегацияси аъзоларига Трумэн айтган лойиҳанинг машинкада ёзилган текстини тарқатишди. Молотовнинг ёрдамчиси Подцероб дарҳол залдан чиқиб кетди — ҳужжатни зудлик билан ёзма таржима қилиш керак эди.

Бу тадбир тугагач, Трумэн нутқи қандай таассурот қолдирганини билиш учун Сталин билан Черчиллга тикилди.

Черчилль ошкор равишда асабийлашарди. Унинг қовоғи уюқ, оғзининг бир буржидаги сигара титрарди. Ўқтин-ўқтин кифт силкитиб қўяр экан, барча ҳаракатлари орқали конференция шуғулланиши керак бўлган ишлар билан шуғулланмаётганини билдирмоқчи бўларди.

«Европа!» биргина мана шу сўзнинг ўзида Черчилль учун ҳамма масалалар жамулжам эди. «Қатта учлик»нинг учрашуви йўлида у бунча куч сарфлаши беҳуда эмасди. Ахир, у кеча Трумэн билан шулар тўғрисида келишиб олмаганмиди? Трумэн конференциянинг асосий мақсади — Европада руслар йўлига ғов қўйиш, таркиби Британия ва Қўшма Штатларга маъқул Европа давлатлари тузиш фикрини рад этмади шекилли?..

Нима жин уриб пайсалга соляпти бу Трумэн? Ўз-ўзидан маълумки, унинг Черчиллга қараганда вақти кўп: президент ўз лавозимида ҳали узоқ қолишини билади. Черчиллнинг тақдири эса бир ҳафта, нариси билан ўн кундан кейин ҳал бўлиши керак. Енгинасида осойишта, чаккаси ва энсасидагина яккам-дуккам соч толалари қолган кўримсиз одам — Клемент Эттли ўтирибди. Ун кундан сўнг Буюк Британияни ким: аввалгича Черчиллми ёки Клемент Этлми бошқара бошлаши маълум бўлади.

Хўш, Сталин-чи, Сталин нима деркин?..

Совет раҳбари ҳамон папириси тутунидан кўз узмай хотиржам чекиб ўтирарди.

Черчилль ҳозир бу стол теварагида ўтириш дастлабки босқич эканлигини тушунарди. Ҳатто жанг билан разведка қилиш ҳам энди бошланиши керак. Хўш, қачон? Эҳтимол эртагадир. Балки кейинроқдир. Қисқаси, энг муҳим нарса, аввало, Германия билан Польшанинг келажаги ҳақида сўз боргандагина бошланади.

Бироқ Трумэн теварагидагилар қиёфасини кўпда узоқ кузатиш имкони бўлмасди.

— Бу масалани келгуси мажлисда доклад қилиш учун ташқи ишлар министрларимиз муҳокамасига беришни тақлиф этаман,— деди тоқатсизланаётган Черчилль оғзидан сигарасини олиб.

— Розиман,— бош силкиди Сталин,— фақат бу кенгашда Чан Кай-ши вакилнинг иштироки масаласигина менга равшан эмас,— деди у бир нафас сукутдан кейин.— Ахир, Европа проблемаларигина назарда тутилмоқда-ку? Бундай вакилнинг иштироки мақсадга мувофиқмикин?

— Бу масалани бизга ташқи ишлар министрларимиз доклад қилганларидан сўнг муҳокама этамиз,— шартта жавоб қайтарди Трумэн.

— Яхши!— Сталий ҳамма нарсада Трумэн фикрига қўшилишни

олдиндан режалаб олгандек бу сўзни хотиржам, ҳатто лўндагина айтди-қўйди.

Ҳар қалай, Америка президентига шундай туюлди.

— Энди Германия юзасидан Контроль Кенгаш тўғрисида,— яна гап бошлади Трумэн. У ўзини тажрибали темир йўл машинисти каби конференцияни тайёр рельс устидан олиб бораётгандек сезаётгани учун гайратга минганди.— Мен, бизнингча, кенгашнинг иш асосини ташкил этажак принципларни муҳокамаларга ҳавола қилмоқчиман...

— Мен Америка ҳужжати билан танишганимча йўқ,— унинг сўзини бўлди Черчилль.— Аммо уни катта эътибор ва ҳурмат билан ўқиб чиқаман.— Қўшиб қўйди кейин заҳарханда аралаш.— Бу масала кенг кўламли бўлгани учун уни министрларга топшириб қўйиш тўғри бўлмаса керак. Олдин ўзимиз ўрганиб чиққанимиз маъқул...

— У ҳолда, бу масалани эртага кўчира қоламизми? — деди Сталинга савол назари билан қараб Трумэн.

Сталин папиросини биллур кулдонда яхшилаб ўчиргач, хотиржам жавоб қайтарди:

— Нима дердик, эртага қолдириш ҳам мумкин. Министрлар бу ҳужжатларни биз билан бир вақтда ўрганиб чиқишса бўларди. Бунинг зарари йўқлигидан ташқари...

— Министрларимиз президент олдинга сурган биринчи масала бўйича етарли вазифага эгалар,— деди Черчилль.— Эҳтимол, уларга бу иккинчи масалани ҳам бериш мумкиндир, аммо бугун эмас, эртага, шундайми?

— Яхши,— аввалгича бажонидил рози бўлди Сталин.— Келинглар, эртага бера қоламиз.

Трумэн унга ажабланиш ва миннатдорчилик билан қаради.

«Бу одамга нима бўлди ўзи? Уни жудаям баҳсчи дейишганди-ку! Ваҳоланки ким нима деса рози бўляпти! Эҳтимол, бетоб-у вазифасини мажбуран ўтаётганмикин? Унда нур устига аъло нур!»

Бироқ Сталин чарчаганга ҳам, бетобга ҳам ўхшамасди. Унинг саргиш ўйноқи кўзлари осойишта, Трумэнга туюлгандек мулойимлик билан боқарди. У вақти-вақти билан қаршисидаги стол устида турган яшил папирос кутисига қўл узатиб шошилмайгина чекарди.

Черчилль оғзиде сигараси билан дам-бадам маслаҳатчиларга мурожаат этарди. Сталин бирор марта ҳам қўл остидагилар билан маслаҳатлашмади. Унинг олдида ҳеч қандай ҳужжат ҳам йўқ эди. Фақат мўъжазгина тоза қоғоз бўлиб, у ҳам қўл тегизилмай ётарди.

«Ҳали хотиржамликка эрта!— деди Трумэн ўзича.— Қани, бу ёғини кўрайлик-чи!»

Президент кўзойнагини олиб, уни галстугига мос ялтироқ кулранг дастрўмоли билан яхшилаб артди.

— Энди америка делегацияси тайёрлаган меморандумни эълон қилмоқчиман...

Трумэн бу гапни пича тантанавор оҳангда айтди. У шу орқали мазкур меморандум конференциянинг бугунги ва эҳтимолки кейинги барча мажлислар боришида асосий ҳужжат бўлиб қолишлиги лозимлигини таъкидламоқчи эди.

Аслида бу ўша Бирнс ва унинг ходимлари Вашингтондаёқ «Меморандум» уйида ишга киришган пайтлар тайёрлашган таклифлар бўлиб, мазкур таклифлар ҳар оқшом Трумэннинг «Аугуста»даги каюта-сида муҳокама қилинарди.

Икки соатлар аввал, тушликдан олдин Трумэн бу таклифлар билан Сталинни умумий тарзда воқиф этишгача ҳаракат қилган эди. Конференциянинг ўзида конфликт келиб чиқишдан қўрққан Трумэн баҳсли масалаларни Сталин билан олдиндан келишиб олмоқчи ёки лоақал

американинг позицияси совет раҳбарига олдиндан маълум ва у томонидан эътироз билдирилмаганига йўймоқчи эди.

Ушанда Сталин унинг сўзларини диққат билан тинглагач, зиммага ҳеч нарса юкловчи бир-икки оғиз жумла айтганди. Кейин гап америка-япон уруши, унга Черчиллнинг муносабати устида кетди. Ушанда Трумэннинг қўлга кирита олган бирдан-бир нарсаси — Сталинни овқатлантиришгина бўлувди...

Бирне столдан папкани олиб, президентга бермоқчи бўлганди, ammo Трумэн уни олишга шошилмади. Биринчи қаторда ўтирганлар ҳозир президент айтадиган гапларни эшитишга тайёр-тайёрмасликларини синамоқчидай яна бир бор уларни кўздан кечириб чиқди.

Сталин муқаррарликка бўйсунгандай бошини қуйи солиб ўтирарди. Молотовнинг пенснеси ярқ этганига кўра у бош ирғаб қўйган эди.

Черчиллнинг кўнгли тўлгани яққол сезиларди. Трумэн инглиз бош министри кўзларига қараб унинг нигоҳидан маъқулланиш маъносини англади. Черчилль меморандумда нақ уни кейинги пайтлар ташвишлантириб келаётган масалалар борлигини жудаям яхши биларди.

Ниҳоят, Трумэн Бирне қўлидаги папкани олса ҳам, лекин уни очмай қаршисидаги стол устига қўйди.

— Меморандумда асосан шу нарса эслатиладики, жаноблар, — сўз бошлади сўнгра у, — Ялтада иттифоқдош уч давлат Европа ва Германиянинг собиқ сателлитларидаги озод қилинган халқлар хусусида бир қатор шартномалар олган эдилар. Тўғрими?.. Мана энди ҳозир ўша шартнома ҳалигача бажарилмаётганини қайд этишга мажбурмиз.

Трумэн Черчиллнинг қониқиш ва маъқулланиш билан бош ирғганини кўрди. Сигара кукуни инглиз бош министри қаршисидаги стол устига тушди. Президент Сталинга қарашга журъат этолмасди. Бу одам тинчликсеварлигига қарамай, президентнинг тахмин қилишича, ҳозир бирор ҳунар кўрсатиши керак эди. Шунинг учун Трумэн Сталин унинг нутқини тўғридан-тўғри чақирӣқ деб тушунмаслиги учун усталлик қилмоқчи бўлди.

— АҚШ ҳукуматининг фикрича, — ҳамон Сталиннинг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб давом этди Трумэн, — бу мажбуриятларнинг бажарилмаслигини дунё халқлари, давлатларимиз ўртасида бирлик йўқ, деб қабул қиладилар. Бу эса яқинда тузилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мақсадларининг самимий ва бирлиги шубҳали, деган фикр туғдиради...

«Бирлик» сўзини Трумэн жўрттага икки марта такрорлади. У Гопкинс билан қилган суҳбатидан бирлик проблемаси Сталинни айниқса кўпроқ ташвишлантиришини биларди. Бинобарин ҳозир у, Трумэн айтган сўзларни Сталин хайрихоҳлик билан қабул қилган бўлиши керак.

Шундан сўнг Трумэн чор-ночор Сталинга боқди. Ammo совет раҳбари навбатдаги папиросни чекиб ўтирар, унинг кўринишидан бирор маъно англаш қийин эди.

«Илож қанча, — ўйлай бошлади Трумэн совуқ сувга сакрашдан олдин мажбуран дадиллашган қиёфада. — Эртами-кечми, бари бир, очикчасига ўтишга тўғри келади. Бу ерга шунинг учун ҳам тўпландикда, ахир».

— Мен Ялтада олинган мажбуриятларнинг бажарилиши мана шу конференцияда тўлиқ келишиб олиншини таклиф қиламан, — дадиллашгандек оҳангда давом этди у. — Уч буюк иттифоқчи давлат ҳозирги Руминия ва Болгария ҳукуматларининг дарҳол қайта тузилиши зарурлигига рози бўлишлари керак...

Бирне Трумэннинг қулоғи остида шивирлади: «Пункт» «а» параграф «3»...

— «...Озод қилинган Европа ҳақида декларациянинг «а» пункти, «З» параграфига мувофиқ» — баланд овоз билан деди Трумэн.

Демак, Европанинг келажаги учун кураш бошланди! Инглиз бош министри, унинг кетидан америка президенти Совет Иттифоқини ғарбий дунёдан ажратиб турадиган ва советларга қарши доимий хавф туғдиражак урушдан аввалги «санитар кордони»нинг бир ҳалқаси сифатида Руминия билан Болгарияни сақлаш зарур деб топдилар. Асосий масалалар — бўлажак Германиянинг, урушдан кейинги Польшанинг ғарбий чегаралари ҳали олдинда эди, аммо конференция столи ёнида биринчи ўқ овози янгради.

Буни Сталиндан бошқа ҳамма тушунди.

Ҳа, ҳа, Трумэнга худди шундай туюлди. Президент яна бир марта Сталинга қарашга журъат этиб, унда ҳеч қандай ўзгариш сезмади. Сталин аввалдан маълум зерикарли премьерга кўриш учун таклиф этилган фахрий меҳмонга ўхшаб ўтирарди. Фақат илтифотли муомалада, холос!

Трумэн довдираб қолди. «Руминия билан Болгариянинг ҳозирги ҳукуматларини дарҳол қайта тузиш»нинг тагида нима ётганини Сталин тушунмаслиги мумкин эмас-ку!

Аммо Сталин мулоҳимгина, парвойи фалак ўтирарди. У гўё: «Нега жимиб қолдингиз? Давом эттираверинг. Мен бу ерда эканман, гапларингизни эшитишимга тўғри келади...» деяётгандек эди.

Трумэннинг хаёлига, Сталинда маълум вақтгача сир сақланувчи режа бўлиши керак, деган фикр келди. Айни вақтда у бошқа нарса-ни ҳам ўйларди: «Эҳтимол, ҳамма нарса биз ўйлагандан ҳам осонроқдир? Балки Сталин энгилганига иқрор бўлаётгандир? Америкаликлар билан инглизларни енга олмаслиги, унинг эътирозлари ҳеч нима бермаслигини тушунгандир?!»

Черчиллнинг хайрихоҳ қониқиш билан маъқулловчи оҳангда боқаятганини сезган Трумэн дадиллашиб, румин ва болгар ҳукуматларини қайта тузиш ва уларнинг таркибига барча йирик демократик группаларнинг вакиллари киритиш учун лозим бўлган тадорикни ишлаб чиқиш ҳақида гапирди.

Трумэн Руминия ва Болгариянинг ҳозирги вақтдаги ҳукуматлари Черчиллни ҳам, унинг ўзини ҳам қаноатлангирмаслиги ҳақида оғиз очмади. Ҳолбуки, Совет Иттифоқига дўст бўлмиш бу ҳукуматлар СССРнинг Гитлер Германияси устидан қозонган ғалабаси ва Гитлер билан ҳамкорлик қилган румин ҳамда болгар қўпоровчиларига қарши қўзғолон натижасида вужудга келганди.

Трумэн «демократик группалар» ҳақида гапирганда мана шу гитлерпараст ва айни вақтда ғарбпараст кучларни назарда тутган эди. У фақат шундай тарзда «қайта тузилган» ҳукуматларгина АҚШ билан Буюк Британия томонидан тан олиншини очиқ айтди.

Ҳозирги муваққат ҳукуматларни қандай ўзгартириш керак бўлади? Албатта, «эркин ва холис сайловлар» йўли билан. АҚШ ва Англия бундай сайловларни ўтказишда ёрдам қилишлари турган гап, Руминияда, Болгарияда, «Эҳтимол бошқа мамлакатларда ҳам», қўшиб қўйди Трумэн.

«Бошқа мамлакатлар»дан у Италияни, аммо ўзга масала муносабати билан атади. Яъни бу мамлакат Японияга қарши уруш эълон қилганлиги учун Италиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига киришни қувватлашни таклиф этди.

Шу пайт Трумэн иттифоқо ўз гапини ўзи бўлиб, бундай деди:

— Хужжатни бошдан-оёқ ўқиб бериш керакми? Вақтинглаз бемалолми?

Ҳеч ким дом-мим демади.

— У ҳолда меморандумимиз тексини совет ва инглиз делегацияларига топширишни илтимос қиламан,— деди Трумэн.

Бояги саҳна такрорланди. Бу гал совет делегациясининг бош секретари, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги коллегиясининг аъзоси Новиков ҳужжатни олиб, уни ўз ёрдамчиси Трухановскийга берди, у залдан чиқиб кетди.

...Черчилль Трумэннинг гапларини жим ўтириб, маъқуллаш билан тинглади. Совет қўшинларининг Европага кирган вақтидан бошлаб, унинг дилини тимдалаётган жаҳл ва ғазаб вақтинча босилди. Ҳатто Британиядаги сайловлар натижалари уни аввалгидан кўра, камроқ ташвишлантираётгандек туюлди.

Аммо, бари бир, у иложи йўқ нарса, яъни Европада Британия таъсирини тиклашга ташна эди. Агар совет таъсири альтернатив бўлса, у устунликни америкаликлар олишини хоҳларди. Черчилль кўпдан бери Европа Қўшма Штатлари орзусида эди. Орзуларида бу антисовет ва албатта инглизпараст федерацияда ўзини президент сифатида ҳис қиларди. Трумэннинг барча гаплари ҳозирча федерациянинг тузилишига зид келмас эди.

Аммо президент Италияни тилга олиши билан Черчиллнинг жаҳли чиқа бошлади.

Италия Англия билан Европанинг жанубидагина эмас, Урта ер денгизида ҳам доимо рақобатлашиб келарди. Бундан ташқари у яқиндагина урушда Гитлернинг актив иттифоқчиси бўлган эди. «Трумэн нима жин уриб Италияга валинеъматлик қилаётганикин? Британияга тегишли ишларга тумшугини тиқиши шарт эмас-ку?»

Черчилль вужудга келган сукунатдан фойдаланиб, ошкора жаҳл аралаш гап қотди:

— Жаноб президент, буларнинг ҳаммаси жуда муҳим масалалар, уларни муҳокама қилиш учун вақт керак бизга. Гап шундаки, бу масалаларда нуқтаи назарларимиз бир хил эмас. Италия Францияга орқадан зарба бера туриб, энг мушкул пайтларимизда бизга ҳужум қилган...

Ўтган уруш хотираларини тобора кўпроқ хотирларкан, у давом этди:

— Америка урушга кирганига қадар биз Африкада Италияга қарши икки йил жанг олиб бордик...

Мувозанатини йўқота бошлаган Черчилль ёнидаги Иден бир варақ қоғозга апил-тапил ниманидир ёзиб тўғри унинг қаршисига қўйганини ҳам сезмади.

«Ўзингизни босинг, сэр!», ўқиди бош министр. Аммо, варақни илтифотсиз нари суриб қўйди-да, ошкора ғазабнок Англия Италия билан олиб борган денгиз жангларида қандай қурбонлар берганини гапира бошлади. Англия қўшинларини Африкага юбориш билан ўз хавфсизлигини хавф остида қолдирди.

Иден варақни бош министр кўзи олдида бўлсин учун яна суриб қўйди. Черчилль министрига норози нигоҳ ташласа-да, лекин, ҳар қалай пича сукут сақлаб:

— Биз Италияга нисбатан энг яхши ниятлардамиз,— деди анча ўзини босиб.— Биз буни уларга кемаларимизни қолдириш билан исботладик.

Ниҳоят Черчилль гапиришдан тўхтади. Ҳарбий мундирнинг юмшоқ погонлари кифтларида дўмпайиб кўринарди. У кучсизланиб, парвоздан тўхтаган, аммо ҳали қанотларини йиғиб улгурмаган улкан бургутни эслатарди.

Сукунат ичра Сталиннинг осойишта, тинчлантирувчи овози эшитилди.

— Буларнинг ҳаммаси яхши гап, аммо бугун кун тартибини тузиш билан чекланмоғимиз керак... Шундан кейингина ҳар қандай масалани бутун моҳияти билан муҳокама қилишга ўтиш мумкин бўлади.

— Мен мутлақо розиман,— шошилиш маъқуллади Трумэн. Черчиллнинг жиззакилиги унинг жаҳлини чиқарганди. Бу луқма билан у келишув ўрнатгани учун Сталинга миннатдорчилик изҳор этди.

Черчилль ҳозирги гаплари орқали Трумэн билан Сталинни ҳам-фикр қилиб қўйганини англаб, афсус чекди.

Шунинг учун бўлса керак, у хотиржам, дўстона оҳангга ўтди.

— Мен ҳозирги музокарани бошлаб бергани ва бу билан ишимизга катта ҳисса қўшгани учун президентдан ғоят миннатдорман. Аммо, билишимча, бирортамизга муҳим туюлган ҳар қандай масалани муҳокама қилиш учун фурсатимиз бўлиши керак... Мен айтилган таклифларга қўшилмайман демайман-у; аммо уларни муҳокама қилиш учун вақт зарур. Мен президент ўз таклифларини тугатгач, кун тартибини тузишга киришсак, деган фикрдаман.

— Яхши,— деди Сталин қисқагина қилиб.

Гўё олисда баноғоҳ янграган момақалдироқ худди шундай тўсатдан тўхтаб, Цецилиенхоф қасри тепасидаги мовий осмон тагин мусаффо тортиб, ярқирай бошлади.

Трумэн Черчилль олдида ўзини оқламоқчидек нима учун Италия масаласини кўтарганини узундан-узоқ тушунтиришга киришди. Бу мамлакат «бирга урушган» давлат ҳисобланади. Иккинчи томондан эса у сўзсиз таслим бўлди. Аҳволи тартиб ўрнатишга муҳтож, кейин Трумэн худди Италияни унутиб қўйгандек, бирдан бошқа гапга кўчди:

— Мени тўсатдан мазкур конференциянинг раиси қилиб сайлаганинлар учун ҳиссиётимни дарҳол билдира олмадим.— Аммо Трумэн ҳиссиёт билдиришга ноқулай вақт танлаганди. Унинг нақ юзи ёнгинасида ёқимсиз гингиллаб пашша уча бошлади. Президент кулгили аҳволга тушиб қолмаслик учун пашшани ҳайдашга журъат этолмасди. Трумэн пашша чақишига чидаб тантанали нутқини давом эттирди:— мен сиз билан — генералиссимус ва сиз билан — жаноб бош министр, танишганимдан ғоят хурсандман...

У тутилиб қолди: «танишиш» сўзи у қадар ўринли бўлиб чиқмаганди. Чунки президент Черчилль билан ҳам, Сталин билан ҳам конференция очилганига қадар учрашган эди. Ҳамонки, бу расмий сўзлар зарур экан, олдинроқ айтиш керак эди.

Трумэн худди мотам маросимидагидек чуқур уф тортгач, бошини қуйи эгиб, ўрнидан турди.

— Мен жуда яхши биламанки,— давом этди сўнгра у тантанали ва ройиш оҳангда,— бу ерда мен тенги йўқ сиймо — собиқ президент Рузвельт ўрнини эгаллаб турибман. Мен сизларда президент Рузвельтнинг ўша сақланиб қолган хотираси ҳурмати пича бўлса-да, хизмат қилаётганимдан хурсандман. Истагим — у билан сизларнинг ўрталарингизда мавжуд бўлган дўстликни мустаҳкамлаш...

Трумэн бир неча лаҳза бошини кўтармай турди. Черчилль ҳозир бир қур назар ташлаб чиқди. Эгтли қўнишиб ўтирар, юзи ифодасиз бўлиб, бутун кўриниши билан: «Конференцияда фақат суратимгина ўтирибди, жонсиз рамзан, холос», деяётгандек бўларди.

Сталин... Салгина сезиларли жилмайиб, кулдон четига навбатдаги папиросини қўйган Сталин кўзларини ярим юмди. Черчиллнинг назарида у мудраб ўтиргандай ёки папиросдан кўтарилаётган иланг-биланг тутунни томоша қилаётгандек туюлди. Молотовнинг юзи одатдагидек лоқайд, қаншаридаги пенсени билан бирга тошдан йўнилганга ўхшарди.

«Ҳозир Жо амакини сергаклантираман!», ўйлади Черчилль. У ҳур-

мат билан ва айни вақтда пича тегажоқлик билан Сталинга мурожаат қилди:

— Президентнинг гапига жавобан бирор нарса дейишни истайсизми, генералиссимус, ёки бундай қилиш ҳуқуқини менга берасизми?

Сталин худди Черчилль каби илтифотли, аммо хиёл заҳарханда аралаш рухсат берган бўлди:

— Майли, сиз жавоб қайтара қолинг.

Черчилль қисқа, аммо руҳланиб нутқ сўзлади. У ҳамisha диалогни монологлардан устун кўрарди, ниҳоят ҳозир ҳам ўша сеvimли машғулоти билан шуғуллана бошлади.

Кўплаб нутқларда сиёсий арбоб Черчилль драматик актёр Черчиллга енгиларди. Бу гал сиёсатчи Черчилль билан актёр Черчилль барабарига ҳаракат қилди. Сиёсатчи Черчилль Трумэнга яқинда улар ўрталарида бўлиб ўтган конференция тасодиф холос, демоқчи бўларди. Америка президенти Америка бош министрига ишонавериши мумкин. Худди мана шу фикрни Черчилль актёр баландпарвоз сўзлар билан ифодалади. Унинг нутқида ҳамма нарса: президентга «зиммасига раислик қилишни олгани» учун ва буюк республиканинг қарашларини билдиргани учун самимий миннатдорчилик изҳор этиш, «президент Рузвельтга нисбатан илиқ туйғулар унга ҳам» яъни, Трумэнга ҳам тегишлилиги, шунингдек, «Америка халқигагина эмас, унинг шахсан президентига ҳам ҳурмат-эҳтиромининг катталиги» бор эди.

Сталин соатига нигоҳ ташлаб кўяркан, бу ерга нима учун — мадҳиябозликка ёки Европа тақдирини муҳокама қилиш учун тўпландикми, деган маънода аста кифт қисиб қўйди.

Черчилль нутқини тамомлагандан кейин Сталин мажбурий расмиятчиликни бажаргандек бир текис, хотиржам овозда гап қўшди:

— Рус делегацияси номидан айтишим мумкинки, жаноб Черчилль изҳор қилган ҳис-туйғуларга тўлиқ қўшиламиз.

Черчилль совет раҳбарини аввалги учрашувлардан яхши билар, ва Сталиннинг соатига қарагани ва кифт қисиб қўйганини сезмаслиги мумкин эмасди. Бу инглиз бош министрига қаттиқ алам қилди: у нутқини биров томонидан вақт билан чеклаб қўйилишига тоқат қилолмасди.

Черчиллнинг назари ҳозирча конференция иштирокчилари енгил саёҳатга чиқиб, бир хил тезликда кетаётган велосипед пойгасини эслатарди. Айни вақтда ҳар бир пойгачи ёнидаги рақибига диққат билан ва кўз олайтириб қарарди. Ниҳоят пойгачилардан бири ҳақиқий кураш бошланганини билдириб, шартта олдинга интилди.

Черчилль Трумэннинг биринчи бўлиб олдинга интилмоқчи эмаслигини билмаган эди. Америка президенти омад юлдузи порлашини кутар, Гаррисон ва Гровсдан ҳамон хабар йўқ эди.

Черчилль аввалги тажрибасига кўра, Сталиннинг фикрини билишга уриниш фойдасизлигини биларди. Аммо у, Сталин конференциянинг ғарбий қатнашчилари ниҳоят нимани илтимос қилиб, нимани талаб этишларини сабр билан кутяпти, деган фикрда эди. Ушанда у асосий мақсадга кўчади.

Аммо Черчиллнинг ўзи ортиқ кутолмасди. Чунки бу учрашувни кўп ойлаб кута-кута тоқати тоқ бўлган. Яқин кунларда сайлов натижалари эълон қилиниши керак эди.

Биринчи, аммо энг асосийси эмас, шунчаки синовчи интилишга қарор қилган Черчилль ниҳоят гап бошлади:

— Менимча, энди кун тартиби масалаларига ўтиб, лоақал ишимизнинг баъзи бир программасини тузиб олганимиз маъқул. Назаримда, ҳамма масалалар рўйхатини бирваракай аниқламай, ҳар куннинг иш тартибини белгилаш билан чеклансак етарли бўлар, дейман.

Черчилль, Трумэн билан Сталин қандай фикрдаликларини билиш учун пича сукут сақлади. Улардан ҳеч қайсиси бирон нарса дейиш ниятида эмасликларига ишонч ҳосил қилгач, баланд овозда қўшиб қўйди:

— Биз, масалан, Польша масаласини қўшмоқчи эдик.

Бу фальстартни эслатарди: чопиш йўлида шай турилган пайт спортчилардан асаби бўшроғи кутишга чидаёлмай жойидан олдинроқ қўзғалади. Шундан сўнг ҳамма нарса қайтадан бошланади.

Сталин Черчиллнинг сўнгги сўзларини эшитмагандек хотиржам таклиф киритди.

Ҳар учала делегация, ўз фикрларича, муҳокама қилиниши керак, деб ҳисоблаган масалаларини баён қилиб берсалар, ҳар ҳолда, яхши бўларди.

Черчилль норози кифт силкиди, қаршисидаги қоғозга яна сигара кули тўкилди. Сталин унинг кўринишдан анчайин, қайдга оиддек мақсадини аниқ тушуниб қолганди. Совет раҳбари ҳар гал яккаланиб қолса-да, янги, аммо америкалик ва инглизлар олдиндан келишиб олишган талабларга кўнишни хоҳламас, иттифоқдошларнинг асл мақсадларини билиб олмоқчи бўларди.

Черчиллнинг норози бўлганини сезган Сталин унга осойишта бош ирғади: «Ҳа, ҳа, сиз ҳақсиз. Мен, сиз ҳозир нима ҳақда ўйлаган бўлсангиз, шуни назарда тутяпман».

Худди шундай жиддий оҳангда Сталин шошилмай давом этди:

— Бизда, масалан, герман флотини бўлашиш ва бошқа масалалар бор. Флот масаласи ҳақида мен билан президент хатлар олишганмиз, келишувимизга кўра...

Сталин қисқа сукут сақлаб, гапи Трумэнга маъқул бўлган-бўлмаганлигини билиш учун у томонга қаради.

Трумэн галстугини тузатаётганга солди. У Сталин билан Рузвельт уруш бошлагандан бери бир-бирларига юборган анча-мунча ёзишмаларини ўқиб чиққан, аммо ёзишмаларнинг барини ёдда сақлаб қололмаганди.

«Жин урсин,— ўйлади у ичида.— Уч ойгина вақтим бўлди холос-да!»

Президент Бирнсга кўз қирини ташлади, аммо давлат секретари диққат билан қандайдир қоғозларни ўқиётганди.

Сталин Трумэннинг тараддулланиб қолганига эътибор бермай, гапини давом эттирди:

— Иккинчи масала, бу — репорациялар масаласи. Кейин васийлик территориялари ҳақидаги масалани муҳокама қилиш керак...

— Европадами, ёки бутун дунёдами?— сўради шошиб-пишиб Черчилль.

Сталин унинг шошиб-пишганидан ажаблангандек енгилгина кифт қисиб:

— Кўрамиз... муҳокама қиламиз...— деди сўнгра.

«У бу ерда қанча мажлис қилмоқчи? Бир ойми? Икки ойми? Уч ойми?!» деб яна ғазаби келиб ўйлади Черчилль. У ғазабига эрк бермоқ учун оғзидан сигарасини олган ҳам эдики, Сталин Черчиллнинг кайфиятини сезган-у жўрттага бош министрининг асабига тегмоқчидек давом этди:

— Биз Германиянинг собиқ сателлитлари билан дипломатик муносабатларни тиклаш масаласини алоҳида қўймоқчи эдик.

Сталин кўриб чиқилиши зарур бошқа масалаларни ҳам аста-секин санаб чиқди: Франконинг Испаниядаги режимига муносабат... Танжер...

«Бу одам эмас, қандайдир ҳисоблаш машинаси!», ҳасад билан ўй-

лади Трумэн. Янги ва янги масалаларни санаса ҳам, Сталин бирор марта ёзувга қарамаяпти. Чамаси унда бундай ёзув йўқ ҳам шекилли-да!


Америка президентининг Сталинга нисбатан ҳасади унинг касбига боғлиқ эди. Трумэн бухгалтерлар, молия ходимлари, савдогарларни бу кишиларнинг хотираларида сақлаган маълумотлар — рақамлар, рақамлар ўртасида яширинган ўзаро муносабатлар, олиш-бериш муддатлари миқдорига қараб баҳолашга ўрганган эди.

Трумэннинг хотираси ҳамиша яхши эди. Конференцияда гапириш керак бўлган барча энг муҳим жиҳатлар ёдида эди, албатта. Масалан, уч оккупацион зонага бўлинган Германиянинг саноатини, шу жумладан ҳарбий саноатини сақлаб қолиш керак эди.

Бирнс билан Стимсон ишонтиришларича, Германияни «демилитаризация» қилиш, деб аталган совет таклифини қабул қилиш билан Қўшма Штатлар мамлакат иқтисодий потенциални кескин пасайтиришга йўл қўйган бўлардилар. Бирнс билан Стимсоннинг фикрларича, бу ҳол халқнинг қашшоқланишига олиб келиб, коммунизмнинг тарқалиши учун қулай замин яратиб берган бўларди.

Худди мана шу сабабга кўра, Трумэн йигирма миллиард доллар репорация суммаси ҳақидаги Ялта битимига қарши чиқмоқчи эди. Техникавий маҳсулотдан ташқари Германия Совет Иттифоқига бунинг эллик процентини тўлаши керак эди.

Репорациянинг бундай миқдорини белгилаш билан Ялта қарорлари мағлуб Германиянинг ҳарбий потенциални йўқ қилиб ташлашни назарда тутган эди. Аммо бундай йўқ қилиб ташлашга рози бўлиш мутлақо мумкин эмас эди.



А. ХОЛИҚОВ чизган расм.

Ҳар қандай бўлса-да, Совет Иттифоқига қарши доимий таҳдидни сақлаб қолишга интилган Черчилль ҳам демилитаризацияга кескин қарши кайфиятда эди.

Мана шуларнинг ҳаммасини ва яна бошқа нарсаларни Трумэн аъло даражада эсларди. У бекорга доимо хотираси яхшилиги билан фахрланмас эди. Аммо Сталин билан Рузвельт йиллар давомида олиб боришган ёзишмаларни хотирлаёлмасди.

Унинг хотираси яхши, аммо чамаси Сталинники ўн чандон ўткир эди.

...Черчилль бир неча марта Сталиннинг сўзини бўлишга ҳаракат қилиб кўрди. Вақт-вақти билан у луқма ташлаб қоларди. Испаниядаги аҳволни муҳокама қилишга рози эмиш... Франция йўқлиги сабабли танжер ҳақида бирор нарсани ҳал қилиш мумкин эмас экан... Ҳар бир луқмани Сталин эътибор билан эшитди-ю, муҳокама қилинишга муҳтож навбатдаги масалага ўтаверди.

Сталин мана шундай бир хил оҳангда фикр юритар экан, Черчилль нечоғли сабрсизлик билан кутаётган гапни ҳам айтди:

— Польша масаласини ҳам муҳокама қилиш керак,— деди у.— Албатта, Польшада Миллий бирлик ҳукуматининг тузилганлиги фактидан ва шу муносабат билан муҳожир поляк ҳукуматини тугатиш зуратидан келиб чиқадиган шароитлар нуқтаи назаридан...

Черчилль яширин тузоққа бехосдан яқинлаша бошлаган ўлжани пойлаётган овчи аҳволига тушиб қолди. «Сталин «Лондон полякларини» тугатиш иштиёқда ёнаётгани учун ҳам Польша масаласини тилга олди!— ўйларди Черчилль.— У чамаси бу билан Польша масаласини бугунча муҳокама қилишга интилаётганини ҳисобга олмаяпти. Нақ қопқон устига келиб қолди Сталин! Яна жичча бўлса...»

— Мен Польша масаласининг муҳокама қилиниши ва шу муносабат билан Лондондаги поляк ҳукуматининг тугатилиши масаласини кўриб чиқишга мутлақо розиман,— шартга гап қўшди Черчилль Сталин Польша масаласидан узоқлашмаслиги учун.

— Тўғри, тўғри!— рағбатлантирди Сталин. У бу сўзларни катта одам ақли пастроқ ёш бола бирдан ақлли бирор иш қилиб қўйганда мурожаат қиладиган оҳангда айтди.

Аммо Сталин, Черчиллни ақли пастроқ ёш бола, деб ҳисобламас эди. У, умуман, ўзининг англосаксон опонентларига етарлича баҳо бермасликдан узоқ эди. Сталин билан Черчилль ўртасидаги муносабат эса айниқса мураккаб эди. Буларда ҳурмат ва адоват, бир-бирларининг қадр-қимматларини тан олиш ва нафратланиш каби қарама-қарши туйғулар аралашиб кетган эди.

Амалпараст Черчиллга Сталиннинг темир иродаси, суҳбатдоши дилига кира билиши, ҳарбий вазиятни баҳолаш салоҳияти таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди.

Сталинни бўлса Черчиллнинг кучли характери, ақл-заковати жалб этарди. Бундан ташқари Сталин Черчиллни ғарбий Европа давлат арбоблари орасида Гитлерга тиз чўкмаган деярли танҳо одамлигини ҳам унутмасди.

Мазкур арбоблар бир-бирларини шу жиҳатларини ҳурмат қилиш билан бирга гоҳо нафратга айланиб кетувчи ўзаро адоватлари сабаби ҳам ана шу фазилатларидан эди. Уларнинг ҳар бири бир-бирларининг асосий ҳаёт мақсадларини сохта, ўзларига душман ҳисоблардилар.

Фақат бир мартагина мақсадлари уйқаш келиб қолди. Гитлер Германиясига қарши кураш бунчалар бир-бирларига қарама-қарши ва ҳеч қачон бир ёқадан бош чиқаришлари мумкин бўлмагандек туюлувчи бу икки одамни вақтинча ҳамкорлаштирди.

Аммо Гитлерга қарши курашга киришар эканлар, Сталин билан

Черчилль бу кураш оқибатини турлича тасаввур этишарди. Узаро итти-фоқлари вақтинча бўлиб, зиддиятлари ўша-ўша эди.

Ҳозир конференциянинг юмалоқ столи теварагида рўй бераётган вазият тарих шарт-шароити билан боғлиқ ана шу зиддиятнинг учқуни эди, холос.

Тасодикий кузатувчи учун булар бари ғалати туюлиши мумкин.

Черчиллнинг асосий мақсадларидан бири Сталинни мажбуран Польша масаласини муҳокама қилишга кўндиришдан иборат эди. Урушдан кейинги Европанинг сарҳади кўп жиҳатдан мана шу муҳокамага боғлиқ эди. Черчиллнинг назарида Сталин, Польша масаласи Ялтадаёқ ҳал қилинган, деб ҳисоблаб, бу масалани янгидан муҳокама қилинишига қарши чиқиши керак эди. Инглиз бош министрига президент мажлиси етарли даражада ғайрат билан олиб бормаётгандек ва натижада совет раҳбари чап беришга имкон туғдираётгандек туюларди.

Аммо Сталин ҳам ўз навбатида Польша масаласи кун тартибига қўйилишини истар эди. Унинг мақсади совет қўшинлари ғалабасидан сўнг Европада вужудга келган ҳолатни конференциянинг барча иштирокчилари ҳозир ва умрбод тан олишларидан иборат эди.

Черчилль Польшада бошқа шарқий Европа мамлакатлари учун ҳам намуна бўлажак советларга қарши тузум барпо бўлишига интиларди. Бунга тамоман қарама-қарши мақсадни кўзлаётган Сталин Польша масаласидан қочмас, аксинча, у тезроқ муҳокама бўлишини хоҳларди.

Черчилль ўз назарида Сталин томонидан тақа-тақ бекитилган деб ҳисобловчи эшикни зўр бериб очмоқчи бўларди. У мақсадга етишига кўзи етмай турганида, ҳайҳот, ўша эшикни Сталиннинг ўзи очганини қаранг!

Сталиннинг «Тўғри, тўғри!» деган луқмасидан Черчилль эсанкираб қолганди. Лекин шу захоти у дастлабки гумонини эслади: Сталин Лондондаги мухожир поляк ҳукуматини йўқотиш учун ҳам Польша масаласининг муҳокама қилинишга рози бўляпти.

Сталин, чамаси, Трумэн билан Черчилль томонидан қаттиқ қаршиликка учрашини билиб, масалани яхлит ҳал қилишни назарда тутмаган эди.

Черчиллнинг назарида тахмини тўғридек туюларди. Чунки Сталин «Лондон поляклари»ни ёмон кўришига кўп сабаблар бор эди. Уша поляклар Варшавада кўзғолон кўтариб, кўзғолончиларга совет қўшинлари хиёнат қилди, деган афсона яратилишга имконият туғдириб беришганди. Улар Совет Армияси орқа томонида қўпоровчиликлар уюштиришган, бир ой муқаддам Москвада қўпоровчилик ташкилотчилари Окулицкий, Янковский ва бошқалар устидан суд бўлиб ўтган эди...

Майли, Черчилль Сталинга ўша лаҳмни беришга тайёр. Бари бир, «Лондон ҳукумати» кунини ўтаб бўлган. Польша тупроғи бутунича совет қўшинлари назорати остида. Варшавада ашаддий советпараст Миллий бирлик ҳукумати фаолият кўрсатяпти. Ҳозир энди бошқа нарса — ўша ҳукумат ҳайъатига «Лондонлик поляклар»ни киритиш муҳимдир. Шунчаки киритишгина эмас, раҳбарликни ҳам олиб бериш керак.

Черчилль ҳар қалай «Лондон ҳукумати»нинг тугатилиши Англия учун улкан талофат, Совет Иттифоқига катта ён босиш бўлади, қабилада иш тутишга қарор қилди. У қисқа, аммо жўшқин нутқ ирод этар экан, Англия конференциянинг бошқа қатнашчиларидан фарқли ўлароқ «Лондон ҳукумати» олдида алоҳида бурчдорлигини таъкидлади. Бундан ташқари Англия шу ҳукуматга бўйсунувчи «ўлка армияси» солдатларининг келгуси тақдирларини таъминлаши қийин эди. Сўнгра

Черчилль Сталинни Ялтадаёқ ҳал этилган асосий масалалар икир-чикири билан алахситиб қўйдим, деб ўйлаб, қуйидагича гап қилди:

— Польша масаласи муносабати билан биз парламент сайловларига, бинобарин, янги Польша ҳукумати ҳайъатига ҳам катта аҳамият берамиз. Мазкур сайлов поляк халқининг самимий истаги ифодаси бўлмоғи зарур...

Черчиллга Сталиннинг кўзларида ғазаб учқунлари ёлқинлангандек туюлди. «Дуруст,— қониқиш ҳосил қилди Черчилль ўзинча.— У мени тўғри тушунибди. Ҳозир, ҳойнаҳой, мавжуд Варшава ҳукумати худди ўша самимий истак ифодасидан иборат деса керак...»

Бунинг ўрнига Сталин хотиржамлик билан бошқача гап қилди:

— Рус делегациясининг муҳокама учун ҳозирча бошқа масалалари йўқ.

«Нега энди?!— хитоб қилиб юборай деди ҳанг-манг бўлиб қолган Черчилль. Ахир, энг асосий проблемалардан бирортасини ҳам ҳал қилганимиз йўқ-ку! Шуларни деб келганман-а, бу ерга!..»

Бу проблемаларнинг муҳокамаси олдинда ҳали, албатта. Ташқи ишлар министрларига конференция ҳар бир мажлисининг кун тартибини ишлаб чиқишни топширган давлат бошлиқлари айни вақтда ўз ишларининг тартиби ҳақида ҳам келишиб олдилар.

Вақтдан ўзиб кетишолмасди улар.

Черчилль бунини яхши билса ҳам, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Русларнинг «ҳукм этилиши» кечиктирилаётган эди...

Наҳотки, Трумэн конференциянинг биринчи кунини Қўшма Штатларга ҳам, Англияга ҳам фойда келтирмасдан тугашига йўл қўйса?..

Черчилль президентнинг бир оз хижолатли жилмайишидан унинг ўзи ҳам довдираб қолганини тушунди. Ҳозир Трумэннинг бирор ташаббус кўрсатиши амримаҳол эди.

Черчилль мажлисни лоақал ташкилий масалалар ҳисобига чўзишга уриниб кўрди. У ташқи ишлар министрлари ҳар кунини эрталаб тўпланиб, конференциянинг кечки мажлиси тартибини ишлаб чиқишлари кераклигини эслатди.

— Қарши эмасман,— деди Сталин.

Яна орага сукунат чўкди. «Ҳозир Трумэн жуда бўлмаганда Польша масаласи бўйича бизнинг талабларимизни айтиш ўрнига мажлисни ёпади!..» деб қўйди ичида Черчилль ўртаниб.

Аммо Черчилль ташаббусни ўз қўлига олиш билан Сталинда, Польша масаласи — бу инглизларгагина доир, Трумэннинг дахли камроқ, деган таассурот қолдириши мумкин эди.

У ташқи ишлар министрлари иши ҳақида қабул қилиниб бўлинган таклифни бир оз ўзгартирилган шаклда такрорлаб, мажлисни чўзишга яна бир ҳаракат қилиб кўрди.

— Розиман,— деди Сталин аввалгича шай оҳангда.— Биз бугун нима билан машғул бўламиз?— У Черчиллга боқиб қўйгач, унинг аҳволига ачингандек давом этди:— ўйлашимча, биз бўлажак тинчлик конференциясини тайёрловчи муассаса сифатида министрлар Кенгабини тузиш ҳақидаги масалани муҳокама қилишимиз мумкин.

Черчилль Сталиннинг бошлаб усталик қилганини тушуниб, мийиғида секин кулиб қўйди. Тинчлик конференцияси ўтказиш зарурлиги учун давлат томонидан эътироф этилганлиги тўғри. Мазкур конференция қарорлари шу ерда — Бабельсбергда қабул қилиниши керак. Аммо ҳали ҳозирча ҳеч қандай қарор йўқ-ку! Сталин бўлса ўзини гўё конференция охирига Европадаги урушдан сўнгги аҳвол бир овоздан маъқуллангандек тутарди.

Черчилль худди шу фикрни энди ётиғи билан айтмоқчи бўлаётган эди, Трумэн кутилмаганда:

— Розиман, — деб юборди.

Ноилож қолган Черчилль ҳам истар-истамас:

— Розиман, — дейишга мажбур бўлди.

Бу орада Сталин савол кетидан савол ёғдира бошлади. Чунончи, у, Қрим конференциясида ташқи ишлар министрлари турли масалалар бўйича маслаҳатлашиб олиш учун даврий учрашиб туришлари ҳақида қабул қилинган қарор ўз кучини йўқотадими, дея сўради.

Трумэн менимча, ҳозир вазият ўзгарган ва министрлар кенгаши тинчлик битими шарт-шароитларини ишлаб чиқиш ва тинчлик конференциясини тайёрлаш учунгина яратилиши керак, деб жавоб қайтарди.

Сталин бу гапни тушунмади ёки ўзини тушунмаганликка солди.

— Қрим конференциясида қарор қилинишича, — деди сўнгра у, — министрлар ҳар уч-тўрт ойда бир марта тўпланадилар ва айрим масалаларни муҳокама қиладилар. Уша қарор кучини йўқотганми энди? У ҳолда, чамаси, Европа Консультатив Комиссияси ҳам ўз кучини йўқотса керак? Мен шундай тушунаман, илтимос, тўғри тушунганманми ёки нотўғрилигини айтсанглар?

Черчиллдан фарқли ўлароқ Сталин аввалгидек босиқлик билан гапирди. У тушунмаган нарсасини, тушунтириб беришларини илтимос қилган одобли ўқувчига ўхшаб савол берган эди, Сталин, Трумэнни суҳбатга тортиш орқали у номигагина эмас, росмана раис эканлигини ҳис этишига кўмаклашгандек бўлди.

— Министрлар Кенгаши фақат муайян мақсадлар учун, тинчлиги шартномаси шарт-шароитларини ишлаб чиқиш учун тузилади, — деб такрорлади Трумэн.

— Мен министрлар Кенгаши тузилишига қарши эмасман, — деди Сталин. — У ҳолда: Қрим конференцияси қарори билан белгиланган министрлар Кенгаши ва Европа Консультатив Комиссияси ҳам бекор қилинади, деб ҳисоблаш керакдир балки.

Черчилль Сталиннинг сўзлари заминдаги ҳақиқий маънони тушунишга уринди. Булар баъзи бир фактларни ойдинлаштиришига бўлмаса керак. Ниҳоят, Черчилль гап нима устида бораётганини фаҳмлагандек бўлди. Гарчи, Сталин министрлар Кенгашини тузиш масаласини муҳокама қилишни таклиф этаётган бўлса ҳам, шу орқали фарб мамлакатлари Ялта қарорларидан чекинаётганларини таъкидлаяпти шекилли. «Трумэннинг менга айтган гаплари эсидакин? — ўйлади Черчилль. — У ҳали Вашингтонда эканлигидаёқ Молотовга, Ялта қарорларини бошқа ҳеч ким эмас, Сталиннинг ўзи бузмоқда, деганини айтган эди...»

Министрлар Кенгаши тузилиши Ялта битимидан чекиниш эмас. янги вазият тақозоси эканлигини ҳозир ошкор айтса ҳам бўлади. Лекин Сталиннинг ўзи кенгаш тузиш масаласини муҳокама қилишни таклиф этгани сабабли баҳс учун расмий асос йўқ эди...

Ниҳоят, Черчилль гапни бир оз бошқа йўналишга солиб юбормоқчи бўлди. Ялтада давлатларнинг бошлиқлари Европага тааллуқли масалалар бўйича тавсиялар олиб туришлари учун министрларнинг учрашувлари назарда тутилган эди, деди у. Черчилль бу масалага юзакигина тўхталаркан, нима учун тахмин қилинаётган министрлар Кенгашига Хитойнинг вакилларини киритиш керак эмаслигини батафсил асослаб бера бошлади. Министрлар фақат Европа учун эмас, балки бутун дунёга тааллуқли тинчлик шартномаси лойиҳасини муҳокама қилганларида Хитой вакилини таклиф қилиш мумкин бўлишлигини айтди.

Нутқ сўзлаётиб, Черчилль зимдан Трумэнга назар ташлаб қўйди. Бир томондан Бирнс, иккинчи томондан Гарриман нуқул президентнинг қулоғига нималарнидир шивирлашарди. Афтидан, Сталиннинг Англия

билан Қўшма Штатлар Ялта қарорларидан чекинмоқда, деб айблаш учун замин ҳозирлаётганини улар ҳам сезган бўлсалар керак.

Черчилль хато қилмаганди.

— Ялта конференцияси қарори билан белгиланган министрларнинг даврий учрашувларини тўхтатиш ҳақидаги масала муҳокамаси кечиктирилишини таклиф этаман,— деди Трумэн дарҳол Черчиллдан кейин сўз олиб.

Кейин президент янги ташкилот сифатидаги министрлар Кенгашининг вазифаларига ўтди, бунинг билан у, бу масалани аввалгисидан ажратиб қўйди.

— Бизнинг лойиҳамизга кўра,— деди президент,— СССР, АҚШ, Буюк Британия, Хитой ва Франциянинг ташқи ишлар министрлари Кенгаши тузилади...

Баҳс келиб чўқди.

Черчилль аввалгича, Ялта қароридан чекиниш таъна қилинишини олдини олишга уриниб, шу қарорларга биноан тузилган барча консултатив органларни сақлаб қолишни таклиф этди.

Сталин савол беришда давом этди: «Қим кимга бўйсунди?», «Министрлар кенгаши нима билан: сулҳ шартномасими ёки сулҳ конференцияси билан шуғулланадими?»

Трумэн Черчиллнинг Хитойни министрлар Кенгашидан чиқариб ташлаш ҳақидаги фикрига рози бўлганида Сталин жим қолди. Кейин худди аввалгидек осойишталик билан барча масалаларни ташқи ишлар министрларига ҳавола қилишни тавсия этди. Ахир, белгиланиб қўйилганича, министрлар ҳар куни тўпланишиб, конференциянинг навбатдаги мажлиси учун материал тайёрлашлари керак-ку...

Вақт соат еттига яқинлашмоқда эди. Еттию ўттизда руслар конференция қатнашчилари шарафига қабул маросими ўтказишлари керак эди. Демак, ҳадемай, мажлис тамом бўлиши керак. Черчилль Трумэнга илтижоли ва айни вақтда ғазаб билан қаради. «Нимага эришдик биз?— савол берди ичида у.— Ахир, Сталинни дарҳол исканжага олиб, уни шарқий Европани ўзбошимча ишғол қилгач, у ерда ўзига маъқул ҳукумат тузиш орқали Ялта қарорини бузганликда айблamoқчи эдик-ку! Худди Сталиннинг ўзи Польшани йирик-йирик бўлақларга бўлиб ташлаб, натижада бамисоли тўртинчи оккупация зонаси ҳосил қилди... Ё, парвардигор, наҳотки эртаги мажлис ҳам бугунгига ўхшаш бўлса?..»

Англия бош министрининг сўз ишлатмай таъна қилаётганини Трумэн тушунган-тушунмагани номаълум эди.

— Эртаги мажлисда муҳокама қилиш учун аниқ масалалар белгилаб олиш керак эди,— деди президент.

— Худди шундай!— хитоб қилди Черчилль. Чамаси, Трумэн ҳар қалай, уни тушунганди шекилли.— Ҳар оқшом истироҳатга қайтаётганимизда, аниқ нима миздир бўлишини истар эдим!

— Шундай бўлади ҳам,— тинчлантириб деди Трумэн.— Министрларимиз ҳар куни эрталаб тўпланиб бизга муҳокама учун аниқ нарсалар тақдим этишади.

— Мен розиман,— кўнди Сталин қутидан навбатдаги папиросни олаётиб.

«Нимага рози?!— бақириб юбораёзди Черчилль.— Аллақачон маъқулланган тadbирларгами?! Буни қаранг-а, рози эмиш!»

— Мен мажлисларимизни соат беш эмас, тўртда бошлашни таклиф қиламан,— деди Трумэн.

— Тўрт-да?— хотиржам, салмоқланиб сўради Сталин.— Яхши, майли, тўртда бўла қолсин,— деди кейин чекиб туриб.

— Раиснинг амри вожиб,— кесатди Черчилль.

— Агар бу таклиф қабул қилинган бўлса,— деди Трумэн,— масалаларни кўриб чиқишни эртага, кундузги соат тўртга кўчирамиз.

«Тамом!— деди ичидан қиринди ўтиб Черчилль.— Энди ўриндан туриб, чиқиб кетиш қолди, холос. Жанг қилиш ёки лоақал разведка билан жанг қилиш ўрнига дилгир, сийқа мажлисбозлик...»

У энди ўридан турмоқчи эди, бирдан Сталиннинг овозини эшитди.

— Фақат битта савол,— деди Сталиннинг сўзларини деярли айнан таржима қилган тилмоч Павлов инглизчалаб.— Нима учун жаноб Черчилль руслар Герман флотидан ўз улушларини олишларига рад жавоби берапти?

Черчилль анча хотиржамлашганди. Аммо Сталиннинг конференция давомида шарпаси ҳам сезилмаган, ҳозирги кутилмаган, кескин, дангал саволи уни талвасага солиб қўйди.

Ҳа, немисларнинг ҳамон сувда сузаётган флоти Британия қуроли кучлари томонидан қўлга туширилган, Черчилль уни қонуний ҳарбий ўлжа ҳисобларди.

Бинобарин, бу масала конференция Германиянинг урушдан кейинги тақдири билан шуғуллана бошлагандагина кўтарилади, деб ўйлаганди Черчилль.

Бош министр Сталинга ажабланиб ва ҳатто хиёл чўчиброқ қаради. Аммо совет раҳбарининг нигоҳи ўша-ўша беозор эди. Бугина эмас, Сталиннинг чехрасида жилмайишга ўхшаш ифода ҳам пайдо бўлганди. Натижада Черчилль бутунлай ўзини йўқотиб қўйди.

— Мен... мен қарши эмасман...— дудуқланди у.— Саволингизга жавобим қуйидагича,— энди ўз фикрини тўплаб, қатъий қўшиб қўйди у.— Бу флот ёки чўктириб юборилиши, ёки тақсимлаб олиниши керак.

Черчилль беихтиёр бундай деганига афсуслана бошлади. Бу сўзлар агар Сталин исканжага олинганда ва катта ён беришга мажбур бўлиб савдолашишга ўтгандагина айтишга мўлжалланган эди. Ҳозир эмас, ана ўшанда иш берарди мазкур гап.

Зал сув қуйгандек жимиб қолди. Делегацияларнинг аъзолари қозғоларни йиғиштиришни тўхтатишди. Фақат пашшаларнинг тўхтовсиз гингиллаши эшитиларди, холос.

— Чўктириш тарафдоримисиз, ёки тақсимлаш?— сўради Сталин. Бу гап унинг овози кескин жаранглаб, юз ифодаси ўзгарди. Кўзлари қисилди, мўйлаби тиккайгандек бўлди...

— Урушнинг барча воситалари мудҳиш...— деди ноҳўя гапираётганини тушунаркан, бошини қуйи солиб, бўғиқ овозда Черчилль. У, Сталиннинг юзига қаролмаслигини англади. Аммо бош кўтариб, Сталинга боқмаслик — кутилмаган яккама-якка курашувда енгилганликни тан олиш эди.

Черчилль беихтиёр бошини кўтаришга мажбур бўлди. Сталин унга аввалгидек осойишта, вазмин, хайрихоҳлик назари билан қараб турарди.

— Флотни тақсимлаш керак,— насихатомуз деди кейин Сталин.— Агар жаноб Черчилль флотни фарқ қилмоқни афзал кўрсалар,— давом этди у жилмайиб, қолган ҳаммага мурожаат этаркан,— ўз ҳиссаларини фарқ қилаверсинлар. Мен ўз ҳиссамни фарқ қилмоқчи эмасман.

— Ахир ҳозир флот тамоман бизнинг қўлимизда-ку!— хитоб қилди Черчилль.

— Гап шунда-да!— ниҳоят сўзларининг маъносини Черчиллга етиб борганидан хурсанд бўлгандек деярли ошқора истеҳзо билан қайд қилди Сталин.— Гап шунда-да!— такрорлади у.— Мана шунинг учун ҳам бу масалани ҳал қилишимиз керак.

Черчилль Трумэнга боқди. Президент галстугини тузатаркан, гар-

диши нозик, ойналари қалин кўзойнагини ушлаб қўйгач, омонат овозда:

— Мажлис эртага соат тўртда,— деди.

Ўн иккинчи боб

«Шўх бола»

СОВЕТ делегациясининг конференция иштирокчилари шарафига ўтказажак қабул маросими Цицилиенхоф қасрининг қанотларидан бирида жойлашган залда бўлиши керак эди. Трумэн мажлисни ёпиқ деб эълон қилгач, стол ёнидан биринчи бўлиб Черчилль кўтарилди. У салмоқли қадам ташлаб, инглиз делегациясининг иш кабинети эшиги томон йўл олди.

Бир дақиқа кейин, Сталин мажлиснинг бошқа иштирокчилари жойларидан туришини ҳурмат билан кутиб турганини кўриб, Трумэн ҳам кўтарилди.

Черчиллга эшикни Томми Томпсон очди. У Скотланд-Ярддан Черчилль ҳали оддий министр бўлган вақтдаёқ соқчи сифатида биркитиб қўйилган эди. Томми аста-секин Британия бош министрининг ёрдамчиси, бош соқчисига айланиб қолган эди.

Черчиллдан ярим қадам орқада Антони Иден борарди. Ўз вақтида газеталар «Англиянинг биринчи дендиси» деб атаган, муомалада майин бу одам ҳозир раҳбарига таъна тоши ёғдиришга ҳам тайёр эди.

Бу вақтга қадар унда бундай истак ҳеч қачон пайдо бўлмаганди. Иден ҳозир давлат мартабасига Черчилль кўмагида эришгандек эди. Унинг барча ҳозирги ва келажакдаги ишлари мана шу ҳукмдор, ўжар, шўхратпараст ва ўзича казо-казо одам билан боғлиқ эди. Иден кўпдан бери бундай аҳволга кўникиб қолган ва бош кўтаришни хаёлига ҳам келтирмасди.

Бироқ, ҳозир ўзини тутиб туришга қодир эмаслигини сизди. Улар Британия делегацияси иш кабинетига кирганлари ҳамон, Иден Черчиллга юзланиб, хитоб қилди:

— Нима дейишни ҳам билмаяпман! Ҳайрон бўлдим сизга, сэр!

Черчилль ҳатто пинагини ҳам бузмади. У иш кабинетини бошдан-оёқ энлаган тўқ кўк гилам устида хотиржам нари-бери юра бошлади. Ниҳоят, кулранг, гуллари пушти иккинчи гилам устидаги стол ёнига боргач, баногоҳ:

— Ғалати стол, Антони, тўғрими?— деди.

Стол чиндан ҳам ғалати эди. Уч томонидан ўймакор безакли, ялт-юлт, чоққина оппоқ бу стол иш кабинетига эмас, аёллар хонасига мос эди. Стол ёнида кўк духоба сирилган кресло турарди. Аммо бесўнақай Черчилль бу зийнатли стол ёнида ўтириб ишлаши мумкинлигини тасаввур этиб бўлмасди.

Черчиллнинг гапи Иденнинг баттар ғазабини кучайтирди, холос. «Ҳозир шундай гап қилиб ўтирадиган пайтмас-ку!», хитоб қилди дилида Иден.

— Мен сизга ҳайрон бўлдим сэр!— деди у.— Наҳотки, герман флоти масаласи биз учун долзарб масалалардан бири эканини унутган бўлсангиз?!

— Унутдим?— деб сўради Черчилль.— Нима деяпсиз, Антони!— кулимсиради у.— Менинг хотирам доимо ўткир. Бир пайтлар Маколейдан бир минг икки юзга яқин сатрни ёддан ўқиб берганим учун Херроуда биринчи мукофот олган эдим. Қадимий Рим ҳақидаги китоб эди у... Сиз ҳам шундай қила оласизми?

— Маколейни ўқиганман, бунга шубҳа қилмасиз деб ўйлайман.— Черчиллнинг киноясидан ғаш қелиб, жавоб қайтарди Иден.— Ахир, ҳозир гап Маколей ҳақида кетаётгани йўқ, сэр! Бу ўйинда бизнинг устунликларимиз у қадар кўп эмас! Герман флоти шулардан бири эди. Биз русларга улар катта ён беришлари эвазигагина хайрихоҳлик кўрсатмоғимиз лозим. Мен репорацияни, Польшани, шарқий Европа ҳукуматлари, қисқаси, бу ерга нима учун келган бўлсак, шуларни назарда тутмоқдаман. Сталин флот ҳақидаги масалани қўпол, илтифотсизлик билан кўтарди, сиз эса...

— «Илтифотсизлик жасорат белгиси»,— унинг гапини бўлди Черчилль.— Бу гапни, Антони, бу сўзларни Вильгельм иккинчининг атрофидаги кишилардан бири айтган. Аниқ кимлиги эсимда йўқ. Сиз ҳақсиз, хотирам менга панд берди.

«У мутлақо жиддий гаплашишни истамаётир,— деб ўйлади Иден.— Ҳеч ким ва ҳеч қачон бу ўзига бино қўйган одамни ўз хатосига иқрор бўлишга мажбур қила олмайди».

Бари бир Иден яна бир марта уриниб кўрди:

— Сталин бизни ғафлатда қолдирди,— таъна билан деди Иден.— У мана шунга ишонган эди. Қўпол усул! Сиз, масала ниҳоятда жиддий, уни йўл-йўлакай ҳал қилиш мумкин эмас, деб айтишингиз жуда осон эди.

Черчилль жим қолди. У гўё Иденни унутгандек, аста-секин хона девори бўйлаб қўйилган жовонлардан бирига яқин келди. Чети зарҳал қиррали китобларни қўли билан ушлаб, улардан бирини шартта тортиб чиқарди... Китоб «Сенбернар портрети» деб аталар, жилдида жуни оқ ва калласи катта, баҳайбат бир ит тасвирланган эди. У нимаси биландир Черчиллнинг ўзини эслатарди. Черчилль китобни очмасдан уни жойига қўйиб, бошқасини олди. Иден китобнинг номини ўқиди: «Марвицнинг ҳаёти».

Марвиц, генерал бўлган эди, Иден бунга биларди. Аммо уни ҳозир Марвиц ҳам, Сенбернар ҳам қизиқтирмасди. Иден Черчиллнинг ўз хатосига иқрор бўлишига эришишни истарди.

— Ҳар ҳолда, у менга ёқади,— деди секин Черчилль.

— Ёқади?— ҳайратда қолиб сўради Иден.— Ким? Марвицми?

— Жо амаки,— истехзоли кулиб жавоб қайтарди Черчилль.— Биласизми, Антони, агар бу одамга кучим етадиган бўлса мен унга... кўрсатиб қўярдим. Лекин бари бир... бунга осонликча қила олмас эдим.

Энди Иден Черчиллга ғазабнок эмас, қўрқув билан қаради.

«Наҳотки, бу одам тамом бўлган бўлса? Еки у ўз хатосидан қаттиқ изтироб чекиб, бунга мискин, ҳазин мулоҳазалар билан ниқобламоқчи бўляптимикин?»

Иден Герберд Уэллснинг Уинстон Черчиллга бағишлаб ёзган мақолаларидан биридаги сўзларни беихтиёр хотирлади. «Бу одам, деган эди Уэллс, ўзини барча қолган кишилар бўйсунуши керак бўлган алоҳида синфга тааллуқли эканлиги ҳақида соддалик билан ўйлайди. Унинг хаёли жасорат ва мартаба ҳақидаги орзуларга мубтало. У фашистпараст италян ёзувчиси Д' Аннунциони эслатади. Д' Аннунцио Англияда Черчилль, Черчилль эса Италияда Д' Аннунцио бўлган бўларди...»

Иден Уэллснинг бу сатрларини ўқиган, бир пайтлар ёзувчи чиндан ҳам ҳақли деган қарорга келган эди. Албатта, Уэллснинг либерал, фабианлигини ҳам назарда тутишга тўғри келарди. Черчиллга ўхшаганлар унда табиий адоват уйғотар эди.

Аммо Уэллс нимадир ҳақли эди. Черчилль Наполеонга тааллуқли ҳамма нарсаларни бекорга бу қадар диққат билан ўрганмаган.

Ҳозир Иденнинг кўз олдида Наполеон эмас, эгнидаги ҳарбий формаси қонга ўхшаш ҳалпировчи, чарчаган одам турган эди.

Бу одамни нимадир қийнапти. Йўқ, ҳозиргина йўл қўйилган хато — амалда флотнинг бир қисмини русларга бериш тўғрисидаги розилиги уни бир қадар ҳаяжонга солиши мумкин эмас. Уни қийнаётган нарса вақт зиклиги! Тезда, жуда ҳам тез вақт ичида сайловларнинг натижалари маълум бўлиб қолади. Наҳотки, у мағлубиятга учрашига иқроп бўлса?!

Черчилль билан ёнма-ён туриб ишлаган Иден парламентдан ҳам, бош министрнинг Даунинг-стрит, 10 даги қароргоҳидан нарироқдагилар ҳам кўра олмаган нарсаларни кўрарди. У Черчиллнинг беадад манманлиги, оммадан жирканиши, тарихни қаҳрамонлар яратишига қатъий ишончини биларди.

Иден бош министрнинг бу барча бир ёқламаликларини билиш билан бирга унинг жуда катта таъсири борлигини ҳам ҳис этарди.

Черчилль қудратли шахс, Иден бўлса фақат маълумотли, яхши тарбия кўрган дипломат эди. У Черчиллнинг Буюк Британияда абадий ҳукмрон бўлмаслигини тушунарди, аммо мамлакатни ғалабага олиб келган киши энди халқ томонидан рад қилинишига ишона олмас эди.

Аммо ҳозир Черчиллнинг нечоғли эзилган, тушкун аҳволда эканлигини кўриб Иденнинг ўзи ҳам ташвишга тушиб қолди. Черчилль қуёшининг ботиши, тўғриси, унинг ҳам қуёши ботиши, деган гап эди. Иден Черчилль билан ортиқ даражада боғлиқ мустақил равишда ҳоқимият учун кураш олиб боришдан ҳайиқарди. Бу курашни ёши етмишдан ошиб кетган Черчилль яна бошлайди, деб тахмин қилиш қийин эди. Иден бир дақиқа Черчиллга ачинди. Узини энди қўполлиги учун койиди. Юмшоқлик билан Черчиллни дадиллангирмоқчи бўларкан, буни қандай амалга ошириш устида зўр бериб ўйлай бошлади.

— Сиз ҳақлисиз, Антони, — деб қолди бирдан Черчилль, — мен ҳисобда янглишдим. Аммо, у бошқа нарсаларга нисбатан...

— Нималарга нисбатан, сэр? — сўради майин оҳангда Иден.

— Биз йўл қўйган барча хатоларга нисбатан ҳеч нима эмас, — аламли хитоб қилди Черчилль. — Лоақал бешинчи июнни эсланг-а! Барчамиз учун машъум кун у! Бешинчи июнда биз советларнинг талабларига рози бўлдик ва ўз қўшинларимизни олиб чиқиб кета бошладик. Биласизми қўшинларимизни қаёққа олиб кетишга рози бўлдик?

— Консултатив Комиссия белгилаган ва ҳукуматларимиз тасдиқлаган чегара томонга.

— Йўқ! — Черчилль сал бўлмаса Иденга тегиб кетар даражада қўл силтади. — Сталин бизларни Шарқдаги ҳамма нарсдан ажратиб қўйган темир парда орқасига чекиндик! Чекиниш ҳал қилинган бешинчи июнь, чекиниш бошланган биринчи июль — урушдан кейинги тарихнинг машъум кунларидир.

Черчилль бошини қуйи эгиб, аста давом этди:

— Трумэн ўз қўшинларини олиб кетажаклигини айтганида бу гал қулоғимга мотам овози бўлиб эшитилди. Шундан эйтиборан совет Россияси Европа марказида жойлашиб олишини тушундим. Фожиали хато менинг русларга герман флотининг бир қисмини бермоқчи бўлганимда эмас, мана шунда Антони. Хусусий хатолар умумий хатолардан келиб чиқади. Аммо, шунга қарамай, мен курашаман. Охиригача олишаман...

Иден Черчиллга оккупация зоналари иттифоқчиларнинг бир овоздан қабул қилган қарорлари билан белгиланганини яна эслатмоқчи эди. Совет Иттифоқининг Япония билан урушда қатнашишидан ман-

фаатдор бўлган Трумэн аввал қабул қилинган қарорни бузиши мумкин эмас эди.

Аммо бу нарсани эслатиш — Черчиллнинг дилида ловуллаб ёнаётган оловни янаям кучайтириш, деган гап бўларди.

— Мен Трумэннинг ишларини тушунмайман, — гапни бошқа мавзуга бурмоқчи бўлди Иден. — Сталин савол берганда, президент, мажлис ёпиқ, дейиши мумкин эди-ку?

Трумэннинг номи тилга олиниши билан Черчилль жонланди. У кўкрак чўнтагидан олган сигараси учини тишлаб туриб, деди:

— Мен у билан суҳбатлашган чоғимда Трумэн менга жанг қилишга шай, ғайратли ва мард одамдек туюлганди. Барча асосий масалалар бўйича фикримиз бир жойдан чиққанди. Аммо бугун у ўзини ғалати тутди.

— Сиздан фарқли ўлароқ мен Трумэнни биринчи марта кўришим, — деди Иден. — Менимча, у марҳум Рузвельтдан...

— Менга Рузвельт ҳақида гапирманг, Антони! — сигарасини силталаб бақирди Черчилль. — Мен унга ҳамиша ҳурмат билан қараганман. Аммо Сталин Ялтада савдолашиб, нимага эришган бўлса, ҳаммаси Рузвельтнинг уволи-чуволига. Қримда кўп марта яккаланиб қолганман. Трумэнга келсак, у Европа узра пайдо бўлган қизил хавф хусусида ўзига тўлиқ ҳисоб беради. У президент бўлганидан кейинги ёзишмаларимизда ва муҳими, кеча Трумэн билан қилган суҳбатимиздан мен мана шундай хулосага келдим.

Черчилль хиёл ўйланиб тургач, давом этди:

— Эҳтимол, америкаликлар Узоқ Шарқда русларнинг ёрдамига муҳтожликлари уни ушлаб тургандир. Балки, эҳтимол... Эҳтимол, у, Сталиндан шунчаки кўрқаётгандир. Ахир, Трумэн Сталинни биринчи кўриши-да...

Иден бу сўзларнинг яширин маъносини тушунгандай бўлди. Афтидан, бош министр, Америка президентининг аҳволини тушунаман ва гарчи Сталинни биринчи марта кўраётган бўлсам-да, ундан ўзим ҳам бир оз чўчийман, демоқчи шекилли.

Тарихни қаҳрамонлар яратишга қатъий ишонган Черчилль ҳам, совет раҳбари фақат «муболаға қилади» деган фикрга келган Трумэнга ҳам Сталиннинг ҳақиқий куч-қудрати нимада эканлигини билиш бари бир насиб этмади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Сталинни осийча макр, мислсиз ирода ва русларга хос сир бой бермаслик (гарчи иккаласи ҳам Сталиннинг грузин эканлигини билсалар-да) мужассамлашган шахс, деб билардилар.

Бироқ, Черчилль ҳам, Трумэн ҳам Сталиннинг донишманд, ўткир зеҳнли, матонатлилиги, ирода кучи буюк ғоя билан жипслашган янги ижтимоий тузум, жамият, қарама-қарши синфлардан холи халқ, тарихнинг объектив қонунияти билан қуролланган партиёга мансублилигида эканлигини билишмасди.

Сталин пировард ғалабани тарихнинг ўзи олдиндан белгилаб берган иш учун кураш олиб борарди.

Аммо бунини Трумэн ҳам, Черчилль ҳам тушунишга қодир эмасдилар.

Черчилль Иден билан гаплашаётган пайтда ҳозиргина тугаган мажлиснинг қолган иштирокчилари устига оппоқ дастурхонлар ёзиқли, яхна таомлар, биллур қадаҳлар билан тўла столлар қўйилган залда эдилар.

Сталин Молотов билан Вишинский ва тилмоч ҳамроҳлигида стол-

лар оралаб, бир-бир у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. У меҳмонларига лутфан нимадир дейиш учунгина баъзан тўхтарди.

Ниҳоят, Сталин ҳамроҳларига ўгирилмаса ҳам, аммо ўшаларга мурожаат этиб сўради:

— Черчилль қаерда?

Шу пайт Черчилль Иден билан ёнма-ён залга кириб келаётганди. Сталин унга пешвоз чиқди.

— Чолни овунтирмоқчи,— деди ишшайиб Бирнс Трумэнга. Улар залнинг нариги томонидаги чоғроқ стол ёнида турардилар.

— Кечаги эртагингиз хаёлимдан чиқмаётир... Тугмалар ҳақидаги эртақ.

— Сизнингча ҳам Сталин...— гап бошлади Трумэн.

— Худди шундай!— унинг сўзини бўлди Бирнс.— Энди менинг ҳам имоним комилки, Сталин ҳақидаги барча олди-қочди гаплар ёлғон. Унинг солдатлари Гитлер билан жанг қилишди. Кимки Гитлер мағлубиятга учрашини хоҳласа, Сталинга ёрдам қилди. Уларнинг ёрдам бермасликлари мутлақо мумкин эмасди. Воқеаларнинг жўн мантиғи бу! Сталин енга бошлаганида (бизнинг кўмагимиз билан албатта), ўзимиз уни худога чиқариб қўйдик.

— Назаримда, Черчилль Сталиндан қўрқади, айни вақтда ҳайиқадди ҳам,— деди Трумэн.— Қаранг, Жимми,— давом этди ботинқирамайроқ у нарироқдаги одамлар тўдасига ишора қилиб. Тўда ўртасида Сталин билан Черчилль туришарди.— Жо амаки сигара чекяпти шекилли, у сигара чекармиди?

— Ҳеч эшитмагандим.

Дарҳақиқат, Сталин оғзида қистирилган сигарани гугурт чақиб ёндирмоқчи бўлаётганди...

— Чолнинг ҳийласи бўлса керак бу,— тахмин қилди Трумэн.

У ҳақ эди. Черчилль Сталинга бир дона узун ва йўғон сигара узатиб уни ҳайрон қилмоқчи бўлган, чунки таклифи рад этилишига имони комил эди. Аммо Сталин парвойи-фалак, умрида биринчи ва охириги марта бўлса керак, сигарани лабларига қистирди. Черчилль апилтапил атрофга аланглаб, фотомухбирлар излаётганда Сталин сигарани ёндириб хотиржам чека бошлади. Черчилль таклифига биноан Сталинни сигара тутган ҳолда расмга оладиган ҳеч ким йўқ, чунки журналистлар қабул маросимига таклиф этилмаганди. Черчиллнинг нияти амалга ошмай қолди...

— Герман флоти эвазига битта сигара!— жилмайиб деди Трумэнга Бирнс.— Жудаям арзон-ку! Черчилль қаттиқ янглишди,— давом этди у.— Бўш келиб, шартта Сталиннинг тузоғига илинди. Пайсалга солиш хароб этди уни. Аммо, бари бир, Гарри,— Бирнс президент билан танҳо қолганда уни исми билан аташга журъат этди.— Сталин ҳам худонинг ғофил бир бандаси. Бунинг устига гайрат ва тазйиқдан ҳам маҳрум. Мен буни боя мажлис чоғида сезгандим.

— Гапдонлик қилди,— қўшиб қўйди Трумэн.

— Жудаям-да!— ишонч билан тасдиқлади Бирнс.— Неча марта «розиман» деганини санаб турдим. Камида беш марта ишлатди бу сўзни. Индамай розилик билдиргани ҳисобга қирмайди.

— Бироқ, ҳар қалай Черчиллни мот қилиб, ундирадиганини ундирди.

— Бутунлай довдираб қолди Черчилль, русларга герман флотининг бир қисмини ўз қўли билан тақдим этди.

— Энди росаям иштаҳаси очилади Сталиннинг.

— Шунинг унутмангки, Гарри, ҳар куннинг иш режасини мен билан Иден белгилаб берамиз.

— Молотов ҳам денг.

— Биз кўпчиликмиз бари бир. Ҳа, айтгандай вақтимиз...

Бирнс соатига кўз ташлаб, президентга савол назари билан қаради.

Еттидан йигирма минут ўтган эди. Трумэн соат саккизга ҳамроҳлари бўлмиш олий мартабали ҳарбий бошлиқлар — Стимсон, Маршалл, Арнольд Кинглар шарафига зиёфат тайинлаган эди.

Шу пайт Трумэн билан Бирнс Сталиннинг улар томон келаётганини кўриб қолишди.

Совет раҳбари одатдагидек осойишта, йўлбарсона бир-бир одимлар, пича орқароғида мулозимлари — Молотов, Вишинский ва бошқалар келишарди. Тилмочгина ундан бир қадам ҳам ортда қолмасди.

Теварагида Трумэн билан Бирнс турган стол ёнига келгач, Сталин юришдан тўхтаб, президентга мурожаат қилди:

— Ажойиб винонгиз учун ташаккур, жаноб президент. Бажону дил қабул қилиб олдим уни. Бағоят сахийсиз.

Сталиннинг унга қиё ҳам боқмай, Трумэнгагина мурожаат қилганидан сал нафсонияти оғринган Бирнс гапга қўшилди:

— Ҳа, сизга бир яшик юборишларини буюргандим. Иттифоқчининг кутилмаганда кўнглини овлашга не етсин!

У, бу сўзларни ярим хайрихоҳ, ярим истеҳзо аралаш айтди.

Сталин Бирнсга жавоб қилгандай, лекин ҳамон Трумэннинг кўзларига тикилиб:

— Ҳа, шундай.. Кутилмаганда, — деярган билинар-билинемас жилмайди. — Бунга не етсин. Ташаккур.

Тилмоч бу сўзларни таржима қилаётганида Сталин жилмайганча нари ўтиб, бошқа столлар ёнидаги меҳмонлар томон йўналганди.

— У айтмоқчики... — гап бошлади Трумэн, аммо жумласини тугатолмай беихтиёр ўйга толди. Нега жилмайдийкин Сталин? Нима учун «кутилмаганда» сўзига урғу бергандек бўлди? Бомбани назарда тутмадимикин? Сталин бу сўзни у қадар маънодор талаффуз этмади шекилли.

Ҳозирги ташвишли фикрдан қутилиш ва алаҳсимоқ учун Трумэн атрофида Стимсон билан америка штабларининг бошлиқлари турган стол томонга қаради. Аммо у ерда энди Стимсон кўринмасди. Қолбуки беш, кўпи билан ўн минут олдин ҳарбий министр Герриман ҳамда Дэммислар ўртасида турганди. Трумэннинг жудаям яхши эсида бу.

Ҳозир Стимсон ҳеч қаерда кўринмасди.

«Зиёфат олдидан дам олиш учун барвақтроқ кетган бўлса керак, — деб ўйлади Трумэн. — Ҳар қалай, саксонга бориб қолган-да, чол».

Америка Қўшма Штатларининг президенти Гарри Трумэн яна яхши кайфиятга қайтди. Сталиннинг бомба сирларидан воқиф бўлиши мумкинлиги унга энди бемаъни гап бўлиб туюлди.

Сталин билан кечаги учрашувдан кейин у бу биринчи учрашувдан қандай қўрққанлигини эслагиси келмасди, минг қатла шукур бу учрашув энди орқада.

Агар сўнгги хижолатпазлик ҳисобга олинмаса, ҳали, албатта, конференцияда битта ҳам жиддий олишув бўлиб ўтгани йўқ. Аммо Черчилль ҳақиқатда ўзини йўқотиб қўйди. Бирнс тўғри айтди. Бошқа масалалар, чунончи, Польша масаласига келсак, у енгил-елпи эслаб ўтилди, холос. Сталиннинг тактикаси Трумэнга тўлиқ равшандек эди: совет раҳбари ўзини илтифотли, ҳатто мулойим тутди. Чамаси у муҳокаманинг боришини кескинлаштирмаслиги учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилди. У аксари яқкаланиб қолишини билгани учун, афтидан, ошқора муросасизликдан ўзини олиб қочди ва ҳар қандай муро-сага тайёр эди.

Шунга қарамай, Трумэн эҳтиёт бўлиш кераклигини жуда яхши тушунарди. Сталин истаган дақиқада қатъият ва матонатлилиқ кўрсатиши мумкин эди. У ҳозир «иттифоқчи-рақиблари»ни гафлатда қолдириш пайида бўлиши ҳам мумкин...

Ахир, Сталин ҳам Черчилль билан Трумэн ўзи каби қатъият кўрсатишларини сынаб кўрмаган-ку.

«Майли,— деди ўзига-ўзи президент,— бу ёғи бир гап бўлар. Айниқса, мабодо...»

Трумэн энди ўша «мабодо» сўзини эсламасликка ҳаракат қила бошлади. Стимсон Гаррисоннинг эҳтиёткорона формулировкаларига унинг диққатини жалб этиб, хиёл ҳоврини босди. Шундан сўнг Трумэн ўзининг барча тактикасида жаҳон тарихи йўналишини ўзгартириши эҳтимоли бор воқеани ҳозирча ҳисобга олмасликка аҳд қилиб қўйди. У маврийдан олдин Сталинни ўзидан узоқлаштириб қўйиш ва Япония билан урушда бўлажак иттифоқчисидан ажралиб қолишдан чўчирди. Аслида бундай иттифоқчига муҳтожликдан қутулишини жуда жуда истарди.

Трумэн ҳозир мана шу «мабодо» ҳақида ўйлашни истамас эди. У ўз доирасида ўтириб, баҳузур таом лаззатини олдиндан сурмоқда эди. Зиёфат иштирокчилари учун Трумэн кутилмаган ҳадя тайёрлаган. У Бабельсбергдаги уйнинг меҳмонхонасида аъло даражадаги «Блютнер» пианиносини кўриб, дарҳол Вашингтондаги яхши пианиночини ёнида олиб келмаганига афсусланди. Музыка президент учун худди ёшлигидагидек сеvimли овунчоқ бўлиб қолган эди.

Уша кунини Трумэн шу атрофда «сакровчи гўдак» лақабли Нью-Йорклик ёш пианиночи борлигини эшитди. Сержант кийимидаги бу йигит ўз «жипи»да америка қўшинлари ҳузурида концерт бериб, бутун Европани айланиб чиқибди.

Ғалати тасодифни қарангки, сержант буюк бастакор ва пианиночи билан адаш — исми шарифи Юджин Лист эди.

Трумэн дарҳол ўша Листни топиб, Бабельсбергга келтиришни буюрди. Унинг зиёфат иштирокчиларига фавқулодда тақдим этмоқчи бўлган ҳадяси мана шу эди...

— Вақтимиз бўлди,— деди Трумэн яна бир марта соатига нигоҳ ташлаб.— Душда чўмилиб, кийим ўзгартиришга улгуриш керак. Стимсон барвақтроқ кетиб тўғри қилибди...

Аммо Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий министри президент ҳузуридаги зиёфат арафасида Цецилиенхофни фақат пичагина нафас ростлаш учун тарк этмаган эди.

Стимсон конференцияга жўнай туриб, алоқа шахобчаси бошлиғига агар Гаррисон ёки Гровсдан бирорта махфийлик муҳри урилган хабар келиб қолса, дарҳол Цецилиенхофга офицер юборинг, деб буюрганди. Мажлислар залига кира оладиган Америка соқчилик ходими ўз навбатида зудлик билан Стимсонга хабар қилиши керак эди.

Мажлис вақтида Стимсон дам-бадам эшикка қараб қўя бошлади. Сталин сўз олгандан бошқа пайтлари у ҳамма айтилган гапларни парижон тинглаб ўтирди.

Ҳар гал эшиклардан бирортаси очилиб, америкача ҳарбий формали одам залга кирганида кекса, ҳорғин Стимсоннинг юрак уриши тезлашиб кетарди.

Аммо ҳар гал ўша кирган одам Америка делегацияси аъзоларидан кимгадир бирор қоғоз топширар ёки Америка Қўшма Штатлари президентининг герби босилган папкани олиб чиқиб кетиш учун гашриф буюрган бўлиб чиқарди.

Стимсон мажлисдан кейин бошқа америкаликлар билан бирга президент ҳузурида бўлажак зиёфатни эслаган ҳолда устига емиш

ва ичкиликлар тортилган стол ёнида ҳеч нарсага қўл урмай, тек турарди. Баногоҳ қулоғига:

— Хабар келди, сэр,—деган сўзлар эшитилди.

Стимсон орқасига ўтирилиб, шахдам узоқлашаётган америкалик офицернинг кафтларинигина кўрди, холос.

У бир қадам орқага чекинди-да, сездирмайгина столдан узоқлашиб, эшик томон шошилди. Бир неча дақиқадан кейин икки нафар мотоциклли офицерлар кузатувидаги машина ўқдай олдинга интилди. Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий министри Бабельсбергга шошиларди.

Стимсон Трумэннинг Кайзерштрассе, 2 даги уйига кириб келганида президент ва унинг меҳмонлари зиёфат столи атрофида ўтиришганди. Ён меҳмонхона эшиги ланг очиқ бўлиб, ичкаридан рояль овози эшитиларди.

— Кечикяпсиз, Генри!— деди хурсанд, баланд овозда Трумэн ва шу заҳоти нафаси ичига тушиб кетди. У Стимсоннинг қўлидаги папкани кўриб қолганди. Турган гапки, папкада ҳар нарса: Узоқ Шарққа доир ҳарбий дарак ёки Эйзенхауэрдан келган хабар бўлиши ҳам мумкин эди... Аммо Трумэннинг фаҳмича ҳарбий министр президентнинг шахсий зиёфати маросимига муҳим папка билан фавқулодда вазиятдагина кириб кела оларди.

— Менда ишингиз борми, Стимсон? — деб шошилишч сўради Трумэн.

— Ҳа, сэр.

— Маъзур тутгайсизлар бизни, жентельменлар,— деди Трумэн стол ёнидан туриб. У энди ҳарбий министр ушлаб турган қора чарм папкадан бошқа ҳеч кимни ва ҳеч нимани кўрмасди.

Улар нозик гавдали, америкача формадаги, ингичка бармоқлари билан рояль чалаётган йигит ёнидан тез юриб ўтишди. Президентни кўрган сержант ўрнидан туришга шайланганди, аммо Трумэн йўл-йўлакай: «Ҳожати йўқ, бемалол давом эттираверинг» деярган, жадал ўз бўлмаси томон шошилди. Кетма-кет бўлмага кириб борган Стимсон папкани очгач, Трумэн қаршисига бир варақ шилдироқ қоғоз қўйди.

Трумэн қоғозни шартга қўлига олди.

*Мутлақо маҳфий.
Ҳеч қандай навбатсиз.
Ҳарбий 33556.*

ҲАРБИЙ МИНИСТРГА ГАРРИСОНДАН.

ДОКТОР БОЛАКАЙ ХУДДИ УЗ АҚАСИДЕК ШУХ ЭКАНЛИГИГА ИШОНГАН ВА ТУЛА ТАШАББУС БИЛАН ҲОЗИРГИНА ҚАЙТИБ КЕЛДИ. УНИНГ КЎЗ НУРЛАРИ БУ ЕРДАН ХАЙХОЛЬДГАЧА ЕТДИ, МЕН УНИНГ ФАРЕДИНИ УЗ ФЕРМАМДА ЭШИТИШИМ МУМКИН БУЛДИ.

Трумэн Гаррисоннинг телеграммасини бир неча марта қайта-қайта ўқиди. У телеграмма муваффақият гувоҳи эканлигини билса ҳам, бари бир сўради:

— Бу нима дегани, Генри?

— Тушуниш қийин эмас, сэр. «Ақаси — бу Аламогордо ҳаво базасида портлатилган бомба. «Болакай» — фойдаланишга ярайдиган иккинчи бомба. «Хайхольд» — менинг фермам. У Вашингтондан анча олис, Лонг-Айлендда жойлашган...

— Бироқ бу ерда яна бир ферма тилга олинган,— сабрсизлик билан унинг сўзини бўлди Трумэн.

— Гаррисоннинг Вашингтондан қирқ миллиарча узоқ, Анпервиллдаги фермаси ҳақида гап бормоқда.

— Бинобарин...— Стимсонга тавишли ва ички хурсандчилик билан ишончсиз боқди Трумэн.

— Муваффақият, сэр!— паст овозда жавоб қилди Стимсон.— Унга эришдик!

Трумэннинг назарида Стимсон президентнинг ғазабини келтирмаслик учун даҳшатли илоҳий куч номини аташга ҳайиқаётгандек туюлди.

Орага қисқа сукунат чўкди.

Ниҳоят Трумэн сўради:

— Нимага эришдик ўзи биз, Стимсон?

— Бомбага сэр! Бомбага!

— Хўш, қандай бомбага?!— Хитоб қилди карахтлиқдан ўзига келган Трумэн.— Унинг қудрати қандай? Қай йўл билан фойдаланиш мумкин. Кўриниши қанақа?

— Ҳа демай, маълум бўлади ҳаммаси.

— Қачон?!

— Гровснинг батафсил доклади келганда. Бугун-эрта келиши керак. Аммо шуниси равшанки, бомбага эришдик.— Стимсон жилмайди.— Телеграмма устида ишлаган шифровкачилар мени табриклашди. Улар мени етмиш саккиз ёшимда ота бўлганга чиқаришди...

Аммо Трумэн энди унинг гапини эшитмай қўйганди.

«Ҳар қалай, бу янги даҳшатли қурол қандай нарса бўлсайкин?— сўради президент ўзидан.— Кўриниши қандайикин?»

У одатдагидек авиация бомбасини кўп марта кўрганди, албатта. Авиация нисбатан тор кўламда қўлланилган биринчи жаҳон уруши даврида бомбалар анча кичкина бўлгучийди. Ҳозирги замон бомбаларининг кучини Трумэн яқинда Германияга келаётганда кўрган чуқурликлар, Берлин вайроналарига қараб тасаввур қила олиши мумкин эди, холос.

Ҳозир, Трумэн бирор нарсани кўзда тутмоқ ёки ҳисоблаб чиқмоққа қодир эмас эди. Бомбанинг тринитротолуол ҳисобидаги эквивалент кучи қандай бўлиши, унинг амалда қўлланилиши учун қандай варианты танлаб олиниши ҳақидаги саволларга жавоб кейинроқ келади.

Агар муваффақиятли чиқса, мислсиз бойлик келтириш мумкин бўлган молиявий операция натижаларини кутаётган ўрта ҳол бизнесмен каби Трумэн энди бу бойлик қўлга киритилганда афсонавий капиталини қаерга қўйиш фойдалироқлиги ҳақида ўйламасди ҳали. Илгари номи ҳам йўқ, қандайдир сеҳрли кучга эга нарсани қўлга киритганлиги тушунчаси уни сархуш этар, айни вақтда чўитарди ҳам. Трумэннинг назарида бир дақиқа жаҳон ловуллаб ёнаётгандай бўлиб туюлди. Тўлиқ хавфсизликдаги улкан орол — Америка Қўшма Штатларидан ташқари ҳамма нарса олов билан қоплангану, Иккинчи Яралиш юз берганди. Бу манзара олдида Апокалипсиснинг расмлари ҳам хира туюларди.

Ҳозир Трумэнни мана шу тасаввур қўрқитарди. Аммо озгина вақт ўтгандан кейин Қўшма Штатларнинг президенти Хиросима билан Нагасаки устига ёғдирилган жаҳаннам олови юз минглаб америкалик солдатларни сақлаб қолиш учун зарур бўлган эди, деб баёнот беради...

Бу атиги бир неча ҳафтадан кейингина юз беради. Аммо ҳозир Трумэн шу чоққача бирор инсон боласи эришолмаган ҳокимиятга эга бўлиш бахтинигина ҳис қиларди. Худди алаҳлаётгандек ўзича шифрограмма сўзларини такрорларди: «Шўх бола... Шўх... шўх!...»

...Меҳмонхонадан музиканинг майин куйи эшитиларди. Юджин Лист рояль чалишда давом этарди. Бу сафарги куй президентнинг се-викли бастакори Шопен асари эди.

Трумэн кўзларини юмиб, бир неча лаҳза Шопеннинг биринчи этю-дини масрур тинглади.

Стимсон президентнинг ҳолатини тушунгани учун индамай турди. Ниҳоят, Трумэн кўзларини очди.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, Генри? — сўради хаёл оғушидан қайт-ган президент.— Синов муваффақиятли ўтганини Черчиллга айтсакми-кин? Менимча, айтганимиз маъқул,— қўшиб қўйди у жавобни кутмас-даноқ.— Эртами-кечми — бари бир, маълум бўлади. Ноқулай аҳволга тушиб қолишимиз мумкин.

— Балки Гровснинг докладини кутармиз?— деди иккиланиброқ Стимсон.

— Йўқ,— гапни кескин бўлди Трумэн.— Черчилль сирни дарҳол очмаганимизни тушуниб қолади. Орага совуқчилик тушиши мумкин. Бунингсиз ҳам чолнинг кайфияти ёмон. Унга телеграммани кўрсатинг, маъносини тушунтириб беринг, ўзимиз ҳам телеграммада айтилгандан ортиқ нарса билмаймиз, денг. Агар унда савол туғиладиган бўлса, Вашингтондан кейинги маълумотларни кутмоқдамиз, деб жавоб қилинг. Уша маълумотлар келгандан кейингина амалий қадамларни муҳокама қилиш мумкин бўлади.

Стимсон, президент русларга ҳам хабар қилиш ниятида эмасми, деб сўрагиси келди.

Ҳали бир ойу бир ҳафта олдин бундай савол бемаънилик бўлиб эшитилган бўларди. Янги қурол устида олиб борилган ишлар ғоят махфий давлат сири ҳисобланади. Инглизларки, аниқ ҳеч нарса бил-мас эканлар, руслар ҳақида гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди.

Энди эса Трумэн Черчиллни синов ўтказилганидан хабардор қи-либ қўймоқчи бўлди. Шунинг учун руслар ҳақидаги савол мутлақо ўринли эди: ахир, улар билан биргаликда Японияга қарши ҳаракат қилишнинг бошланишига бир ойдан ҳам кам вақт қолган эди...

Бироқ, Сталин атом сиридан воқиф бўлиб қолиши мумкин, деган фикр Стимсонга фитнесчиликдек туюлгани учун индамасликка қарор қилди.

Трумэн эса унинг сукут сақлашини ҳозиргина олган кўрсатмалар-ни бажаришга розилик аломати деб тушунди.

— Меҳмонларимиз ҳузурига борайлик, Генри,— деди Трумэн.— Ахир, бу қадар юксак мансабдаги америкаликлар биз бу ерда нима ҳақда сирлашганимизни билишлари керак...

Биринчи бўлиб меҳмонхонага кирган президент рояль ёнида тўх-гади.

— Офарин, мистер Лист,— рағбатлантирувчи маънода жилмайди Трумэн.— Сиздан илтимос, Шопеннинг вальсини ижро этсангиз. Уша, қирқ иккинчи опусни.

— Яхши ёдимда бўлмаса керак, деб кўрқаман, сэр,— жавоб қилди Лист ўрнидан туриб.— Енимда нота йўқ.

— Нотани иложи борича тез муҳайё этишларини топшираман. Сиз бу вальсни Сталин меҳмон бўлиб келганида чалиб берасиз. Марҳамат қилиб русларга мақбул бўладиган программа тузсангиз. Сиз нима дейсиз, Генри,— жилмайиб сўради Трумэн орқасида турган Стимсон-дан.— Жо амаки музикани севадими?

— Қайдам, мистер президент,— қуруққина жавоб қайтарди Стим-сон.

— Шопенни севмаслик мумкин эмас.— Листга мулойим бош ир-габ қўйган Трумэн ошхона гомонга йўналди.

Үн учинчи боб

Дастлабни совуқчилик

Үн саккизинчи июлда ёмон кайфият билан уйғондим. Олдинига нега бундайлигини тушунмадим. Кейин, охирги пайтлар омадим юришмаётганлиги кайфиятим ёмонлигига сабаблигини англадим.

Кеча журналистларни Цецилиенхофдан ҳайдаб чиқаришди. Энди «Қатта учлик»ни яна бир марта кўришим гумон. Тўғри, генерал Карпов конференция мажлисларига журналистлар киритилмайди, деб мени огоҳлантирганди. Аммо мўъжиза, бахтли ҳодиса рўй бериб, бошиқлар орасидан, фронтдаги танишлардан бирортасини учратиш ёки кўриқчи офицерларни мажлислар залига киришимда кўмаклашишга кўндираман, деб умид қилгандим. Чунки Цецилиенхоф Бабельсберг каби совет оккупацияси зонасига кирарди, ҳар қалай...

Аммо кеча орзуларим сароб эканини тушундим. Менинг лоақал мажлислар залига яқин жойда туриб, думалоқ стол атрофида нима гап бўлишини хиёл тингламоқчи эканлигимга ишора қилгандим, кўриқчи йигитларнинг қиёфаси тундлашди.

Немис пар кўрпасига ўраниб ётганим учун иссиқдан аъзойи баданим жиққа терга ботган ҳозирги аҳволим тўғрисида ўйлай бошладим.

Дуруст, дердим ўзимга-ўзим, дастлабки иккита корреспонденциямда, чамаси, ҳозир бўлганимга гувоҳлик берувчи айрим деталлар ёрдами билан умумий мулоҳазаларни баён этишга муваффақ бўлдим.

Аммо ўша деталлардан иттифоқчи журналистлар ҳам фойдаланган бўлишлари керак. Бу ёғига нима ёздим энди? Конференциянинг биринчи куни ўтди, аммо бу тўғрида мен нима биламан? Совет газеталарида конференциянинг бошлангани эълон қилинди, ғарб дунёсида эса бу ҳақда Трумэн Европага жўнагандаёқ, аллақачон воқиф бўлган эдилар.

Уйғониб, соатга қараганимда олтидан йигирма минут ўтган эди. Ошхона еттида очилади. Урнимдан туриб, шошилмай кийиндим, соқолимни қиртишладим-да, ошхона очилгандан ўн минут кейин у ерга кириб бордим.

Аммо биринчи қаватдаги катта зал одам билан лиқ тўла эди. Киноматографлар келишмаганди. Демак, эрталаб ҳеч қандай расмий тадбирлар ўтказилмайди. Шунга қарамай, бир неча танишларни кўрдим.

Столлардан бирининг ёнида қора соч, келишимли, қиёфаси жиддий, қаршисида эса бақалоқроқ, кифтлари кенг киши ўтирарди. Иккаласи ҳам кулранг кийимда — ташқи ишлар министрлиги формасида эди. Кечаги расмга олишдан кейин булар Қўшма Штатлар ва Англиядаги элчиларимиз Громико билан Гусев эканликларини билардим.

Ўша стол ёнида Молотовнинг биринчи ёрамчиси Подцероб ҳам бор эди.

Улар нима ҳақдаир суҳбатлашар, аммо овозлари жудаям паст бўлгани учун сўзларини илғаб бўлмасди. Назаримда суҳбатларининг истаган жумласи ёзажак корреспонденциямга мавзу бўладигандай эди.

Бир дақиқа хаёлимга уларнинг олдига бориб, ўзимни таништириш, кеча конференцияда нима бўлганини сўраш фикри келди. Аммо бу одобдан бўлмасди, албатта. Цецилиенхофни чулғаб олган бу қадар махфийлик вазиятида саволларимга ҳеч қандай жавоб ололмаган, кейинроқ ўринсиз қилигим учун танбеҳ еган бўлардим.

«Қарпов!— деган фикр келди хаёлимга.— Фақат Қарпов менга ёрдам бера олиши мумкин! У билан иложи борича тезроқ учрашиш керак!» Қуймоқни еб, бир стакан қаймоқли қаҳвани ичгач, ташқарига чиқдим.

Соат ўнта кам саккиз эди.

Тез-тез юриб, Қарпов уч кун олдин мени машинада элтиб қўйган бинога етиб бордим. Дуч келган офицерларга честь беришдан ўзимни зўрға тийиб, соқчига тегишли рухсатномани кўрсатдим-да, иккинчи қаватга кўтарилдим.

Қарпов столи устига ўрнатилган иккита телефондан биттасида гап-лашмоқда эди. У менга бош ирғаб, пича гапини давом эттиргач, қисқагина:

— Тушундим, хайр,— дея трубкани жойига қўйди.

— Салом, Михайло!— Қарповнинг менга бу қадар жўн мурожаатидан хурсанд бўлиб кетдим. Генералдан тўлиқ умид қилсам бўлар эди. Уни бирор ерга чақириб қолишлари ёки телефон қилишлари эҳтимоли борлиги учун шоша-пиша:

— Василий Степанович! Мен қийин аҳволга тушиб қолдим-ку!— дедим.

— Қийин аҳволга?— ажабланган Қарпов қалин қошларини чимирди.— Тинчликми ўзи?

— Бу ерда бўлишимга ҳожат қолмади. Ҳеч қаерга киритишмаяпти мени. Цецилиенхофда атиги бир неча дақиқагина бўлдим, шунда ҳам фақат конференция бошлангунга қадар. Кинематографлар билан сураткашлар учун кифоя қилиши мумкин бу муддат, менга мутлақо кам... Ёзишим керак-ку, ахир!

— Демак, музокаралар столи ёнида ўтиришни истаркансан-да?— деб майинлик билан сўради Қарпов.

— Ҳазилга буряпсиз, ўртоқ генерал!

— Келганингга афсусланиясанми?— бу гал генералнинг гап оҳанги жиддийлашди.

— Нима десам экан сизга, Василий Степанович! Аввалги икки-уч кун ичида кўп қизиқ нарсаларни кўрдим. Трумэн ва Черчиллни кутиб олишда қатнашдим. Сталинни яқиндан кўрдим. Инглиз мухбирлар билан жиғиллашдим. Синчков немис билан танишдим. Қисқаси, таассуротлар кўп. Москвага иккита мақола жўнатдим. Аммо ҳозир — энг муҳими бошланганда ҳеч нима кўрмай, эшитмай қоладиганга ўхшайман.

Генералнинг нигоҳи баттар тундлашиб бегоналаша бошлади.

— Василий Степанович,— ёлворишда давом этдим мен,— ўзингиз тасаввур қилиб кўринг-а, сиз дивизия командири, мен эса дивизия газетаси редакториман. Вазифам газета чиқариш, ҳолбуки, мени сизнинг ҳам, комиссарнинг ҳам ҳузурига киритишмайди.

— Лақиллатяпсанми мени, Воронов?— жилмайди Қарпов.— Утмишда бирга ишлаганимизни рўкач қилияпсанми?— Бу орада унинг нигоҳи анча мулойимлашди.— Аммо лақиллатаман, деб овора бўлма. Конференция тартибини ўрнатган мен эмас, уни ўзгартириш ҳам менинг вазифамга кирмайди.

— Ахир, гап биргина менда эмас!— хитоб қилдим.— Ғарб журналистлари ҳам ҳеч қаерга киритилмаётганларидан норози бўлишяпти.

— Ана, кўрдингми?— гапни илиб олди Қарпов.— Сенингча, бизнинг журналистлар киришлари кераг-у, уларники йўқ эмиш. Қандай шов-шув кўтарилишини тасаввур этасанми?

Бордию уларни ҳам, бизларни ҳам киритишса-чи?— сўрадим хавотир билан.

— Конференцияда ҳар нарса бўлиши мумкин,— афсусланиш билан эътироз билдирди Қарпов.— Баҳслар ҳам, келишмовчиликлар ҳам.

Ғарблик ҳамкасбларинг келишувга эришишни кутиб ўтиришади, деб ўйлайсанми? Улар нақ биринчи тортишувдаёқ бутун дунёга жар солалар-а!

Карповнинг гапида жон бор эди, албатта.

— Ўзингиз кечаги мажлисда бормидингиз?— Бошқачароқ ёндошмоқчи бўлдим Карповга.— У ерда нима бўлганини билмайсизми?

— Билмайман.

— Демак, сизга ҳеч нима, мутлақо ҳеч нима маълум эмас-а?

— Нега энди, маълум.— Яна қовоғини уюб жавоб қилди Карпов.— Конференция Германиянинг келажагини ҳал қилиши лозим. Польшанинг чегарасини белгилаши керак. Европада барқарор тинчлик ўрнатиши даркор...

Аммо буларни мен Ялта конференцияси қарорларидан яхши билардим.

— Булар, Василий Степанович, майда нарсалар,— дедим гарчи гапим унга қаттиқ тегишини билсам ҳам.

— Аксинча, булар осонликча эришиладиган нарсалар эмас. Кеча конференцияда кўрилган масалаларга келсак... Сенга шунини айтишим мумкинки... Ташқи ишлар министрлари ҳар куни тушгача тўпланишиб, конференциянинг ҳар бир мажлиси учун режа тайёрлашга келишиб олдилар. Ҳатто энг воқиф одам ҳам эртага, индинга нима масала муҳокама қилинишини олдиндан айтиб бера олмайди.

— Нима йўлланма бўлади энди менга?!— хитоб қилдим тагин ҳафсалам пир бўлиб.

— Мухбирлар киритиладиган учрашувлар бўлса, бу ҳақда совет делегациясининг маъмурий бўлиmidан биласан,— қуруқ жавоб қайтарди Карпов.— У ерга ҳар куни эрталаб кириб тур. Агар бирор алоҳида зарурат туғилиб қолса, сени чақиртиришади.

— Қаёққа?

— Генерал Карпов, Василий Степанович ҳузурига. Шундай одамни биласанми?

— Нега шу чоққача...

— Шу чоққача зарурати йўқ эди. Зарурат туғилса топамиз. Ё шу ерда, ёки Постдамда. Сен у ерда НП¹нингги ўрнатдингми?

— Ҳа. Ермаингиз учун раҳмат.

— У ернинг эгаси ким?

— Бир немис.

— Турк эмас, немислигини биламан. Дуруст одамми, деб сураяпман.

— Айтишларича дуруст одаммиш.

— «Айтишларича» эмиш!.. Хўш, ўзинг-чи, ўзинг қандай фикрдасан?

Ҳозир мен айниқса Вольф билан унинг эзма рафиқаси ҳақида сираям гапиргим келмасди. Аммо Карпов, чамаси мени ташвишлантираётган мавзудан атайлаб алаҳситаётган эди, шекилли. Шунинг учун унга Вольфлар тўғрисида ҳеч нима айтмасликка қарор қилдим.

— У билан ишим йўқ,— жавоб қайтардим қовоғимни уюб.— Немислар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлганмиз. Тўққизинчи майда. Ҳозир мен учун энг муҳими конференция.

— Конференция?— қайта сўради Карпов.— Нима, сенингча, конференциянинг немисларга дахли йўқми?

Оббо, тушунаман-ку, ахир буни!

— Василий Степанович!..— таъна қилмоқчи бўлдим мен.

— Нима «Василий Степанович?»— сўзимни бўлди Карпов истеҳзоли билмайиб.— Мен жангчи, сафдаги командирман. Модомики, уруш тугаган экан, демак, мен ўзим ишимни битирдим. Гитлерчилар Герма-

¹ НП — назокат пункти.

ниясини жазоладилар, миллионлаб кишиларимиз учун ўч олдилар, энди нима бўлса бўлаверсин, дейиш айтишгагина осон. Бундай хулоса чиқармаслик керак, Михаил, ҳа, чиқармаслик керак! Ҳозир немислар дилдан нималар ўтаётгани наҳотки сенга аҳамиятсиз бўлса? Қайси йўлни, қандай йўлни танлашади улар? Ахир, келгусида немислар билан ёнма-ён яшашимизга тўғри келади-ку!

Карпов бу гапларни фавқулодда қизишиб айтди.

— Хўш, нега жим бўлиб қолдинг?

— Уйлаяпман.

— Нима ҳақида?

— Рус кишисининг кўнгли поклиги ҳақида.

— Гитлерга ҳамма нарса осонгина амалга ошадигандек туюлди.—

Менинг мулоҳазамга аҳамият бермай, аввалгича қизгин давом этди Карпов.— Россияни тор-мор келтириб, Кремлда ўз гаутлайтерини ўтқазиб қўйиш, кишиларимиз гарданига бўйинтириқ солишу шу билан тамом-вассалом, деб ўйлаганди. Биз эса унга бошлаб жавоб бердик. Энди бошқача жанг олиб бораёғимиз. Немисларни қойил қилиш учун жанг кетяпти. Айтмоқчи, инглизлардан биттаси билан жигиллашиб қолдим, дедим. Қандай сабаб билан?

— Уша, уларни Цецилиенхофга қўймаганликлари сабабидан-да.

— Чидасалар шу!— кулди Карпов, сўнгра соатига қаради.

— Раҳмат, Василий Степанович,— дедим чуқур хўрсинган кўйи ўрнимдан қўзғалиб.

— Саломат бўл!— Карпов стол оша менга қўлини узатди.

Совет делегациясининг маъмурий бўлимида мени иккита ҳужжат кутиб турарди. Биринчиси Лозовскийнинг телеграммаси эди.

СОВИНФОРМБЮРО МУХБИРИ ВОРОНОВГА. КЕЙИНГИ КУНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҒАРБ МАТБУОТИДА СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ КЎПЛАБ МАҚОЛАЛАР ПАЙДО БУЛМОҚДА. ҒУЕ БИЗ ШАРҚИЙ ЕВРОПАНИ ЎЗИМИЗГА БУИСУНДИРМОҚЧИ БУЛАЁТГАНИМИЗ ҲАҚИДАГИ БУРЖУА УЙДИРМАЛАРИНИ ФОШ ЭТИШГА ЭЪТИБОРИНГИЗНИ ҚАРАТИНГ. БИЗНИНГ ПОЗИЦИЯМИЗ ДЕМОКРАТИК ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ ҚИЛИНГАН ГЕРМАНИЯ ВА ЯЛТАДА НАЗАРДА ТУТИЛГАНДЕК ШИМОЛДА ВА ҒАРБДА ЧЕГАРАСИ КЕНГАЙТИРИЛГАН СУВЕРЕН ПОЛЬША ҲАҚИДАГИ СИЗНИНГ ИККИТА МАҚОЛАНГИЗ МАЪҚУЛЛАНДИ ВА ҒАРБ ТЕЛЕАГЕНТЛИКЛАРИГА БЕРИЛДИ. МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ. ЛОЗОВСКИЙ.

Иккинчи ҳужжат узун, камбар оқ конверт ичидаги хат эди. Бундан мен шуни билдимки, «Совинформбюро» мухбири мистер Воронов ўзи учун қулай вақтда — эрталабки ўндан, кечки ўн биргача — Целендорф-Вестда жойлашган иттифоқчиларнинг матбуот марказига келиши таклиф қилинади.

Кеча Брайт билан «Under ground»га кетаётганимизда Чарли «Бу бизнинг матбуот марказимиз» деб атаган бино ёнидан ўтган эдик.

Хатни чўнтагимга солиб, Лозовскийнинг телеграммасини яна ўқиб чиқдим. Телеграмма ташвишли ва айни вақтда шафқатсиз ҳам эди. «Советларга қарши кўплаб мақолалар». Нега бундайкин? Эҳтимол, ғарб журналистларида конференция ҳақида ҳатто Карпов ҳам билмайдиган маълумотлар бордир.

Анчадан бери америка ва инглиз газеталарини кўрмагандим. Уларни сўнги марта уруш тугаланишидан анча аввал мени Совинформбюрога чақирганларида кўрган эдим.

Ғалабадан кейин Москвага қайтиб, Леонтьевский кўчасига, яқин вақтларда демобилизация бўлишнингимни билганим ҳолда, расмий

учун кирган эдим. Миям келажак режалари, Мария ҳақидаги фикрларга тўла эди. Қисқаси, чет эл газеталарини ўқишга қўлим тегмасди.

Чет элда газеталаримизда босилган хабарларни ўқирканман, албатта, ғарб матбуотининг Совет Иттифоқи ҳақида уруш кунларидагидан бир оз бошқача ёзаётганини сезгандим. Масалан, «Правда» турк журналисти Ялчиннинг Сан-Францискодаги конференцияда бизнинг Англия билан ихтилофларимизни ошириб юборганини таъкидлаган эди. Ўз газетхонларини советларнинг «ҳарбий ҳавфи» — Қизил Армиянинг ўсиб кетаётган қудрати билан қўрқитмоқчи бўлган америкалик ҳарбий журналист ҳам тилга олинган эди...

Афтидан, бу нарсалар тарихий муқаррарлик бўлса керак, деб ўйладим: ҳар гал, қиличлар жаранги ёки снарядлар портлаши тўхтаган ҳамон жанг майдонидан бошқа жойда янги олишув бошланарди. Мағлубият ғолиблардан бирор нарсада ён босишини савдолашишар, ҳатто ғолиблар ўртасида ҳам кўпинча можаро чиқиб қоларди. Доимий уруш ўзи шу.

Яқинда бўлиб ўтган урушда умумий душманга қарши Совет Иттифоқи, Англия ва Қўшма Штатлар каби ижтимоий тузуми жиҳатидан бениҳоя турлича мамлакатлар бирлашган эдилар. Ғалабадан кейин буларнинг ўртасида қарама-қаршилиқлар ва баҳслар келиб чиқиши ажабланарли эмас эди.

Аммо, бари бир, Техрон ва Ялта тажрибалари инсон ақл-заковати тараққий этаётганини кўрсатди. Улим ҳаётнинг ягона кушандаси бўлиб, яшашни танлаш керак бўлганида, ҳаёт учун курашдаги интилишни бирлаштиришда ижтимоий системалардаги тафовутлар енгиб бўлмайдиган тўсиқ бўла олмайди.

Бироқ, мана энди уруш тугагач...

Йўқ, бари бир буюк Сервантес ҳақ экан: ҳеч ким ва ҳеч нима вақтни тўхтатиш ёки уни изсиз ўтишга мажбур қилишга қодир эмасдир. Яқиндагина тўхтаган уруш ғоят даҳшатли ва ундан сабоқ олмаслик мумкин эмас эди.

Айни вақтда Лозовскийнинг телеграммасига қараганда, буржуа матбуотида Ялчиннинг мақоласи каби айрим мақолалар устида эмас, балки Постдамдаги конференция билан боғлиқ Совет Иттифоқига қарши бутун бир компания ҳақида гап борарди.

Нима, конференция Қўшма Штатлар билан Англиянинг ихтиёрига қарши чақирилганмиди? Ўша советларга қарши мақолаларда қандай далиллар бор экан?

Ахир, бир ойгина аввал барча совет газеталарида Трумэннинг Вашингтондаги матбуот конференциясида берган баёноти эълон қилинган-ку! Президент иттифоқчилар ўртасида уруш вақтида мавжуд бўлган бирлик ва ўзаро ишонч барқарор тинчлик ҳақи мустаҳкамланиши керак, деб тасдиқлаган эди. Шу муносабат билан Трумэн Дэвиснинг Лондонга ва Гопкинснинг Москвага қилган сафаридан қаноат ҳосил қилган эди.

Польшами?.. Трумэн худди ўша баёнотида, Гопкинснинг сафари бу нуқтага назардан ҳам муваффақиятли бўлди, деганди.

Умуман, бизнинг матбуотимиз хабарларига қараганда, иттифоқчиларнинг муносабатлари яқингина вақтларгача ҳам жуда яхшигина эди.

Мен, биз фронтовиклар урушнинг оғир биринчи йилларида иттифоқчилар ваъдаларини бажармаяптилар ва ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, Европада иккинчи фронтни очишни орқага сурмоқдалар, деган фикр ҳаёлимизга келгандаги худди ўша ғазабланишни ҳис қилдим. Иккинчи томондан эса буларнинг ҳаммаси аллақачон ўтмишга айланган, биз бари бир ҳамкорликка эришдик-ку! Совет газеталари иттифоқчилар қўшинларининг Нормандияга туширганларидан кейинги шавкат-

лари ҳақида ёзмаганмиди? Торгаудаги учрашув иттифоқчиларнинг жанговар дўстлик байрамига айланмаганмиди? Худди шу Лозовскийнинг ўзи менга телеграмма юбориб, унда бу жанговар дўстлик ҳақида имкони борича кўпроқ материаллар юборишимни талаб қилмаганмиди?..

— Сизга бошқа ҳеч нарса йўқ!— деган аёл овози эшитилди орқадан. Шошилинич ташаккур айтиб, бинодан чиқиб кетдим.

...Эндиликда, ўттиз йилдан зиёд вақт ўтгандан кейин, давримизнинг энг йирик воқеаси арафасида Хельсинкида эканимда, ўша вақтларда мени чулғаб олган фикрларни тўғри тиклай олаётганмикинман? Мен ҳали қулоқлари остидан тўрт йиллик урушнинг акс-садоси ўчмаган йигит эдим. Тасодиф тақозоси билан ўпқонига қарай олишим мумкин бўлмаган сиёсий вулқон ёнига келиб қолдим.

Йигирма етти ёшли журналист, кечаги жангчи — мен каби миллионлаб кишилар ҳақиқатда ҳам ўша вақтларда бизнинг буюк ғалабамиз туфайли вужудга келган кўтаринки кайфиятда эдиларми? Бутун жаҳон қутқариб қолинганлиги учун кимдан миннатдор бўлиши кераклигини тушунишига чиндан ҳам имонлари комилмикин уларнинг?..

Ҳозир мен — ёши ўтган, совуқ уруш йилларини бошдан кечириб, унинг муз парчалари қандай заранглашиши, ўша парчаларни эритиш учун қанчалар улкан куч ишлатилганини ўз кўзим билан кўрган одамман. Қайтиб келмас ўтган кунларимни ҳасрат ва армон билан эслар эканман, қуёш нурига фарқ Бабельсберг кўчасида турган ёш йигитга худди Гегелнинг «бойўғлиси» каби қарайман. Инсон осойишта яшаш бахтига муяссар бўлган шароитда юз бераётган ҳодисалар бу йигитга ғалати туюлиб, у, бу ҳодисалар тўғрисида ижирганиб хаёл сурарди.

...Лозовский телеграммасида эслатиб ўтган «советларга қарши мақолалар» ҳақида ўйлашни давом эттириб, мен уларни ўзим ўқиб чиқишим керак, деган хулосага келдим. Шундай қилсам, балки конференциянинг «сирлари»ни тушуниб етарман? Ахир, ғарб газеталарининг редакциялари мақолаларни фақат ўз мухбирларидан эмас, балки бевосита Вашингтон ва Лондондаги ҳукумат доираларидан ҳам оладилар-ку.

Шу чоқ бирдан эсимга матбуот маркази келиб қолди! У ерда, албатта америка ва англиз газеталарининг янги сонлари бўлса керак.

Чўнтагимдан камбар оқ конвертни олдим: «Эрталабки ўндан кечки ўн биргача»...

Тўққиздан йигирма минут ўтган эди. Машинани тўққизга чақиргандим. Уни старшина ҳайдаб келган бўлса керак. Целлендорфгача ярим соатдан камроқ йўл юрилади. Матбуот маркази қаерда ўзи? Хатда ҳеч қандай адрес йўқ. Фақат Целлендорф-Вест райони бор. Умуман, ҳозирги Берлинда кўчалар билан уйларнинг номерлари шартли тушунча эди. Эҳтимол, шунинг учун уларни кўрсатишнинг зарурати йўқ, деб ҳисоблагандирлар.

Аммо Целлендорфга борсам, кеча мени Брайт олиб юрган кўчани топа олишимга шубҳа қилмас эдим.

...«Эмка»ни узоқданоқ кўрдим. Ҳайдовчи старшина Вольфни қандай усталик билан ва билдирмасдан излаб топганига қараб мулоҳаза қилинса, у кўпни кўргангина эмас, балки аниқ ишлаши ҳам маълум бўлади.

Уни Берлинга боришимдан воқиф этиб, Герасимовда бирор янгилик бор-йўқлигини билиш учун иккинчи қаватга кўтарилдим. Сергей Аполлинариевич бугун ҳеч қандай расмий маросим бўлмаслигини айтди.

Тўққиз яримда Бабельсбергдан Берлинга жўнадим.

— Йўлимиз қаёққа, ўртоқ майор?— сўради ҳайдовчи Берлинга яқинлашганимизда.

— Целлендорфни биласанми?

— Бўлганман. Фақат кам. Америка зонаси.

— Менга ўша зона керак.

— Қайси жойи?

— Ўзим ҳам аниқ билмайман. Кеча у уйни бирровгина кўрувдим, бироқ кўчаси эсимда йўқ. Целлендорфни бир айланайликчи, балки эсимга тушар.

Чамаси, менинг жавобимдан ҳайрон бўлмаган ҳайдовчи жимгина бош силкиб қўйди.

Биз Целлендорфга кириб бордик. Бу Берлиннинг жануби-ғарб қисми эди. Зона дов-дарахтлар кўплиги билан шаҳарнинг бошқа районларидан кескин фарқ қиларди. Бироқ уруш излари дарахтларда ҳам сезиларди. Уларнинг учлари синиб, барглари оҳак ёки тош чанги билан қопланганди.

— Илгари бу ерларда зодагонлар яшаган,— бирдан гапга киришиб кетди камсуқум старшина.— Қаерда нима бўлгани ҳақида бизга лекция ўқишган. Экскурсияга олиб боришди... Ҳайвонот боғига. Даҳшатли манзара, ўртоқ майор! Ҳайвонлар қирилиб кетибди, фақат битта фил тирик қолибди, холос. Урғочи фил ўлиб ётибди. Эркаги унинг тепасида йиғлаб турибди. Эҳтимол, йиғламаётгандир, кўз ёши кўринмайди-ю, аммо жуфтани қўмсапти. Хартуми билан урғочисини сийпалаб, бошини чайқайди...

Қулоғим ҳайдовчидаю атрофимга аланглайман. Брайт менга матбуот марказини, «виллис»ни тор кўчадан чиқарганида, ертўлага йўл олишимиздан сал олдинроқ кўрсатган эди. Уша уйнинг ёнидаги темир тўсиқ эгилган, топталганга ўхшарди.

Целлендорфни ярим соатча кездик. Данғиллама ҳовлилардан бирининг пештоқида майда-майда юлдузчали байроқ ҳилпирарди. Ниҳоят, америкаликларнинг ҳарбий-полиция машинасини кўрдим.

— Аравангни анави машинанинг орқасига қўй — дедим старшинага.

— Бу ахир полиция-ку, ўртоқ майор!— ҳайрон бўлди ҳайдовчи.

— Биладан. Тўхтат.

Мен яқинлашган «виллис»да оёқларини ён ўриндиққа ташлаб, америкалик солдатми хуллас, ҳарбий формадаги сарғиш шофер ўтирарди. Унинг пилоткаси кифтидаги погонига қистирилган, сарғиш ҳарбий кўйлаги белигача очиқ эди.

— Кечирасиз, сержант,— дедим инглизчалаб.— Бу ерда матбуот маркази қаердалигини биласизми?

— Sure!¹ — ўтирган куйи жавоб қилди америкалик. Кейин чет эллик билан муомала қилаётганини тушунди шекилли, ҳар қалай, оёқларини туширди, кўзларини киртайтириб, сўради:

— Кимсан, йигит?

Бу сурбетни «смирно!» турғизиб қўйилса яхши бўларди.

— Совет журналисти,— дўстона оҳангда жавоб бердим,— ҳужжатларни кўрсатайми?

— Ичиб олиб, жанжал кўтармагунингча менга ҳужжатларинг керак эмас,— мулоийим кулги билан жавоб берди сержант. Сўнгра юзимга ошкора қизиқиш билан қараб чиққач: — сен ростдан ҳам русмисан?— деди.

— Рус кишисини кўрмаганмисан ҳеч?

— Нега энди?— ранжиди сержант,— солдатларни ҳам, офицерлар-

¹ Албатта! (инглиз).

ни ҳам биламан. Иккита кичкина юлдузча — лейтенант. Битта катга-роғи — майор. Тўғримми?

У менга фахрланиб қаради.

— Тўғри, тасдиқладим унинг гапини.— Матбуот маркази қаерда? Сержант қўлини ўриндиқнинг тагига суқди-да, тўрт букланган Берлин харитасини олиб, уни тиззалари устига қўйиб, ёйди.

— Биз мана бу ердамиз, билдингми?

— Билдим.

— Сенинг мирзаларинг манави ерга тўпланишади,— кир тирноғининг қирраси билан харитани чизиб кўрсатди.— Тушундингми?

— Тушундим, раҳмат.

Матбуот маркази жуда ҳам яқин жойда, биринчи тор кўчага бури-либ, бир оз тўғрига юриш керак экан.

— О кэй!— деди сержант бепарво ва яна ўриндиққа ёстанди.

...Бу уйни нечук кўрмаган эканман? Биз бу ерда ҳозиргина бўлган эдик-ку. Уйда мутлақо вайронлик сезилмасди. Фақат қачонлардир уни йўлкадан ажратиб турган жимжима темир тўсиқнинг бир қисми суриб ташланган, бир қисми майишиқ бўлиб, худди танк уриб, тишли гилди-рақлари билан босиб ўтгандек эди. Уй ёнида йўлка четида «мерседес»-лар, «вандерер»лар, «виллис»лар турарди.

Мен кириб борган ним қоронғи хона бўм-бўшдек кўринди. Аммо шу пайт қаёқдандир ён томондан:

— Joucard,— деган овоз эшитилди.

Эшик олдидаги стол ёнида ҳарбий формали кекса америкалик ўти-рарди.

— Мен совет журналистиман. Совинформбюро мухбири.

— Voucard, please!¹ — қатъий талаб қилди америкалик, аммо бу гал «марҳамат» сўзини қўшди.

— Совет журналисти. Москвадан.— Мен америкаликка эрталаб ол-ган хатимни узатдим.

— Бошлиқнинг ҳузурига киринг,— деди америкалик хатга нигоҳ ташлаб.— Иккинчи қават, чап томондан иккинчи эшик.

Алоҳида уйга кириб матбуот маркази қандай бўлиши кераклигини ўзимча тасаввур қилмоқчи бўлганимда Голсуорси ёки Моэмда ўқиган-ларим, ғарб клубларига ўхшаш нарсалар хаёлимга келган эди. Юм-шоқ чарм креслолар, ялт-юлт қизил ёки қора ёғоч столлар, журнал-лар ва газеталар... Жентельменлар, хонимлар бу ерга киритилмайди. Креслоларда ўтириб олиб, виски ёки шарбат симиришар, сигара, труб-каларини сўриб, буткул осойишталик билан газета ва журналларни кўздан кечирардилар...

Бугунги Берлинда шу кабилар мавжудлиги гумон эди. Шунга қа-рамай, бир вақтлар хаёлимга ўрнашиб қолган стереотип кучини кўр-сатди.

Иккинчи қаватга кўтарилишим билан ўнг ва сўл томонларга чў-зилиб кетган узун йўлакни кўрдим. Чап томондаги иккинчи эшикка «МАТБУОТ МАРКАЗИ БОШЛИҒИ» деб ёзилган лавҳа ёпиштириб қў-йилган эди. Чоғроқ стол ёнида деразага тескари ҳолда бир офицер ўтирарди. У бир қўлида ликобча, иккинчи қўлида чашка ушлаб, чой-ми, қаҳвами ичаётганди. Столнинг тагидан сарғиш шимли узун оёқ-лари кўриниб турарди. Қанақа армияда бундай форма кийилиши эсимда йўқ, бошим қотиб қолди.

— Саломатмисиз, сэр,— дедим ҳар эҳтимолга қарши инглиз тили-да.— Мен совет журналисти Вороновман. Хатингизни олгандим.

Бошлиқ (чамаси шу одам бўлса керак) қўлимдаги камбар оқ қо-ғозни кўргач, ўрнидан туриб илтифотли жилмайди.

¹ Карточкангизни кўрсатинг, сэр, (инглиз).

— Хуш келибсиз, мистер Воронов!

У тез гапиргани учун сўзларини зўрға тушундим. Бу одамнинг она тили шубҳасиз инглиз тили эди-ю, аммо талаффузи инглиз ва америкаликлар талаффузидан бир қадар фарқ қиларди.

Бошлиқнинг узундан узоқ гапидан, ҳар қалай, муҳимини тушуниб олдим: матбуот марказининг бошлиғи, Канада армиясининг полковниги — фамилиясини эса англай олмадим,— у юборган таклифига жавобан келган биринчи совет журналистини табриклади. Бироқ, матбуот маркази ғарб журналистларинигина бирлаштиради. Агар мистер Воронов унинг ҳузурдаги вакил бўлишни истаса, бу ҳақда Олий совет қўмондонлиги, қарийб маршал Жуковнинг ўзи бу ҳақда илтимос қилиши керак экан...

Полковник мулойим овозда қаҳва ичишга хушим ва у билан бирга киришга иштиёқим борми-йўқлигини сўради. Мен у ерда пул тўлаш керак бўлса, қандай пул билан тўланишини билмас эдим. Полковникка чин юракдан ташаккур билдириб, газеталарни кўрмоқчи эканимни айтдим. Полковник мени йўлакнинг охиригача олиб борди-да, эшиклардан бирини очди. Хонадаги узун столларнинг ҳаммаси газеталар билан тўла эди.

— Ҳозир бу ерда ҳеч ким йўқ,— деб тушунтирди полковник.— Йигитлар брифингда. Афсуски, ҳали вакил қилинмаганингиз учун сизни у ёққа таклиф эта олмаيمان.

Инглиз-америка ғарбида брифинг деб инструкторив ёки информатсион кенгашни айтадилар, унда қатнашганларга муҳим янгиликлар хабар қилинади.

— Раҳмат, полковник, рухсатингиз билан газеталарни кўздан кечирсам,— дедим.

— Сизга ҳалақит бермайман,— деди канадалик.— Эсингизда бўлсин, бар йўлакнинг нариги бошида,— сиполик билан қўшиб қўйди у.

— Унга ҳам вакил қилинган бўлиш керакми?

— Йўғ-э! Шунчаки пул тўлаш керак, холос. Истаган валютангиз қабул қилинади. Шу жумладан маркалар ҳам.

Полковник эшикни зич ёпиб, чиқиб кетди.

Янги газеталарнинг биринчи саҳифаларига кўз югуртириб чиқиб, конференция ғарб матбуотининг диққат марказида эканлигини дарҳол тушундим. Қасбимга хос ҳасадим кўзиди. Конференция кеча тушдан кейин очилган. У ҳақдаги материаллар керак бўларди.

Кўп ўтмаёқ, фотографиялардан бўлак ҳамма материаллар Вашингтонда, Нью-Йоркда, Лондонда тайёрлаб келинганини тушундим.

«Вашингтон пост» газетасининг биринчи саҳифасида аллақандай Новер деганнинг конференцияга бағишланган ва ошкора советларга қарши йўналишдаги мақоласи босилган эди. Новер Қўшма Штатлар ҳукумати Англия билан Совет Иттифоқи ўртасида воситачилик ролини ўз устига олмаслигига ишонтирарди. Муаллиф ғарб мамлакатлари Ялтадаёқ Совет Иттифоқининг сиёсатига таъсир кўрсата олмаганликларини таъкидлаганди. Қрим конференциясининг Европадаги ҳукуматлар ҳақидаги қарорлари Совет Иттифоқининг айби билан амалга оширилмаганмиш. Польшанинг чегараси ҳақидаги Ялта битими муроса эмас, балки Қўшма Штатларнинг Совет Иттифоқи олдидаги таслим бўлиши эмиш.

«Нью-Йорк таймс» газетасида Сильцбергер Потсдам конференциясининг кун тартиби масаласида каромат қилганди. Унингча, конференциянинг диққат марказида асло Германия ва Европа эмас, балки Хитой, Туркия, Эрон бўлиши керак эмиш.

Инглиз газеталари Рейтер агентлигининг мухбири Ллойднинг «Қатта учлик» ҳозироқ бевосита Иттифоқ Контроль Кенгашига тобе

муштарак марказий Герман маъмуриятини тузиш масаласини муҳокама қилмоқда, деган хабарни босиб чиқарганди. Мухбирнинг тасдиқлашича, руслар ҳамisha Германияни парчалаб ташлашга доир ҳар хил планлардан фарқли ўлароқ тор территорияли, аммо бирлаштирилган Германия бўлиши тарафдори, эмишлар.

Совет Иттифоқи тилга олинган қарийб ҳамма ҳолатларда газеталар ғайриликка йўл қўйган эдилар.

Мазкур газеталар Потсдам конференцияси махфийлик вазияти-далигини бир овоздан қоралардилар.

Газеталарда иттифоқчи давлатларнинг мухбирлари Бабельсбергдан деярли ўн тўрт миль узоқликдаги Целлендорфга жойлашганлиги хабар қилинганди. Ҳайдаб юбориш дағдағаси билан қўрқитилган мухбирларнинг конференция кетаётган территорияга киришлари ман этилган, деб ёзарди матбуот. Нуқул ва ҳадеб «Яширин дипломатия методлари» қайта тикланганлигидан шикоят қилинади.

Газеталар, Совет Иттифоқи бутун Европани ўзига бўйсундирмоқчи, деган даъво билан чиқарди. Россия билан Англия ўртасидаги ихтилофлар ҳар хил йўллар билан ошириб кўрсатиларди. Потсдамда Сталиннинг аввало Германия ва Польша масаласи хусусида Трумэн билан Черчиллдан қаттиқ дакки ейишига ишонтирмоқчи бўлганлар ҳам топиларди. Улар, Потсдам конференцияси муқаррар барбод бўлажак дердилар.

Аҳвол шу даражага бориб етгандики, Германия тор-мор этилгандан кейинги шароитда инсониятнинг тинч келажагига... Совет Иттифоқи таҳдид солади, деб ёзишганди баъзи нонкўрлар.

Наздимда, мамлакатимгина эмас, ҳатто фронтчи офицер — ўзим ҳам қаттиқ ҳақорат эшитгандек бўлдим.

Целиенхофдаги конференциянинг тақдири қандай бўларкин, дея изтироб чекардим. Кечагина бу конференция уруш пайти пайдо бўлган иттифоқни мустаҳкамлашига имоним комил эди. Наҳотки, бу ишончим вайрона иморатлар устидаги сароб бўлиб чиқса?..

Хельсинкининг «Теле» меҳмонхонасидаги тор хонамда ўтириб, йўлакдаги қадам товушига қулоқ сола бошладим. Чарли Брайт келмаяптимики? Хаёлим ўтмиш билан келажак ўртасида сарсари тентирарди.

Чарлининг телефон қоқиши мени ўтмишга улоқтиргандек бўлди. Хиёл муддат бу ерда индинга бошланажак ҳозирги замоннинг муҳим воқеаси ҳақида идрок этиш қобилиятимни йўқотиб қўйдим. Аммо аста-секин ҳозирги замон бутун вужудимни қамраб ола бошлади.

Инсониятни қўпдан кутилган, пировардида ер юзида тинчликми ёки уруш устун келишига алоқадор давлатларнинг бошлиқлари тинчликни таъминловчи ноёб ҳужжатга имзо чекажак дақиқадан атиги бир куну икки оқшом ажратиб турарди, холос.

У ёки бу ҳарбий ғалаба аҳамиятини баҳолашнинг иложи бор. Бунинг учун аллақачон муайян қонун-қондалар ишлаб қўйилган. Душманнинг қанча лашкари ўлдирилди, қанчаси ярадор қилиниб аср олинди, қандай ўлжалар қўлга туширилди, қанча чақирим, миль, километр йўл босилди...

Аммо инсоният эришган тинчлик ғалабасининг аҳамиятини қандай баҳолаш мумкин? Унда ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмайди — унинг самарасидан ер юзида тинчликнинг ошкора ва махфий душманларидан бўлак барча баҳраманд бўла олади-ку. Бундай ғалабаларни баҳолаш учун инсоният ҳали аниқ қонун-қондалар ишлаб чиқмаган...

Тинчлик душманлари Потсдам конференциясидан кейин ўтган узоқ

йиллар мобайнида шубҳа остига олмоқчи бўлиб уринган худди шу нарсалар: мавжуд чегаралар бузилмаслиги, турли ижтимоий тузумлардаги давлатлар ўртасида тинч-тотув ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни амалга ошириш мумкинлиги шу ерда — Хельсинкида яқин кунлар ичида имзоланажак ҳужжатда тантанали равишда тасдиғини топади, менинг бунга ишончим комил эди. Тинчлик душманлари ўз мағлубиятларига иқдор бўладиларми ёки тагин «совуқ уруш»га қайтишга уриниб кўрадиларми — буни келажак кўрсатади...

Бошланишини биз Черчиллнинг Фултондаги нутқи билан боғлиқ, деб одатланган лаънати «совуқ уруш» — бу эълон қилинмаган уруш, ҳақиқатда илгари, анча илгари, бизнинг ғалабамиз муқаррар бўлиб қолган вақтдан бошланган эканлиги хаёлимга келганмиди, деб ўзимдан такрор ва такрор сўрайман...

Йўқ, у кунларда мен бу ҳақда ўйламаган эдим. Қаердан ҳам билардим буни? Мен туғилиб ўсган мамлакат ўзининг вужудга келган биринчи кунларидан бошлабоқ душман капиталистик қуршовида бўлган эди. Уруш бошланганда «душман» тушунчаси «гитлерчи», «фашист», «босқинчи» деган тушунчаларни ифодаларди...

Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб бизнинг газеталаримиз Англияни ҳам, хусусан Американи ҳам танқид қилмади. Албатта, бу мамлакатларнинг матбуоти ўша вақтларда ҳам бизга қарши мақолалар босиб чиқарарди. Аммо бизнинг фашизм билан олиб бораётган курашимизда халқимизга ёлғиз эмаслигимиз ҳақидаги ишончни мустаҳкамлайдиган материалларнигина газеталаримизда эълон қилардик.

Матбуот марказидаги мақолалар мени ғазаблантириб, дилимни оғритди. Аммо булар «совуқ уруш» билан алоқадор янги «муз давр»нинг аломатлари эканини хаёлимга келтирмаган эдим.

Ўша вақтда улар биздан нима истар эдилар? Қурбонларимизни дафн қилиб, иттифоқчиларга Берлин билан Шарқий Европани икки қўллаб туттишимиз керакмиди? Абадий уйқуга кетганларга хиёнат қилиб-а? Сурункали автомат ва пулемёт ўқлари илма-тешик қилган, танкларда куйиб, снарядлар, бомбалар тилка пора этган, Освенцим ҳамда Майданек печларида кулга айланган миллионлаб совет кишилари руҳини унуттишимиз керак бўларди. Совет кишиларигина эмас, қаршилиқ кўрсатиш жабҳаларида биз билан елкама-елка туриб жанг қилган барча поляк, болгар, словак, венгер, югославларни унутиб, муҳолифларга йўл бўшатиб беришга тўғри келарди...

Рейхканцелярияни тор-мор қилиб, рейхстаг устида қизил байроқ тикишгина, халосми?.. Бухенвальд ва Освенцим минораларидан соқчиларни олиб ташлаб, дарвозаларни очишу тутқунларни чиқариб юборишгач, кетаверишми?

Гитлер билан иттифоқ тузган, уни Россияга қарши гиж-гижлаган куёнюрак, коллаборационистларга, аксилсоветчиларга йўл очиб берилсинми? Улар яна ўз халқлари гарданига миниб олишлари учун имкон яратилсинми? Бу халқлар ўз фикрларини билдиришлари, бундан кейин қандай яшаш кераклигини ўзлари ҳал қилишларини кутмасдан кетаверишми?

Эҳтимол ўшанда булар ҳақида ўйламаган бўлсам керак. Мени биз ҳақимизда ёзилган уйдирмалар ниҳоятда нафсониятимга тегиб, ғазабимни қўзгарди, холос...

Инглиз ва америка газеталарида Трумэн билан Черчиллнинг келишини тасвирловчи расмлар тўлиб кетганди. Аммо бошқа расмлар ҳам анча-мунча эди: Берлин вайроналари, Бранденбург дарвозаси ёнидаги

«хуфя бозор», тўпларининг мили тўппа-тўғри газетхонларга қаратилган совет танкларининг расми...

Фотографиялардан бирида совет солдати кўчма ошхона ёнида навбатда турган немисга идиш узатмоқда. Ракурс ноболлигимми ё ретуш жўрттага бузиб бажарилганми, ҳар қалай, расмдаги солдат митти кўз, пешонаси ботиқ, бурни бесўнақай, башараси ниҳоятда хунук бўлиб чиққанди. Солдат латта-путтага ўралган, қиёфаси аянчли немисга йирганиб бадхоҳлик билан тиржайганча таом узатяпти. Бундай манзарағи топиб, худди шу кўринишда расм ҳолига келтириш бениҳоя мушкул эди.

Расм остига қуйидаги сўзлар битилганди:

ЁСМИҚ АТАЛА — РУСЛАР УЗЛАРИ ВАЙРОН ҚИЛГАН БЕРЛИН ЭВАЗИГА БЕРГАН ТУЛОВЛАРИ.

Бу ниҳоятда хунук, кесатиқ расм эди. Унда Берлиндаги совет солдати жирканч ҳолда кўрсатилган, Қизил Армия томонидан Берлин халқига бепул овқат улашилиши таҳқирона садақа тарзида ифодаланганди. Бу ҳам етмагандек расм остидаги разилларча битилган иғво сўзларини айтмайсизми!

Аммо: «Чарльз А. Брайт фотоси», жумлаларига кўзим тушгач, бутунлай ўзимни йўқотиб қўйдим.

Агар ҳозир Брайт ёнимда бўлса, тумшугига боплаб мушт туширишим турган гап эди. Назаримда, менга хоинлик қилиб, жангчи ошнарларимдан бири ҳужум пайти баногоҳ ортимдан ўқ узгандек бўлди.

Аслида Брайтни жанговар ошнам дейишга ҳеч қандай асосим йўқ эди. Беихтиёр менга ёқиб қолган бўлса-да, уни ҳатто тузук-қуруқ танимасдим. Сиёсий қарашлари ҳам номаълум эди менга.

«Қамтарин йигит!», «Очиқ кўнгил!..», деб қўйдим ичимда. Ғазабим тобора жўшиб борарди. Брайтни эмас, ўзимни қойирдим. «Хурсанд бўлиб кетдинг! Иттифоқчи-дўст топибсан! Ўз фотоаппаратингни бердинг! Эҳтимол, аэродромда ҳожатини чиқарган нақ ўша куним у мана шундай «манзара» излаб, Берлинни кезгандир! Аблаҳ!».

«Бордю фото бошқа Брайтники бўлса-чи?», деб ўйладим. Ахир, «Чарльз», «Чарли» Америкада Россиядаги «Иван» исми каби кенг тарқалган-ку! Брайтнинг газетадаги «А» билан бошланувчи иккинчи исмини билмас эдим. Фамилия масаласига келсак, Штатларда Брайтлар кўплаб топилса керак. Эҳтимол, фотография «менинг» Чарлимники эмасдир?..

Шундай ўй суриб турганимда йўлакда овозлар эшитилди. Орқамдаги эшик очилиб, хонага погонларида журналистлигини билдирувчи белгилари бор америкаликлар билан инглизлар ёпирилиб киришди. Улар газеталар ётган столларга яқинлашишди. Гарчи, мен бу ерда фуқаро кийимида биргина киши бўлишимга қарамай, менга ҳеч ким эътибор бермади.

— Хай! — кимнингдир салом берган овозини эшитдим. — Бу худди ўша рус йигити-ку, анави...

Овоз менга танишдек туюлди.

Бошимни кўтариб, ўрта ёш, сочлари калта қирқилган, баланд бўйли озғин кишини кўрдим ва кеча бизнинг столимиз ёнига Стюарт етаклаб келган журналистлардан бирини дарҳол танидим.

— Хэлло, сэр! — деди баланд бўйли киши дўстона, шўх овозда. — Бу ўша — кеча Стюарт билан айтишиб қолган рус йигитимизми?

Ҳамманинг диққати менга қаратилди.

— Салом, жентельменлар, — дедим кетиш учун ўрнимдан қўзғалиб.

Инглиз ҳарбий формасидаги журналист менга қўл узатди:

— Менинг исми Холмс. Сизники-чи?

— Воронов, — жавоб бердим беихтиёр мен ҳам унга қўл узатиб.

— Брифингда бўлдингизми? — давом этди Холмс. — Негадир сизни кўрмадим-ку.

— Йўқ, бўлмадим.

— Афсусланманг. Росни болаганимизни эшитолмай қолдингиз, холос.

— Ким у Росс?

— Президентнинг матбуот бўйича секретари. Бўлмағур гапларни роса вайсади. Жин урсин ўша...

— Информация йўқлиги бари бир мана бунақа бўхтонлар тўқишга халақит беролмабди-ку, — дедим жеркиган овозда қаршимдаги газеталарга ишора қилиб.

Хонага сукунат чўқди.

— Сизнингча, — чайналди Холмс, — биз...

— Худди айтганингиз! — унинг сўзини бўлиб эшик сари йўналдим. Аммо эшик очилиб кетиб останада Брайт кўринди. Менга кўзи тушиши билан ёйилиб жилмайди.

— Хэлло, Майкл бэби! — хитоб қилди Брайт. — Сени бу ерда учратаман, деб ўйламагандим...

У қўлимни суғуриб олар даражада қаттиқ силкита бошлади.

— Йигитлар, олган расмларимни кўрдингларми? — баланд овозда сўради Брайт. — Агар Майкл бўлмаганида, биттасини ҳам ололмасдим! Камерамни синдириб қўйгандим, у менга ўзиникини берди! Барга, Майкл! Сен билан барга борамиз!

— Ҳеч қабққа бормайман, — қовоғим уюқ ҳолда унинг кафтидан қўлимни тортиб, хонадан чиқдим.

Брайт йўлакда менга етиб олди.

— Нима гап, Майкл? — ҳаяжонланиб сўради у. — Барга тушайлик, виски сотиб олиб бераман.

Инглизча «сотиб олиб бераман» жумлалари айни вақтда айтилганди.

— Сенинг ўзингни аллақачон сотиб олишган, — жавоб қилдим Брайтдан тезроқ қутилиш учун.

— Бу билан нима демоқчисан? — ҳанг-манг бўлган Брайт ҳамон орқамдан қолмай эргашиб келарди.

Мен тўхтадим.

— Тўлиқ исми шарифинг нима?

— Чарльз Аллен Брайт.

«Чарльз А. Брайт фотоси», деб такрорладим ичимда газетадаги сўзларни.

— Тушунарли. Бошқа саволим йўқ. — Шундан сўнг шартта ўгирилиб жадал зина томон йўналдим.

— Ҳозир қаерга кетяпсан? Бабельсберггами? — қичқирди ортимдан Брайт.

Унинг бу саволи менга кесатикдай, яъни, чет эл журналистлари киритилмаётган бир пайтда сен Бабельсбергга яшаб турибсан, деган маънода таъна бўлиб туюлди.

— Мен Потсдамда яшаяпман, ўша ерга кетаётирман, — кесиб ташладим Брайтнинг гапини.

Ортимдаги қадам товушлари тинди. Чамаси, Брайт қолиб кетганди...

Мен ҳозир фақат бир иштиёқ: иложи борича тезроқ мақола ёзиб, унда барча новерлар, сульцбергерлар, брайтларга жавоб қайтариш билан ёнардим.

Вольфларникага боришга қарор қилдим. У ерда Бабельсбергдан осойиштароқ, хотиржам ўтириб ишлаш мумкин.

«Эмка»нинг олдинги ўриндиғига ўтириб буюрдим:

— Потсдамга, Шопенгауэр, саккизга, старшина!

Бир неча дақиқа жим бордик.

— Негадир кайфиятингиз ёмонми, ўртоқ майор?— сўраб қолди тўсатдан старшина.

У йўлга диққат билан қарар, қиёфаси одатдаги ёши ўтганроқ рус деҳқонини эслатарди.

Бу одамга нисбатан меҳрим ийиб кетди. Худди мана шундай одамлар билан тўрт йил уруш йўлларини босиб ўтдим...

— Сизни нима деб чақиришади, старшина?— сўрадим ундан.

— Фамилиямни сўраяпсизми? Фамилиям Гвоздков.

— Исмингизни, отангизнинг исмини ҳам сўраяпман.

— Ҳарбий эмаслигимда Алексей Петрович деб чақиришарди.

— Бутун уруш давомида шофёрлик қилдингизми, Алексей Петрович?

— Унчалик эмас, икки йил танкда йўл босдим. «Клим»да, кейинроқ «Ўттиз тўрт»да.

— Энди занжирлардан ғилдиракларгами?

— Энди тинчлик, ўртоқ майор. Энди танклар билан ер бағрини эзишнинг ҳожати йўқ, бунингсиз ҳам инграб, базўр нафас олаяпти...

— Тинчлик дейсизми?

— Бўлмасам-чи!— ажабланиб қаради менга старшина.— Йўқса, манави ерга, Бабельга нега тўпланишади? Еки шубҳангиз борми?

Унинг овозида ташвишланиш сезиларди.

— Йўқ, старшина, шубҳаланмайман,— дедим хаёл суришда давом этиб.— Аммо дунёда ҳали ҳам аблаҳлар кўп экан.

— Бу гапингиз тўғри,— маъқуллади Гвоздков,— уларга урушда ҳам жин урмади. Аксари яхшиларнинг ёстиғи қуриди.

Старшинанинг сўзлари менга узоқдан эшитилаётгандек туюлди. Мен ўзимнинг ёзжак мақолам ҳақида ўйлардим.

Шундай қилиб, ғарб газеталарининг бўҳтонини қандай фош этмоқ керак? Ёлғон гапираётганларини исботлашдан ташқари яна нима дейишим мумкин? Хўш, айтайлик, Европанинг озод қилиниши, қўшинларимизнинг у ерга кириш мақсади ҳақида мен юриш иштирокчиси сифатида ёзишим мумкин. Ғарб журналистлари у вақтлари Польшада ҳам, Болгарияда ҳам, Венгрияда ҳам бўлган эмаслар. Бу жиҳатдан яққол устунликка эгаман. Конференция хусусида гап кетганда эса...

Бўҳтончиларга дарҳол жавоб бериш иштиёқи таъсирида конференциянинг боришини ёритишни менга ҳеч ким топширмаганини унутиб қўйибман. Мен фақат конференция «теварагида» нималар бўлаётгани ҳақидагина ёзишим мумкин эди... Хўш, ўша «теварақда» нималарни кўряпман?

«Карлсхорстга бориб келсаммикин?— деб ўйладим мен.— Информация бюросига. Эҳтимол, у ерда конференциянинг кечаги мажлиси ҳақидаги тафсилотлар маълумдир. Карпов айтганларидан ортиқ нарса билишим гумон, албатта. Лекин ҳар қалай...»

— Орқага қайтаринг, старшина. Карлсхорстга борамиз.

...Карлсхорстдан Потсдамга қайтиб келганимда соат учдан ошиб қолган эди. Вольфларнинг квартирасига телефон қилдим. Ростини айтганда Герман билан учрашгим йўқ эди. Кеча уни яширинча кузаттирганим учун ўзимни гуноҳкор сезардим. Турган гапки, Вольф бундан беҳабар бўлиб, старшина анча хуфия ҳаракат қилган эди. Аммо, умуман олганда, Вольфни кузатишга ҳеч қандай асосим йўқ, шунчаки, қизиқиш эди, холос. Бундан ташқари Вольф менга ёқарди. Унинг ўзини

тута олиши, меъёрдаги итоатгўйлиги маъқул эди. Гарчи, астойдил бўл-маса-да, дилимдагина гумонсирашим ҳам нақ ҳақорат эди.

Карповнинг: «Ҳозир немислар дилидан нималар кечаётганига қандай бефарқ қарай оласан?..», деган сўзларини эсладим. Ушанда бу сўзларга аҳамият бермагандим. Мана энди хаёлимга келиб турибди.

Карповнинг хотини билан ўғли қирқ иккинчи йилда ҳалок бўлганларини билардим. Минскнинг ғарб томонидаги кичкина шаҳарчада яшашардилар, мамлакат ичкарига жўнашга улгуришмаганди. Карпов бутун уруш давомида немисларга нисбатан нафрат ҳисси билан яшади.

Бугун Карпов немислар ҳақида адашган фарзандлар, улар ўз уй-жойларини тиклашларигагина эмас, виждонларини ҳам поклашда ёрдам бериш кераклиги тўғрисида уқтиргандек гапирди.

Карповнинг сўзларини эслаб, бир дақиқа ўйланиб қолдим.

Фақат бир дақиқагина.

Старшинага уч соатдан кейин келишни тайинлаб, яна бир марта қўнғироқ тугмасини босдим. Аммо ичкари жимжит эди. Қалит билан қулфни очиб (нега олдин бундай қилмаганикинман) йўлакка кирдим. Стол устида хат ётарди: «Хэрр майор! Агар келганингизда уйда бўлмасак, хона сизнинг ихтиёрингизда бўлади, деб эслатишга журъат этдим. Ошхонада шиша банкада қаҳва бор (асили!). Истасангиз ўзингиз дамлашингиз мумкин. Хизматингизга тайёр Вольф оиласи».

Хатни Грета ёзганди, албатта.

Хонамда ҳамма нарса аввалгидек эди. Фақат каравотдаги ўрин саришталаниб, ёстиқлар ҳафсала билан кўпчигилганди.

Информация бюросининг бошлиғи Тугаринов билан гаплашгандан кейин мақоламнинг плани бир қадар шаклланди. Карлсхорстда бирор жиддий янгилик эшитмадим, бироқ Тугаринов менга маълум нарсаларни алоҳида лўнда-лўнда баён этиб берди. Бундан ташқари янги келган совет газеталарини кўриб чиқдим.

Газеталар фақат конференция очилганини хабар қилганди, холос. Лекин «Правда» халқаро обзор ҳам босиб, унда: «Музокараларни бузишдан манфаатдорлар эҳтимоли бор ва гўё рўй бериши муқаррар ихтилофларга доир тахминларни онгли равишда қалаштириб ташлаш-япти, дейилган эди. Масаланинг энг муҳими шундаки,— деб ёзган эди,— «Правда»,— ҳозир «фашистлар таъсирининг барча қолдиқлари, фашистлар салтанатининг буткул оқибатларини маънавий-сиёсий жиҳатдан тор-мор этиш йўли билан ғалабани мустаҳкамлаш зарур».

Мен ғарб матбуоти қандай қилиб мана шу «мустаҳкамлаш»га ёрдам қилаётганини кўрсатишим керак эди. Мунозара учун материал энди керагидан ҳам ортиқ эди.

Ишга киришган ҳам эдимки, эшик қўнғироғи чўзиқ жиринглади.

Остонада кифтига ўша ресторанда кўрганим — сумкасини осган Брайт турарди. Яқиндагина мен бу нусхага у билан умуман муносабатда бўлмаслигим, гаплашишни ҳам истамаслигимни айтгандим.

— Гаплашишга вақтим йўқ,— дедим шартта.— Шошилишч иш билан бандман.

— Менга керагинг ҳам йўқ,— сурбетларча жилмайиб олдинга бир қадам ташлади Брайт. Агар орқамга тисарилмасам у мени кифти билан туртиб юбориши ҳам ҳеч гап эмасди.— Анави фраунга келдим, исми ёдимдан кўтарилибди.

— У уйда эмас,— дедим ғазабимни базўр босиб.— Ҳеч ким йўқ.

Чамаси Брайт хоналар жойлашишини эсласа керак, чунки тўғри ошхона сари интилиб, йўл-йўлакай кифтидаги оғир сумкасини қўйгач, ичкари кирди.

— Менга қаранг, мистер Брайт!— ўшқирдим унинг орқасидан ошхонага кириб.— Бировнинг уйига бостириб киравериш одобданми?

У қаддини ростлади-да, кимгадир тақлидан баландпарвоз гап қилди:

— Мистер Воронов, голиб армия вакили сифатида мен иттифоқчилар оккупация қилган истаган территорияга кириш ҳуқуқига эгаман. Тўғри, бу территорияни сизлар оккупация қилгансизлар. Аммо мен иттифоқчилар армияси вакили сифатида...

Сўнгра гапини охирига етказмай, кўзларни чақчайтирганча қаттиқ хахолади.

— Кўп бошимни қотирма, Майкл. Беканг билан ҳисоб-китоб қилишга келдим. Узинг гувоҳ бўласан.

У сумкадан сигарет блоклари, қаҳвали банкалар, қанд қутилари-ни чиқариб, стол устига ташлай бошлади.

— Тўрт блок «Лаки страйк», уч банка қаҳва билан олти қадоқ қанд. Буни ўша қошиқлар эвазига ваъда қилгандим. О-кэй!

Нима қилишимни билмай, бошим қотиб қолди.

— Бизнесинг ўзингга сийлов,— дедим ниҳоят қовоғимни уюб.

— Ношуд бизнесмен экансан, буни аллақачон билиб олганман,— деди Брайт калақаомуз.— Аммо беканг бемалол Уолл-стригга иш бериши мумкин.

— Эрини боқишга ҳеч вақоси йўқ муштипар аёл у,— эътироз билдирдим дарҳол. Аммо, бари бир, фикран гапга тортилаётганимдан ўзимни койирдим.

— Биринчидан, хотин эрни эмас, эр хотинни боқиши керак,— насиҳатомуз деди Чарли.— Иккинчидан эса, билишимча, сизларнинг бу бахтсиз немислар билан яқингинада қандайдир ҳисоб-китобинглар бор эди... Майли, Майкл,— ўз сўзини бўлди у.— Мана шу жин ургур немисларни деб жанжаллашимизга бало борми. Сезишимча, бугун учраган одамга захрингни сочяпсан. Нима гап ўзи? Бирор кўнгилсизлик рўй бердими?

Брайт астойдил ачиниб айтди гапни. Бордию роль ўйнаган бўлса, у ҳолда, ноёб актёрлик қобилиятини кўрсатганди.

Мен қўл силтаб, индамайгина зиналардан кўтарила бошладим.

Аммо Брайтдан қутулиш осон эмасди. У ортимдан қолмай, хонам остонасини ҳатлаб, каравотдаги ёстиқларни кўздан кечирди-да, столда тартибсиз сочилиб ётган қўлёмаларимга қаради.

— Ёзаяпсанми? Материални қаердан оляпсан? Ичингдан тўқиб чиқаряпсанми?

Сабр косам тўлиб кетди.

— Совет журналистлари фактларни ҳам, хулосаларни ҳам ичларидан тўқиб чиқармайдилар,— дедим баланд овозда.— Бўхтон, иғво бегона улар учун!

— Бизни ўшандайлардан демоқчимисан?— қовоғини солди Брайт.

— Яширин бозорнинг оддий безнесмени учун сен жуда ҳам фаросатлисан,— жавоб қилдим унга тескари ўгирилиб.

У яқин келиб, шартта мени ўзига қаратди.

— Нима жин урди сени, Воронов? Матбуот марказида хафа қилишдими ё?

Мен дарҳақиқат унинг ҳеч нарса фаҳхламаётганини тушундим.

«Майли,— деб қарор қилдим,— унда очиқчасига ўтамиз».

— Сизнинг газетангизда, мистер Брайт,— гап бошладим,— немисларга овқат тарқатаётган совет солдатининг расми босилибди. Солдатнинг башараси телбаларча, садақа бераётгандай овқат тарқатапти. Бу кимнинг иши, мистер Брайт? Ким олган бу расмни?

— Расм?— ҳанг-манг бўлиб сўради Брайт.

— Ҳа, ҳа, расм!— бақирдим мен.— Иғвогарлик билан олинган

расм, худди шундай иғволи ёзув билан! Мен уни икки соат аввал кўрдим... Кимнинг фотоси у? Сеникими?

Брайт пилоткасини олиб, қўли билан сочини силагач, пилоткани қайтариб кийди ва... жилмайди.

— Ҳа, меники,— деди у сўнгра ҳеч нарса бўлмагандек.— Дала ошхонаси ва унинг ёнидаги мўғул башара солдат, ўша расмни айтаялсанми?

— Ҳа-ҳа, ўшани!

— Ҳеч нарсани тушунмаяпман, Майкл,— кифт қисди Брайт.— Менга Берлиндан ностандарт, маиший расм юбориш топширилганди. Ахир, Кларк Гэйбл ёки Гарри Куперга совет формасини кийдириб қўёлмайман-ку.

— Масхарабозлик қилма!— чўрт кесдим унинг гапини.— Сен оддий эмас, махсус топшириқ олгансан, шундайми?

— Айтайлик шундай,— жавоб қайтарди Брайт хиёл сукут сақлаб.— Топшириқ характерини мен белгиламайман, ижрочиман, холос.

— Ярамас топшириқни бажариш — ундан ҳам ярамаслик.

— Ақлинг жойидами, Майкл! Мен расм оламан, бунинг эвазига пул тўлашади. Мен кучер эмас, қуюшқондаги отман, Майкл.

— Менга қара, Чарли, ўзингни гўлликка солаверма. Кейинги вақтлар газеталарингизда биз тўғримизда жирканч тўхматлар босиб чиқариляпти. Трумэн ҳамда Черчиллни Сталин билан учрашишга рози бўлганлари учун койимоқдалар. Бизларни эса Европани босиб олишда айбламоқдалар! Америка бизни иқтисодий янчиб ташлаши, совет қўшинларини Европадан ҳайдаб чиқаришини талаб этишляпти. Берлиндаги, яъни Бабельсбергдаги музокаралар бузилишни каромат қилмоқдалар.

— Чамамда, газеталардаги олди-қочди гапларга катта аҳамият беряпсан шекилли, Майкл. Нима, Россияда газеталар нима ёзса, ҳаммасига ищонаверасизларми?

— Бизнинг газеталар ҳатто биз учун оғир пайтларда ҳам ёлғон ишлатмаган. Ҳеч қачон иттифоқчиларга хиёнат қилмаган...

Охири гапиришдан тўхтаб, умидсиз алпозда қўл силтадим. Ярим чайқовчи, ҳали пўконида ел ўтмаган Чарлига бирор нарсани исботлаб ўтиришдан фойда йўқ эди.

Орага жимлик чўкди.

— Демак... демак, сен билан ортиқ дўстлаша олмаймизми энди? Чарли ич-ичидан ачиниб гапиргани учун пича жаҳдан тушдим, ҳатто унга раҳмим ҳам кела бошлади.

— Менга қара, Чарли, мен ҳар ҳолда фикримга тушунишингни истардим, афтидан сен билан бутунлай бошқа-бошқа одамлар бўлсак керак. Сен аслида уруш кўрмаган мамлакатдансан. Мен эса мутлақо бошқа дунё фуқаросиман. Ақлинг бўлса, ўзинг тушуниб ол. Биз — қайсики сизларнинг кечаги иттифоқчиларингиз ҳақида бугун даҳшатли бўҳтонлар ёғдирыпсизлар. Биз қон кечаётган, сизлар бўлса бизнинг бардош бера олиш ёки бера олмаслигимизни тахмин қилаётганингларида ҳам, сизлар тўғрингизда ёмон гап айтмагандик...

— Ахир, бахтимизга уруш тамом бўлди-ку,— деди қўрқа-писа Брайт.

— Демак, энди иттифоқчилар эмасмизми?!— хитоб қилдим мен.— Ҳали хотиржамликка эрта эмасмикан? Сен фашизм жанг майдонида енгилганини айтаялсан-да? Гитлерчилар Германияси узил-кесил мажақланди, деб ўйлаялсанми?

— Германия тор-мор қилинди,— кифт қисди Брайт.

— Тўғри. Хўш, Альфред Гугенбергнинг «Меморандум»и ҳақида ҳеч нарса эшитмадингми?

Мен Карлсхорстдалигимда Тугаринов менга ана шу «меморандум» босилган Бавария газетасини кўрсатганди. Унинг автори ғарб учун қудратли Германия, «Бельшевикларга қарши тўсиқ», ўтиб бўлмайдиган қўрғон керак, деб исботламоқчи бўларди.

Блокнотдан кўчирмамни топиб, уни Брайтга ўқиб бердим.

— Аини Гитлернинг гаплари эмасми бу? «Тўсиқ», «ўтиб бўлмас қўрғон?»..

— Эҳтимол, мен чиндан ҳам ниманидир тушунмасам керак, — деди ўйчанлик билан Брайт. — Аммо сен ҳам, — унинг овозида қайсарлик сезилди, — сен ҳам ҳамма нарсани тушунавермайсан!

— Масалан?

— Газеталаримиз нима ёзмасин, америкаликлар рус йигитларини севадилар. Матбуот марказидаги йигитлар, ҳар ҳолда, уларнинг аксарияти сенинг мамлакатинг ва шахсан сенга мойилдилар. Аммо уларнинг ўз бизнеслари бор. Бошлиқлари улар эмас, Оқ уйдаги, Капитолиядаги, Пентагондаги бошқа йигитлардир. Биз «Пентагон» деб нимани айтишимизни биласанми? Ҳарбийларни. Улар учун яқинда Вашингтонда жуда катта уй қуриб беришди. Мана гап нимада, ана шу бошлиқлар жиловни қўлга оливолишган. Қимки ўзбошимчалик қилса, дарҳол уни четлатишади. Сен ишсизлик нималигини биласанми? — Брайтнинг овози маъюслашди. — Инглизча «раш» деган сўз бор. Биласанми? Бу оддий шиддатли чопиш эмас. Бу бизнинг бутун ҳаётимиз: олдинга чопиш, бошқаларни етказмаслик, бошқалардан ўзиб кетиш, йиқилганларга боқмаслик, мана шу — «раш» ёки «бизнес». Матбуот марказидаги йигитлар ўз бизнеслари учун ишлайдилар. — Чарли ноҳосдан одатдагича болалардай жилмайиб давом этди. — Қолган вақтларда эса улар — сенинг дўстларинг. Уларнинг кўпчилигига кеча Стюартнинг болаб адабини берганинг ёқиб тушди.

— Агар бизнес талаб қилса, улар мени сўйиб ташлашлари ҳам мумкин экан-да? — кулги аралаш сўрадим мен.

— Бизнес — даҳшатли нарса, Майкл, — мағлуб этилгандек жавоб қайтарди Брайт. — Менинг мамлакатим — бизнес мамлакати. Йирик корчалонлар ўз бизнесларини ниқоблашга ҳаракат қиладилар. Ибодатни канда этишмайди, ниманидир тарғиб қилишади, урушадилар, ярашадилар. Мен буларда иштирок қилмайман. Мен ўзимга яраша ўйин олиб боряпман. Аммо бу ўйиндан ўз ихтиёрим билан чиқмайман.

— Қандай ўйин? Нима ўйин у?

— Одамлар пул билан ўйнайдиган ўйин. Ҳозир омадим юришган, катта чопишга тушиб қолганман. Арзимаган пул қўйиб, кўпроғини юлиб олиш мумкин.

— Кейин-чи?

— Кейинми? — ҳайратланиб сўради Брайт. — Кейин нима бўлса бўлар! Пул топишдан кўра, уни харажат қилиш анча осон. Кейин, масалан, уйланаман. Айтмоқчи, менинг Жейнимнинг пули йўқ. Унинг отаси йўл қоровули, хизмат пайти поезд тагида қолган. Айтишларича, маст бўлган экан. Аммо ҳамма кўрганлар, унинг сираям кайфи йўқ эди, дейишади. Бироқ компания бошлиқлари: «У маст эди», деганлари деган. Шунинг учун пенсия тўлашмайди. Жейн эса бор-йўғи машинистка. Хуллас, агар мен лоақал ўн минг топмасам биз турмуш қура олмаймиз.

Бир дақиқа Чарли кўзимга бошқа сайёрадан тушгандек кўриниб кетди. Модомики, у Жейнини, Жейни уни севаркан...

Лекин ҳозир бунга гапиришнинг фойдаси йўқ эди.

— Майли, Брайт, — дедим силлам қуриб. — Ўз билганингча яшайвер. Сизларнинг турмуш тарзинглар ёқмайди менга.

— Нима, Американи ёмон кўрасанми?

Брайт кўзларимга диққат билан тикилди.

— Мамлакатингларда ҳеч қачон бўлмасам-да, ёқади у менга. Аммо бугунги газеталардаги Американи эмас.

— Қайси Американи ёқтирасан унда?

Мен Брайтга ўз ҳаётимни Қўшма Штатларнинг тарихини ўрганишга бағишламоқчи эканимни айтиб ўтирмадим.

— Курашаётганини,— дедим қисқагина қилиб.

— Яъни, бирлашиб жанг қилган Американими?

— Йўқ, фақат угина эмас. Мен ҳақ иш учун курашаётган Американи ёқтираман. Қулликка қарши ўз мустақиллиги учун, ирқий тенглик учун,— сизларнинг гражданлик урушингизда мен шимолликлар томон бўлардим. Мен фашизмга қарши жанг қилувчи Американи севатман. Бизнес қилувчи Америкадан нафратланаман. Бас, кел энди хайрлашайлик. Мен ишлашим керак.

— Бизнес яратмоқчимисан?— деб киноя билан сўради Брайт.

Ҳеч қандай жавоб қайтармадим.

Брайт эшик томон йўналаркан, остонада тўхтаб:

— Менга қара, Майкл, бу ерга нима учун келганимни билмайсан-ку, ахир,— деди тайсалланиб.

— Ўз бизнесингни яратиш учун келгансан-да.

— Бунинг учунгина эмас, сен билан кўришишим керак эди.

— Нима керагим бор сенга?

— Биласанми... Стюарт бир нарса қилмоқчи шекилли.

— Нима экан.

— Қайдам, агар аниқласам айтаман.

— Нега? Бу сенинг бизнесингга кирмайди-ку.

— Ишдан ташқари вақтда мен эркин одамман.

— Ишдан ташқари вақтдаги виждон-чи?

Чарли жавоб қайтармади. Бўш сумкасини силкитди-да, чиқиб кетди.

Менга тинчланмоғим учун анча вақт керак бўлди. Стюарт ҳақидаги гапга унча аҳамият бермасдим. Менинг газеталарда ўқиганларимга нисбатан бу инглиз билан тўқнашувимиз арзимаган нарса бўлиб туюларди. Аммо Брайт айтган бизнес масаласи!.. Бу мени, эҳтимол, фоторасм тарихидан кўра кўпроқ ҳаяжонга солган бўлса керак.

Мен социология бўйича кўргазмали дарс олдим... Майли, минг лаънат ўша бизнесларига! Мен ишлашим керак. Брайт билан тортишувимиз бир соатча вақтимни олди...

Бироқ, ўзимга келгунимча яна маълум муддат вақт ўтди.

«Эҳ!..— Уйладим стол ёнига ўтираётиб.— Ғарб газеталарининг барча гумонларини, барча иғводан иборат тахминларини, Цецилиенхофда ҳозир ҳақиқатда бўлаётган нарсаларни лоақал бир мартагина фош этолсам эди. Жилла қурса, ўша юмалоқ стол атрофида айтилган бирорта жумлани келтирганимда эди...»

Соатга қарадим. Беш минути кам уч эди...

Мана шу дақиқаларда...

Америка Қўшма Штатларида эрта тонг эди, аммо генерал Гровс ёзув столи ёнида инсоният тарихида биринчи атом портлаши ҳақидаги ўз ҳисоботини яна ва яна текшириб ўтирарди.

Ҳисобот икки мингтача сўздан иборат бўлиб, гарчи, албатта, президентга тегишли бўлса ҳам, АҚШ ҳарбий министри Стимсонга йўлланган эди. Ҳисоботни кўчириш учун Гровснинг шахсий секретаридан ташқари яна битта диққат билан текшириб чиқилган машинисткага рухсат этилган эди. Қўшни авиабазада океандан учиб ўтиб, Потсдамга

генерал Гровснинг докладыни етказиш керак бўлган самолётни шошилинч тайёрламоқда эдилар.

Докладни ўқиб чиққан президент уни «янги Америка даври»нинг бошланиши деб атайд.

Мана шу дақиқаларда...

Сталин ўзининг Бабельсбергдаги кабинетида ўтириб, совет қўшинларининг Узоқ Шарқдаги Бош қўмондони маршал Василевскийнинг орқа томонида Япониянинг асосий зарбдор кучлари — Квантун армияси жойлашган Манчжурия чегарасига совет дивизияларини ташлашнинг бориши ҳақидаги навбатдаги ахборотини ўқимоқда эди.

Мана шу дақиқаларда...

Черчилль «Кичик оқ уйда» Трумэн билан ўз ленини тугатаётганди. Инглиз бош министри билан бирга келган Қирол ҳарбий пиёдалар оркестри боғда якуновчи маршни чалмоқда эди. Черчиллнинг кайфияти яхши эди. Трумэн британиялик иттифоқчисини тўлиқ қўллаб-қувватлаяжасига яна бир марта ишонтирди.

Мана шу дақиқаларда...

Трумэн Америка энди ғоят катта кучга эга қуролга эга эканлигини Сталинга айтсаммикан, ёки йўқми, деган саволига жавоб излаб Черчиллнинг гапини эшитмай қўйди...

Бироқ ўзининг ғоят буюк сири русларга маълум бўлиши мумкинлигини ўйлашдан ҳам қўрқарди. Аммо бу бошқа нарсадан ҳам: қурол ишлатила бошланиб, сир бўлмай қолгандан кейин Сталиннинг совуқ, нафрат тўла назаридан чўчирди.

«Мен унга нима деб жавоб қиламан?, деб сўрарди ўзидан Трумэн, — бу қуролда Япониянигина эмас, бутун дунёни, биринчи галда Россияни тиз чўктиришга қодир кучни кўрдим ва кўрмоқдаман, дейман...»

Трумэн чўчиб тушди. Унга бир дақиқа ҳозир ўз хаёлида бўлган Сталин, Америка президенти ҳозиргина кўнглидан ўтказган нарсаларни эшитиб олгандек туюлди.

«Хўш, нима қилсам экан: айтайми ёки айтмайми?!»

Мана шу дақиқаларда...

Америка ва инглиз автоматчи солдатлари Цецилиенхоф эшиклари олдида ўз постларини эгалладилар. Қасрни қуршаб олган совет чегарачилари вазминлик билан уларни кузатишарди.

Бабельсберг осмони булутсиз эди. Қуёш чарақларди. Унинг нур шуъласи Хур қизлар кўлининг шишадек сатҳида акс этарди.

Кундузги соат тўртда Потсдам Конференциясининг навбатдаги мажлиси бошланиши керак эди,

Муҳаммад Али



ШЕЪРИЙ РОМАН¹

Ўн иккинчи боб

*Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ҳар киши суйгани билан қарисин.
Қадимги халқ қўшиғидан.*

1

Ҳайрат ичра лол эди Фарҳод,
Қалбин чулғар ёқимли бир ҳис.
Барчасига наҳотки, наҳот
Сабабчидир ўн беш ёшли қиз?
Ситора-я, эркатой ва шўх,
Ўз дадасин арзандахони?
Эркаликдан бугун асар йўқ,
Ёндираман, дейди, жаҳонни.
Олти ойким, кўрмади уни,
Олти ойда ўзгариш шунча:
Шарафлабон нозик туйғуни
Жилмаймоққа ошиқар гунча...
Йигит эслар: олти ой аввал
Дуркунгина қизалоқ эди.
Энди ҳусни топибди сайқал,

Қиз бўлибди Ситора энди.
Нигоҳ ташлар, ўйга толар у,
Энтикканча нафас олар у,
Пинҳон ошиқ бўлиб қолар у,
Вола бўлар, вола, вола у...

2

Бир йил олдин Сидқий Руҳилло
Авлонийга бўлганди меҳмон.
«Лайли-Мажнун» қўймоққа илло
Саъй кўргизди бутун Туркистон.²
Тин билмади озарлик актёр,
Театрга айланди ҳовли.
Дўстлар гавжум, шавқи, завқи

Диллар ўтли, замон оловли... зўр —

¹ Давоми. Боши жугналнинг 6—7—8-сонларида.

² Авлоний тузган драмгруппа шундай аталарди.

Лайли-Мажнун қиссаси, ҳайҳот,
Ситорани ўртади ортиқ,
Қадет йигит таъсирчан Фарҳод
Кўнглига ҳам аламлар ортди...
Лайли-Мажнун бўлди баҳона,
Икки ёшнинг қалбида пинҳон
Ғалатиноқ ҳислар уйғонар,
Орзиқар дил, ингрансинар жон...
Етишмайди нимадир, ажаб,
Топишолмас бу ҳолга сабаб.
Икки қалбни эса қийнарни
Севмоқ, севмоқ, севилмоқ дарди...

3

Дуррасини дол қўйганча ул,
Кўзларида ҳуркак бир нидо,
Зангор хилъат кийиб тозагул
Остонада бўлганда пайдо,
Ўзин уйга урди-ю шамол,
Беҳолгина оқ ҳарир либос
Баданга чип ёпишди алҳол,
Нозик ниҳол қомат беқийс,
Қусури йўқ шаклу шамойил
Борлиғи-ла бўлди намоён!
Туриб қолди келганча қойил
Дарвозанинг олдиди ўғлон!
Бўйсунмади кўзлари, қизга —
Боқмай-деру удда қилолмас.
Не вақт ўтди, тушмади эсга,
Йил ўтдими, ойми, ё нафас...
«Фарҳод ака!» — қиз саси гўё
Эшитилар асрлар аро,
Йиллар аро келмоқда эди,
Йигит беҳол бўлмоқда эди...

4

Таажжубга тушди Ситора,
Унга қизиқ кўринди бу ҳол.
«Фарҳод ака!» деди бечора,
Андишасиз турфа хил хаёл
Қамраб келди қизни басма-бас.
Ва сизди: шу ондан эътибор —
Улар шундоқ таниш-билишмас,
Балки ошиқ, *ошиғу хуштор*.
Фарҳод каби мунис ва майин
Хушрўй йигит ўнглолмай ўзин,
Қалбгинаси гупирган сайин,
Эплаёлмас, тиёлмас кўзин!
Қиз эса қув, барин кўрмоқда:
(О, биламиз, нечоғлиқ қизлар
Ишқий дoston бошланар чоқда
Сеҳру ноздан кўмакчи излар!)
Теваракка айлаб наззора

«Пиқ» этди-ю кулди Ситора.
Марвартақда сайради булбул,
Йигит ҳолин сездимикан ул?..

5

Уша-ўша ошиқдир Фарҳод,
Қалбида ишқ қилур инқилоб!
Ўтли фасл, хаёлий ҳаёт
Кўзларидан олиб қочар хоб!
Кошки бўлса муроди ҳосил!
Ситора — дил армони эди.
Замон ўзи туғёнга мойил,
Инқилоблар замони эди.
Ивирсиниқ ҳислар бир сароб,
Майда оҳ-воҳ, ўртанишлар ҳам
Ўтар-кетар, беролмагай тоб
Сўнган каби бўрон аро шам.
Бироқ севги қудратли туйғу,
Йигит қалбин ёритган уйқун
Ногаҳонда ўт олиб, ёху,
Машғалага айланди бутун!
Кунлар ботса, тонглар отмайди,
Тонглар отса, кунлар ботмайди.
Шамолларда балки тиним бор,
Беқарордир Фарҳод, беқарор...

6

Муҳаббатнинг тўрига илк бор
Тушиб қолган бечора кўнги
Йўқотгуси эрку ихтиёр.
Чаплашгуси туш ила ўнги.
Ҳа-ҳа, ундан Вомиқу Ўзро
Дўст мисоли кўражак қадр.
Тоҳир-Зухра ишқ дарсин ҳатто
Ундан олган бўлиб чиқади!
Фарҳод шундоқ бир ҳолатдайди,
Шу ҳолатда эди Ситора.
Мисли кўкда учрашув пайтин
Кутмакдайди икки сайёра.
Фарҳод деди: «Биз учун умр
Сиз айёр қиз билан обод, бас!»
«Одамзодда ғирромлик бўлур,
Париларга эса йўламас!»
Қаҳ-қаҳ урди сўзга топқир қиз,
Фарҳод кулди кўп ҳайратангиз,
Гўё булар минг йилдан буён
Бир-бирига эди жонажон.

7

Фарҳодни хўп сийлади тақдир!
Учрашувлар кечар яширин.
Ҳикмат бор-ку азалдан ахир:

«Яширин»да пинҳондир «ширин».
 Дейдиларки, икки гўзал зот
 Бир-бирига етмоғи душвор.
 Не ажабки, шу ерда ҳаёт
 Уз одатин тарк этса бир бор!
 Иккиси ҳам дод чекмагай, дод,
 Ҳижрон ожиз, гам эрур сар-сар.
 Ситора-ку Барчиндай шаддод,
 Алпомишдек йигит ҳам қайсар!
 Кизнинг тархи тоза гул янглиғ,
 Жавдирабон боқар шаҳло кўз.
 Қиличдек қош тортмоқ истар тиг,
 Бироқ топмай баҳонаи сўз
 Аламидан тутаб ёнарди...
 Учиб-қўниб, қизғонар эди.
 Чап юздаги битта қора хол
 Маъюсгина боқар эди дол...

8

Кенг манглайли, қўйкўз Авлоний
 Кузатаркан хушчақчақ қизин,
 Қўради-ю ёш қалб туғёнин
 Қўрмасликка олади ўзин.
 Ҳа, муҳаббат ёшидадир қиз,
 Табиатнинг қонуни бордир:
 Қамраса гар қалбни ўтли ҳис
 Ҳар қандайин таъқиб бекордир!
 Фарҳод эса ақлли ўғлон,
 Адл қомат, бемисол ҳусн...
 Бир туйғудан қалбларда исён,
 Битта туйғу боғлар иккисин.
 Ҳеч кими йўқ Фарҳод талпинди,
Инқилобга юз бурди шитоб,
 Отаси ҳам *Инқилоб* энди,
 Онаси ҳам энди *Инқилоб!*
 Ҳайрон эди бир ҳолга шоир,
 Ҳаёт шундай меъмордир моҳир,
 Фарҳод ўғил бўлар деб, аммо
 Хаёлга ҳам келмовди ҳатто.

9

Қудрат дўсти тушаркан ёдга,
 (Шум қисматнинг кўнгилсиз фоли!)
 Уғил каби қарар Фарҳодга,
 Уқтин-ўқтин кетар хаёли.
 У саркарда бўлса, шу тупроқ
 Гардин суртса кўзга жоннисор.
 Дўстлар кўксин айласа-ю тоғ,
 Душманларин қилса зор-зор.
 Сезар эди Авлоний ҳар дам,
 Ки, устодин эъзозлар ўғлон.
 Турквоенком қабулида ҳам

Барин сўйлар Авлоний шодмон:
 «...Инқилобчи, чин большевик ул,
 Бузруквори Қудрат, муаллим.
 Бой бўлса ҳам, аслида йўқсул,
 Табиати нозик ва ҳалим...
 Нобуд бўлди Жиззахда, ҳайҳот!...»
 Турквоенком титрар шу заҳот.
 Оқ қўлқопли қўли асабий
 Саланглайди ошиқча каби.

10

«Баски, Фарҳод, инқилоб ўғли
 Саркардалар мақтабин истар.
 Москвага юборинг тўғри,
 Илтимос шул, ўртоқ комиссар!»
 Узин ўнглав Иванов бир оз:
 «Сўзингизни қилурман таҳрир:
 «Талабим» денг, эмас «илтимос!»
 «Сиз Марказқўм аъзоси ахир!»
 Қайдан билсин етимча Фарҳод,
 Ки, шу саланг оқ қўлқопли қўл,
 Унинг умрин айлаган барбод,
 Падаридан жудо этган шул?
 Қайдан билсин оқил Авлоний,
 Ки, шу заҳил башара, эвоҳ,
 Қўпайтирган унинг армонин,
 Қалбидаги доғин этган тоғ?
 Тонг қолмишди Иванов, ёраб,
 Мана шундоқ Фарҳодга қараб
 Қўриб турар Қудрат қўрқоқни,
 Олис, олис, у машъум чоғни...

11

Жиззах элин қадди букилиб,
 Тинчиб қолди... Иванов энди
 Полковникмас, генерал бўлиб
 Саркардалик отига минди.
 Европани ўт олди тугал,
 Тирик жонни ямлайди юҳо.
 Саъй кўргизди Иванов, чигал —
 Салоники жанглари аро,
 Дивизия олдинги сафда
 Ёвни хасдек супураб эди.
 Бироқ, Русьда, Ватан тарафда
 Инқилоблар гупураб эди!
 Уйламоққа фурсат йўқ асло,
 Ҳаракатлар давридир ҳозир!
 Қўшин билан чин дилдан гўё
 Совет ёққа ўтди шарт Пётр!
 Туркистонга тушган-да сеҳри,
 Жаннатмакон диёрнинг сеҳри
 Нопок қалбин тортди-ю буткул
 Турквоенком бўлиб келди ул.

12

«Ватанимдан жудо бўлдим мен!
 О, Россия, шўрлик Россия!
 Сен кимларга муте бўлдинг, сен,
 Қисматингда йўқдир хосият!
 Ҳар жулдирбош, ювуқсиз беғам
 Кремлни топтайди бугун.
 Оёқ ости Қишки сарой ҳам,
 Оҳ, оҳ, Русьнинг ҳоли кўп забун!
 Қўлдан кетди барчаси, ҳайҳот,
 Большевикнинг чангали қаттиқ,
 Аммо Пётр эканки ҳаёт,
 Чўнтагида пинҳон сақлар тиф —
 Заҳаролуд, марги бало тиф...
 Умид энди — кўҳна Туркистон!
 Сен бу ерда, — эс-ҳушингни йиг! —
 Бўлмоғинг шарт бамисоли хон!
 Қараб турмас инглиз бегумон,
 Оҳанрабо, ахир, Туркистон!
 Сўнг... сўнг Петр боргувчи шаддод
 Россияни қилмакка озод!»

13

Ватанбозлик қилар Иванов,
 Гўё шунга асос бор эди:
 Дил-дилидан, мисли қаттол ёв,
 Кўпчиб ётган қасос бор эди.
 Кетар экан кўчада, бехос
 Бир тарсаки еган одамдай,
 Қамрарди-ю лаҳзалик ҳарос,
 Ҳамлаларга шай бўларди, шай.
 Мадаминбек! Шаҳди зўр йигит!
 Бешта шундай йигит бўлса гар,
 Иванов нақ Наполеон тахлит
 Россияга соларди-ку жар!
 Мадаминбек билмас қўрқувни,
 Бўри янглиғ юрар қонсираб.
 Таклиф этди Пётрга уни
 Эски дўсти генерал Монстров.
 Гоҳ кўришиб, сўйлашар эди,
 Мадаминбек, Эргаш ва Бейли,
 Ғам-ғуссага кўнгли тўлганлар,
 Ватанидан жудо бўлганлар.

14

«Қайдан журъат этдингиз, устоз?
 «Коммунистлар баённомаси»¹ —
 Бизлар номин билардик холос,
 У — йўқсуллар жаҳонномаси!

¹ Яъни, «Коммунистик партия манифести»нинг Авлоний томонидан ўзбекчасига таржима қилинишига ишора.

Буюк йўлчи, буюк бир йўриқ!» —
 Насриддиннинг ёнар кўзлари.
 «Ҳа!» — Авлоний жилмаяр. — Шак
 йўқ,

Тиллога тенг эрур сўзлари.
 Умид улким, уқса-ю улус,
 Кўзин очса она Туркистон,
 Ҳақ, ҳуррият деган олий сўз
 Чечак ёзса қалбларда хандон...
 Умидворлик менга ёр бўлди,
 Журъатимга қўшди жасорат...»
 «Устоз! Завқим намудор бўлди,
 Дилгинамда жўшди масаррат!
 Бироқ, бироқ, устимдан кулманг,
 Мақтанмоққа мойил, деб билманг,
 Ёзмак учун «Туркистоннома»
 Йироқлардан йўнарман хома!»

15

Иван Лапин қўйди бош ирғаб:
 «Ҳа, Насриддин кўпдан уринар».
 Лекин бари мисоли сир гап
 Авлонийга ғалат кўринар.
 Алпдай йигит, солда-ю дўлвор
 Назм боғидан олисдаги дил,
 Агарчандки завқи, шавқи бор,
 Гултож ясай олмагай сархил —
 Ногаҳонда шоир назари!
 Насриддинга тушди-ю... Оҳ-оҳ!
 Қатъияту ишончининг бари
 Нигоҳида жо бўлмиш порлоқ!
 «Бу... ёзади! — ўйлар Авлоний. —
 Ёзганда ҳам ёзур зўр дoston!
 Соф, покиза қалбнинг жавлони
 Ватан умрин безар бегумон!»
 Сўнгра деди: «Ёзинг, Насриддин:
 Инқилобнинг буюк асридан!
 Жаранг берсин замон торлари!..
 Битсин тамом кўнгил зорлари!»

16

Икки шоир суҳбати аъло...
 Иван Лапин мамнун боқади.
 Ростдан, унга оқил ва доно
 Авлонийнинг гапи ёқади.
 Рост, Насриддин ёзажак дoston,
 Инқилобнинг буюк асридан!
 Чунки унда пок эрур имон,
 Огоҳдир ул замон сиридан.
 Замон эса учқурдир, тинмас...

Бир хотира ўчмас Иванда:
 Ахир, кеча илон думинмас,
 Бошин янчмоқ керак, деганда,
 Думу бошни этолмасди фарқ,
 Дарахт қолиб, баргин кесарди...
 Бугун-чи, у нақ тимсоли Шарқ,
 Бугун полвон — Инқилоб марди!
 Мана Фарҳод, мана Авлоний...
 Эл ишида фидодир жони.
 Ёқтирмагай барчасин ёвлар —
 Тоболинлару¹ Ивановлар...

17

«Устоз! — деди Фарҳод. — Кўнглим
 тоғ,

Йўқдир менда йўл танлаш ғами.
 Бироқ қандоқ, сизнингча, қандоқ
 Бўлмоғи шарт замон одами?»
 «Тўғри, ўғлим, бундайин савол
 Ҳар оқилнинг бошин қотиргай.
 Топилмаса жавоб, эҳтимол
 Шўрлик бошга ташвиш орттиргай.
 Кундай балқди Улуғ Инқилоб,
 Буюк сабоқ берди замонга.
 Замон минг ранг товланди ҳисоб,
 Бурч юклади ҳар бир инсонга.
 Замон неки истаса шул мен:
 Марказқўмга аъзомен ҳозир.
 Эрта мактаб ила машғул мен,
 Муаллиммен, индинга, — нозир.
 Муҳаррирмен, қизил аскармен,
 Чақирсалар бот сафарбармен!
 Майдони ҳарб аро сойирмен!
 Чавандозмен, ўтли шоирмен!

18

Мана шундоқ бўлмоқ шарт,
 Фарҳод!

Ёш боладай юрма ўкиниб.
 Лозим эса, елкангда азод
 Кўтаролгин замон юкини!
 Уртоқ Лапин сўзлаб қолдилар:
 Аксилчилар истаяор исён.
 Англиядан мадад олдилар,
 Гул япроқдай титрар Туркистон.
 Мен Туркистон фарзандиман-ку,
 Сен Туркистон ўғлисан, ботир!

Насриддин ҳам! Юрт ҳоли танг-ку,
 Элас-элас тин олаётир!
 Кеча йиғин бўлди Чорсуда,
 Келаверди эл гуррас-гуррас.
 Аксилларнинг қабиҳ, фарсуда
 Қилмишидан сўзладим... Хуллас,
 Қўлдан бермай десанг тонларни,
 Ҳушёр тутмоқ керак онларни!...»
 Иван «оҳ» деб бош чайқар эди;
 Насриддин зўр сир пайқар эди...

19

«Мен диктатор бўлурман аён,
 Туркистонда, ҳарбий диктатор!
 Кимлигимни тан олгай жаҳон,
 Номим ҳали оламга татир!
 Афсус, «ТВО»¹ қамоққа тушди,
 Туркчека ҳам ис билгичдир хўп...»
 Ивановнинг кўнгли увишти,
 Алғов-далғов, нотинч, талотўп
 Хаёлларга ғўта урди ул,
 Хаёллари тош босмас эди.
 Исён! Исён! Йўқдир ўзга йўл!
 Бейли, кўмак бергумдир, деди.
 Апрель эмас исён муддати!
 Йўқса бари бўлгувси барбод!
 Январь эрур қоим фурсати,
 Шитоб этмак эндиги мурод!
 «Ишчи қалъа» ва Тупроққўргон
 Биз томонга сўзсиз ўтган он,
 Билаверсин бизларни ёв деб,
 РКП (б), Чека, Ташсовден!

20

Турквоенком олис фронтдан
 Қўшинларни Тошкентга чорлар.
 Қасам ичиб, чекиниб ондан
 Кела бошлар алами борлар.
 (Шундоқ кенгаш берди муҳтарам
 Жаноб Бейли маслаҳатгўй сэр),
 Закаспийдан Колузаев ҳам
 Ўта кетган, ашаддий эсер,
 Шошган каби диний байрамга,
 Отрядини олди-ю келди...
 Шитоб айлар ақл шу дамда,
 Ивановга бир фикр келди:
 «Тошкент Қизил гвардиясин
 Тарқатсин-да, ёвга берсин панд!»

¹ Тоболин. «Кекса коммунистлар» деган реакцион гуруҳ бошлиғи, давлатни бошқаришга ўзбекларни аралаштирмаслик тарафдори.

² «ТВО» — «Туркестанская военная организация», реакцион ташкилот.

Эироқ қора булутни яшин
Этганидай парканду парканд,
Иван Лапин деди устивор:
«Гвардия тургай барқарор!
Инқилобнинг фарзандидир ул,
Эз фарзандин ўлдирмас йўқсул!»

21

Сокин оқшом чўкди шаҳарга.
Бир ит ҳураар Себзорда гоҳ-гоҳ.
Бошқаси жўр бўлар Чақарда,
Сўнгра тинар... Кўчалар оппоқ.
Чехраларни совуқ ялайди,
Сўлиқ чайнаб пишқирар отлар.
Тупроққўргон ёққа шу пайти
Илгарилаб борар Фарҳодлар.
Қўмондонлик фармони шундоқ:
«Шаҳар тинчми? Йўқми

хуружлар?

Кўчаларда йўқми бебошвоқ,
Исёнталаб саф-саф юришлар?...»
Бешта отлиқ билмоққа борар,
Тишлаб олар совуқ, замҳарир...
Насриддинбек чап ёққа қарар:
Муюлишда кўринди бир-бир
Аллақандай отлиқлар, чоғи
Йигирмага етар саноғи.
Яқин келса ҳамки барининг
Илғаб бўлмас чехраларини.

22

«Саккизинчи район каерда?...»
Фарҳод билди, пароль эди бу.
Манглайига қалқиган тердан
Ўрмалади кўнглига қўрқув.
Сас чиқмади, қўл онгсиз, беҳол
Револьверга томон чўзилди.
«Қимирламанг! Ташлансин қурол!»
Шу лаҳзада бир ўқ узилди.
Қуршов ичра қолдилар бешов,
Отларни ҳам тортиб олдилар.
Кўй мисоли боғлашиб, яёв
Қаёққадир ҳайдаб солдилар.
Нолигандай ғирчиллайди қор,
Мудҳиш саси совуқ ва нохуш.
Ҳаёллардан Фарҳод беқарор
Кўраётган каби эди туш:
Гўё ҳозир, мана шу заҳот
Бир сесканиб уйғонар Фарҳод,
Ва барининг тушлигин кўрар,
Маза қилиб сўнг қаҳ-қаҳ урар...

23

Туш эмасди... Қалбин сасига
Қулоқ бермас, синиқдай шашти...
Иккинчи полк казармасига
Йигитларни элтиб қамашди.
Ичкарига кирган ҳам эди,
Ўқчиб кетди Фарҳод ногаҳон:
Бузуқ ҳаво, махорка ҳиди
Қўланса бўй, тер иси — ҳар ён.
Жиккаккина ўзбек кулади,
«Хурмачангга сиққанин ол-да!
Эр юракнинг ёли бўлади,
Сендайларга ароқ усвол-да»
Ёқасидан тутди Насриддин.
«Оғзинг юм, нақ миянг туяман.
Нақ бурнингни олиб, бу гап чин,
Кетгинангга улаб қўяман!»—
Ва бурнининг тагида чандон
Муштумини ўйнатди полвон.
Қўрқиб кетди жиккак бемисол:
«Э, муштуминг нарироққа ол!»

24

Казармада тумонат одам,
Ҳар миллатдан бунда бор эди.
Бир-биридан сўрашар пурғам:
«Нечун бизни шундай хор этди?»
Минғирлайди пакана татар,
Нарироқда дароз бўйли рус
Ўз-ўзича ашула айтар,
Ўзи маъюс, сўзи ҳам маъюс:
Тожик билан қозоқ ҳайрон, лол:
«Неси бизни жапиққа қойди?»
Битта мастнинг булбул бамисол
«Сайраш»идан ҳамма ҳам тўйди:
«Ўйнашимга мен борган эдим,
Ўтирибди бошқа биттаси.
Ўзр, адаш келибман, дедим.
Истасам гар кутар мингтаси...»
Ҳеч ким билмас: ким, нима учун,
Ҳибсга олмиш барчани бу кун?
Ёлғиз дерлар: «Сўраманг мутлоқ!
Турквоенком буйруғи шундоқ!»

25

Тонгсаҳарда янгради гудок!
«Ишчи қалъа» саси эди бу!
Насриддин дер: «Дилга тушди бок,
Жаранглаши ўзгачароқ-ку?...»
Тарақ этиб эшик очилди,
Оқ офицер, қўлида наган,

Ичкарига ўқдай отилди:
 «Билиб қўйсин энди билмаган!
 Ивановга ўтди ҳукумат...»
 Интилганди Фарҳод қаҳрвор,
 Ушлаб қолди Насридин фақат:
 «Бола бўлма, ўғлим, эсинг бор!»
 «...Кимки ўтса Иванов томон
 Жони бешак омонда қолур.
 Ким ўтади? Кимга керак жон?»
 Ташқарига жиккак йўл олур.
 Қимирлайди қозоқ ҳам охир:
 «Шиқ, дийдиғой? Шигайин ахир!»
 Сўнг дароз рус чиқади чапдаст,
 Орқасидан сўкиб қолар маст.

26

Тагин эшик қаттиқ тарақлар,
 Казармага кирар беш солдат,
 Қўллариди милтиқ шарақлар,
 Қичқиради офицер: «Встать!»
 (Ғира-шира саҳарҳол эди,
 Казарманинг дарчаси ҳам йўқ,
 Илғаб олмоқ кўп маҳол эди),
 Отилади патир-путир ўқ!
 Бамисоли ўрилган буғдой
 Ер қапишди барча гангу ганг.
 Ташқаридан кимдир деди: «Ҳой!
 Кетдик, бўлди, пачакилашманг!»
 ...Насридинбек тиши қамашиб

Кўзин очса, ётибди тўрда.
 Тепасида қолмиш қалашиб
 Пала-партиш беш-олти мурда.
 Ҳалок бўлмиш иккита шерик,
 Фарҳод тирик, Насридин тирик.
 Дуч келмоққа қўрққандай азал,
 Четлаб ўтмиш уларни ажал.

27

Исён қилмиш Иванов ғаддор,
 Недир орзу, неки ком истар —
 Бажо этмиш тақдир маккор:
 Нобуд бўлмиш ўн тўрт комиссар!
 Уша Першин, ўша Шумилов,
 Фигельский, Войтинцев, Малкоф...
 Насридиннинг кўнгли бузилиб
 Оз йиғлади, эҳтимолки кўп...
 «Иван Лапин, Иван, Ваняжон,
 Бевақт кетган жигарим, ҳайҳот!
 О, қалбимга солдинг-ку армон,
 Дард бўлди-ку менга бу ҳаёт!
 Нима кўрдинг дунёда ахир?
 Қувғин, йўқлик, азобу алам.
 Дўстлигимдан қилурман фахр!
 Гувоҳ бўлгин, эй кўҳна олам!»
 Йиғлар полвон, кўнглида малол,
 Бемажолу беҳол бамисол.
 Уфқ ҳам йиғлар, гўё қонли ёш —
 Қил-қизариб кўринар қуёш...

Ўн учинчи боб

*Дўстгинам, Ватанга жонни тикканмиз,
 Кўнгли орзулари фидо ўшанга.*

А. С. Пушкин.

1

«Онажоним, англатил менга,
 Ё ҳаётда шундоқми русум,
 Сигмайману осмон-заминга,
 Етишмайман ўзимга ўзим.
 Йигирма йил «Туркистоннома»
 Мени ҳоли-жонимга қўймас.
 Кутиб ётар йўниғлиқ хома,
 Ташвишларга талашдирман, бас!
 ...Дукчи эшон қўзғолони деб,
 Беш йил умр кечди саргардон.
 ...Намоз ўғри — юртга эрур зеб,
 Ватанининг фахри бу ўғлон,
 Сўнгра Жиззах... оқди-ю умр

Оқоваси чиқди Харьковдан.
 Сўнгра Тошкент... Гумбур!
 Гумбур! Гур-р!
 Адашди-ю замон таркибдан,
 Инқилобнинг шарафли туғи,
 Салтанати, шони, шукуҳи
 Туркистонни титратди тамом!
 «Ёз! Ёз!»— дея қайнади илҳом...»

2

«Нима бўлса дунёда, болам,
 Яхшиликка бўлди, деб билгин.—
 Юпатади Ойчучук хола, —

Вақти келар, сал сабр қилгин!»
 «Шу Ватанга фарзандман, она!
 Қалбим чексиз фараҳга тўлур!
 Умидворман, «Туркистоннома»
 Фарзандлигим исботи бўлур!
 Аммо тагин тинч турмас замон:
 Закаспийда инглиз хуружи,
 «Мухторият» ила банд Қўқон,
 Оренбургда Дутов уруши...
 Ивановнинг исёни... Дариг!
 Тагин санчди дарднок юрагим!
 Иван Лапин — бу энди тарих...
 Инқилобнинг ёрқин эртаги...
 Ва ҳасрато! Исён тинган чоғ,
 Жуфтак ростлаб Иванов қочоқ
 Қурамадан ошиб ўтипти,
 Мадаминбек сари етипти...»

3

Шоир энди ишга ўтирар,
 Аста олиб қўлига хома
 Оппоқ саҳфа устида сурар,
 Тиниқ ёзар: «Туркистоннома».
 Хаёллари кетар олисга,
 Қалқиб келар тарих ва бугун.
 Борлигини тўлдирган ҳисга
 Торлик қилар бу гардуни дун.
 Эса тушар юз бир ибора,
 Минг бир калом навбат сўрайди...
 Эшикни сал очиб ибo-ла
 Валентина ҳорғин қарайди.
 Сокин кўзлар маъюсдир, чоғи
 Йиғламоққа излар баҳона.
 Беҳолгина юздаги доғи
 Оналикдан эди нишона...
 Шоир яна ёлғиз қолди лол,
 Тўзғиб кетди сўзлар қуш мисол,
 Хаёл, туйғу, ҳис, бари барбод...
 «Жоним! Кутар ҳовлида Фарҳод!»

4

Фарҳод турар, рангида ранг йўқ,
 Ботинан бир изтироб ичра.
 Қалбгинаси зирқирар лўқ-лўқ,
 Унгмас гўё кезар хоб ичра.
 «Не, кору ҳол юз берди, англлат?»
 Ҳаяжоннинг зўридан Фарҳод
 Каловланар, сўзлолмас, фақат:
 «Отам... бобом... Иванов... устод...
 Кеч... кеч... Ҳайҳот!» — дер эди
 ҳолсиз.
 Воқеа-чи, бундоқ бўлганди:

...Фарҳод, ёнда паранжили қиз,
 Бешёғочга энди келганди.
 Дорилмуаллимотдан мана
 Ситорахон қайта ётир шод.
 Кузатмоқда қизни мардона,
 Ўзин сезиб рицардек Фарҳод.
 Кескир эди шу он мисли барқ,
 Андозасиз шодликларга фарқ...
 Чиқиб қолди бир афтодаҳол,
 Елкасига тўрва осган чол.

5

«Пирим хаста Баҳовиддиндир,
 Атаганинг бера қол, болам!
 Худо деган одамлар мингдир.
 Кофирлар-чи, беадад олам...»
 Фарҳод чолга қарамай асло
 Чўнтагидан пул олди дарҳол,
 Чолга боқди, боқди... Ажабо:
 Сал танишга ўхшар эди чол.
 Соч-соқоли ўсиб кетганди,
 Энгил-боши исқирт ва ифлос,
 Энгил-бошмас, эҳтимол жанда
 Дейилмоғи бўлур эди рост.
 Чўян каби қоп-қора юзи,
 Оқ соқолдан тагин ҳам қора.
 Таниш эди, кўзи, ҳа, кўзи...
 Жим турарди ҳайрон Ситора.
 О, наҳотки!.. Бу исқирт гадоё —
 Бобокалон зангин Суюнбой?!
 «Фарҳодмисан? Фарҳодим менинг!
 Ҳосил бўлган муродим менинг!»

6

Кучоқлашди бобо-набира,
 Кўз ёшини тиёлмас Фарҳод.
 Кучи етмас аламга сира,
 Томоғига тикилади дод.
 Отаси шу, онаси ҳам шу,
 Утмишидан бир тирик ёдгор!..
 Бобосини сўратганди у,
 Дедиларки, излама бекор.
 Бутун уйин, ҳовлисин ташлаб
 Чиқиб кетган экан олиб бош.
 Фарҳод эса ўшандан бошлаб,
 Суриштирар, бардош бермас дош...
 Бирдан бобо ўзгарди, ажаб,
 Қўл-оёғи ишламай қолди.
 «Зурёдимсан, сенга битта гап
 Айтиб қолай ўлимим олди:
 Падарингни ўлдирган қотил,

Оқ қўлқопли Ивановдир, бил!
Энди майли, розиман, ўлсам,
Азроилга рўбарў бўлсам...»

7

Кечга бориб тилдан қолди чол,
Очиб юмар кўзларин фақат.
Кутилмаган иқбол, эҳтимол,
Бамисоли оғир машаққат
Букиб қўйди шўрлик қаддини,
Ич-ичидан келтирди имон.
Қўлламади Баҳоваддини,
Тонгсаҳарда таслим қилди жон...
Авлоний йўқ Тошкентда бу пайт,
У — бош консул Афғонистонда.
«Полвон оға! — дер Фарҳод. —

Лоқайд

Юролмаيمان, ўч ёнар қонда!
Ҳарбий курсни битирдим аъло!
Бас, Фарғона fronti сари
Жўнамоққа шайман уввало.
Мадаминбек, Иванов бари
Фарғонада жамланган экан!
Қасос! Қасос олурман, деган
Мақсадим бор кўнглимда олий,
Узр, гагим чиқди ҳаволи!»

8

Тахта бўлди-қолди Насриддин!
Аламми ё армонми, бошқа, —
Эди уни, чуқур олди тин,
Сезди, қалби айланди тошга!
Шундай бўлар одатда мардлар!
Кета бошлар тиззадан дармон,
Сўнг Фарҳодни қучоқлар дард-ла,
Вазмин деяр: «Мен ҳам бораман!»
«Нима бўлса дунёда, болам,
Яхшиликка бўлар деб билгин!
Овутади Ойчучук хола. —
Фарҳод ўғлим, сабрли бўлгин!»
Насриддинбек шайланар йўлга,
Ол юлдузли попоғ княди.
Чап қўлига «К.Г.»¹ ёзилган
Тасмачани боғлаб қўяди.
Қаттол ёвни йўқ қилмоқ учун
Жўнамоқда кўнгилли қўшин,
Фирқа ўзбек қўшини мана:
Халоскоринг кутгил, Фарғона!

9

Эй, Фарғона! Эй она водий!
Куллуқ, Ватан бўлганинг учун!
Сенда ўтмиш, боболар ёди
Барқарор то тургунча очун!
Сендан олиб бир қисим тупроқ
Шимолий муз баҳрига солса,
Ажаб эмас, у ер бўлса боғ,
Айсберглар эриб йўқолса!
Фарзандларинг қўйсалар қадам,
Коинотни янгратаиб саси,
Ҳаёт пайдо этар ойда ҳам
Шижоати, ўтли нафаси!
Бироқ ҳозир боғларинг пайҳон,
Кўксинг топтар отлар туёғи.
Сенга фидо айламасак жон,
Кўр қилмасми Ватан тупроғи?
Ватан! Ватан буюк толе бу,
Агар Ватан юз бурса, ёху,
Қайси маъво сигдирар бошинг?
Қайси дарё сигдирар ёшинг?

10

Тошлоқ² узра юлдузли осмон,
Бир парча ҳам булут топилмас.
Боғ ўртаси баланд кўшк, айвон...
Ногоҳ келди инграган бир сас.
Пашшахона, ичида шу зум
Чиқди хафа, ўз-ўзидан хит,
Уттизларга борган гирдигум,
Алломишдай забардаст йигит.
Четда ётар чувалган салла,
Заррин қинли зулфиқор қилич...
«Қайдасан, Эш? Тезроқ қимилла!
Ювингани сув опке! Бўл, уч!»
«Ҳозир, бегим!» Битта миқти чол
Мис офтоба олиб югурди:
Мадаминбек кийинди дарҳол,
Дона-дона қилиб буюрди:
«Наманганни олишда чунон
Саваш қурди гарвалик Султон!
Мукофоти — пашшахонада.
Ўзи ҳам нақ дури дона-да!

11

«Хуш келибсиз, жаноб генерал!
Ажиб фурсат, ажиб дам эрур»
«Мадаминбек! Жанобингиз сал

¹ «Красногвардеец» дегани. Шундай тасмача боғлаш расм эди.
² Масқилон яқинидаги қишлоқ.

Қошингизда боши ҳам эрур...»
«Бирлашурмиз, бирликда ҳикмат!
Бир томчи қон қолгунча борман.
Мен шу ерда туғилдим фақат,
Гар шу ерни тарк этсам, хорман!
Ватанимдир кўҳна Туркистон!
Большовойга бермасман! Йўқ!

Йўқ!
Жангга — жангдир, ширин жонга-
жон!

Қасос — қалбим иситгувчи чўғ!
«Бегим! — деди. Иванов. — Қойил!

Монстровнинг армияси ҳам
Бирлашмоққа аслида мойил,
Уюштиргай Бейли ҳам ёрдам!
Армон бўлиб қолди Тошкент, оҳ!
Латтаман, оҳ! Узимда гуноҳ!
Фарғонани тутайлик қўлда,
Адаштирма, эй худо, йўлдан!»

12

Қизил Қўшин шиддатли эди!
Суръати ёв қадамин чеклар.
Намангандан Чортоққа кетди
Иванов ва Мадаминбеклар.
Бу ерда ҳам тинчишмади сал,
Қўнғил чорлар фақат Қўқонга.
Серово¹га етмасдан аввал
Тўхтадилар Сариққўрғонда.²
Қувиб келар изма-из ҳамон
Ёш қўмондон Фарҳод қўшини!

Ивановдан Фарҳод беомон
Олажакдир Қудрат ўчини!
Уровдаги бўри галадай
Босмачилар қуршовда қолар.
Қизил Қўшин саҳар паллада
Қишлоқ гирдин чегалаб олар.
Жабҳаларга йўлланди хабар.
Ивановни тутсалар агар,
Отилмасин, тирик зарур у!
Қўмондонлик фармойиши шу!

13

Қиличбозлик қилар Насриддин,
Саваш қураб майдон ичинда.
Ёв бошига солади қирғин
Кетмасин деб армон ичинда.
Аравада сайрар пулемёт,
Оқларни хўп қийратар Муса.
«Ҳа, акаси, бўлақол... Э... ўт!
Жой олиб тур жаннатдан, хумса!»
Рўпарадан келар бир аскар,
Хато кетди Насриддин ўқи!
Полвон ёққа от солди қайсар,
Қазак экан, сап-сариқ турқи!
Чаққонгина суғуриб қилич
Насриддинга кўтарди азод!
Полвон отин бурмоқчийди, ҳеч
Бурилмади, ўлгур ўжар от!..
Уқ тегди-ю казак ногаҳон,
Қўзларида чирпираб осмон,
Қулаб тушди! Унгдан шу заҳот:
«Бўш келманг!» — деб қичқирди
Фарҳод.

(Давоми келгуси сонда).

¹ Серово — ҳозирги Фурқат станцияси.

² Сариққўрғон — шу ердаги бир қишлоқ.



Ўткир Рашид

ЎЗАРЗАНД ДЕБ...

ИККИ ПАРДА, 7 КЎРИНИШЛИ МУЗИКАЛИ
ДРАМА

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

ПУЛАТЖОН — колхозда боғбон.
ШИРИНХОН — колхозда илғор сут соғувчи.
ГУЛСУН ОПА — Пулатжоннинг онаси.
ХОЛДОР — Пулатжон ва Шириннинг ўғли.
ҲАФИЗ — Ширинга хуштор, фитначи, тухматчи йигит.
АННА ПЕТРОВНА — Холдорнинг иккинчи онаси.
ПАВЕЛ ПЕТРОВИЧ — Холдорнинг иккинчи отаси.
МИЛИЦИОНЕР.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

(музика)

Пулатжонларнинг ҳовлиси... Ҳовли шинам ва озода. Пешайвонда Пулатжон анор, нок ва узум бандларига каноп боғлаб, шипга осаяпти. Ширин пиқ-пиқ йиғлаб, тоғорада кир юваяпти.

Пулатжон (*аччиқланиб*). Сиз, аёлларни йиғлашга чиқарган. Хафа бўлсангиз ҳам йиғлайсиз, хурсанд бўлсангиз ҳам. Тавба, сизларга тўғри гапни айтиб, балого қолади киши.

Ширин. Тўғри гап деб, ҳадеб гапираверар эканда. Уша гапингиздан мен эзилишимни била туриб, жўрттага гапирасиз, ҳа, жўрттага гапирасиз. Юрагинг эзилиб кетсин дейсиз шеқилли.

Пулатжон. Ҳа, жўрттага гапираман. Юрагингиз эзилиб кетсин дейман, бўлдимиз? Кишини гапиришга ўзингиз қитиқлаб қўясиз-да...

Ҳай, бу гапдан сизнинг юрагингиз эзилади-ю, менинг юрагим эзилмай-дими? Меники аллақачон эзилиб тамом бўляпти.

Ш и р и н. Қолганини эҳтиёт қила қолинг. Ҳали қирчиллама йигит-сиз, ҳар йили туғиб берадиган бошқаси топилиб, орзуингиз ушалса зора.

П ў л а т ж о н. Менга қаранг, Ширин! Мен фарзанд кўрмадим деб сизга бўлган муҳаббатим чироғини пуф деб ўчириб қўйдимми? Бегонага қараяпманми? Туғмадинг деб таъна қиляпманми? Сиз билан бир ёстиққа бош қўйганимизга мана тўрт йил бўляпти, қани айтингчи, фарзанд деб сизни бирор марта хафа қилдимми? Фарзанд бўлмаса ҳам, сизга бўлган муҳаббатим ловуллаб ёниб турибди, буни яхши биласиз. Яна нима дейсиз?

Ш и р и н (*кўз ёшини артиб*). Нега бўлмаса ловиллаб ёниб турган ўша муҳаббатга ҳадеб сув сепаверасиз?

П ў л а т ж о н. Сув сепганим йўқ. Ҳозир сизни хафа қилиб қўйган гап мендан чиққани йўқ-ку, ахир. Ўзингизнинг дугонангиз Қумрининг гапини айтдим холос. Қумри кўчада турган экан, мени кўриб «Пўлатжон ака! Қўлингиздаги нима у? Мабодо чақалоққа бирор нарса эмасми? Сизнинг уйингизга қаравотча ёки ўйинчоқ кўтариб келишингизни ҳамма кутяпти» деса бўладими. Унинг бу гапи худди қаҳратон совуқда устимдан бир челақ совуқ сув қуйиб юборгандек бўлиб қотиб қолибман. Тўғриси, бу гап менга алам қилди. Тавба, бировнинг фарзанд кўриши ёки кўрмаслиги билан бировларнинг нима иши борикин?

Ш и р и н. Қумрининг иши бордир-да. У сизга ачинаётгандир. Қари қиз бўлса ҳам, сохти келишгангина-ку. Сиз ҳам унга ачина қолинг.

П ў л а т ж о н. Бунақа бемаза гапларни қўйинг, Ширинхон. Қумри буни қайси кўнгилда айтди билмайману нафсанбериға, сиз билан менинг дардимни айтди. Яна хафа бўлманг-ку, ўйламайман десанг ҳам, ўйлагинг келади киши. Мана, қаранг! Қир юваяпсиз. Бу кирингизнинг ичида чақалоқнинг бирорта кўйлакчаси ёки латтаси борми? Йўқ! Буни мен ўйлаяпман. Буни агар сиз ҳам ўйласангиз сизга ҳам алам қилади, шундай эмасми? Энди мана буёққа қаранг! (*Шинга осилган меваларни кўрсатади*). Мана бу меваларни иккимиздан бошқа яна ким ёйди? Қани айтинг-чи, қўлимда шу меваларга қараб талпиниб улардан таталаб узиб оладиган биронта тирноқ бўлмаса менга ҳам алам қилмайдими? Мен боғбонман. Қолхозимизда ҳам, томорқамизда ҳам боғ қиляпман, мевали дарахт ўстираяпман. Лекин фарзанд ўстираётганим йўқ. Бу менга алам қилмайди дейсизми? Сиз-чи? Сиз ҳам колхозда сут соғувчисиз. Сигирларингизнинг болаларини кўриб қувонасиз, уларга сут берасиз... Ўзингизнинг эса эмизиб бағрингизга босадиган зурриёдингиз йўқ. Шундаймасми? Биламан, бу ўй-хаёл мендан ҳам кўра сизнинг юрагингизни кўпроқ тирнайди. Лекин, мен сизни бу ўй-хаёлдан чалғитаман, сизни эҳтиёт қиламан, сизни!

Ш и р и н ўзини айвонга, кўрпачага ташлаб йиғлайди. Гулсун киради.

Гулсун (*Ширинга*). Вой, нима гап ўзи? Ҳа, Ширинхон нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз?

П ў л а т ж о н. Ҳеч нима бўлгани йўқ, ая, ўша эски гап.

Гулсун. Яна ким қўзғади бу гапни. (*Пўлатжонга*) сенми?

П ў л а т ж о н. Йўқ, ая, бировлар.

Гулсун. Ким у бировлар?

П ў л а т ж о н. Ҳали келаётсам, кўчада анави Қумри кўриниб боладан гап очди. Шуни келинингизга айтган эдим, бирдан ёниб кетди.

Гулсун. У-ку гапирибди, сен нимага унинг гапини хотинингга етказа қолдинг (*Ширинни юпатиб*). Қўйинг, қизим, хафа бўлманг сатқай кўз ёшингиз кетсин ўша гапи. Фарзанд билан давлатнинг эрта-кечи йўқ дейишади. Худо хоҳласа, ҳали фарзанд ҳам кўрарсизлар, ор-

зу-ҳавас ҳам қиларсизлар. Бу аламларингиз тушдай бўлиб ҳам қолар. Қайтага ёшликнинг даврини суриб қолинглар ўз вақтида.

Ҳали қатор-қатор бола кўрсанглар, улар билан ўралашиб қолиб, шу салтисвой пайтларингни қўмсарсизлар ҳам...

Пўлатжон. Ҳа, ая, бормисиз, шуни айтинг-а.

Пўлатжон Гулсунга «Ширинни юпating» деган маънода ишора қилиб уйга кириб кетади.

Гулсун. Анави Абдуқодирни укаси тўққиз йил деганда фарзанд кўрди. Яна аллакимни ҳам айтишди, ун йил деганда кетма-кет бирдан Ҳасан-Ҳусану, Фотима-Зухра кўрибди. Ажаб эмас, сизлар ҳам вақти соати билан ўзларингдан кўпайиб, шошиб қолсаларинг. Ҳа, айтмоқчи, туринг, қизим! Сиз хамир қоринг, мен гўшт тўғрай, анави Тўпахоннинг келини ўғил туғибди, йўқлаб чиқиб келамиз.

Ширин (*беихтиёр*). А?!

Гулсун. Ҳа, қизим, сиз ҳам яхши ният билан чиқиб келинг. Мен ҳозир Зеби холага учрайчи, у ҳам борармикан? (*Гулсун чиқади*).

Ширин. Туғибди... Ўғил туғибди. Аллакимлар туғяпти. Мен-чи, мен?..

Ширин карахт ўрнидан туриб қаерга боришини, нима қилишини билмай, бошини ушлаб ўтириб қолади. Уйдан Пўлатжон чиқиб Шириннинг бошини силайди.

Пўлатжон. Ҳа, Ширинхон! Яна нимага хаёл суриб қолдингиз? Қўйинг, жонидан, бўлар-бўлмасга куйинаверманг... Дунёда сиз бору, мен бор. Сиз фақат умр йўлдошимгина эмас, бойлигим, қувончим ҳам сиз. Қолаверса фарзанд ўрнида овунчоғим ҳам сиз. Ҳаммаси сизсиз.

Ширин (*эркаланиб*). Ёлғон айтасиз.

Пўлатжон. Ўлай агар ёлғон айтсам. Мен айтмасам ҳам буни ўзингиз биласиз ку. Мен ҳамиша парвонангизман-ку.

Ширин. Ҳа, парвонасиз. Парвонасиз-у, бепарволик билан ёниб турган шамга ўзингизни уриб, баъзан ўзингиз ҳам куясиз, шамни ҳам ўчириб қўясиз.

Пўлатжон. Тўғри айтасиз, Ширинхон. Бу бепарволик мени ўша шамга ошиқу-беқарорлигимдан. Ҳам ошиқлигиму ҳам фарзандсизлик дарди билан ўзимни ўтга урганлигимни билмай қолишимдан, бу дард иккимизнинг дардимиз. Энди қўйинг, буни иккимиз ҳам ўйлай-вермайлик. Айниқса сиз.

Ширин. Йўқ, сиз кўп ўйлайсиз.

Пўлатжон. Йўқ, кўп ўйлайдиган ва ўйлантирадиган сизсиз.

Ширин. Мен ўйласам ҳам ичимда ўйлайман. Сиз бўлсангиз ичингиздан ташқарига чиқарасиз. «...Фарзандсизлик дарди билан адо бўлдим» деб жар солгандай жим бўласиз.

Пўлатжон. Ундай эмас, Ширинхон! Мени бу дарддан ҳам кўра бошқа дард кўпроқ қийнайди.

Ширин. Яна қанақа дард?

Пўлатжон. Сизнинг ҳуснингиз дарди. Одамлар «Бундай чиройли хотинни қаердан топгансиз, эҳтиёт бўлинг», деб тортинмасдан юзимга айтишади.

Ширин (*кулиб*). Айтишса-айтишар, шу ҳам дард бўлибдими?

Пўлатжон. Дард шу гапнинг тагида-да.

Ширин. Бу нима деганингиз?

Пўлатжон «Хотининг чиройли, эҳтиёт бўл» дегандан кейин мен нима қилишим керак? Рашк қиламан-да.

Ширин. Кимдан рашк қиласиз?

Пўлатжон. Авваллари анави махсимча Ҳафиздан рашк қилар эдим. Уни ёмон кўрганлигингни айтиб, ишонтирганингиздан кейин, энди бошқалардан рашк қиладиган бўлдим.

Ш и р и н . Қайси бошқалардан?

П ў л а т ж о н . Ҳаммадан, ҳатто ўзимдан ҳам.

Ш и р и н (қаҳ-қаҳ уриб кулиб). Ўзингиздан ҳам. Бу қанақаси бўлди?

П ў л а т ж о н . Сизга қаттиқроқ термилсам баъзан ўзимни бировга ўхшатаман-у, ўзимни-ўзим уриб юборгим келади.

Ш и р и н (қотиб кулиб). Рашк қилмаслигингиз учун мен нима қилишим керак.

П ў л а т ж о н . Бунинг учун хунукроқ бўлиб юришингиз керак.

Ш и р и н . Қанақа қилиб?

П ў л а т ж о н . Билмадим... Ҳар қалай бошқалар сизнинг ҳуснингизга суқланиб тикилишлари мени ўртаб юборади...

Ш и р и н (кулиб). Менга ишонасизми ўзи?

П ў л а т ж о н . Бўлмасамчи!

Ш и р и н . Мен ҳам сизга ишонаман. Ўзингизни бекорга қийнашингиз ўринсиз. Кимки менга ёмон кўнгилда тикилса кўзи ситилиб оқсин илойим.

П ў л а т ж о н . Ишқилиб, чиройли хотинларнинг эрларига осон эмас экан-да. Начора. Қийин бўлса ҳам, рашк қилсам ҳам, мен сиз билан фахрланаман. Ошиқ шоирларга ўхшаб ҳам куйиб, ҳам севиб қўшиқ битгим келади. Уни куйга солиб айтгим келади. Қани, жонидан, «Бўйларингдан» деган пластинкани қўйинг.

Ш и р и н кулиб-кулиб пластинка кўяди. П ў л а т ж о н дутор билан унга жўр бўлади. Кейин бошини унинг елкасига куйиб, қўшиққа маҳлиё бўлиб қолган Ш и р и н хонни бағрига босиб эркалайди.

Бу қўшиқ худди сизга бағишлангандек, Ширинхон. Кечаги тиктирган атлас кўйлагингизни бир кийиб чиқинг. Қўшиқдагидек шу кўйлақда мен сизни бир кўрай.

Ш и р и н . Ҳа, мунча эримасангиз, ҳазиллашаяпсизми?

П ў л а т ж о н . Ҳазили нимаси? Қиринг, жоним, ўша кўйлагингизни кийиб чиқинг.

Ш и р и н қаҳ-қаҳ уриб кулиб уйга киради. П ў л а т ж о н кўлида дутор, ўйлайди.

Юрагим Ширинга бўлган муҳаббатим билан ёнади, фарзандсизлик алами билан ўртанади. Қайси бири зўр чиқади, билмайман. Севги оловими, ё фарзандсизлик аламими?

Ш и р и н атлас кўйлақ кийиб чиқади. П ў л а т ж о н унга суқли термилади.

Қани, жоним, жиндек дафи савдо қиламиз, мен дутор чаламан, сиз ўйнайсиз.

Завқ билан дутор чалиб, қўшиқ айтади. Ш и р и н кулиб-кулиб ўйинга тушади.

Ёримсизу ёримсиз,
Кўзлари хуморимсиз.
Уйгинамни гуллатган
Сўлим гул баҳоримсиз.

Бир бор қараб кўймайман.
Ҳуснингизга тўймайман.
Гўзалларнинг гўзали,
Танҳо сизни ўйлайман.

Сизга суқли боқаман,
Юракка ўт ёқаман.
Шундай ёргинам бор деб,
Қувнаб, тошиб оқаман.

Тўтиёсиз сиз менга,
Сургим келар кўзимга.
Меҳру садоқатингиз
Насиб қилсин ўзимга.

Пўлатжон. (*Ширинни бағрига босади*). Уйингиз ҳам ўзингиздай ширин. Ширинхон! Мен боғдан хабар олай, меваларни териб бўлишдимикин. Ҳа, айтганча, ясаниб туринг. Бугун колхозга театр келар эмиш, томошага борамиз.

Пўлатжон Ширинни иягидан ушлаб, эркалаб чиқиб кетади.

Ширин севиниб уйга кираётганда эшик тақиллайди ва овоз эшитилади. Овоз. Пўлатжон ака, ҳов Пўлатжон ака!..

Ширин. Ҳу, ким?

Овоз. Мен, мен... Ҳафизхонман, ростини айтсам.

Ширин (*ўзига*). Вой, Ҳафиз ўлгур-ку. Шилқим бўлмай қуриб кетгур-е. Мени тинч қўядими, йўқми?

Ширин югуриб бориб эшикни тамбаламоқчи бўлади. Ҳафиз эшикни зўрлаб очиб, ичкарига қарайди.

Ҳафиз. Ия, ия, Ширинхоннинг ўзлари-ку. (*Хотинчалиш юриш қилиб киради*). Қалай, Ширинхон, ширин-шакар, асалу-наввот бўлиб юрибсизми, ўргилай. Сизни кўрсам худди жаннатдаги ҳуру-париларни кўргандай бўламан, ўзим айланай, ростини айтсам.

Ширин. Пўлатжон акангизда ишингиз бормиди? У киши ухлаб ётган эдилар, ҳозир уйготаман.

Ҳафиз (*хотинчалиш қиёфада*). Ёлгонни ҳам жа дўндирворасиз-а, ўргилай. Пўлатжон ҳозир боққа кетди-ку. Мен хилват топиб сиз билан гаплашгани келдим, айланай ростини айтсам.

Ширин. Мен билан нимани гаплашасиз?

Ҳафиз (*эшилиб, бурилиб*). Сизга бўлган муҳаббатим ҳақида гаплашмоқчиман, ростини айтсам, ўргилиб кетай. Мен сизни қиз вақтингиздан яхши кўраман. Бунинг ўзингиз ҳам яхши биласиз. Дадамга: «Дадажон! Шу қизни менга олиб беринг, жон дадажон!» деб ялиниб юрганамда бирдан ўртадан қора ботир бўлиб Пўлат чиқиб қолди-ю, сизни олди-кетди, ростини айтсам. Шундан бери сизни гадоингиз бўли юрибман, айланай, ростини айтсам.

Ширин. Менинг бошимда эрим бор. Сиздақа бегона гадолар керак эмас. Йўлимга тўғаноқ бўлаверманг.

Ҳафиз. Йўқ, ундай қилолмайман, ўргилиб кетай. Урсангиз ҳам, сўксангиз ҳам умидимни узолмайман, остонангизга бошимни қўйганим қўйган, айланай. Агар остонангиздан ҳайдасангиз «вафосиздан дод» деб ўзимни ўзим мана шундай қилиб бўғаману (*рўмолчаси билан ўзини бўғмоқчи бўлади*) ўламан-қоламан. Товонимга қоласиз.

Ширин. Йўқолинг-э, эркак дегани ҳам шунақа бачкана бўладими. Жиннини жинни деса, арпа бўйи қўшиларқан...

Ҳафиз (*Шириннинг гапини эшитмаганликка олиб*). Хўп денг, хўп дея қолинг, ўргилай. Ширин жонимга раҳм қилинг. Нима, менинг нимама ёмон? Уйланмаган десангиз уйланмаган, чиройли десангиз чиройли, қирчиллама йигитману.

Эшилиб, буралиб Ширинга яқинлашаётганида оёғи чалишиб йиқилади.

Вой оёқ бўлмай ўлақолей. Сенга нима бўлди? Тўппа-тузук оёқ бориб-бориб шунақа пайтда ҳунарингни кўрсатасанми, қуриб кетгур. Ҳай, Ширинхон! Қани ўзингиз айтингчи, ўша Пўлатжонингизни мендан нимаси ортиқ. Атиги бир боғбон холос, ростини айтсам. Топар-тутари ҳам мендан ортиқ эмас. Мен бўлсам кимсан колхоз омборчисининг ўғли. Отамдан жуда кўп мерос қолган, ростини айтсам. Ўзимни ҳам пул топар ҳунарим бор.

Кўшиқ айтиб ўйнайди

Қовоқ солиб боқманг менга, жонгинам,
Турли айб тақманг менга, жонгинам,
Ҳамма хуштор менгаю, сиз ёқтирмай,
Фироқ ўтин ёқманг менга, жонгинам.

Қаранг мени товусдай қоматим бор,
 Ҳафиз бола деган гўзал отим бор...
 Тўйга борсам муқом қилиб ҳаммага
 Пул йиғишда менинг хўп омадим бор,

Қаранг ўтдай ёниб турган кўзимга,
 Қаранг ширмон каби қулча юзимга.
 Ҳам ширин сўз, ҳам бойвачча йигитман,
 Севинг мени, кира қолинг сўзимга.

Мана, Ширинхон, сизга атаб ман шунақа ашулалар ҳам тўқиганман. Мана шунақа чиройли ашула ва ўйинларим билан тўйларни қизитиб юраман. Ҳамма мени бери кел дейди, ростини айтсам.

Ш и р и н . Уша бери кел дейдиганлар билан овиниб юравермай-сизми? Хотин олишни сизга ким қўйибди?

Ҳ а ф и з . Айтганингиз тўғри. Хотин олмас эдим-ку, лекин сиз менга жуда ёқиб қолгансиз. Шу Ширинхонга уйланмасам йигит эмасман, деб қасам ичиб қўйганман, ростини айтсам. Пўлат билан ажралишларингни кутиб юрибман. Боласизлик туфайли ажралишларинг аниқ. Бугун бўлмаса, эртага, албатта, ажраласизлар. Шунинг учун эрта-индинни кутмай бугун ажралиб, мен билан бўла қолинг, ўзим айланай. Зора иккимиз фарзанд кўрсак. Келинг, кўна қолинг, жон Ширинхон, кўна қолинг, ростини айтсам.

Ш и р и н . Вой, анавини. Ҳай, нималар деб валдираяпсиз ўзи? Боринг, йўқолинг! Чиқинг бу уйдан!

Ҳ а ф и з . Ҳо, нега чиқарканман мен, чиқмайман. Мен умид билан келганман, ростини айтсам, ўргилай.

Ш и р и н . Чиқмасангиз қўшниларни чақираман, дод соламан.

Ҳ а ф и з . Майли, чақиринг. Чақирсангиз, бу қиз менга тегмоқчи эди, йўға, теккан эди, деб шармандангизни чиқараман, ростини айтсам.

Ш и р и н . Вой ёлғончи, вой тухматчи. Йўқол кўзимдан, хира пашша!

Ҳ а ф и з . Ўзингизни босинг, ўргилай. Бари бир сизни хотин қилиб олмай қўймайман. Йўлини топиб, албатта, оламан, ростини айтсам.

Ш и р и н . (безовталаниб). Вой, энди нима қилдим? Ҳа, қўшниларни чақира қолай.

Ш и р и н шошиб эшикчадан қўшниккига чиқади. Ҳафиз у ёқ бу ёққа аланглаб, қоziқда турган янги дўппини олиб, уни гулига қарайди

Ҳ а ф и з . Жуда чиройли дўппи экан. Буни Ширин ўзи тикканга ўхшайди. Ҳа, бу дўппи менга керак. Энди бу дўппи иш беради, ростини айтсам.

Ҳ а ф и з дўппини қўйнига тиқиб чиқиб кетади... Эшикдан аста мўралаб **Ш и р и н** киради.

Ш и р и н . Кетибди шекилли, қуриб кетгур шилқим. Ё бирор жойда яшириниб турибдимикин? (қидиради). Аксига олиб қўшнилар ҳам йўқ экан.

П ў л а т ж о н кириб остонада **Ш и р и н**ни кузатади. Унинг авзойи бузуқ,
Ҳ а ф и зни қидириб, **Ш и р и н** **П ў л а т ж о н**га кўзи тушади.

Келдингизми?

П ў л а т ж о н . Ҳа, келдим. Келмай турсам бўлармиди?

Ҳазаб билан, қалтираб, титраб иш кийимини ечиб, дарахт шохига ташлайди.

Ҳа, пошшахон, авзойингиз бошқача, кўзингиз олма теряпти. Нима йўқотдингиз?

Ш и р и н . Ҳеч нарса.

Пўлатжон. Йўқ, қидиряпсиз. Бир нарсангизни йўқотгансиз. Нима эди у? Йўғ-а, ким эди у?

Ширин (*жовдираб*). Ҳеч нарсамни йўқотганим йўқ.

Пўлатжон. Нега бўлмаса кўзларингиз аланг-жаланг?

Ширин. Тавба, бирор нарсани қидираётганга ўхшаяпманми?

Пўлатжон. Ўхшаяпсиз эмас, қидиряпсиз. Ўйнашингиз бирор нарса совға қилгану, бу совғани қаерга қўйганингизни билмай қидиряпсиз шекилли?

Ширин (*ўзича*). Вой худойим, бу ташвиш ҳам бормиди? Худо олгур Ҳафиз келганини айта қолаймикин-а, йўқ, айтсам Пўлатжон акам рашк ўтида куйиб тамом бўлади. Қийнаб қўяман уни (*Пўлатжонга*). Ҳай, Пўлатжон ака, нималар деяпсиз ўзи?

Пўлатжон. Ҳа, нималар деяпман-а? О... Нималар деяпганимни ўнгимда эмас, тушимда кўрганим бўлиб қолса кошки эди.

Ўзини айвондаги кўрпачага ташлаб, бошини ушлаб тўлғанади, ўйланади.

Фарзанд деб шундай нопок кўчага кирдимикин-а? Фарзанд... Ҳа, фарзандсизлик шунчалик разолатга бошладими? Фарзандга интиқликнинг фожиасими бу? (*Ширин ҳаяжонда*). Наҳотки шу фожа рост бўлса? Наҳот тўғри, содда деб ўйлаганим хотиним менга хиёнат қилиб, фарзанд кўришликнинг бошқа йўлига кирган бўлса? Наҳот юрагимда мустақкам илдиз отган муҳаббатимизни шу туфайли қўпориб ташласам? Наҳот жонимдан ортиқ кўрган севикли хотинимдан жудо бўлсам. Қандай даҳшат, қандай хўрлик... Энди бу кўргиликка чидаб бўлармикан? Менга бўлган бу ҳақорат кўргилигига бардош бера олармикан? Йўқ, йўқ... Бунга чидолмайман. Вафодорим деб ишонганим хотиним, юзимга оёқ қўйиб қилган бу ишига асло чидолмайман (*Ширинга қаттиқ тикилиб*). Ҳозир бу ерга ким кирди?

Ширин (*ўзини йўқотиб*). Ҳеч... ҳеч ким...

Пўлатжон. Ёлғон гапиряпсан. Мен шу чоққача ёлғон гапингни эшитмаган эдим. Сени бунақа тулкига ўхшаш ҳолатда ҳам кўрмаган эдим. Булар менга янгиллик. Бу янгилликнинг улгуржиси энди маълум бўлади. Хўш, гапирчи, илоннинг ёғини ялаган айёр! Ҳозиргина менинг бу покиза уйимга анави ифлос Ҳафиз кирмадими?

Ширин (*ўзига*). Вой, шўрим қурсин. (*Пўлатжонга*). Ҳа, кирган эди (*Ҳўнграб йиғлайди*).

Пўлатжон. Нимага йиғлайсан, бузуқ?! Қилар ишни қилиб қўйиб, бу ифлос вужудингни энди кўз ёшинг билан ювмоқчимисан? Ҳафизнинг сенга илакишиб юришини билар эдим. Лекин мен лақма, сенинг: «Ҳафизни ёмон кўраман», деган гапингга ишониб, хотиним ҳалол, хотиним фаришта, деб юрган эканман.

Пўлатжон ўзини қаерга қўйишини билмай, бетоқатланади, уйга кириб чиқади.

Уйда аям йўқ, уй ҳоли. Мана шу фурсатни пойлаб, ўйнашингни чақирган экансан-да, касофат.

Ширин (*додлаб йиғлаб*). Йўқ-йўқ, туҳмат қилманг менга, Ҳафизни мен чақирганим йўқ, чақирганим йўқ.

Пўлатжон. Сен чақирмасанг ҳам хилват топиб ўзи келиб турар эканда бўлмаса-а?

Ширин. Йўқ, келмас эди. Нон урсин келмас эди.

Пўлатжон. Бузуқлигингни қасам билан яширмоқчимисан? Йўқ, энди қасам билан ўзингни оқлай олмайсан, бузуқ.

Ширин. Нима деб ишонтирай сизни. У лайча билан менинг ҳеч қанақа алоқам йўқ. У ўзи менга хиралик қилиб юради. Буни сизга аллақачонлар айтган эдим.

Пўлатжон. Ҳа, ҳа, аллақачонлар айтгансан. Уни менга ёмон-

лаб, «Шундай гап чиқиб қолса, ишонманг» деб олдини олиб қўйгансан. Ҳозиргина уни бу уйга кирганлигини ҳам яширдинг. Ҳали унга дўппи кийгизганингни ҳам яширарсан, иблис.

Ш и р и н (*ийчиб*). Нима, қанақа дўппи?

П ў л а т ж о н. Ҳа, буни ҳам йўқ дегин?

Ш и р и н. Йўқ, йўқ, (*ийглайди*).

П ў л а т ж о н (*қўйнидан дўппи олиб*). Мана бу дўппи кимники? Ҳали ўзинг тиккан бу дўппини ҳам танимамайман дерсан?

Ш и р и н (*дўппини Пўлатжондан юлиб олиб*). Ҳа, бу менинг дўппим. Буни сизга ким берди?

П ў л а т ж о н. Ўйнашинг берди. Унга «Фарзандсизлик туфайли Пўлатжон ака билан муросамиз келишмайдиганга ўхшайди... Мени эслаб юринг» деб кийгизибсан-ку! У ҳаммасини айтиб берди. «Турмушларингни бузишни виждоним қабул қилмади» деб Ҳафиз менга дўппини қайтариб берди. Энди нима дейсан?

Ш и р и н. Ёлғон, тухмат.

П ў л а т ж о н. Бу далиллар-чи?

Ш и р и н. Тухмат, ёлғон! (*ийглайди*).

П ў л а т ж о н. Оби дийда қилсам, раҳм қилади, деб ўйлама — овора бўласан. Ўзингни оқлайдиган гапинг бўлса, айтиб қол. Йўғасам, жонингдан умидингни уз. Мен бу иснодга асло чидаб юролмайман. Қўзимга чўп солиб юрган бир бузуқ деб сени ўлдираман. Ҳа, ўлдираман. (*Оғир музика*). Ўйнашингга совға қилган мана бу дўппини қонингга ботириб, ўша ўйнашингга топшираман. Алданган ишонч ва муҳаббатимни ҳам қонинг билан ювиб ташлайман.

Югуриб бориб дарахтдаги болтани олиб, Ш и р и н га ташланади.

Ш и р и н додлаб қочади. П ў л а т ж о н уни дарбозага йўлатмай қувади.

Ш и р и н. Эсингизни йиғинг... Ҳафизга дўппини мен берганим йўқ. Худо урсин берганим йўқ.

П ў л а т ж о н. Ёлғон қасаминг учун худо ҳам сени уради.

Қувади, бу ҳодисанинг устига Гулсун кириб, кўрқув ва ҳаяжонда дод солиб
П ў л а т ж о н н и н г кетидан югуради.

Гулсун. Вой дод... Келинимни ўлдириб қўяди. Вой нима гап ўзи. Пўлат, тўхта! Тўхта дейман сенга. Тўхта!..

П ў л а т ж о н (*Ширинни қувиб*). Бўлди энди, сенинг баҳрингдан ўтдим. Қўша-қўша туғиб бераётган бўлсанг ҳам баҳрингдан ўтдим. Сен менга хиёнат ҳам қилдинг. Ҳа, бўлди энди. Сени тирик қўйиш гуноҳ.

Ш и р и н (*Пўлатжонга тик қарайди. Қўшиқ*).

Энди менга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг
майлига,
Рост сўзимга хоҳ қонинггу, хоҳ қонманг
майлига
Битта маккор дастидан жонимга қасд
қилмоқчисиз,
Ноҳақ ўтда хоҳ ёнинггу, хоҳ ёнманг
майлига.
Жаҳл отига миниб тарк этсангиз гар
остонани
Менла хоҳ қолингу, хоҳ қолманг майлига.

П ў л а т ж о н. Ҳа, ҳа... майлигами?!

Қўлида болта, Ш и р и н га ташланади. Гулсун унинг этагидан тортади.

Гулсун. Вой дод, одам борми? Вой ўлдиради.

Ш и р и н «ур» дегандек кўксини тутиб беради. П ў л а т ж о н унинг бошида болта кўтарганича қотиб қолади.

Парда

Иккинчи кўриниш

Биринчи пардадаги жой. Пўлатжон пешайвонда устунга сўяниб ўтириб, дутор билан «Чўли ирок»ни чалапти. Қўлида қоғозга ўроғлиқ нарса кўтариб, Ширин киради. У дутор овозини эшитиб, остонада туриб қолади.

Ширин. Вой-бўй... Боғдаям, идорадаям йўқлар десам, уйга келиб олиб, машқ қилаётган эканлар-да. Биз ҳам эшитайлик.

Пўлатжон. Бу машқни эшитиб нима қиласиз, кўнглингиз бузилади. Бу кўнгли вайронлар учун.

Ширин. Ҳалиям кўнглингиз вайрон экан-да, унда?

Пўлатжон. Бузилган нарса аслига қайтадими? (*пиёлани олиб*). Мана, мана бу пиёлани чил-чил қилиб синдириб, яна ямаб кўрингчи, аслига келармикин. Унга чега-доғ тушади. Юрак ҳам худди шунақа, Унга доғ тушдими, у доғни йўқотиш қийин.

Ширин. Бу доғни ҳеч қим туширгани йўқ. Гумон билан ўзингиз туширдингиз.

Пўлатжон. Гумоннинг ўзи бўлса кошки эди-я.

Ширин. Қўйинг, Пўлатжон ака! Йўқ нарсаларга ширин турмушимизни аччиқ, бир-биримизни хафа қилавермайлик. Илгари қандай эдингиз менга?

Пўлатжон. Ҳа, илгари...

Ширин. Энди нима бўпти?

Пўлатжон. Энди ошга пашша тушди.

Ширин. Бу фақат сизнинг назарингизда шундайдир-ку, лекин менинг қилча ҳам гуноҳим йўқ. Гумон имондан жудо қилади, дейишадди (*Пўлатжонга эркалик қилиб*). Пўлатжон ака! Бу ёғдан хабарингиз йўқ. Сизга қувончли хабар айтсам менга нима берасиз?

Пўлатжон тескари қарайди. Ширин гапни чалғитади.

Мажлисга бормадингиз, ҳамма сизни кутди.

Пўлатжон. Мени нимага кутишади?

Ширин. Мана шу йиғинга Пўлатжон ҳам келганида хотини фермада қилган ишларини эшитиб хурсанд бўлиб, биз билан бирга чапак чалар эди, деб кутишди. Сут соғишда илғор бўлган эмишман. Мана, менга бунақа мукофот беришди.

Ширин қоғозга ўроғлиқ атласни очиб кўрсатади. Пўлатжон қарамай чиқиб кетади. Ширин хомуш ўтириб қолади. Гулсун киради.

Гулсун. Қизим, келдингизми? Ҳа, нима бўлди, хомуш кўринасиз? Ё бирор жойингиз оғрияптими? Ўзингизни эҳтиёт қилинг, юклисиз-а. Ҳа, айтгандай, бу хурсандчиликни ўғлим билдимми?

Ширин. Ўғлингизнинг қулоқларига шу кунларда ҳеч гап кирмайди. Ҳалиям ўша жаҳлларидан тушганлари йўқ.

Гулсун. Бориб-бориб ўша Ҳафиздан рашк қилганига ҳайронман. Тентак бўлмаса, ўзини ўша лайчадан пастга урадими, бўлмаган нарсага ўзини ҳам, хотинини ҳам қийнаб юрса-я нодон! Қўяверинг, ўзи ўрнига тушади ҳали. Қўлингиздаги нима у?

Ширин. Атлас, бугун мажлисда мукофотга беришди.

Гулсун. Вой мунча яхши. Ҳа, айтмоқчи, колхоз сизга бунақа мукофот берган бўлса, мен сизга... мен сизга... (*Уйдан қовун олиб чиқади.*) Мана бунақа мукофот бераман.

Ширин севиниб қовунни олиб, Гулсунни кучоқлаб ўпади.

Ш и р и н. Раҳмат, аяжон, раҳмат. Ёз чилласида ҳеч қаерда йўқ қовунни қаердан топтириб келдингиз, аяжон?

Г у л с у н. Топдим-да, болам. Пўлатжоннинг иши кўп, жияним Содиқ акангизга айтган эдим, у бу хушхабардан севиниб кетиб, қаердандир топтириб келибди.

Ш и р и н. Вой, кўнгилларидан ярлақасин-э. Роса овора бўлибдилар-да.

Ш и р и н қовун сўяди, бир тилимини ейди.

Келинг, сиз ҳам энг.

Г у л с у н. Сизга муносибини топибди жияним. Қаранг-а, (Г у л с у н қовундан еб ажабланади) жонивор худди палакдан ҳозиргина узилгандай-а! Айтганингиздай, ширинлигини қаранг. Ҳа, айтгандай, Пўлатжон қани?

Ш и р и н. Кўчага чиқиб кетдилар. Аяжон! Мана буни ҳам энг.

Қовун беради.

Г у л с у н. Йўқ, бўлди. Бу қовунни энди ҳеч кимга бермай яшириб қўйинг, ўзингиз энг, қизим, хуморингиз чиқсин. Фарзандингиз ҳам мана шу қовундек ширин бўлсин.

Г у л с у н пақирдаги сутларни косаларга қуйиб, чамбаракларга илади.

Сигирим қурғур борган сари сутни кам беряпти. Сизни айтаман. Ширинхон, сигирлардан кўп сут олишга сиз устаси фарангсиз-у, менга ўргатмайсиз ҳам бундоқ.

Ш и р и н. (кулиб). Сизга ўргатсам, мендан ўзиб кетасиз-да, аяжон. Шунинг учун ўргатмайман.

Г у л с у н. Мен ҳам сизга ўхшаб илғор бўлиб, мукофотлар олиб юрсам дегандим-да. Ҳай майли, илғорлик ҳам, мукофот ҳам ўзингизга буюрсин, қизим. Мукофотни сиз олганингиз мен олганим.

Г у л с у н томорқага чиқади. Пўлатжон киради, у индамай уйга кириб кетаётганида Ширин чақиради.

Ш и р и н. Пўлатжон ака! Мана бу қовундан еб кўринг-а, жуда ширин экан.

Пўлатжон. Саратонда қовунни ким олиб келди? Бу ҳам сизга аллакимдан совғадир-а?

Ш и р и н. Пўлатжон ака, бўлди-да, энди! Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, кишини хуноб қилиб юбордингиз-ку.

Пўлатжон. Сиз хуноб бўлманг. Менинг хуноб бўлганим ўзи етар.

Ш и р и н. Сиз хуноб бўласиз-у мен томошабин бўлиб турар эканманми?!

Пўлатжон. Унақа бўладиган бўлса кишини хуноб қиладиган ишлар қилманг эди.

Ш и р и н. Мен нима қилибман? Уша ўлиб кетгур Ҳафиз шилқим уйимизга келган бўлса, мен гуноҳқорманми? Мен уни яхши кўрибманми? Унга яхши гапирибманми?

Пўлатжон. Улар менга қоронғи. Менга шуниси ёруғки, сиз унга дўппи кийгизгансиз ва аллақандай ваъдалар бергансиз.

Ш и р и н. Бу қуруқ тухмат дедим-ку, сизга ахир. Нима деб ишонтирайн энди сизни?

Г у л с у н кириб буларнинг гапига қулоқ солади.

Пўлатжон. Ҳа, энди ишонтиришингиз қийин. Ўзим ишонишга уриниб кўрсам ҳам, лекин юрагим сира ишонмаяпти.

Ширин. Уша юрагингизга шайтон оралаган. Унинг гапига кирасиз (*ийғлайди*).

Пўлатжон. Юрагимга шайтонни оралатган ҳам сизнинг макрингиз.

Гулсун. Ҳай, ўғлим! Орқа-олдинга қараб иш тут. Бекордан-бекорга хотинингнинг юзига қора суртма, уни нимага қоралайсан?

Пўлатжон. Ман қоралаганим йўқ, келингиз ўзини-ўзи қоралади. Юзига қора суртган ўзи-ку.

Гулсун. Бекор айтибсан. Унда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Уни аллакимлардан қизғонишинг ноўрин, болам.

Пўлатжон. Нега аллаким бўларкан, аниқ одам. «Хотининг мени яхши кўради» деб ўзи айтиб турибди.

Гулсун. Ҳаҳ ўша Ҳафизми? Юзини ел есин. Наҳот ўшандан қизғонсанг. Ундан ҳамма ҳазар қилади-ку. У сенларнинг ширин турмушларингни кўролмасдан нима деса, алам қилганидан дейди.

Пўлатжон. Йўқ, ая. Унга алам қилса қилгандир. Лекин дўппичи? Эримдан чиқиб сизга тегаман деб кийгизганмиш-ку!

Гулсун. Фирт ёлгон (*Ширинга*). Ширинхон! Эрингиз дўппи дейди, қанақа дўппи, ким кийгизибди унга?

Ширин (*ийғлаб*). Дўппини унга мен кийгизган эмишман. Дўппини у ўғирлаб олиб чиқиб кетган. Шунга айтсам, ўғлингиз сира ишонмайдилар.

Гулсун. Ишонмаса ўша Ҳафизни топиб юзлаштиринг, вассалом. Шундай қилсангиз, ҳаммаси ойдин бўлади-қолади.

Ширин. Мен ҳам шунга ўйловдим. У ҳеч қаерда йўқмиш.

Пўлатжон. Бўлмаган гап! Уни ҳозиргина кўчада кўрдим. Менга чап бериб, танимасликка олиб, ўтиб кетди. (*Ширинни ишора қилиб*). Турмушимизни бу кишининг ўзи бузиб, унга тегмоқчи. Ундан фарзанд кўрмоқчи, билдингизми!

Ширин (*бақариб*). Бас, оғзингизга қараб гапиринг! (*Кўшиқ*).

Тухмат тошин отманг менга бевафо ёр эмасман,
Бегонага кўнгил берган ундай беор эмасман.

Пўлатжон

Ишонмайман, ишонмайман тил учиде сўзларинг,
Юрагингда нималар бор, айтиб турар кўзларинг.

Ширин.

Рашк ўтини ёқиб ёнманг, беҳуда хаёл қилманг,
Гардсиз соф бу юракларни минг пора қилиб тилманг.

Пўлатжон.

Юрагингни пок демагил, яширмагин гардини.
Билиб қолдим, билиб олдим унинг қинғир дардини.

Ширин. Наҳотки шундай гапларни айтишга тилингиз борди. Бу менга туҳмат-ку, ахир!

Пўлатжон (*зарда билан*). Туҳмат, туҳмат эмиш.

Гулсун. Ширинхон тўғри айтаяпти. Ҳа, бу — туҳмат. Ҳар кимнинг гапига кириб, одамни хуноб қилаверма. Янги гапдан хабаринг йўқ ҳали уйимизда хурсандчилик бўляпти. Бечора хотининг сен тўнингни тескари кийиб хўрпайиб юрганинг учун буни сенга айтолмапти ҳам.

Пўлатжон. Қанақа хурсандчилик бўлиши мумкин? Энди бу уйда ҳеч қанақа хурсандчилик бўлмаса керак. Ҳа, бўлмайди.

Гулсун. Нимага хурсандчилик бўлмас экан? Тавба қилдим дегин! Ҳаммамизни бир хурсандчилик кутиб турибди. Шунча йилдан бери орзиқиб кутганинг, фарзандлик бўлмоқчисан, болам.

Пўлатжон (*ҳовлиқиб*). Нима?!

Гулсун. Ҳа, шунақа хурсандчилик!

Гул сун чиқади. Пўлатжон нима дейишни билмай, у ёқ бу ёққа юради. Дам айвонда пиқ-пиқ йиглаб ётган Шириннинг бошини силагиси келади, дам хафа бўлиб азобланади.

Пўлатжон. Менга рашк азобининг ўзи етмагандек, яна бир янги азоб туғилмоқчи. Бу азоб рашк азобидан ҳам оғирроқ. Ажабо!.. Фарзанднинг туғилиши менга қайғуми, севинчми? Гумон ва ишонч... Қайси бири энгади, билмайман. Ишонч энгса кошки эди. Унда фарзандимни бағримга босиб, ман ҳам шу гўдак сингари дунёга янги келгандай бўлар эдим. Гумон энгса-чи? У фалокат ва ҳалокат...

Бошини ушлаб қолади. Эшик тақиллайди. Пўлатжон эшикни очади. Милиционер киради. Ширин кўрқиб, ўрнидан туриб, кўз ёшларини артади.

Милиционер. Пўлатжон Арслонов сизми?

Пўлатжон. Ҳа, мен, нима эди?

Милиционер. Сиз мен билан юрасиз. Район милиция идорасига борамиз.

Пўлатжон. Нима учун?

Милиционер. Сиз жиноятчисиз?

Пўлатжон. Қанақа жиноятчи?

Милиционер. Безорилик қилгансиз.

Пўлатжон. Уртоқ милиционер! Сиз адашаётган бўлсангиз керак. Бошқа Пўлатжон деган кишини қидирган бўлманг яна?

Милиционер. Йўқ, Мен қидирган киши худди ўзингиз. Қани юринг.

Пўлатжон. Очиқроқ айтингчи, мен қандай безорилик қилибман.

Милиционер. Қилар ишни қилиб қўйиб, ўзингизни билмасликка олманг. Қани, бўлинг тез.

Пўлатжон. Мен гуноҳимни тушунмаяпман.

Милиционер. Уша ерда тушунасиз. Юринг!

Пўлатжон. Гуноҳимни айтмасангиз, мен ҳеч қаерга бормайман.

Милиционер. Айтдим-ку, безорилик қилгансиз деб.

Ширин (ҳаяжонда). Ҳай, милиционер ака! Бу киши унақа одам эмас. Адашяпсиз.

Пўлатжон. Менга очиқроқ тушунтиринг. Гуноҳкор гуноҳини билсин.

Милиционер. Сиз безорилик қилиб, бир кишини уриб, бошини ёргансиз.

Пўлатжон. Ё тавба! Кимни? Бу туҳмат-ку, ахир!

Ширин. Ҳа, бу туҳмат.

Милиционер. Туҳмат бўлса ўша ерда аниқлаймиз. Гапни чўзманг. Қани олдимга тушинг.

Ширин. Йўқ, бу киши жиноятчи эмас, ҳеч қаерга бормайдилар. Бу киши ҳеч кимни урмайдилар.

Милиционер. Урганлигига гувоҳлар бор. Бу гувоҳлар ҳам район милициясида ўтирибди.

Пўлатжон. Хўп, қани юринг! Мен урган одамни, ўша гувоҳларни бир кўриб қўяй. Улар кимлар экан?

Ширин. Йўқ, Пўлатжон ака, борманг?!

Унинг йўлини тўсади. Гул сун кириб ҳайрон бўлиб қолади.

Гул сун. Вой ўлай, нима гап ўзи?

Ширин. Ўғлингизга туҳмат бўпти.

Гул сун. Вой ўлмасам, ким туҳмат қилибди.

Ширин. Билмадим, милиционер айтди.

Гул сун (милиционерга). Ҳай, ўғлим, бу унақа бевош йигит эмас.

Милиционер: Бевош бўлмаганда бекордан-бекорга бировнинг бошини уриб ёрармиди? Яна кимни денг? Бир бегуноҳ санъаткорни.

Ширин (*шошиб*). Санъаткор?

Милиционер Пўлатжонни олиб чиқиб кетади. Ширин ва Гулсун йиглаб Пўлатжоннинг кетидан чиқадилар.

Парда.

Учинчи кўриниш

(музика)

Дарахтзор, сўқмоқ йўлда Ҳафиз яшириниб турибди. Тун ғира-шира қоронғи.

Ҳафиз. Фермада мажлис тугай деб қолгандир. Ширин шу ердан ўтади. Унинг йўлини шарт тўсаман-у, мана бундай қилиб уни яна си-чаб кўраман, ростини айтсам. (*Ўзини қучоқлаб, кўзини юмиб бир нафас жим қолади*). Оҳ, оҳ... қандай яхши-я. Яхши кўриш ёмон бўларкан, ростини айтсам. Менга бу яхши кўриш деган бало қаёқдан ёпишди-я, қуриб кетгур. Биров яхши кўрдим деса, яхши кўришга бало бормикан, деб кулар эдим, ростини айтсам. Бу Ширинхон деган офатижонга бўлган муҳаббатим тўрт йилдан буён мени ўзига гирдикапалак қилди-қўйди. Ҳамиша у юрсам йўлимда, ётсам ёнимда, ухласам тушимда, ростини айтсам. Уни ўйласам худди биров мени қитиқлаётгандай баданларим жимирлашиб, сапчиб кетаман. Кейин оқиб кетган хамирдай мана бундай қилиб ўтираман-қоламан. (*Шу ҳолатни қилиб кўрсатади*). Нафсиламбирини айтсам, Ширинхон ўзи ҳам сўлим-да. Уни ким яхши кўрмайди дейсиз. Парилардек ҳуснини айтмайсизми, ё сарвдек қоматини айтайми? Ширинхон бўлиб ҳаммаёққа кетган овозаси, обрўйи-чи? Лекин мана шундай келишган қадди қомат, тўлин ойдек юзлари мени кўрганда ўзгариб, худди заҳар солишга тайёрланган аждаҳонинг башарасига айланади, ростини айтсам. Унинг кулиб турган шаҳло кўзлари мени кўрса замбаракнинг оғзига ўхшаб менга ўқ отмоқчи бўлиб кўринади. Унинг қоп-қора қўнғир сочлари бўлса занжир сиртмоқ бўлиб мени бўғмоқчидек бўлади, ростини айтсам. Шундай бўлса ҳам, мен уни бари бир яхши кўраман... Пўлатни ҳам тинчитдим, бошлаб қаматдим. Бировдан калтак еб, унга тўнкадим. Мелисахонада мени уриб кўзимни чиқарганлиги тухматимни тасдиқлади-қўйди, гуноҳи яна ошди. Мана энди у қамоқда. Энди мен бемалол ҳаракатимни қилишим керак. (*Йўлга қараб*). Анави келаётган Ширинга ўхшайди. Ҳа, ўша.

Ширин хаёл суриб ўтиб кетаётганида Ҳафиз хотинчасига юриш қилиб унинг йўлини тўсади.

Ҳай, тўхтанг, Ширинхон!

Ширин (*чўчиб*). Вой ким бу?

Ҳафиз. Бу мен, ростини айтсам, ошиқу беқарорингиз.

Ширин. Йўқол, шилқим! Ҳозир дод солиб, одам чақираман.

Ҳафиз (*пичоқ кўрсатиб*). Овоз чиқарсангиз ўзингиздан кўринг.

Ҳафиз пичоқни яхши ушлаб олмай уни иккинчи қўлига оламан деганда, пичоқ кўлини кесиб кетади.

Вой, пичоқ бўлмай ўла, вой, қўлим-е... Ёмон кесмадимми, ишқилиб. Хайрият, учи сал тегиб кетибди (*Ширинга*). Ҳай-чи эрингиз мени уриб, бошимни ёрди. Мелисахонада яна уриб кўзимни чиқарди. Қасалхонада ётиб чиқдим, шўрим қуриб. Энди...

Ширин. Ургани ёлғон, тухмат. Мен қолиб энди эримга тухмат қилдингми, ярамас?

Ҳафиз. Мана, нима бўлса ҳам қамалиб ётибди. Энди у ҳали бери

қамоқдан чиқмайди, ростини айтсам. Энди менинг таклифимга кўнсангиз кўнганингиз, кўнмасангиз сиздан ўч оламан.

Ширинга ёпишмоқчи бўлади. Ширин унинг юзига шапалоқ тортади. Ҳафиз гандираклар кетади.

Вой ўлай-е, шунақа аямасдан урасизми? Йиқилиб тушса бирор жойи синади ҳам демайсиз-а?

Ширин. Шилқимликнинг жазоси мана шунақа бўлади. Сен шилқим, сен туҳматчи бу қилмишларинг, бу туҳматларинг учун ҳали жавоб берасан.

Ҳафиз. Бу туҳматинг учун жавоб берасан дейсизми? Жавобни мен эмас, сиз берасиз, айланай, ростини айтсам.

Ширин. Нимага мен жавоб берар эканман.

Ҳафиз. Гуноҳингизни ўша жавоб берганингизда биласиз, ростини айтсам. Ҳомиладор бўлибсиз-а? Энди мен бу туғиладиган болани «Менинг болам» деб овоза қиламан. Ана шундан кейин эрингизга ҳам, бутун қишлоққа ҳам бунинг жавобини сиз берасиз, ўргилай.

Ширин Ҳафизга чанг солмоқчи бўлади, Ҳафиз унинг қўлини ушлаб қолади

Қани танланг: қайси бири яхши! Менинг таклифимга кўнишингизми ё шарманда бўлишингизми?

Ширин. Ҳали гап шуми? (ўйланиб) Ҳа, мени туҳмат билан шарманда қилишингизга ишонаман, шарманда бўлишдан кўрқаман. Қўлимни қўйиб юбориб туринг, мен бир оз ўйлаб олай.

Ҳафиз суюниб, Шириннинг қўлини бўшатади. Ширин дарахтга суяниб, бошини ушлаб ўйлаган бўлади.

Яхши, айтганингизга кўнаман, кўнмасдан иложим ҳам йўқ. Лекин менинг ҳам шартим бор.

Ҳафиз. Вой ўргилиб кетай, айтинг, бош устига бажараман, ростини айтсам.

Ширин. Биринчи шартим, шуки, мен сиз билан бўлишимни ҳеч ким билмасин, Сиз билингу, мен билай.

Ҳафиз. Вой ўлай, мен бунинг бировга айтиб жинни бўлибманми? Ҳеч ким билмайди.

Ширин. Ҳа, шундай бўлсин, иккинчи шартим шуки, Пўлатжон акамга ҳам бир оз раҳм қилсак. Бунинг учун, Пўлатжон акага ҳеч қандай даъвом йўқ, деб тилхат берсангиз. Бу билан уни қамоқдан бўшатмайди-ку, бир оз гуноҳини камайтиради.

Ҳафиз. Шартингиз шугинами, айланай? Бўпти, жоним билан. Майли тилхат хати ҳам берай.

Ширин. Ҳозир бизнинг уйда ҳеч ким йўқ. Аям шаҳарга, тоғамникига кетганлар, тилхатни ўша ерда ёзиб берарсиз.

Ҳафиз (хурсанд). Ростини айтсам, мана гап бундай бўлибди, Ширинхон? Бизнинг ишқимизни ҳам ноумид қилманг-да, ўргилай.

Ширин. Энди ишимиз шунақа бўладиган бўлса, Пўлатжон акани ҳам бутунлай унутиб юбормайлик. Уни ҳам йўқлаб турайлик. Пўлатжон ака менга бодроқ қилиб юборинглар дебди. Ҳозир уйга бориб бодроқ қилсак. Ҳа, айтмоқчи, бодроқ қилишга қум ҳам керак-да? Анҳор бўйидаги анави қумдан рўмолга солиб олсакмикан? (Бошидан рўмолини ечади). Ҳозир ўша қумдан оламан.

Ҳафиз. Йўқ, йўқ, рўмолни менга беринг, айланай, мен ўзим оламан. Ростини айтсам.

Ҳафиз рўмолга қум солади.

Ширин. Бўлди, ўша етади.

Ҳафиз кум олиб келади. Ширин рўмолдаги кумдан бир сиқим олиб, уни кўздан кечирган бўлади ва Ҳафизга кўрсатади.

Бу кум бодроққа бўлармикан? Қани кўрингчи, майинми, йирикми?

Ҳафиз кумни кўраётганида Ширин ҳовучидаги кумни Ҳафизнинг кўзига сочиб юборади.

Ҳафиз. Вой кўзим, вой кўзим... Кўзимни кўр қилдинг жодугар.

Ширин устма-уст Ҳафизнинг кўзига кум сочади. Ҳафиз тусмолланиб бориб Шириннинг қорнига тепади.

Мана сенга, мана сенга фарзанд...

Ширин гандираклар Ҳафиздан узоқлашади. Ҳафиз кўзини чангаллаб Ширинни қидиради. Ширин қорнини ушлаб, икки букилиб йиғлайди.

Ширин. Боламни единг, қонхўр!..

Ҳафизга тош отади. Ҳафиз туртиниб йиқилади.

Парда.

Тўртинчи кўриниш

Биринчи — иккинчи кўринишдаги жой. Ширин беланчакдаги чақалоқни тебратиб алла айтади:

Ширин.

Боламсану, боламсану боламсан, алла,
Менинг учун сен бир жаҳон оламсан, алла.
Сен туғилдинг бағри тўлди, жонгинам, алла
Гўё олам менга бўлди, жонгинам, алла.
Интизорлик билан етдим сенга мен, алла
Дилу жоним фидо этдим сенга мен, алла.
Умр бўйи бўлгин менинг ҳамроҳим, алла,
Насиб қилгин чиқмасин сира оҳим, алла.

— Вой болагинам, кўзичоққинам, кўзингни очдингми? Жовдираган кўзларингдан аянг ўргилсин. Уйларингни томоша қиляпсанми? Мана шу уйлар сеники. Бу уйда буving бор, мен — аянг бор, даданг бор. Мана энди сен ҳам бор. Даданг бечора онангни деб туҳматга қолиб турмада ётибди. У бугун-эрта чиқиб қолади. Чиқиб қолганида сени кўриб қандай севинар экан. (*Уйланиб*). Йўғ-а, севиармикан, ё яна... Билмайман. Севиниб сени бағрига босадими, ё тагин шайтоннинг гапига кириб, эски қилиғини қиладими? Отанг фарзанд, фарзанд деб фарзандга ичкики энди сенга етишганида, орамизда Ҳафиз деган бир ярамас пайдо бўлди-ю, бизни бир-биримиздан жудо қилди. Бу жудолик, билмадим, вақтинчаликми, ё умрбод бўлиб қоладими? Йўқ, худо кўрсатмасин, йўқ, йўқ. Умрбод жудоликка Пўлатжон акам чидаса ҳам, мен асло чидаёлмайман. Мен Пўлатжон акамсиз туролмайман, яшолмайман (*Йиғлайди*). Мана, терговда Ҳафизнинг туҳмати очилипти, Ҳафиз бизга қилган туҳмати, берган азоби учун энди қамалади. Туҳмат ҳам жиноят-ку. Бунинг учун суд олдида жавоб беради. Албатта, у ҳам жазосини тортади.

Хайр, ишқилиб Ҳафизга ўлим, Пўлатжон акамга инсоф берсин. (*Беланчакни тебратиб*). Ҳа, ҳа, болагинам, очикдингми? Мана, мана ҳозир овқат бераман.

Болага сўска бериб, ичкари уйга киради. Саҳна бўш. Бир оздан кейин Ширин чиқиб болага қарайди-ю, бирдан кўрқиб кетади.

Вой, мен ўлай, вой дод... Ая қаёқдасиз?

Югуриб томорқага чиқади. Бир оздан кейин Ширин, Гулсун ҳовлиқиб кирадилар.

Гулсун. Вой мен ўлмасам нима бўлди?

Ширин. Шўрим қуриб қолганга ўхшайди, аяжон.

Шошиб болага қарашади.

Гулсун. Нима бўлди ўзи?

Ширин. Овқат бераман десам, сўска оғзидан тушиб кўзи олайиб ётибди.

Гулсун (болага қараб). Қўрқманг, қизим қўрқманг. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Бола ухляпти. Бола ухлаганда кўзи олайди ҳам, оғзида нима бўлса чиқариб ташлайди ҳам. Шунақа бўлади-да. Шунақа хавотирланганингизда боланинг бурнини мана бундай қилиб чимчила-сангиз уйғонади. Мана уйғонди.

Ширин (севиниб). Вой, хайрият, вой, аяжон-е... Яхши ҳам сиз борсиз. Бўлмаса кўрқиб ўлиб қолар эдим (Болани қучоқлаб ўпади).

Гулсун. Болани шунақа даҳмазаси кўп. У мана шунақа қўрқитадиям, кечалари баъзан ухламай сизни қийнайдиям, севинтирадиям. Шунақа, Сизни биринчи бола кўришингиз, ҳали билмайсиз. Кейин, кейин кўзингиз пишиб кетади.

Ширин. Вой шундай қўрқиб кетдимки, ҳаммадан ҳам, худо кўрсатмасин, бирор нарса бўлса, ўғлингизга нима дейман деб қўрқдим.

Гулсун. Худо сақласин. Болангиз тетик. Худо хоҳласа унинг умри узоқ бўлади. У шундай паҳлавон йигит бўладики, ҳали кўрасиз.

Ширин. Айтганингиз келсин. (Болага овқат беради).

Гулсун. Ҳа, ҳали бу болани кетидан кўп орзу-ҳаваслар кўрасизлар.

Ширин. Уғлингиз ҳам бугун-эрта чиқиб қолсалар керак. Колхоздаги активлар, райондагилар у кишини чиқаришга роса ҳаракат қилишди. Терговчи қайта тергов қилмоқчи эди. Бугун бориб хабар олсаммикан?

Гулсун. Бечора ўғлим. Узини-ўзи еб қўйгандир. Фарзанд кўрганлигини эшитиб, қандай севиндийкин? Болани кўриш учун қафасдан чиқишга интилаётган қушдай типирчилаётгандир.

Ширин. У киши тухматдан қамалмас эдилар-у, мелисахонада анави қуриб кетгур Ҳафизни уриб, кўзини чиқарганлари ёмон бўлди-да, шунга айбландилар. Ҳафизнинг гувоҳ бўлган ўртоқларини ҳам урибдилар.

Гулсун. Яшамагур, ҳезалак Ҳафиз сизларга тирик бало бўлди-да, ўзи ҳам қочиб юрган эмиш-ку? Шу ростми?

Ширин. Ҳа, рост. Қочмаса ҳам унга кун йўқ эди. Одамлар уни тошбўрон қилишмоқчи эди.

Қўлида тугун, соқоллари ўсган Пўлатжон киради.

Гулсун. Вой, вой ана ўғлим келиб қолди. Вой болагинам, вой болам келдингми?

Гулсун қучоқлаб, йиғлаб кўришади.
Ширин Пўлатжоннинг бағрига отилади. Пўлатжон Ширинга қарамайди. Кўзи беланчақ-даги болага тушади. Ширинни бағридан итариб ташлаб бориб болани ўпади ва кўз ёшини артиб, болага узоқ тикилади. Ширин ва Гулсун Пўлатжонни қузатадилар.

Пўлатжон (ўзича). Қимга ўхшайди бу? Менинг бирор ўхшаш жойим борми унда? Ишонч қанчалик зўр бўлса, гумон ҳам шунчалик зўрлик қиляпти. Тавба, ҳар бир хурсандчилик яширин бир хафачиликни ҳам ўз қўйнида олиб келар экан. Боланинг туғилиши гумон бўлмаганида хурсандчилик эди. Бу шўрлик бола гумон билан туғилиб, у менга қайғу олиб келди.

Сукунат. Ширин қарахт. Гулсун айвонга кўрпача ташлайди.

Гулсун. Қалайсан ўзинг, кўргилик экан. Пешонаннга шунақа тухматлар ҳам ёзилган экан, ўғлим. Нима ҳам қила олардинг.

Пўлатжон. Бу кўргиликларни пешонамга ўзим ёздим. Узимни тутиб туролмадим. Рўпарамда юзимга бақрайиб туриб ёлғон гапирган-

дан кейин, туҳмат қилгандан кейин тагин ҳам у ифлосни ўлдириб қўй-мадим.

Гулсун. У яшшамагур Ҳафиз сизларга бир бало бўлиб ёпишди-да. Бу туҳматлар учун у ҳам жазосини тортар.

Пўлатжон. Йўқ, у жазо тортганигача биз номус азобини тортиб адо бўламиз.

Гулсун. Бу нима деганинг?

Пўлатжон (болани ишора қилиб). Бу бизга номус азоби бўлиб туғилмадимикан?

Ширин (ўзини туголмай). Вой дод... Бу қандай туҳмат. Қандай раҳмсизлик. (Пўлатжонга). Сизни Ҳафиз туҳмат билан қандай қаматган бўлса, сиз ҳам мени туҳмат билан номус тузоғига илинтириб ўлдирмоқчисиз. Инсофингиз, муҳаббатингиз қаёқда қолди?!

Пўлатжон. Сизда инсоф, муҳаббат қаёқда қолган бўлса, меники ҳам шундай.

Гулсун. Ҳе, болаларим! Бу хурсандчилик кунни нимага азага айлантираяпсизлар? Ҳе, ўғлим! Яна ўша бўлмаган гапнинг жанжалими? Уят бўлади, болам, уят бўлади. Гумон имонингдан жудо қилади-я. Сенинг бу гумонларинг беҳуда. Бу гумон келинимга сира юкмайди. Ширинхонни мен биламан. Ширингина фарзанд кўриб орзуинга етдинг, ўғлим. Ўзинг эса, анавнақа жойдан эсон-омон келдинг. Биз билан дийдор кўришдинг. Шуни шукурини қилсангчи. Ўтир, ўғлим, мен дастурхон ёзай (чиқади).

Пўлатжон (ўзича). Шу фарзанд чиндан меники бўлса кошки эдия. Мени ана шу қийнапти.

Ширин. Бўлди, бас қилинг! Ҳаддингиздан ошманг энди. Рашк, гумон шунақа бўладиган бўлса, қуриб кетсин. Мени тинч қўйинг. Жонимга тегди бу азоб.

Пўлатжон. Шунақа жонингизга текканлигидан Ҳафиз билан аҳд-паймон қилиб қўйибсиз-да? Уша ерда ётиб «аҳд-паймон»ларингизни ҳам эшитдим.

Ширин. Вой бу яна қанақа туҳмат?

Пўлатжон. Туҳмат эмас, ҳақиқат. Буни менга аниқ одам айтди.

Ширин. Ёлғон!..

Пўлатжон. Мен сенга Ҳафиз билан кўришган кечаларингни айтиб берсам, яна ёлғон дерсан? Мажлисдан тун қоронғисида келаётиб, сой бўйидаги дарахтзорда ким билан кўришиб суҳбат қилдинг? Бу ҳам ёлғонми?

Ширин эсанкираб қолади.

Ширин. Қанақа суҳбат?

Пўлатжон. Қанақа суҳбатлигини ҳам айтаман. Пўлатжон акани ҳам бир йўқлаб қўяйлик, унга бодроқ қилиб борайлик деган суҳбат. Ҳафизга бодроқ учун қум олдирган суҳбат. Бу-чи, бу ҳам ёлғонми?

Ширин. Кейин нима бўпти?

Пўлатжон. Кейинини ҳам айтаман. Қумни олиб, биргалашиб менинг уйимга кетдиларинг, шундайми?

Ширин. Шундан кейин?

Пўлатжон. Ҳаммасини айтаверайми? Бу ёғи ўзингга маълумку, Ширин. У ёғи сизга ҳам маълум бўлсин. Кейин нима бўпти? Бу ёғини билмассиз-а? Уша сизга айтган одам буёғини ҳам айтмапти-да.

Пўлатжон. У ёғини айтишга уялгандир. У ёғини ўзим тушимда кўрдим. Тушимда сен кўйлақчан, ярим кечада Ҳафизни мана бу уйдан қузатиб айвонга чиқдинг. Шунда бола йиғлаб қолиб, ювиқсиз уни эмизгани кириб кетдинг. Шунда мен кимнидир уриб уйғониб кетдим. Уйғониб қарасам, ўзимни жағ аралаш бурнимга урган эканман, бурнимдан шариллаб қон оқиб ётибди.

Ш и р и н. Йўқ, сизга айтган одам буёғини айтмапти. Бу ёғи тушингизга ҳам кирмапти. Сизга айтган у одам «У ёғини айтсам, бу оила аҳил бўлиб кетади, Ҳафизни айтгани бўлмай қолади» деб айтмаган. Бу ёғини энди мен ўзим айтиб берай, қулоқ солинг. Тун қоронғисида дарахтзорда Ҳафиз билан учрашганимиз тўғри. У мени... (ташқаридан овоз) — Пўлатжон ака! Бу ёққа чиқинг, раис чақиряптилар.

Пўлатжон шошиб чиқиб кетади.

Ш и р и н (боши айланган, ўзини зўрға тутиб). Яна янги тухмат. Бу воқеани тескари қилиб Пўлатжон акамга ким етказа қолдийкин. (Қўшиқ).

Бир тарафда ишқ-вафо куйида мен девонаман,
Бир тарафда ёр ёққан рашк ўтида ёнаман.
Ишқимиз боғига кўнди ногихон рашк қузғуни,
Ёр қузғун ошиғи-й, ёрга мен парвонаман.
Ёримни рашк чангалидан қутқариб бўлгаймикин.
Бу куюгу кўргиликлар дардида тўлғонаман.
Сабр ила етдим муродга ишқ уйин обод этиб,
Ҳам вафодор ёрману, ҳам бағри тўлган онаман.

(болага термилиб.) Уғилгинам, отанг сендан гумонсираяпти. Сенинг отанг бошқа эмиш. Отанг уялмай-нетмай онангни юзига қора суртяпти. Сен отангни ўзисан-ку. Башаранг, қош-кўзинг, айниқса ўнг елкангдаги қора холинг билан отангни худди ўзисан. Мана шу қоп-қора холингни кўриб, номингни ҳам Холдоржон қўйдим. Отангда ҳам худди шунақа хол борлиги учун уни ҳам Холдоржон деб атар эдим. Мана энди сен ҳам Холдоржон.

Ташқаридан овоз

О в о з — Ширинхон опа! Тезда фермага борар экансиз. Одамлар келиб кутиб туришибди.

Ш и р и н (кўчага қараб). Хўп ҳозир. (Томорқага қараб). Ая, ҳу, ая...

Гулсун овқат олиб киради.

Гулсун. Ҳа, қизим, ҳа.

Ш и р и н. Мен фермага кетаяпман, чақиряпти. Уғлингиз идо-рага кетдилар.

Гулсун. Вой, ўғлим овқат емасдан кетдимиз? Сиз еб олинг бўлма-са, қизим.

Ш и р и н. Йўқ, аяжон, бориб келай, кутиб туришибдиймиш. На-биранингизга қараб турасизда, аяжон.

Ширин чиқади.

Гулсун. Хўп, қизим, хўп. Улар овқат ҳам емай кетишди. Овқатим совиб қолмасин. Қозонга ағдариб турақоламан.

Гулсун беланчакдаги боладан хабар олиб, қўлидаги овқат билан томорқага чиқиб кетади. Саҳна бўш. Қўшни девордан кўзида қора кўзойнак, жағини рўмол билан боғлаган Ҳ а ф и з ҳовлига бир аланглаб қарайди-ю, кўздан ғойиб бўлади. Бир оздан кейин яна кўринади.

Ҳ а ф и з (у ёқ бу ёққа қараб). Пўлат билан Ширинни жўнатдим. Уйда энди бошқа ҳеч ким йўққа ўхшайди, ростини айтсам. Энди мана бу болани йўқотиш керак. Шириндан шундайин қилиб ўч оламан энди. (Кўчага аста қараб). Ҳай, ҳу... У ёқ-буёққа ҳушёр бўлиб туришлар. Мен болани узатаман, олиб қочасизлар. Ҳали айтганимдай қишлоқдан нарига...

Ҳафиз девордан ошиб тушиб, беланчакдаги болани ўраб, девордан кўчага узагади. Узи ҳам девордан ошиб жўнайди. Саҳна бўш. Бир оздан кейин Гулсун кириб айвондаги дастурхонни йиғиб, уйга кўйиб чиқаётганида беланчакка кўзи тушади. Бола йўқ. У атрофга аланглайди.

Гулсун. Ширинхон, Ширинхон! Қаёқдасиз? (*қидиради*). Пўлатжон сен бормисан, қанисан? (*Қидириб, тополмай ҳовлиқади*). Ҳа, ким бу? Овоз қилсаларингчи? Болани олиб қаёққа кетди булар? (*Кўчага чиқиб келади*). Кўчада ҳам йўқ. Вой ўлмасам. Ё болани раисга кўрсатгани олиб кетишдимикин? Ҳа, шунақадир. Менга бир оғиз айтиб кетишмадиям, лодонлар.

Томорқага чиқади. Саҳна бўш. Ширинхон кириб, беланчак ёнига боради.

Ширин. Болам йўқ-ку. Йиғлаган бўлса, аям бирор ёққа олиб чиқиб кетдилар шекилли, тавба мени фермада ҳеч ким чақирмаган экан. Мени фермага боринг деган ким экан-а у? (*У ёқ бу ёққа аланглаб*). Ая ҳу ая... (*Гулсун киради*) Болангиз қани?

Гулсун. Вой ўлай. Мен болани сиздан сўрамоқчи эдим, Қани бола?

Ширин. Нима, нима дейсиз?

Гулсун. Бола қани деяпман?

Ширин. Мен сиздан сўраяпман, бола қани?

Гулсун. Вой тавба, Пўлатжон олдимикан?

Ширин (*атрофни қидириб*). Пўлатжон ака, ҳу Пўлатжон ака!..

Гулсун. Лекин Пўлатжон кўрингани йўқ.

Ширин. Вой мен ўлай. Бўлмаса қани?

Гулсун. Пўлатжон келган бўлса ҳам кўрмагандирман. Раис, болангизни кўрайин, деган бўлса, Пўлатжон келиб олиб кетгандир. Ҳа, ўша олиб кетган. Бошқа ким оларди.

Ширин шошиб кўчага чиқади. Гулсун хавотирда нима қилишини билмайди.

Тавба, тавба қилдим. Бола қаёқда қолди-я.

Паришон Ширин киради.

Ширин. Пўлатжон акам ҳам кўринмайдилар. Идорага бориб келсаммикан? Пўлатжон акам олиб кетганларига ишонгим келмаяпти. Вой, аяжон, нима қиламиз энди? Қаерни қидирайлик?

Пўлатжон (*кириб*). Нима гап?

Ширин (*ҳаяжонда*). Болангиз қани?

Пўлатжон. Қайси бола?

Гулсун. Ўз боланг-да, Холдор.

Пўлатжон. Мен қаёқдан билай. Раис чақирди дейишди. Борсам, ҳеч ким йўқ. Ўзим ҳозир хуноб бўлиб келяпман.

Ширин (*эсанкириб йиғлаб*). Вой ўлай, вой мен ўлай (*Гулсунга*).

Гадой-падой кирмадимми?

Гулсун. Йўқ, билмадим...

Ширин. Вой дод... Болам қайда қолди?

Ўзини уриб йиғлайди. Бир нарса эсига тушгандек бирдан ўзгариб, йиғидан тўхтаб сочларини юлиб, аста Пўлатжонга яқинлашади ва унинг ёқасига ёпишади. Болани тагин сиз!.. Ҳа, тагин сиз!..

(Пўлатжонга қараб)

Кечинг мендан, мени лекин боламдан сиз	Болам бирла келган бахтимни сиз энди
жудо қилманг,	қаро қилманг
Адо бўлдим кўнгилни сиз яна доғлаб адо	Раҳмсиз овчидек пойлаб тузоқ ташлаб
қилманг	боламга сиз
Болам қайда, болам қайда, боламни	Уриб рашк ханжари бирла унинг кўксин
кўрсатинг менга,	яра қилманг

Гулсун ва Пўлатжон ҳайратда.

Парда.

Бешинчи кўриниш

Парда олдида

Пўлатжоннинг кўлида одаялга ўралган чақалоқ. Ширинхон билан туғруқхонадан чиқиб келишяпти.

Пўлатжон. Қандай яхши бўлди. Яна фарзанд кўрганлигимизга бутун қишлоқ хурсанд. Йўқолган фарзандларининг ўрни тўлибди,— деб табриклаб келишяпти. Яна ўғил туғилганлигини айтмайсизми?

Ширинхон. Ҳа, бу ўғлингиз ҳам худди сизнинг ўзингиз. Лекин бунда Холдорникадай хол йўқ.

Пўлатжон (*чақалоққа қараб*). Ҳа, менга ҳам ўхшайди, сизга ҳам. Юзи сизга ўхшабди, қорачалиги менга. Аям тўғри айтган эканлар. Ҳали кўп фарзанд кўрасизлар, ўзларинг билан ўралашиб қоласизлар, деганларидек мана, бир йил ичида яна битта фарзанд кўрдик. Ҳа, демай кўпайишиб қоламиз шекилли. Айтгандек, Ширинхон, чақалоқнинг исмини нима қўйдим дедингиз?

Ширин. Топиболди.

Упкаси тўлиб йиғлаб кўзини артади.

Холдорнинг ўрнига ўрин буни топиб олдикда. Шунинг учун исмини Топиболди қўйдим.

Пўлатжондан болани олиб бағрига босади.

Пўлатжон. Йиғламанг, Ширинхон, йиғламанг. Бу ёғи хурсандчилик бўлсин. Болани менга беринг. (*Болани олади*). Ҳозир раиснинг машинаси келиб бизни олиб кетади. Бир оз кутиб турайлик.

Милиционер кўли боғлиқ Ҳафизни олиб ўтади.

Ширинхон. Анави Ҳафиз эмасми?

Пўлатжон. Ия, Ҳафиз-ку. Ҳа, ўша!

Ҳафиз ўзини танитмаслик учун кўли билан юзини беркитади.

Ширин. Ула шарманда! Бу кунингдан баттар бўлгур. Юзи қора!

Пўлатжон (*милиционерга*). Бу кишини қаердан топдингиз? Уни биз бир йилдан буён қидирамиз.

Милиционер. Нима, танийсизми?

Пўлатжон. Ҳа, ҳамқишлоқмиз.

Милиционер. Бу одамни анчадан буён қидирардик, энди топдик. Сиз бундан қандай киши сифатида танийсиз.

Пўлатжон. Жиноятчи сифатида.

Милиционер. Бу одам билан ҳамқишлоқ бўлсангиз хабардор бўлиб қўйинг. У Тошкентда ҳаммани товлаб, ёлғон ваъдалар билан кишилардан пул олиб, баъзиларининг уйдан қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаб қочган экан. Тошкент қидирув бўлимлари бизга хабар қилишди... Биз қидириб шу ердан топдик. Ҳов анави уйда, қариндошиникида яшириниб ётган экан. Бу одамнинг жиноятчи эканини сиз қаердан биласиз?

Пўлатжон. Унинг ўғрилигини билмасдим, лекин бузғунчи, туҳматчи эканлигини биламан. Бизнинг оиламизга туҳмат қилиб турмушимизни бузмоқчи бўлган.

Ҳафиз. Вой ўлай, ҳай нима деяпсиз? Турмушларингни бузмоқчи бўлган мен эмас Ширинхоннинг ўзику.

Ширинхон. Ҳай бети куйган, яна туҳмат қиляпсанми?

Ҳафиз. Боринглар эй, ўзларинг туҳматчисиз. Сиз туҳматчи, эрингиз туҳматчи, билдингизми? (*милиционерга*) Буларни гапига ишонманг, қани юринг, кетдик (*хотинча юриш қилиб кетади*).

Милиционер (*Ширинхонга ҳазиллашиб*). Бу махсумча; мабодо сизга овсин бўлмайдими?

Чиқади.

Ширинхон. Вой, овсун бўлмай ўлсин.
 Пўлатжон (*Ҳафизнинг кетидан қараб*). Бизга қилган тухматларининг ҳам жазосини тортади энди.
 Ширин. Ҳа-я, тортсин!

Чироқ ўчади, парда очилади.

ИККИНЧИ ПАРДА

Олтинчи кўриниш

Парда очилмасдан сахнадан овоз эшитилади.

— Йиллар... Йиллар ўтди. Мана йигирма йилдан ошди. Ширинхон билан Пўлатжонлар дастлаб тирик йўқотган ўғли, кейин яна кўрган икки фарзандларининг ўлими доғи билан қартайишди. Бедарак йўқолган фарзандларидан хабар келмади. Лекин бу оилага катта хурсандчилик, шодлик келди. Ширинхон Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди. Пўлатжон эса республикада хизмат кўрсатган боғбон. Мана улар...

Парда очилади.

Тошкентда қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойи бўлаётган бино олдидаги майдон. «Қишлоқ хўжалиги илғорларига салом!» деган шиор осиб қўйилган. Саҳна бўш. Радиода «Қишлоқ хўжалик ходимларига атаб концерт эшиттирамиз» деб музыка ва кўшиқлар эшиттирилади. Ёшлари улғайган Ширинхон ва Пўлатжонлар кирадилар. Улар ясанган, кўкракларидан турли орден ва медаллар. Ширинхонда қаҳрамонлик юлдузи.

Пўлатжон. Мана, Ширинхон. Тошкентни томоша қилдингиз. Ундаги янгиликларни ҳам кўрдингиз.

Ширинхон. Ҳа, Тошкент жуда ўзгариб кетибди.

Пўлатжон (*соатиғи қараб*). Биз ҳаммадан илгари келибмиз. Қани ўтириб турайлик.

Скамейкада ўтирадилар. Радиода кўшиқ овози.

Ширин. Радиода мен яхши кўрган кўшиқни айтаяпти. Эшитинг-а, Пўлатжон ака.

Кўшиқ тинглайдилар. Радиодан овоз.

— Қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойга бу йил минг тонна пахта терган «зангори кема» капитани наманганлик Кўчқор Тиллаев, ҳар гектар ердан 47 центнердан «оқ олтин» олган Андижондаги Охунбобоев номидаги колхознинг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саттор Жўраев, «Москва» колхозининг илғор сут соғувчиси — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ширинхон Арслонова ва шу колхознинг боғдорчилик бригадаси бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган боғбон Пўлатжон Арслоновлар ҳам қурултойга делегат бўлиб келишган. Навбатдаги концерт номерларимиз шуларга бағишланади.

Пўлатжон. Сиз билан мен ҳам қатордан қолмабмиз-ку, Ширинхон.

Ширин. Кўшиқни яхши кўрганлигимизни булар ҳам билгандай бизга атаб концерт беришяпти.

Радиода аста кўшиқ овози эшитилиб туради.

Пўлатжон. Қани энди йигирма йилдан аввалги ёшлигимиз бўлсаю, бу кўшиқларга биз ҳам жўр бўлсак, Ширинхон?

Ширин. Эссиз умр, ёшлигимиз фарзандлар доғи билан ўтди-кетди. Аввал фарзандсизлик дарди билан ёндик. Фарзанд кўргандан кейин уни йўқотиб алам билан ўртандик. Кейин эса яна кўрган икки фарзандимизнинг ўлими доғи билан фарёд чекдик. Умр бўйи юрагимизга на ашула на бошқа нарсалар сиғди.

Пўлатжон. Қўйинг, Ширинхон. Шу хурсандчилик кунларда ўша дардни қўзғаманг. Қани кўшиқ эшитайлик.

Радиода она ва фарзанд ҳақида кўшиқлар эшитилади.

Ширин. Кўшиқ юракдаги дардга баъзан малҳам бўлади, баъзан эса ундаги дардни баттар қўзғайди.

Ширинхон кўзидаги ёшни артади. Икки йигит ўзаро гаплашиб ўтиб кетишди. Бир оздан кейин улар орқаларига қайтиб, Пўлатжонлар ўтирган скамейкага келиб ўтиришади.

2-йигит (*соатига қараб*). Ҳали қурултой бошланишига вақт бор.

Улар скамейкага ўтириб ўзаро ўзаро гаплашадилар. Биринчи йигит бирдан қаттиқ кулиб юборади. Ширин уларга қарайди.

1-йигит. Бизда ҳам шунга ўхшаш бир ҳодиса бўлган эди. Менинг онам қўшнимиз бир хотин билан уришиб қолишбди. Бир куни қўшни хотин мени уйга чақириб нима дейди денг. «Сен буларни бола-си эмассан. Сани гўдаклигингда қайлардандир ўғирлаб келишган. Сен ўз ота-онаңни қидириб топ» деса бўладими. Унинг бу ёлғон гапига аввал кулдим. Кейин ғазабим келиб, уни роса сўкдим. Унинг гапини опамга ҳам айтдим. Айтмасам бўлар экан, улар яна уришиб қолишди.

Ширин ҳаяжонланиб уларга яқинроқ ўтиради.

2-йигит. Кейин нима бўлди?

1-йигит. Кейин қўшни хотин билан кирди-чиқди қилмай қўйдик.

Ширин биринчи йигитга қаттиқ тикилади. Пўлатжон радиодаги кўшиққа маҳлиё бўлиб бирдан Ширинга кўзи тушиб унга яқинлашади.

Пўлатжон. Ҳа, бу йигитчаларга мунча термилиб қолдингиз? Шаҳардаги йигитлар бошқача бўлар эканми?

Ширин (*ҳаяжонда, биринчи йигитдан кўзини узмай*). Қўйсангизчи, бунақа гапларингизни. Мана бу йигитга қаранг, кимга ўхшайди?

Пўлатжон. Билмадим.

Ширин. Яхшироқ қаранг. Сизга ўхшамайдими? Афти, башараси, гавдаси.

Пўлатжон. Сизга ўхшагани учун қараяпман демоқчимисиз? Яхши эмас. Сезиб қолишса ҳижолат бўлишади. Ўзингиз ҳам чолни кўрсангиз бувам дейдиган бўлибсиз.

Ширин (*ўзини беҳол тутиб*). Бошим айланиб, кўзим тиниб кетяпти.

Пўлатжон. Тавба, бу нима қилиқ?

Ширин. Ҳазилингизни қўйиб туринг. Сизга бу йигитнинг айтган гапини айтиб берай. Урисчани билмасам ҳам гапига сал-пал тушундим. Бу йигитнинг ота-онаси уни ўғирлаб келиб боқиб олган эмиш.

Пўлатжон. Нима, ўғирлаб?

Ширин. Ҳа, ўғирлаб. Энди у йигитга қаранг. Ўғлимиз Холдорга ўхшамайдими? (*1-йигитга*) Сиз қаердансиз? (*Йигит тушунмай бўйинини қисади*).

2-йигит. Бу киши Ленинграддан.

Ширин. Бу йигитнинг миллатлари нима?

2-йигит. Рус.

Ш и р и н . Ўзбекча билмайдиларми? Ленинграддан бу ерга нимага келганлар?

2-йигит. Бу киши агроном, аспирант. Ўзбекистонга практика қилиб келганлар. Бугунги қурултойга ҳам таклиф қилинганлар.

Ш и р и н ҳолсизланиб, нима қилишини билмай бўғилганидан рўмолини ечиб ташлайди.

Ш и р и н (*ўйланиб ўзича*). Тавба нималарни ўйлаяпман-а. Бу йигитни ўғлим Холдорга ўхшатайман. Холдор ҳам катта бўлса шунақа бўларди-да. Ҳа, йўқ. Бу ўрис-ку. (*Йигитга жиддий термилиб*). Кўринишидан, айтган гапларидан юрагим шу йигит ўғлинг деяётгандай бўляпти. Вой, тавба, юрагим орқага тортиб кетяпти. Ўғлимнинг елкасида қора холи бор эди. Қайси елкасида эди? Ҳа, ўнг елкасида. Бу йигитчани холи бормикан? Бир сўраб кўрайми? (*2-йигитга қараб*). Ҳай, иним! Бир илтимосим бор эди. Айтсам бўлармикан?

2-йигит. Майли айтинг.

Ш и р и н (*ўйланиб, ҳаяжонланиб*). Нима десам бўларкин-а? Уртоғингиздан сўрасангиз? (*ўнғайсизланиб*). Ҳалиги. Ҳа, шу йигитдан сўрасангиз, унинг ўнг елкасида қора холи бормикан?

2-йигит. Бу сизга нимага керак эди?

Ш и р и н . Шуни билишим керак эди.

Пўлатжон (*рашк ва ғазаб билан*). Ҳой, Ширин! Жинни бўлганмисиз?

Ш и р и н (*Пўлатжонга парво қилмай 2-йигитга ялиниб*). Жон, иним, шуни сўраб беринг. Унинг ўнг елкасида холи бормикан?

2-йигит. Жуда қизиқ бўлди-ку, нима деб сўраса бўларкин?

Ш и р и н . Нима деб сўрасангиз уни ўзингиз биласиз. Сиздан илтимос шуни сўраб беринг.

2-йигит (*кулиб, 1-йигитга қараб*). Бу аёл сўраяпти. Унг елкангизда холингиз борми? Шуни билмоқчи?

1-йигит бирдан ялт этиб Ш и р и н г а қарайди ва таажжубланади. Бир нималар дейди зарда билан.

2-йигит (*Ширинга қараб*). Жаҳли чиқяпти. Менинг холим бор-йўқлиги билан унинг нима иши бор, деяпти.

Пўлатжон (*Ширинга ғазаб билан*). Бу йигитнинг холи борлигини қаердан кўргансиз-а? Қаерда кўргансиз?

Ш и р и н (*йиғламсираб*). Сиз ҳеч нарсани тушунмаяпсиз? Пўлатжон ака! Менинг юрагим бир нарсани сезяпти.

Пўлатжон. Бу билан нима демоқчисиз? Нимани сезяпти ўша юрагингиз? Ширин. Бир оз сабр қилинг (*2-йигитга қараб*). Жон иним! Холи борми, йўқми шуни айтсин.

2-йигит (*1-йигитга*). Холингиз борми, йўқми! Фақат шуни билмоқчи экан бу аёл.

1-йигит. Хўш, бор бўлса нима қипти?

Ш и р и н (*безовталаниб, йиғламсираб, 1-йигитга*). Илтимос, ялиниб сўрайман, кўрсатинг холингизни.

1-йигит (*2-йигитга*). Кто эта женщина?

2-йигит. Сиз кимсиз ўзи?

Ш и р и н . Мен бир колхозчи. Съездга келганман.

2-йигит. Колхозчи экан. Съездга делегат бўлиб, келибди. Кўрмайсизми?

Ш и р и н нинг кўрагидаги юлдузга ишора қилади.

1-йигит. С какой целью, она интересуется родинкой?

Ш и р и н . Гапига тушундим. Муддаоимни кейин айтаман. Аввал ўнг елкасини кўрсатсин.

2-йигит (*1-йигитга*). Муддаосини кейин айтар эмиш.

1-йигит (*ўйланиб, ҳайратда*). У меня нет никакой родинки.
Ширин. Майли холингиз бўлмаса ҳам елкангизни кўрсатинг?

1-йигитга ялиниб ёпишади.

Пўлатжон. Ҳай расво, ҳай, бузуқ. Хушторингни топдингми?

Пўлатжон Ширинни йигитдан тортиб олиб, унинг юзига шапатилайди.

Ширин (*Пўлатжонга ёпишиб*). Бу — ўғлимиз Холдор, ҳей Пўлатжон ака! Уғлимиз Холдорни топганга ўхшаймиз? (*Йигитлар ҳайрон*).

1-йигит «Бу аёл нима деяпти» ишорасини қилади.

2-йигит. Сизни ўғлим деяпти. Сиз бу аёлнинг ўғли эмишсиз?

1-йигит. Интересно. Почему я должен оказаться ей сыном? Она узбечка, а я русский. И потом у меня есть свои родители и мать, и отец.

Пўлатжон. Тушундингизми? У рус. Унинг ота-онаси бор экан.

Ширин. Тушундим ҳам, тушунмадим ҳам. Мен унинг холини кўришим керак. У ўғлимга ўхшаяпти, ўғлим Холдорга ўхшаяпти. Холдорнинг ҳам ўнг елкасида сизникига ўхшаган қора холи бор эди. Бунда ҳам бормикан деяпман.

Пўлатжон (*2-йигитга*). Ука! Бизга яхшилаб тушунтиринг. Бу йигит ким ўзи?

2-йигит. Айтдим-ку, ленинградлик аспирант — агроном. Бу ерга у командировка билан келган. У ўзбек эмас, рус.

Пўлатжон (*Ширинга*). Ана эшитдингизми? У бизни қанақа ўғлимиз бўлсин?

Ширин (*1-йигитдан кўзини узмай*). Наҳотки тусмолим нотўғри чиқса? Наҳотки адашаётган бўлсам? Майли, адашаётган бўлсам ҳам унинг ўн елкасини кўриб қўйишим керак (*2-йигитга*). Жон иним, айтинг, елкасини кўрсата қолсин.

Радиодан овоз.

— Делегат ўртоқлар! Залга киришга таклиф қиламиз. Марҳамат залга!

1-йигит (*2-йигитга*). Ну, войдем.

Йигитлар зал тэмон юрадилар.

Ширин (*1-йигитнинг йўлини тўсиб*). Йўқ, холингиз бор-йўқлигини айтиб кейин кирасиз.

Пўлатжон (*Ширинни ўзига тортиб*). Уятсиз. Бўлди энди. Холлим йўқ деди-ку. Яна нима керак сизга?

Биринчи йигит кириб кетаётиб, орқасига қайтади. У Ширинга меҳрибонлик билан бир тикилади-ю, кириб кетади. Ширин ва Пўлатжон унинг кетидан зорланиб қараб қолишади.

Парда.

Еттинчи кўриниш

(Музыка)

Ленинград шаҳри. Олтмиш ёшлардаги эру хотин — Павел Петрович ва Анна Петровналарнинг шинам уйи. Эр-хотин меҳмон келишига стол тузатиб тайёргарлик кўришяпти.

Павел. Пиширган сомсанг қани?

Анна. Совумасин деб ўраб қўйдим. Меҳмонинг келганда қўямиз.

Павел. Тағин ниманг бор?

Анна. Тағин нима керак сенга? Дастурхонда ҳамма нарса бор-ку?

Павел. Яна кўпайтиравер. Яшириб қўйган мева-чеваларингни ҳаммасини олиб чиқ.

Анна. Мана, ҳаммасини столга қўйдим. Ҳай, сен ҳар қандай азиз меҳмон келса ҳам бунақа бой дастурхон тузатмас эдин-ку? Келадиган меҳмонинг ким ўзи? Нега айтмайсан?

Павел. Келганда кўрасан?

Анна. Қимлигини айта қолсанг нима қипти?

Павел. Айтдим-ку, сен билан менга энг азиз бир киши деб.

Анна. Менинг дадамми?

Павел. Даданг сенга азиз, менга-чи?

Анна. Ҳа, дадам ҳар гал кутганингда келавермай хафа қилиб қўйган сени. Бўлмаса ким? Онамми?

Павел. Онангни ҳам шунақа интиқ бўлиб кутамизми? Онанг кунига ўн марта келади шекилли?

Анна. Онам ҳафтада бир марта келиши ҳам сенга кунига ўн марта бўлиб кўринар эканда? Онам сенга меҳрибон. Бечора кампир нима топса куёвимга деб сенга олиб келади. Сен бўлсанг... Куёв — ёв деб шуни айтадилар-да.

Павел. Қилдан қийиқ чиқарасан-а. Мен уни ёмон деяётганим йўқ-ку.

Анна. Хўп, менинг ота-онамни бунақа кутмас экансан, бошқа кимни кутяпсан бўлмаса, ўз онангними?

Павел. Менинг онам иззат талаб эмас. Қелиб кетаверади.

Анна. Қим бўлмаса кутганинг? Айта қолсангчи.

Павел. Ёшлигингни эслаб ўйнаб берсанг айтаман.

Анна. Вой қариб қуйилмаган чол-ей, кўнглинг яна нималар тилайди?

Павел. Вой қариб қуйилиб бўтқа бўлган кампир-ей.

Анна. Ҳа, мен кампирман. Сен қирчиллама йигитмисан?

Павел. Сен кампир бўлсанг бўлавер, лекин мен сира қаримайман. Мени яшартириб, овунтириб турадиган бир кишим бор.

Анна. Қим экан у? Ҳали кўнгил ҳуши ўйнашим бор дегин?

Павел. Ўйнашдан ҳам яхши овунчоғим бор. Бугун ана ўша келмоқчи.

Анна. Қанақа овунчоқ у?

Павел. У сенинг ҳам овунчоғинг. Унинг кимлигини айтсам суюниб кетиб, қилар ишингни билмай довдираб қоласан деб айтмаётган эдим. Мана айтсам, ким келяпти. Уқи!

Телеграмма қоғозини беради. Анна ўқийди.

Анна. Вой ўғлим-ку... Уғлим Шурик келяптими?

Телеграммани бағрига босади.

Павел. Ҳа, ўғлимиз келяпти.

Анна. Вой ўғлигинам-е. 10—15 кунга деб кетиб узоқ қолиб кетди. Нимага кечикканлигини хатида айтмади ҳам. Тоза бизни соғинтирди боласи тушмагур. Худога шукур эсон-омон келаётган экан.

Павел (*соатиға қараб*). Самолёт келадиган вақт бўлди. Қани бўл, иссиқ овқатингга уринавер.

Анна. Мана ҳозир.

Павел гоҳ уйга, гоҳ ташқарига чиқиб, безовталаниб кутади. Холдор киради. У паришон. Павел ва Анна уни кучоқлаб, ўпиб кўришадилар.

Павел. Қир, ўғлим. Яхши келдингми?

Анна. Вой ўғлим, келдингми?

Холдор (*нима қилишини, нима дейишини билмай довдираб*). Ҳа, яхши етиб келдим.

Павел. Нега кечикиб қолдинг-а, ўғлим.

Холдор. У ерда янги дўстлар, ўртоқлар орттирдим. Улар меҳмондорчилик билан мени сира юборишмади. Кейин... (Бир нарсани айтмоқчи бўлиб, айтолмади). Йўғ-а... Қалайсизлар ўзларингиз, дадажон, ойижон?

Анна. Яхши ўғилгинам, яхши. Сени соғиниб кеча-кундуз кўзимиз йўлингда бўлди.

Павел (Холдорнинг безовталигини кузатиб). Ҳа, ўғлим тинч-омон келдингми? Паришонроқ кўринасан. Нима бўлди?

Холдор. Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ.

Анна. Йўқ, хаёлинг паришон. Бирор нарсангни йўқотдингми?

Павел. Йўқ, йўқ, ҳеч нарса йўқотганим йўқ. Лекин бир оз эсимни йўқотиб турибман.

Павел. Нега энди эсингни йўқотасан? Айт, нима гап ўзи?

Анна. Ўғлим, бизни хавотир қилмай айта қол?

Холдор. Вақт зиқ, айтиш керак. Лекин сизларга қандай қилиб айтсам бўларкин, шуни ўйлаб эсимни йўқотиб турибман.

Павел. Қандай қилиб айтсанг айтавер, ўғлим, айтавер.

Холдор. Сизлардан бир нарсани сўрамоқчиман, шунга тилим бормаяпти.

Анна. Сенга нима бўлди, ўғлим, нимага бунақа ташвишлисан?

Павел. Сўра, нимани сўрамоқчи эдинг?

Холдор. Сўрайдиган гапим шу қадар оғирки, мени ҳам эзоди, сизларни ҳам. Шунинг учун бу сўроққа тилим бормаяпти.

Павел. Кишини эзадиган бу сўроғинг нима экан у? Биз эзилсак ҳам майли, ўғлим, ўзинг эзилма, айтавер.

Анна. Бизни жуда хавотирда қолдирыпсан. Шурик. Айтмасдан эзгандан кўра, айтиб эзганинг дуруст, ўғлим, айт.

Холдор (Аннани қучоқлаб). Менинг онам... (Павелни қучоқлаб). Менинг отам... Ким?

Павел била Анна бир-бирларига қараб кўядилар.

Павел (ўйланиб, ўнғайсизланиб). Ота-онанг ким бўларди, мана биз-да.

Анна. Ҳа, биз.

Холдор. Мен ҳам шундай дейман. Лекин...

Анна (ҳаяжонланиб). Нима лекин?

Холдор. Яна бошқа ота-онам ҳам бор эмиш, шу тўғримми?

Павел (шошиб). Қим айтди?

Анна (хавотирланиб). Ҳа, ким айтди?

Холдор. Айтишди.

Павел. Ким экан у бошқа ота-оналаринг?

Холдор. Ўзбекистонда, колхозчи бир ўзбек оиласи.

Павел. Бу гапларни кимдан эшитдинг?

Холдор. Эшитганим йўқ, уларнинг ўзларини кўрдим. Улар шундай дейишди. «Сен бизнинг ўғлимизсан» дейишади. Йўқ-йўқ, бунга сира ишонгим келмайди. Ҳа, қандай ишонай? Қани, сизлар айтинглари, ишонсам бўладими?

Павел (эсанкираб). Ҳа... Йўқ!.. Сен бизнинг ўғлимизсан. Улар адашгандирлар.

Анна. Ҳа, улар адашган. Сен бизнинг ўғлимизсан-ку?

Холдор. Қошки эди шундай бўлса. Лекин... Ҳа, лекин улар адашмаганга ўхшайди. Гапларини исботлаяптилар.

Павел. Наҳотки исботласалар?

Анна. Наҳотки...

Павел. Йўқ, сен бунга ишонма?

Анна. Ҳа, ишонма!

Холдор. Кошки эди ишонмасам. Улар ишонтиришяпти.

Павел. Сени зўрлаб ишонтиргандирлар. Сен ишонма!

Холдор (*довдираб*). Ишонмайман, ишонаман, ишонаман. Ишонмайман... Қайси бири тўғри? Билмайман. Бунинг қайси бири тўғрилигини айтиш энди сизларга ва уларга ҳавола. Ҳозир...

Холдор чиқиб кетади. Павел ва Анна ҳайрон бўлиб бир нафас қотиб қолишади.

Павел. Эшитдингми Шурикнинг гапларини? У нима деяпти? Бошим гангиб қолди. Бу воқеа тушимми-ўнгимми дейман. Йўқ, ўнгим. Шурик ота-онасини топганлиги тўғримикан-а?

Анна (*саросимага тушиб*). Тўғри бўлса нима қиласиз-а?

Павел. Шунга ҳайронман. Нима қиламиз-а?

Анна. Шурикти бермаймиз.

Павел (*беихтиёр*). Ҳа, бермаймиз... (*ўйланиб*). Қандай қилиб, нима деб бермаймиз.

Анна. Ўзимизнинг боламиз деймиз-да?

Павел. Ҳа, ўзимизнинг боламиз деймиз (*ўйланиб*). Биз нималар деяпмиз-а? У ўзимизнинг боламиз-ку... (*чўчиб*). Айтгандай Шурик қаёққа кетди?

Анна. Вой чиқиб қара! У қаёққа кетдийкин? Тагин биздан кетиб қолган бўлмасин?

Павел. Нималар деяпсан, ўзинг?

Павел ташқарига чиқаётганда Холдор Пўлатжон ва Ширинларни бошлаб киради. Павел ва Анна ҳайрон бўлиб қолишади. Холдор таништиради.

Холдор. Мана менинг онам Анна Петровна. Бу киши отам Павел Петрович. (*Пўлатжон билан Ширинни таништиради*). Мана бу киши Пўлатжон — менинг дадам, бу аёл Ширинхон — менинг онам эмишлар. Мана энди бу жумбоқни ечиш сизларга.

Унғайсиз ҳолатда ҳаммалари бир-бирларига қарашади. Холдор Пўлатжон билан Ширинга тўрдан жой кўрсатади.

Марҳамат, ўтиринглар!

Павел. Ҳа-я, айтмоқчи ўтиринглар. Марҳамат.

Пўлатжон ва Ширин Павелнинг ўзбекча гапирганига ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарайдилар.

Пўлатжон (*Павелга*). Ўзбекчани билар экансиз-а? Қаердан биласиз?

Павел. Қани, ўтиринглар, айтиб бераман.

Утирадилар.

Анна. Биз ёшликдан Ўзбекистонда яшаб, ўша ерда катта бўлганмиз. Шунинг учун ўзбекчани биламиз.

Пўлатжон ва Ширинхон Аннанинг сўзига ҳайрон бўлишади.

Павел (*Аннага ишора қилиб*). Ҳа, бу ҳам биледи.

Ширин (*суюниб*). Бунча яхши.

Павел (*кулиб*). Ҳа, биз Ўзбекистонда кўп яшаганлигимиз учун ярим ўзбекмиз десам ҳам бўлади. Мен Ўзбекистонда агрономликка ўқиғанман. Мана энди ўғлим Шурик ҳам агроном.

Ширин (*Холдорни кўрсатиб*). Бу йигит сизнинг қанақа ўғлингиз?

Павел. Қанақа бўларди, ўз ўғлим-да.

Ширин. Бу йигит бизнинг ўғлимиз эди. Шуни сизларга айтгани келдик.

Павел. Қандай қилиб сизнинг ўғлингиз бўлади? Адашаётгандир-сизлар?

Ширин. Йўқ, шу ўғлимиз. Биз бир неча йиллар фарзанд кўрмай охири шу ўғил туғилган эди. Лекин уни гўдаклигида ўғирлатиб қўйдик. Ким ўғирлаганини билмай, уни ҳозиргача тополмай юрган эдик. Мана энди топдик.

Пўлатжон. Бола ўғрисини ҳозиргача тополмаган эдик?

Павел. Бола ўғрисини энди топдик денглар-а?

Пўлатжон. Йўқ, у ҳали номаълум. Сизлар бу бола бизники эканлигига ишонсаларинг бўлди.

Павел. Ишонмасак нима бўлади?

Пўлатжон. Ишонтиришга ҳаракат қиламиз.

Павел. Унда ҳам ишонмасак-чи?

Пўлатжон. Исботлаймиз.

Павел. Қанақа қилиб?

Пўлатжон. Исботлайдиган далилларимиз бор.

Павел. Масалан?

Пўлатжон. Бу далилни ўғлингиз ўзи билади, энди у далилни сизларга ҳам билдираамиз.

Павел (*Холдорга*). У қанақа далил?

Холдор. Мени мана шу далилдан таниб олишди.

Анна. Бу далил деганлари нима ўзи? Қанақа далил?

Ширин. Буни Холдорнинг ўзи айтиб беради.

Анна ва Павел Холдорга интиқлик билан қарашади.

Холдор. Мени Ўзбекистонда колхозчилар қурултойига таклиф қилишди (*Пўлатжон билан Ширинга ишора қилиб*). Булар билан ўша ерда кўришдик. Булар мени йўқотган ўғилларига ўхшатишди. Мен рад қилдим, ишонмадим. Улар мени ишонтириш учун ўнг елкамда қора холим борлигини айтишди. Шундан кейин мен ҳайрон бўлиб қолдим. Холимни кўрсатишга мажбур қилишди, кўрсатдим. Шу билан улар менга ёпишиб олишди, уйларига олиб боришди. Қишлоқ аҳолиси мени кўргани келишиб, буларнинг гапини тасдиқлашди. Буларнинг устига мен (*Пўлатжонни кўрсатиб*) бу кишига ўхшар эканман. Мана бўлган воқеа шу бўлди.

Анна ва Павел безовталанадилар.

Пўлатжон. Ҳа, шунақа бўлди.

Ширин (*ялинчоқлик билан*). Энди сизлар ҳам ишонсаларинг керак-а?

Павел. Борди-ю, ишонсак нима бўлади?

Пўлатжон. Сизларга раҳмат айтамузу, ўғлимизни олиб кетамиз.

Анна. Уғлимизни бермасакчи?

Пўлатжон. Сизларга ялинамиз, ёлборамиз.

Анна. Биз кўнсагу, ўғлимиз кўнмасачи?

Ширин. У кўнади.

Анна (*йиғламсираб*). Шурик, шунақами?

Холдор. Йўқ, йўқ. Аввал бу гапларни менга очиқроқ тушунтиринглар. Мени бошим қотиб қолди, ҳеч нарсани тушунмаяпман. Буларнинг даъвоси тўғрими?

Павел. Ҳа, тўғри. Афсуски, тўғри. Энди тушунтиришга, айтишга мажбурман, ўғлим Шурик! Сен гўдаклигингда сени кўчадан топиб олганман.

Пўлатжон. Кўчадан?

Ширин. Вой шўрим, кўчадан?

Павел. Ҳа, кўчадан. Мен энди бу воқеани бошидан айтиб беришга мажбурман. Ҳали айтганимдек, мен Ўзбекистонда ишлар эдим. Бир куни ишдан келаётсам катта кўчанинг бир четигаги дарахтзордан ча-

қалоқнинг йиғиси эшитилиб қолди. Уша томонга бориб қарасам, дарахт тагида йиғлаб-йиғлаб шишиб кетган чақалоқ ётибди, у овози битган, толиққан, оч қолган. Уни кўтариб олиб онасини қидирдим. Кўчадан ўтган аёллардан сўрадим. Хеч ким менинг болам демади. Шундан кейин болани уйга олиб келдим. Анна Петровнага воқеани айтган эдим, у суюниб «Бизнинг фарзандимиз йўқлиги учун буни бизга худо етказди» деб болани бағрига босди, шу кундан бошлаб биз фарзандлик бўлдик ва уни меҳр билан тарбияладик. Мана ўша бола (*Холдорни кўрсатади*). Биз кўп ўтмай Ленинградга кўчиб келдик. Бўлган воқеа шу. Бу бола бизнинг ҳаёт-мамотимиз, бахтимиз, қувончимиз. Гапнинг тўғриси, бу ўғлимизни энди ҳеч кимга бермаймиз.

А н н а. Ха, ҳеч кимга бермаймиз.

Ш и р и н ҳушидан кетиб йиқилади. Ҳамма унинг устида парвона бўлиб, ҳушига келтиришга уринишади. Ш и р и н ҳушига келиб, Х о л д о р н и бағрига босади. Х о л д о р хижолатда.

А н н а. Хайрият ҳушларига келдилар.

Ш и р и н. Холдор, ўғлим, ўрилгинам... (*Павел ва Аннага жовдираб*). Нима, ўғлимни бермайсизларми?

А н н а. Қандай берайлик. Мана сиз она. Бола учун не кунларни кечириб, не кўргиликларни кўряпсиз. Болангизни бошқалар бағридан тортиб олгингиз келяпти. Мен ҳам сизга ўхшаган онаман. Мендан ҳам болани биров тортиб олмоқчи бўлса, мен ҳам сизнинг кунингизга тушмайманми? Сиздан баттарроқ кунга тушаман, чунки сиз она бўлиб, болани бир йилгина бағрингизга босибсиз. Мен эса она бўлиб уни йигирма йил бағримда катта қилдим. Бу энди менинг болам эмасми?

Оғир сукунат. Х о л д о р бошини ушлаб ўйланади. У гоҳ Аннага, гоҳ Павелга ачиhib қарайди. Гоҳ Ширинга ва Пўлатжонга шафқат билан боқади

П а в е л. Энди бу жумбоқни Шурикнинг ўзи ечади. Шурик! Сен иккинчи ота-онангни топиб келибсан, қани айтчи, булар билан кетасанми, ёки бизлар билан қоласанми?

Х о л д о р. Дадажон! Бу саволингиз менга худди яшайсанми ё ўласанми дегандек бўлди. Бир томонда, ота-оналарнинг қайси бири биландир яшаш талвасаси, бир томонда эса, ота-оналарнинг қайси биридандир кечиб кетишдек ўлим азоби. Мен қайси бирини танлашим керак? Қани ўзларинг айтинглари, қайси бирини? Бу мушкул жумбоқни ечишга менинг ақлим етмай қолди.

П а в е л. Йўқ, ақлинг етяпти. Гапларингдан маълумки, бу жумбоқни ечибсан, ўғлим. Ҳа, ечибсан. Ота-оналарингнинг биридан кечиш, менинг учун ўлим деясан. Шу деганинг шу жумбоқни ечганинг. Бу деганинг икки ота-онани ҳам унутмайман деганинг. Шундай эмасми, ўғлим?

Х о л д о р. Шундай бўлгандан кейин, шундай-да, дадажон. Бошқа илож қайда?

Ш и р и н (*суюниб*). Гапларингга тушундим. Хайрият, бизни ҳам унутмас экансан, ўғлим (*қучоқлаб ўнади*).

А н н а. Хайрият, бизни ҳам унутмас экансан, ўғлим. (*Қучоқлаб ўнади*).

П ў л а т ж о н. Баракалла, ўғлим, раҳмат. (*Қучоқлайди*).

П а в е л. Яхши, ҳаммамизни ҳам унутмас экансан, ўғлим. Хўш, энди қайси ота-онанг билан туришни хоҳлайсан.

Х о л д о р (*ўйланиб, қийналиб*). Менга қолса сизлар билан, дадажон.

Ширин билан Пўлатжон бир-бирларига ташвишли қарашади.

П ў л а т ж о н. Биз биланчи?

Ш и р и н. Ҳа, биз биланчи?

Холдор. Сизлар билан ҳам.

Павел (*хайрон бўлиб*). Бу қандай бўлди?

Холдор. Шунақа бўлар экан, дадажон. Бундай тасодиф гирдобига тушиб қолган киши қаердан сузиб чиқишини билмай қолар экан. Бундай тасодиф кишини ҳам эзиб, ҳам яйратар экан. Менинг қандай аҳволга тушганлигимни билаётгандирсизлар. Менинг иккита ота-онам бор. Бунинг учун яйрайман. Лекин у бармоғимни тишласам ҳам, бу бармоғимни тишласам ҳам оғрияпти (*Пўлатжон ва Ширинни ишора қилиб*). Мана буларга қаранг, булар бир неча йиллар интиқ бўлиб кўрган фарзандларини бағридан олдириб, унинг доғида куйиб-ёниб ўтибди. Мана энди йўқотган фарзандининг топилиши буларнинг куйган юрагига сув сепгандек даво бўлди. Энди буларнинг бағридан у жигар порани яна тортиб олинадиган бўлса, уларнинг тутоқиб ётган юраги аланга олиб, куйиб кетмайдими? Ҳа, куйиб кетади. Энди сизларчи? Сизлар ҳам фарзандга чайқоқ бағрингизга бир парча гўштни малҳамдек босиб, уни фарзанд қилиб, вояга етказдингиз. Энди шу малҳамни кимдир бағрингиздан юлиб олиб кетса, сиз нима бўласиз? Сиз (*Ширин ва Пўлатжонни кўрсатиб*), мана буларнинг азобидан ҳам баттарроқ азоб чекасиз. Бу азоб сизгагина эмас бағрингизга ёпишган мен малҳамингизга ҳам азоб-ку! (*Анна ва Ширинга*). Сиз икки она менга ҳаёт бергансизлар. Бирингиз кўкракдан сут билан, бирингиз юракдан меҳр билан.

Ширин (*Холдорни қучоқлаб, ўпиб*). Уғлимнинг гапларига тушундим. Тўғри айтади ўғлим. Уни меҳр билан бағрига босган (*Аннага*) Сизга биз ҳам чексиз меҳр билан минг-минг раҳмат айтсак ҳам кам. Бундай ўйласам, шу фарзанд туфайли биз сизлар билан бир оила бўлиб қолибмиз. Бундан ташқари, менга сизлар жуда ёқиб қолдинглар. Энди хафа бўлмасаларинг бир илтимосим бор эди.

Павел. Хўш?

Ширин. Илтимосимни қабул қилмасаларингчи?

Анна. Қани айтинг-чи, синглим?

Ширин. Айтсам рози бўласизларми?

Павел. Аввал эшитайликчи?

Ширин (*Холдорга*). Сенчи, ўғлим, рози бўласанми?

Холдор «билмадим» ишорасини қилади. Ширин Пўлатжонга.

Бу илтимосимни сизнинг тилингиздан ҳам айтмоқчиман.

Пўлатжон. Яхши, сиз нима десангиз шу. Мен розиман.

Ширин. Бу илтимосим жуда яқин қариндошларга қилинадиган илтимос. Оёқларингизга бош қўйиб ялинаман, ёлбораман. Бу илтимосимни қайтарманглар, жон қариндошлар. қабул қилинглар.

Ҳамма интиқлик билан Ширинга тикилади. Ширин бир жавоб кутгандек уларга ялинчоқлик билан боқади.

Павел. Хўш?

Ширин. Сизларни мен Ўзбекистонга, ўз уйимизга кўчириб олиб кетмоқчиман.

Павел, Анна ва Холдор бир-бирларига қарашади.

Пўлатжон. Ҳа, сизларни ҳам олиб кетмоқчимиз. Йўқ деманглар.

Павел (*Ширинга*). Сиз жуда мушкул таклиф қўяяпсиз. Бу жуда қийин савдо-ку?!

Пўлатжон (*Павелга*). Бу воқеа ўзи шунақа қийин савдо. Бошқа иложимиз йўқ.

Павел. Бизнинг ҳам иложимиз йўқ. Шундай жойларимизни, шундай шахримизни ташлаб-а?

Пўлатжон. Бизнинг қишлоқ ҳам шаҳардай бўлиб кетган, уйимизнинг тўри сизларга, боғимизнинг ўртасига сизларга атаб яна дан-

ғиллама уй қуриб бераман, Холдорни ҳам ўша уйга уйлаймиз. Келин ҳам кўрасизлар. Насиб қилса неварга ҳам.

Ш и р и н. Қошки эди шундай бўлса.

П а в е л. Қизиқ бўлди. Биз сизларни худди мажлисга чақиргандай музокарага тушиб кетибмиз-ку, бир нарсани унутибмиз.

П ў л а т ж о н. Нимани?

П а в е л. Сиз, азиз меҳмонларни дастурхонга таклиф қилишни унутибмиз: қани, қариндош меҳмонлар! Мана бу дастурхон ўғлимиз Шурикни сафардан келишига аталган эди. Бу дастурхонда Шурикнинг ота-онаси бўлмиш сизларнинг ҳам насибангиз бор экан. Сизлар тушимизга ҳам кирмаган эдиларинг. Қани, марҳамат! Дастурхонга қаранглар!

Ш и р и н. Шуни айтинг-а, тушингизга ҳам кирмаган меҳмонларингиз, йўға, биз энди қанақа меҳмон бўлайлик? Қариндошларингиз дастурхонингизда ўтирибмиз. Бунинг учун жуда хурсандмиз.

П а в е л. (қадаҳларга шароб қуйиб). Мана шу биринчи қадаҳни (Ширинга).

Сиз айтгандай биз, қариндошлар шу қўшалок оиланинг, шу қўшалок ота, шу қўшалок онанинг бахти бўлган ўғлимизнинг соғлиғи учун кўтарайлик!

Ш и р и н. Мен сира ичган эмасман. Лекин сиз айтган сўзингиз, шу ўғлимизнинг соғлиғи учун майли, жон деб ичаман.

А н н а. Бунинг учун мен ҳам ичаман. (Ичадилар).

Ҳаммалари бир-бирларини ўпади. Ҳамма хурсанд.

П ў л а т ж о н. Павел ака! Ҳали энг муҳим нарсани унутибмиз, деб бизни энг муҳим нарсдан чалгитиб, дастурхонга таклиф қилдингиз. Энди биз учун энг муҳим нарса, яъни таклифимиз нима бўлади?

П а в е л. Қайси таклиф?

П ў л а т ж о н. Сизларни Ўзбекистонга қилган таклифимизнинг жавоби.

Ш и р и н. Ҳа, ҳа, шу таклифимизнинг жавоби.

П а в е л. Жавоб тайёр. Биз боролмаймиз. Ўғлимиз ҳам бормайди.

А н н а г а аста кўз қисиб қўяди. Ш и р и н ва П ў л а т ж о н бирдан ўзгариб, саросимага тушадилар. П а в е л уларни кузатади.

А н н а. Ҳа, шунақа, биз боролмаймиз.

Ш и р и н ва П ў л а т ж о н да саросима кучаяди. Оғир сукунат.

П а в е л. Иложини қилсаларинг, ўзларинг Ленинградга кўчиб кела қолинглар.

А н н а. Ҳа, шунақа, ўзларинг келақолинглар.

П а в е л. (кулиб). Бу гапларим ҳазил. Сизларни Ленинградга таклиф қилишим ҳам амалга ошмайдиган ҳазил таклиф. Сиз, деҳқонлар, еру сувингизни, боғу роғингизни, сигир-бузоғингизни ташлаб бу ёққа кўчиб келолмайсизлар, албатта. Шундай эмасми?

Ш и р и н. (ярим суюниб). Ҳа, шундай.

П ў л а т ж о н. Буни тўғри айтдингиз, Павел ака.

П а в е л. (Аннага). Буларнинг таклифига сен нима дейсан. Ўзбекистонга кўчиб кетамизми?

А н н а. Сен ўзинг нима дейсан?

П а в е л. Қани қадаҳларга қуйингларчи? Қадаҳ кўтариб туриб бир ўйлаб кўрайликчи.

Ҳамма қадаҳ кўтариб, П а в е л га интиқлик билан кулоқ солади. П а в е л узоқ жим туриб, девордаги Ленин портретига қарайди.

Мана бу одам рус билан ўзбекни, қозоқ билан белорусни, тожик билан

украинни ва ҳоказо барча халқларнинг ерини ҳам, ҳуқуқини ҳам, бахт-тахтини ҳам, меҳрини ҳам бир қилди. Ўзбекистонда ўзбеклар мени худди ўша ерда туғилган оға-инимдек кўриб, менга меҳр қўйишган эди. Лекин мен бу ерга кўчиб келиб, улардан узоқлашиб қолдим. Мен мана шу қадаҳни ўша қадрдон ўзбеклар билан ўртамиздаги меҳр-муҳаббатимиз учун кўтаргим келяпти.

Ҳамма хурсанд кўтарадилар.

Ш и р и н (*Холдорни эркалайди. Қўшиқ*).

Минг шукурким ўғлимизга етишдик,
Ота оналар келишдик, битишдик.

Пўлатжон.

Сизлар бизга қайта ҳаёт бердингиз,
Фарзанд билан бизга қанот бердингиз.

Павел.

Фарзанд бизнинг номимизни ҳам қўшди,
Уйимизни, нонимизни ҳам қўшди.

Анна.

Фарзанд билан бирга менинг юрагим,
Келин кўрмоқ менинг энди тилагим.

Ҳамма.

Фарзандимиз занжир бўлди дўстлиққа,
Ўғил бўлиб, ҳам русга-ю, ўзбекка.

Павел. Мана бу қадаҳ энди шу розиликлар учун, бир оила бўлганимиз учун.

Ҳамма. Ҳа, бир оила бўлганимиз учун!

Рюмка кўтарадилар.

Пўлатжон. Энди мана бу қадаҳ Холдорнинг биз билан кетиши учун.

Павел. Йўқ-йўқ! Ҳали бу масала ҳал бўлгани йўқ.

(Пўлатжон ва Ширин ташвишда).

Пўлатжон. Нега?

Ширин. Нега?

Павел. Бу масалани энди биз эмас, Холдорнинг ўзи ҳал қилади.

Ширин ва Пўлатжон таажжуб билан Павелга, сўнгра «Сен нима дейсан?» дегандек Холдорга термиладилар. Холдор ҳайрон бўлиб Павел ва Аннага қарайди.

Парда.

тамом





Шоислом Шомуҳамедов,

В. И. Ленин номидаги Тошкент
Давлат университетининг проректори,
профессор.

ЛЕНИН ЙЎЛЛАНМАСИ САМАРАЛАРИ

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил байроқ орденли Тошкент Давлат университети совет шарқида тўнғич олий ўқув юрти, доҳийнинг ҳаётбахш йўлланмаси мевасидир. Мамлакат учун ниҳоятда оғир бўлган граждонлар уруши даврида оммани маърифатли қилиш, сиёсий активлиги ва онглилигини ошириб, уни социализм қурилишига сафарбар этиш, совет Давлати вужудга келган дастлабки кунлардаёқ асосий вазифалардан бири бўлди. Бу вазифани амалга оширишда ўқув юртлари, олий таълим мактабларининг роли муҳим эди.

Шуни ҳисобга олиб В. И. Ленин ташаббуси билан 1920 йилнинг 7 сентябрида Халқ Комиссарлари Совети Тошкентда университет таъсис этиш ҳақида декрет чиқарди. Декретга доҳийнинг ўзи қўл қўйди. Университетни ташкил этишда партия ва ҳукуматимизнинг Я. М. Свердлов, М. И. Калинин, Н. К. Крупская, В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, А. В. Луначарский, В. Д. Бонч-Бруевич каби таниқли арбоблари жонбозлик кўрсатдилар.

Янги шаклланган олий ўқув юрти жуда мураккаб шароитда ривожланиб, самара бера бошлади. Университет йилдан-йилга камолот сари юксала борди. тез орада билимдон мутахассислар тайёрловчи ҳақиқий олий билим ўчоғига айланди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Т. Н. Қори-Ниёзий, А. Н. Белозёрский, О. С. Содиқов, С. Юнусов каби улкан олимлар, машҳур ёзувчилар Ойбек, Мухтор Аvezовлар, атоқли давлат арбоблари шу билим ўчоғида тарбияланиб камол топди.

ТошДУ ҳақли равишда Урта Осиёда олий таълимнинг тўнғич ўчоғи ҳисобланади. Унинг факультетлари базасида ўттиздан ортиқ бошқа олий ўқув юртлари вужудга келди. Масалан, Тошкент политехника институти, Тошкент қишлоқ хўжалик институти, Тошкент медицина институти ва тожик Давлат педагогика институти ва бошқалар шулар жумласидандир.

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий оталарча ғамхўрлиги туфайли университет билим ва маданиятнинг йирик марказига айланди. У, республикада мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишда, фан раvнақида, фан муваффақиятларини халқ хўжалигига жорий этишда ибтидосидан ҳозиргача ҳал қилувчи роль ўйнаб келяпти. Унинг составида шу кунда ўн беш факультет, бундан ташқари чет элликлар учун тайёрлов факультети бор. Шунингдек, олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти, физика, химия, биология, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари малакасини ошириш факультети, ишчи, колхозчи ва ҳарбий хизматдан қайтганлар учун тайёрлов бўлими мавжуд.

Университетда ҳозирда 113 та кафедра, шунингдек 15 та факультетлараро кафедра бор. Кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларда 24 мутахассислик бўйича ўзбек ва рус тилларида ўқиш олиб борилади. Совет Иттифоқидаги 60 га яқин миллат фарзандларидан иборат бўлган 17 мингдан ортиқ студент ўқийди. Мутахас-

сис кадрлар тайёрлашда 1564 малакали, тажрибали илмий-педагогик ходимлар ишлайди. Шулардан 100 дан ортиги профессор ва фан докторлари, 750 га яқини доцентлар ва фан кандидатлари, 17 таси ЎзССР Фанлар академиясининг академиги ва мухбир аъзоларидир. Ўқув жараёни ва ўқитиш усулларини такомиллаштира бориш бўйича муҳим тадбирлар узлуксиз амалга ошириб борилади.

Дарсларда техник воситалардан тобора кенг қўламда фойдаланилмоқда. Замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган аудиториялар сони ошиб бормоқда, студентларнинг ишлаб чиқариш практикаси йилдан-йилга мақсадга янада мувофиқроқ, янада самаралироқ бўлиб бормоқда. Студентлар мустақил ишлашларини рационал ошириш этиш, уларни назорат қилиш тадбирлари изчил суратда амалга ошириляпти. Студентларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошмоқда. Булар ҳаммаси талабаларнинг ўзлаштиришига баракали таъсир кўрсатаяпти.

Ўқитувчиларнинг илмий-методик ва илмий-практик конференциялар ва симпозиумларга фаол иштирок этиши ижодий камолотга эришувларида муҳим роль ўйнаяпти. Бундай ишлар олий ўқув юртлари орасида, республика ва Иттифоқ миқёсида олиб борилади. «ТошДУда ўқув-тарбиявий жараёнлар самарадорлигини ошириш йўллари» масаласи бўйича кафедра ва факультетлар орасида ҳамда университет миқёсида бўладиган семинарлар шу мақсадга хизмат қилади.

Замон олий мактабдан чуқур билимдон мутахассисларни кутмоқда, коммунистик идеалларга бениҳоя содиқ, масалага ижодий ёндашадиган, ташаббускор кишиларни кутмоқда. Шунинг учун ҳам университет коллективи студентларни ғоявий тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор беради. Бу масалани лекциялар, семинарлар ва аудиториядан ташқариги ишлар билан, меҳнат ва ахлоқ тарбияси билан узвий боғлаб, ҳар қайси курсдаги билим даражасини, ўқиш спецификациясини ҳисобга олган ҳолда олиб боради.

Университет жамоатчилиги томонидан КПСС XXV съездининг олий таълимни янада ривожлантириш ҳақидаги кўрсатмалари амалга оширилиб, Ўз тажрибаларига, бошқа олий ўқув юртлари тажрибаларига суянган ҳолда, ғоявий-тарбиявий ишлар сифати ва самарадорлигини йилдан-йилга ошириб борилмоқда. Марксча-ленинча назарияни ўқитиш савиясини янада ошириш борасида тинимсиз ижодий изланишлар бўляпти, ижтимоий фанларни ўқитиш коммунистик қурилиш практикаси билан мустаҳкам алоқада олиб бориляпти. Марксизм-ленинизм классиклари асарларига, КПСС ва халқаро ишчилар ҳаракати ҳақидаги ҳужжатларга, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарларига, унинг коммунистик қурилиш назарияси ва амалияси хусусидаги ҳаётбахш кўрсатмаларига қизиқиш студентлар орасида, айниқса, кейинги йилларда, ниҳоятда кучайди. Шунинг натижасида ижтимоий фанлар бўйича ўзлаштириш даражаси йилдан-йилга ошмоқда.

Университет коллективи студентларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ишида қимматли, бой тажрибага эга. Аёнанага айлиниб қолган меҳнат семестри ажойиб самаралар бермоқда. Талабаларимизнинг қурилиш отрядлари иши, ҳар йилги пахта теримидаги фаолияти алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Тошкент Давлат университети йирик илмий марказ ҳисобланади. Бу илм даргоҳида ижтимоий ва аниқ фанларнинг хилма-хил масалалари бўйича кенг миқёсда, асосли тадқиқотлар олиб борилади. Бу борада ижодий коллектив ўзига хос бир мактаб яратган. Ўз кашфиётлари билан Иттифоқдагина эмас, айни чоғда, жаҳон миқёсида ҳам маълум ва машҳур. Эҳтимоллар назарияси, функциялар назарияси, функционал анализ, электроника, органик химия ўсимлик моддалари химияси, полимерлар химияси, минералогия ва геохимия, чўкма жинслар ва рудалар, гидрогеология ва гидрология, экология, фитогельминтология, ҳуқуқшунослик, шарқшунослик, тилшунослик, адабиётшунослик фанларининг муҳим назарий-амалий масалалари бўйича яратилган, яратилаётган ихтиролар совет фани хазинасига улкан ижодий ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Академиклар Т. А. Саримсоқов, С. Х. Сирожидиновлар раҳбарлигида ишляётган математикаримиз В. И. Романовскийнинг аъналарини давом эттириб, бутун Ўрта Осиё республикаларида математика фанлари тараққиётига самарали таъсир кўрсатаяптилар.

Космик техника тараққиёти, термоядро реакцияларини бошқаришда, юқори температурали плазмани қўллаш, оксид катодли термозлектрон асбоблари яратиши физик электроникамиз истиқболлини белгилаб бермоқда. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширувчи турли хил химиявий компонентларни ўрганишда радиацион чаतिштирилган полимерлар синтези ва модификацияси бўйича муҳим натижаларга эришилди.

Университет геологларининг фаолияти республикамиз ери бағрини ўрганишга қаратилган. Уларнинг тадқиқотлари Ўзбекистон территориясида фойдали қазилмаларнинг вужудга келиши ва жойлашиши қонуниятларини аниқлашга имкон берди. Бу соҳада айниқса академик В. И. Попов ишлари жаҳонга машҳур.

Комплекс географик тадқиқотларнинг регионал йўналиши муваффақиятли ривожланмоқда. Географларимизнинг «Жануби-ғарбий Ўрта Осиёнинг табиий территориялар комплекслари» монографиясида бу комплекслар қишлоқ хўжалиги хом

ашёсининг манбаи сифатида баҳолаб берилган. Доҳий йўлланмаси билан келиб, дорилфунунимизнинг биринчи ўқитувчиларидан бўлган профессор, УзФА муҳбир аъзоси Иллария Алёксеевна Райкованинг ишлари Урта Осиё географияси ва ўсимлик дунёсини ўрганишда муҳим бир саҳифа бўлди. Райкованинг шоғирди профессор Жўра Мусаев раҳбарлигида олиб борилган ғўза генетикаси соҳасидаги тадқиқотлар университетда ривожлантириладиган ўсимликлар генетикаси фанининг янги йўналишларидандир. Бизда яратилган, дунёда бирдан-бир, ноёб ҳисобланувчи генетик коллекция асосида олимларимиз пахтанинг селекция жараёнига таъсир этувчи муҳим наслдорлик белгиларини аниқладилар. Бу соҳада эришилган натижалар ғўза генетикасини ўрганувчи махсус лаборатория очилишига асос бўлди.

Социализм тараққиёти ва коммунизмга ўтиш қонуниятлари, коммунистик партия тарихи, меҳнаткашларда марксча-ленинча илмий дунёқарашни шакллантириш, Урта Осиё халқларида илмий-атеистик дунёқараш тараққиёти, социализмнинг сиёсий иқтисодий проблемалари, Ўзбекистонда ишлаб чиқарувчи кучлар равнақи проблемалари ижтимоий фанлар кафедраларида тадқиқ этилади.

Филология фанлари кафедраларида тил ва адабиётнинг муҳим назарий масалалари, тараққиёт қонуниятлари, адабиётда ижодий услуб, адабий алоқалар, аёнана новаторлик муаммолари тадқиқ этилади. Ғ. К. Каримов, С. Долимов, О. Азизов, Л. П. Қаюмов, У. Н. Норматов, Б. Х. Имомов каби адабиётшуносларнинг илмий ижодий изланишлари, қатор монографиялари, мақолалари тақризларисиз шу кунлардаги ўзбек адабий танқидчилигини тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳозирги кундаги адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган қатор ёзувчи ва шоирлар ҳам дастлабки таълимларини, дастлабки ижодларини университетда бошлашган. Филология факультетида ана шу санъаткорлар билан учрашувлар, уларнинг янги асарлари муҳокамалари тез-тез бўлиб туради. Бундай адабий анжуманларнинг ҳар бири ҳар қайси санъаткор учун ўзига хос бир адабий мактаб бўляпти. Мактаб сабоқлари адилбларни янги-янги ижодий зафарларга руҳлантиряпти. Узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган бу ишлар факультетимизда шонли аёнанага айланиб қолган.

Филология факультетида 60-йилларнинг охириларидан бери ўқитувчилар малакасини ошириш институти ишлаб турибди. Бу институтда республика олий ўқув юрталарининг тил ва адабиёт ўқитувчилари вақти-вақти билан келиб ўқиб, устозлар таълимида билимларини янгиллаб қайтадилар. Мутахассисликлари бўйича ўзларига муаммо туюлган муҳим назарий, амалий-методик масалаларни чуқур англаб, ўқиб оладилар. Демак, факультет — олий ўқув юрталарининг филолог ўқитувчилари учун дорилфунун, республикада филология фанларининг марказидир. Бу гаплар университетимизнинг математика факультетига ҳам дахлдордир.

Филология ҳақида сўз юритилганда, шу факультет бағрида тарбия топиб, эндиликда мустақил факультетга айланган журналистика ҳақида ҳам гапирмай ўтолмаймиз. Журналистика факультетимиз ёш бўлишига қарамай кўп яхши ташаббусларга бош. У тайёрлаб етиштирган кадрлар республикамизнинг ҳамма газета ва журналлари редакцияларида хизмат қилмоқдалар.

Яқинда 25 йиллигини нишонлаган бу факультет кундан-кунга мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда.

Кейинги йилларда унда радио-телевидение кафедрасининг очилиши яхши воқеа бўлди.

Худди шунингдек, умуман, университетнинг ўзи ҳам кенгайиб бормоқда. Бундан бир йил илгари ўн уч асосий факультет қаторига ўн тўртинчи бўлиб, фалсафа-иқтисод факультети қўшилди. Унда файласуфлар, иқтисодчилар ва психологиядан мутахассислар тайёрланади.

Файласуфлар умумий фалсафий ва тарихий фанлардан ташқари шарқ халқлари фалсафаси тарихидан махсус лекциялар тинглайдилар, Урта Осиё халқларининг фалсафий фикр тараққиётини чуқур ва атрофлича ўрганадилар.

Университет олимлари ўз илмий фаолиятларини, ишларини республика Фанлар Академияси илмий ходимлари билан узвий алоқада, мустаҳкам ҳамкорликда олиб борадилар. Бунда бир-бирига устоз, бир-бирига шоғирд қабилида иш тутади. ЎзССР Фанлар Академияси Президиуми ва республика олий таълим министрлиги коллегияси академика ва университетнинг ўзаро ҳамкорликда тадқиқ этадиган илмий ишлари проблематикасини, йўналишини вақти-вақти билан муҳокамадан ўтказиб, тадқиқотларга йўл-йўриқ, кўрсатмалар бериб туради.

Университет олимлари чет эл олимлари билан ҳам ижодий ҳамкорлик қиладилар. Бу ўзаро бир-бирларига мутахассислар юбориш орқали, халқаро симпозиумларда актив иштирок қилиш орқали амалга ошириляпти. Университет Скопле (Югославия), Оман (Иордания) университетлари билан илмий-педагогик ҳамкорликлар масаласида шартнома тузган. Бу келишувда кўрсатилган тадбир-чораларга томонлар изчил амал қилишляпти.

Университетнинг ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқада бўлиши ҳаммиша диққат-эътиборда туради.

Уртюк Л. И. Брежневнинг фанни ишлаб чиқаришга максимал даражада яқинлаштириш ҳақидаги кўрсатмалари амалга оширилмоқда. Университетнинг Олмалиқ

тоғ-металлургия комбинати, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, шунингдек, пахтакорлар билан ҳамкорлиги бунга мисол бўла олади.

Олий мактабда фаннинг интенсив ривожини илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини ошира боришни тақозо этади. Университетга ҳар йили қабул қилинадиган 100 дан ортиқ аспирант билан ишлашда илмий раҳбарлар шу талабга жавобан фаолият кўрсатапти. Университет Урта Осиё республикалари билан бирга, чет эл мамлакатларига ҳам илмий-педагогик кадрлар тайёрлаб беради. Аспирантурамизда Вьетнам, араб мамлакатлари, Афғонистон, Мўғулистон, Болгария, Америка ва бошқа мамлакатлардан талабалар келиб таълим олмоқда.

Университетнинг моддий-техника базаси айниқса кейинги йилларда анча бойланди. Умумий майдони 170 гектардан иборат Тошкент студентлар шаҳарчасида «Бахт тошини чақиб бунда куч гувиллайди» (Ойбек). У ерда замонавий ўқув корпуслари, спорт павильони, маданият саройи, ётоқхоналари, аспирантлар уйи, поликлиника, санаторий-профилактория, ҳаммом-кир ювиш комбинати, маиший хизмат уйи, АТС бинолари қад кўтариб турибди.

Университетнинг ўқув ва илмий лабораториялари замонавий илмий-ўқув асбоб-анжомлари билан жиҳозланган. Дарс жараёнларида, ҳар бир фан хусусиятига кўра, техник воситалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган.

Доҳиймиз В. И. Ленин шуури билан дунёга келган Урта Осиёдаги тўнғич олий ўқув юрти коллективи партия ва ҳукуматимизнинг фан ва олий таълим равнақи учун кўрсатаётган юксак ғамхўрликларига жавобан партияимизнинг XXVI съездининг шараф билан қарши олмоқ ниятида фидокорона меҳнат қилмоқда. Чуқур ватанпарварлик ҳисси, партия ва халқ олдида бурчдорлик ҳисси университет жамоатчилигини янги-янги зафарларга руҳлантирмоқда. Қадрдон дорилфунуннинг шонли 60 йиллик тўйи муносиб тўёналар билан кутиб олинмоқда.



Анорбой Қуронбоев

СУВ Достони

ОЧЕРК

*«Суғориш ҳаммадан кўпроқ зарурдир ва ўлкани
ҳаммадан кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади,
ўтмишга хотима беради».*

В. И. ЛЕНИН.

Ўтмишдан садо

Биринчи қўшиқ

Ҳар бир буюкликнинг ўз афсонаси бўлади. Кампирровотнинг ҳам афсонаси бор. Андижон сув омборининг қуйи қисмида, тоғнинг шундоққина этагида, табиат қўли билан яратилган — тошга айланган аёлнинг ҳайкали бор. Бу сеҳрли тош чиндан ҳам кампирга ўхшайди. Кўзлари парда тортган. Манглайи серажин. Толиққаниданми, ҳордиқ чиқариш мақсадида қўлидаги кўзасини ёнига қўйиб, кимнидир умидвор кутиб ўтиргандек...

Эмиш, кўҳна замонда, чекка бир қишлоқда бечораҳол чол-кампир яшар эканлар. Уларнинг яккаю ягона қизи бўлиб, гўзалликда бамисоли сув кафтида кўз очган нилуфар гулини эслатар экан. Қизнинг ҳусни заковати шаҳзода қулоғига бориб етибди. Шаҳзоданинг сийнаси қизиган темир босилгандай «жиз» этибди. Совчи қўйибди. Салтанатини пеш қилибди. Қизнинг «нон тишлашгани» бор экан, кўнмабди. Шаҳзода ғазаб отига минибди. Бироқ қиз билан йигит бир кечада ғойиб бўлишибди.

Йиллар ўтибди. Бир куни шаҳзода навкарлари билан тоққа шикорга чиққанида «қочоқ» йигитни кўриб қолибди. Шаън учун икки ўртада яккама-якка олишув бошланбди. Енгиллаётганини сезган Шаҳзода навкарларига сирли имо қилибди... Йигитнинг хотини ғор ичида икки ўғил билан бева қолибди.

Йиллар етимларни отасидек паҳлавон қилиб етилтирибди.

Улар ўзларига тошдан қўрғон қилиб, равоат қуришибди. (Айтишларича «Кампирровот» номи шундан қолган). Улар тоғ тепасига тупроқ ташиб, буғдой экишибди. Лекин қурғоқчилик бўлиб, буғдойлари қовжираб қолибди. Фарзандлар сув келтириш учун онасидан оқ фотиҳа олишибди. Бироқ улар оғир меҳнат ва ташналик қурбони бўлишибди. Фарзандлари доғида қоврилган она беҳисоб ёш тўкибди. Онанинг кўз ёшлари тўкилган жойда, тоғ кифтида, тошлар сийнасини ситиб муъжизавий булоқ пай-

до бўлибди. Буғдой қайта яшнабдию, ғам онанинг ҳивчиндай қоматини букибди. Она булоқ сувидан кўзага олиб, йўловчиларга тутишни одат қилибди.

Мана, ҳозир ҳам ўша «кампир» толиққаниданми, қўлидаги сув тўла кўзасини ёнига қўйиб, балки сув чиқариш учун кетган фарзандлари йўлида умидвор ўлтирибди. Бу — илк бор сув чиқаришга оқ фотиҳа берган, ташналарга сув улашган кампирга табиатнинг қўйган тош ҳайкали эди.

Бу ривоят бўлса-да, Кампирровотнинг аянч ўтмишига аниқ ишорадир. Ҳалқимиз азалдан сув ва нурни орзу қилиб келди. Эртак ва достонлар тўқиб, афсонавий Фарҳодларни куйлади. Эҳтимол кампиртош афсонаси ҳам ана шундай туғилгандир. Уша ва онанинг кўз ёшларидан бино бўлган сирли булоқ ўтмишдан хотира си-фатида сақланиб қолган. У сув омборининг чап томонидаги баланд тоғ бағрида. Ҳай-калтош эса ундан қуйроқда. Уларни табиатнинг ўзи авайлаб асраётгандай. Булоқнинг суви ширин, ичиб тўймайсан киши...

Қорадарё суви икки баланд тоғ оралиғидан чиқиб водийга таралади. Табиатнинг ҳайратга соладиган мўъжизалари кўп. Таажжубки, Кампирровот дарасида ана шу ўжар дарёни тош «мушт»лари билан қисиб қўйган. Қорадарёнинг мана шу ерида сув омбори бунёд этишни худди табиатнинг ўзи амр қилгандай туюлади. Шу ерга келганда азим дарё асабий, шиддаткор ирғишлайди.

Қорадарё... водийнинг энг катта сув манбааларидан биридир. Қорадарё... асов, инжиқ. У қадим-қадимдан жилов тушмаган бир бедовга мўқояса этилади. Ҳар баҳорда кутурган туядек ўзини юз мақомга солиб оқади. Доим ўз ўзанини, йўлини ўзгартириб туради. Элу юртга офат келтиради. Қирғоқларни ювиб-бузиб туради. Экинзорлар, биноларга катта зарар етказади. Дарё бўйида жойлашган бутун-бутун қишлоқлар сув тошқинида йўқ бўлиб кетган.

Ёзда Қорадарё бирдан ювошланиб қолади. Экинлар, боғ-роғлар сувга ташна бўлган маҳалда дарё суви кескин озайиб тошлари кўриниб қолади. Шу боисдан водийда сув танқислиги азалдан сезилиб турган. Балиқ сувсиз яшамайди. Инсон ҳам шундай. Сув йўқ жойда эса ҳаёт йўқ. Водий халқи бир ярим минг йил давомида Қорадарё билан олишди.

Деҳқонлар, мироблар Кампирровотга келиб чодир тикиб ётишарди. Дарёга сеполар ташлаб сувни майда-майда ариқларга буришарди. Тоғ устида дарёга ташланган сеполарни кўриклаш ва сув тақсимотини кузатиш учун назорат пости барпо этилди. Бу эрамизнинг IV—VI асрига тўғри келади. Каналлар, ариқлар Чингизхон истилосида пайхон бўлган. Лекин орадан 150 йил ўтиб улар бирин-кетин тиклана бошланган.

XVIII асрда Кампирровотда Андижонсой тикланди. Андижонсой ҳақида «Бобирнома»да қисқа, аниқ маълумот бор: «Андижон руди Ушнинг маҳаллотининг ичи била ўтиб, Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудга мушрифдур, бинафшаси бисёр латиф булур. Шқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур».

Шундан сўнг Шаҳрихонсой қазилиб, Кампирровотга тўғон қурилди. Лекин у бизнинг тасаввуримиздаги каби мустаҳкам эмасди. Ҳар йили янгилиниб турадиган муваққат сепо тўғон эди. Ҳар йили эрта баҳорда Қўқон хонининг буйруғи билан Андижон, Асака, Марғилон музофотларига сепо материаллари тўплаш вазифаси юклатиларди. Бу ишни бажариш жараёнида кўп кишилар оқиб ўлишарди. Чор ҳокимияти даврида қурилган бошқа тўғонлар ҳам туриш бермади.

Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидан бошлаб Фарғона водийсида суғориш тармоқларини тартибга солишга эътибор кучайтирилди. Владимир Ильич Ленин Туркистон ўлкасидаги ерларни суғориш тўғрисидаги декретга имзо чекди. Бу воқеа 1918 йилнинг баҳорида бўлган эди. Деҳқонлар Ленин имзо чеккан декретни байроқдай кўтариб юришди.

Туркистон ўлкасида ирригация қурилиши ишларини ривожлантириш мавжуд суғориш тармоқларини муҳофаза қилиш тўғрисида қатор қарор ва буйруқлар чиқарилди. Андижон уезд шаҳар Советининг 1918 йилги бир буйруғида Кампирровот тўғрисида бундай дейилган эди:

«Зарурат туғилиб қолган тақдирда асбоб-ускуна етказиб бериш, ишчи кучи билан таъминлаш ва ариқларни муҳофаза қилишда миробларга ёрдам берилсин. Миробларнинг кўрсатмаларига амал қилмаганлар қаттиқ жавобгарликка тортилсин».

РЕДАКЦИЯДАН: журналист Анорбой Қуронбоев Андижон сув омбори қурилиши ҳақида «Сув достони» номли янги китоб ёзди. Унда халқимизнинг ўн тўққиз йиллик улкан бунёдкорлик ишида жонбозлик кўрсатган мард майдонлари мадҳ этилади.

Эътиборингизга шу асарнинг ихчамлаштирилган нусхасини ҳавола этмоқдамиз.

Суғориш тармоқларини муҳофиза қилишга Фарғона область партия, совет ташкилотлари вакилларининг 1919 йил 29—31 мартда бўлиб ўтган фавқулодда йигинида ҳам катта эътибор берилди. Йигинда сўзга чиққан Андижон уезд шаҳар Советининг раиси Смирнов Кампирровот сув тақсимлагичини босмачилардан ва бошқа душманлардан қўриқлаш учун махсус отряд жўнатиш лозимлигини уқтирди. Андижон область партия комитети архивида сақланаётган ҳужжатлар Совет ҳокимияти Кампирровот сув ҳавзасини қўриқлаш ҳақида қайғурганидан далолат беради...

Кампирровотда Йўлдош ота Охунбобоев келармиш, деган гап тарқалди. Кўп ўтмай «миш-миш»лар ҳақиқатга айланди. Йўлдош ота келди бу ерга. Одамларни Қорадарё бўйига тўплаб суҳбат қурди, аҳволни ўрганди. Мироблар тўрт-беш кубметр сув сиғадиган Савай ариғини икки баравар кенгайтириш масаласини ўртага қўйишди ва тайёрланган лойихани кўрсатишди. Бу иш амалга оширилса, Ўзбекистондан ва Қирғизистондан бир неча минг гектар ер ўзлаштирилади ва суғорилади. Республика оқсоқоли лойиха билан танишиб чиқди ва маъқуллади. Бу ишни кечиктирмай амалга ошириш кераклигини уқтирди. Йиғилиш охирида ота ваъз қилди: «Бу ерда яқин келажақда чидамли тўғон қурамыз, деҳқонларни асрий қийинчиликлардан қутқарамиз!»

Миробларга ғамхўрлик бирмунча кучайтирилди. Уша даврда элга танилган мироббоши Йўлдош Тўхтаўжаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сувчи» унвони берилди.

Йўлдош мироббоши оғир дамларда меҳнат қилди. Йигитлик кучининг қаймоғини Қорадарёга сарф этди, — дея хотирлайди унинг шоғирдларидан бири Усарқул ота Суяров, — у ишчан, жонкуяр, тиниб-тинчимас одам эди. Бир куни дарё бўйида тушлик қилиб ўтирган эдик. Қорадарё кутуриб сепоялар устидан тошарди. Йўлдош ака сувга тикилиб қолди: «Биз Қорадарёни зўр машаққатлар билан бўйсундираямиз, ҳаётимизни хавф остида қолдириб олишяпмиз. Шундай кунлар келадики, Қорадарё осонгина таслим бўлади. Бу ерда улкан сув иншооти қурилишига аминман. Мироблар маконига айланиб қолган дўппидеккина қишлоқ ўрнида гўзал шаҳар барпо этилади. Партия ва ҳукуматимиз омон бўлса, бу ишлар, албатта, амалга ошади!»

Йўлдош мироббошининг шоғирди Мамасодиқ ота Тошматов устозининг тақдири ҳақида шундай ҳикоя қилади:

Бу кўнгилсиз воқеа 1934 йилда рўй берган эди. Йўлдош мироббоши ўшанда олти миш бир ёшда эди. Қорадарё май ойида, ҳаммиша бўлиб келгандек, нотинч эди. Сув лиммо-лим тошиб оқа бошлади. Шунинг учун Уста Йўлдош Найнавода, меникида тунаб қолди. Найнаво — Кампирровот дарасидан бир неча юз метр нарида. Кечаси бизни: «сув кўпайиб, сепояларни оқиза бошлади!» деб уяғотишди. Уста Йўлдош одамларни отлантиргани ҳовлиларга қараб йўл олди. Ниҳоят, у бизни тунда соҳилга бошлаб келди. Биз одатдагидек сепоя ясаб сувга ташлайвердик. Сепоялар сим билан маҳкам чандиб ташланса ҳам, кучли тўлқин уларни ағдариб ташлашга ҳаракат қиларди. Уста Йўлдош ҳар қачонгидек олдинда, бизга бош эди. Бу кун Йўлдош мироббоши учун сўнгги кун эканлигини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмас эди. У сепоянинг устидан босиб, қаеридан боғлаш кераклигини айттарди. Гоҳ у, гоҳ бу сепояга ўтиб, бизга ёрдамлашарди. Шундай бўлдики, сув беш-олтита сепояни бирданга ағдариб юборди. Улар Уста Йўлдош турган сепояга урилиб, бир ёғочнинг учи мироббошининг бошига теги. Қонхўр Қорадарё уни ўз қаърига тортиди. Биз унинг жасадини тонг пайтидагина топдик, уни ҳурмат-эҳтиром билан дафн этдик. Ҳамма билади, унинг қабри соҳилда...

Эндиликда Йўлдош Тўхтаўжаевнинг номини Кампирровотда ҳамма билади. Найнаво қишлоғига унинг номи берилган. Андижон область ижроия комитети қишлоқда Тўхтаўжаевнинг бюстини ўрнатиш ҳақида махсус қарор қабул қилган...

Дарё ҳамон баҳорда «шўхлик» қилар, юракка ваҳима солар эди. Бу ерда сув ро-са лиммо-лим оқадиган пайтда секундига 1 200 куб метр сув тўғри келарди. Бу сув Волга дарёси ўртача тўлиб оқадиган пайтдаги сувдан камлик қилмайди. Лекин Волга дарёсининг суви Қорадарё сингари тошларни, илдизи билан қўпорилган дарахтларни оқизиб, қутуриб дам у соҳилга, дам бу соҳилга ўзини урмайди, бу қадар кўп лойқа суриб келмайди...

Ирригаторлар олдида дамбаларни тошқиндан ҳимоя қилиш, далаларни тошқиндан қутқариб қолиш, «дайди» сувларни йиғиш ва далаларга тараш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. Шундай қилиб, сиғими катта бўлган Кампирровот сув омборини қуриш зарурати туғилди. Деҳқончилик ривожланган сари сув ҳавзаси қуриш эҳтиёжи ортаверди. Лекин тўғон қурилиши лозим бўлган ернинг ўзига хос иқлим шароити, бот-бот ер қимирлаб туриши, мураккаб геологик ва сейсмик шароитларда баланд тўғонлар лойиҳалаш ва қуриш соҳасида тажриба камлиги сабабли ишни бошлаш имкони бўлмаганди.

Катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Жанубий Фарғона, Катта Андижон каналлари ва бошқа улуг иншоотларнинг қурилиши — Фарғона водийсида сув омборини қуриш учун беш репетиция бўлди.

Тўғон лойиҳасини яратганлар Иккинчи қўшиқ

Кампирровот. У ёқ-бу ёқдан кўчиб келиб уйли-жойли бўлиб кетган мироблар маскани. Обиджон қишлоқда туғилган. Отаси Жалол Солиев қишлоқнинг оғизга тушган, мўътабар одамларидан бири эди. Узоқ вақт мироблик қилган, сув ёқалаган. Йўлдош Охунбобоев Кампирровотга келиб: «муस्ताҳкам тўғон қураммиз», деганда Жалол ака фарзанди тетапоя турган отадек дил-дилдан қувонганди.

Кампирровот сув тақсимлаш тўғонига биринчи бетон қўйганлардан эди у. Тўғон битгандан кейин шу ерда ишлаган. Уша маҳалда Обиджон ёш бола эди. У отаси билан бирга юриб, бирга туриб мироблардан кўп нақл эшитган. Бир афсона унинг эсида қолган. Қачонлардир, бу ерга бир паҳлавон келармиш. Азим дарёни тўсармиш. Шунда икки тизма тоғ орасида дунёда тенги йўқ кўл пайдо бўлармиш, суви бутун водийга етармиш, эл-юрт сув қаҳатчилигидан тамоман қутулармиш. Кампирровот ажойиб «жаннат»га айланармиш.

Бу афсона Обиджонга жуда ёқарди. Номаълум баҳодирнинг тезроқ келишини орзиқиб кутарди. Лекин унинг қачон келишини ҳеч ким билмасди. Ота ўғлига тайинларди:

— Агар мен дунёдан ўтиб кетсам сен ўша баҳодир билан албатта учрашиб, дўстлашиб олгин, кам бўлмайсан.

Ота оламдан ўтди. Обиджон отаси юрган йўллардан юриб ўсди, улғайди. Лобархон исми қизга уйланди. Шу орада Кампирровотда Шаҳрихонсой тўғони қуриладиган бўлди. Обиджон Солиев қурилишга ишга кирди, жон куйдириб, астойдил ишлади. Тўғон битгандан сўнг шағал заводига ишга ўтди. У ҳамон отаси айтган баҳодирни кутарди: «У, албатта келади», деб ўйларди.

Минг тўққиз юз олтмиш биринчи йил охирлаб қолганди. Бир куни тонгда кутилмаган воқеа рўй берди. Сой бўйида бир гуруҳ бегона одамлар пайдо бўлиб қолишди. Осмондан тушдими, ердан чиқдими, биров билмасди. Қачон, қаердан келишди? Обиджон меҳмонлар томон юрди.

— Урта Осиё пахтачилик ва сув хўжалиги иншоотлари давлат лойиҳалаш институтиданмиш.

— Хуш келибсизлар,— деди Обиджон табассум билан.

Институтда лойиҳалаш бўйича бош инженер Николай Сергеевич Жуйков шерикларини бирма-бир таништириб чиқди:

— Светлана Петровна Пухтина. Тажрибали инженер, кўп нарса билади. Чеккадаги ҳаёл сураётган йигит ҳам инженер. Оти — Вячеслав Сорокин. Ҳарсанг устида ўтирган киши Геннадий Иванович Шахов, инженер. Дарёга тош отаётган киши Геннадий Владимирович Реслер. Ёнида белини ушлаб турган қозоқ йигит Морал Исроилов. Иккаласи ҳам инженер.

— Бу ерга яхши ният билан келдик,— деди Николай Сергеевич сўзини давом эттириб.— Республика партия ва ҳукумати бизни шу ернинг шароитини ўрганиш учун юборди. Икки тоғ орасида катта сув омбори қурилади. Биз ана шу омборнинг лойиҳа топшириғини тайёрламоқчимиз.

— Жуда хайрли иш билан келибсизлар,— деди ўзида йўқ хурсанд бўлиб. Кўнгли тоғдек кўтарилди: экспедицияларнинг келиши — қўтлуғ ишнинг бошланишидан дарак берарди. Обиджон буни дарров пайқади; «Отам айтган баҳодирнинг элчилари келди. Мен у билан бирга бўлишим керак».

— Танишганимиздан хурсандман,— деб қўлди экспедиция бошлиғи. Сўнг бир оз жиддийлашиб.— Бу ернинг паст-баланди сизга беш қўлдай аён. Бизга сиздақа одамлар жуда ҳам керак,— деди.

Обиджоннинг ҳаётида қувончли кунлар бошланди. Экспедицияга бурғулоччи бўлиб ишга кирди. Дилида янги ҳислар уйғонди. Бўлажак тўғон ўрнига биринчи қозик қоқилди. Обиджон шу қудуқни қазийишда иштирок этди. Лекин иш осон кўчмади. Тошни Фарҳод янглиғ қаричма-қарич йўнишди. Кўп бурғулар ишдан чиқди, шартта-шартта синиб кетди. Ҳар ўн минутда янгилаб турилди. Лекин бу иш қанчалик қийин бўлмасин, бари бир Обиджонга ҳузур бахш этарди. Чунки, бу қудуқ ғоят муҳим иш — ернинг қимирлаши натижасида дарз кетган ёриқлар ва тўғонлар қуриладиган ернинг юмшоқ қатламини аниқлашга хизмат қилади. Тўғон муस्ताҳкам бўлиши учун юмшоқ қатламни олиб ташлаш, пойдевори пастдан шиббалаб чиқиш керак.

Ниҳоят биринчи қудуқ қазиб бўлинди. Экспедициячилар жойнинг геологик тузилишини ўрганишди.

Тўғон қандай, нимадан қурилган маъқул? Икки тоғ ораси 1180 метр. Баландлиги 108,5 метр.

Кампирровот сув омбори тўғонини тошдан қуриш мумкин эмасди. Сабаб: тўғонга етти километр наридан шағал ташишга тўғри келади. Бўлмайди, қимматга тушади. Контрфорс усулида бетон тўғон қурилса-чи? Лойиҳачилар бу ҳақда кўпроқ ўйлаб кўришди. Ушлаб тўғонларнинг лойиҳасини кўриб чиқишди.

Сицилия оролида бўйи 122 метр «Анчина» тўғони, Японияда бўйи 110 метр «Камисба», бўйи 103 метр, «Икава» тўғонлари контрофорс усулида қурилган эди. Италияда шундай типда 24 та тўғон қурилаётгани маълум эди. Бу тўғонларнинг кўпи баланд-баланд тоғлар орасида қад кўтараётганди.

Италиялик инженер, тўғонлар қуриш бўйича халқаро комиссиянинг президенти Клавдио Марчелло ижод этган бу типдаги тўғоннинг афзалликлари кўп: оз бетон ишлатилади. Қуриш муддати қисқаради. Материаллардан рационал фойдаланиш имконияти туғилади. Бетон тез қотиб, осон совийди. Натижада ортиқча ҳарорат ва чўкиш пайтида юз берадиган ёрилиш ҳоллари камаяди.

Тўғоннинг зилзилага чидамлилигини ошириш учун қўшимча тадбирлар белгиланди. Босим кучини пасайтириш ва қоянинг метинлигини ошириш учун сув юзасидаги қирраларга цемент қоришмасидан ярим метр қалинликда қоплама ётқизиладиган бўлди. Сув юзасидаги қирралардан мустақкам бўртиқлар қилинади. Бўртиқлар тўғон асосини тутиб туради ва бутун иншоотнинг мустақкамлигини оширади.

Тўғон асосига камида ўн метр чуқурликдан бетон қуйиб чиқилади. Қуйи қисмида махсус бўртиқлар ҳосил қилинади. Бу, тўғоннинг силжиб кетиши хавфини камайтиради. Секцияларнинг қуйи қирраларига бетон ҳарсанглар ётқизилади. Натижада қояга бўладиган босим кучи камаяди. Бетоннинг пойдевор қисми билан ёпишиши кучаяди.

Иш лойиҳаси жараёнида тажриба сифатида пўлат пружиналардан анкерлар мосламаси ўрнатиш кўзда тутилади. Бу, тўғон билан заминнинг мақкам боғланишига ёрдам беради.

Тўғонда доимий сув ўтиб турадиган иккита туйнук бўлади. Унинг биридан суғориш учун сув ўтиб туради. Иккинчи туйнукдан ортиқча сув чиқариб юборилади.

Мавжуд посёлка асосан сақлаб қолинади. Маҳаллий аҳоли уйларига уч юз гидроқурувчи жойлаштирилади. Қурилишга асосан маҳаллий кадрлар жалб этилади. Шунинг учун гидроқурувчиларга етти минг квадрат метр уй-жой қуриш кифоя. Унга бир миллион олти юз минг сўм сарфланади.

Сув тақсимлаш гидроузели бузилмайди. Аввалгидай Шаҳрихонсой, Андижонсойга сув улашаверади. Дарё бўйидаги қабристон нима бўлади? Ёғочдан тобут ясаб ҳар бир қабр уч қақирим нарига кўчирилади. Тўғонга икки ярим миллион куб метр бетон ётқизилади, олтин ҳовуз олтмиш саккиз миллион сўм билан тайёр бўлади. Барча ҳарajat етти йилда қопланади.

Янги сув омбори сийнасига бир миллиард етти юз эллик миллион куб метр сув сифади. Сатҳи беш минг беш юз йигирма гектар. Бундай улкан иншоот Иттифоқимизда биринчи марта қурилиши.

Ўзбекистон, Қирғизистондаги тўрт юз олтмиш минг гектардан зиёд ташна, ярим ташна майдонлар асрий чанқоғини қондиради. Ана шу экинзорларга қанча зарур бўлса, шунча сув бериш имкони яратилади. Андижон областида пахта ҳосили йилига ўртача 132 минг тонна ортади. Бундан олинадиган йиллик соф фойда ўн тўққиз миллион сўмдан ортиб кетади. Сут етиштириш — қирқ саккиз минг тонна, гўшт — салкам йигирма минг тонна кўпаяди. Ундан олти миллион сўм соф фойда олинади.

Ўзбекистонда йигирма уч минг гектар, қардош Қирғизистонда эса йигирма бир минг гектар қўриқ ер очилади.

Ҳар баҳорда катта зарар келтирадиган тошқин абадул-абад барҳам топади. Сув омбори тўғонида катта гидроэлектростанция қурилади. Унинг энергия ишлаб чиқарувчи блоклари халқ хўжалигига ҳар йили беш юз миллион киловатт-соат арзон нур беради...

Кампирровот сув омбори қурилиши муносабати билан СССР Министрлар Совети Госплан ҳузуридаги пахтачилик бўйича Урта Осиё Давлат Комитетига ва СССР Госстрой қошидаги совхозлар қурилиши ва ирригация бўйича Урта Осиё Бош бошқармасига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Қирғизистон ССР Министрлар Совети билан биргаликда Қорадарё ҳавзасидаги сув ресурсларидан фойдаланиш схемасини, сувни республикалар ўртасида тақсимлашга доир планлар тузишни, янги ерларни суғоришни ривожлантиришга доир масалаларни кўриб чиқиш ҳақида кўрсатма берилди.

Андижон область партия комитетининг бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Кампирровот сув омбори қуриш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш масаласи кўрилганди. Обком бюроси Михаил Фёдорович Тарачковга катта ишонч билдириб, уни Кампирровот сув омбори қурилишига бошлиқ қилиб юборишни лозим топди.

(Давоми бор)



Маъмур Нишонов,

тарих фанлари кандидати

АФҒОНИСТОН: РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Эркесвар афғон халқи шу йил 27 апрелда, Афғонистон Халқ Демократик партияси (АХДП) раҳбарлигида мамлакатда Савр (апрель) революцияси ғалаба қозонганлигини зур тантана билан нишонлади.

Инқилоб туфайли юз йиллар давомида ҳукмрон бўлиб келган эксплуататор синфлар ҳокимияти ағдариб ташланди. Афғонистон — Демократик Республика деб эълон қилинди.

Бу ҳодиса мамлакат тарихида унинг прогрессив, демократик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиёт йўлидаги бурилиш нуқтаси бўлди.

Апрель революцияси ғалабасининг икки йиллиги муносабати билан АХДП Марказий Комитети томонидан қабул қилинган Тезисларда айтилишича, Апрель революцияси миллий-демократик революция бўлиб, у ўз олдига мамлакат ижтимоий ҳаётида феодал ва ярим феодал муносабатларини тугатиш, ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлаш, миллий экономикани кўтариш, халқларнинг миллий маданиятини тараққий эттириш мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётини демократлаштириш каби умумдемократик вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган.

«Афғонистондаги Апрель революцияси — дейилади АХДП Марказий Комитетининг Тезисларида, — 1917 йилда Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган ҳозирги замон революцион жараённинг ажралмас ва таркибий қисмидир».

Инқилобнинг тарихий ғалабаси туфайли афғон халқи ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг нокапиталистик йўлини, кишини-киши томонидан эксплуатация қилишдан холи бўлган янги жамият қуриш йўлини танлаб олди.

Ўтган икки йил давомида меҳнатсевар афғон халқи ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт соҳасида катта ютуқларни қўлга киритди.

1978 йил 12 июлда Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгаши томонидан ерсиз ва кам ерли деҳқонларнинг 10—20 ва ундан ҳам ортиқ йиллар давомида йиғилиб қолган йирик ер эгалари, феодаллар, судхўрлардан бўлган қарзларини бекор қилиш тўғрисида декрет қабул қилинди. Ана шу декретга биноан мамлакатдаги 11 миллион деҳқон, яъни қишлоқ аҳолисининг 80 фоизидан ортиқроғи феодал-помешчик ва судхўрлар зулмидан озод бўлди. Расмий маълумотларга қўра деҳқонларнинг умумий қарзлари 30 миллиард афғонийни ташкил этар эди. Декрет туфайли қишлоқдаги феодал муносабатларга биринчи марта жиддий зарба берилди.

Афғонистоннинг қоқоқ экономикасини кўтариш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун кенг йўл очиш, Нодирийлар ҳукмронлиги давридаги қашшоқлашиб кетган халқнинг моддий аҳволини яхшилаш учун мамлакатда ер ислоҳоти ўтказиш зарур эди. Шунинг учун ҳам АХДП ўзининг 1965 йилда қабул қилган программасида ер ислоҳоти — партиянинг асосий вазифаларидан бири деб кўрсатилган эди.

АДР Революцион Кенгаши ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тўғрисида қабул қилган программасига биноан 1978 йил 28 ноябрда мамлакатда демократик ер ислоҳоти ўтказиш ҳақидаги тарихий декретни қабул қилди.

Ана шу декретга кўра 1979 йил 1 январдан бошлаб июль ойигача ер ислохотининг биринчи босқичи амалга оширилди. Мамлакатдаги 70 фоизга яқин йирик ер эгалари, феодаллар ерлари тортиб олиниб, 300 мингга яқин ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бўлиб берилди.

Ер билан таъминланган деҳқонлар кооперативга уюшмоқда. Ҳозирги кунда Афғонистонда 1200 дан ортиқ кооперативлар ташкил этилди. Давлат деҳқонларни уруғлик дон, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик ускуналари билан таъминлаш ва зарур бўлган чоғда кооперативлар орқали уларга моддий ёрдам кўрсатиш соҳасида конкрет чораларни амалга оширмоқда.

Афғонистон ҳукумати мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, деҳқонларнинг моддий аҳволини яхшилаш ниятида пахта ва қанд лавлагининг ҳарид нарҳини 20—30 процентга оширди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда, уни кўпайтиришда афғон деҳқонларига яқиндан техник ёрдам кўрсатиш учун МТСлар ташкил қилинмоқда. Қишлоқ аҳолисини ижтимоий-сиёсий ҳаётга актив жалб қилиш, уларни коллективизм руҳида тарбиялаш мақсадида деҳқон комитетлари, ўзаро ёрдам кассалари ташкил қилинди. Халқ маорифи системасида, соғлиқни сақлаш, ишчиларни уй-жой билан таъминлаш соҳаларида ҳам жиддий муваффақиятлар қўлга киритилди. Жумладан, Апрель революциясидан сўнгги бир йил ичида Афғонистонда 600 та мактаб қурилди. Бу мактабларни барпо қилишда минглаб ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, зўёлилар ихтиёрий равишда маблағ, ер, жой ажратиб янги ҳукуматга катта ёрдам кўрсатишди.

Ҳозир бу демократик мамлакатда 5 мингдан ортиқ бошланғич, ўрта мактаблар ва лицейлар ишлаб турибди. Шу йил март ойида бошланган янги ўқув йилида 1,3 миллиондан ортиқ ўқувчи билим олмоқда.

Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати саводсизликни тугатишни энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Мамлакатдаги эркакларнинг 90 фоизи, хотин-қизларнинг 98 фоизи саводсиздир. Ҳозирги вақтда бутун Афғонистон бўйлаб «Саводсизлик — революция душмани» шиори остида саводсизликни тугатиш учун кураш бошлаб юборилди. Шу мақсадда марказий комиссия тузилди. Шаҳар ва қишлоқларда, завод ва фабрикаларда, армия қисмларида; турли давлат муассасаларида 30 мингдан ортиқ саводсизликни тугатиш курслари очилди. Бу курсларда ҳозир бир миллиондан зиёд киши ўқимоқда.

Албатта, ҳозирги шароитда саводсизликни зудлик билан тугатиш қийин. Шунинг учун аҳолини «хат билсанг, қуръонни ўқий оласан» деган шиор остида ўқитишга ҳам тўғри келмоқда. Афғонистон ҳукумати мамлакатдаги реал воқеаларни ҳисобга олиб, саводсизликни яқин 10 йил ичида тугаллашни назарда тутмоқда.

Маълумки, саводсизликни тугатиш, мамлакатда маданий революцияни амалга оширишда халқ маорифи системаси муҳим роль ўйнайди. Афғонистон ҳукумати халқ маорифи системасини такомиллаштириш, ўқув системасини яхшилаш, ўқувчиларни керакли ўқув қуроллари билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор бермоқда. Шу йил апрель ойида мамлакатда янги типдаги оммавий прогрессив принципларга асосланган умумий таълим мактабларини ташкил қилиш тўғрисида декрет қабул қилинди. Бу декретга мувофиқ мавжуд бўлган барча мактабларни ягона ўқув программаси, ягона педагогик усуллар асосида бир типдаги мактабларга айлантириш назарда тутилмоқда.

Шу йил май ойида Афғонистон тарихида биринчи марта афғон ўқитувчиларининг биринчи съезди чақирилди. Съездда мамлакатнинг барча вилоятларидан 400 делегат қатнашди. Афғон ўқитувчиларининг бу съездида иштирок этиш учун социалистик мамлакатлардан, жумладан, Совет Иттифоқидан ҳам делегатлар қатнашди. Съезд қатнашчилари мамлакатда таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш ва шу соҳада мавжуд бўлган проблемаларни ҳал этиш йўлларини кенг муҳокама қилдилар.

Апрель революцияси туфайли асрлар бўйи тенгсизлик, моддий ва маънавий камситиш асоратида эзилиб келган афғон хотин-қизлари ҳаётида ҳам янги давр очди.

1978 йил 17 октябрда АДР Революцион кенгаши томонидан оила ва никоҳ тўғрисида қабул қилинган 7-сонли декретга мувофиқ афғон хотин-қизлари эркаклар билан оилада, жамиятда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тенг ҳуқуққа эга бўлишди. Ана шу декретга биноан афғон хотин-қизларини илгаригидек товар сифатида олди-сотди қилиш, уларни эрта турмушга чиқариш ман этилди. Революция туфайли афғон хотин-қизларини озод қилиш, уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш бошланди.

Эндйликда афғон хотин-қизлари мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида социал адолатга асосланган янги жамият қуришда фаол иштирок этмоқда. Улар завод ва фабрикаларда, давлат муассасаларида, маориф ва соғлиқни сақлаш системаларида актив ишламоқдалар. Афғон хотин-қизлари орсидан кўплаб кўзга кўринган жамоат ва давлат арбоблари етишиб чиқди.

Апрель революциясида актив иштирок этган, АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Маориф ва министри Аноҳита Ротебзод ана шулар жумласидандир.

Апрель революцияси туфайли турли миллатлар биринчи марта ўз миллий ма-

данияти, тили ва адабиётини ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Миллий тилларда ўқув қуролилари, газеталар чоп қилинмоқда, ўзбек тилида «Юлдуз», туркман тилида «Қураш», балуж тилида «Суб» («Революция») каби газеталар нашр этилмоқда. Кобулда биринчи марта ўзбек поэзияси кечаси бўлиб ўтди.

Кечада ўзбек шоирлари билан бир қаторда пушту, туркман ва балуж тилларида ижод қилувчи шоирларнинг ҳам асарлари янгради.

Афғон халқининг Апрель революцияси туфайли қўлга киритган бу ютуқлари, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда амалга оширилган революцион, демократик ўзгаришлар мол-мулкидан ажралган аксил-инқилобий кучларнинг, халқаро реакциянинг, айниқса Америка империалистларининг ғазабини кўзғотиб юборди. Реакция Афғонистондаги ижобий ўзгаришларга қарши курашда ислом байроғидан фойдаланишга уринди. Шунингдек, Апрель революцияси ютуқларини барбод қилиш, эски истибдод тузумини, феодаллар ҳукмронлигини қайта тиклаш мақсадида Афғонистондаги ички аксил-инқилобий кучларга, ватан хоинлари «хизматлари»га суянди. Америка империалистларининг рикор агенти бўлган Ҳафизулла Амин ва аминийлар тўдаси ўзининг Апрель революцияси принципларига бутунлай зид келадиган ҳатти-ҳаракатлари, хоинона ишлари билан мамлакатни хатарли вазиятга солиб қўйди.

Амин ва унинг тўдаси ҳукумат ва партия органларини эгаллаб олгандан сўнг минглаб ватанпарвар кучларни, ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларни, Апрель революциясида фаол иштирок этган партия раҳбарларини қамоққа ташлади, қувғин қилди. Ҳатто Афғонистон Халқ Демократик партиясининг асосчиси, унинг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг раиси ва Афғонистон Бош министри Нур Муҳаммад Тарақини ваҳшийларча ўлдирди. Айни вақтда «Ҳақиқати инқилоби савр» газетасининг ёзишча (1980 йил 18 февраль) Амин ва унинг шериклари мамлакат бойлигидан 319 миллион афғонийни талон-торож этган.

Аминнинг бу сиёсатидан ички ва ташқи реакция кучлар, хусусан, Америка империалистлари ва уларнинг пекинлик ҳамтовоқлари фоят хурсанд эдилар, холос. Улар афғон революциясини бўғиб ташлаш, сўнг СССРга қарши ҳарбий авантюралар ва можаролар уюштиришда Афғонистон территориясидан база сифатида фойдаланиш ниятида эдилар.

Америка империалистларининг Афғонистонга бўлган қизиқиши Эрондаги шоҳ режимининг ағдариб ташланганидан сўнг фоят кучайиб кетди. АҚШ ҳукмрон доиралари, айниқса Америка марказий Разведка бошқармаси ўз мақсадларини амалга ошириш мақсадида ички ва ташқи контрреволюцион кучларни, ташкилотчиларни бирлаштириш, унга бир марказдан туриб раҳбарлик қилиш борасида барча чораларни ишга солди. Шу мақсадда 1979 йил ноябрь ойида Американинг ташаббуси билан Мюнхенда Афғонистоннинг ҳорикдаги душманлари, аксил инқилобий кучлар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Афғонистонга қарши қаратилган «Афғонистонни қутқазиб ислом кенгаши» деб аталган ташкилот тузилди. Айни вақтда АҚШ империалистлари афғон контрреволюцион кучлар гуруҳининг бошлиқлари деб аталмиш шахслар: Саид Аҳмад Гайлоний, «Ислом партияси» раҳбари Гулбедин Ҳикматёр, Марказий Разведка бошқармаси билан Покистон Пешоваридаги афғон аксил инқилобчилари ўртасида воситалик қилувчи, афғон муҳожирлари группасининг бошлиғи Башир Закария, шунингдек, контрреволюцион каллакесар бандитлар раҳбарлигига даъвогар, ўзи афғон, аммо америка граждани бўлган Зиё Носирий ва бошқалар билан тил бириктириб, уларнинг кўпоровчилик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Америка империализмининг Афғонистонга қарши олиб бораётган тажовузкорлик ҳаракатида Покистон реакция доиралари ҳам мудҳиш роль ўйнамоқда. Ҳозирги вақтда Афғонистоннинг Покистон билан бўлган чегара районларида 70 дан ортиқ махсус базалар, таянч нуқталари ташкил қилинган. Бу базаларда минглаб каллакесар-қароқчилар, ифвогарлик, кўпоровчилик билан шуғулланувчи контрреволюцион кучлар Америка, Хитой, Миср, Покистон инструкторлари раҳбарлигида тарбияланиб, қуроллантирилиб Афғонистонга қарши жўнатилмоқда.

Қартер ҳукумати Афғонистонга қарши қаратилган кўпоровчилик ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ниятида Покистонга 400 миллион доллар ҳарбий ёрдам бермоқчи бўлди.

Америка ҳукмрон доиралари ўзларининг агрессив хатти-ҳаракатларини АҚШдан 14 минг километр узоқликда бўлган районда «Американинг миллий манфаатлари хавф остида қолди» деган уйдирмалар билан ниқоблашга уринмоқда.

Афғонистонга қарши тажовузкорона ҳаракатда Пекин раҳбарлари ҳам Америка империалистларидан орқада қолаётгани йўқ. Ҳозирги вақтда Хитойнинг Синьцзян районида Афғонистонга қарши қуролли гуруҳлар, каллакесар-бандитлар тайёрландиган бир неча марказлар ташкил этилди.

Афғонистонга қарши қаратилган агрессив ҳаракатни Миср ва бошқа реакция араб давлатлари ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Саудия Арабистони бўлса, афғон контрреволюциясининг марказига айланиб қолган Покистонга 700 миллион доллар инъом этди. Шундай қилиб, янги ижтимоий ҳаёт қуриш учун курашаётган афғон халқига қарши эълон қилинмаган уруш бошланиб

кетди. Империалистик доиралар, АҚШ Марказий Разведка бошқармаси, Покистон территориясида тайёрланаётган босқинчилар ички реакция кучлар билан тил бириктириб, 1979 йил 29 декабрда Афғонистонда реакцияон тўнтариш ўтказиш, Афғонистон Халқ Демократик партиясини бутунлай тугатиш, Апрель революцияси қўлга киритган ютуқларни барбод этиш, мамлакатни парчалаш, унинг миллий мустақиллигига путур етказмоқчи бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев шу йил 22 февралда Бауман сайлов округи сайловчилари олдида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, Афғонистонга қарши қаратилган «Мазкур интервенция Афғонистон революциясини ва қолаверса бизнинг Жанубий чеграмиз ҳавфсизлигини жиддий таҳлика остида қолдирди».

Афғон халқи учун хатарли вазият вужудга келган бир шароитда 1979 йил 27 декабрда Афғонистонда революцион ўзгариш рўй берди. Амин ва унинг тўдаси ҳокимиятдан четлатилди. Бабрак Қормал бошлиқ Афғонистоннинг янги ҳукумати мамлакат миллий мустақиллигини сақлаб қолиш, Апрель революциясини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш мақсадида Совет Иттифоқидан иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий ёрдам беришни илтимос қилди. Бунга жавобан, Совет давлати 1978 йил 5 декабрда Афғонистон Демократик Республикаси билан тузган шартноманинг 4-моддасига биноан, чекланган миқдордаги қуроли кучларини Афғонистонга юборди. Совет Иттифоқининг бу ёрдами афғон халқи томонидан яқдиллик билан маъқулланди ва мамнуният билан кутиб олинди. СССРнинг Афғонистонга юборган чекланган қуроли кучларининг бирдан-бир вазифаси Афғонистонга қарши четдан бўладиган агрессияни олдини олишдан иборат, ҳолос.

Л. И. Брежнев 27 май 1980 йил Яман Социалистик Партияси Марказий Комитети Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Кенгаши Президиуми Раиси, ЯХДР Бош министри Али Носир Муҳаммад шарафига Москвада берилган зиёфатда сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, Афғонистонга қарши «ташқаридан аралашувнинг ҳамма формалари тўхтатишига ва қайта бошланмаслигига тегишли халқаро гарантиялар берилган тақдирда Совет Иттифоқи қўшинларини Афғонистон территориясидан олиб чиқиб кета бошлаш муддатлари тўғрисидаги ва шу йўналишда қўйиладиган кейинги қадамлар ҳақидаги масала ҳам ҳал этилиши мумкин».

КПСС Марказий Комитети июнь (1980 й.) Пленуми қарорларида таъкидланишича «Марказий Комитет Пленуми ташқаридан бўладиган қуроли ҳужумларни ва аралашувни даф этиш соҳасида Афғонистонга ҳар томонлама ёрдам бериш борасида қўрилган тадбирларни тўла-тўқис маъқуллайди».

Афғонистоннинг янги раҳбарлари мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати асосий йўналишларини белгилаб берди. Демократияга зид бўлган барча қонунлар бекор қилинди. Мамлакатда эълон қилинган Умумий авфга кўра, ўн беш минг бегуноҳ киши қамоқдан озод қилинди.

Партия қурилишида партия бирлигини сиёсий, идеологик ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва унинг ролини, обрў-эътиборини ошириш, мамлакатдаги революцион, илғор, ватанпарвар, прогрессив кучларни бирлаштириш соҳасида жиддий ишлар қилинди.

АХДП Марказий Комитетининг шу йил апрель ойида бўлиб ўтган Пленумида Апрель революцияси тўғрисида қўлга киритилган ютуқларга яқун ясалди. Пленум Афғонистон Демократик Республикасининг вақтинчалик асосий қонуни ҳисобланган «АДР асосий принциплари»ни ва АХДП Уставини маъқуллади.

Совет халқи қўшни Афғонистонда содир бўлаётган революцион, демократик ўзгаришларни, афғон халқининг янги жамият қуриш борасидаги адолатли курашини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари 60 йилдан зиёд тарихга эга. Бу даврда СССРнинг беғараз моддий-техника ёрдами асосида 70 дан ортиқ турли саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик объектлари қурилиб, ишга туширилди.

СССР билан АДР ўртасидаги дўстона муносабатларда бутунлай янги давр бошланди. Совет Иттифоқининг Афғонистон Демократик Республикасига ҳар томонлама кўрсатаётган дўстона ёрдами Афғонистон партия ва ҳукумати раҳбарлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Ҳозирги вақтда заҳматқаш афғон халқи қўлига қурол олиб ички ва ташқи реакцияга қарши Апрель революцияси ютуқларини сақлаб қолиш учун кураш олиб бормоқда. Бу адолатли курашида у ёлғиз эмас, албатта. Жаҳондаги барча социалистик демократик, прогрессив кучлар янги жамият қураётган демократик Афғонистон томонидадир.



Мухсин Қодиров

ШУКУР БУРҲОНОВ

Совет театрининг атоқли намояндаси СССР Халқ артисти Шукур Бурҳонов етмиш ёшга кирди. У қадрдон коллективи бўлмиш Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри бағрида муайян йўлни босиб ўтди, аллома устозлар Уйғур, Ятим Бобоҷонов, Аброр Ҳидоятловлар мураббийлигида сабоқ олди, улар билан ёнма-ён турди. Бу ҳақда Амин Турдиевнинг «Саҳнам, саҳнадошларим» китобида ёзган: «Бу ғоятда қобилиятли йигитни Аброр акам севиб қолди. Ятим Бобоҷонов битта мағиз топса иккига бўлиб, ярмини Шукуржонга берарди. Оға зўр меҳр билан уни кузатди, камол топишига кўмаклашди».

Ҳам туғма истеъдодли, ҳам яхши ижодий муҳитга тушгани, ҳам ўзининг ишчанлиги туфайли Шукур Бурҳонов жуда тез танилди. Икки-уч йил орасидаёқ, эпизодик роллардан йирик образлар яратишга ўтди.

1936 йилда Фулом (К. Яшин «Номус ва муҳаббат») ролдан бошлаб актёр қаҳрамон характерини чуқур тадқиқ қилишга, унинг руҳий оламига киришга интилади. Артист шундан эътиборан, ўз мавзуи, ижодий қиёфаси ва услубига эга бўла борди. Миллий анъаналарни ўзлаштириш, тил ва овоз устида тинимсиз ишлаш, Аброр Ҳидоятловдан ўрганиш билан бир қаторда Качалов, Москвин, Леонидов, Хоравалар санъатидан таъсирланди. Шукур Бурҳонов танлаган йўл ва ижодий услуб ўзбек театрига бегона эмас эди. Бу — қаҳрамонлик — романтик йўналиш бўлиб, буюк актёр Аброр Ҳидоятлов томонидан асосланган эди. Шукур Бурҳоновнинг дастлабки ижодидан Рустам (У. Исмоилов, «Рустам»), Швандя (К. Тренев, «Любовь Яровая»), Ғофир (Ҳамза, «Бой ила хизматчи») образларида ана шу йўналишга хос хусусиятлар кўзга ташланди.

Социалистик реализм санъати романтикани инкор этмайди. Аксинча, ҳис-туйғуларнинг юксак даражада тошқин ва ҳароратли ифодаланиши реализмни бойитади, унга чирой беради. Шукур Бурҳонов романтикасига ҳам шу нуқтаи назар билан ёндошмоқ керак. Артист яратган кўп образларнинг романтик руҳи асарларнинг реалистик замини билан уйғунлашиб кетади. Романтика артистнинг янги ҳаёт учун кураш олиб бораётган халқ баҳодирларининг руҳий ҳолатлари, орзу ва ҳаракатларининг романтик ҳарорат ва зўр эҳтирос билан ифодаланишида, ўтмишда ёки шу кунгача зулм-истибдод ҳокимлик қилаётган ерларда озодлик учун курашган қаҳрамонларнинг иродаси, ғазаб-нафрати, орзу-хаёлларининг жўшқинлик, оташинлик билан тасвирланишида; классик драматургия қаҳрамонларининг жасорати, ботирлиги, донишмандлиги, ўй-фикрларининг кўтаринки, ёрқин ва шиддатли акс эттирилишида кўринади. Шукур Бурҳонов қаҳрамонларини эслар эканмиз, кўз ўнгимизда бирич-кетин турли замонларда яшаган, турли халқларнинг асл фарзандлари: исёнкорлар, революционерларнинг серқирра ва мураккаб образлари намоён бўлади. Олеко Дундич (М. Кац ва А. Ржешевский, «Олеко Дундич») ва Йўлчи (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Сотилмиш (Нозим Ҳикмат, «Туркия ҳақида ҳикоя») ва Нолинакха (Тагор, «Ганг дарёсининг қизи»), Ваня тоға (А. П. Чехов, «Ваня тоға») ва «Ҳамлет (Шекспир, «Ҳамлет»), Собир Раҳимов (Яшин, «Генерал Раҳимов») ва Шумилов (Н. Сафаров, «Шарқ тонги») образлари шулар жумласидандир.

Қирқинчи йиллар сўнгида санъаткор трагик роллар ижросида ўз қобилияти ва маҳоратини намойиш эта бошлади. Бу соҳадаги кескин ижодий бурлиш 1950 йилда ўйналган Ҳамлет роли ижросида юз берди. Аброр Ҳидоятлов ижросидан руҳланган артист Ҳамлетни, Олим Ҳўжаевдан фарқли ўлароқ, ички изтироб билан ўйнади. Унинг Ҳамлетга қайноқ қалбли, ҳаяжонли, ҳаёт жумбоқлари устида ақл билангина эмас, балки бутун борлиғи билан ўйловчи, ҳақиқатни шиддат билан изловчи, саройда ҳукмрон рибкорлик, фитнес-фужур, разилликларни қатъий фош этувчи қудратли инсондир. Улуғбек (Мақсуд Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»), Брут (Шекспир, «Юлий Цезарь»), Эдип (Софокл, «Шоҳ Эдип») ролларида унинг трагиклик иқтидори тўла-тўлиқис намоён бўлди.

Брут роли, аввало, тарихан ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Бурҳоновнинг Брути ўзининг ички тўлқини, фикр ва ўйларининг кенглиги, характерининг қиррадор ва метинлиги билан жалб қилади. Томошабин халқ эркинлигига жонини тиккан чинакам қаҳрамон Брутнинг ҳалокати, фожиаси халқдан йироқлигида эканлигини яхши тушуниб олади.

Бу ролда актёрнинг улкан ҳис-туйғулари, теран фикрлари намойиш қилинди. У кўпгина сахналарда бир сўз демасдан бир неча дақиқа томошабинлар нигоҳини ўзига қадаб қўяди. Улар худди сеҳрлангандай, кўз узмасдан қаҳрамоннинг ҳаракатларини кузатадилар. Шу жиҳатдан сенат кўриниши бағоят яхши ишланган.

...Сенаторлар ўз ўрнида. Брут — Ш. Бурҳонов улардан ажралган ҳолда пастда тик турибди. У машъум ўйлар гирдобида. Зеро, демократияни бузаётган, истибдод йўлига тушган дўсти Цезарни ўлдиришда иштирок этиши керак. Унинг қалбида инсонийлик билан граждандлик туйғулари ўзаро жанг қилади. Аммо қатл бошланади. Брут бундай даҳшатли манзарани кўрмасликка ҳаракат қилади, кўзларини ерга қадаб ҳаракатсиз тўлғанади. Бирин-кетин ханжар зарбага ураган Цезарь (бу ролда Олим Ҳўжаев билан Қудрат Ҳўжаев чиққан Эди) ним айлана зинадан юқоридан пастга қулаб келавериб, охирида Брутга келиб тақалади ва ўлим талвасасида нажот истагандай унга суяниб, тикилади. Бир муддат ҳамма жим қотади. Брут ҳангу манг, унинг бутун вужуди виждон азобида титрайди. Аммо на илож: сўз берган, олий мақсад масъулияти ҳам бор. У изтиробда қоврилган кўйи Цезарнинг кўксига ханжар уради. Сўнг телбалардек унга тикилиб, бош эгади...

Брут образи ўзбек театр санъатининг катта ютуқларидан бири сифатида қайд этилди. СССР халқ артисти Н. А. Анненков 1964 йилда шундай деган эди: «Юлий Цезарь» спектаклида катта истеъдод эгаси Шукур Бурҳонов яратган Марк Брут образи алоҳида ажралиб туради. Артист талқинида биз қотилни эмас, балки кишилар озод яшайдиган республикани барпо этишга интилган курашчини кўз олдимишга келтирамиз».

Театршуносларнинг қаҳрамон ва халқ проблемаси нуқтаи назаридан Мирзо Улуғбек образининг Брут образига яқинлиги тўғрисидаги фикрларига қўшилмасдан бўлмайди. Дарҳақиқат, Шукур Бурҳонов ижросида бу икки қаҳрамоннинг, бу икки улуғвор ва қудратли инсоннинг фожиаси халқдан жуда олисда бўлганлиги билан изоҳланади. Артист улуғ олим ва мутафаккир Улуғбек образини ҳам романтика руҳи билан суғорилган равишда тарихан конкрет, чуқур, кўп қиррали ва ўзига хос қилиб талқин этади. Ижрочи Улуғбекни яхшилик ва ёмонлик манбаларини тўла тушуниб етмаган, фақат ўз кучи ва султонлиги билан барча разилликларни йўқ қилмоқчи бўлиб, халқдан ажралиб қолган ва реакционерлар қаршиликка дуч келган маърифатпарвар шоҳ сифатида катта маҳорат билан акс эттирган.

Актёр киёфасидаги Улуғбек — қудратли шахс. У спектаклда тасвирланган даври ва муҳитида бошқалардан мислсиз устунлиги билан яққол ажралиб туради. Санъаткор Мирзо Улуғбекнинг мураккаб руҳий дунёсини, зиддиятларини, бир-биридан кескин фарқ қилувчи ҳолатларини ажойиб бир моҳирлик билан очиб беради. У гоҳ хаёлга чўмган фазокор олим, гоҳ сезгир сиёсатчи, гоҳ вазоҳатидан сарой аҳли зир титровчи шоҳ, гоҳ оддий боғбон қизи Ферузани чин қалбдан севувчи вафоли ёр, гоҳ меҳрибон устоз, гоҳ қаҳрли ота, гоҳ аҳли шуаро қадрига етган нозиктаб инсон.

Энг муҳими, санъаткор Улуғбекни четда туриб кузатмасдан, асар руҳи ва моҳиятига сингиб кетиб, уни тадқиқ этади. Профессор М. С. Григорьевнинг сўзи билан айтганда, Улуғбек сиймосида «томошабин артисти эмас, чинакам XV аср намояндасини кўрган».

Брут ва Улуғбек образлари Шукур Бурҳоновнинг улкан ғалабаси, артист камолотининг ёрқин нишонаси бўлди. Бу фикрни совет томошабинларигина эмас, чет элдан келган жуда кўп меҳмонлар ҳам эътироф этишди. Калькутта университетининг профессори Сунайити Кумари Гадердша театрнинг «Таассуротлар дафтари»да бундай деб ёзган эди: «Ҳамза номидаги театр сахнасида Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясини зўр қизиқиш ва ихлос билан томоша қилдик. Артистлар тилини тушунмасак-да, жаноб Бурҳоновнинг Улуғбек ролин: маҳорат билан ўйнаши бизга жуда манзур бўлди. Бурҳонов чинакам катта санъаткор».

Санъаткор ижоди ижтимоий, фалсафий ва ғоявий мазмундор, кўп қиррали. У фожиавий, ўткир драматик, лирик характерли ва ҳатто ҳажвий йўналишдаги кўпгина ажойиб ролларда сахнага чиқиб, ўз маҳоратини намойиш этган. Шаҳар хоқи-

ми (Н. Гоголь, «Ревизор») ролида санъаткор ўзининг сатирик қобилиятини намойиш қилди. Актёрнинг чуқур психологик ижроси ва драматизми Войницкий (А. Чехов, «Ваня тоға», 1958) ва Хлебников (А. Штейн, «Шахсий иш», 1956) ролларида ҳам яхши кўринди. У қандай ролда ўйнамасин, инсон тақдирини, унинг ижтимоий муҳит билан муносабатларини, ички дунёсини, кечинмаларини очишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди, улуғликини оддий қилиб, оддийликини буюк қилиб кўрсатишга интилди, салбий қаҳрамонлар устидан ҳам жиддий кулди, ҳам қатъий ҳукм чиқариб келди.

Ушбу фазилатлар актёрнинг на фақат сахнада, балки кинодаги фаолиятида ҳам ўз ифодасини топди.

Кино артисти сифатида у илк бор «Асал» (1940 й.) фильмида Рустам, кейинчалик «Уйқусиз йўл» (1964 й.) фильмида Ниёзий ролларида чиқди. Аммо Наби Ғаниевнинг оламшумул «Тоҳир ва «Зухра» (1945 й.) фильмидаги Қоработир образигина чинакам шухрат келтирди. Бошдан-оёқ қора либосга бурканган, Тоҳирга нисбатан ҳаساد ва ғазаб ўтида ёнган, кўзлари чақнаган, минг афсусли, замонасининг зайли, отасининг майли билан куч-ғайрати, баҳодирлигини ёмонлик йўлига сарф этишни ўрганган Қоработир — Ш. Бурҳонов томошабинлар хотирасида муҳр бўлиб ўрнашди.

Актёрнинг кинематографиядаги ижоди театрдаги фаолиятининг давомидир. Гап кинода ҳам ўзининг сахнавий тажрибаси, изланишларига таянганида эмас. Гап шундаки, актёр кино санъатида ҳам ўз ижодий мавзулари, тасвирий воситаларига содиқ қолади. Аммо бу санъаткорнинг сахнавий ва кинодаги роллари ўртасида фарқ йўқ деган сўз эмас. У ҳеч қачон ўз-ўзини такрорламайдиган, тинимсиз изланадиган санъаткордир. Шукур Бурҳонов санъати — ҳаракатдаги санъат. Хотиржамлик унга берилган.

Шукур Бурҳонов Комил Ерматовнинг трилогияси бўлмиш «Осиё устида бўрон» (1965 й.), «Инқилоб чавандозлари» (1968 й.), «Қора консулнинг ҳалокати» (1971 й.) фильмларида Юсуф ялангтўш ва Азнавур полвон образларини яратди. Шундан, айниқса, Ялангтўш образи актёрнинг инсоний — гражданлик принциплари ва ижодкорлик табиатига мос келганлиги ҳам улкан ғоявий-бадиий савияга эга бўлганлиги билан муҳим. Ялангтўш на фақат кинематографияда, балки умуман ўзбек совет санъатида катта воқеа, муҳим босқич, улкан маҳорат мевасидир. Санъаткор Ялангтўшни халқ достонларидаги қаҳрамонлар сингари содда ва қув, тадбиркор ва довурак, меҳрибон ва ғазабнок, ақл-фаросатли паҳлавон қилиб гавдалантиради. Меҳнаткаш халқ қасоскори Ялангтўшнинг Октябрь революцияси томонига ўтиши, воқеалар ва синовлар давомида унинг чинакам инқилоб чавандозига айланишини актёр таъсирли, айти чоқда мазмунли воситаларда ишонarli акс эттира олган. Золим ва ваҳшатли Калинин шох («Илья Муромец», 1965 й.), манманлик, кибру-ҳавога берилган колхоз раиси Қаландаров («Синчалак» 1961 й.), виждон азобиди қийналган профессор Маҳмудов («Виждон амри», 1966 й.), омма орасидан чиққан девюрак қизил командир Матнёз Бойсунов («Узоқ ва яқин йиллар», 1977 й.), каби образларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбек сахнавий Ленинномасига муносиб ҳисса қўшган ва уни ривожлантирган санъаткорлар ичида Шукур Бурҳоновнинг ҳам муносиб ўрни бори. У, Ҳамза номидаги академик драма театри сахнасида яратилган тўрт спектаклда (Н. Погодин, «Кремль курантлари», В. Вишнеvский, «Унутилмас 1919 йил», Ш. Дадияни, «Учқундан аланга», К. Яшин, «Йўлчи юлдуз») доҳий В. И. Ленин қиёфасида кўринди. Доҳийнинг ўзига хос характери, руҳий олами спектаклдан спектаклга актёрнинг ижросида очиқлиб, тиниқлашиб борди. Бунда тарихий фактларни, доҳий биографиясига оид манбаларни синчиклаб ўрганиш ва унинг халқимиз тасаввуридаги тасвири билан қизиқиш Шукур Бурҳонов ижодида муҳим аҳамият касб этди. Санъаткор доҳий образини яратишда поэтик концепцияни асос қилиб олди, натижада у В. И. Лениннинг ташқи портретини тўғри чиизибгина қолмасдан, унинг беҳад куч-қудратга, революцион темпераментга тўлиб-тошганини, ҳис-туйғулари тўлқинини, фавқуллода бой руҳиятга эгаллигини, тафаккур кучини ифодалашга ҳаракат қилди ва шу йўлда принципиал бадиий муваффақиятга эришди.

Шох Эдип образида санъаткор руҳий-маънавий таъсирчанликни тафаккур кучи билан бирлаштириш ботида, ҳақиқатларварликдан иборат етакчи ижодий мавзуини янада ёрқинроқ ифодалашда тағин бир поғона кўтарилди.

Гап бундан икки ярим йил муқаддам ўтган юнон драматурги Софоклнинг «Шох Эдип» трагедиясида яратилган бош қаҳрамон образи ҳақида бормоқда.

Спектаклни кўрган томошабин Аристотель томонидан қатарсис, яъни ларзага солиш йўли билан инсон руҳини тозалаш, деб белгиланган ҳолатга тушиб, маънавий завқ-шавққа тўлади.

У. Умарбеков драмаси асосида яратилган «Қиёмат қарз» спектаклининг бош қаҳрамони Сулаймон ота ролида эса санъаткор барча жанрларда олиб борган изланишларини жамулжам қила олди. Бу образи орқали у ўзининг юксак одамийлик ва гражданликдан иборат фазилат соҳиби эканини намойиш этди. Юксак фалсафий умумлашмага эга кўп қиррали, чинакам ҳаётий, такрорланмас сахнавий образ яратди. Шу боис «Правда» газетаси санъаткор маҳоратига юксак баҳо берди. «Қиёмат қарз» драмаси Ўзбекистоннинг энг машҳур актёрларидан бири Шукур Бурҳонов та-

ланти учун катта имконият яратиб берди,— деб ёзади рус театршуноси К. Рудницкий.— Шукур Бурҳонов ижросидаги кекса Сулаймон ота роли артистни йўл-йўлакай бир эпизоддан бошқа эпизодга, бир жанрдан бошқа жанрга: драмадан комедияга, комедиядан яна драмага ўтишга, баъзан гоҳ трагедияга, гоҳ водевилга яқин бо-ришга мажбур этади. Мана шу жуда мураккаб эмоцияни Бурҳонов ниҳоятда содда, табиий қилиб кўрсатади. Кучли, чинакам халқ характериغا хос ҳақиқатга ҳеч қаерда заррача зарар етказмайди. Ҳамма коллизияларда — ҳам ғамгин, ҳам кулгили ҳолат-ларда пьесанинг бош темасига содиқ қолади».



Санъаткор яратган образларнинг аксарияти кенг кўламли, йирик ва мураккаб образлардир.

Бироқ Нозим Ҳикматнинг «Туркия ҳақида ҳикоя» драмасида у эпизодик Сотил-миш образида кўринади. Аммо актёр маҳорати, жозибаси шунчалик зўрки, ҳатто мана шу эпизодик рол ҳам катта фалсафий умумлашма касб этиб, етакчи қаҳрамон-лар қабатидан ўрин олди.

Театр томошабиннинг ақлини пешлаши, руҳий оламини бойитиши, унинг ақли ва қалбидаги гўзаллик ва эзгулик уруғларини кўкартириши керак — Шукур Бурҳонов позицияси ана шундай. Шу сабабдан у ҳар қандай асарга, ҳар қандай ролга рози бўла қолмайди. Асар ва ўзига мўлжалланган ролнинг ғоявий салмоғини, томошабин учун зарурлигини ўйлайди, ўз истеъдоди, имконияти ва интилишларига мос келиш-келмаслиги устида бош қотиради. Санъатда биронта янги гап айтиши, томошабини ларзага сола олишига кўзи етсагина ишга киришади.

Санъаткорнинг рол устида ишлаш жараёни ҳам ўзига хос. Бўлажак образнинг икир-чикиригача, яъни бош кийимининг рангидан тортиб, оёғидаги туфлисининг бо-ғичигача, қадам ташлашидан тортиб, сўзлаш оҳангигача пухта ўйлаб, образга кириб олмагунча қўймайди, на ўзига, на постановкчиларга тинчлик беради, барчадан жид-дият ва интизом талаб қилади. Шунинг учун ҳам, Шукур Бурҳонов иштирокидаги репетициялар актёр ва режиссёрлар учун мисоли бир мактаб вазифасини ўтаб келади. Актёр премьерадан кейин ҳам тинчимайди, янги топилмалар билан образни мукамаллаштриб боради. Ролни юзинчи марта ўйнаётганда ҳам дастлабки жози-ба, эҳтирос, ҳис-ҳаяжон, мантиқ, маҳорат сақланиб қолади. Сақланиб қоладигина эмас, янада бойиб, теранлашиб боради. Ушбу асосий фазилатлар, савияни таъмин-лашда Шукур Бурҳоновнинг ўз томошабинлари, оддий кишилар орасида кўп бўли-ши, уларнинг қалбига қулоқ солиши, яъни ҳаёт билан мустаҳкам алоқа боғлаши алоҳида аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, Шукур Бурҳонов — халқчил санъаткор. У яратган қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракати, қиёфаси ва нутқида ўзбек халқининг ақл-заковати, баҳодирлиги, шои-рона қалби, мусиқийлиги, жушқинлиги, самимийлиги барқ уриб туради. Унинг қайси ролини олиб қараманг, унда ўзбек актёрлик мактабининг олтин тамғаси бор.

Сўхбатларимиздан бирида Шукур Бурҳонов шундай деган эди: «Халқ артисти-нинг тоши оғир бўлади. Уни кўтара олиш керак. Халқ артисти яратадиган ҳар бир образ одамларнинг маънавий дунёсини бойитадиган салмоқли, санъатда янги гап бўлиши керак». Санъаткорнинг ўзи ана шу ақидага ҳар қачон содиқ бўлиб кел-моқда.



Баҳодир Аминов

ФОЖИЙЛИК ТАҲЛИЛИ

(ИККИ АСАР ХУСУСИДА)

Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари бошига бемисил кулфатлар солди.

«Тўплар гумбирлаганда илҳом парилари жим туради» дейилган қадимий рус мақолига зид ўлароқ, совет адиблари урушнинг дастлабки йиллариданоқ жанг майдонлари билан алоқани мустақкамладилар. Ижтимоий руҳ билан интим руҳ, жамият манфаатлари билан шахс масъулияти ўртасида узвий бирлик юзага келди ва бундай мустақкам алоқа ёвуз душман устидан ғалаба қозонишимизга ёрдам берди.

Рус ва қардош ёзувчилар каби ўзбек адиблари ҳам ҳукм сурган фожий шароитнинг бутун реаллигини рўй-рост ифода қилиш ва ана шундай мураккаб вазиятда ҳар бир кишининг қалбида, — у қаерда бўлмасин — фронтдами, фронт ортидами сафарбарлик туйғусини тасвирловчи асарларини яратдилар. Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари», «Шинель», «Ниҳол», «Россия», «Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой», Ғафур Ғулومнинг «Сен етим эмассан», «Мен яхудиёман», «Соғиниш», «Хотин», Ойбекнинг «Ёвга ўлим», «Раиса», Уйғуннинг «Ватан ҳақида қўшиқ», Шайхзоданинг «Капитан Гастелло», Зулфиянинг «Уни Фарҳод дер эдилар» сингари шеър ва балладалари, Комил Яшиннинг драмалари, Собир Абдулла, Амин Умарий, Темур Фаттоҳ, Абдулла Қаҳҳор, Ҳасан Пўлат, Зафар Диёр, Султон Жўра каби ижодкорларнинг уруш даврида яратган қатор асарлари фикримизнинг далилидир.

Фикру зикри, фаолияти, бутун борлиги билан халқ тақдирини ўйлаб иш тутган уруш даври кишиси ўша пайтда яратилган бадий асарларимизнинг бош қаҳрамонига айланди. Бевосити сафарбарлик мавзуида жаранглаган шеърлардан тортиб, Ватан, севги, она меҳри ва қаҳри, қардошлик туй-

ғулари ифодаланган асарларгача — барчасида уруш ўз домига тортган кўлам ва миқёс, макон ва замон, кенг ва чуқур акс эттирилди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ғафур Ғулумнинг «Сен етим эмассан» ва Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» шеърий асарларини яна бир бор таҳлил этишни лозим топдик.

«Сен етим эмассан» шароитнинг фожий руҳи, шахснинг трагик вазиятдаги ҳолатининг ифодаси нуқтаи назаридан уруш даври шеърятининг энг яхши намунасидир. Мазкур шеър моҳиятига чуқурроқ кириб борилса, фожий шароитнинг кўлами, трагик шахс кечинмалари, лирик қаҳрамоннинг ҳайқириқ-нидоси, нафрат ва муҳаббатнинг зиддиятли тўқнашувлари яққол кўзга ташланади.

«Сен етим эмассан» шеърида уруш шароитининг фожий руҳи қизиган темирнинг яллиғ тафтидай сезилиб турибди. «...Музлаган аждар ҳалқумли ваҳшат тўпларининг қаҳқаҳаси; ...одамзод шаклида юрган лаънати девларнинг манфур, юқумли, мараз намойиши...» Ҳа, уруш шароитининг реал манзараси булар.

Гап шундаки, шоирнинг лирик мурожаати қаратилган объект, яъни гўдак уруш тўфонлари қутуриб турган жанг майдонларидан келтирилган. Шоир (бу ўринда фожий шахс дейиш мумкин) трагик шароитнинг маҳсули бўлмиш ота-онасиз гўдак ёдига уруш даҳшатларини солмоқчи эмас. «На ғурбат, на офат, на ғам» ҳали норасида гўдакнинг «ҳарорат, муҳаббат, шафқат»га бўлган ҳаққиға соя солмаслиги керак. Лирик қаҳрамон урушнинг очофат ҳамласидан соғ-омон қолган гўдакни фронт ортида барча балолардан муҳофаза этаётир. Шунинг учун ҳам шоир худди «алла»дай «сен етим эмассан, ухла жигарим» деб бутун меҳр кўри билан гўдакка мурожаат этади:

Бу ерда музлаган
 Аждар ҳалқумли
 Ваҳшат тўпларининг
 Қаҳқаҳаси йўқ.
 Бу ерда — одамзод
 шаклида юрган
 лаънати девларнинг
 манфур, юқумли
 мараз намойиши
 тополмас ҳуқуқ.

Бу ерда лирик қаҳрамоннинг (уруш манзараси билан фронт ортини кўринмас ип билан боғлашдан ташқари) ғалабага бўлган буюк ишончи балқиб туради. Меҳр билан нафрат ўртасидаги зиддият эса, трагик шароит билан фожий шахс ўртасидаги зиддиятнинг ифодаси тарзида юзага келадики, Ғафур Ғулумнинг маҳорати тарихийлик принципига амал қилиб, макон ва замоннинг яхлитлигини таъминлай олиш қудратига кўринади.

Шоир давом этар экан энди бор ҳақиқатни яшириб ўтиришни лозим топмай қолади. Чунки «улуғ насл»нинг «юраги, жони» бўлган бу гўдак «қақорат емрилган, зулм янчилган» келажакнинг эгаси, «улуғ оиланинг гўдак фарзанди». У ҳозир ҳатто «қақорат, муҳаббат, шафқат» билан қуршалган бўлса-да, уруш даҳшатлари «унинг мурғак тасаввурига ўз муҳрини босган, энг меҳрибонларидан бир умрга айрилган. Гўдак образида — уруш фожияси, унинг тақдирида — урушнинг қора кўланкаси унинг тепасида эса, енгилмас, қудратли халқ тимсолидай энг оғир дардларни ичига ютган, меҳр тўла нигоҳини гўдакка тиккан ота сиймоси. Гўдакнинг кўприк қоқишидан чўчиб тушишига қадар ҳар бир ҳаракат ҳам унинг эътиборини жалб этади, дилида оламолам зиддиятли туйғулар жунбушга келади, оташин меҳр ўтли ғазаб билан алмашиб туради. Биз тўла маънода айтишимиз мумкинки, шеърда лирик қаҳрамоннинг ота образида гавдаланган тимсоли урушнинг барча қарама-қаршиликлари ва зиддиятларини ўзида ифода этган фожий шахсдир.

Нега чўчиб тушдинг?
 Мурғак тасаввур,
 Гўдак хаёлингга
 Нималар келди?

Дарҳақиқат, ҳали мурғак тасаввурда бўлган гўдак хаёлига нималар келиши мумкин? «Одесса даҳшати, Керчь фожияси, ёввойи махлуқлар, қонхўр ваҳшийлар...» Мурғак тасаввур шуларни хаёлига келтириб, чўчиб тушдимикан? Булар урушнинг кўлами, унда дайдиб изғиган ажалнинг ёввойи қиёфаси. Урушнинг гўдак назарида гавдаланиб, бир умр ёддан ўчмайдиган бошқа бир хунук манзараси ҳам борки, бу даҳшатни унинг хаёлларидан қувиб чиқаришга лирик қаҳрамоннинг ўзи ҳам ожиз:

Маммаси кесилган
 Шўрлик онангинг
 Пажмурда гавдаси
 Кўзинг ўнгиди

Бутун даҳшати-на
 Акс этар энди.

Шеърнинг фожий оҳанги тобора чуқурлашиб боради. Шахс билан шароит ўртасидаги рухий зиддият кучаяди. Шоир таранг тортилган ипни бўшаштирмайди, балки чексиз ва поёнсиз дардларни бир нуқтага йиғиб, бу сўнгсиз фожиядан гўдакни муҳофаза этишга талпинади:

Онанг ҳўрландими,
 Отанг ўлдими,
 Сен етим қолдингми,
 Қайгурма, кўзим,
 Кўзим усти,
 Миннатинг бошимга дурра.

Оний бир фурсат ичида лирик қаҳрамон қалбида камалак рангидай товланиб, зарбма-зарб урилаётган залворли туйғулар тингловчи ва ўқувчини ўз гирдобига торта боради. Лекин ўқувчи ё тингловчи аянчли ҳолатга, даҳшатга тушмайди, балки энг улуғвор туйғулар парварши толиб, урушга, ёвузликка қарши ирода камол топа боради, фожийликда энг муҳим ҳолатлардан бири — «катарсис» (фожиянинг ўқувчи ё тингловчи туйғуларини «тозаловчи» («очишюшее») ҳамда катта ишларга сафарбар қилувчи хусусияти) рўй беради.

Алҳазар,
 алҳазар.
 Кўпирар,
 томирларда қон
 Ва портлар ҳадемай
 Бу ўтли вулқон.

Шахс билан шароит ўртасидаги кучли зиддият ниҳоят ана шундай тарзда кульминацияга етказилади. Лекин «ҳадемай» деган сўз оғир курашлар ҳаёт-мамонт жанги давом этажигини англаиб турипти. Шоир ҳаёт ҳақиқатига хилоф иш тушмайди, бу билан фожиянинг нақадар оғир эканлигини ҳам кўздан яширмайди.

Иккинчи таҳлил қилмоқчи бўлган асаримиз Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» балладасидир. Шоир аниқ, ёрқин тасвир воситаларида, ихчам ва содда композиция ёрдамида уруш шароитининг фожиясини шахснинг қалб призмаси орқали очиб беради. Муҳитнинг оғир юки ва кучли таъиқки остида «Ё ҳаёт, ё ўлим!» дилеммаси турар экан, шахс ана шу аснода чегаранинг у ёки бу томонига ўтишга мажбур. Уртадаги йўл — аросат йўли. Ана шундай оғир вазиятда қаҳрамонни синовдан ўтказиш шахс маънавий қиёфасининг реал образини рўй-рост гавдалантиришга ёрдам беради. Бу ҳол эса, ўз наватида, адабий қаҳрамоннинг ўқувчи ё тингловчига таъсир кучини оширади, унинг фожий шахс сифатидаги ролинини чуқурлаштиради.

Баллададаги Турсун образи фожий вазият туйғайли ўзини вақтинча йўқотиб қўйган, лекин маънавий жиҳатлари билан қаҳрамонга хос белгиларга эга шахсдир. Қаҳрамоннинг маънавий жиҳатлари намён бўлишида асардаги она образи зиммасига муҳим функция юклатилади. Лекин бир

нарсани тан олиш керак: агар шахс ўз моҳияти эътибори билан тубан, манфаатпарастлик ва ўз ҳузур-ҳаловатидан бошқа нарса унга бепарқ бўлса, у ҳолда ҳеч қандай куч, ҳеч қандай таъсир ҳам қилмайди; йўқ, аксинча, «яшаш завқи, жўшиб қайнашлар» (Пушкин) унга бегона туйғу бўлмасдан, қалбининг туб-тубларида инсоний қадр-қиммат, виждон ва имон, эътиқод мустаҳкам бўлса, бундай шахс энг оғир, мураккаб вазиятларни енгиб ўтишга қурби етади. Айниқса бундай ҳолат уруш пайтидаги оғир шароитда кўзга яққол ташланди, шахснинг у ёки бу вазият тазйиқи остидаги мураккаб ички психологик жараёнлари кучаяди ва жадаллашади, шахс ички маънавий бисоти билан намоён бўлади.

«Жангчи Турсун» балладасидаги она образи виждон, имон, эътиқод, умуман буларнинг барчасидан келиб чиқадиган яхлит умумлашма қарашлар йиғиндисиدير.

Ички маънавий олишувга туртки берадиган бирор объектив воқеа-ҳодиса сабаб бўлиши керак. Бир томондан, фожий шароитнинг ўзи ана шундай психологик жараён кечмишига сабаб бўлади, иккинчи томондан, олмосни маълум бир шаклга келтириш учун шу нарсанинг ўзи ва заррачаларидан фойдаланилгани каби, асарда она образи ташқи таъсир сифатидаги муҳим функцияни ўтайди. Бироқ, юқорида айтганимиздек, шахс, яъни субъектнинг ўзида ҳеч қандай замин, тайёргарлик бўлмаса, объектив шароит, яъни ташқи таъсир бирор муҳим роль ўйнаши амримаҳол. Яхлит жараённинг натижасидагина жангчи Турсун қаршимизда фожий шахс сифатида бўй курсатади.

Оғир жанг вазиятида онанинг кескин, фожий руҳ акс этиб турган оташ ҳайқиригига разм солайлик:

Қаёққа чекинмасан?
Борми кераксиз еринг?

Не учун одам бўлдинг,
Келмасанг душманга тенг?

Сенинг-чун бутун элни
Оғир уят тутсинми?
Сени кўранда қуёш
Юзини беркитсинми?

...Халқинг учун тўнжали
Нўқми бир қошиқ қонинг?
Ватанинг тупроғидан
Азиз эканми жонинг?

Онанинг жарангдор, амру фармон оҳангдай туюлган бу нидоси виждон ҳайқирининг ўзгинаси эмасми?

Шоирнинг маҳорати шундаки, у виждон ҳайқиринини келтириб чиқарган «ташқи таъсир кучи»га конкрет тус беради. Натижада меҳр ва қаҳри, нурунийлик ва хокисорликни ўзида мужассам этган онанинг қиёфаси гавдаланади.

«Жангчи Турсун» балладасида шароит миқёси ва кўлами гўё кўзга ташланмай тургандай туюлади. Бу — ташқи кўриниш ҳолос. Лекин оғир жанг майдонларидаги фожий вазият туйғули жангчи қалбини ларзалантирувчи зиддиятли туйғулар тўфони билан, фронт ортидаги онанинг ҳаёт-мамот учун ўлим билан олишаётган ўғлига нисбатан меҳри ва қаҳри ҳамда кўринмас ип билан уларнинг боғланишини тасаввур этиш орқали шахс билан, шароит, кўлам ва миқёс ўзаро яхлитликда мавжудлигининг гувоҳи бўламиз.

Кўриниб туриптики, таҳлил этилган иккала асар машаққатли ҳаёт-мамот жангида Ватан фарзандларини ёвуз душман устидан ғалаба қилиш учун олға чорлаган, халқимизнинг метин иродасини бадий акс эттирган. Шунинг учун ҳам, ҳар гал қайта ўқиганда уларнинг янги томонлари очила боради.





Изланиш куртаклари

НОРҚУЛ ҲАЙИТҚУЛОВ.
Она ер ҳақида кўшиқ.
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат наш-
риёти.

Сурхондарёлик ёш ижод-
кор Норқул Ҳайитқулов дол-
зарб мавзуларда ёзилган
очерклари билан адабий
жамоатчиликка танилиб кел-
моқда. Кейинги йилларда
турли газеталар ва адабий
журналларда унинг очерк-
лари тез-тез кўзга ташлана-
диган бўлиб қолди. Муал-
лиф «Она ер ҳақида кў-
шиқ» деб номланган янги
тўпламида ҳам бир туркум
очеркларини ўқувчилар
ҳукмига ҳавола қилган.
Уларни ўзбек адабиётида
очеркнинг энг кам тараққий
этган жанри — муаммо жан-
рига мансуб дейиш мум-
кин.

Муаммо очерк жанри
Норқул Ҳайитқуловнинг ўз-
лигини белгиладиган кўри-
нади. Тўпламдаги очерклар
бу ҳақда ишонч билан га-
пиришга имкон беради.
Бундай қараганда мазкур
очеркларда бизга мутлақо
нотаниш, янги проблемалар
деярли йўқ. Лекин шундай
бўлса-да, улар қизиқиш би-
лан ўқилади. У беҳудага
ёзилмаганлиги, сизга нима-
дир бахш этганлигига амин
бўласиз; асарга ҳамда
унинг муаллифига нисбатан
қалбда илиқ туйғу сезасиз.
Жумладан, «Дехқон ерга
қалб ҳароратини беради»
очеркида бизга кўпдан та-
ниш фикр ўртага ташлана-
ди. Бу, халқ хўжалиги, жум-
ладан, қишлоқ хўжалигида
кадрларни танлаш ва иш

жараёнида уларга ишониш,
деҳқончиликни юритишда
уларни ўз майлларига қўйиб
бериш кераклиги ҳақидаги
масаладир. Очеркларда ана
шу «эски гап»нинг янгича
талқини топилган. Гап шун-
даки, очеркда муаллиф-
нинг асар марказида тур-
ган муаммога доир узун-
дан-узоқ ўй-мулоҳазалари
йўқ. Шунингдек, унда кўп-
лаб очеркларимизда учрат-
ганимиз — асар қаҳрамони-
нинг фаолияти, уни ғалаба-
га элтувчи кураш йўлини
ҳам кўрмаймиз. Очеркда
сюжетни юргизувчи асосий
куч «гарчи асосий ғоявий
мазмунни ташимаса ҳам»
журналист йигит ҳисоблана-
ди. Воқеалар давомида у
китобхон диққатини бош
проблема атрофида тутиб
туради ва бадиий ҳақиқат-
нинг тўла-тўқис намоён бў-
лишида уюштирувчилик ро-
лини ўйнайди.

Машхур механизатор, эн-
диликда йирик пахтачилик
совхозининг директори, Со-
циалистик Меҳнат Қаҳрамо-
ни Шоймардон Қудратов
билан суҳбат эпизодини
очеркда ўзига хос бир де-
таль, аниқроғи, асар марка-
зига қўйилган проблема
хусусида гап бошлаш учун
бир восита сифатида ки-
ритган.

Очерк журналист йигит-
нинг Ш. Қудратов билан ан-
чагина давом этган суҳбати
тафсилоти билан бошлана-
ди. Бу орада журналист
(демак ёзувчи) ўз ҳамсуҳ-
бати билан бунгача ҳам кўп
марталаб учрашганлиги, до-
им пахтачилик илми, юқо-
ри ҳосил етиштириш йўлла-

ри тўғрисида Ш. Қудратов-
дан таҳсинга лойиқ фикр-
лар эшитганлигини айтиб
ўтади. Шу ўринда қаҳрамон
ва унинг ҳаётий йўлини ёри-
тадиган одатдаги очерк-
ларнинг яна биттаси дунё-
га келиши ҳеч гап эмас.
Лекин Н. Ҳайитқулов бу
йўлдан кетмади. У воқеа
изидан қувмайди, балки
фикр айтиш, яъни муаммо-
ни қўйиш ва унга нисбатан
китобхонларда мулоҳаза
уйғотиш пайида бўлади ва
натихада муҳим ижтимоий
муаммони биринчи планга
чиқаришга эришади.

Очеркларда ёзувчи ғоя-
вий ниятининг аниқлигини
ҳам алоҳида таъкидлаш
лозим. Бизда, баъзи ҳоллар-
да, очеркларимизда қаҳра-
монни мадҳ этиш автор
ғоявий ниятида етакчилик
қилиб, асарнинг ижтимоий
маъно салмоғи бирмунча
унутилар, оқибатда ёзувчи
қаламга олган воқеа ҳаётий
аҳамият касб этмасдан,
асарнинг ғоявий-эстетик
қиммати пасаяр эди.
Н. Ҳайитқулов очеркларида
мана шу камчиликдан қоч-
чиш сезилиб туради. Буни
яна ўша, «Дехқон ерга
қалб ҳароратини беради»
очеркида куриш мумкин.

Тўпламдан ўрин олган
«Кесак кимга керак» очер-
кида пахтакор меҳнати,
кузги шудгорнинг аҳамия-
ти ҳақида гап боради. Унда
ҳам олдинги очеркдаги ка-
би усул қўлланади. Муал-
лиф, кузда ўз мuddатида
шудгорни тамомлаб, қишда
ер куч тўплашига шароит
яратган, ва аксинча, бу
тадбирни қиш ва эрта баҳор

пайтларида ўтказиб панд еган деҳқонларни очерк марказида турган ҳаётий муаммонинг икки қутбига қўяди. Бу очерк ёзувчи томонидан табиат манзараларининг жонли, таъсирчан чизилиши, миришкор деҳқонларнинг ерни кузда ҳайдашнинг фойдаси ҳақидаги юрак сўзлари ва аиниқса, улар томонидан ерга берилган баҳоларнинг ҳаққонийлиги билан диққатни тортади. Очеркда айрим пахтакор хўжаликларда кузги шудгор ўз вақтида ўтказилмай, ерларнинг кам ҳосиллиги бўлиб бораётганлигига йўл қўйиб келинаётганлиги ҳақидаги мулоҳазалар китобхон қалбига ўзига ҳам-оҳанглик топади.

Жамоат чорвачилиги равнақи муаммолари тилга олинган очерклардан бири — «Яйлов мижароси»да эътибор чорва молларини боқишдаги мушкулликларга қаратилган. Очеркда тасвирланган районлар, хўжаликлар, ҳатто шахсларнинг ҳаммаси реал. Муаллиф кишиларни ўзаро мулоқотга тортиш воситасида яйловлардан фойдаланишдаги мавжуд нуқсонларни кенг таҳлил қилади. «Чўпон таёғи», «Чорвадор орзуси» очеркларида ҳам кўйчилик, қорамолчилик каби салмоқли соҳаларда учраб турадиган ва тезроқ ҳал этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган муаммоларга диққатимиз жалб қилинади. «Беллашув шартини», «Ким олдинда?», «Сўз ваз-

ни» ва бошқа очеркларда қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий-сиёсий, руҳий-маънавий дунёсига разм солинади.

Тўпламдаги баъзи очерклар муносабати билан айрим эътирозлар ҳам билдириш мумкин. Ёш ёзувчи адабиёт инсоншунослик эканлигини ҳамма вақт ҳам эътиборга олавермаган кўринади. Аксарият очеркларда марказий қаҳрамон йўқ. Муаллиф у ёки бу муаммони кўтариб чиқишга алоҳида диққат қилгану аммо китобхонга эмоционал-ҳиссий таъсир этиши масаласини бир қадар унутган. Ваҳоланки, санъат асари зиммасидаги улкан ижтимоий вазифаларни образлар воситасида адо этган.

Очеркларнинг кўпларида етакчи қаҳрамон образи йўқлиги натижасида биз унда кўтарилган ижтимоий муаммони ҳал этиш юзасидан кураш кетмаганлигини ҳам сезамиз. Ваҳоланки, очеркларда кучли драматик конфликтга эга бўладиган ўринлар йўқ эмас эди. Масалан, «Деҳқон ерга қалб ҳароратини беради» очеркида журналист йигит Шоймардон Қудратов билан чигитни экиш агротехник мурдатлари ҳақида суҳбатлашади ва ундан: «бу ишни деҳқоннинг ўзига қўйиб бериш керак» маъносида жавобни олади. Ваҳоланки, шу сюжетни Ш. Қудратов ва уни чигит экишни орқага тортаётганликда айблаган совхоз директори ўртасида

кескин кураш фонида ҳам баён этилса бўлар эди. Шунда очеркда ҳам ҳаётий кескин конфликт, ҳам курашчан ажойиб қаҳрамон образи яратилар эди, бундан асар ҳам, ёзувчи ҳам, китобхон ҳам ютган бўларди. Шунингдек, очеркнинг номланиши ҳам бизнингча тўғри эмас. Унда кадрларни танлаш ва уларнинг эркин, ижодий фаолият кўрсатишларга эрк бериш зарурлиги ҳақида гап борар экан, юқоридаги ном ўзини оқламайди. Ва ниҳоят, мазкур очеркда китобхонни бош ғоядан чалғитадиган эпизодлар ҳам бор. Хусусан, очерк сўнгида Ш. Қудратовнинг Қизириқ чўлида совхозга директорлик қилиши билан боғлиқ ўринларда шунга дуч келамиз. Асар бошида деҳқонларга ишонил тўғрисида гапириб келаётган Ш. Қудратов бу ёғида ернинг аҳамияти, қиммати ҳақидаги масалага, очеркдаги бош ғоя тақозо этмаган бошқа проблемага ўтиб кетади. Кейинги проблема аввалгиси билан мантқан боғланмайди, очеркнинг композицион ва ғоявий бутунлигига путур етди.

Яхши очерклари билан китобхонда умид туғдирган Норкул Ҳайиткулов бундай нуқсонлардан холис бўлишига ва ҳаётни янада чуқур тадқиқ этадиган асарлар яратишига ишонамиз.

Жума ХУЖАҚУЛОВ,
филология фанлари
кандидати.

Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙГУН, ЗУЛФИЯ, Х. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ,
И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИИ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ,
Т. ТУЛА, Х. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Х. АБДУ-
САМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ, У. УС-
МОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Х. ХУДОИ-
БЕРДИЕВА, Х. ШАРИПОВ.

©Шарқ юлдузи, 1980.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 9.

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент—1980.

Рассом А. Қамбаров. Техредактор М. Мирражабов. Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қай-
тарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 3.07.1980 й. Босишга рухсат этилди 4.09.1980 й. Р—03195. Қоғоз
формати 70×108¹/₁₆. Физ. листи 15. Қабариқ босма. Шартли босма листи 21.

Нашриёт ҳисоб листи 20,06. Тиражи 210.159 нусха. Заказ № 3524.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент—700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ № 1.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР—332437, БОШ РЕДАКТОР ЎРИНБОСАРИ—320828.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ—330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА, САНЪАТ,
ХАТЛАР БЎЛИМИ—332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК—
332479, РАССОМЛИК—330918.